



Шарк қолғузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи



51-йил чақиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, оташин ватанпарвар, атоқли революционер ва тинчлик учун, коммунизм учун курашчи, замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этди.

Л. И. Брежневнинг бутун кўп қиррали фаолияти, шахсий тақдири Советлар мамлакати тарихидаги энг муҳим босқичлардан ажралмасдир. Коллективлаштириш ва индустрлаш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, қўриқни ўзлаштириш ва космосни тадқиқ қилишни ташкил этиш — мана шулар ишчилар синфининг шонли фарзанди Леонид Ильич Брежнев таржимаи ҳолининг ҳам босқичларидир. Партия Леонид Ильични қаерга юбормасин, у ҳамма жойда ўзига хос ғайрāt ва қатъият билан, дадиллик ва принципиаллик билан, партиянинг улуғ идеаллари учун садоқат билан курашди.

Совет кишилари, бутун дунёдаги дўстларимиз партия ва давлат турмушининг ленинча нормалари изчиллик билан қарор топтирилганлигини, социалистик демократия такомиллаштирилганлигини ҳақли равишда ўртоқ Брежневнинг номи билан, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларидаги тинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб билмоқдалар. У партия ленинчи штаби — унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси фаолиятига донолик билан бошчилик қилиб, аҳиллик билан коллектив бўлиб ишлашни моҳирона ташкил этиш намунасини кўрсатди. У партиянинг ривожланган социализм босқичидаги иқтисодий ва социал-сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини белгилаш ва рўёбга чиқаришда, мамлакатимизнинг иқтисодий ва муҳофаа қудратини янада мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади.

Партиямизнинг халқаро майдондаги сиёсатини — тинчлик ва тинч-тотув яшаш, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини империализмнинг агрессив кирдикорларига кескин зарба бериш, ядровий фалокатнинг олдини олиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ўтказишда Леонид Ильич Брежневнинг хизматлари бебаҳодир. У жаҳон социалистик ҳамдўстлигини жипслаштиришга, халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришга буюк ҳисса қўшди.

Леонид Ильич ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача унинг фикри-зикри ва ишлари батамом меҳнат аҳлининг манфаатларига бўйсундирилган эди. У меҳнаткашлар оммаси билан ҳамиша жуда яқиндан чамбарчас бўлиб келди. У барча қатъалардаги коммунистларнинг, юз миллионлаб кишиларнинг онгида ленинча ғоявийлик, изчил интернационализм, революцион оптимизм ва инсонпарварликнинг тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бошимизга оғир жудолик тушди, мусибатимиз чексиз. Шу қайғули дамларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг ленинчи Марказий Комитети, Леонид Ильич Брежневнинг самарали таъсирида вужудга келган раҳбар ўзаги теварагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Халқ партияга, унинг қудратли коллектив ақл-заковатига ва иродасига ишонади, унинг ички ва ташқи сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлайди. Ленин байроғи, Октябрь байроғи ишончли қўлларда эканлигини совет кишилари яхши биладилар. Шу байроқ остида жаҳоншумул тарихий ғлабаларга эришилди.

Партия ва халқ КПССнинг XXIII—XXVI съездлари ишлаб чиққан коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор программаси билан қуроилланган. Бу программа муттасил амалга оширилмоқда. Партия ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш асосида халқ фаровонлигини юксалтириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида идеологик жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида бундан буён ҳам ҳар томонлама ғамхўрлик қилаверади.

Совет халқининг тинчликка бўлган иродаси ўзгармасдир. Халқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини беҳуда сарфлашга дучор қилувчи урушга тайёргарлик эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш — эртанги кун йўлини ёритувчи йўлчи юлдуздир. 80-йилларнинг Тинчлик программаси, партия билан Совет давлатининг бутун ташқи сиёсий фаолияти шу олижаноб ғоя руҳи билан суғорилган.

Биз халқаро вазиятнинг нақадар мураккаблигини, империализм агрессив доиралари тинч-тотув яшашни қўпориш, халқларни адоват ва ҳарбий муҳолифлик йўлига тойдириб юбориш учун қилаётган уринишларини кўриб турибмиз. Аммо бу нарса бизнинг тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга бўлган азму қароримизни сира бўшаштира олмайди. Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари Советлар мамлакатини ғафлатда қолдирмаслиги учун, потенциал агрессив қақшатқич жавоб зарбасига учраши муқаррарлигини билиб олиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз.

Совет Иттифоқи ўз қудратига таяниб, ғоят сергаклик ва матонат кўрсатиб, ўз ташқи сиёсатининг тинчликсеварлик принципларига ва мақсадларига муттасил содиқ бўлиб қолиб, инсониятни ядро уруши хавфидан омон асраш учун, кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш учун сабот билан курашаверади.

Бу курашда қардош социализм мамлакатлари, миллий ва социал-озодлик учун курашчилар, барча қитъалардаги тинчликсевар мамлакатлар, ер юзидаги жамики софдил кишилар биз билан биргадирлар. Тинчлик сиёсати инсониятнинг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиради ва, бинобарин, шу сиёсатнинг келажаги порлоқдир.

Совет халқи партияни ўзининг синалган коллектив йўлбошчиси, доно раҳбари ва ташкилотчиси деб билади. Ишчилар синфига, меҳнаткаш халққа хизмат қилиш — партия бутун фаолиятининг олий мақсади ва моҳиятидир. Партия билан халқнинг метиндек бирлиги совет жамияти енгилмас кучининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС меҳнаткашларнинг ишончини муқаддас билиб қадр-

лайди, ўзининг омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлайди. Партиямиз ҳар қандай воқеалар рўй берганида ҳам, ҳар қандай синовлар пайтида ҳам ҳамиша ўзининг тарихий вазифаси юксаклигида бўлаверишига халқ амалда ишонч ҳосил қилган. Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган КПССнинг ички ва ташқи сиёсати бундан буён ҳам изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказилаверади.

Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти доимо Коммунистик партияга ва совет халқига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билдириб айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, Ленин партияси раҳбарлигида ўзларининг фидокорона ижодий меҳнатлари билан коммунистик қурилиш планларининг бажарилишини, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишини таъминлайдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 12 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов очди ва нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг вафот этганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленуми аъзолари Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини бир дақиқа қайғули сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Марказий Комитет Пленуми Коммунистик партия, совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният оғир жудодликка учраганликларини қайд этди. Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг, халқаро коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик учун оташин курашчининг юраги уришдан тўхтади.

Ленинчи Коммунистик партия сафида 50 йилдан кўпроқ вақт бўлган, шундан 18 йил унинг раҳбари лавозимида ишлагаң Леонид Ильич Брежнев партия сафларининг жипслигини, Совет Иттифоқининг сиёсий, социал-иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшди. Тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда у бениҳоя буюк роль ўйнади. Мамлакатимиз турмушидаги буюк зафарлар — индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан урушида совет халқининг тарихий ғалабаси, урушдан кейин Ватанимиз халқ хўжалигини қайта тиклаш, космосни тадқиқ этиш, Совет давлатининг экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришдаги ҳамма муваффақиятлар Леонид Ильич Брежневнинг номи билан бевосита боғланган бўлиб, унинг номи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, улуғ Ватанимиз тарихига абадий ёзилиб қолди.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади. У ўртоқ Ю. В. Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқ сўзлади. У билдирилган юксак ишонч — ўзининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги учун Марказий Комитет Пленумига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли бажариш учун, СССРнинг иқтисодий ва муҳофаа қудратини янада мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийликни таъминлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун Л. И. Брежнев даврида ўтказиб келинган бутун ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишга ўзимнинг бутун кучим, билимим ва ҳаётий тажрибамни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетига, Коммунистик партиёга ваъда берди.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Ўртоқлар!

Партиямиз билан мамлакатимиз, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлатининг раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, оташин коммунист, совет халқининг содиқ фарзанди — Леонид Ильич Брежневнинг юраги уришдан тўхтади.

Замонамизнинг энг катта сиёсат арбоби ҳаётдан кўз юмди. Ўртоғимиз ва дўстимиз, қалби дарё, саховатли, сезгир ва меҳрибон, муруватли ва ғоят инсонпарвар одам орамиздан кетди. Ишга астойдил садоқати, ўзига ва бошқаларга нисбатан мурасасиз талабчанлиги, масъулиятли қарорлар қабул этишда донишмандларча эҳтиёткорлиги, тарихнинг кескин бурилишларида принципиаллиги ва дадиллиги, одамларга нисбатан доимо ҳурмат, сезгирлик ва эътибор билан қараши — мана шу ажойиб фазилатлари учун партия билан халқ Леонид Ильични қадрлар ва севар эди.

Леонид Ильич Брежневнинг порлоқ хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олишни сўрайман.

Леонид Ильич, ўз ҳаётимнинг ҳар бир куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, бутун совет мамлакатини тўлқинлантираётган ишлардан ажралмасдир, деб айтар эди. Дарҳақиқат шундай эди.

Мамлакатни индустрлаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва космосни тадқиқ этиш — совет халқи меҳнати ва кураши йўлидаги мана шу ҳамма улуғ босқичлар айни вақтда коммунист Леонид Ильич Брежнев таржимаи ҳолининг ҳам босқичларидир.

Улуғ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қудрати ўсиши ва ҳар томонлама ҳамкорлигининг чуқурлашиши, жаҳон коммунистик ҳаракатининг давримизда инсоният олдида турган тарихий вазибаларни ҳал этишдаги актив иштироки, ер юзидаги миллий озодлик ва социал тараққиёт барча кучларининг бирдамлиги мустаҳкамланиши Леонид Ильичнинг номи ва ишлари билан чамбарчас боғланган. Леонид Ильич Брежнев миннатдор инсоният хотирасида ҳаминша халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, инсоният боши узра пайдо бўлган жаҳон ядро уруши хавфини тугатиш учун изчил, эҳтиросли ва толмас курашчи бўлиб қолади.

Тинчликни империалистлардан илтимос қилиб олиб бўлмаслигини биз яхши биламиз. Тинчликни Совет Қуролли Кучларининг енгилмас қудратига таянибгина ҳимоя қилиш мумкин. Леонид Ильич партия ва давлатнинг раҳбари сифатида, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси сифатида мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳозирги замон талаблари даражасида бўлиши учун доимо эътибор бериб келди.

Сурункасига ўн саккиз йил Леонид Ильич бошчилик қилиб келган партиямиз штабига кирувчи кишилар бу ерда, мана шу залда тўпланишди. Коллектив бўлиб аҳил ишлашни ташкил қилишга, бу штаб

тўғри ленинча йўлни очиб боришига Леонид Ильич қанча куч ва қалб қўрини сарфлаганини ҳар биримиз яхши биламиз. Леонид Ильич партиямизнинг ҳозирги ҳаёти ва фаолиятига хос бўлган соғлом маънавий сиёсий муҳитни вужудга келтиришга нақадар бебаҳо ҳисса қўшганини ҳар биримиз яхши биламиз.

Партиямизнинг марксизм-ленинизмни ҳимоя қилиш йўлидаги принципаал кураши, ривожланган социализм назарияси, коммунистик қурилишнинг энг актуал вазифаларини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилганлиги Леонид Ильичнинг номи билан боғланган. Унинг жаҳон коммунистик ҳаракатидаги фаолиятига қардош партиялар, чет эллардаги синфдош қардошларимиз, социализм учун, капитал зулмига қарши, улуг коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашдаги ўртоқларимиз ҳақли равишда жуда юқори баҳо бердилар.

Леонид Ильич Брежнев фикри-зикри, куч-ғайратлари КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари белгилаб берган иқтисодий, социал ва маданий ривожланишнинг энг катта вазифаларини ҳал этишга қаратилган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди. Бу вазифаларни амалга ошириш, партиямиз билан Совет давлатининг Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат йўлини изчиллик билан амалга ошириш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир. Шу тариқа биз орамиздан кетган раҳбарнинг порлоқ хотирасини энг яхши тарзда эъзозлаган бўламиз.

Қайғумиз чексиз. Бошимизга тушган мусибат оғир.

Мана шу вазиятда сафларимизни янада маҳкамроқ жипслаштириш, партия Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ бирлашиш, ўз лавозимимизда, ўз ҳаётимизда совет халқининг бахт-саодати учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун, коммунизм тантанаси учун имкони борича кўпроқ иш қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир, ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

Совет халқи ўз Коммунистик партиясига астойдил ишонади. Ишонининг боиси шуки, партия учун совет кишиларининг туб манфаатларидан бошқа манфаатлар бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Бу ишонч-ни оқлаш — коммунистик қурилиш йўлидан олға бориш, социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топишига интилиш демакдир.

Ўртоқлар, бизда энг қийин пайтларда ёрдам бериб келган ва ёрдам бераётган, энг мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга кўмаклашаётган куч бор. Бу куч — партиямиз сафларининг бирлигидир. Бу куч — партиянинг коллектив донолиги, унинг коллектив раҳбарлигидир, бу куч — партия билан халқнинг бирлигидир.

Бугун Пленумимиз Леонид Ильич Брежнев хотирасини ҳурмат билан эсга олиш ва у ўз умрини бағишлаган ишнинг давом этишини таъминлаш учун тўпланди.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиши лозим.

Ўртоқлардан шу масала хусусидаги фикрларини айтишини сўрайман.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Сиёсий бюро Марказий Комитетнинг ушбу навбатдан ташқари Пленуми қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлашни менга топширди.

Марказий Комитетимизнинг навбатдан ташқари Пленуми ҳақиқатан ҳам фавқулодда характерга эга. Мамлакат билан партия чуқур мотамда. Леонид Ильич Брежнев орамиздан кетди.

Совет халқи қарийб йигирма йил мобайнида партия ва давлатга бошчилик қилиб ўзининг бутун кучи ва зўр қобилиятини совет кишиларининг бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунистик қурилиш иши йўлида сарфлаган атоқли раҳбаридан жудо бўлди. Инсоният тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт идеаллари учун чинакам толмас, улуғ курашчидан жудо бўлди, деб айта оламиз. Биз, совет коммунистлари, социалистик мамлакатлардаги қардошларимиз, жаҳон коммунистик ҳаракатидаги сафдошларимиз Ленин ишининг истеъдодли давбмчисидан, меҳнаткашларнинг манфаатларига астойдил садоқат намунаси бўлиб келган инсондан жудо бўлдик.

Мусибатимизнинг бутун аламини ифодалашга тил ожиз. Аммо шу мотам кунларида ҳаммамиз учун азиз бўлган Леонид Ильичнинг ҳаёт сабоқлари ҳаммамизга буюк мадад бўлиб хизмат қилади.

Леонид Ильич бутун вужуди билан жамият манфаатларини, халқ манфаатларини кўзлаб яшаш истеъдодига тўла-тўқис эга эди. Успиринлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача қунигача ҳаммиша шундай бўлиб келди.

Эзгу тилакларнинг бир ўзигина пуч гап эканини Леонид Ильич яхши билар эди. Тўғри фикрлар айтиш камлик қилади, шу фикрларни аниқ ташкилотчилик иши билан мустаҳкамлаш, уларни кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириш ва унинг онгига сингдириш лозим. Леонид Ильич одамларни севар эди, у одамларга ишона билар эди.

Леонид Ильич бениҳоя довюррак инсон эди. Буни у Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан сўнгги кунигача қилган ишлари билан исбот этди. У бутун ҳаёт йўлидан мардонавор юриб ўтди. Шу билан бирга у ҳар бир ўртоқдаги дадилликни, ҳар қандай синовлар пайтидаги принципиаллик, матонатни юксак, жуда юксак қадрлар эди.

Леонид Ильич билан ёнма-ён туриш, унинг сўзларини тинглаш, унинг ўткир ақл-идроки, заковати, ҳаётсеварлигини яққол сезиш — у билан биргаликда ишлашга мушарраф бўлган ҳар биримиз учун бир мактаб эди.

Леонид Ильич Брежнев бизга бебаҳо мерос қолдирмоқда. Бизнинг 18 миллионли партиямиз якдил ва жипслашган. Совет халқи партиянинг донолигига сидқидилдан ишонади. Кадрларга нисбатан талабчанлик ва ҳурмат, бузилмас интизом ва дадил фойдали ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига мурасизлик ва омма билан алоқани ривожлантириш тўғрисида, совет жамиятининг чинакам демократизми ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш ҳаётимизнинг нормалари бўлиб қолди.

Мана шу раҳбарлик услубини ардоқлаб асраш ва ривожлантириш, Леонид Ильич бизга ўз сўзи ва иши билан васият қилган ҳамма нарсаларни қадрлаш — унинг хотираси олдидаги бурчимиздир, партия ва мамлакат олдидаги бурчимиздир. Партиянинг раҳбар ўзаги, унинг Марказий Комитети, Леонид Ильичнинг ҳал қилувчи иштирокида шаклланган Сиёсий бюро аини шундай бўлиши бунинг мустаҳкам гаровидир. Бизнинг Пленумимиз партиянинг ҳозирги босқичда КПСС XXIII—XXVI съездлари қарорларида аниқ-равшан ва тўла-тўқис ифодалаб берилган ленинча йўлдан бундан буён ҳам қатъият билан олға бораверишини бутун мамлакат олдида, бутун дунё олдида намойиш этади, деб Сиёсий бюро номидан жуда чуқур ишонч изҳор этаман. Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта ҳиссаси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган партияимизнинг ички ва ташқи сиёсати комил ишонч, изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказилаберади.

Халқ бахт-саодати ва ер юзида тинчликни сақлаб қолиш бизнинг асосий йўлимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади.

Бизнинг яхши ўйлаб тузилган муфассал социал-иқтисодий программамиз бор. Экономика тежамли бўлиши керак. Партиянинг кўрсатмаси мана шундай. Бу кўрсатма индустриал ва аграр секторларни техника билан қайта қуrolлантиришни, бошқарувни такомиллаштиришни ва, албатта, меҳнатни ташкил этишни яхшилашни, унинг унумдорлигини ўстиришни билдиради. Шу негизда давлатимизнинг экономикаси муттасил ривожлантирилаберади, халқ фаровонлиги оширилаберади. Худди шу негизда мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланаберади.

Бизнинг саксонинчи йилларга мўлжалланган муфассал, конкрет тинчлик программамиз бор. Бу программа халқнинг орзу-умидларига мос келади. Биз ўз олдимизга кескинликни юмшатиш, қуrolсизланиш, можароли вазиятларни бартараф этиш, ядро уруши хавфини тугатиш вазифаларини қўямиз. Биз ўзимиз учун, ўз дўстларимиз учун, дунёдаги барча халқлар учун пухта хавфсизлик бўлишини истаймиз.

Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильичнинг вафоти сабабли бошимизга тушган жудаликнинг ўрнини тўлдириш жуда қийинлигини ҳаммамиз англаб турибмиз, албатта. Ҳозир партиядаги ишларни коллектив равишда олиб бориш икки ҳисса, уч ҳисса муҳимдир. Барча партия органларида аҳиллик билан биргаликда ишлаш ҳам коммунистик қурилишда, ҳам халқаро майдондаги фаолиятимизда янгидан-янги муваффақиятларни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси вужудга келган аҳволни муҳокама қилиб, менга ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайлашни Пленумга таклиф қилишни топширди. Унинг таржимаи ҳолини айтиб беришга эҳтиёж бўлмаса керак деб ўйлайман. Юрий Владимирович Ленин партияси ишига садоқатли, фидокор коммунист эканлиги, Леонид Ильичнинг энг яқин сафдоши эканлиги партияга ва мамлакатга яхши маълум.

Юрий Владимирович ички ва ташқи сиёсат, идеология соҳасида кўп қиррали ишлар билан шуғулланиб келган. У комсомолларнинг етакчиси ҳам, йирик партия ходими ҳам, дипломат ҳам бўлган. У социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга кўп меҳнат сарфлаган.

Леонид Ильич унинг марксча-ленинча эътиқодини, партиявийлигини, кенг билим доирасини зўр ишчанлиги ва инсоний фазилатларини юксак қадрлар эди.

Барча Сиёсий бюро аъзоларининг фикрича, брежневча раҳбарлик услубини, халқ манфаатлари тўғрисидаги брежневча ғамхўрликни, кадрларга нисбатан брежневча муносабатни, агрессорларнинг кирди-корларига бутун куч билан қарши туриш, тинчликни эҳтиёт қилиб

сақлаш ва мустаҳкамлаш қатъиятини Юрий Владимирович жуда яхши ўзлаштириб олган.

Партиявий камтаринлик, бошқа ўртоқларнинг фикрига ҳурмат билан қараш ва, таъбир жонз бўлса, коллектив бўлиб ишлашга иштиёқмандлик Юрий Владимировичга хос хусусиятлардир. Сиёсий бюронинг якдил фикри шуки, ўртоқ Андропов Марказий Қомитетнинг ишончига, партиянинг ишончига лойиқдир.

Азиз ўртоқлар! Биз Леонид Ильичнинг порлоқ хотираси олдида бошимизни эгиб, ўз бунёдкорлик ишимизни тинимсиз давом эттираберамиз, деб тантанали ваъда берамиз. Леонид Ильич қилишга улгура олмаган ҳамма ишлар, унинг раҳбарлигида партия белгилаган режалар албатта рўёбга чиқарилади.



ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ АНДРОПОВ

Юрий Владимирович Андропов 1914 йил 15 июнда Ставрополь ўлкасининг Нагутская станциясида темирўлчи оиласида туғилди. Олий маълумотли, 1939 йилдан КПСС аъзоси.

Ун олти яшар комсомоллик чоғида Ю. В. Андропов Шимолий Осе-тия АССРнинг Моздок шаҳрида ишчи эди. Сўнгра унинг меҳнатдаги таржимаи ҳоли Волга пароходчилиги кемаларида давом этди, бу ерда у матрос бўлиб ишлади.

1936 йилдан бошлаб Ю. В. Андропов комсомол ишига ўтади.

У Ярославль областининг Рибинск шаҳридаги сув транспорти техникуми комсомол ташкилотининг бошқа ишлардан озод этилган секретари қилиб сайланди. Тез орада уни ВЛКСМ Марказий Комитетининг Рибинск шаҳридаги Володарский номли кемасозлик корхонаси комсомол ташкилотчиси лавозимига кўтардилар. 1938 йилда Ярославль областининг комсомоллари Ю. В. Андроповни ВЛКСМ Ярославль область комитетининг биринчи секретари қилиб сайлайдилар. 1940 йилда Ю. В. Андропов Карелия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланади.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб Ю. В. Андропов Карелиядаги партизан ҳаракатида актив қатнашади. 1944 йилда Петрозаводск шаҳри фашист босқинчиларидан озод қилингандан кейин Ю. В. Андропов партия ишига ўтади. У Петрозаводск шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, 1947 йилда эса Карелия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланади.

1951 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг қаро-рига биноан КПСС Марказий Комитетининг аппаратида ўтказилади ва КПСС Марказий Комитетининг инспектори, сўнгра эса кичик бўлимининг мудирини этиб тайинланади.

1953 йилда партия Ю. В. Андроповни дипломатия ишига юборади. У бир неча йил мобайнида СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлди.

1957 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирини лавозимига кўтарилди.

Партиянинг XXII съездида ва ундан кейинги съездларида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади.

1962 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари лавозимига сайланади.

1967 йилнинг майида Ю. В. Андропов СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этиб тайинланади. Уша йилнинг июнида у КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

1982 йил майида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

1973 йил апрелидан бошлаб Ю. В. Андропов — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Юрий Владимирович Андропов — бир қанча чақириқ СССР Олий Советининг депутаты.

Ю. В. Андропов партиянинг иродаси билан қаерда ишламасин, ҳамма лавозимларда унинг Ленин, партия улуг ишига садоқати намоён бўлди. У ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини партия қарорларини амалга оширишга, коммунистик ғояларининг таитанаси учун курашга сарфлаб келмоқда.

1974 йилда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби Ю. В. Андроповнинг Ватан олдидаги катта хизматлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У тўртта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Қизил Байроқ ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган.



Иброҳим Раҳим,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ЕРДАГИ ҚУЁШ

Ердаги Қуёш... Ҳур республикалар Иттифоқини Ердаги Қуёш дегим келди. Муболаға эмас, чиройли ибора бўлгани учун ҳам эмас, мамлакатимизнинг ўзи шунақа — қуёш янглиғ жозибали, яратувчи, ўзига жалб қилувчи, эътиборли қудрат. Борлиқ қуёшга интилади, ундан нур эмади, унинг қудрати билан олам гулистон. Бизнинг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳам худди қуёш янглиғ планетамизга илғор ғоялар, озодлик, эркинлик, роҳатли меҳнат, фароғатли тинчлик нурини сочиб, бошқаларга ибрат бўлиб турибди. Ер юзидаги жами яхши ниятли одамлар СССРга ҳавас қилиб, умид кўзлари билан боқмоқдалар. Айниқса шу кунларда замон жумбоқларга тўлиб, дунё империалистик хуружлар билан қалқиб, одамзод тақдири атом қил кўпригида турган оғир халқаро вазиятда халқлар тинчликсевар СССРдан мамнун, миннатдор ва ундан бениҳоя умидвор.

Бизнинг буюк ва беқиёс Иттифоқимиз олтмиш баҳорни кўрди. Яъни озод, эркин, тенг ҳуқуқли миллий совет республикамизнинг бир ёқадан бош чиқариб, ўроқ-болғали бир байроқ остига тўпланиб, ССР Иттифоқи тузганларига олтмиш йил тўлди. Тарих йилномаси ўлчовига тушганда олтмиш йиллик давр вақт эътибори билан ҳеч қанча тош босмайди, тўғриси, денгиздан бир томчидай гап. Аммо инсоният тараққиётига таъсир кучи жиҳатидан олиб қараганда, бунинг салмоғи беқиёсдир. Негаки, шу олтмиш баҳорнинг ҳар бири ўзига хос, ғоясига мос бус-бутун тараққиёт даври бўлиб, тарихда тарих яратди.

Бу тарихга бир назар ташлайлик.

Буюк Владимир Ильич Лениннинг кашфиёти, Улуғ Октябрнинг маҳсули бўлмиш Совет ҳокимияти туғилган куниданоқ миллатларнинг озод, эркин, бирлашган Иттифоқини — мустақкам Совет давлатини вужудга келтиришга хизмат қилди. Максим Горький улуғлаган, Владимир Маяковский оташин куйлаган, Ҳамза Ҳакимзода «Яша Шўро!» деб ардоқлаган Совет ҳокимияти ўсиб, улғая борди. Тез орада мамлакатимизда мустақил миллий совет республикалари, миллий давлат автономиялари вужудга келди. Мустақил тўрт совет давлати — РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, ЗСФСР (Озарбайжон, Арманистон, Гуржистон Иттифоқи) кенг миқёсдаги катта ишлари билан олам афкор оммасининг орзу-ҳавасини уйғотмоқда эди. В. И. Лениннинг федерация принципига асосланган бу республикалар ҳамкор, ҳамжиҳат, ҳамнафас бўлса-да, ташкилий жиҳатдан бир бутун, яхлит ва ягона

Совет давлатига бирлашиш эҳтиёжини сеза бошладилар. Чунки ўша кезларда ёш Совет ҳокимиятига қарши хорижий кучлар ғаламислиги кучайиб борарди. Ички иқтисодий-сиёсий, маданий қурилиш муаммоларини кўплашиб ҳал этиш эҳтиёжлари тобора яққол сезилиб турарди. Ички-ташқи муаммолар ҳам бирлашган қудратли Совет давлати зарурлигини тақозо қиларди. Коммунистлар, меҳнаткаш омма бу заруратни яхши ҳис қилар ва ягона Совет давлатига бирлашишни талаб қилардилар, инсон қудрати бирликда, дер эдилар.

Кўп миллатли Совет давлати тузиш ғояси доҳиймиз Владимир Ильичнинг мақсади эди. Мамлакатимиз халқлари бу ғояни қўллаб-қувватлай бошлагач, у материал кучга айланди-да, миллий совет республикалари ихтиёрий Иттифоқ тузишга киришдилар. Мақсад битта: бирлашиб совет ерини ташқи-ички душманлардан сақлаб қолиш; истак ҳам битта: биргалашиб Совет давлати экономикаси, фани, маданиятини кучайтириш. Ният: ҳамма миллий ўлкаларни баб-баравар ривожлантириб, қолоқ ўлкаларни ҳам илғорларга тенг қилиш. Ҳуқуқ тенг: катта-кичик - айирма йўқ. Тиллар турлича, аммо маданият ягона: шаклан миллий, мазмунан социалистик. Гражданлик паспорти ҳам ягона: мамлакатда яшовчи меҳнаткашнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқли совет граждани, мамлакатнинг хўжайини. Бирдан-бир раҳбар, етакчи куч: Коммунистик партия!

Ана шу ҳаётий, инқилобий асосда кўп миллатли иттифоқчи республикаларнинг ихтиёрий равишда ягона қудратли Совет давлатига бирлашиши масаласига Коммунистик партиямиз раҳнамолик қилди. Бу масалани, аввало, 1922 йил Октябрь ойида РКП(б)нинг Пленуми муҳокама қилди. В. И. Ленин таклифи билан шу хусусда қарор қабул қилинди. Пленумда тузилган комиссия Пленум директиваси асосида СССР тузиш қонун-лойиҳасини ишлаб чиқди. Кишилик жамияти тарихида яккаю ягона ҳисобланган кўп миллатли, тенг ҳуқуқли социалистик миллий республикалар Иттифоқи вужудга келди.

1922 йилнинг 30 декабрь кuni Советларнинг Биринчи съезди бир овоздан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи - СССР ташкил қилиш тўғрисида Декларация ҳамда Шартнома қабул қилди. Шундай қилиб 30 декабрь - дунёда ягона, қадрдон биродарлар — социалистик республикаларнинг улуг давлати туғилган кун бўлиб таърихга кирди.

Оламшумул воқеа! Янги замоннинг янги типдаги энг олий демократик ҳокимияти!

СССРнинг ташкил топиши — Ер юзида биринчи марта турли миллатлар, элатлар ихтиёрий Иттифоққа жипслашган, дўстлик, биродарлик, тенг ҳуқуқлилик, қардошларча ҳамкорликка асос солган янги хил давлат майдонга чиқди. Кўп миллатли давлатлар авваллари ҳам бўлганди, аммо уларнинг замини балчиқ эди. Миллатларнинг бир-бирига душманлик, ҳуқуқан тенгсизлик, колоннал қуллик, шовинистик асосларга қурилган капиталистик тузумда қандай қилиб ихтиёрий иттифоқ бўла оларди?! Албатта бўла олмасди. Австро-Венгрия каби бундай усулда тузилган давлатлар чок-чокидан сўкилиб, ҳалок бўлди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ҳам ана шундай кунга учрайди, деб вайсаган душманлар оз эмасди. Уларнинг уйдирмаларини пуч қилиб, кўзларини куйдириб, жигар-бағрини тилка-пора қилиб, бизнинг Иттифоқ олтимиш йилдан бери яшамокда, камол топмокда. У кундан-кунга улғайиб, кучга тўлиб, жаҳонга нур сочмокда.

Бунинг сири — халқлар дўстлиги, совет идеологиясининг ғалаба-си, совет халқи интернационализмининг тантанасидир, деб биламиз. Бу ғалабалар жамият тараққиётида бениҳоя зўр сифат ўзгаришларини ясади, одамларда юксак инқилобий парвоз, коммунистик ахлоқ онги пайдо қилди. Совет кишисига эгоизм ёт бўлиб, коллективизм унинг ҳаётий зарурати бўлиб қолди. Бир байроқ остидаги биродар миллатларнинг маънавий-сиёсий бойлиги бўлмиш бу сифат ўзгариши бирли-

И. РАҲИМ ДИ ДУРДАГИ ҚУЕШ

ги мамлакатимиз тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Олтмиш йиллик коммунистик тараққиёт ҳаракати мамлакатимизни ердан қуёшга кўтарди. Феодализм сарқитлари билан аралаш-қуралаш кун кечирган, чор Россияси, деб аталган мамлакатда социализм ғалаба қилди. Бу икки ижтимоий-сиёсий тузум ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги ҳаммага аён.

Рақамлар келтирай. Ҳа, ҳаммага маълум ва машҳур бўлса-да, айрим солиштирма рақамларни айтиб ўта қолай.

Бизнинг Иттифоқимиз ўзининг олтмиш йиллик юбилейини қандай ғалабалар билан кутиб олганини қўйдагича таққос қилса бўлади:

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Бутун Иттифоқда 1913 йилга нисбатан 167 марта ўсган бўлса, Белоруссияда 221 марта, Қозоғистонда 239 марта, Молдавияда 282 марта, Қирғизистонда 347 марта, Арманистонда 362 марта, Ўзбекистонда 158 марта ўсди. Бу рақамлар 1979 йилги якунларга оид. Бинобарин, бугунги кунга келиб бу қиёслар янада кўпайди-да, мислсизлик касб этди.

Бу республикаларнинг қайси бирини «қолоқ ўлка» деб бўлади? Буларнинг ҳар бири саноат ишлаб чиқаришида хорижий капиталистик давлатлардан илғор бўлса илғорки, мутлақо орқада эмас!

Сиёсий-иқтисодий ривожланишда ҳам бундан олтмиш йил аввал миллий республикалар ўртасида мавжуд бўлган нисбий тафовут йўқ бўлиб кетди. Қайси миллий совет республикаси иккинчи бир тенг ҳуқуқли совет республикасида кам ривожланди, деб айта оламиз? Партиямизнинг ленинча миллий сиёсати туфайли ҳамма республикалар баб-баравар ривож топди. Собиқ қолоқ ўлкаларга эътибор кучайгани туфайли, уларнинг ҳар жабҳадаги ривож космик суръатларда ўсди. Эндиликда «қолоқ ўлка» деган иборанинг ўзи луғатимиздан чиқиб кетди.

Инқилобдан аввал-чи? Инқилоб ғалабасининг дастлабки йилларида-чи? У вақтларда кўпгина республикалардаги каби, Ўзбекистонда ҳам саноат корхоналари йўқ даражада: темир йўлга хизмат қилувчи устахоналар, пахта тозалаш заводлари, аравасозлик устахоналаригина бор эди. Бинобарин, ишчилар синфи ҳам етакчи ўринда эмасди. Буни асарларимизга асос қилиб олинган объектлар ва қаҳрамонлардан ҳам билиш мумкин. Уша вақтда адабиётимизнинг қаҳрамонлари асосан деҳқонлар, косиблардангина иборат бўларди. Ҳозирги асарларимизда металлургия, машинасозлар, кимёгарлар, газчилар, нефтчилар, қурилиш индустрияси илғорлари, энергетикларнинг қаҳрамонона ишлари мадҳ қилинмоқда. Чунки республикамиз илғор саноатлашган давлат бўлиб қолди. Ўз металимиз, прокатимиз, машинасозлик саноатимиз мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси улуғ рус халқи бошлиқ иттифоқчи биродарларимиз кўмаги билан бунёд бўлди.

Ҳозир Совет Ўзбекистонимизда саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи ишлаб турибди. Уларга бирлашган бир ярим мингдан кўпроқ йирик корхона йилига бешинчи беш йилликда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотдан ҳам кўпроқ маҳсулот бермоқда. Ҳозир бир кунда тайёрлаётган маҳсулотимиз Чор Россияси 1913 йилда ишлаб чиқарган бир йиллик саноат маҳсулотидан кўпроқдир. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди янада юксак марраларни мўлжаллади. Бу марралар совет халқининг иқтисодий, маданий шароитини тубдан яхшилашга қаратилган. 90-йилларгача мўлжалланган Озиқ-овқат программаси дастлабки қадамиданоқ баракали натижа бера бошладики, бундан ҳамма баб-баравар шод-хуррам.

Ҳаётимизнинг бу соҳасига бағишланган анча романлар, повестлар, пьесалар, кино асарлари ёзилди. Ишчилар синфининг илғор намоёндалари адабиётимизнинг сеvimли қаҳрамонлари бўлиб қолдилар.

Маданият, маориф соҳаларидаги юксалиш якунларида ҳам ҳайрон қоларли даражада салмоқли рақамларни кўриб турибмиз. 1981

Йили Бутун Иттифоқда ҳар 1000 кишидан 833 киши олий ва ўрта маълумотли бўлса, Қозоғистонда бу манзара 1000 дан 836, Туркма-нистонда — 852, Озарбайжонда — 856, Ўзбекистонда — 875 кишига тўғ-ри келади.

Ўзбек халқи қадимдан юксак маданиятли халқ, унинг диёрида Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби олимлар, шоирлар, мута-факкирлар етишиб чиққан. Бироқ инқилобдан аввал меҳнаткаш аҳо-ли асосан саводсиз эди. Китоб ўқиш камдан-кам кишига nasib қилар-ди, китобни муллаларга ўқитиб эшитардилар. Еппасига саводхонлик-ни ўзбек халқига Улуғ Октябрь инъом этди. Эндилликда Ўзбекистон ғарбий Европа мамлакатларидан ҳам ўтиб кетди. Республикада китоб, газета, журнал кирмаган хонадон йўқ! Ҳамма адабий жанрлари ри-вожланган ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиётининг илғор отрядларидан бирига айланди, унинг намояндалари мамлақати-миздан ташқарида маълум ва машҳур. Ўзбек адибларининг асарлари дунё халқлари тилларига таржима қилинган.

Ўзбек совет адабиётининг асосий мавзуи замон қаҳрамонлари-нинг тақдири, ҳозирги долзарб ишлар ташвишларига қаратилгандир. Совет ватанпарварлиги, совет халқлари дўстлиги, интернационализм ўзбек совет адабиётининг шу кунги ва келажакдаги доимий мавзула-ридир. Ҳаётимизнинг ўзи шунини тақозо қилади.

Республикамизнинг шу қадар беқиёс юксалиши, шубҳасиз, халқ-лар дўстлигининг самарасидир.

СССР халқларининг мустақкам дўстлиги Улуғ Ватан уруши дав-рида, айниқса, катта синовдан ўтди. Гитлер фашизмнинг тиш-тирно-гигача қуролланган ҳарбий қўшинлари юртимизга хоинона ҳужум бошлаган дақиқалардаёқ, барча совет кишилари қўлларига қурол олиб, кўп миллатли ўз Совет Ватанини ҳимоя қилиш учун оёққа тур-дилар. Бу даҳшатли урушда совет халқи, унинг қуроли кучлари, СССР халқларининг бирлиги, бирдамлиги ғалаба қилди. Фашистлар Германиясининг идеологлари, уруш бошланishi ҳамон Совет Иттифоқи чок-чокидан ситилиб кетади, унда яшовчи миллатлар русларга қарши бош кўтаради, СССР устидан осон ғалаба қиламиз, деб хомхаёл қил-ган эдилар. Аксинча бўлди. Ватанимизнинг барча миллат ва элатлари бир ёқадан бош чиқариб, фашизмга қарши отландилар. Йигирма мил-лион одам қурбон берсак ҳам, фашизм устидан оламшумул ғалаба қилдик. Уруш жабҳаларида юзлаб жасоратлар туғилди, қаҳрамонлар пайдо бўлди.

Улар орасида юз минглаб ўзбек жангчилари ҳам жон олиб, жон бердилар. Совет Иттифоқи тупроғини ҳимоя қилган минглаб ўзбек ўғлонлари мардона қурбон бўлдилар. Қалуга, Курск, Сталинград, Нов-город учун олиб борилган жангларнинг минглаб ботирлари кўксиди олтин юлдуз, Ватаннинг олий нишонлари порлаб турибди.

Бу уруш қаҳрамонлари ҳақида ёзилган асарлар қўлдан қўйил-май ўқилмоқда, кинофильмлар ва сахна асарлари мунтазам намоиш қилинмоқда. Ўзбек адибларининг шундай асарлари ёшларни ватан-парварлик руҳида тарбиялашдек хайрли ишга хизмат қилаётгани ҳам-мага аён. Аммо Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг жасорати, қур-бонларнинг руҳи олдида адабиётимизнинг холис қарзи кўп. Биз, ада-биётчилар бу соҳада тинмай ижодий хизмат қилишимиз зарур.

Халқлар дўстлиги ва совет интернационализи, уруш бораётган жойлардан Ўзбекистонга кўчириб келинган оилаларга жой берилган-да, ота-онасиз қолган болаларга меҳрибонлик кўрсатиб, уларни тар-биялаб вояга етказганида яна бир бор тантана қилди. «Сен етим эмассан!» деди халқимиз фронт олови ичидан олиб келинган болалар-га сеvimли шоир Фафур Гулом тили билан гапириб:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Кўёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,

И. РАҲИМ
◆ ЕРДАГИ КҮЕШ

Тошкент зилзиласи келтирган оқибатларни бартараф этиб, пойтахтимизнинг Шарқда машъал шаҳарга айланишида ҳам Иттифоқдош республикаларнинг кўмаги озмунча бўлди! Бу ҳақда ўзбек адиблари яхши асарлар ёзиб, жуда тўғри иш қилдилар.

Совет ватанпарварлиги ҳамма соҳада ҳам, шу жумладан пахтачиликни ривожлантиришида ҳам ҳаракатга солувчи қудратли куч бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий, муҳофаа қудратини оширишида пахтачилик қандай роль ўйнашини яхши биламиз. Пахта ўз моҳияти билан металл, дон каби бебаҳодир. Ўзбекистонимиз «оқ олтин» етиштиришида мисли кўрилмаган ғалабаларга эришди. Бу масалада ҳам қиёсий рақамларсиз гап қовушмайди чоғи. Мана рақамлар: Инқилобдан аввалги эллик йил ичида ўлкамиз пахта майдонларидан ҳаммаси бўлиб 6 миллион тонна пахта териб олинган эди. Эллик йил ичида олти миллион. Ҳозир йилга олти миллиондан ортиқ пахта олинапти. Пахтакорларимиз бир йилда эллик йиллик меҳнатга тенг иш қилишяпти. Илгари гектаридан зўрға 5-6 центнердан ҳосил олинарди. Ҳозирги кунда 40-50 центнердан пахта тайёрлаш одат тусига кириб борапти. Л. И. Брежнев айтганларидай, «оқ олтин»ни олтин қўллар етиштиряпти. Юқори ҳосил усталари орасида оламга машҳур ўнлаб қаҳрамонлар етишиб чиқди. Турсунқуловчилар, турсунойчилар, одиловчилар йирик асарларимизнинг муносиб образлари бўлиб қолдилар. Аммо бу ҳали етарли эмас, пахтакорларнинг жасоратини кўрсатиб берувчи тўлақонли образлар яратиш ҳали ҳам кечиктириб бўлмас вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Деҳқончилигимиз ҳар жиҳатдан илмий асосга, техника қудратига, суғориш иншоотларига эга бўлгани учун ҳам баракали, салмоқли, қудратлидир. Бу масалада ҳам рақамларга мурожаат қилмай ўтолмайман: Республикамизда ҳозирги кунда 974 та сув чиқариш ва суғориш тармоқлари мавжуд. 30 та гидротехника иншооти, 20 та сув омбори, 70 та канал ишга солинди. Бу каналлардан далага оқаятган сув Амударё ва Сирдарёда йилига оқиб ўтадиган сув ҳажмига тенг келади. Сув учун олиб борилган олти йиллик курашнинг якуни ана шундай салмоққа эга.

Ирригация ва мелиорация соҳасида республикамиз катта тажриба орттирди. Бизнинг қадимги миробчиликда, кейинги ирригация-мелиорация соҳасида орттирган бой тажрибаларимиз ҳозир Россияда, Африка ва Осиёда катта иш берапти. Ўзбекистон тажрибакорларининг Ноқоратупроқ ерларда олиб бораётган ўзлаштириш ишлари интернационал ҳамкорлик намунаси ва халқлар дўстлиги қудратининг тантанасидан бир нишонадир.

Бир сўз билан айтганда, «куч бирликда» деган гапнинг ҳикмати-ни ҳар жабҳада сезиб турибмиз. Ҳаётини зарурат туфайли, ихтиёрий равишда бирлашган совет миллий республикаларининг халқлари инсониятнинг енгилмас қудратига айланди. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деб аталмиш бу қудрат олти йил ичида башариёт машъали бўлиб, кўҳна дунёни чароғон этмоқда. Бу қудратли машъала дунё тургунча туради ва оламни Октябрь нури билан ёрита боради.

Яшасин СССР!






Дўстлик гулдаси

Ҳамид Олимжон

Россия



Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй, осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга,
Қуёш қуча олмас сени дафъатан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то
Шимолга етгунча кетади ҳолдан,
Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам
Неча бор қўнарлар сенда учганда;
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —
Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,
Қўшилиб чулганса сенинг белиннга.
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча, сенинг элиннга.

Бало-офатларни енгиб ўрганган
Муҳаббатинг улуғ, юраинг кенгдир,
Сен қардош элларга энг монанд Ватан:
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас,
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда
Навой шарафи яшар муқаддас.

Кўрганда бўлганман чуқур сукутда
Ленин яшаб турган пичан ўтовни;
Пўлат қиличингни кўрганман ўтда,
Халқимиз Москвадан қувганда ёвни.

Қаҳратон қишингда, баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди;
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим.
Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда
Кўмирдан ҳам қаро тонглари кўрдим.

Меҳринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди,
Муқаддас қаҳрингга беролмасдан тоб
Тупроғинг остида фашист чирийди.

Оғир қурол билан солган овозанг
Ларзага келтирар арзу самони,
Сен дарё бўйида олиб борган жанг
Тамом ўзгартирар обу ҳавони.

Йигитлар сен учун жангга кирганда,
Ботирлар осмонда берганида жон,
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг енгишингга келтирдим имон.

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1943.

Сергей Наровчатов,

РСФСР



Капитан алёри

Меҳмон қилар Ўзбекистон,
Кутар шаҳру қишлоқлар.
Бизга тутар Шоҳимардон
Тош қадаҳда булоқлар.

Бизлар — шимол аҳли, бу кун
Ором олар жонимиз.
Раҳмат салқин еллар учун,
Эй Шоҳимардонимиз:

Раҳмат, солдинг ёдимизга
Қиш нафасин ногаҳон;
Шимол бўлиб, ўшаб бизга,
Сен бу юртда хуромон.

Жилғаларнинг навосига,
Чинорларга эгиб бош.

Кирдик хаёл дунёсига,
Бизга тенгсиз шавқ йўлдош.

Бизни сўлим бу маконга
Олиб келган ўша шавқ.
Дўстим дейди: боқ ҳар ёнга,
Ишонади бизга Шарқ.

Шарқ ишонар бизнинг ишққа,
Чунки бизда альбабад —
Биродарлик ва қўшиққа
Бордир буюк садоқат.

Ҳамза ўтган кўчаларда
Кўзлар қилар ҳангу-манг,
Дегим келар ўзбекчада
«Ҳей, ёр, кўзингдан аканг!»

Бу кўзларга йўқдир таъриф,
Жон оларди мужгонлар
Епинчиғин сал кўтариб
Боққанида жувонлар.

Ииллар оша ўшал кўзлар
Нури ёнар кўнглимда,
Ҳам қаро, ҳам ўт юлдузлар
Нури ёнар кўнглимда.

Жон Фарғона, гўзалларинг
Тушларимда кўраман.
Навойининг ғазалларин
Еддан ўқиб юраман.

Жон Фарғона манзараси
Мунаққашдир юракка.
Найза бўлиб минораси
Санчилибди фалакка.

Қатта канал олар кўзим,
Қувонтирар бу чаман.
Бу юртда мен коммунизм
Жамолини кўраман.

Мақтаб хазон билмас чаман
Ва кўзлар хуморини,
Қадаҳ олиб, тост айтаман —
Капитан алёрини.

Мана, январь қиш чошгоҳи,
Уч кунки жанг, ўт, тутун.
Пултуск — душман қароргоҳи
Таслим бўлди шу бугун.

Ўзга диёр ва ўзга май,
Кўлга олиб мен уни,
Жануб ўлкам учун ичай
Жангининг тўртинчи кунни.

Андрей Дементьев,

Москва

Тошкент навбаҳори



Тошкент навбаҳори. Қулф урар боғлар,
Ҳарён оппоқ, оппоқ, бамисли хаёл.
Кўнглимни эркалар тоза ирмоқлар —
Болаликнинг олис қўшиғи мисол.

Тошкент навбаҳори. Шишадек осмон,
Кўзни қамаштирар ранглар дунёси.
Тошкентга ярашар гуллар нафармон,
Қизга ярашгандай келин либоси.

Унда аёл қалби — она қалби бор,
Қайда бундоқ мунис, меҳрибон маскан?
Вақт ўтар, оналар қарир ва зинҳор
Дунёда яхшилик қаримас экан.

Она Тошкент, сенга меҳрим бепоён
Бепоён меҳрингу шафқатинг учун.
Сен неча жонларни асрадинг омон,
Бош эгай оналик ҳурматинг учун.

Бош эгай, умрбод қилайин таъзим
Олижаноблигинг, саховатингга.
Болакай эканман, Сенда ишондим
Биродар юраклар садоқатига.

Тошкент навбаҳори. Оппоқ ва сўлим,
Олам тўла кулгу, зиё ва сурур.
Чин дўстга ярашар бундоқ табассум,
Севган кўнгилларга ярашар бу нур.

Э. ВОҲИДОВ таржималари.

Формула



Ҳарфу рақам ари каби
 Ғўнғирлаган синфимизга
 Яна, Вера Ивановна,
 Учиб кирдим шамол бўлиб.
 Байрам яқин,
 Кўча-кўйлар
 Имо қилар яшнаб бизга,
 Кундаликдан эса боқар
 «2» баҳо қовоқ солиб.
 Бу баҳони дарҳақиқат
 Жуда ҳалол олган эдим
 Пифагорнинг чуққисидан
 Усал бўлиб йиқилганда.
 Шунинг учун энди пинҳон
 «Уҳ» деб қўяр барно қўшним,
 Офтоб эса графиндан
 Менга боқиб қилар ханда.
 Аргентина ўрмонидай
 Чалкаш эди формулалар,
 Адашардим доскада ҳам
 Саҳродаги туя мисол.
 Кейин билсам,
 Чаккангизга
 Кўнган шунча оқ толалар
 Мен олган у «2»лардан
 Унган экан худди ниҳол.
 Азиз Вера Ивановна,
 Утиб борар, мана, йиллар,
 Турналар ҳам хайрлашмоқда,
 Қаримоқда ҳатто кузак.
 Чаккангизни кумуш безаб,
 Тарк этибди қизил гуллар,
 Бизларга ҳам ярашмайди
 Ер чангитиб копток тепсак.
 Уқувчилик кийимини
 Кийди ўғлим бугун хушҳол.
 Маҳталдир у тез орада
 Янграувчи қўнғироққа.
 Мен формула қидираман,
 Илож топмай бўламан лол
 Бизлар учун сарф айлаган
 Ёшлигингиз қайтармоққа.



Она диёр, Белоруссиям,
Менга қўшиқ ато эт бу дам!
Тарих билан тенгдош ўлкамиз
Жўр бўлганда соз каби сергак,
Қайинзорлар куйласа нафис,
Эманзорлар сўйласа эртак,
Жоним билан тинглайн мен ҳам!

Она диёр, Белоруссиям,
Менга суянч ато эт бу дам!
Беланчагим бошида аста.
Алла айтиб, эъзоз айлаган
Улуғсифат ям-яшил арча,
Қадди баланд қарағайлардан
Менга суянч ато эт бу дам!

Она диёр, Белоруссиям,
Менга бир йўл ато эт бу дам!
Урмонларинг, далаларингдан,
Соҳиллардан ўтгим келмоқда,
Уфқ ила туташиб ётган
Кенгликларга етгим келмоқда,
Менга бир йўл ато эт бу дам!

Она диёр, Белоруссиям,
Ташналигим қондиргин бу дам!
Бир пиёла тўлдириб узат
Губори йўқ қудуқ тубидан,
Бадандаги ҳар қандайин дард
Ариб кетгай унинг сувидан,
Ташналигим қондиргин бу дам!

Она диёр, Белоруссиям.
Нур бахш айла кўзимга бу дам!
Ана — қишлоқ, анҳор, ўтлогим,
Боққан сари ҳузур қиларман,
Умрим борки, кўркини доим
Юрагимга муҳр қиларман,
Нур бахш айла кўзимга бу дам!

Ўлжас Сулаймонов,

Қозоғистон ССР

Исमत оқиннинг сўнги сўзи



19-аср

Исमत Ҳазорбой оқиннинг ёшгина барно хотинини ўғирлаб кетди. Миш-мишларга қараганда, улар бир-бирларига илгарироқ кўнгил қўйишган экан. Лекин кўп ўтмай икковини ҳам тутиб келишди. Энди Ҳазорбой улар устидан ҳукм чиқариши керак.

Арқонга чирмалган Исматни ўтов остонасига келтириб ташладилар. У уриниб-суриниб, ниҳоят қаддини тиклади. Алибек, тиржайганича, икки марта тиг урган эди, арқон ҳалқа-ҳалқа бўлиб, ерга туш-

ди. Исмат ҳалқаларга кўз югуртди ва бир тегиб, ҳар томон тирқира-тиб юборди.

Терлаб-пишган отлар, ҳамон ҳансироғи босилмаган бўлса-да, ўтов атрофидаги ўт-ўланни чимчиш билан овора.

Исмат эса, толиққан қўлларини силаб, чорқирра эшик қасавасидан қоп-қоронғу ўтов ичига боқар ва сўнги сўзларини оҳиста қўшиқ қилиб айтди:

«Муздек кўл юзидан юзимга ҳаёт
Кўзгу тутганига куймайман,
Майли.
Кўп ишлаб ва лекин оз тишлаб,
Ҳайҳот,
Куним ўтганига куймайман,
Майли.
Пасткашга лутф айлаб,
Дўсту ёр билан
Камроқ юрганимга куймайман.
Майли.
Тонглари дуд билан, тунда қор билан
Юзим ювганимга куймайман,
Майли.
Сафарга отлансам, жонон қўлимга
Қаймоқ тутмаса ҳам куймайман,
Майли.
Мен орзу қилган ёр чиқиб йўлимга,
Оқшом кутмаса ҳам куймайман,
Майли.
Ўғлимни тиззамда ўйнатиб хушқол,
Ардоқ этмасам-да куймайман,
Майли.
Оҳудай югурик, дейдилар, иқбол,
Унга етмасам-да куймайман,
Майли.
Ҳар қоя ортидан жонимга ханжар
Таҳдид этса ҳамки,
Куймадим зор-зор.
Фақат бир нарсага куяман, дўстлар,
Одам бу дунёга келолмас такрор.
Умрим, ел сингари, ялаб юзларни,
Ўтиб кетганига куяман холос.
Тану жонимдаги дарднинг излари
Битиб кетганига куяман холос.
Дегайман,
Дилимни поралаб ситам,
Ҳаттоки нафасим узилар онда:
— Ҳазорбой оқиннинг жононасида
Ширинроқ аёл йўқ ёруғ жаҳонда».

У қўшиқни узмай айтди, пинагини бузмай айтди. Қоронғулик тобора қуюқлашиб, куйчининг мағрур боши қоп-қора осмонга босилган беғубор муҳрдай туюлар эди энди.

Боягина уни ҳеч ким кўрмак деёлмасди, демак, бутун жозоба овозида экан.

Шу пайт бир нарсани ўйлаб қолдим: минг афсуски, ҳар дуч келганда, биз унинг юзини кўрибмиз-у, сўзини тингламабмиз. Бирдан эшикдаги парда четга сурилиб, соч-соқоли оппоқ, жиккаккина Ҳазорбой чиқиб келди.

— Алибек! — деб, ўғлини чақирди.

— Лаббай, ота.

Иккита от бериб, буларни жўнатвор.

— Ота, ахир!..

Кетаверишсин, яхшиликча...

Ҳазорбойнинг ортидан, лип этиб, юзини рўмол билан тўсган Боён пайдо бўлди. Исмат ўз отини тутиб, Боённи миндирди. Алибекнинг отига ўзи қушдай қўниб, пошнаси билан бир ниқтади-ю, икковлон қора чўлнинг бағрига сингиб кетишди.

— Ахир, ота!— дейди тиз чўккан Алибек, ўпкасини тутолмай.

— Тушунмаган бўлсанг билиб ол, ўғлим. Сизлар ҳам тингланг. Исмат эр бўлиб, менинг шаънимга доғ туширди. Лекин Исмат шоир бўлиб. Ҳазорбой шаън-шавкатини давом эттиради. Таом тайёрми?

— Пишди, ота!— деб жавоб қилди, олдига ёвлиқ тутиб олган бир барно янгроқ овоз билан.

Донишманд мўсафид:

— Овқатга талаборлар бўлса, дастурхонга марҳамат,— деди-ю, ўтовга кириб кетди.

Емилиан Буков,

Молдавия ССР

Бугун ва эрта



Ўтмишни боғларга ҳаётбахш этган
Баҳор ёмғирига қиламан қиёс.
Бугун у азим боғ вояга етган,
Мевага ҳам кирган гул ёзиб қийғос.

Йўлларга ўхшайди ўтмиш гоҳида,
Унқир-чўнқирлари бағирни доғлар.
Бугун у азамат йўлнинг ёнида
Дарахтдай терилиб яшнар чироқлар.

Ўтмиш — бир нуқтага жам бўлган
нурга,

Тафаккур, чўғига ўхшайди бу тоб.
Уша нур омухта бугун шуурга,
У чўғдан нурланар ҳаттоки офтоб.

Ўтмиш — пойдеворга ўхшаши ҳам ҳақ,
Гўзал уй қад ростлар пойдевор узра.
Бугун ҳавозада гишт термоқда халқ,
Шеърни тиклагандай мисрама-мисра.

Ўтмишни ўйлайман, олис ўтмишни,
Лекин, кўз ўнгимда турар келажак.
Истиқбол зиёси чорлаган қушнинг
Парвози, албатта, баланд бўлажак.

Ҳ. ШАРИПОВ таржималари.

Тўртликлар




Шоирлик номимни бергансан, Ватан,
Ширин илҳомимни бергансан, Ватан.
Сеники эрурман то сўнгги нафас,
Мангу имонимни бергансан, Ватан.

□

Боғим ичра турган қомати ёй гул —
Қаламимга илҳом, кўзга чирой гул.
Уни менинг ўзим экканим боис
Олгандир ифтихор, шавқимдан жой гул.

□

Менинг тўрт томоним гуллатган баҳор
Сенинг висолингсиз мен учун бекор.
Гул — тикон, яшил барг хазон туюлар,
Сенинг кўз пуринга йўғрилмаса, ёр.



1982 йил 29 сентябрь. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари урток Ш. Р. Рашидов «Звезда Востока» журнаliga Халқлар дўстлиги орденини топширмақда.

Қирғиз



Қўлдан қўлга ўтди,
Тўзиди қишлоқ.
Қишлоқ эмас, энди мудҳиш кулхона.
Илма-тешик сарой имлади ногоҳ.
Қирдим.
Ётар эди беҳуш бир она.
Қалбим ўқдай тешди гўдак ингаси,
Тўшаги ҳам похол,
Ўўргаклари ҳам.
Ажалман, деяркан бомбалар саси,
Дунёга келганди янги бир одам,
Она кўзин очди.
Кўзларда гулув.
Тортди гўдагини кўксига беҳол.
Таниди — ёвмасман.
Дея олди: — сув!..
Яна ҳушдан кетди бемажол аёл.
Атроф --- қон.
Атроф — ўқ.
Қултум сув қайда?
Қайдан мен излайин онага нажот?!
Фляга силқитиб қайта ва қайта,
Дўстларим аёлга йиғишди ҳаёт.
Бир бор кўрсайдингиз, қандай ютоқиб
Аёл флягадан ичганини сув.
Емиш ҳам узатдим.
Миннатдор боқиб,
«Исмингиз нима?»,— деб шивирлади у.
«Қирғиз!»— дедим.
Иззат тортса-да кимни,
Менга эҳтирослар даркор эмасдир.
Қирғиз,— дедим.
Лёл қирғиз халқимни
Меҳру муҳаббат-ла эсласа басдир.



Биби Ораздурдиева,

Туркменистон ССР

Почталъон

Жуда-жуда шошиляпман,
Тўхтатмангиз сиз мени.
Сумкамга мен солгандайман жами ҳаёт измини.
Ҳаётсевар юрак борки, йўлларимни пойласин,
Очсин журнал эшикларин, газеталар ойнасин.
Мени кутинг, кутганидай севгилисин маҳбублар,
Ахир менинг қўлларимда — сиз зор бўлган мактублар.

Бу оламнинг қувончлари, оромлари, кулгуси,
 Билингизки, мен кўтарган мактубларда бўлгуси.
 Мен элтаман, муҳаббатнинг тароватли сўзларин,
 Алп йигитнинг барчин қизга ёниб-ёниб бўзларин.
 Тақдир деган соҳир олам асрорлари мендадир,
 Кимнинг кимга севгисию озорлари мендадир.
 Вазминлашиб боради кун туйғуларнинг юкидан:
 Ғам муждаси бошни эгса, тикланар бахт кўркидан.
 Қўлингизда турган мактуб тўнгса дардли мазмундан,
 Ўзгаларнинг айби учун койинманг ҳеч сиз мендан.
 Дилбар қизга хат тутганда бўлсин дейман ишқ сўзи,
 Онага мен берган мактуб бўлсин ўглининг ўзи.
 Лекин нетай, сумкамда бор оппоқ тонгу қора тун,
 Турфа ҳаёт бор-йўғи-ла бунга кўчган бус-бутун.
 Ғўзал қизнинг шўхликлари, онаснинг ҳадиги...
 Мен ўзим зор кутган мактуб бунда йўқдир атиги.

Ибройим Юсупов,

Қорақалпоғистон АССР

Тўртликлар

Бир оҳангни такрорлайсан ҳаргиз, булбул,
 Мақомингдан безмас лекин ҳеч қайси дил.
 Бир шеъримни ногоҳ қайта ўқир бўлсам,
 Айт-чи, булбул, мендан нега куларкин эл?!

□

Ишқ — электр, деяр бўлса қай ким, ҳақдир.
 Манфий, мусбат зарядлари — қўш юракдир.
 Биз икковлон нур берамиз муҳаббатга,
 Қўш зарядга майдон эрур битта тақдир.

□

Кўрсатади кўзгу фақат юзингни,
 Сийратингдан баҳс этмакка эрур лол.
 Кўрмоқ бўлсанг сурат, сийрат — ўзингни,
 Юрагимнинг ойнасига қарай қол.


□

Қай томон бўлмасин олиб борар йўл.
 Йўл деб аталиши шунинг учун-да.
 Бироқ қай кимларга ошно этур ул --
 Ҳамма гап шунда...

□

Енгинамдан ўтган қизил кўйлақдан
 Ифор тушди, баҳор тушди тўрт томон.
 Ифор, баҳор нашидасин туймақдан
 Юрагимда бошланди-ку ғалаён...

Г. НУРУЛЛАЕВА таржималари



Сен
ва
мен

Агар юксак чўққи бўлсанг,
Мен бир булут бўлайин.
Магар ғамгин бўлиб турсанг,
Ё хаёлга тўлиб турсанг,
Теран сукут бўлайин.

Яшнаб турган майдон бўлсанг,
Ёғилай ҳосил бўлиб.
Магар сўнгсиз уммон бўлсанг,
Қучайин соҳил бўлиб.

Сенга туташ ҳар бир оним,
Уйимиздир — Ер юзи.
Агар қўшиқ бўлсанг, жоним,
Мен бўлай унинг сўзи.

Фурсат етиб, бу дунёдан
Ўтсак ишқ-армон бўлиб...
Қуёш бўлиб уйғотурман,
Уйғонурсан тонг бўлиб.

Жансуг Чарквиани,

Грузия ССР

Ғам чекма



Ғам чекма —
Дарчамни очурман ҳозир,
То қуёш тўлдирсин уй-ётоғимни.
Ғам чекма —
Дарчамни очурман ҳозир
Ва асло уймасман қош-қовоғимни.

Ўтгай бу сархушлик,
Ёришгай хаёл,
Менга сув тутарсан шаффоф чашмадан.
Қушлар хонамизга
Қиргай бемалол,
Ушал илк кечадай
Сенга ташнаман...

Ғуссалар тумандай
Эрий борган чоқ,
Далалар гуллардан яшнаса порлаб,
Яна парвоз ила хонамга қувноқ
Учиб киражаксан,
Номимни чорлаб.

Ғам чекма —
Дарчамни очурман ҳозир,
То қуёш тўлдирсин уй-ётоғимни.
Ғам чекма —
Дарчамни очурман ҳозир
Ва асло уймасман қош-қовоғимни.

Арамаис Саакян,

Арманистон ССР

Карвонингдан адашма




Бир ҳикмат эшитдим қайдадир илк бор,
Қўшиқдай, қаламдай у дилда такрор.
Қадимий донолар этмишки изҳор:
Асло карвонингдан адашма, инсон.

Турфа жило билан табнат гўзал,
Қаптар бўри билан дўст эмас азал,
Тиканак қайдаю қайда гул-асал,
Асло карвонингдан адашма, инсон.

Оталар шудгорин қилган тупроқдан
Асрий томирларни қўрққил қирқмоқдан,
Қўл ишин бажармоқ келмас бармоқдан,
Асло карвонингдан адашма, инсон.

Йўқдир она-юртсиз биз учун ҳаёт,
Бундайин ҳаётдан афзалдир мамот,
Қарвондан адашган кимсадир касод,
Асло карвонингдан адашма, инсон.

Ж. ЖАББОРОВ таржималари.



Юстинас Марцинкявичюс,

Литва ССР

Мактаб илҳоми

Ойдин қучиб ётган ўтлоқдан,
Оппоқ-оппоқ туманлардан кел,
Хотир деган сирли йироқдан,
Илк ўқилган романлардан кел,
Кел болалик китобларидан,
Ҳаяжонли, нотинч дамлардан,
Ажиб хаёл офтобларида
Хўп товланган қувонч-ғамлардан.

Чиқиб келгил, шоирона ҳис,
Оқ сиреннинг хушбўй гулидан,
Кел ийманиб жимгина, олис
Ул тортинчоқ севги йўлидан,
Кел ёлгонни билмаган ўшал
Сатримдаги шивирдан бедор,
Боғласанг ҳам кўзимни, ҳар гал
Очиб, сени кўрайин такрор!

Шаррос

Ёмғирга илашиб, қия нур билан
Ногоҳ қулаб тушди ерга бор осмон.
Танини ирмоқлар қитиқлар экан,
Улкан ер қиқирлаб юборди шодон.
Елвизак эсару яйрар далалар,
Бутоқлар оламдан мастдир завқ ичиб,
Сершовқин малаклар каби болалар
Ялангоёқ чопар осмонни кечиб.

Ояр Вацietис,

Латвия ССР

Харсанг қошидаги мовий чучмўма



Нечун тошни чертади бармоқ-баргларинг бу дам?
Қандай хушхабаринг бор, мовий чопар, айта қол?
Эти қотсин ёшликнинг, сизларга бўлсин ҳамдам
Серчўққи юксакликдек — ернинг ёшлиги мисол.

Мана, оқтош бўсалар, шпат бўсалар ҳам бор,
Буниси-чи, айланмиш ёшгина харсангга жим;
Жиблажибон боқади — гўё бунга у айбдор.
Ва зўр бериб чўқийди кристални бетиним.

Шу тарзда девор ушлар гўдаклар бўёқ ялаб,
Шу тарзда юзимизга юзин босади йиллар,
Шу тарзда ўтар инсон формулалар оралаб
Ва, бари бир, бунёдкор бўлиб охир етилар.

Майлига, газ булути ва лава тошсин беҳад,
Уларни парда каби инсон икки ён суриб,
Гранит музикага айланмоқ учун абад
Гўдак билан ўйнашар, тангри-ла базм қуриб.

Барча тусларни бирдан қориштириб, ранг ташиб,
Рақс тушиб тонг келар-у, йитади тунги зулмат.
Кристалл қиррасию нафасимиз титраши
Йўғрилмишдир, билсангиз, битта қалб билан фақат.

Мавҳум доғлар, гранит шакллар барчасидан
Тошга хос ёввойилик, гарчандки, анқиб турар,
Музыка бизни чорлаб формула дарчасидан,
Умид чучмўмасининг қўнғироғи бонг урар,



Матс Траат,

Эстония ССР



Кимман мен?—
Бир бўлак магнит рудаси...

Икки қутб. Битгаси чорлар ҳар қачон:
Тонглаб юрти сари тезроқ йўл сол, деб.
Бошқаси чорлайди ота уй томон:
Она тупроғингдан бир сиқим ол, деб.

Қутблар ораси — чўнг денгиз аро
Бир кема, рудадек шеърни ортганча,
Бутун забти билан учади танҳо,
Бўронли йўл узра наъра тортганча.

Таржимаи ҳол

Кичик эдим ҳали жуда ҳам
Уруш қалди роғи гумбурлаган дам.

Усмирликка ташларкан одим,
Мен трактор гулдуросин тингладим.

Йигит бўлиб етилган чоғда
Шеър бонг урди бирдан қулоқда.

Шу-шу ҳар куни бонг, ҳар кун қалди роқ.

Ҳе, бор-е, деворинг келади гоҳда...
Юрак шеър дардида бемордир бироқ.

Абдулла ШЕР таржималари.

СССР халқлари

адабиёти —

менинг тақдиримда



Ҳамид Ғулом,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Дўстлик — илҳом чашмаси

Биз болалигимиздаёқ рус тилини ўрганиб, унинг битмас-туганмас хазинасидан баҳраманд бўлиб, шу улуг восита орқали бошқа халқлар манъавий оламига йўл топдик. Гарчанд ўзбек зиёлилари ва биринчи навбатда адабиётчилари йигирманчи йиллардаёқ татар, озарбайжон, қozoқ ва шу каби яқин тилларда газета, журнал, китоб ўқий бошлаган бўлсалар ҳам, бироқ рус тилини ўргангандан кейингина қардош халқлар адабиётидан ва жаҳон маданий бойликларидан ижодий фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Рус тилини ўрганиш билан бир вақтда рус тилидан адабий асарлар таржима қилиш иши ҳам бошланиб кетди. Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби етук адиблар таржимасида ўшб йиллардаёқ Лев Толстой, А. П. Чехов, М. Горький, Д. Бедный, В. Маяковский асарларидан намуналар эълон қилинди.

Бизнинг авлодимиз адабиётга ўттизинчи йилларнинг ўрталарида кириб келди. Биз рус тилини пухта ўргандик ва илк шеър, ҳикоя, қиссаларимизни ёзиш билан бирга А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Тарас Шевченко, Коста Хетагуров, Абай ва бошқа классикларнинг асарларини таржима қилдик. Таржима санъатини эгаллаш, бу олижаноб соҳада қалам тебратиш ижодий тажрибамизни бойитди, бинобарин, ўзимиз қардош адабиётларни чуқурроқ ўрганиш билан бирга, уларнинг энг яхши намуналарини китобхонларга ўз она тилимизда етказдик.

Ўзбекистон партия ташкилоти ва унинг раҳбарлигида йилдан-йилга ўсиб, кенгайиб, камол топиб борган Ёзувчилар союзимиз адабиётлар ўртасидаги дўстлик ва амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мустаҳкамлаш масаласига ҳамиша жуда муҳим аҳамият бериб келди. Бу соҳада турли халқларнинг ёзувчилари ўртасидаги ижодий дўстлик тобора кучайиб, яхши натижалар бера бошлади. Николай Тихонов, Владимир Луговской, Леонид Леонов, Владимир Державин, Лев Пенкковский, Константин Симонов, Берди Кербобоев, Мухтор Авезов, Сулаймон Рустам, Мустай Карим, Сергей Иванов, Николай Грибачев, Вадим Кожевников, Анатолий Софронов, Римма Казакова, Лев Ошанин ва яна ўнлаб машҳур ёзувчилар серкуёш республикамизга бир неча марта келиб, биз билан ижодий ҳамкорлик қилиб, ўзбек совет адабиётининг қадрли дўстлари бўлиб қолдилар.

Константин Симонов «Кундалик»ларида ва «Урушсиз йигирма кун» деган қиссасида, шунингдек, «Солдат бўлиб туғилмайдилар» романининг бир неча бобида Улуг Ватан уруши давридаги Тошкентни, бу ердаги учрашувларини ҳикоя қилади. Адиб 1957—59 йиллар давомида Ўзбекистонда яшади, «Тириклар ва ўликлар» трилогиясининг биринчи китобини шу ерда ёзди. У «Правда» газетасининг махсус муҳбири сифатида Мирзачўлда кўп вақт бўлди, қаҳрамон чўлқуварларимиз ҳақида очерклар туркумини яратди. Мен дўстимнинг чинакам қалам заҳматкаши эканини таъкидлаш билан бирга ундан кўп нарса ўрганганимни эътироф этишим керак. У менинг «Қитъалар уйғoқ» балладалар туркумидаги уч балладамни моҳирона таржима қилиб, «Дўстлар овози» деган тўпламга киритди. Бу китобда Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Мамарасул Бобоев, Асқад Мухтор ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърлари ҳам бор. Симонов Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестини ҳам таржима қилди. Константин Михайлович чиндан ҳам Ўзбекистон шайдоси, халқимиз ва адабиётимизнинг садоқатли дўсти, улкан ҳамкоримиз эди.

Мен Михаил Луконинни ҳам фахрланиб эслайман. У республикамизга бир неча марта келди, биз у билан ҳамсафар бўлиб, пахтазорларда, заводларда, Туркистон Ҳарбий Округи гарнизонларида учрашувлар ўтказдик. Луконин Ўзбекистон ҳақида шеърлар ёзди. У менинг «Солдат хати» шеъримни моҳирона таржима қилди.

Москвада, қардош республикаларда жуда кўп ёзувчи дўстларимиз асарларимизни

ўз тилларига таржима қилмоқдалар, ўзбек адабиётини миллион-миллион китобхонлар мулкига айлантирмоқдалар. Мен рус адаби Дмитрий Холендро билан ёшлигимдан буён ҳамкорлик қилиб келаман. У «Машъал», «Бинафша атри», «Мангулик» романларимни рус тилига моҳирона таржима қилди. Юртдошимиз Владимир Карпов «Тошкентликлар» романимни ўзбек тилидан бевосита таржима қилди. «Лола кўл» дostonим Римма Казакова таржимасида ва «Амазонка қўшиғи» дostonим Александр Наумов таржимасида рус тилида қайта-қайта нашр этилди...

Адабиётлар қардошлигига, кенг ижодий ҳамкорлигимизга доир бундай мисоллар беҳисоб.

Гап бу ерда фақат таржима устидагина бораётгани йўқ. Фикр олишувнинг мақсади анча чуқур ва баланддир: бу ерда гап адабиётларнинг бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитиши, амалий дўстлигимиз, қардошлигимиз ҳақида бораётир.

Адабиётлар ўртасидаги бундай мустаҳкам дўстлик, буюк қардошлик Октябр мевасидир, шонли олтимиш йиллиги нишонланаётган ленинча абадий Иттифоқимизнинг тантанасидир.

Пиримқул Қодиров,

Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати

Осмон каби очиқ ва юксак

Ёзувчининг қалби осмон каби очиқ ва юксак бўлганидагина унинг ижодий экинларини ўстирадиган баҳор ёмғирлари гоҳ шимолдан, гоҳ жанубдан, гоҳ шарқдан, гоҳ ғарбдан обиҳаёт олиб келади. Қуёш ҳам осмон очиқ бўлган жойларга кўпроқ нур ва ҳарорат беради.

Албатта, мамлакатимиз осмонининг чегараси бор. Биз душман кучларининг шу чегарани бузиб, осмонимизда учишига йўл қўймаймиз. Шунга ўхшаб, ғоявий муҳолифларимиз маънавий дунёимиз осмонидан ғубор ва тутун тарқатмоқчи бўлганда, биз уларнинг йўлини тўсамиз.

Бу ерда гап ҳаётбахш адабий таъсирлар ҳақида бормоқда. Улар, айниқса, умримиз кўкламида, ёшлик йилларимизда кучли бўлади.

Мен ўсмир ёшимда жуда катта ҳаяжот билан ўқиган биринчи романим «Қутлуғ қон» бўлса, қалбимда ўчмас из қолдирган биринчи қиссам «Ҳожимурот» эди. Лев Толстойнинг «Кавказ асири» қиссасини эса дарсликлардан ўқиганман. Улуғ адабий дехонинг таъсир кучини қарангки, ўша асарларни ўқиганимга қирқ йилдан ошган бўлса ҳам, Ҳожимурот, Жилин ва Костилинларни ҳалигача ҳудди ёшликдан таниган яқин одамларми каби эслаб юраман. Кавказ ҳам ўша китоблар туфайли менга Ўзбекистоннинг давоми бўлган бир маънавий ватандек туюлади.

Бошингиздан таъсирли ва унутилмас воқеалар кечган жойларни умр бўйи эслаб юрасиз, бу жойларга гўё маънавий илдиз отасиз. Бу илдизлар ички дунёнгизга доим озиқ беради ва ҳалиги ўлкаларни сизнинг маънавий ватанингизга айлантиради. Шу маънода Пушкин ва Лермонтов, Гоголь ва Тургенев, Чехов ва Горький асарлари, Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» романлари, совет даврида ёзилган «Тинч Дон», «Очилган кўриқ», «Тор-мор», «Чалаев», «Абай», «Дадил қадам» китоблари бутун мамлакатимизни бизнинг маънавий ватанимизга айлантиргандир.

Адабий алоқалар доим инсоний ҳис-туйғуларга асосланади. Қалбимизда кучли туйғулар кўзғатган, онгимизни жунбушга келтирган адабий асарлар бизни аввало инсон сифатида сеҳрлаб олади. Кейин ана шу сеҳр ижодимизга қуёш нурларидек таъсир ўтказади. Мен бунини, айниқса, Лев Толстойнинг «Қазаклар» қиссасини таржима қилган пайтларимда, бу улуғ ёзувчининг бадиий кашфиётлари орқали ўзим туғилиб ўсган тоғлиқ қишлоқнинг адабий асарга тушадиган томонларини топа бошлаганимда сезганман. Бу ерда ташқи таъсир, яъни сюжет, конфликт ва характер каби нарсаларда ўхшашлик йўқ, чунки замон ҳам, макон ҳам, одамлар ҳам бутунлай бошқа. Аммо табии ҳис қилишда, одамлардаги табиий фазилатларни топишда, қадрлашда, бошқа шу каби кўзга кўринмас ички жараёнларни илғаб олиб, қоғозга туширишда мен ҳалигача Лев Толстойнинг улуғ таърибасидан баҳраманд бўлиб келмоқдаман.

Бугунги қардош адибларимиз орасида Чингиз Айтматовнинг ижодий таърибаси дилимга беҳад яқин туюлади. Мен унинг бадиий асарларидан ташқари «Ер ва сув билан ҳамкорликда» деб аталган мақолалар китобини ҳам қайта-қайта ўқийман. Чингиз Айтматов ҳозир дунёнинг энг улкан ёзувчиларидан бири бўлиб танилаётгани бежиз эмас. Унда зўр санъаткорлик қудратидан ташқари, улкан мутафаккирлик истеъдоди ҳам бор. Мен унинг суҳбатларига ҳам мушарраф бўлганман, «сен билан фақат тенгдош эмасмиз, балки маслакдошмиз» деган сўзларини қалб тўрида сақлайман.

Бир-иккита китобини кўпчиликка манзур қилиб, шуҳрат қозонгандан кейин ҳов-

лиқиб қоладиган ва ёзувчилик масъулиятини унутиб, меҳнат қилмай қўядиган адаблар учраб туради. Чингиз Айтматов бундан мустасно. У асаридан асарига ўсиб, янги ижодий юксакликларни забт этиб бораётган ёзувчилардандир. Бундай ёзувчилар мамлакатимизнинг бошқа ҳамма республикаларида бор.

Улар юксак осмонимиз орқали келадиган баҳор ёмғирлари каби бизнинг қалбимизга ҳам, ижодимизга ҳам маънавий обиҳаёт бермоқда.

Лазиз Қаюмов,

Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати,
профессор

Миннатдорлик туйғуси

Еш бола саводи чиқиб, мустақил ўқий бошлаш қўлидан келиб қолганда, айниқса китобга ўч бўлади. 40-йилларда мен шу ҳолатда эдим. Биздан ёши улўф донолар фақат ўзбек адабиётининг кўп нодир намуналаринигина эмас, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Шевченко, Руставели асарларини, «Сосунли Довуд», «Эр Торғин»ни, Самад Вурғун шеърларини «Воқиф» драмасыни, қардош адабиётларнинг ўнлаб яхши асарларини ўзбек тилида муқовалаб қўйишган экан. Айни вақтда юбилей олдида Навоий китоблари чиқа бошлаган, Муқимий, Ҳамза эса нашр этиб бўлинган эди. Даҳага кирган қуртнинг иштаҳаси билан қоғоз шитирлатиб, китоблардаги маънони музқаймоқдай ютиб лаззат олганмиз. Албатта, кейин ҳам кўп яхши асарлар ўқиш насиб этдию аммо илк таассуротлар умр бўйи сақланар экан.

Иван Ленинг «Тоғ оралиқлари романи»ни мен ўқиган ўзбекча нусхасида охириги, энг қизиқ боби йиртилиб кетган экан. 50-йилларда, студентлигимда, САГУ кутубхонасидан унинг русчасини тополмай, украинчасини ҳижжалаб ўқиб чиққанман.

60-йилларнинг охирида Белоруссия билан декада алмашдик. Аввал улар келишди, танишдик, кейин биз бордик, дўстлашдик. Мана, ҳозир ўзбек китобхони Якуб Колас, Петрусь Бровка, Иван Шамякин кабиларни, уларнинг асарларини яхши биларди. Айни вақтда «Ариқларда қуёш акси», «Ўзбек ҳикоялари» сарлавҳали назм ва наср мажмуаларимиз белорус тилида нашр этилгани, тез тарқалгани ёдимда. Ҳар икки китоб сўзбошида мен белорус китобхонини ўзбек адабиёти билан таништирганман.

Ижодий умр давомида деярлик ҳар бир совет миллий адабиёти билан таҳминан шундай муомала содир бўлди.

СССР халқлари адабиёти барчаси жам бўлиб эстетик тушунчамизни шакллантирди. Рус адабиётини олиб кўраман: Пушкиндан мукамал шеърлат қандай бўлишини, Лермонтовдан лирик кайфият ранг-баранглигини, Гоголдан ижтимоий захархандани, Толстойдан инсон психологиясининг микроскопик нозик тасвирини, Чеховдан қисқаю мазмундор ёзишни, Горькийдан революцион кўтаринкиликни, Маяковскийдан публицистик поэзия кучини, Фадеевдан социалистик реализм доирасидаги романтик руҳни ўргандик. Айтганларим — уққанларимнинг юздан бири. Шу ҳисобга украин юмори, белоруснинг Ватан ҳақидаги бамаъни фалсафаси, грузин ва арманнинг меросга ҳурмати, Болтиқбўйи адабиётининг юксак маданияти, тожикнинг арузга муносабати, туркман ва қирғизнинг фольклор аъналарини қандай ҳал қилганлиги каби кўп ибратли ишлар ҳам киради. Шу эстетик тушунча умр бўйи ақлимиз етган ҳамма жанрларда қилган ишларимизга назарий асос бўлди.

Мен ўнлаб доно устозлардан ўзимга ақл йиққанман. Профессор Леонид Иванович Тимофеев совет адабиётшуносларининг энг йириги ва энг кексаси. Биз унинг «Адабиёт назарияси» дарслигини ўқиб мулла бўлганмиз. Типиклик проблемаси ҳақида кандидатлик диссертацияси ёзганимда, у киши жуда фойдали маслаҳатлар берганини бир умр унутмайман. Профессор Михаил Степанович Григорьев бешинчи курсда менга адабиёт назариясидан лекция ўқиган. Бир кам ўттиз йилдан бери мен у кишининг ўрнида лекция ўқийман ва устозимга ўхшаб ўқишга интиламан.

Шундай қилиб, умр бўйи адабиёт назарияси билан шуғулланишга тўғри келди. Ҳар бир назарий хулоса кўп адабиётлардаги ижодий фактларни умумлаштиришдир. Бу ҳол, ўз навбатида, ҳамisha барча совет миллий адабиётларидан, улардаги янгилклардан хабардор бўлиб туришни тақозо қилади. Бунинг энг яхши йўли ҳамкасабаларнинг китобларидир. Шу маънода Л. Новиченко — украин, Н. Пашкевич — белорус, П. Халилов — озарбайжон, О. Сайфуллаев — тожик, С. Кирабаев — қозоқ, А. Содиқов — қирғиз адабиётларидан менга ҳикоя қилади.

СССР халқлари адабиёти, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқалари нақадар муҳим илмий аспект эканлигини тасдиқлаб, СССР Олий таълим министрилиги университети ва институтларда махсус кафедралар очишни зарур деб топган. Бир кам йигирма йилдан бери мен ТошДУнинг СССР халқлари адабиёти кафедрасининг муди-

риман. Вазифамиз — СССР халқлари адабиётини ва уларнинг ўзбек адабиёти билан ижодий алоқасини ўрганиш ва ўқитишдир.

Ўзбек совет адабиётининг ўзимга замондош бўлган энг яхши арбоблари билан яқин алоқада бўлиш насиб этди. Мен мақолаларимда фақат уларнинг ижоди, маданиятимиз тарихидаги ўрни, ўзига хос хусусиятларинингина эмас, шахсини ҳам ифода-лашга интилдим. Бу нарсани рус адиби Корней Чуковскийдан ўргандим. У узоқ яшаган. Толстойдан Маяковскийгача кўп улуғ ёзувчилар билан мулоқотда бўлган ва улар ҳақида ёзганда, шахсларини ҳам таърифлаб беради. Уқувчи сифатида бу менга жуда ёқди. Ушанга тақлид қилиб ўттизгача ўзбек адибларининг адабий портретларидан иборат китобимни «Замондошлар» деб атадим.

Бошқа бир китобим «Қардошлар» деб аталади ва унда қардош адабиёт вакиллари ҳақида ёзганларимни жамлаганман. Ўзбек адабиётининг улар билан алоқалари бу китобнинг бош мавзуси бўлди. Шу алоқаларни ўрганиш жараёнида мазкур масалалар буржуа идеологияси ва адабиётшунослиги томонидан нотўғри талқин қилинаётганлигини сездим. АҚШ, ГФРда босилган мен ўқиган китобларда бизнинг рус халқи ва адабиёти билан алоқаларимиз тамомила нотўғри талқин қилинади. Бўхтончиларнинг бетамизлиги, ҳақиқатни атайлаб бузиб айтиши ғазабимни кўзғади. Турли минбарлардан (баъзан чет эллардаги илмий-адабий анжуманларда) уларни фош қилдим, ростини кўрсатдим. Шу ҳил ишларим «Меридианлардаги учрашувлар» китобимда жамланган.

Партиянинг адабий танқид тўғрисидаги ўн йил аввал чиққан қарори ишимизда ҳаммамизга программа бўлди. Қарордаги доно фикрлардан бири ҳар бир миллий адабиётнинг асарини умумсовет адабиёти контекстида баҳолаш керак, деган кўрсатмадир. Ҳақиқатан ҳам, шундай қилсак, мезонимиз бир бўлади, маҳалла аҳамиятидаги классиклар бўлмайди, умумсовет адабиёти хазинасидаги улушимиз кўпаяди. Шу тушунчадан келиб чиқиб асарларни баҳоладим ва билганимни ёздим.

Мана энди бирга мушоҳада қилиб кўрайлик-чи, СССР халқлари адабиёти менинг тақдиримда қандай роль ўйнаган экан: у — ўқувчи сифатида менга роҳат бахш этган, мутахассис сифатида эстетик тушунчамни шакллантирган, ижодкор сифатида устозим бўлган, олим сифатида барча ишларимнинг доимий темасини ташкил қилган, профессор сифатида дарсларимнинг мағзидир.

Биздан аввал ҳам адабий алоқалар бўларди, албатта. Аммо инқилобдан аввалги давр алоқалари эпизодик, синфий манфаатлар билан чекланган эди. Социалистик тузум бу алоқаларга қанот берди, уни замонамиз адабиётининг бош қонуниятларидан бирига айлантирди. Чунки партиямизнинг маданият соҳасидаги программаси ҳар бир миллий маданият ривожига тўла имкон яратиб, тараққиёт фўрқали уларни бир-бирига яқинлаштириш ва, пировардида, бу миллий маданиятларнинг энг яхши намуналари асосида коммунистик жамиятнинг ягона маданиятини бунёд этишдир. Ҳаммамиз мана шу улуғ ният йўлида партиямизнинг ёрдамчиларимиз.

Эркин Воҳидов,

Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати

ҚАРДОШЛИК САЛТАНАТИ

Одатда кўп такрорланган сўз ўз қадри-қимматини йўқотади. Лекин шундай сўзлар, шундай тушунчалар борки, улар бизга нондек азиз ва нондек ҳар доим истей-молимизда.

Шундай тушунчалардан бири — ленинча қардошлик тушунчасидир. У муқаддас туйғу бўлиб, бизнинг қонимизда ва жонимизда яшайди ва ҳар гал тилга олганимизда кўнглимизга сурур ҳам ғурур бағишлайди. Бироқ шунда ҳам бу тушунча қадрини эҳтиёт қилмоғимиз керак, оддий сўзга айланиб қолишдан сақланмоғимиз керак. Буни ҳам Лениннинг ўзи айтган.

Қардошликсиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмаганидек, қардош ёзувчиларсиз адабиётимизни ҳам тасаввур қилмаймиз. Мен ўзим биринчи марта Пушкиннинг шеърини ёдлаганманми ёки Навоийнинг ғазалиними — ҳозир эслаёлмайман, кўнглимга Фузулий яқинроқми Фурқатми — айтолмайман. Биринчи бор қўлимга қалам олганимда менга Ҳамид Олимжон рўхнамо бўлганмиди ёки Сергей Есенинми? Ёш руҳимга Ватан муҳаббатини солган Самад Вурғуннинг «Чўх кезмишам бу боғлардан» каби мисраларимиди ёки Шайхи Маннурнинг «Кимларгина Идил, сенга килиб, жирламаган юрак жирларин» сатрларимиди?

Блок ва Есенин, Твардовский ва Светлов, Воқиф ва Леся Украинка, Ҳамзатов ва Қулиев, Капутикян ва Мачавариани, Малишко ва Хузангай. Бу санокни яна давом эттиришим мумкин. Мен улар билан неча кунлар ва тунлар ғойибона ҳамсуҳбат бўлганман, ўзбекча сўзлашганман. Уларнинг қай бир хаёллари, туйғулари менинг шеър-

ларимга сингиб кетган бўлса ва уларнинг ўзбек тилидаги мисраларига менинг ўзлик талқиним қўшилган бўлса не ажаб?

Халқлар дўстлиги — маъхум тушунча эмас. У тирик одамлар дўстлигидан таркиб топади. Менинг ҳам фахр билан тилга олсам арзийдиган қардош, қаламдош ва қадамдош дўстларим бор. Улар мен билан олдинма-кейин адабиётга кириб келган, мана йигирма-йигирма беш йилдан буён ёнма-ён қалам тебратиб келаётган шоир ва ёзувчилар — руслар, украинлар, белоруслар, тожиклар, қирғизлар, чувашлар, қалмиқлар... Буларнинг баъзилари билан йигирма йил аввалги Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар семинарида танишганман, баъзилари билан турли-туман сафарларда бирга бўлганман. Сўхбатларимиз тонгга уланган. Кўп нарсалар тўғрисида гаплашганмиз, лекин «Яшасин дўстлик» деб қадах кўтарганимизни эсламайман. Чунки бу туйғу ҳаммиша кўрганда қувонувчи кўзларда, кўрмаганда соғинувчи юракларда бўлади.

Кел, қардошим,
Икков бўлиб ҳамнафас
Мана шу қадахни ичайлик бугун —
Нотиқлар сўзлаган «ҳамдўстлик» эмас,
Бизнинг шу девона ошналик учун.
Дўстим, шу юксакдан атрофга бир боқ,
Нақадар поёнсиз бу мунис бағир.
Уфқлар ортида кенгликлар йироқ
Буларнинг барчаси бизники, ахир.
Бари бизга мерос,
Биз бунда эга.
Қанчалар улуввор, қанчалар азим.
Буюк Биродарлик салтанатига
Кел, қардош,
Бир марта қилайлик таъзим.

Ҳалима Худойбердиева,

Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати

Бир даража юксалиш учун

Боболар бир вақтлар товуқ пати-ла
Қийналиб-қийналиб ёзган сўзларин
Мен бугун ўқийман, тароватига
Тўймайман, ўқийман тинмас кўзларим.
Мен ҳам борим тўкиб анча шеър ёздим,
Вақту бевақт ёздим: шомда, пешинда,
Аммо уларга ҳам қачонлардир, жим —
Кимдир термуларми, ҳамма гап шунда.

Бу «донолик» ҳислари билан тўлиқ шеърни ёзганимда 8-синфда ўқирдим ва иқрор бўлишим керакки, бутун қалбим, туйғуларим билан Расул Ҳамзаатовнинг таъсирида эдим. Ғамхўр адабиёт ўқитувчимиз А. Каримназаровнинг қаердандир топиб менга олиб келган «Юксак юлдузлар» тўпламидаги деярли барча шеърларни ёд ўқир, қўлимга бошқа китоб тушмагани учунми, ундан ажрала олмасдим.

Уша кунлари ўзимча «кўпроқ ва мазмунлироқ» ёза бошладим.

СССР халқлари адабиётининг менинг камтар ижодимдаги дастлабки таъсир илдишлари, кўринишларидан бири, эҳтимол, шудир?!

«Баъзан шундай бўлади: кимнингдир фикрларига кўзингиз тушиб қолади-ю, мянгангизда хаёл қуюнлари чарх уради», деб ёзади ҳурматли ёзувчимиз Сарвар Азимов. Шундай бўлганди. Орадан кўп ўтмай, бир учрашувда, бу машқларга ардоқли устоз Зулфия опанинг кўзи тушди-ю, ўзимча «фалсафий» руҳда деб ҳисоблаган саккизликларим, шеърларим, «Саодат» журнали, «Совет Ўзбекистони» газеталарида эълон қилинди.

Кейин менинг кўнглимга, тушунчамга «Ер шарига оёғини маҳкам тираган» қудратли «Инсон» билан Эдуардас Межелайтис, аёл қалбининг мастона тебранишлари, мард, фидойи муҳаббати билан Сильва Капутикян кириб келди:

Ортимга бурилмай кета олардим,
Ҳатто Араратдан кеча олардим.
Дарҳол борардим мен, чақирсанг агар!

Мана шу эзгу таъсирлар ижодкор учун беқиёс инъом, менимча. Мен: агар қардош халқлар адабиётининг ҳар бир юксак истеъдодини қунт билан мутолаа қиларканмиз, ҳар биримиз ҳам баҳоли қудрат бир даража ўсамиз, бир даража юксалишимиз, десам, муболаға бўлмас.

Назаримда, бугунги адабиётимиз А. Исаакяннинг донишмандлиги ва умумба-шарий нолаларисиз, Т. Шевченконинг таскинлари, Некрасовнинг ҳасратларисиз кем-тик бўларди. Уларнинг ҳар бири ўз қолдирган мерослари билан бугунги ижодкор авлодга руҳий мадад ташийди, менимча. Турли миллий адабиётларнинг буюк намо-яндаларини катта, умуминсоний дарду қувончлари юрак-юрагимизга сувдай, ҳаводай сингиб кетаётганлиги бежиз эмас. Бу ўртадаги боғланиш хизматини, албатта, энг улуғ, энг қудратли рус тили ўтаётганлигини миннатдорлик билан таъкидлашимиз керак.

«Қанотларни қанчалик кенг ёзиб, катта айлана қилса, одам шунчалар бахтли»,— дейди М. К. Чюрлёнис. Биз фақат шу тил, яхши таржималар орқалигина қанотлари-мизни кенг очиш имкониятига эга бўламиз.

Мен бу ерда тағин ўзимнинг умрлик кўнгил мулкимга айланган М. Ю. Лермон-тов шеърятини тилга олмай ўтолмайман.

Севгимиз тасодиф, нафратимиз ҳам, Йўлида ҳеч нарса қилмаймиз қурбон!

Яна таъсирланиш... онгнинг уйғониши... тафаккур тебранишлари...

Биз-чи, биз, «этиқодим» деб шу қўлдаги қаламга юкинган ёшлар, ўз севгимиз, нафратимиз йўлида, илғор ғояларга этиқодларимиз йўлида қандай кураш олиб бор-япмиз, нималарни қурбон беряпмиз, нималарга эришяпмиз?!

Баъзан баландпарвоз қуруқ шеърларни ўқиб, қозоқ шоири Улжас Сулаймоннинг «миллий маданият», «миллий адабиёт» сўзларини айтиб бўлгандан сўнг қон тупурган одамни кам учратасан» деган аччиқ иқрори эсимга тушади.

Фикримча, бизнинг ажралмас Иттифоқимиз — Умумсовет адабиёти учун ҳам шундай жон куйдириш фурсати етган.

Ахир, Бизнинг муқаддас «Ватан» деган қалъамизни озод этишда турли миллат-ларнинг йигирма миллион фарзанди шу туйғу фидойилиги билан жон бермадими? Ахир, бугунги «БАМ»даги, ноқоратупроқ зоналардаги ўтюррак ёшлар мана шу жон-бозлик, фидойиликни ўзларининг оддий, инсоний бурчи деб меҳнат қилмаяптими?

Бизнинг ҳар биримиз гул бўлибми, бутоқ бўлибми, мана шу умумсовет ада-биёти деб аталган улкан дарахтнинг гуркираб яшнашига ҳисса қўшишимиз керак.

Бу ҳаракат, бу интилишнинг ўзи бизни, ўз навбатида, бир даража юксалти-ради.

Муҳаммад Али,

Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати

Шеърят машъали

Адабиётни ҳаёт мактаби, дейишади. Адабиёт, агар ўқувчи учун бир мактаб вазифасини бажарса, ёзувчи учун икки мактаб хизматини қилади. Бирламчи, ёзувчи унда гоҳи ўзига таниш бўлган, гоҳи эса нотаниш ҳаётнинг инъикосини кўради, икки-ламчи, шу ҳаётнинг адабий асарда қандай шаклда, қандай тимсолу усулларда жило топганлигини кузатади, маҳорат сирларини ўрганади. Мен бу ерда ноёб санъат дурдоналарини назарда тутмоқдаман. Бизнинг қардош халқлар адабиётимизда ана шундай дурдоналар бор ва биз ўзбек адабиётининг буюк асарлари қаторида ана шу санъат дурдоналарини ҳам синчиқлаб ўрганамиз, маҳорат сирларини қидирамиз ва ўз ижодий тажрибаларимизда уларга суянишга ҳаракат қиламиз.

Қардош халқлар адабиётларида шундай ажойиб ёзувчилар, ижоди чинакам мак-таб даражасига чиққан шоирлар борки, уларнинг ҳар бири ҳақида ўнлаб, юзлаб ки-тоблар ёзилган, улар таъсирида янги-янги адабиётлар вужудга келган, бошқа ада-биётларда янги усуллар, йўллар, услублар пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан буюк рус инқилобий-демократ шоири Н. А. Некрасов ижодини кузатиб кўрайлик. Меним-ча, ҳеч ким рус халқининг қўйи табақалари ҳаётини, деҳқонлар, салдовчилар, оч-юпунлар, бир сўз билан айтганда, ушук халқнинг оғир ҳаётини Некрасовчалик ишо-нарли ва кенг ёритиб беролган эмас. Шоир ўз асарлари билан бизга гўё: «Сен халқ ҳаётини ёритмоқчи бўлсанг, у ҳаётнинг ич-ичига кир. Мана кўрдингми, мен шундай йўл тутаиб, мана шундай чўққига чиқдим. Шунга яхши ўқиб ол!» деб ўғит беради, йўл кўрсатади. Ҳамма гап ана шу ўғитни тушунишда, йўлни илғаб олишда қолган. Шоир-нинг ижодий фаолияти ўттиз йилдан ортиқроқ вақтни ташкил қилади, инқилобий-де-мократик руҳдаги бу ижод рус ҳаётининг бутун бир босқичини ўзида акс эттирди. Бу босқич рус турмуши тарзининг ўзгариш палласига — яъни 1861 йилда Россияда крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши даврига тўғри келди. Бу пайтда илғор зиёлилар онгида миллий маданиятга дворянча қарашлар ўрнига янгича, демократ-часига қарашлар пайдо бўлди. Миллатнинг орзу-армонларини ва халқнинг мурод-

мақсадларини якка-ягона шахс нуқтаи назаридан эмас, балки халқ, халқ бўлганда ҳам, ушук халқ нуқати назаридан, «паҳлавону нотовон Русь» нуқтаи назаридан ёритиб берган буюк шоир умрининг охирларида ёзган «Зинага» шеърида:

**Кураш ҳалал берди шоир бўлмоққа,
Жангчи бўлмоғимга қўймади қўшиқ, —**

деб ўксилади. Бу, албатта, буюк шахсларга хос бўлган камтарликдан бошқа нарса эмас.

Некрасов шеърияти мардона шеъриятдир, яна ҳам соддароқ айтсак, агар таъбир жоиз бўлса, эркакча шеъриятдир, бу шеъриятда мажмағил туйғуларга ўрин йўқ, бунда ҳар қандай мусибат, фожеанинг кўзига тик қаралади. «Темир йўл» номли шеърида шоир оғир меҳнат билан қурилган темир йўл тимсолида Россиянинг келажagini кўради. Поездда кетаётганда Ваня деган бола билан хаёлан сўзлашган шоир бу темир йўлнинг қурилиши машаққатли кечганини, уни рус мужиги қурганигини айтиб, болага мужикни ҳурмат қилишни ўргангин, дейди. Рус халқининг бало-офатларни енгиб ўтишини башорат қилади, зеро бу халқ темир йўл қурди, энди у ўзига бундан ҳам кенгроқ, ёруғроқ тахтиравон йўл солади ва бу йўл билан истиқболга қучоқ очиб боради. Ачинадиган битта ери шуки, ўшандай фараҳли онларга етмоқ на ширга насиб этади, на Ваня исмли болага... Буюк шоирнинг бу қароматига ҳайратланасан киши! Мана шундоқ улкан фожеани, «кўз ёши» қилмасдан, мардона, содда тасвирлайди шоир!

Некрасов ўз асарларида персонажлар номидан тортиб, жой номларига, ҳулқу хислатларига, майда-майда деталларга эътибор беради. Буларнинг ҳар бири ўз вазифасига эга. Халқнинг қуйи табақалари тақдири, мусибатли турмуш, авом халқнинг изтироблари — Некрасов қалбини титратган нарсалар шулар. 1848 йилда ёзган, лекин ҳаётлигида эълон қилинмаган бир шеъридаёқ шоир Петербургда, Сенная майдонида юз берган муҳажир воқеани қаламга олади. Ёш деҳқон аёлни калтаклаётган эдилар, аёл эса қамчининг тинимсиз шувиллаб тушиб туришига қарамасдан, инграмас, бутун азобга бардош берар эди. Шоир шу ерда изтиробга тушиб, ўз илҳом парисига қараб: «Азиз синглинг аҳволига боқ!» деб ҳайқиради ва бу билан халқ ҳаётининг куйчиси, меҳнаткаш халқнинг жонқуяри эканлигига ишора қилади. Шоир асарларидаги персонажларнинг номларига боқсангиз ҳам, улар ичида салонларда юрадиган оқбиллақлар, оқсуяқлар номларини деярли учратмайсиз, балки диққатингизни Еремушка, Лука, Орина, Прокл («проклятый» — «худо қарғаган» сўздан), Роман, Демьян, Митродор, Пахом, Пров, Иван каби номлар ўзига тортади.

Халқ ҳаётини кенг ёритиш шоирдан эпикликини талаб қилади. «Русияда ким яхши яшайди» поэмаси ана шундай эпик асардир, поэма-эпопеядир. У ўн тўрт йиллик умрини шу асарига бағишлади, гарчанд асар битмай қолган бўлса ҳам, тугаллик шаклга келгандир. Маълумки, асарда етти деҳқон «Русияда ким бахтли?» деган муаммони ечишмоқчи бўлганлиги ҳикоя қилинади. Бири, заминдор бахтли, деса, муаммони ечишмоқчи бўлганлиги ҳикоя қилинади. Бири, заминдор бахтли, деса, иккинчиси амалдор дейди, учинчиси савдогар дейди ва ҳоказо. Ёзувчи Г. И. Успенский Некрасовнинг ўзидан поэма қандай тугаши кераклиги ҳақидаги фикрларини эшитган экан. Унинг айтишича, поэма бундай тугаши керак эди: етти деҳқон бахтли одамни Русиядан топа олмай, ўз қишлоқларига ноумид бўлиб қайтишаётиб, ногаҳон маст-аласт юрган бир одамни учратишади. Ҳалиги маст деҳқонларга, бахтли одам мана менман, деб мақтанади...

Поэмада етти деҳқон оддий халқ вакиллари сифатида гавдаланади. Шу сабабдан асарда рус халқи ҳаётининг туб-туб манзаралари, ҳатто икир-чикирларга ҳам ўз ифодасини топган. Унда халқнинг урф-одатлари, фольклори, мақолу маталлар, нақллар, хилма-хил характерлар жуда кўп учрайди. Бу асар 1861 йилги реформадан сўнг рус ҳаётида бўлган ўзгаришларни, халқ онгида юз берган бурилишларни акс эттирган қомусий даражадаги бир асардир. Дарвоқе, уни Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ўзбек тилига нозик бир нуқтадонлик ва зукколик билан таржима қилди, ўзбек китобхонининг сеvimли асарига айлангирди.

Мен Н. А. Некрасовнинг мардона ва одил шеърияти олдида таъзим қиламан, ундан кўп нарсалар ўрганиб келмоқдаман. Хусусан, мен «Боқий дунё» шеърий романимни ёзишда А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»и билан бир қаторда Н. А. Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» поэмасининг ҳам ҳаётбахш таъсирини ҳар доим сезиб турдим. Мақсад XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек ҳаётини тўлароқ қамраб олиш бўлганидан бу икки асар менга дастур бўлиб хизмат этди.

«Боқий дунё»нинг бош қаҳрамони Насриддин ҳам ўзбек халқининг қуйи табақа вакили, юпун халқ вакили, у ҳам «ўлғунича ишлайдиган, ўлардан бери бўлиб ичадиган» Яким Нагай сингари содда, балки ундан ҳам соддароқ бир деҳқондир. Эртадан кечгача далада ишлаб нони икки бўлмаган қарол Бойдарвиш ҳам — ўша ким бахтли деб овора бўлиб юрган Демьянлардан бири...

Насриддин темир йўл қураётганлар ичида бир рус йигити — Иван Лапин билан танишади ва бу танишув сўнгга буюк дўстликка айланади. Романинг бошқа бир қаҳрамони Қудрат эса, шу ерда темир йўлни кўриб, машҳур шоирнинг ўтли шеърини эслайди...

Буюк рус инқилобий-демократ шоири Николай Алексеевич Некрасов ижоди биз учун ҳамisha буюк мактаб бўлиб қолажак.

Асқад Мухтор,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати

ЯНГИ КИТОБДАН

Янги шеърий китоб жуда секин, йиллар давомида таркиб топади. Мен қайси жанрда ишлаётганимдан қатъи назар, айни замонда поэзия билан бетиним шуғулланаман. Бу ажойиб санъатнинг сирли ва чексиз имкониятлари, беназир бир мўъжизаси бор. У сиздаги ҳаёт ва одамлар ҳақида ҳамиша ва тобора чуқурроқ ўйлаш майлини рағбатлантириб, фикр қўрини ўчирмай доим учқунлантириб туради. Учқунлардан янги шеърлар тугилиб, китоб таркиб топгандан кейин, қарасангиз — шу ўтган йиллардаги ўз ҳолатингизни, яшамоқ истаб типирчилаб турган безовта бир риҳни кўрасиз.

Шояд уни ўзгалар ҳам кўрса.

АВТОР.



Санъат

Яна куз.

Тоғларга булут чулғанур.
Боғлар сўник хазондин, намдин.
Яланғоч шохларда сўнгги нур.
Ҳазин ва ғамгин.

Мен куз оқшомининг суратин солдим:
Сўник боғ, сўнгги нур ва намчил хазон...
Манзарадан ўзим ҳайратда қолдим,
Ғамгинликни босиб
келди ҳаяжон.

Унга ҳазин бир руҳ бера бошладим,
Бор вужудим ишга шайланди.
У шундай чиқдики, кўзим ёшладим:
Ғамгинлик қувончга айланди...

Қари солдат ҳақида баллада



Тез-тез руҳияти оғир тортади.
Билмас—бундан қандай қутулиш керак?
Гоҳида ҳавода босим ортади,
Баъзан бекорга ҳам зирқирар юрак.

Эски ярадан бу, эски яралардан.
Бу нотинч ўйларнинг йўллари йироқ.
Бугун булут келди яна даралардан,
Бугун яна момоқалдироқ.

Уни тинглашга ҳам асаб зарур, чидам,
Ҳисларин чалғитар сал сурон, сал дард.
...Мана бирдан чақмоқ, олов ичидан
Солдат чиқиб келди.

Ешгина солдат.

Ажабо! Таниди: тенгдошн эди,
У билан жангларда бўлган эди у.
Тушим-ўнгими — қачон, қайдан келди?
Ахир госпиталда ўлган эди у.

— Хай, — деди, — биродар, қарибсан, барвақт,
Турмуш қалай, полкдошлар қалай?—
Қари солдат эса ҳамон турар карахт,
Оддий савол уни гангитди талай.

Бари яхши, дея мақтанса арзир,
Лекин ўйлар даврининг тўлғоқларини;
Полкдошлар... бири бор, бири йўқ ҳозир,
Ҳалол яшади деб бўлмас барини...

Еш солдат ҳайратда, ишонмади у.
Солдатлар бошқача ўйлардилар-ку!?

Бундай ўйлар билан ўлиш қийин эмас,
Қон томчиси эса шундай муқаддас...

— Нега бундай ахир?— дейди ёш жангчи.
— Мен айборми? Уйлаб кўрсанг-чи!
— Сен тириксан, сен қолгансан омон.
— Қўй, мени қийнама, юрагим ёмон.

...Шу пайт яна чақин, момогулдурак
Еру кўкни яна ларзага солди.
Ёш солдат ўт ичра кириб, йўқолди.
Эски жароҳатдан увишди юрак

Ё, замон! Сен нақадар буюк!
Мен — кўрангдан учган заиф нур.
Наҳот гарданимда ҳамон турар бу юк?
Наҳот шундай бўлса бир умр?!

Ҳақиқат

Туғилиш ҳамиша муқаррар эмас,
Бу — маълум ҳақиқат.
Улим ҳам ҳеч, мен ноҳақман, демас,
Бу — малъун ҳақиқат.
Капалакнинг ҳатто ҳақиқати тайин.
Меҳнаткаш деҳқоннинг ўз ҳақиқати,
Ҳақиқатин довлар маҳкум, ошиқ, лаъин;
Шоирларнинг сўз — ҳақиқати.
Ўзича тушунган ҳақиқати бордир.
Очнинг ҳам,
тўқнинг ҳам,
курашчининг ҳам.
Ҳақиқатга ҳамма даъвогардир —
Лоқайд, мурасасиз,— ҳар қандай одам.
Ҳа,
дунёда ҳақиқатлар чексиз,
Ҳақу ноҳақ ундан умидвор.
Лекин биз,
ҳақиқат биттагина, деймиз.
Чунки
бунинг бари —
бизга дахлдор!

Болаликда

Уқ ёғмади бошимизга,
Даҳшатни оналар кўзидан билдик.
Очлик эса бизнинг ёшимизда
Урушнинг бир кунин кўрсатар йилдек.

Пўқ, қолмаган душман бомбасидан
Танамизда занглаган пора.
Аммо оналарнинг қайноқ кўз ёшидан
Бизнинг ёноқларда абадий яра...

Ҳадик

Ер узра улуғвор, сокин руҳ кезар,
Кўзга кўчар нилый осмоннинг ранги.
Бу ором туйғуси шу қадар янги,
Дил ҳатто қандайдир бир ҳадик сезар...

Бирдан, нурда чақнаб кумуш танаси,
Самолёт ўтаркан солиб қалдироқ,
Сесканиб, қўрқувдан бир силкинди боғ,
Дув учди дарахтдан қушлар галаси.

Безиллаб қолганмиз руҳий долғалардан,
Совуқ титроқ туйдим вужудимда мен.
Қарасам, нарида қип-қизил замин,
Ер қип-қизил...
қирмизак олмалардан!

Яшаш осон эмас

Мен саҳарда туриб ишлашим керак,
Тутқич бермас ўйларимни ушлашим керак,
Оширишим керак мисраларнинг кучин,
Ўзим билан муросада яшашим учун.

Қалб мероси бутми?
Қарвон толмасмикин?
Эзгулик чашмаси қуриб қолмасмикин?
Ҳис қилишим керак авлодлар бурчин,
Ўзим билан муросада яшашим учун.

Ҳаётимни сарф этаман нур ишига,
Гўзалликнинг умри боқий бўлишига,
Ардоқлашга планетанинг яшил тусин,
Ўзим билан муросада яшашим учун.

Дамларни ўлчайман мисқол тарозида,
Розилари борми йиллар орасида?
Ҳисоблайман кунларнинг сарасин, пучин,
Ўзим билан муросада яшашим учун.

Яшаш қийин, чунки виждон очиқ ярадай,
Ноҳақликни дарддек сезиш учун ярагай.
Ўз деб билдим ўзгаларнинг ғамин, севинчин,
Ўзим билан муросада яшашим учун.

Хафа буланимда ёлғиз юраман

Бир вақт дўстлар билан ҳасратлашардим.
Ёлғиз ўтказаман ғамгин чоғларни.
Сукунатни чўчитмасин дардим,
Айланиб ўтаман сокин боғларни.

Шабнам япроқларнинг ювибди гардин,
Хаёлга чулғабди гулзорни насим.
Жонлар оромини бузмасин дардим,
Тунни уйғотмасин.

Безовта қилмасин маъсум қушларни,
Ногоҳ бўлинмасин она алласи.
Хуркитмасин дардим ширин тушларни
Эзгу тонг палласи.

Уз дардимни ичимга ютаман,
Оламнинг беғубор тонгин кутаман.

Сурнай садоси

Яна куз, тўйларнинг йўқдир адоси,
Йиллар авлодларни улаётгандай.
Таниш, сирли садо, сурнай садоси
Қадим асрлардан келаётгандай.



Шундай ётиб, ерга қулоқ солинг:
Эшитилар азалий сурнай садоси.
Она Ер, бахт излар тўймас инсонинг,
Ўлмасин умидвор инсон сазаси.

Ташналигин кечир, ўжарлигин унут,
Боланг-ку, болага у ҳам ўхшайди.
Авлодлардан ўтиб келади умид,
Бахт муқаррар эмас, умид яшайди.

Олисларда янграр сурнай садоси,
Одамизод севар, чекар азият,
Улар ва туғилар, яна орзу, ният,
Бахт излайди инсон, бахт ғадоси.

Яна куз, тўйларнинг йўқдир адоси,
Мозийни эртага улаётгандай.
Таниш, сирли садо, сурнай садоси
Узоқ келажакдан келаётгандай...

Олтин балик

— Зангори эртақдир денгиз...

Сеники бу.

Бор, ўйна, ушламам, бўлсанг ҳам олтин. —
Мен олтин балиқни қўйиб юбордим-у,
Ғамгин бўлиб қолдим.

Ундан тилайдиган тилакларим йўқ.
Нима ҳам тилайман? Қўшиқми?
Ғойибдан келмайди инсонга қўшиқ,
Қалбдан тилаш керак қўшиқни.

Севги тилайинми? Бу қандай тилак?
Тоққа чиқмаганга дўлана қаёқда...
Муҳаббатни олмайдилар тилаб,
Севги туғилади ўтда, қийноқда.

Ором тилар эдим, жуда керак, лекин
У ҳам заҳматлардан топади давом.
Мен оромни тилаб олсам текин,
Ором берадимми менга бу ором?!

Бахт тилай десам,
уялдим:
Инсон бошим билан...
кичик балиқдан...
Мен — эртақдан эмас,
шиддатли борлиқдан.
...Қўйвордим-у,
ўйланиб қолдим.

□

Мавридида келди бу йил Дўрмоннинг кузи:
Ҳаво сокин, кўлмакларда сувлар музлади.
Сўнгги япроқ чирт узилди ўзидан ўзи,
Ҳа, ўзидан ўзи; уни ҳеч ким узмади.

Пилдирайди товлантириб шафақ зарҳалин,
Она Ерда чирир энди беармон бу барг...
Қандай яхши бу ҳаётдан узилмаганинг
Токи ҳаёт ўзи сени этмагунча тарк!

□

Невараси билан бобо қилар ҳузур,
Барин тушунтирар унга ҳижжалаб.
Гоҳида баҳс, гоҳо ҳазил-ҳузул,
Бундай қараганда, жўн ва оддий гап.

Бари қизик — олма... юлдуз... қалам...
Энди кашф этилган зотдек бўлади
Ва илк манбаларга қайтгандай одам,
Ҳар бир сўз мазмунга тўлади.

Ажабки, бўлганда оқил, қудратли,
Олам сирларини англайсиз,
Сақлаймиз соғлиқни, ҳуснни, иззатни...
Фақат болалиқни сақлай олмаймиз.



Бош сатрлар

Қаламга маҳкумдир ҳар шай, ҳар ҳодиса,
Даҳшату муҳаббат, илоҳ, газанда...
Аmmo она Ватан хусусида эса
Ё ёзмаслик керак,
ёки, ёзганда —

Китобхон орзулар қанотида учсин,
Вужуди титрасин муқаддас дарддан.
Ҳайратдан нафаси ичига тушсин,
Билмасин қайси зум уни ўзгартган.

Мен-чи, юрак ютиб, бу сафар фақат
Ватаннинг йўлларин тилга оламан.
Руҳан уфқларга талпиниб, қат-қат
Узоқ-узоқларга назар соламан.

Ватаним йўллари гўё жонли, илиқ,
Юракка туташган қон томирларим.
Уларга ўйларим пойидор қилиб,
Умрим йилларини мен муҳрадим.

Бир кун улар бутун бўйи билан
Жангларию рангли салютлари,
Соғинчлари, сўнмас қалб ўтлари,
Тақдирлари, қатор қабрлари,

Фожиалар, бахтли онлари,
Висол, фироқ, азиз инсонлари,
Ўйчан мўйсафиду шўх норастанлар,
Орзу, қувонч, армон, ўйи билан,—
Хуллас, бир кун бутун бўйи билан
Кўз ўнгимга келиб ястанар.

Унинг узоқ, эзгу манзилларига
Ҳазин ғурур билан боқарман.
Ҳаёт йўлларимнинг сўнгги гулханида
Мен қалбимни яна ёқарман.

Эҳтимол, ўшанда келар тошиб-жўшиб,
Бир умр қийноқда бош қотирганим —
Ватан ҳақидаги кичик бир қўшиқ —
Бир умр излаган бош сатрларим.

Мен сизни атадим бош сатрлар деб,
Қалбларга илоҳий оташ солингиз,
Ҳалок бўлган солдат хатларидек,
Ҳаётга муҳаббат бўлиб қолингиз!



Сури

Боқардик баргларнинг яшил хуснига,
Соя чорлар эди бунда ҳаммани.
Барглар тўкилди-ю, энди бош устида
Нилий осмон, юлдуз чамани.
Нечук?

Наҳот бир мўъжиза ҳамон
Тўсиб турган экан ўзгасин?
Ҳа, табиат бизни эркалайди ҳар он,
Қалбингиз бойисин, дейди, ўзгарсин,
Уни кўрдингизми,
энди —бунга навбат,
Ҳар лаҳза ранг-баранг завқларга тўлинг.
Фақат бир нарсага қилади даъват:
Доим гўзал бўлинг!

Денгиз соҳилида

Мен келганда уфқ алвон, тонг отарди,
Нур олами чайқаларди юқорида.
Пастда эса мовий мавжли чўл ётарди
Ҳамда тубсиз жимжит зулмат сув қаърида.
Нелар кечар бу қаҳру меҳр қобиғида?
Бир абадий жараёнми, мўъжиз зумми,
Туғилиш ўти ва ўлимлар совуғида...
Бу нимадир? Ҳисми-хаёл? Ё ўзимми?

Мен сескандим — ёлғизлигим қилди таъсир,
Бута ичра шу пайт қушча чирқ-чирқ этди.
Менга эса гўё: тегманг, бу — сир, бу — сир,
Сирлигича қолсин,
дея, учиб кетди.

Шеърият

Баландпарвоз бўлар бу шоир халқи,
Бири уни қуёш, бири юлдуз дер.
Менингча, у ҳаммас, бу ҳаммас, балки
Энди ўтдан чиққан ўзимизнинг Ер.

Тўғри, юлдуз яхши ҳашам, донг учун,
Лекин бир чарақлаб ўчиб кетади.
Ер эса, тиришиб, бўлажак дон учун
Оқсил моддасини таркиб этади.

Замонлар ўтади бўрон-шамолдай,
Босилади қуюн, босилади кул.

Вулқонлардан унган яшил ниҳолда
Бир куни барқ уриб очилади гул.

Учади қутулиб ўтли либосдан,
Зангори рўмолда Ер, мисли она,
Меҳру эзгуликни бағрига босган,
Само зулматида тирик, ягона...

Кардиограмма

Ҳар кун кайфиятни минг бор ўзгартар,
Қўшиқлар бўғилар қанчалаб.
Бизга етиб келар бегона дардлар
Радио тўлқинларин парчалаб.

Энди орзулардан хотиралар кўп,
Энди ўтмишгина мен учун ҳадсиз.
Мен учун тобора оғирдир сукут,
Саволлар тобора шафқатсиз.

Ҳа, ошни ошадик, ёшни яшадик,
Қошгача қаҳратон қирови инди.
Бир қарашда: беш кунингни ўйла,
Эртанинг қайғуси қолдими энди...

Аммо, о, келажак таҳликаларинг
Акс этар юракнинг «қилиқ»ларида,
Чақмоқдай чақилар кардиограмманинг
Дарддан чил-чил синган чизиқларида.



□

Қайтаман кечирган куним елкалаб,
Тўшакка гурс этиб отаман.
Ҳориб-толган чол бўлиб ётаман,
Гўдакдай тураман яна эрталаб.

Кўзларимга ўтар тонгнинг софлиги,
Режалар, орзулар мўл ва кўнгил тўқ,
Ёмонликдан унда асар ҳам йўқ,
Йўлга талпинтирар яшаш шодлиги.

Остонадан бурч етаклаб ўтар,
Енгил чанг кўзийди йўлларда.
Ҳаяжонлар, муаммолар кутар;
Гоҳ меҳр, гоҳ кибр—қисган қўлларда

Офтоб тиккага ўрлаган сари
Юракнинг уриши тезлашар,
Унда одамларнинг манфаатлари,
Кўз қарашлар тикка кезлашар.

Гоҳ келажакдасан, гоҳ тарихда,
Кимдир ўққа нишон — кўксинг тутасан,
Узинг йиқилганда нажот кутасан,
Эзгулик, ёвузлик баъзан омихта.

Адолатни ҳеч ким қилмас садақа,
Ҳар қадаминг талафотли жанг.
Хатодан, сабоқдан манглайинг чақа,
Ҳансираб оёқда турасан аранг.

Мени суяб қолар фақат қониқиш,
Гоҳо эслолмайман — уйим қай томон.
Билмам: ҳаётми бу, ундан толиқиш?
Ўтдан чиққан каби чарчаб қайтаман.

Қайтаман ортгирган юким елкалаб,
Тўшакка гурс этиб отаман.
Ҳориб-толган чол бўлиб ётаман,
Гўдакдай тураман яна эрталаб.

Бир томчи...

Менинг шайтоним бор.
Айёр шўхлик эмас,
Еки бир елкамни қилганмас макон;
Бир қоп ёнғоқ экан, деб ҳам ўйламанг,
Менинг шайтон дўстим — чинакам шайтон.

Кириб ўлтиради бекорчиликда
Эшикдан, тирқишдан — билмай қоламан.
Балодай философ менинг шайтоним,
Гапга беихтиёр қулоқ соламан.

Шохи ҳам йўқ, думи ҳам йўқ унинг,
Унча ўхшамайди аждодларига.
Лекин ўта сезгир дунёнинг айби,
Хатоси, нолиши, фарёдларига.

Баҳслашамиз нақ душманларча,
Зардобни аямай роса тўкади.
Баландпарвоз дейди, чучмал, мадҳиябоз,
Ҳатто фаришта деб мени сўкади.

— Кир қидирма,— дейман,— зимистон дединг,
Ахир, ўтирибмиз ёругда, кунда!
— Ҳа,— дейди,— юзада бўлмас зимистон,
Сен бундай теранроқ тушгин-да!

— Аслингга тортасан, оғайни,— дейман,—
Тамуғнинг тубидан чиққан юҳосан.
— Ҳа,— дейди шайтоним, ўрнидан туриб,—
Ҳа, ўзингга келдинг: ўтдан қўрқасан.

— Ким ўтдан қўрқади!?— дейман шошилиб.
Атрофга қарайман: у йўқ ёнимда!
Мени ҳушёр қилиб, бир томчи заҳар
Иўқолиб кетади иссиқ қонимда...

Бургут пашша тутмас...

Бир шахсни биламан, толиби илмлардан,
Мебель рангига мос китоблар излар.
Етоғига қирқиб елимланган
Мода журналичан манекен-қизлар.

Еш улфатлар тўплаб, қўлбола «ром»га
Ифлос латифани газак қилади.
Қўшниси ҳақида вайсаб бутун «дом»га,
Ойликка яшар, деб мазах қилади.

Бир шахсни биламан, жуда покдомон,
Осий банда билан унча иши йўқ.
Уни қизиқтирар на Ер, на замон,
Унга Дантелардан ўзга киши йўқ.

Сира иш қилмаган, гап эса кўпик,
Ҳарир туманлардан кийдиран сарпо,
Юлдуздан юлдузга камалак кўприк,
Оламни беш кунда этади барпо.

Ҳа, қўнғиз сасийди, булбул эса нолон,
Иши белгилайди ҳар зот мавқеин.
Ҳайвон бўлиш осон,
Худо бўлиш осон,
Одам бўлиш қийин.

Ўзинг яратасан қувончингни, инсон,
Ўзинг яратасан ғам-андуҳингни,
Бургут пашша тутмас, қудратингга ишон,
Ардоқлагил мағрур руҳингни!

Уйқу қочганда...

Тонг олдидан уйқу қочганда,
Оналар қошига келар ўғлонлар...
Узоқлардан келар узоқдаги жангда
Оналар тинчи деб ҳалок бўлганлар.

Улар жуда ҳорғин, этиклари чанг,
Оналар бошида туришади жим.
Оналар қалбида нималар кечар,
Нималар узилар, ким билади, ким!

...Солдатлар дозорни тугатишади.
Оналар уларни абадий жангда
Яна бир ўлимга кузатишади
Тонг олдидан, уйқу қочганда...

Мендан нима қолар?

Сендан бўлак ҳеч ким ҳисоб қилолмас
Дунёдаги гуноҳ-савобинг.
Қутсиз саволларга қутсиз жавобим:
Улганимда мендан ҳеч нарса қолмас.

Жонзотларга ўтмас менинг руҳим,
Униб чиқмас мендан ўт-ўтлоқ.
Нима ҳожат, жон қолар деб муқим,
Ҳар хил чўпчак билан ўзни овутмоқ!

Аммо кўзим, кўзим қолар фақат,
Кўзим ёнар мисли мангу аланга:
Шеърларимни ўқиганлар шояд
Менинг кўзим билан боқар оламга.

Сенми эдинг...

Куз гуллари эгилибди ерга.
Ерга эгган қорми, қировми...
Бир вақт унга нафис гуллар терган
Сенмидинг ё бошқа бировми?

Пигит йўлларининг қаҳри қаттиқ экан,
Қаҳрин қаттиқ қилган қорми, қировми...
Уни илк бор қучиб жангларга кетган
Сенмидинг ё бошқа бировми?

Наҳот умри ўтди ҳар он интизор,
Сочларида энди қорми, қировми...
Шаҳар майдонида мрамар ҳайкал бор,
Сенми ёки бошқа бировми?..





Фарход Мусаџонов

Бир култур булок суви

Қисса

Хилватдаги хиёбонда

Уларнинг орасидаги масофа ўттиз қадамча. Олдиндаги ҳеч нарсадан хабари йўқ ҳуштак чалиб, папкасини қўлида ўйнаганича кетяпти. Иккинчиси ундан кўзини узмай изма-из таъқиб этиб борарди.

«Йўқ, бу серқатнов ва гавжум кўчада унга яқинлашиб бўлмайди. Хилватроқ жой топиш керак»,— дилдан ўтказди Рихсивой.

Шу пайт худди Рихсивойнинг истагини қондирмоқчи бўлгандек Санжар паркка бурилди.

Эрта куз бўлишига қарамай, бир ҳафта қаттиқ совуқ тушиб дарахтларни анча яланғочлаб қўйган. Хиёбонларда хазон, ёзги кафелар бўм-бўш, хуллас, парк ҳувиллаб ётарди. Битта скамейкада кўзойнагини бурнига қўндириб пенсионер қария газета ўқиб ўтирибди, бошқа скамейкада ўрта яшар жувон нимадир тўқияпти. У вақти-вақти билан олдидаги коляскани оёғи билан тебратиб қўяди. Паркда улардан бўлак кимса йўқ.

Рихсивой қадамини тезлаштирди — бундай қулай жой ва вазиятни қўлдан чиқариб бўлмайди.

Каттакон чинор тагида Рихсивой Санжарга етиб олди. У бир ҳатлаб Санжарнинг йўлини тўсди.

— Тўхта!

Санжар синфдошининг шижоатини кўриб ҳайрон бўлди. Йўқ, сираям чўчимайди. Фақат ҳайрон бўлди.

— Нима дейсан? — бепарво оҳангда сўради.

— Уришасанми? — Рихсивой папкасини ерга ташлаб, қўлларини мушт қилди.

— Нега энди?!— баттар таажжубланди Санжар.

Санжар баланд бўйли, кенг яғринли, бақувват ва келишган бола эди. Унинг олдида Рихсивой пачаққина: бўйни ингичка, елкалари тор, ўзи нимжон. Лекин кўзларида ўжарлик чақнарди.

— Одамнинг устидан куладиган бўлқопсизми?— дўқ урди Рихсивой.

— Кимнинг устидан кулибман?

— Менинг устимдан.

— Қачон?— сўради Санжар.

— Боя, катта танаффусда.

Санжар елкасини қисди.

— Ким қандай овқатни яхши кўришини гапирашаётган эдик. Мен холвайтар дедим.

Санжарнинг эсига тушди ва у яна кулиб юборди.

— Э, ҳа! Холвайтар! Ўзинг кулгили гап қилдинг-да,— деди у,— иннайкейин битта мен эмас, ҳамма кулди-ку.

— Ҳамма билан ишинг бўлмасин. Сен нега кулдинг?— ўдағайлади Рихсивой.

Йўқ, рост, қизиқ экан-ку бу янги келган бола, икки ойча бўлиб қолди ўқиш бошланганига, шу пайтгача эътибор бермаган экан. Ўзи қилтириқ бир нарса-ку, дўқ уришини! Санжарнинг бокс бўйича ўз вазида мактаб чемпиони эканлигидан хабари йўқ, шекилли...

— Нега кулдинг?— қайтарди Рихсивой.

— Одамнинг кулгиси қистагандан кейин кулади-да, нима қилибди шунга?!— жилмайди Санжар. Спорт билан шуғулланишнинг шуниси яхши, асабларинг маҳкам бўлади, сағалга лов этиб ёниб кетмайсан.

— Кулгинг қистайдиган бўлса, солишамиз!

Санжар яна пинагини бузмади.

— Сен жуда чиранчиқ экансан-ку,— жилмайди Санжар.

Бу гап Рихсивойга алам қилди.

— Агар яна менинг устимдан куладиган бўлсанг...— Рихсивой бу ёғига нима дейшини билмай қолди. Борди-ю, «дабдалангни чиқараман, адабингни бериб қўяман», қабилида гап қилса яна чиранчиқлик бўлади.

— Бўпти, хафа бўлма. Ким билиб ўтирибди сенинг бунчалик эканингни,— уни овутишга ҳаракат қилди Санжар.

— Қанчалик эканимни?

— Шунчалик гап кўтара олмаслигингни-да!

Ғалати бола экан бу Рихсивой тушмагур. Қилтириққина бўла туриб дўқ уришини қаранг! Унинг худди шу довьораклиги, ўз қадр-қиммати учун курашиши Санжарга ёққан эди. Шунинг учун ўзини босиб турарди.

Гап бўлиниб қолганди. Санжар кечирим сўрагандек бўлди, аини пайтда «гап кўтаролмас экансан» деб писанда ҳам қилди.

Рихсивой ерда ётган папкасини олди-да, индамасдан йўлга тушди. Санжар унинг ортидан эргашди.

Улар ёнма-ён кетишди. Санжар ўртадаги кичкинагина совуқчиликни аллақачон унутган, оёқ остидаги хазонларни тепиб, ҳуштак чалиб борарди. Хушчақчақ, шалдир-шулдир бола экан, деб ўйлаб қўйди Рихсивой.

— Қаерда турасан,— бирдан сўраб қолди Санжар.

— «Ленинград» меҳмонхонасининг орқасида — деди Рихсивой.

— И-е, қўшни эканмиз-ку! Нечанчи уйда?

— Янги тушган уйда.

— Ҳа, биздан уч уй нари экан. Олдин қайси мактабда ўқирдинг?

— Эскишаҳарда. Бултур уйимизни бузишгандан кейин бу ерга кўчиб келдик.

Санжар жим кетавермаслик учун шунчаки гапирганини яширишга ҳаракат ҳам қилмади.

Икки ёғи дарахтзор йўлка тугаб яна сершовқин кўча бошланди.

Газета киоскасининг ёнида мороженое сотилаётган экан.

— Бир пас тўхтаб тур,— деди Санжар.

«Нега энди тўхтаб туришим керак экан. Кетавермайдами», деб ўйлади Рихсивой. Лекин одоб юзасидан тўхтади. Санжар иккита мороженое кўтариб келди, биттасини Рихсивойга узатди.

— Ушла!

— Керак эмас — ерга қараб тумшугини осилтирди Рихсивой.

— Ушласанг-чи, мороженоедан ҳам қайтадимиз одам?!

— Ўзинг еявер, керак бўлса ўзим оламан, пулим бор,— деди Рихсивой.

— Биров сенга пулинг йўқ деяптими? Бергандан кейин олаверсанг-чи. Ичингда жон-жон деб тургандирсан, — илжайди Санжар.

Рихсивой мороженоени энди олмоқчи эди, кейинги гапдан кейин иккиланиб қолди. Санжар шарақлаб қулиб юборди-да, ўжар ўртоғининг қўлига мороженоени тутқазди.

— Бўпти, қарз бўлиб қолишдан қўрқсанг, кейинги гал сен олиб берарсан.

Рихсивой мороженоесини ҳали яримталаганича ҳам йўқ эди, Санжар ўзиникини еб бўлди. У лабларини чўччайтириб ёлборди:

— Озгина қолдир.

— Ма,— Рихсивой мороженоесини унга узатди. Санжар яна шарақлаб кулди.

— Еявер, ҳазиллашаяпман.

Санжар борган сари кўпроқ ёқарди Рихсивойга. Ҳақиқатан жуда ҳазилкаш, қувноқ бола экан.

Улар муюлишга етганда Рихсивой тўхтади. Хайрлашишдан олдин Санжарга икки оғиз илиқ гап айтгиси, қилган қўполлигини кўнгулидан чиқаргиси келди.

— Мана, танишиб ҳам олдик, — деди у.

— Сени танишишинг қизиқ экан,— кулди Санжар.

Рихсивой хижолат чекиб, ерга қаради. Йўқ, Санжар унга танбеҳ бермоқчи эмас эди, шунинг учун гапни ҳазилга йўйди.

— Аммо бахтли бола эканман, жуда бахтли эканман! Қим биларди, ҳозир оғим тепамда дод солиб йиғлаб ўтирган бўлармидилар, боя чинорнинг тагида уриб ўлдириб қўйганинда,— қийқириб кулди Санжар.

Рихсивой юзлари ловиллаб ёнганини ўзи ҳам сизди, аммо сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, ўлганининг кунидан тишининг оқини кўрсатди.

— Менинг ҳам толеҳим бор экан,— Рихсивой ҳам ўзича ҳазиллашди,— яхшиям бокс бўйича мактаб чемпиони раҳм қилди, бўлмаса ҳозир ўша чинорнинг тагида эмаклаб юриб, ҳар қаёққа сочилиб кетган тишларимни териб юрган бўлармидим!

— Э, бор экансан-ку, ошна!— Санжар ўртоғининг елкасига қулочкашлаб туширди. — Гап деган бундай бўпти! Хўб, эртагача.

Рихсивой Санжарнинг турткисидан қалқиб кетиб, ағдарилишига сал қолган бўлса ҳам ҳазили синфдошига ёққанидан хурсанд эди.

У уйига қайтар экан миясидан Санжар чиқмасди. Ҳа, унга қойил қолди. Зўр бола экан. Қани энди, Рихсивой ҳам ўшанга ўхшаган бўла олса. Йўқ, Рихсивой унга ўхшаган бўлолмайди. Чунки Рихсивой боя Санжар айтганидек гап кўтаролмайди, кўп ўйлайди, бошқаларга ўхшаб ҳозир гапириб, ҳозир унутиб кетолмайди. Босган қадамини ўлчаЙди, ҳар бир қилмишини торозуга солиб тортади, яхши қилдимми ё ёмон қилдимми, деб мулоҳаза юритади. Нега шунақа, а? Нега кўп ўйлайди, нега ўзининг юрагини ўзи сиқади? Нега бошқаларга ўхшаб бепарво бўлолмайди?

Рихсивойнинг юрагида пайдо бўлган хурсандчилик аста-секин сўниб, ўрнини ғашлик қоплади.

Шарифжон акага шарафлар

Куз асл пайт, футбол ўйнайдиган фасл. Ёзда иссиқ, бирпасда қора терга ботиб, харсиллаб қолади одам. Баҳор ҳам яхшию, аммо илик узилди пайт эмасми, шундай ҳам тинканг қуриб юради. Баҳорда футболдан ҳам кўра табиат ўзига кўпроқ чорлайди. Қир-адирларга лола сайлига чиққинг, кўм-кўк майсаларда думалаб яйрагинг келади. Қишда-ку футбол эсга ҳам тушмайди. Чана, коньки учасан, қорбўрон ўйнайсан...

Ҳа, тўп суриш борасида куздан қулайроқ фасл йўқ.

Футболга қизиқмайдиган болалар кам бўлади. Айниқса «Пахтакор»нинг жонқуяри бўлмаган бирорта бола топилмаса керак Ўзбекистонда. Рихсивой ҳам футболнинг ашаддий ишқибозларидан. «Пахтакор» ютқазиб қўйса шундай алам қиладики, агар энг севган нарсасини йўқотиб қўйса ҳам бунчалик куйиб-пишмайди. «Пахтакор» очколарни, Рихсивой эса тинчини йўқотади. Кейинги ўйингача ўзига келолмай, хуноб бўлиб юради. Хуллас, ашаддий ишқибоз деган номини Рихсивой юз фоиз оқларди.

Мактаб стадиони гавжум. Бугунги футбол матчини кўришга жуда кўп томошабин йиғилган. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, 7-«а» билан 7-«б»нинг ўйини қизиқарли ўтиши ҳаммага маълум! Одамнинг кўп йиғилишига яна битта сабаб бор, 7-«б» дарвозасини бугун Шарифжон ака қўриқлайди. Ҳа, ҳа, рақиб команданинг розилиги билан дарвозада 7-«б»нинг синф раҳбари, тарих ўқитувчиси Шарифжон ака турадиган бўлди. Эвазига 7-«а»нинг командаси мактабнинг энг зўр дарвозабони, 9-синф ўқувчиси Чори чайирни ўзларига олишди. Бу ҳақдаги эълон уч кундан бери мактаб коридорида осиглиқ турарди. Шундай бўлгандан кейин одам йиғилади-да!

Ўйинга бир ҳафта бурун тайёргарлик кўриш бошланди. Ўз командасининг шарафини ҳимоя қилишни истовчилар жуда кўп эди. Аммо, маълумки, бутун синф ўйнолмайди. Фақат ўн биттагина номзодни танлаб олиш керак. Бу оғир ва масъулиятли иш синф раҳбари Шарифжон ака ва команда капитани Санжарнинг зиммасига юклатилган эди.

Команданинг тўртинчи синфдан бери ўйнаб келаётган асосий состави мавжуд. Гап фақат запас ўйинчилар устида борарди. Запасда ўйнашни хоҳлаган болаларнинг рўйхатига Рихсивой ҳам ўз фамилиясини ёздириб қўйди. Тўғри, у энг охириги, тўққизинчи бўлди. Ё шунинг учунми, ё янги келгани ва унинг қандай ўйнашини болалар билмаслиги учунми ҳеч ким унинг фамилиясига эътибор бермади. Фақат Шарифжон ака шунчаки: «Нечанчи номерда ўйнаринг?», деб сўраб қўйди. «Ўнг қанот ҳужумчиси», деди Рихсивой. Ўқитувчиси эшитдими, эшитмадими билмади.

Лекин бугун, ўйин бошланишидан олдин Санжар: «Тайёр бўлиб тур, ўйинчи алмаштирсак, майдонга биринчи сен тушасан», деб қолди. Бу қарорга у Рихсивой билан бўлган кечаги тўқнашувдан кейин келган эди. Анчагина қайсар, ўз қадрини биладиган бола экан, бундайлардан яхши спортчилар чиқади, охиригача жон-жаҳди билан курашади улар, деб ўйлади Санжар.

...Ўйин 7-«а» синф командасининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Шарифжон ака уч-тўртта жуда қийин тўпни ушлаб қолди, йўқса аллақачон ҳисоб 3:0 ёки 4:0 бўлиб кетарди. Ҳа, Шарифжон ака роса ҳам олқишга сазовор бўлди.

Бир марта Чори чайир ҳам ҳунарини кўрсатди. Санжар зарб билан тепган тўп замбарак ўқидек дарвозанинг тепа бурчагига қараб учди. Санжар ҳам, бошқа болалар ҳам гол бўлади, деб севинчдан қўлларини кўтариб сакрашганини билишади. Чори чайир ақл бовар қилмайдиган бир эпчиллик билан тўпга ўзини отиб, илиб олди. Маймумдан баттар сакронғич экан қурмагур!

Бўлди қарсак, бўлди қарсак. Ҳатто рақиб команданинг ишқибозлари ҳам Чори чайирнинг маҳоратига тан бериб, қарсак чалиб юборишди.

Ўйин борган сари кескин тус ола бошлади. Лекин 7-«а»нинг устунлиги сезилиб турарди. Уларнинг маҳорати ҳам, тезлиги ҳам 7-«б»дан юқорироқ эди. Минг қилса ҳам улардан учтаси «Пахтакор» командаси қошидаги болалар махсус футбол секциясига қатнашарди-да! Ўзларига ишонганлари учун ҳам дарвозани Шарифжон ака кўриқлашига рози бўлишганди.

7-«а» ҳужум устига ҳужум уюштираверди ва ниҳоят рақиб ҳимоячиларини довдиратиб қўйиб, ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Тўпни биринчи бўлим тугашига икки минут қолганида уришди. Икки минут қолганда-я! Шуниси алам қилади-да! Аммо ўзи ҳам ёмон зўр куч билан тепган экан, тўп Шарифжон аканинг қўлига тегиб дарвоза тўрига тушди.

Командалар 1:0 ҳисобида танаффусга чиқишди.

Ҳам дарвозабонлик, ҳам тренерлик вазифасини ўтаётган Шарифжон ака болаларни дарвоза ортига бошлаб ўтди.

— Утириб, дам олинглар,— деди.

Ҳориб толиққан, терга ботган болаларнинг баъзилари чордона қуриб ўтиришди, баъзилари чалқанчасига ётишди. Болалар сал нафасларини ростлагандан кейин Шарифжон ака:

— Қойил, яхши ўйнадинглар!— деди. Буни у шунчаки болаларнинг кўнглини кўтариш учун эмас, сидқидилдан айтди.— Лекин икки оғиз гапим бор, иккинчи бўлимда қандай ўйнаш ҳақида...

Ерда узала тушиб ётган ярим ҳимоячи туриб ўтирмақчи бўлиб жойидан кўзгалган эди, Шарифжон ака кўймади.

— Йўқ, йўқ, ётавер! Бошқалар ҳам пинагини бузмасин. Ҳа, фақат эшитсанглар бўлди. Гап бундай. Биринчи бўлимда нега рақибнинг қўли баланд келди? Бунинг сири битта: улар ўйиннинг бошидан охиригача ҳаммаси курашга сафарбар. Фикримни ҳозир равшанроқ тушунтириб бераман. Дейлик, ҳужумга ўтса ҳаммаси бирдан ўтади, ҳимоя қилиш керак бўлса ҳаммаси бирдан ҳимоя қилади. Уларнинг ҳар бир ўйинчиси ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам бирдек яхши ўйнапти. Биз-чи? Ҳужумга ўтсак ҳимоячилар ўз жойларида қолиб, ўйинни кузатиб туришади, ҳужумчиларга ёрдам беришмайди. Ва тескариси, ҳимояга ўтганда, фақат ҳимоячилар тер тўкади, ҳужумчилар эса орқага қайтишга эриниб, анқайиб туришади. Шунинг учун рақибимиз ҳужумда ҳам, ҳимояда ҳам бизга нисбатан сон жиҳатидан кўпроқ бўлиб қоляпти.

Шарифжон ака жим бўлди. Айтган гапларини болалар мағзини чақсин, ўзига сингдирсин учун атайин жим бўлди.

— Биз.— давом этди Шарифжон ака,— рақибни ўз қуроли билан уришимиз керак. Тўпни эгаллаб турган битта ўйинчисига учталаб-тўртталаб ёпишинглар, шунда у чўчиб, гангиб қолиб ё тўпни олдириб қўяди, ё шеригига нотўғри оширади... Ва охириги гап. Ҳар бир ўйинчи «очилиш»ни билиши зарур, яъни тўпни шеригига узатдими, шу заҳоти рақиб ўйинчиси бўлмаган бўш жойга югуриши керак. Ҳа, «очилиш»ни билиш энг катта усталик! Шу, бошқа гапим йўқ!

Шарифжон ака ёнбошлаб ётди-да, ҳуштакда шўх куй бошлади. Ҳуштакни зўр чалар экан, булбулигўёдан ҳам ўтказиб юборди.

— Қани, ҳамма! Ҳа, қўшилинглар!— буюрди у.

Ҳамма болалар билар-билмас жўр бўлишди, бири тоғдан келса, бири боғдан келади. Хуллас, шунақа аломат «куй» янградик, эшитаетганлар ҳам, ижрочилар ҳам думалаб-думалаб кулишди.

Бутун синф Шарифжон акани яхши кўриши бежиз эмас эди. Болаларнинг кўнглига йўл топишни биларди у. Мана ҳозир ҳам бирпасда ҳаммани кулдирди. Ўқитувчи деган шунақа бўлса-да! Уддабурро, серғайрат, танги! Баъзи кекса ўқитувчиларга ўхшаб узоқдан-узоқ насиҳатлар билан энсани қотирмайди. Шунинг учун мактабга шу йил

ишга кетганига қарамай, бутун синф Шарифжон ака билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Фақат Рихсвой ўзини тортиб юрарди. У умуман одамлар билан тез тил топишиб, қовушиб кетолмасди. Унга биринчи учрашгандаёқ ўзини жуда яхши қилиб кўрсатишга уринадиган, ажойиб хусусиятларини шошиб намойиш қиладиган одамлар унчалик ёқмасди. Уддабурро, ишбилармон корчалонлардан сал чўчирди.

У одам билан обдан синашта бўлиб, кейин яқинлашарди. Рихсвой шунақа одамовироқ, тортинчоқроқ эди.

Иккинчи тайм яна 7-«а»нинг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Афтидан улар ҳам танаффусни бекорга ўтказишмаган, ўз тренерларидан керакли кўрсатмалар олишган эди. Рост-да: 1:0 омонат ҳисоб, шунинг учун муваффақиятни мустаҳкамлаб олиш даркор.

Энди 7-«б» ҳам асло бўш келмади, улар ҳар бир тўп учун жонжаҳдлари билан курашишди. Шарифжон аканинг айтганларига амал қилиб майдоннинг ҳар бир бурчагида кўпчиликни ташкил қилиб ўйнашди. Бу эса, табиийки жуда кўп куч сарфлашга олиб келди. Натижада иккинчи таймнинг ярмисига бориб бир-иккита ўйинчи анча чарчаб қолди.

Тўп майдондан ташқарига чиқиб кетганидан фойдаланиб Санжар югурганича дарвозада турган Шарифжон аканинг олдига борди.

— Шарифжон ака, Турғун жуда ҳарсиллаб қолди, алмаштирсак қандай бўларкин?

— Жуда тўғри фикр. Кимни чиқармоқчисан?

— Рихсвойни. Тренировкаларда унга эътибор бермаган эканмиз. Ўйинини бир кўринг.

Тўп ўйинга туширилган эди, Санжар тренернинг жавобини кутмасдан орқасига югурди. Майдоннинг четида запасдаги ўйинчилар билан матчни томоша қилиб ўтирган Рихсвойга қараб қичқирди:

— Рихсвой, тайёрлан, ҳозир майдонга тушасан.

Қутилмаган бу гапдан Рихсвой сал ҳовлиқиб қолди. Ҳаяжонланишга сабаб бор эди. Ўз синфи учун ўйнаш севинтирган бўлса, масъулияти чўчитди.

Санжар судьянинг олдига бориб ўйинчини алмаштиришга ижозат сўради, судья рози бўлди.

Ўйиндан чиқиб кетган Турғуннинг ўрнига Рихсвой майдонга тушди. У ўнг қанот ҳужумчисининг жойини эгаллади. Дастлаб унга ҳеч ким тўп узатмади. Ахир у янги, синалмаган ўйинчи.

Рақиб ҳимоячиси янглишиб тўпни Рихсвой томонга тепиб юборганида, ким билади, тагин қанча кутарди. Олдинида Рихсвой ярим ҳимоячини алдаб ўтди, кейин тезликни ошириб ҳимоячига яқинлашди, чиройли финт қилиб, уни ҳам алдаб ўтди. Энди олдинида рақиб ўйинчиларидан ҳеч ким йўқ, иложи борица тезроқ жарима майдончасига кириб бориш керак. Қулогига шерикларининг «ошир, оширсанг-чи», деган қичқириқлари эшитилар, аммо кўзи ҳеч кимни кўрмас, кучининг борица олдинга югурарди.

Мана у дарвозага яқинлашиб қолди, аммо тўппа-тўғрисида эмас, четроқ — ўнг тарафда эди. Ўйлаб ўтирмасдан тўпни дарвоза томон тепди, тўп дарвозанинг ўнг тўсини ёнидан ўтиб кетди.

Шу заҳоти унинг ёнига Санжар билан яна битта ҳужумчи югуриб келиб койиб беришди:

— Қанақасан ўзинг?! Нега оширмадинг? Дарвозанинг тўппа-тўғрисида турувдим-а! — қичқирди Санжар.

— Ҳўв, мия! Уша бурчакдан туриб дарвозага тўп киритиб бўларканми?! Одам деган бундай ошириб ўйнайди-да. Битта ўзингни қўлингдан нима келарди! — дўқ урди бошқа ҳужумчи.

— Сен унақа қилма, ошириб ўйна,— сал юмшади Санжар.

Майли дегандек бош силкиди Рихсвой. Кейин қўшиб қўйди:

— Ўзларинг ҳам ошириб туринглар-да!

Норозилик билдиришган бўлишса-да, Рихсвойнинг уюштирган

ҳужуми Санжарда ҳам, бошқа ўйинчиларда ҳам яхши таассурот қолдирди.

Рақиб ҳам ўзига тегишли хулоса чиқарди: бу боладан эҳтиёт бўлиш керак, анча чаққон, уста ўйинчи экан.

Энди Санжар оёғига тўп тегиши билан дарров Рихсивойга узатди. Рихсивой яна осонликча ярим ҳимоячини алдаб ўтди. Шу пайт «менга қўйиб бер» деган овоз эшитилди. Бу рақиб марказий ҳимоячининг овози эди. Баланд бўйли, бақувват ўйинчи. Устига устак жуда муғомбир эди.

У Рихсивойнинг устига қуюндек бостириб борди, елкаси билан чунонам туртдики. Рихсивой демаганлар чирпирак бўлиб учиб тушди. «Алдашга уста ўйинчиларга қарши шунақа қўполлик қилмасанг, атрофингда пилдираб айланиб, доғда қолдириб кетади. Бу бир, иккинчидан, янги тушган ўйинчини шунақа қўрқитиб қўйиш керак. Юрагини олдириб қўйса, иккинчи ўйлашиб яқинлашади дарвозага». Шундай ўйларди ҳимоячи. Ҳа, рақибнинг марказий ҳимоячиси анча пихини ёрган ўйинчи эди.

Судьянинг ҳуштаги чириллаб жарима тўпи белгиланди. Лекин хавфли эмас эди. Жарима майдончасидан ўн метрча узоқ. Бундай масофадан дарвозани нишонга олиш мушкул. Қаерда йиқитишни ҳам биледи марказий ҳимоячи! Ун бир метрли жарима зарби берилиши хавфи бор жойда ўлақолса бундай қўполлик қилмасди.

Тўп тепилиб, ўйин яна давом этди. Рихсивой аранг ўрнидан турди. Чап тиззаси зирқираб оғрирди, қараса шилиниб қонталашиб ётибди. Лекин у оёғи оғриётганини билинтирмасликка ҳаракат қилди.

Шерикларидан кимдир тўп оширган эди, етиб боролмади, оқсаб қолди. Иккинчи марта Санжар тўпни шундай оёғининг тагига ташлаб берди. Ушани ҳам эплолмади, олдириб қўйди. Рихсивойга жуда алам қилди, бор куч билан югуролмаётгани, оқсоқланиб қолгани алам қилди. Қани энди кучи етса, уни майиб қилган ҳимоячидан бошлаб қасдини оларди-я! Аммо ундан бошқача йўл билан қасдини олиши, гол уриб алаmidан чиқиши керак.

Бир маҳал Рихсивойнинг олдида Санжар пайдо бўлди.

— Бошқаси чиқсинми ўрнингга, алмашасанми,— сўради шошиб.

— Бирпас ўйнай.

— Югуролмаяпсан-ку! Чўлоқланиб қандай ўйнайсан?

— Уйнайман! — деди Рихсивой. — Мана кўрасан, ўйнайман. Озгина қўйиб бер.

Санжар индамасдан тўп кетидан югуриб кетди.

Рихсивой ўзини кўрсатиши керак, бўлмаса ўрнига бошқа ўйинчини чиқаришади. Тўғри қилишади. Рихсивойдан нима фойда? Ахир вақт тугаб боряпти, ҳисоб эса рақиб фойдасига 1:0.

Рихсивойнинг чўлоқланиб қолганини кўриб шериклари унга тўп узатмай қўйишди. Орадан беш минутча ўтгандан кейин Рихсивойнинг тиззасида оғриқ сал босилгандек бўлди.

У бир-икки марта шерикларига — «бу ёққа ошир, мен бу ердан, бу ёққа, бу ёққа ошир» деб қичқирди. Аммо унга тўп тегмади.

Рихсивой уни қўриқлаб, кетидан изма-из юрган рақиб ҳимоячисини чалғитиш учун орқага, ўз дарвозаси томон чекинди. Худди шу пайт шериги унга тўп узатди. Рихсивой тўп билан олға интилди.

Олдин рақибнинг битта ўйинчисини алдаб ўтди, кейин иккинчисини. Майдон марказидан ошиб рақиб томонга ўтди. Шу пайт унга қараб яна ўша марказий ҳимоячи пишқариб кела бошлади. Аксига юриб Рихсивойнинг анча босилиб қолган тиззаси бирдан зирқираб оғрий бошлади. Рихсивой тишини-тишига қўйди, бор иродасини йиғиб югуришда давом этди. У ҳам ҳимоячига қараб тикка бораверди, кўринишидан ўзини унга уриб ағдармоқчидек эди. Бунга ҳимоячи тушунди, кўрамиз, ким кимни ағдараркин, дегандек кучининг борича ўзини Рихсивойга отди. Рихсивой шу ерда усталик қилиб қолди. Энг сўнги

дақиқада у эпчиллик билан чап берди, ҳимоячи ёнидан ўтиб кетди. Ана шунда Рихсивой дарвоза томон ўқдек учди.

Ажабо, унинг қаршисида яна битта ҳимоячи пайдо бўлиб йўлини тўсди. Ўзини тўхтатолмай унга урилиб кетди. Бироқ йиқилар экан, Рихсивой тўпни ҳимоячининг устидан ўз шеригига ошириб улгурди. Шериги тўпни дарвозага шунақа зарб билан тепдики, ҳатто устасифаранг, чаққонликда маймунни қочирадиган Чори чайир ҳам ночор қолди. Тўп дарвозада эди! Буни Рихсивой ётган жойида кўрди. Тўп урган шериги Санжар эканини ҳам энди билди. Барча ўйинчилар, Санжарга ташланди, ерга думалатиб устига ўзларини отишди.

Рихсивой туришга шайланганида, тиззаси яна зирқиради. Бу гал қадам босолмаслигини аниқ сезди, битта тиззасида эмаклар майдондан чиқди.

Голдан кейин бўлди тўполон, бўлди қий-чув!

Ўйин тугашига эса атиги уч минут қолган. Рақиб бутун командаси билан ҳужумга ташланди. Рихсивойнинг ўрнига майдонга ҳимоячи тушди. 7-«б» бутун команда билан ҳимояга ўтди.

Футболчиларнинг ўзларига ҳам, томошабинларга ҳам 7-«б» ўз рақибидан яхши ўйнаётгани аниқ эди. Шунинг учун уч минут қолганда ғалабани қўлдан бой бериш ҳаммага ҳам алам қилади-да, 7-«а» жонжаҳди билан Шарифжон аканинг дарвозасини ҳар томондан «ўққа тутди». Шошилганда хато кўп қилинади. Тепилаётган тўплар нишонга аниқ тегмас, ё дарвоза устидан, ё ёнидан ўтарди.

Ниҳоят 7-«б» орзиқиб кутган судьянинг ҳуштаги чалинди, матч тугади. Футболчилар қувончдан осмонга сакраб, бир-бирларини қучоқлаб табриклай кетдилар. Ўзингдан кучли рақиб билан дуранг ўйнаш шарафли-да! Санжар билан Шарифжон акани болалар ўраб олишган, бир-бирига гал бермай чувиллашарди. Ахир Санжар ҳам, Шарифжон ака ҳам бугунги ўйиннинг қаҳрамони эдилар-да!

Рихсивой болаларнинг орасидан туртиниб-суртиниб ўтиб, аранг Санжарга яқинлашди, елкасига уриб табриклайди.

— Қойилман, зўр гол урдинг!

Санжар раҳмат дегандек бош силкиди. Кейин:

— Кўрасан, эндиги гал ютамыз!— деб қўшиб қўйди.

— Қани, болалар, душга! — деди Шарифжон ака.

Футболчилар спорт залининг душхонасига югуришди. Рихсивой улар билан баробар югуролмади, оқсоқланиб қолиб кетди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳеч ким унга эътибор ҳам бермади.

У қийналиб, битта-битта қадам босиб кетаётган эди орқасидан:

— Бизнинг қидирмаган жойимиз қолмади-ю, у бу ёқда ялло қилиб юрибди, — деган овоз эшитилди.

Рихсивой ўгирилиб қараса, бош пионервожатий Ҳабиба билан синфдоши Дилноза. Нега энди булар мени қидиришар экан, деб ҳайрон бўлди.

— Бир минутга ўтир, — деди Ҳабиба.

— Нега энди?!— баттар ҳайрон бўлди Рихсивой.

— Утир, кейин биласан.

— Жароҳатингни тозалаб, боғлаб қўяман, — деди Дилноза.

— Э, бор, ишингни қил!— жеркиб берди Рихсивой.— Олифтагарчилигини қара! Тиззангни ҳам эмас, жароҳатингни эмиш!

— Қиз бола билан ҳам шунақа дағал гаплашадими. одам,— астойдил хафа бўлди Ҳабиба, — сенга яхшилик қилмоқчи-ку, бу!

— Майли, бари бир ярасини боғлаб қўяман, — деди Дилноза, чунки мен ўз вазифамни бажаряпман. Мени бутун синф сайлаган ҳамшира қилиб.

— Керакмас, боғлама. Оғриётган бўлсаям майли эди.

— Зўрға юряпсан-ку?— кулди Ҳабиба, — бўпти, ўтир. Тозалаб, боғлаб қўймаса, инфекция тушиши мумкин.

Буни Ҳабиба қатъий қилиб айтди. У дўқ урмади, ялинмади ҳам, аммо шундай гапирдики, бўйсунмасдан илож қолмади.

Ф. МУСАЖОНОВ ◆ БИР ҚУЛТУМ БУЛОҚ СУВИ ◆ ҚИССА

Рихсивой ерга чўқди. Қани энди ярасини боғлаб оғриқни қолдирса — ичида жон-жон деб турибди. Тихирлик қилишининг боиси: арзимаган нарсага ҳам шунчаликми, дейишларидан андиша қилаётган эди.

Дилноза аптекасини очди. Ичида ҳар хил дори-дармон. Дилноза бало экан, ҳақиқий ҳамширалардан қолишмайди. Бирпасда жароҳатни спирт билан тозалаб иод сурди, дока билан маҳкам боғлаб қўйди. Рихсивойнинг дарров жони кирди. Зўрға «раҳмат» деди.

— Арзимаиди, — деди Дилноза лоқайдлик билан. Бу билан у яна бир марта фақат ўз вазифасини адо этаётганлигини англади.

— Тузуксан-ку, Рихсивой. Озгина ўйнаган бўлсанг ҳам ўзингни кўрсатдинг, — деди Ҳабиба. — Киритилган тўпда сени юз поиз ҳиссанг бор.

Рихсивой индамади. Сиполик ҳам қилмади, фақат Ҳабиба ҳақ гапни айтгани учун ич-ичидан миннатдор бўлиб қўйди.

Бу янги мактабга келганидан бери Ҳабиба билан икки-уч мартагина учрашди. Ҳар учрашганида қизга қойил қолар ва у борган сари Рихсивойга кўпроқ ёқарди. Бўлмаса унақа ортиқча гап ҳам гапирмайдди, фақат тўғриси айтиди. Кўринишидан ҳам айтарли чиройли эмас, лекин ёқимтой. Ёқимтой бўлиб унақа ҳаддан ташқари шакарғуфтор, ҳаддан ташқари сермулозимат ва чучмал эмас. Қайтанга сал эркактабиатроқ. Ҳа, йигитларга ўхшаган мард қизлардан.

— Бўпти, мен кетдим, — ерга қараб тўнғиллади Рихсивой. Тўғрида, иккита қизнинг олдида битта ўзи нима қилади.

— Уч кунгача чўмилиш мумкин эмас, — таъкидлади Дилноза худди докторлардек.

— Биров сенга чўмиламан деяптими?! Ўзи бир ойда бир марта юзимни юваман-ку, — ишшайди Рихсивой.

Ҳабиба билан Дилноза кулиб юборишди.

— Сени олдинга тушадигани йўқ экан, — деди Дилноза, — чунки бизнинг синфдаги болалар юзларини йилда бир ювишади.

Энди Рихсивой ҳам кулиб юборди. У илжайганича кийимини алмаштиргани спортзал томон кетди. Эшикда у залдан чиқиб келаётган ювиниб-таранган Санжарга дуч келди. Санжар кафтини очиб Рихсивойга узатди.

— Қўлингни ташла, ошна, боя зўр ошириб бердинг тўпни.

Рихсивой ўртоғининг кафтига шарақлатиб ўрди.

— Сен ҳам бопладинг!

Улар ҳар иккови ўз йўлида давом этди.

Рихсивой спорт формасини ечиб, ўз кийимини кияр экан, миясидан ғалати фикрлар кечди: «Қизиқ, нега Санжар шу гапларини боя болаларнинг олдида айтмади. Эсига келмадимми ё атайин айтмадимми...» Агар ҳаммининг олдида айтса шаънига бўлаётган мақтовларнинг бир қисми Рихсивойга тегарди. Балки у шунинг учун айтмагандир. Наҳотки Санжар шунақа шухратпараст бўлса? Ким билади, балки Рихсивой янглишаётгандир. Рихсивойнинг яна ўзидан жаҳли чиқди: одати ёмон, қилдан қийиқ қидираверади. Санжар-ку, «қўлингни ташла», деб табриклади, ҳар хил нарсаларни ўйлайвермасдан, индамай кетавермайдими?!

Вожатий Ҳабиба

Катта танаффус пайти эди. Оти катта танаффус бўлгани билан бирорта қизиқ ўйин бошлаб энди авжига чиққанинда, албатта, қўнғироқ бўлиб қолади. Доим шунақа — ҳеч вақт етишмайди.

Рихсивой танаффусларда кўпинча баскетбол майдончасига югурарди. У кетма-кет сакраб, тўп ташланадиган саватчага қўлини теккизишга уринарди. Аммо саватча жуда баландда, унга етишга йўл бўлсин! Аммо Рихсивой ирғишлагани ирғишлаган эди. Саватчанинг

ўзига эмас, ҳатто тагидаги тўрга қўли етганида ҳам роса хурсанд бўлади. Бир марта ўнинчи синф ўқувчилари баскетбол ўйнашаётганда Рихсивой уларга тренернинг айтган гапини эшитиб қолган эди: «Кимда ким яхши баскетболчи бўлишни истаса, шу машқни кўп қайтариши керак. Кейин бу машқ бўйни ҳам ўстиради».

Рихсивой баланд бўйли бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Кучли ва баланд бўйли бўлса, ҳеч кимга кичкиналар ва нимжонларни ранжитишга йўл қўймас эди.

Рихсивой баскетбол саватчасининг тагига келиб энди сакрашга шайланганида тиззасига яна зирқириқ кирди, бир оёқда ҳаккалаб «вой-вой»лашга тушди.

— Ҳа, ҳалиям оёғинг тузалмадими?

Ёнида Ҳабиба пайдо бўлиб қолди, Рихсивой тушунолмади. Кўтариб турган оёғини аста ерга қўйди.

— Йўқ, тузалиб кетди.

— Менга қара, уч кун ўтди, агар ҳалиям оғриётган бўлса докторга кўрсатиш керак. Тагин суяк-пуягинг жароҳатланган бўлмасин. Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Бе! Суягим синган бўлса оёқ боса олармидим? Бемалол юрибман.

— Йўқ, сен унақа бепарво бўлма. Сал-пал оғриётган бўлса ҳам, очигини айтавер, докторга кўрсатамиз.

— Э, қўйсангиз-чи!— Рихсивой қандай қилиб Ҳабибадан қутулишни билмай турган эди, бахтига қўнғироқ жиринглаб қолди,— майли, агар оғриси айтарман.

У мактаб томон йўналди.

— Тўхта,— деди Ҳабиба,— кўриниб турибди, оёғингни босолмаяпсан. Бунақаси кетмайди. Бу ёққа юр.

— Қаёққа?

— Докторга.

— Ахир дарсга қўнғироқ чалинди-ку?

— Ҳечқиси йўқ,— хотиржам гапирди Ҳабиба.— Доктор справка беради.

— Майли,— тўнғиллади Рихсивой табассумини яширишга ҳаркат қилиб. Қайси аҳмоқ дарсга кирмаслик имконияти туғилса фойдаланиб қолмайди! Докторга учраса учрар, ҳамма ўртоқлари мияларини ачитиб масала ечиб ўтирганларида бу ялло қилиб юради.

Докторнинг хонаси зоология кабинетининг ёнида эди. Эшик тагида қўйилган стулларда атиги иккитагина бола навбат кутиб ўтирган экан.

— Қўнғироқни эшитмадингларми?— сўради Ҳабиба улардан.

Болалардан биттаси ўрнидан туриб иссиғида жўнаб қолди. Иккинчиси «вой-вой»лаб ўтираверди. У ҳатто келганларга бошини кўтариб қарамасди ҳам.

— Вой, жоним, вой, жоним! Қайси қилган айбларим учун мени жазолаяпсан, э худо?! Мен, ахир, бир бегуноҳ гўдак бўлсам, мендан нима айб топа қолдинг?! Вой, вой, вой-ей!! — оҳангига олиб «вой-вой»ларди бола.

— Нима қилди? — сўради Ҳабиба.

— Вой-ей, ёш жонимга шунчалар азобми?— Ҳабибанинг сўроғига мутлақо эътибор бермай давом этди бола. — Улар бўлсам ўлиб бўлдим-ку! Вой-ей, ух-ей, их-ей! Вой, ёниб кетяпман, вой, куйиб кетяпман!

— Иситманг баландга ўхшайди,— деди вожатий.

Бола инграшдан таққа тўхтаб Ҳабибага қаради.

— Нима?

— Алаҳлаётганингга айтаман,— жилмайди Ҳабиба.— Иситмаси баланд бўлса одам шунақа алаҳлайди.

— Тани бошқа дард билмас, деб бежиз айтишмас экан,— бола яна инграшга тушди.

— Қаеринг оғрияпти ўзи?

— Вой, сўраманг. Ҳабиба опа. Аъзойи баданим қақшаб оғрияпти,— уввос тортди бола.

— Янглишмасам 9-«а»дан сен-да? Фамилиянг нима эди?

Бола жавоб бермади.

Шу пайт докторнинг хонасидан панжасини боғлаб олган қизалоқ чиқди.

— Кир!— деди Ҳабиба.

Бола аранг ўрнидан турди, турди-ю, худди ичида бир нарса узилиб кетгандек, чинқирганича яна жойига ағдарилди. Рихсивой хахолаб кулиб юборишдан зўрға ўзини ушлаб қолди. Жудаям қув, жудаям уста бола экан. Фақат маҳмаданагина эмас, артистликни ҳам қойил қиларкан. Рихсивойнинг бувиси шунақа, алмисоқдан қолган сўзларни топиб гапирди.

— Бирпас ўтириб тур, — деди Рихсивойга Ҳабиба.

Болани қўлтиғидан олиб туришга ёрдам берди, суяб докторнинг хонасига бошлаб кирди.

Урта ёшлардаги, семиздан келган Рухсора Шокировна уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Э, келинлар, келинлар, кўринмайсан, Анқабоев? Эски кадрдоним қаерда қолиб кетди, деб энди хавотир ола бошлаган эдим. Бу билан ҳақиқатда жуда кадрдонмиз, Ҳабибахон. Мени жуда яхши кўради, ҳар ҳафта йўқлаб олдимга кириб туради. Ўтиринглар.

Ҳабиба билан Анқабоев ўтиришди.

— Мен ҳам таниш бўлсанглар керак деб ўйлагандим,— деди Ҳабиба.

— Ҳа, таниш ҳам гапми! Айтяпман-ку, кадрдонмиз деб! Қанча бўлган танишганимизга, Анқабоев, янглишмасам, тўққиз йил-а? Биринчи синфдан бери қатнайсан-ку!

Анқабоев гапга аралашмас, ерга қараганича беҳол инграб ўтирарди.

— Анқабоев медицинани сув қилиб ичворган. У ҳар қандай профессорни бир чўқишда қочиради. Касалнинг турлари ҳақида мен билан бемалол баҳслаша олади. Хўш, кўринишинг менга ёқмаяпти. Нима бало синдроминг яна кўзга яптими?

— Йўқ,— деди Анқабоев,— симптомлари синдромга ўхшамаяпти.

— Демак...

— Йўқ, невралгия ҳам эмас.

— Қизиқ,— юзига жиддий тус берди Рухсора Шокировна,— унда яна янги касалга чалинибсан-да?

— Нафасингизни иссиқ қилинг. Рухсора Шокировна, нима, худонинг бандаси битта манми, ҳамма касални менга ёпиштираверадими?— шаллақилик қилди Анқабоев.

— Мен сени фақат соғ кўришни истайман, Анқабоев,— деди узрли оҳангда Рухсора Шокировна, — бекорга менинг олдимга келмагандирсан, бирор нарса безовта қилаётгандир?

— Айтгани ҳам қўрқяпман,— йиғламсираб гапирди Анқабоев.

— Бари бир айтишга тўғри келади. Докторга айтмасанг, кимга айтасан,— деди Рухсора Шокировна,— кўринишингдан унчалик хавфли касалга ўхшамайсан.

— Касалнинг хавфсизлиги бўларканми?— зўрға овози чиқди Анқабоевнинг.— Вақтида олди олинмаса ҳамма касал ҳам хавфли.

— Албатта, ўтиб кетса ҳамма касал ҳам ёмон,— хижолат бўлганини яширолмади Рухсора Шокировна.

Ҳабиба анқайиб уларнинг гапини тингларди. Фақат ўткир мутахассисларгина шундай сўзлашиши мумкин эди.

— Ўзинг нимадан шубҳа қиляпсан?

— Гепатитмикин деган хавотирдаман, — деди Анқабоев.

— Йўқ, оғайни,— жиддий эътироз билдирди доктор,— мен бари бир сенга поликлиникага йўлланма бермайман. Анализлар топширяпман, деб яна уч кун йўқ бўлиб кетасан. Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди.



— Мени ишим сизни огоҳлантириб қўйиш. Ҳа, гумонимни айтдим. Врач бўла туриб гапимга қулоқ солмасангиз, яна ўзингиз биласиз.

Рухсора Шокировна кўзларини чақчайтириб Ҳабибага қараб қўйди. Хафа бўлиб ёки аччиқланиб эмас, аксинча ҳайратланиб, «кўрдингми, қандай бало бу бола», дегандек қараб қўйди.

— Биласан-да, сариқ касални аниқлаш учун анализлар топшириш керак, шунинг учун гепатит деяпсан. Йўқ, яна бир марта йўқ. Анқабоев, бу гал ҳунаринг ўтмайди. Шунча пайтдан бери мени лақиллатиб справка ундириб юрганнинг етар. Энди ўзимни алдашга йўл қўймайман.

— Демак, бемор ўлиб кетаверсин?! Қасам ичганмисиз? Эссизгина Гиппократ ҳозирги врачларга!

— Аммо қойилман сенга, Анқабоев. Қабулимга ҳар кирганингда бирор хусусиятинг билан, бирор гапинг билан мени қойил қилиб кетасан!— Буни Рухсора Шокировна чин юракдан айтди,— қанча қўрслик қилсанг ҳам менга ёқасан? Қувлик қилаётганингни билиб турсам ҳам, сенга қаттиқ гапиролмайман, нега шундай-а, Анқабоев? Қандай сиринг бор сени одамни ўзингга ром қилиб оладиган?

Бирдан Анқабоев фиғон чекди, қорнига санчиқ киргандек икки букилиб қолди. Фиғон аралаш бир нима деди.

— Нима дединг?— эшитмади уни Рухсора Шокировна.

Анқабоев яна бир нарса деб шивирлади.

— Қаттиқроқ гапир, ҳеч нарса эшитмаяпман?

Анқабоев янаям пастроқ овозда шивирлади.

— Қаттиқроқ гапирсанг-чи!

Бу гал Анқабоев аламзада бир оҳангда қичқириб юборди:

— Жуда бўлмаса бирорта дори беринг, оғриқ ҳоли жонимга қўймаяпти!

— Дори йўқ,— хотиржам гапирди Рухсора Шокировна,— сен дорига ортиқча меҳр қўйма. Дорини эҳтиёт бўлиб, фақат зарур бўлган пайтдагина ичиш керак. Зарур бўлмаган пайтда дори фақат зиён.

Рухсора Шокировна Анқабоевнинг томирини ушлаб кўрди, юрак уришини эшитди. Оғзини очиб тилига қаради, қовоқларини очиб сариқ кидирди.

— Биров ҳавас қилса арзийдиган даражада соғсан,— деди врач.— Сендан илтимос, Анқабоев, ўз қобилиятингни хор қилма, ҳалиям бўлса мени маслаҳатимга қулоқ сол, цирк мактабига кириб клоунликка ўқи. Сендан зўр масхарабоз чиқади. Мен ўзим директорнинг олдига кириб характеристика ёздириб чиқаман. Талантингни хор қилма, Анқабоев!

— Биттагина дорингизни аядингизми?—«оғриқ»дан Анқабоевнинг башараси буришиб кетган эди.— Бўпти, қабулимда бўлди деб справка беринг, дарсдан қолиб кетдим.

— Ана энди ўзингга келдинг. Қийинроқ дарс бўлса атайдан «касал» бўлиб қолгансан. Майли, охири гал, қабулимда бўлди, деб справка бераман, лекин ўша справкага «аммо ўзи соппа-соғ» деб ёзиб қўяман.

— Соппа-соғ деган справкани ёзинг-да, ўзим сўраганимда берарсиз, лагерь учун. Ҳозир қабулда бўлди десангиз кифоя;— бўш келмади Анқабоев.

— Нега мен сени яхши кўрар эканман-а, Анқабоев? — Рухсора Шокировна справка ёзиб Анқабоевга узатди.— Ушла. Аммо бу охиригиси.

— Раҳмат.— Анқабоев ўрнидан туриб чиқиб кета бошлади.— Ишқилиб ҳозирги докторларга иккинчи бор ишим тушмасин-да.

— Лекин менинг таклифим устида жиддий ўйлаб кўр, Анқабоев, сендан яхши масхарабоз чиқади.— Сидқидилдан гапирди врач.

— Навбат кутиб ўтирган болани айтиб юбор,— илтимос қилди Ҳабиба. У чўнтагидан ён дафтарчасини олиб «Анқабоев — талант», деб ёзиб қўйди.

Анқабоев докторнинг хонасидан чиқиб, эшикни маҳкам ёпди. Ҳа-

лиям «оғриқ» қолмагандек ҳўмрайиб ер тагидан атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қаддини сал ростлади. Кейин стулда ўтирган Рихсивой томонга қайрилиб ҳам боқмай:

— Кираркансан,— деди.

Қошларини чимирганча кўча томон юриб кетди. Унга синчиклаб тикилган одам «оғриқ азоби»ни тортаётган қув кўзларида кулгу учқунларини ҳам кўриши мумкин эди.

Рихсивой шошмасдан ўрнидан туриб, докторнинг хонасига кирди. Арзимаган ярани докторга кўрсатишга уялди, аммо начора, Ҳабибанинг гапини қайтаргиси келмади.

Доктор Рихсивойнинг ярасини синчиклаб текширди, шунчалик синчиклаб текширдик, ҳатто Рихсивой «оғир ярадор бўлибман, шеклилли» деб кўрқиб кетди. Қайтанга, бекитмасдан бувисига айтса бўларкан, бир пасда тузатиб кўярди. Бувисининг толиб олган дориси — баргизуб. Рихсивойнинг қаери шилинса, яра чиқса бувиси баргизуб кўйиб тузатади. Бу доктор эса анча ваҳима экан.

— Этинг узилибди, озгина газак олдириб юборибсан. Инфекция тушиши мумкин. Мана бу дорини ичасан, кун ора менинг олдимга келасан, докангни янгилаб боғлаб тураман.

— Раҳмат,— деди Рихсивой.

У докторнинг хонасидан чиқиб кетишга шошилмас эди. Рост-да, дарсни нима қилади.

Рихсивойнинг пинагини бузмасдан ўтирганини кўриб:

— Бўпти, боравер,— деди доктор.

Рихсивой яна бир марта «раҳмат» деб ўрнидан турди-да, хонадан чиқди. У сира шошилмасди, босайми, босмайми деб зўрға қадам кўяр, худди биринчи марта кўраётгандек деворий газетани, шиорларни узоқ томоша қиларди. Ниҳоят судрала-судрала синфига етиб келди. Эшикни очиб ичкарига бошини суқди.

— Мумкинми?

— Шу пайтгача қаёқда юрибсан?— Шарифжон ака соатига қаради ва бирдан жаҳли чиқиб кетди.— Йўқ, мумкин эмас, дарс бошланганига йигирма минут бўлибди.

— Мен анув...— гўлдиради Рихсивой.

— Ортиқча гапнинг фойдаси йўқ, оғайни. Мумкин эмас.

— Мен...

— У докторда эди,— ёнгинасида Ҳабибанинг овози эшитилди.— Уни мен докторга бошлаб борган эдим.

— Модомики, сиз гувоҳ экансиз, кирақолсин,— тўсатдан юмшади Шарифжон ака.

— Қўлида справкаси ҳам бор,— деди Ҳабиба.

— Справканинг ҳожати йўқ,— деди Шарифжон ака аллақандай бошқача овозда.— Сизнинг раъйингиз олдида ҳар қандай справка ўтаверсин.

— Раҳмат,— деди Ҳабиба.

Рихсивой синфга кириб ўз жойига ўтирди. Дарс давом этди. Шарифжон ака болаларни зериктирмас, одамни ухлатиб кўядиган бир оҳангда гапирмасди. Образга кирган актердек қизишиб, завқу шавқ билан сўзларди. Гоҳида ҳазил қилиб ҳаммани кулдиради. Болалар эса бирор қизиқ гап чиқармикин дегандек, унинг оғзини пойлаб ўтиришади. Ҳа, синфни кулдириш жуда осон, сағал нарсага «гурр» этиб кулги кўтарилаверади.

Шарифжон аканинг яна битта яхши одати бор эди: ҳеч қачон мавзуну танаффусгача тақаб чўзмасди. Дарс тугашига беш-олти минут қолганда ҳикоясини тугаллар, уй иши берар, кейин ундан-бундан сўзлашиб ўтирарди.

Бугун ҳам шундай қилди. Танаффусга олти минут қолганда юнон саркардалари ҳақида батафсил гапириб бўлди, ўтган мавзуну уйда ўқиб келишни тайинлади, ҳатто кимлардан сўрашини ҳам айтди, чала жойини тўлдирадиганлар эса фақат «беш» олади, деди.

Дарс тугашига уч минут қолди.

— Энди,— деди Шарифжон ака,— обуна масаласига ўтсак. Янглишмасам, газета-журналларга ёзилиш бўйича бизнинг синф мактаб бўйича биринчи ўринни олишга ваъда берган эди. Ҳам ҳаммадан олдин, ҳам юз фоиз ёзилиб, биринчи ўринни олмоқчи эдик. Шундайми?

— Шундай, шундай! — бутун синф жавоб берди.

— Бўлмаса ижозатинглар билан обунанинг бориши ҳақида бизга синфком Холмирзаева Санобар ҳисобот берса.

Санобар ўрнидан турди.

— Икки кун давомида... учта ўқувчидан бошқа ҳамма ёзилиб бўлди. Уша учта ўқувчи бугун пул олиб келишга ваъда беришганди. Эгамова Машҳура!

Эгамова Машҳура ўрнидан туриб Санобарга пул олиб бориб берди.

— Яхши. Содиқов Аҳад!

Содиқов Аҳад ўрнидан туриб худди мажлисда нутқ сўзлаётган одамдек баланд овозда эълон қилди:

— Адам бугун маош олар эканлар. Агар бугун маош олсалар ва ичиб келмасалар, эртага опкеб бераман.

Синф «гурр» этиб кулди.

Санобар катталардек совуққонлик билан:

— Бўпти, ўтир,— деди.— Қаримов Рихсивой!

Рихсивой ўрнидан турди. Лекин жавоб беришга шошилмади. Ҳамма унинг оғзини пойлаб тин сақларди.

— Олиб келдингми? — сўради Шарифжон ака.

Рихсивой ҳамон индамасди.

— Пул олиб келдингми, деб сўраяпман?!— қайтарди Шарифжон ака.

«Сўраб нима қиласиз, олиб келган бўлганимда берардим», дилидан ўтказди Рихсивой.

— Гапир,— овозини баландлатди сал хуноби ошган Шарифжон ака.— Опкелдингми?

Рихсивой «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Нега олиб келмадинг?

Рихсивой индамади.

— Наҳотки, ота-онанг арзимаган уч сўмни сендан аяса?

Рихсивойнинг бирдан жаҳли чиқиб, бўзариб кетди. Ўқитувчига ўқрайиб:

— Нима, ёзилиш мажбурийми? — деди дўқ ва ғазаб аралаш.

— Ҳа, энди...— тугилиб қолди Шарифжон ака.— Барча синфлар юз фоиз ёзилишганда биздан битта одам четда қолса, синфимиз шаънига доғ тушмайдами? Қолаверса, биз сени бевосита пионер ва ўқувчиларга бағишланган газета-журналга обуна қилмоқчимиз. Бу журнал ва газетани ҳамма мактаб болалари ўқиши шарт.

— Ўқиш шарт бўлса кутубхонадан олиб ўқийман. Лекин ёзилиш мажбурий бўлмаслиги керак.— Ўжарлигини қўймас эди Рихсивой.

— Агар ота-онанг сендан уч сўм пулини аяса ёқи уч сўм пул тополмаса... — яна бошлади Шарифжон ака.

— Ота-онамни ўртага тикманг!!!

— Нега ўзингдан каттага бақирасан?!— овозини баландлатди Шарифжон ака ҳам.

Қўнғироқ чалиниб бутун синф диққат билан кузатаётган тортишувнинг белига тепди.

— Бўпти, сен билан кейин гаплашамиз!— деди Шарифжон ака.

У шиддат билан юриб синфни тарк этди. Санобар унинг ортидан югурди. Ўқитувчилар хонаси олдида Санобар унга етиб олди.

— Шарифжон ака, бир оғиз гапим бор сизда,— деди.

— Нима дейсан?

— Қаримов... Рихсивойнинг ота-онаси йўқ, — деди ютиниб. — У етимча.

— Етимча? довдираб қолди Шарифжон ака.— Нега энди...
— Қари пенсионер бувиси билан бирга турар экан,— деди Санобар.

Шарифжон ака Санобарга тикилиб қолди, кейин халоватини йўқотган одамдек жонҳалак бир кайфиятда ҳам таъна, ҳам гина билан:

— Шундай экан, нега олдинроқ айтмадинг?!— деди.

— Ўзим кеча аниқладим буни,— деди Санобар бегуноҳ кўзларини пирпиратиб.

Борига барака

Мастура хола аломат кампир. Аслида ҳамма кампирлар ҳам аломат бўлади. Лекин Мастура хола аломатларнинг аломати.

Кўп гапириши, эзмалиги майли — бу кўпчилик кампирларга теккан касал, аммо шу ёшга кирган одамнинг мақтанчоқлик қилиши Рихсивойнинг кулгусини қистатарди. Йўқ, Мастура хола аравани қуруқ олиб қочадиган лофчилардан эмас, мақтаниб ундоқдирман-бундоқдирман деб кеккаймайди, ёлғон-яшиқларни тўқиб, одамларни аврамайди, лақиллатмайди. Қизиги шундаки, Мастура хола, биринчи навбатда, ўзини алдайдиган мақтанчоқлардан. Ҳа, мақташиб, ўзини ўзи овутади.

Рихсивой мактабдан қайтса уйга меҳмон келган экан. Мастура хола айвонда Зумрад опа билан чақчақлашиб ўтирибди. Бувиси шунақа, меҳмон келса, эрталабдан кечгача гаплашиб ўтиравериши мумкин.

— Келдингми, қоқиндиқ?— Мастура холанинг одати шу. Эшикдан ким кириб келса, каттами, кичикми, албатта, ўрнидан туриб қарши олади.— Қутулиб келдингми ўқишларингдан?

— Ассалому алайкум,— Рихсивой катталарга салом берди.

— Яхшимисан, — деди Зумрад опа: у жуда келишган, чиройли аёл эди.

— Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг,— суюниб кетди Мастура хола набирасининг одобли бўлиб қолганидан. Чунки, у набирасига «қунига юз марта кўчага чиқсанг ҳар гал қайтганингда салом бергин, кўчада ўзингдан каттани кўрганнингда танисанг-танимасанг салом бергин», деб ўргатарди. Рихсивой эса бир кунда бир марта саломлашиш керак деган фикрда эди.

— Овқатингни сузиб берайми?

— Қорин тўқ,— деди Рихсивой.

— Вой, мактабдан келган одам, қаёқдан қорнинг тўқ бўларкан?

— Буфетга кириб, пирожка едим.

— Пирожка иссиқ овқатнинг ўрнини босмайди,— деди кампир.—

Ўтир, қанддек холвайтар қилганман, иссиқ чой билан еб ол.

— Емайман дедим-ку, буви,— ўз хонасига йўл олди Рихсивой.— Қорним очса ҳали ерман.

— Мана шу-да, буники!— меҳмонга юзланди Мастура хола.— Эрталабдан кечгача овқат пишириш билан вақтим ўтади. Нонуштага қуймоқ қил, пешинга иссиқ овқат, кечқурунга иссиқ овқат! Қошки, қадрига етиб ёлчитиб еса! Доим мана шунақа инжиқлик қилади.

— Ҳозирги болаларнинг ҳаммаси шунақа, ялиниб овқат едирамиз.

— Шуни айтсангиз-чи! Бўлмаса ўзидан сўрайман-а, хой, кўнглинг тўсаган овқатни айт, қилиб берай деб. Истаганини қилиб бераман, бари бир емайди.

«Бошладилар мақтанишни!»— дилидан ўтказди Рихсивой костюмини ечар экан. Бувиси давом этарди:

— Жуда тўқчилик бўлиб кетгани ҳам ёмон экан, Зумрадхон. Тўқликдан шўхлик дейишади-ку... Ноннинг қадри қолмаяпти. Бизлар болалигимизда зоғора нонни кўзимизга суртиб ердик. Ёки уруш пайтини олинг, амакингиз мен билан энди олти ой турмуш қилган эди, бирдан

урушга опкетиб қолишди. Ёш келин қорнимда уч ойлик бола билан бўзлаб қолавердим. Ҳукумат заборний карточкага икки юз грамм нон беради. Ёттини битириб бошқа ўқимадим. Уч йилдан кейин турмушга чиққанман. Ҳеч қаерга ишга кириб улгурмагандим. Йўқ, битта дугонам бор эди, эгар-жабдуқ тикадиган фабрикага ишга жойлаб қўйди-ю, ўзимни ўзим эплайдиган бўлдим. Тўрт йил уруш — гўшт нима, сариёғ нима билмаганмиз. Амакингиз жуда кўнгли бўш, юмшоқ одам эди. Урушга кетаётиб гапирган гаплари ҳали-ҳали қулоғимда: «Мабодо қайтиб келмасам, мени деб бахти қора бўлма. Кўнглингга яқин одам учратсанг, турмуш қур. Туғилажак фарзандимизнинг исмини эса ўғлими-қизми зинҳор Ёдгор қўйма. Қувонч деб ата. У ҳамиша сенга бизнинг муҳаббатимизни эслатиб, қувонч бағишлаб юрсин!» Кўзида гилт-гилт ёш!.. Амакингиз шунақа сахий, кўнгличан одам эди. Шундай ювош одамдан қаҳрамон чиққанига ҳайронман. Қаҳрамон бўлиш учун мардлик керак дейишади. Бекор гап экан, энг аввал виждон, номус керак экан, деб қўйдим. Виждонли одамларгина қаҳрамон бўлишар экан!..— Мастура хола маъюс тортиб хўрсинди.— Ҳам оталик, ҳам оналик қилиб Қувончни катта қилдим, вояга етказдим. Уйлантирдим. Бойлардан худо асрасин, димоғдор бўлади деб, болалар уйда тарбияланган битта қизни бошлаб келди. Худди ўзига ўхшаган ҳалол, тўғри сўзли, тўғри кўнгли эди келиним. Маҳаллага ош бериб баҳоли қудрат тўй қилдик. Уғлим олтин йигит эди. Вой, унинг қизиқчилигини, хушчақчақлигини айтмайсизми, исми жисмига яраша деб менинг ўғлимни айтса бўларди. Йўқ, унинг ҳам умри отасиникига ўхшаган қисқа экан. Эру хотин бир кунда нобуд бўлишди. Қўлимда бир яшару икки ойлик набирам билан чинқириб қолавердим мен бахтиқаро. Худонинг ишларига ҳам ҳайрон қоласан гоҳида — қариялар қолиб, ёшларнинг умрига чангал солади. Мени олақолса бўлмасмиди! Тақдир экан... машина бошини еди ўғлимни. Машинани жуда яхши кўрарди. Ўзиям ўн беш яшарлигида машина ҳайдашни ўрганганди... Хотинини ҳам сира тинч қўймасди. Ҳар отдих машинада тоққа олиб чиқиб кетиб ўйнатиб келарди. Раҳматли келиним ҳам, боя айтганимдек, довдирроқ эди. Эркакча шим кийволиб эри қаёққа судраса кетаверарди. Хуллас, эру хотин жуда хил тушишган эди. Йўқ, ношукрлик қилмайман, худога шукр, ўғлимнинг ўрнига ўғил қолди, набирамни бир ёшлигидан ўраб-чирмаб ўзим катта қиялпман. Мана, ҳадемай кап-катта йигит бўлиб қолади Рихсивойим.

Мастура хола ўз қисматини жуда кўп марта гапириб берган эди Зумрад опага. Бошқа ҳеч кимга оғиз очмас, фақат шу аёлга юрагини очарди. Бунинг боиси бор — Зумрад опа ҳар гал кампирнинг сўзини қунт ва сабр-тоқат билан тингларди. Хўжа кўрсинга сохта гаплар билан кампирга далда бермасди, фақат кўзларида ҳамдардлик билан кампирга тикилиб ўтирарди. Ҳа, у кампирнинг қайғусини тушунар эди.

Мастура хола нолимас, ўкинмас, ҳаётдан ранжимасди. Тақдирни қарғамас ҳам эди. Йўқ, у фақат гапириб юрагини бўшатиб оларди. У шунчалик оғир ҳаёт кечириб синмаганидан, бардошли ва тоқатли эканидан шукр қилиб сўзларди. Шунақа аломат эди Мастура хола!

— Вой, нега ҳеч нарса емасиз, Зумрадхон, олишиб ўтиринг. Гап билан бўлиб, чой қуйиб бериш ҳам эсимга келмабди. Беринг пиёлангизни.

— Чойим бор, хола.

— Ҳозирги одамларга ҳам ҳайронсан,— жилмайиб давом этди Мастура хола.— Топиб олишгани конфет, печенье, пирожний. Мен оғзимга олмайман. Ўзимизнинг мағиз, ёнғоқ, туршаклар минг дардга даво. Ҳа, ўзимизнинг писта-бодомда, жийда-туршакда хосият кўп. Ҳозиргилар қадрига етмайди. Олинг, айланай. Мана бу шафтоли қоқидан олинг.

— Раҳмат, холажон, оляпман.

— Сиз олдин олинг, айланай, кейин раҳмат айтасиз. Пистам ҳам, бодомим ҳам бор эди, кечагина тамом бўлди-я.

Шу пайт ичкари уйдан Рихсивой чиқиб қолди, бувисига қараб «яна мақтаняпсизми», дегандек қараб қўйди. Мастура хола бир лаҳза жим бўлди. Набираси транзисторни олиб, ўз хонасига кириб кетиши билан яна давом этди:

— Набирам бечорани ҳеч ўз ҳолига қўймайман. Қўнглига уриб қолмасин, деб ҳар куни ҳар хил овқат пишираман. Худога шукр, замон яхши, тўқчилик. Ҳали манти, ҳали норин, ҳали хасип соламан. Паловни-ку кун ора қиламан. Ҳа, айланай, гўштни бозордан, қўлда сўйилганидан олиб келиб ейдиган кунларимиз ҳам бўлади.

— Ҳа, ҳа,— бош силкиди Зумрад опа.

Кампир Зумрад опага қараб оширворганини пайқади ва бу гапга чек қўйди.

Мастура хола Зумрад опани жуда яхши кўрарди. Мана шунақа тоқат билан сўзларини тинглаб ўтириши учун яхши кўрарди. Қўли очиқ, дили тоза аёл эди Зумрад опа. Агар шу хотин бўлмаганида, ким билади, ҳоли не кечарди Мастура холанинг.

Зумрад опа билан танишганига ўн йилча бўлди. Ҳали-ҳали эсида, бир кун — келини билан ўглининг қазосидан уч ой кейин — уйга ёшгини бир жувон кириб келди. Уни биринчи кўрганидаёқ жуда одобли ва камсуқум аёл эканини пайқади. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин Мастура хола «келинг, айланай» деб саволчан боқди меҳмонга. Зумрад опа гапни кўп чўзиб ўтирмай, мақсадини лўнда қилиб айтиб қўя қолди. Яқинда турмуш қурган, қўлида олти ойлик чақалоғи бор, эри заводда, ўзи касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайди, болага қарайдиган одам йўқ. Ишни ташлаб уйда ўтирай деса, битта эрининг топгани рўзғорга етмайди. Яслига берай деса жой йўқ, иннайкейин, ўзининг ҳам яслига бергани кўнгли бўлмаепти, чунки қизалоғи жуда нозикниҳол, тез-тез касалга чалиниб туради. Шунинг учун боқчага борадиган бўлгунча қараб турадиган одам қидириб юрибди. Орқаваротдан суриштирса, Мастура холани айтишибди. Шунга келган экан.

Дафъатан, меҳмоннинг гаплари Мастура холага эриш туюлди. Нима, энди шу йўл билан пул топадими? Ундан кўра, бирор корхонага, осонроқ ишга кириб ишлайди, одамлар орасида бўлади, давлатга ҳам фойдаси тегади. Лекин Зумрад: «Мен шошилмаяпман, бафуржа ўйлаб кўринг», деганидан кейин ўйланиб қолди. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Бари бир Рихсивойни ҳам боқиб ўтирибди-ку? У боқча ёшига етмагунча ишга ҳам киролмайди. Битта болани боқди нима-ю, иккитасини боқди нима. Кейин бола боқиб пул топишининг нимаси номус экан? Қайтанга энг фахрли иш — бола тарбиялаб ўстириш. Бу ёқда мана шу жувоннинг ҳам ҳожатини чиқаради, бирам очиқ кўнгил, гаплашадиган жувон экан ўзи. Йўқ деб хафа қилгани кўнгли бўлмади, шунчалик ёқимтой жувон экан. Мастура хола рози бўлди.

— Келинг, сазангиз ўлмасин. Менинг ҳам чақалоқ набирам бор. Иккаловини қўшиб боқиб ўтирарман. Ўзим энди ишга кирмоқчи бўлиб турувдим. Келиним бундан бир йил бурун: «Ойи, қариб қолдингиз, уйда ўтиринг энди, биз ишлаймиз», деб фабрикадан бўшатиб олганди. Эҳ... келинимни сиз билмайсиз, оповси. Туғилган ўғлимдан ҳам меҳрибон эди. Биз қайнона-келин эмас, туғишган она-бола эдик. Мен эрдан ёш бева қолганман. У бўлса етимликда ўсган. Қисматимиз бир-бирига ўхшаб кетганиданми ишқилиб жуда иноқ эдик... Яхши қилдингиз оповси, ўйлаб кўрдим. Давлат эллик сўм пенсия беради. Етади на-бирам иккаловимизга. Биттаю битта кўзимнинг оқу қораси — ҳам ўғлимдан, ҳам қизимдан ёдгорлик набирам бор. Яслига бермай, ўзим боқаман. Ҳаётимни шу болага тикканман. Кўзим очиқлигида шу болани вояга етказиб, битта бошини иккита қилиб қўйсам, бу дунёдан армонсиз ўтаман,— яна гапга тушиб кетганини сезиб Мастура хола яқун ясади:— Опкелаверинг қизалоғимни, набирам билан ўйнаб катта бўлади.

Зумрад опа ҳақини келишиб олмоқчи эди Мастура хола оғиз очирмади. Машиначилик жудаям кунига яради. Қўни-қўшни, таниш-билишларининг нарсаларини тикиб беш-олти сўм ишлайди. Ҳеч ким тикиш-

га нарса бермаганда, худонинг ўзи Зумрад опани етказди. (Жуда хосятли аёл-да.) Тиктиргани бир қучоқ нарса: кўрпачага авра-астар, ёс-тиққа жилд, деразага парда кўтариб келиб қолади.

Тўғри, Рихсивой катта бўлган сари харажатлар ҳам оша борди: ҳали форма, ҳали туфли, ҳали пальто, кунда қозон қайнат.

Мастура хола холвайтарни тез-тез қиларди — минг қилса ҳам чиқими кам. Устига устак набирасига ҳар ҳафта танга пул бериб туради: хўрозқанд олиб ер, лимонад ичар, деб. Ўзи беради. Рихсивой бола бўлиб, бувисидан сира пул сўрамаган, аҳволни тушунса керак-да.

Ҳа, Мастура хола ҳаётдан рози эди: қора қозонлари кунда қайнаб туради. Ўзи айтганидек, бозорнинг қўлда сўйилган гўшtidан ҳам олиб ейишган. Шундоқ экан, нега энди ҳаётдан норози бўлсин?!

Аммо умридан барака топкур Зумрадхоннинг ови юришди. Яхши одамларга ўзи шунақа омад кулиб боқади. Шу ўн йил ичида Зумрадхон ўқиб, катта дўхтир бўлиб етишди. Эри ҳам кўтарилиб министр бўлди, аммо димоғдан тариқча йўқ, олдин қандай бўлишган бўлса ҳозир ҳам шундай. Гўё эр министр эмасу Зумрадхон катта дўхтир эмас-дек.

Э, товба! Шундай Зумрад опа мақтанмайди-ю, амал-тақал қилиб кун кўраётган Мастура хола кўпиргани кўпирган. Худди одина-чоршанба қўй сўядиган одамдек. Мастура хола буни ўзи ҳам сезади, аммо тилини тиёлмайди. Қим билади, балки Зумрадхон билан ўрталаридаги энг азиз бўлган тенглик йўқолишидан кўрқиб шундай қилармикин ёки ораларидаги муносабатнинг бузилиб қолишидан чўчирмикин. Хуллас, Мастура холанинг ўзи ҳам нега мақтанишини тагига етолмасди.

— Берганингизни берарсиз. Мен савобга ҳам боқиб беравераман. Ҳа, ундан ташвиш тортманг, оповси. Эртаданоқ опкелаверинг қизалогимни.

Мастура хола Сорахонни уч ёшга тўлгунича боқиб берди. Охирги куни Зумрад опа бир қучоқ совга-салом билан кириб келди. Мастура холага кўпдан кўп раҳматлар айтди. Ўз навбатида Мастура хола ҳам Зумрад опага, қизалоғи Сорахонга жуда ўрганиб қолганди.

— Биз туғишгандек қадрдон бўлиб кетдик, оповси. Сиз қизимдек, Сорахон набирамдек бўлиб қолдинглар. Ҳа, йўқ бўлиб кетманг, борди-келди қилиб турайлик,— деди Мастура хола кўзига ёш олиб.

— Вой, албатта, хола. Сизни тинч қўймайман. Ҳар ҳафта қатнаб жонингизга тегаман. Сорахон энди сизнинг набирангиз, мен бир ўзим уни эплолмайман. Нима бўлса олдингизга югуравераман,— деди Зумрад опа.— Кийим-боши бор, ўзингиз тикиб бериб турасиз. Машина тикишни биласизми?

— Биламан, фабрикада тикканман. Аммо ўзимнинг тикув машинам йўқ.

— Оламингиз,— деди Зумрад опа.— Ўзингизга, набирангизга, менга майда-чуйда нарсаларни тикиб бериб ўтирасиз. Қачонгача икки ҳисса пул сарф қилиб арзимаган нарсаларни ҳам магазиндан олиб ўтирамиз? Қўлингиз бўш пайтларда қўни-қўшнининг ҳам ул-булини тикиб берарсиз. Ҳарна, тўрт сўм-беш сўм чой пули тушиб туради,— кулди Зумрад опа.

— Кошқийди машинам бўлса, бекордан худо безор дейдилар, сиз айтгандек рўзгорга ҳам фойдаси тегиб турарди. Аммо қиммат-да, қуриб кетгур. Бизда унақа пул қаёқда.

— Э, биргалашиб олармиз, кейин узарсиз.

Шундай қилишди. Мастура хола икки ойлик пенсиясини берди, қолганини Зумрад опа қўшди қарзга ва қулинг ўргулсин оёқ машина сотиб олишди. Шундан кейин Мастура холанинг иши анча юришиб кетди.

— Айланай, нарсаларингизни тикиб тахт қилиб қўйдим,— деди Мастура хола.

— Вой, ростданми?

— Бўлмасам-чи. Бировга ваъда берсам, қандай бўлмасин, айтган пайтимга тайёрлаб қўяман. Бўлмаса уйқум келмайди.

— Биладан сизни, шу вақтгача бирор марта сўзингизнинг устидан чиқмаган пайтингиз бўлмаган.

— Одамлар айтишади инсон боласи ҳалол, ор-номусли бўлиши керак деб. Бу ҳаммаси тўғри, аммо-лекин инсонда энг аввал лавз бўлиши керак. Ҳа, лавз бўлмаса на мард, на виждонли, на ҳалол бўла олади. Лавз бўлмаса, ҳаммаси бир тийин. Ҳа, бобурд одамдан худо асрасин!— Мастура хола яна эзмалик қила бошлади:— Ҳеч эътибор берганмисиз, иккиюзламачида, қўрқоқда, товламачида лавз бўлмайди.

Яна ичкари хонадан Рихсивой чиқиб гапнинг белига тепди:

— Буви, чизғичимни кўрмадингизми?

— Нега кўрмас эканман, қоқиндиқ? Турувди жойида, шкафингни устида.

Рихсивой бувисига ғалати қараб қўйди-да, яна ўз хонасига кириб кетди. Кампир Набирасининг мақсадини тушунди.

— Вой, айланай Зумрадхон, нега ҳеч нарса емайсиз? Мана бу ҳолвайтардан татиб кўринг. Ҳолвайтар тансиқ овқат-да, иннакейин яхши кўраман. Шунинг учун онда-сонда қилиб тураман. Олинг, татиб кўринг,— яна гапнинг мавзуини бурди Мастура хола.

Зумрад опа ҳолвайтардан бир қошиқ еди.

— Аммо қўлингиз жуда ширин-да, Мастура хола,— мақтади Зумрад опа.

Пастдан машинанинг сигнали эшитилди.

— Мени чақириваётган бўлса керак,— шошиб қолди меҳмон.— Тушликда бориб кела қолай, деб куёвингиздан машина сўраган эдим. Сал ушланиб қолсам ҳам дарров жаҳллари чиқади, минг қилса ҳам, давлатнинг машинаси-да!

— Майли, айланай, майли. Ишқилиб гап тегмасин,— юпатгандек гапирди Мастура хола.— Ҳозир опчиқиб бераман нарсаларингизни, айланай.

Мастура хола ичкари уйга кириб, юмшоқ матога ўралган бир даста ёстиқ жилди олиб чиқди.

— Мана, айланай, тикилишини кўриб боқасизми? Ҳар бир чокини икки мартадан машинада югуртирдим.

— Ишни пишиқ қилишингизни биладан,— сумкасини ковлаб пул ахтара бошлади Зумрад опа.

— Худоба шукр, шу пайтгача кимга нима тикиб берган бўлсам, бирортаси норози бўлмаган. Минг меҳнат қилсанг ҳам, одамларнинг пулини рози қилиб олиш керак. Қилган ишингни кўриб қарғаса берган пули юкмайди, ҳа, суриб кетади.

— Етадим шу?— Зумрад опа Мастура холага пул берди.

Мастура хола пулни санаб ўтирмади:

— Сиз билан мени орамда қандай ҳисоб-китоб бўлиши мумкин, айланай? Ҳиммат қилиб берасиз-у, мен кам-кўп деб инжиқлик қиламанми? Илоҳим, умрингиздан барака топинг. Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин. Менга берган бирингиз олло таалодан ўн бўлиб қайтсин. Кеп турунг шунақа.

— Ойнинг охирида яна ўтарман, чақалоққа ич кийим тикиб берасиз.

Мастура хола қўлини кўксига қўйиб, бош эгди.

— Садағанг кетай, оповси! Яхши одамларнинг хизматига доим ҳозирмиз. Қачон келсангиз, эшигим очиқ сиз учун.

— Хайр, раҳмат — Зумрад опа шошиб чиқиб кетди.

— Омон бўлинг! Келиб турунг, куёвга салом айтинг.

Зумрад опа кетиши билан ичкари уйдан илжайиб Рихсивой чиқди. Хаҳолаб кулиб юборишдан аранг ўзини тутиб тургани башарасидан шундоққина билиниб турарди. Уни кўриб, Мастура хола ҳам беихтиёр жилмайди:

— Ҳа, мулла бола, жуда димоғингиз чоғ?

— Ейдиганингиз ҳолвойтар-у, мақтанишингиз оламини бузади-я!— деди Рихсивой.— Нима эмиш бозор гўшти, кун ора хасип, норин, манти...

Рихсивой у ёғини айтолмай кулиб юборди.

— Оббо зумраша-ей, эшитиб ўтирганмидинг?!— Мастура хола ҳам набирасига қўшилишиб кулди.

Кулги борган сари авжига чиқаверди. Унга сари Рихсивой баттар қиларди:

— Кунига уч маҳал иссиқ овқат эмиш!— у қийқириб, тиззасига уриб кулди.

— Уфф... бўлди, бас қил, чарчаб кетдим,— кўз ёшини артди Мастура хола. Кейин бирдан жиддий тортди.— Тўғрисини олиб қараганда ҳам биз яхши яшаймиз-да. Шуни бир билиб қўй, бориға барака қилган одам сира хор бўлмайди. Энди бой — бориға шукр қилган одам. Минг бой бўлсин, агар емаса, ичмаса, киймаса-да йиғаверса, қачон қарасанг нолиса, ундан қашшоқ одам йўқ.

— Одамнинг ўзига боғлиқ экан-да, бой, камбағал бўлиш. Бойман деса бой бўлиб қолаверар экан-да,— гапни ҳазилга йўймоқчи бўлди Рихсивой.

— Ҳа, баракалла! Одамнинг ўзига боғлиқ,— деди Мастура хола қизишиб.— Сандиқлаб тиллоси, юзлаб қўйи бўлган бойваччаларни кўрганман. Емай-ичмай, тузукроқ кийинмай, қашшоқдан баттар яшаб ўтишган. Сан билан манга мазза: намати тагига ташлаб қўйган бир сўмимиз йўқки, қачон ўшани ўн сўм қиларканман деб куйиб пишсак. Бизники таралла бедод! Топганимизни еймиз, истаганимизни киямиз, ўйнаймиз, куламиз. Ялло!

— Яна опқочяпсизми, буви?!

Мастура хола бирдан тўхтаб гуноҳкорона жилмайди. Синчиклаб қараган одам унинг кўзларида ҳорғинлик, алам ва ғусса кўриши мумкин эди. Фақат синчиклаб, жуда синчиклаб қараш керак эди, чунки муштипар кампир иложи борича ташвишини яширишга ҳаракат қиларди.

— Опқочиш ҳамманинг қўлидан келавермайди, буни ҳам эплаган одам қилади,— деди Мастура хола.

— Бу тўғри,— деганини билади Рихсивой, бирдан бувиси икки букчайиб қолди, кўзи аланг-жаланг бўлиб набирасига қаради.

— Нима бўлди, буви?— қўрқиб кетди Рихсивой.

— Ҳеч нарсаси,— ўзини бепарво кўрсатишга уринди кампир.— Гоҳида ичимга бир нарсаси қадалгандек бўлади. Ботмайдиган нарсаси еб қўйгандирман. Ҳозир ўтиб кетади.

— Докторга кўрсатиш керак, буви, ахир бу биринчи марта эмаску,— дарҳақиқат, Мастура хола кейинги пайтда тез-тез касалга чалиниб турарди.

— Бэ...— докторларингга ишонмайман,— ҳазиллашишга ҳаракат қилди кампир.— Ўзимнинг дорим бор, бир қултум булоқ суви бўлса кўрмагандек бўлиб кетаман.

Бир қултум булоқ суви. Бу гапни Рихсивой бувисидан такрор-такрор эшитган эди. Воқеа бундай бўлган экан.

Мастура хола ёшлигида бир гуруҳ тенгдошлари билан Чимён тоғларига сайилга чиқишган. Ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба қилиб роса яйраганлар. Қайтиш олдидан, намозшомда бирдан Мастуранинг қорни оғриб қолган. Шунда Рихсивойнинг буваси: «Сени ўзим тузатаман, шу атрофда булоқ бор, суви шифобахш ва муқаддас деб эшитганман. Ҳозир топиб келаман», дейди ва битта меш олганича тоғ оралаб булоқни қидириб кетади. Қоронғида булоқни топгунча Рихсивойнинг буваси анча сарсон бўлади, ниҳоят уч соатлардан кейин мешни тўлдириб сув олиб келади. Булоқ суви ҳақиқатда шифобахш эканми ёки шунга ишонганиданми, Мастура сувдан ичиб, ярим соатга қолмай ўзи айтганидек, отдек бўлиб кетади.

— Бувижон, хўп десангиз тоққа бориб ўша булоқ сувидан олиб келиб бераман,— Рихсивой сафарга расмана бел боғлаган эди.

— Йўқ, болам, раҳмат,— ҳам суюниб, ҳам қўрқиб кетди Мастура хола. — Ҳали ёшсан, тоғ — олис йўл, сени ишониб юборолмайман. Хавотирдан баттар бетоб бўлиб қоламан. Сал катта бўл, кейин бирга бориб ўйнаб келамиз.

— Нега ишонмайсиз, ахир, мен...

— Йўқ, йўқ, болам! Зинҳор-базинҳор рухсат бермайман,— кампир ўзини зўрлаб жилмайди.— Бо худо, шугина экан-ку, мана қўйворди-қўйди.

— Касал сизга ўйинчоқ экан-да, дарров тутиб, дарров қўйворадиган. Бари бир докторга қаратмагунингизча қўймайман. Ҳа, Зумрад опадан илтимос қиламан.

— Вой, нима деяпсан? Мен зуваласи пишиқ кампирларданман. Сени бошингни иккита қилиб қўймасдан туриб, ҳеч қандай касалга сўз бермайман. Билиб қўй шуни!— тетик гапирди кампир.

Шундан кейин Рихсивойнинг кўнгли сал жойига тушди.

Тоққа саёҳат

Шарифжон ака яна шараф қозонди. Олдин унинг ажойиб одам, зўр ўқитувчилигини битта 7-«б» билса, энди бутун мактабга доврўғи тарқалди. У ҳавас қилса, мақтаса арзийдиган иш қилди, ўз синфи 7-«б»ни дам олиш куни тоққа — Чимёнга саёҳатга олиб чиқадиган бўлди. Бу ҳам майли-я, энг асосийси, аллақайси автобазага бориб, битта автобус гаплашиб келгани ҳаммани қойил қолдирди.

Ингилиш мактабда, эрталаб соат олтига тайин этилган эди. Соат ўнта кам олтида синф жамулжам бўлди. Ҳатто тўққизга аранг етиб келадиган, дарсга нуқул кеч қоладиганлар ҳам ҳозир нозир эдилар.

Фақат «Бақалоқ» лақабли Шодиев йўқ эди. У ҳам олтига етти минут қолганида пайдо бўлди. Болалар уни узоқдан кўришлари билан кулиб юборишди. Унинг кўриниши ҳақиқатан кулгили эди: орқасига қопдек келадиган катта рюкзак орқалаб олган, бурни ерга тегай, деб аранг қадам босиб келарди. У хахолаб кулаётган ўртоқлари олдига келди-да, орқасидаги рюкзакни ечиб «гурс» этказиб ерга қўйди, даст-рўмолини чиқариб қора терга богган юз-кўзини артди.

— Нимади бу. — сўради Санжар.

— Бир кунлик овқатим,— деди «Бақалоқ».

Яна «гурр» кулги кўтарилди.

— Нима бўлади бу сенга? — тегажўқликни давом эттирди Санжар.

— Нима қилай, ҳозирги ота-оналар ҳам жуда хасис бўлиб кетишган. Тоққа кетяпман десам, тўртта товўқ, атиги ўттиз битта тухум, уч буханка нон солишипти...

— Очдан тиришадиган бўйсан-да, бугун? — деди Санжар.

Сенлар бор-ку, оч қолмасман?

— Ўртоқлар, менда битта таклиф бор,— кулгини босди-босди қилди синфком.— Таклифим шуки, «Бақалоқ»ни шу ерда қолдириб кетсак. Чунки, бу борадиган бўлса бутун синф оч қолиш хавфи бор.

— Тўғри, ҳаммамизни овқатимизни еб қўяди!— синфкомнинг гапини маъқуллади Санжар.

Болалар қий-чув қилиб туришганда яп-янги, бўёқлари ялтираб турган автобус келди-ю, гапнинг белига тепди.

Шофёр автобуснинг орқа ва олди эшигини ланг очди. Бутун синф автобус томон югурмоқчи бўлганда Ҳабиба тўхтатди.

Болалар, бир минут, олдиндан айтиб қўяй, автобусни ифлос қилманглар, писта чақиш, конфет қоғози ташлаш йўқ. Шофёр билан шундай келишилган. Ҳа, ашула айтиш мумкин.

Илтимос бор,— деди Санжар Шарифжон акага қараб,— бугун

эркинлик эълон қилинса. Ким қандай истаса шундай дам олсин, истанган ашуласини айтсин.

— Майли-ю, лекин репертуар, албатта, пионер ва ўқувчилар кўшиқларидан тузилган бўлиши керак,— деди Шарифжон ака.

Қий-чув кўтарилди:

— Классик куйлар-чи? Меросни ўрганиш керак-ку?

— Мақом ва катта ашулалар-чи?

— Орамизда яккахон хонандалар, ҳофизлар бўлса-чи?

— Жаз ва эстрада мухлислари нима қилади?

— Ҳа, тўла эркинлик бўлсин!

— Жим, жим, жим!— аранг тўхтатди шовқин-суронни Шарифжон ака. — Ҳар қандай эркинликнинг ҳам маълум чегараси бўлади. Акс ҳолда бебошлик, тартибсизлик, парокандалик авж олади.

— Менда битта таклиф бор,— деди Ҳабиба.— Майли, кимнинг қандай ашула айтгиси келса айтаверсин, фақат шарт шуки, ахлоқ доирасидан четга чиқиш йўқ.

Яна шовқин кўтарилди.

— Мана бу тўғри таклиф!

— Ҳар ким хоҳлаган ашуласини айтаверсин!

— Яна битта шарт бор, бу асосий шарт, ҳар қандай ашуланинг ҳам ижроси яхши бўлсин!— деди «Бақалоқ».

— Тўғри, ҳамма нарсага чидаш мумкин, лекин яхши ашуланинг бузиб айтилишига чидаб бўлмайди,— бу Санжар эди.

— Жи-им!— яна сўз олди Шарифжон ака.— Мажлис тугади. Фақат яхши ашула ижро этилсин, деган қарор қабул қилинди. Гап тамом. Ҳа, айтмоқчи, бир минут. Ашулани шаҳарда айтиш йўқ. Автобус шаҳардан ташқарига чиқиши билан, ўзим «рухсат» деб айтаман. Ананнайкейин олаверасизлар! Қани автобусга!

Зум ўтмай автобуснинг ичи тўлди.

— Ҳамма шу ердами? — сўради Ҳабиба.

— Шу ерда!— бутун автобус бараварига жавоб берди.

— Бўлмаса кетдик,— Ҳабиба шофёрнинг олдидаги ўриндиққа ўтирди.

Автобус жойидан силжиди. Бу ҳаммага маълум нарса — дам олишга ёки саёҳатга кетаётганда одамнинг руҳи кўтаринки, кайфи чоғ, ҳазилга мойил бўлади. Сағал нарсага «гурр» кулги кўтарилаверади.

Автобус шаҳарни тарк этиши билан кўшиқ бошланди ва бир-бирига уланиб кетаверди. Олдин шўх ва ўйноқироқ, кейин ғамгин ва лирик ашулалар, кейин яна қувноқ ва ҳазил ашулалар...

Рихсивой ашулага аралашмас эди. Унга томоша бўлса бас. У энг орқадаги қаторда деразадан атрофни томоша қилиб кетарди. Бу жойнинг яна шуниси яхши эдики, ҳамма болалар олдинга тикилиб иккитадан ўтириб олишган. Рихсивойнинг эса ёни бўш, битта ўриндиқда битта ўзи маза қилиб борарди.

Автобус шаҳардан чиқиб Қибрайга етганда Рихсивойнинг ўриндиғи тагида бир нарса қимирлагандек бўлди, кейин кимдир оёғини туртди. Рихсивой ҳайрон бўлди. Орқада ҳеч ким йўқ туртадиган, чунки энг охириги қаторда ўтирибди. У энди энгашиб қарамоқчи эди, ўриндиқнинг тагидан инқиллаб-синқиллаб Анқабоев чиқиб келди. Ҳа, ўша докторхонада кўрган Анқабоев — тўққизинчи синф ўқувчиси, катта талант соҳиби — Анқабоев.

— Оғзингни беркит, акаси, пашша кириб кетади.— Анқабоев Рихсивойнинг ёнидан жой олди.

Ҳақиқатда ҳам Рихсивойнинг оғзи ланг очилиб қолган эди. Эс-ҳушини йиғиб олгач сўради:

— Қандай қилиб бу ерда пайдо бўлиб қолдинг?

— Табиатни севамиз, акаси! Табиатга бўлган муҳаббат эса одамни не кўйларга солмайди, дейсан, — олифтагарчилик қилди Анқабоев.

— Шарифжон ака кўриб қолса нима қиласан, тушириб юборадими-ку?

Энди гўрни тушириб юборадими, акаси, ярим йўлга етиб қолдик-ку! Масъулиятдан қўрқади,— бамайлихотир жавоб берди Анқабоев.

Улар бир пас жим кетишди, аммо Рихсивой ҳеч тинчлана олмади:

— Йўқ, рост, айтақол, қачон ўтириб олдинг?

— Энди тушириб юбориш у ёқда турсин, агар йўлда турганимни кўриб қолса машинага ўтқазиб бирга олиб кетиши керак. Нега деганда масъулиятдан қўрқади, нега деганда ҳар бирингга, шу жумладан энди менга ҳам боши билан жавоб беради. Нега деганда...

— Мен сендан тушириб юборадими, йўқми, деб сўрамаяпман. Қандай қилиб автобусда пайдо бўлиб қолдинг, деяпман?!

Анқабоев пинагини ҳам бузмасдан давом этди:

— Нега деганда энди мен ҳам шу коллектив аъзосиман, акаси. Бизда эса, акаси, коллективизм руҳи жуда қаттиқ ривожланган — ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!

— Ув, ғалча, мен сендан қандай қилиб автобусга чиқиб олдинг, деб сўраяпман,— Рихсивойнинг хуноби ошди.

— Мажлисбозлик энг ёмон мараз,— илжайди Анқабоев.— Узундан-узоқ чўзиладиган мажлислар фақат зиён келтиради...

— Мен сендан...

— Сизлар қандай қўшиқ айтиш ҳақида мажлис қилаётганларингда,— Рихсивойнинг сўзини бўлди Анқабоев,— мен лип этиб автобусга чиқиб олдим. Мана сенга, акаси, мажлисбозлик — мараз эканлигига далил. Сенлар гап билан оворасанлар. Мен эса ишимни битириб олдим.

Энди Рихсивойнинг кўнгли жойига тушган эди. Аммо жуда ғалати бола экан Анқабоев. Башараси кулгили: юзи узун, оғзи катта, бурни савол аломатининг тесқариси — бурун эмас илмоқ дейсиз, қув кўзлари сизик, иккала қулоғи орқасига эмас, ёнига ўсган, елпиғичга ўхшайди. Пешонасига худди «ишەқмас ва ялқов» деб ёзиб қўйилгандек.

Автобуснинг ичида ашула авжида, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳеч ким Анқабоевни кўрмади ҳам.

Анча жойгача Анқабоев индамай борди. Кейин чўнтагидан сигарета олди. Рихсивойнинг эси чиқиб кетди:

— Автобусда чекмоқчимисан? Шарифжон ака кўриб қолса ўлдиради-ю!

— Нима қилай, акаси, хумор қилди. Қашанда, хумор қилганда чекмаса, ўлади. Шундоқ бўлгандан кейин, бари бир ўладиган бўлгач, чекиб ўлганим маъқул эмасми?

— Шофёрдан ҳам балога қоласан, ахир ўт тушиб кетиши мумкин! — Рихсивой бировга танбеҳ берадиган, бировни тартибга чақириб ақл ўргатадиган маҳмадана болаларни жуда ёмон кўрарди. Ҳозир ўзи шунақа болаларга ўхшаб кетганидан ажабланди.

— Дарвоқе,— пешонасини тириштириб фикр дарёсига ғарқ бўлди Анқабоев (ҳар хил қиёфаларга киришга уста эди. — Автобус ёниб кетса, тоққа қандай қилиб етиб оламиз?!)

Анқабоев қўлидаги сигаретани ёриб, тамаксини кафтига тўкди-да эзғилади. Бир чимдим, бир чимдим олиб бурнига тикди. Ҳузур қилиб ҳидлади. Кейин инглизчасига бир балолар деб ғўлдиради.

Хав ду ю ду! Соу сов. О кэй!

Анқабоев ўриндиқнинг суянчиғига ястаниб чўзилди. Кўзларини юмиб олган, лабида билинар-билинемас табассум, бутун башарасидан лаззат ва роҳат ёғилиб тургандек... Фақат уччига чиққан бангиларгина шунақа кайф қилиши мумкин.

Рихсивой унинг башарасига қараб илжайиб қўйди.

— Ғўра! — деди Анқабоев.

Рихсивой ҳеч нарсага тушунмади.

— Ув, ғўра, сенга гапираяпман.

— Мен ғўра эмасман. Рихсивой менинг отим.

— Майли нима бўлсанг ҳам. Фақат типирчиласдан ўтир, кайф-ни бузясан!

Рихсивой яна илжайди. Анқабоев тушмагур артистлигидан ташқари балодек ҳазилкаш ҳам экан. Рихсивой унинг қулоғига энгашиб аста шивирлади.

— Мулла ака, нафас олсак майлими, безовта қилмаймизми?

Анқабоев ҳам Рихсивойдан бунақа ҳазил кутмаган эканми, ажабланиб битта кўзини очди, Рихсивойнинг юзидаги ўта жиддийликни кўриб, илжайди. «Дурустсан-ку» дегандек кафтини очиб Рихсивойга тутди. Рихсивой унинг кафтига шапатилаб туширди. Бу икковининг бир-бирига тан берганлик аломати эди.

Ҳазалкентдан ўтганларидан кейин йўл тоғ бағирлаб кетабошлади. Болалар энди анча толиқишган, ашулалар ҳам пасая бориб, кети узилай-узилай деб қолганди.

Шу пайт бирдан жаранглаган овоз янгради.

— Боғ аро қўйсам қадам,

Гул-гунча қолмай хандадур.

Бу овоз нафақат жарангдор, аини пайтда ёқимтой ва ширали эди. Ман-ман деган ҳофизлар бунчалик қотириб айтолмасди. Ҳамма бирдан ашула эшитилган томонга қаради. Ашула айтаётган эса... Анқабоев эди. Қий-чув, кулги, ажабланиш садолари — барчаси қўшилиб кетди.

— И-е, Анқабоев-ку!

— Осмондан тушдимми, ердан чиқдимми?!

— Аммо катта ашулани қойил қилар экан!

— Яшавор, азамат!

Шарифжон ака сапчиб ўрнидан турди.

— Жим! Жим деяпман! — У аста Анқабоевга яқинлашди. — Хўш, бу нима қилиқ, Анқабоев?!

— Ашула. Ўзингиз классик ашулаларни ҳам айтишга рухсат бердингиз-ку? — бамайлихотир жавоб берди Анқабоев.

— Мен сендан бунга сўрамаяпман! Мен сендан қандай қилиб... нега бесўроқ бизнинг автобусда пайдо бўлиб қолдинг, деяпман?!

Анқабоев Шарифжон аканинг пўписасини писанд ҳам қилмади, кулгилироқ жавоб қидириб бошини қаший бошлади. Шу пайт Рихсивой ўрнидан туриб.

— Уни мен таклиф қилувдим, қўшнимиз. Ёнма-ён домда турамиз, — деди.

— Ким рухсат берди?! — энди Рихсивойга дўқ урди Шарифжон ака.

— Мен... тоғ битта бизники эмас, иннакейин... еб қўймас, бизга ҳам етар деб ўйловдим, — деди Рихсивой.

— Бу бебошлик! — ўшқириб берди Шарифжон ака. — Ҳозир шу ерда тўхтаимиз-да, Анқабоевни шаҳарга қайтаётган машиналардан бирига ўтқазиб юборамиз!

— Борақолсин, Шарифжон ака.

— Бегона эмас-ку, ўзимизнинг мактабдан-ку — ҳар ер, ҳар ердан ялинган овозлар эшитилди.

Бутун мактаб Анқабоевни яхши кўрарди.

— Ахир, бунинг жавобгарлиги бор! — бўш келмади Шарифжон ака.

— Жавобгарлигини мен бўйнимга оламан, — Ҳабиба ҳам ўрнидан туриб олган эди.

Шарифжон ака жим бўлиб қолди. У ўйларди. Бутун автобус сукут сақлаб унинг жавобини кутарди. Вазият қалтис эди. Бош пионервожатийга йўқ деб бўлмайди, акс ҳолда бутун синфнинг олдида обрўйи тўкилиб кетади. Лекин интизомбузар ўзбошимчани жазолаш ҳам керак эди.

— Майли, кетаверсин, лекин шаҳарга борсак, бу масалага яна қайтамиз, — деди аламзадалик билан Шарифжон ака.

Қизиқчилик қилиб ҳамманинг эътиборини ўзига қаратмоқчи бўлган Анқабоев сал қолди саёҳатдан маҳрум бўлишига.

Қуёш энди кўтарилса бошлаганда автобус манзилга етиб келди. Кўпларнинг Чимёнга биринчи чиқишлари эди. Автобусдан тушишлари билан болалар тоғ манзарасига маҳлиё бўлиб анқайиб қолдилар. Манзара эса ҳақиқатан гўзал ва мафтункор, сеҳргар ва мўъжизакор эди.

Ўтлар қовжираб сариқ ва тўқ жигаранг тус кашф этган. Шу босидан бутун борлиққа сап-сариқ гилам тўшаб қўйилгандек эди. Тўптўп бўлиб дарахтлар ўсган, уларнинг қирмизи ранг барглари худди ёниб-сўнаётгандек маъюс ва шабадада заиф пилдираб турарди.

Болалар ўзлари билан олиб келган нарсаларини бир ерга жойлаштиришни ҳам унутиб, сеҳрланиб қолгандек атрофга суқланиб боқардилар.

— Болалар, тоғни томоша қилишга улгурамиз, ҳали олдинда бутун бошли кун бор,— баланд овозда гапирди Шариф ака.— Ҳозир ҳамма — ким нима олиб келган бўлса ўзи билан бирга олиб, мени кетимдан юради. Ҳа, ҳамма! Инағомова, бу гап сенга ҳам тегишли. Кетдик.

Шарифжон ака асфальт йўлни тарк этиб, тоғ этаги бўйлаб юқорига кўтарилди. Юз метрча баландликда беш-олтита дарахт ўсган жой бор эди, улар ўша ерда тўхташди.

— Энди ҳамма ўз юкини мана шу ерга тўплайди,— дарахт тагини кўрсатди Шарифжон ака.— Энг олдин ўтириб нонушта қилиб оламиз. Бошқа масалаларни, яъни дам олишни қандай уюштиришни кейин маслаҳатлашамиз. Ҳа, аввал таом, баъдаз калом.

Дарров иккита навбатчи сайланди. Улар газеталардан ерга узун қилиб дастурхон ёзишди. Ҳамма топган-тутганини ўртага ағдарди. Дастурхон жуда тўкин эди: колбаса, яхна гўшт, тухум, товуқ, пишлоқ, шишаларда қатиқ, сут, қаймоқ, лимонад, кулча ва патир нонлар, печеньелар, турли конфетлар, сомсалар, ҳўл мевалар, кўкат... Ҳаммаси бор эди. Қимдир бир кастроль тўла мошкичири кўтариб келибди. Бу аҳан-аҳанларни кўриб Рихсивой бувиси целофан халтага солиб берган тўртта қатламани ўртага қўйишга уялди. Лекин қўшилмасдан бошқа иложи йўқ эди, у энг чеккага ўтирди. Унинг одати ўзи шунақа, доим энг чеккада ёки энг охирида ўтирарди, дарров ҳаммага қўшилишиб кетолмасди. У Санжар — доим ҳамманинг диққат марказида бўлишни яхши кўрар ва эпларди. Ҳозир ҳам у дастурхон атрофида ўтирган болаларнинг ўртасидан жой олди.

— Болалар,— деди у, гарчи баланд овозда гапирмаган бўлса ҳам, ҳамма жим бўлди, обрўси бор эди унинг.— Бекорга дастурхонни тўлдирдик. Ахир битта «Бақалоқ»нинг олиб келган нарсаси бутун синфга етади-ку!

Бирдан ҳамма «Бақалоқ»ни қидириб қолди. У дарахт тагидан ўз рюкзagini олиб, зўрға судраб дастурхонга яқинлашди. Ўртага келиб тўхтади. Дастурмолчаси билан терини артди.

— Тўғри айтасан,— деди Санжарга хириллаган овозда, кейин рюкзакнинг оғзини еча бошлади.

Ҳамма қизиқиш билан уни кузатиб турарди. «Бақалоқ» ниҳоят рюкзакнинг оғзини ечди, қўлини ичига тикди — анчагина ковлаштирди, кейин сувда пишган битта картошка билан битта бодринг чиқариб ўртага қўйди.

— Врочларнинг маслаҳатига биноан ҳафтада бир кун овқат емайман, озниш учун. Бугун худди ўшанақа очлик эълон қилган куним. Оддий тилда гапирсам, бугун рўза тутаман.— У рюкзакнинг оғзини боғлай бошлади.

— Ув, қизғанчиқ, бунақаси кетмайди, ағдар рюкзакни!— деди Санжар.

— Ўзинг ағдарақол,— «Бақалоқ» рюкзакни қолдириб, дастурхон ёнига ўтирди.

— Бўпти!— Санжар ўрнидан туриб рюкзакка яқинлашди. Рюкзак-

нинг оғзини ерга қилиб ётқизди, тагидан, иккала учидан ушлаб кўтарди. Газетага ўралган ўн бештача бир хил катталикдаги нарса тушди. Санжар биттасини очиб қараса ғишт, қолганларида ҳам ғишт, ҳаммасида ғишт!

Баъзилар қулди, кўпчилик ҳайрон бўлди: қизиқчилик қиламан деб шаҳардан шунча ғиштни кўтариб келиш тентаклик-ку!

— Сен бизни эмас, ўзингни лақиллатибсан,— беўхшовроқ қулди Санжар изза бўлганини яширишга ҳаракат қилиб.

— Мен ҳеч кимни лақиллатмоқчи эмасман. Ғиштларни атайдан олиб келдим. Орқалаб тоққа чиқиб-тушаман, озиш учун. Бу ҳам врач маслаҳатига кўра...

— Э, каллаварам! Қўтараман десанг тоғнинг ўзида тош тиқилиб ётибди-ку! Шаҳардан олиб келиш шартмиди? — яна «Бақалоқ»ни қулги қилмоқчи бўлди Санжар.

— Тош бўлмайди, чунки ғадир-будир, белга ботади. Ғишт эса силлиқ, тахлаб орқалаб кетавераман,— «Бақалоқ» Санжар устидан тўлиқ ғалаба қозонган эди. Бир-иккиталар ҳатто қарсак чалиб юборди.

— Бари бир фойдаси йўқ,— қўл силтади енгилганини тан олгиси келмай Санжар.— Сени шу очофатлигинг бўлса, сира ҳам озолмайсан.

Бирдан Рихсивойнинг эсига Анқабоев тушиб қолди. Қаерда қолдйкин. Борса, дарахтларнинг орқасида ўтирган экан, бекиниб.

— Юрмайсанми?— деди Рихсивой.

— Э, мен кун бўйи ҳеч нарса емасдан ҳам юроламан, менга томоша бўлса бўлди... Нарса кўтариб юришни ёмон кўраман.

— Юр, менда қатлама бор, бувим қотирворадилар қатламани. Оғзингда эриб кетади.

— Аммо жуда қўймадинг-қўймадинг-да!— ялинтиришни, сохта манзиратни ёмон кўрадиган Анқабоев эриниб ўрnidан турди.— Ҳавони қара, нафас олиб тўймайди, одам!

Улар дастурхонга яқинлашиб бир чеккадан жой олишди. Ҳамма йиғилган эди.

— Бошласак бўлаверадими,— сўради Санжар.

— Марҳамат,— деди Шарифжон ака битта олмани олиб, қирс этказиб тишлади.

Биракайга ўттизта қўл дастурхон томон чўзилди.

— Фақат шошилиш йўқ, тиқилиб қолсаларинг ҳеч ким жавобгар бўлмайди,— деди Санжар.

— Меҳмонга келган танноз отинчалардек сузилиб ўтириш ҳам йўқ,— деди «Бақалоқ» ва овқатни ура кетди.

— Ўв-ўв, мечкай, рўза тутмоқчи эдинг-ку, бугун? — қичқирди унга Санжар.

«Бақалоқ» оғзи тўла овқат бўлгани учун жавоб беролмади, фақат «ҳалақит берма» дегандай қўл силкиди.

— Олмайсанми?— қистади Рихсивой ёнида ўтирган Анқабоевни.

У «оляпман» дегандек бош силкиб қўйди, аммо унақа хўра болалардан эмас экан, қатламадан бир бўлак ушатиб, шошмасдан ея бошлади.

Нонуштадан кейин Шарифжон ака яна кичкина мажлис ўтказди. «Ёлғиз ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмайди. Жуфт-жуфт ёки уч-тўрттадан бўлиб юради, узоққа кетиб қолмайди. Тоғ чўққисини забт этмоқчи бўлганлар фақат бир гуруҳ бўлиб Шарифжон ака бошчилигида чиқишади. Ким қаерда бўлмасин, роппа роса уч соатдан кейин шу ерда учрашишади. Битта навбатчи шу ерда юкларни қоровуллаб қолади. Навбатчилар ҳар бир соатда алмашиб турадилар. Ҳаммага тушунарлими?» Ҳаммага тушунарли эди. Мажлис тугаши билан болалар ҳар ёққа тўзиб кета бошлади.

Беш-олтита қиз ҳар хил гул, гиёҳлар тергани тоғ ёнбағри бўйлаб «ўтлаб» кетди. Яна ўн нафарча бола футбол ўйнагани Санжар бошлиқ сайхонроқ жой қидиришга тушди. Қолганлар Шарифжон ака

раҳбарлигида чўққига чиқадиган бўлишди. Пастда қоладиганларни Ҳабиба оталиққа олди.

Рихсивой футболчи болаларга қўшилмоқчи бўлиб кетаётган эди. Анқабоев уни йўлдан урди.

— Ўв, куртак!

— Менга гапиряпсанми?— сўради Рихсивой.

— Тоққа чиққан одам ҳам футбол ўйнайдими?

— Нима қилибди?

— Дам олгани чиқдингми, табиат қўйнига сингиб кетишинг керак,— бинойидек олифта гап қилди Анқабоев.— Портлаб заррачаларга айланган-да, мусаффо ҳавога, зилол сувга, забардаст қояларга, ўт-ўланларга, дарахтларга, тошларга сингиб кет!

— Эй, қаёқдан биласан бунақа... адабий гапларни,— ҳайратини яширолмай сўради Рихсивой.

Анқабоев Рихсивойнинг саволига жавоб беришни лойиқ топмади. — Бу ёққа юр!— деди-да, чаптаги тепалик томон аста юриб кетди.

Рихсивой унинг ортидан беихтиёр эргашди. Улар доvon ошиб ўтганларидан кейин, кўз ўнгларида ажойиб бир манзара намоён бўлди. Иккала боладан бўлак атрофда тирик жон кўринмас эди. Тўғрида улғувор қоялар қовоқ солгандек савлат тўкиб турарди, пастда, аранг кўз илғар жойда ингичкагина сой. Суви оқяптими, йўқми — ажратиш қийин, худди расми чизиб қўйилганга ўхшайди, чапта ва ўнгда яна қоялар. Энг ажабланирлиси, мутлақо жимлик эди. Одамни ўз қаърига ютиб юборгудек мудҳиш, сеҳрли жимлик эди бу. Иккала бола турган жойларида қотиб қолишди, юрак уришлари бир-бирига эшитиларди. Бу илоҳий жимликдан Рихсивойнинг эти жимирлашиб кетди.

Анқабоев ерга чўзилди. Рихсивой унинг ёнига чўкди.

Улар бир пас жим ўтиришди. Бирдан Анқабоев ётган жойида дўмбалоқ ошиб ағдарилди, кейин яна ағдарилди, кейин яна, охири кўлоёқларини ёйиб чалқанчасига узала тушиб ётди.

— Маз-за!

Рихсивойнинг ҳам шўхлиги тутиб, чирпирак бўлиб роса думалади. Чарчаб, ҳарсиллаб қолганидан кейин Анқабоевга ўхшаб, қўл ва оёқларини ёйганича, чалқанча ётиб дам олди.

— Мен юлдузман,— деди Рихсивой осмонга тикилиб ётганича.— Мен беш қиррали юлдузман. Иккита қўлим, иккита оёғим. Тўрттами? Бошим... Бештами? Демак, беш қирра. Мен беш қиррали юлдузман.

У юлдузга ўхшаш учун қўл, оёқларини кенгроқ керди. Шу топда унинг, нима учундир, жудаям юлдузга ўхшагиси келарди. Жонсиз, танасиз бир мавжудотга айланиб осмону фалакда, чексиз коинотда парвоз этаётгандек ҳис қиларди ўзини.

— Ўв, барра ўт!— деди ётган жойида Анқабоев.

Рихсивой осмону фалакдан ерга қайтиб тушди.

— Менга гапиряпсанми?

— Сенга бўлмай кимга бўларди. Бошқа одам борми?

Рихсивой илжайди. Аммо лақаб қўйишга жуда уста экан, «куртак», «ғўра», «барра ўт»... Хуллас, ҳали менинг олдимда сен ёш боласан демоқчи. Майли.

— Нима дейсан?

— Грамматика фанини яхши кўрасанми?

Рихсивойга савол ёқмади, ёқмади ҳам гапми, энсасини қотирди. Шундай руҳи енгил бўлиб, айш қилиб ётган пайтда қайси аҳмоқ ўқишдан гапирарди?

— Билмайман,— қисқагина жавоб бериб қўя қолди Рихсивой.

— Мен грамматикани яхши кўрмайман,— деди Анқабоев.

Рихсивой индамади, бу мавзуда гаплашишни истамаётганини билдириш учуноқ индамади. Буни Анқабоев ҳам сезди.

Бир оз жим қолдилар.

— Ўв, сапча!— Анқабоевнинг тили қичишарди.

Рихсивой жавоб бериш ўрнига кулиб юборди.

— Грамматикани ёқтирмаслигининг сабабини айттайми?

— Э, қўйсанг-чи грамматикангни!— деди Рихсивой.— Табиатдан бундай баҳра ол, гап сотмай.

— Мана, сиз, муллавачча, ҳозир «баҳра» деган сўз ишлатдингиз? Энди айтинг-чи, «баҳра» сўзидаги «ҳ» юмшоқми, қаттиқми? Ёки сизга ўхшаган болакайлар тили билан айтсак: думлими, думсизми?

Рихсивой ўйланиб қолди.

— Билмайсиз. Аниқ билмайсиз, фақат тахмин қиласиз. Чунки грамматикада қаерда юмшоқ, қаерда қаттиқ ёзилишини ўргатадиган қонданинг ўзи йўқ.

Энди Рихсивой ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Мана бу гапингга қўшиламан! Жонга тегди думли «х»лар! Ҳамма болалар шунда хато қилишади. Баъзи пайтларда «х» ёки «ҳ» ёзиладими ўқитувчиларнинг ўзи ҳам билмайди. Бир-бирлари билан тортишиб қолишганини ўзим кўрганман!

— Қизишманг, болакай, қизишманг!— Анқабоевнинг бу мавзу ҳақида бақриб-чақриб, узук-юлуқ гапиришни истамаётгани яққол сезилди. У батафсил, исботли гап қилмоқчи эди.— Ҳаммага маълум, синфлардаги ўзлаштиришнинг пастлиги кўпинча шу иккита ҳарф дас-тидан. Мактабда болаларни чирқиратадиган, ўқитувчиларни бир-бири билан жиққамушт қилиб олиштирадиган шу қуриб кетгур «х» билан «ҳ». Хўш, нега шундай, акаси?! Чунки, бирорта инсон ўзбек грамматикасини такомиллаштириш, ўнғайлаштириш, содалаштириш устида жон ачитмайди!

Рихсивойнинг кўз олдида Анқабоевнинг обрўси ошиб кетди, ҳатто сизлаб юборишига сал қолди.

— Сиз... сен қаёқдан биласан бунақа гапларни?

— Мен бутун мактабда ялқовлик билан донг чиқарганман. Нега-лигини кейин айтаман,— саволга чап берди Анқабоев.— Биласанми, мен «х» билан «ҳ» устида узоқ бош қотирдим. Ниҳоят, чорасини топдим. Ечимни осон кўчди, шекилли!

Рихсивой қулоқларига ишонмади: қизик, тўққизинчи синф ўқувчиси бу дардисар масалани ҳал қилган бўлса-я! Наҳотки қаерда думли, қаерда думсиз «х» ёзиш керак, деб мияни ачитишдан қутулиш имконияти туғилган бўлса?!

— Масаланинг жуда жўн ҳал қилинадиган йўли бор. Юмшоқ «ҳ» билан ёзиладиган сўзларнинг миқдорини камайтириш керак. Дейлик ўнта, ёки йигирмата, ёки, боринг, элликта. Бу сўзлар юмшоқ «ҳ» ишлатмаса, талаффуз этиб бўлмайдиган ёки маъноси бузилиб кетадиган сўзлар бўлиши керак. Дейлик, думсиз «х» ёзилса маъноси ўзгариб кетадиган сўзлар: «ҳам» «ва» дегани, «хам» эса «эгиб» дегани. Шунингдек «ҳил» ва «хил», «ҳар» ва «хар». Қолган ҳамма «х»ли сўзлар юмшоқ ҳам эмас, қаттиқ ҳам эмас, ўртача талаффуз этилиши ва думсиз ёзилавериши керак. Гап тамом! Уша қирқтами, элликтами юмшоқ «ҳ» ли сўз карра жадвалига ўхшатиб дафтарларнинг муқоваларида босиб чиқарилсин, ёдлаб олишга осон бўлади.

— Ҳо, хамирдан қил суғургандек битириб қўяқолар экансиз-да, ишингизни!

— Бўлмаса-чи!— энди Анқабоев ҳам ўрнидан туриб, у ёқдан бу ёққа юриб, қизишиб давом этди.— Мисол учун «шаҳар» сўзини олайлик. Хўш, бу сўздаги «х»ни думли ёздиму думсиз ёздим, нима ўзгаради? Ҳеч нарса! Фақат бу сўздаги «х»ни мен ортиқча юмшоқ ҳам, ортиқча қаттиқ ҳам эмас, ўртача талаффуз этсам бўлди! Борди-ю, фақат юмшоқ талаффуз этиладиган сўз бўлса ва бошқа иложи бўлмаса, унда марҳамат, бояги рўйхатга тиркаб қўйинглар! Менга қолса, йигирматадан оширмасдим думли «х» билан ёзиладиган сўзларнинг миқдорини!

— Жуда зўр бўларди!— қувониб кетди Рихсивой.

— Қаттиқ, юмшоқ «х» деган тушунчанинг ўзи керак эмас. Уртача «х» бўлиши керак, тамом!

Тамом!— қайтарди Рихсивой.

Бирдан Анқабоев кучининг борича қичқирди:

— Шунинг учун ҳам имлога йўқроқман!!!

— Мен ҳам!!!— Рихсивой ҳам бор овози билан бақирди.

Анқабоев «Яшасин озодлик» деб қийқирганича шаталоқ отиб югура кетди. Рихсивой унга жўр бўлиб бақирганича, бошқа томонга югурди. Улар катта доира ичида худди арқонни узиб қочган бузоқдек сакраб, думалаб, иргишлаб бир-бирига яқинлашар, бир-бирини туртиб аударар, яна бир-бирини қувиб кетарди. Четдан қараган одам «жинни бўлиб қолганми булар», деб ажабланиши турган гап.

Улар роса мириқиб, хумордан чиққунча шўхлик қилишди, охири ҳориб-толиб яна ерга чўзилишди.

Биласанми мен кимга ўхшайман ҳозир?— деди ерда муккаси билан ётган Анқабоев. — Кун бўйи югуриб чарчаган, энди тилини осилтириб, ҳарсиллаб ётган този итга ўхшайман.

— Мен ҳам итман, лайча итман,— Рихсивой тилини осилтириб ҳарсиллаб нафас ола бошлади.

Болаларнинг қилиқлари ўзларига маъқул бўлиб, хахолаб кулишди.

Рихсивойнинг тахминича, уч соат ўтиб қолган эди, орқага, болаларнинг олдига қайтиш керак эди.

Қайтиб боришса, энди атиги икки соат ўтган, ҳали ярим болалар йўқ экан. Чўққини забт этишга чиққан болалар қайтишибди. Ҳар ким териб тушган ҳар хил тошлари, гиёҳларини бири бирига кўрсатар, мақтанарди. Футболчилар чарчабдилар чоғи, тарқаб кетишибди. «Бақалоқ эса ҳамон қора терга ботиб, фишт тўла рюкзагини орқалаб юрибди.

Рихсивойни кўриб, синфком Санобар унга яқинлашди.

— Бир минутга мумкинми?

— Нима дейсан?— совуққонлик билан сўради Рихсивой.

— Сенга гапим бор.

— Гапир, гапинг бўлса.

— Юр, четга чиқайлик.

— Нима?— ўғил болалар урушмоқчи бўлса шундай дейиши мумкин, бу қиз бола-ку. Шу боисдан Рихсивой жуда ҳайрон бўлди.

— Четга чиқайлик. Гапим фақат иккаламизга тегишли.

Бемалол гаплашиб олинглар.— Анқабоев оёғини судраб босиб улардан ўзоқлашди.

Рихсивой «хўш, нима дейсан?» қабилида ўқрайиб тикилди Санобарга. Рост-да, гапи бўлса, шартта гапиравермайдимми, нима қилади четга тортиб худди бирор сир айтадигандек. Ёмон кўргани — шунақа расмиятчилик.

— Гап шундаки... сени деб боя... Шарифжон ака билан Ҳабиба она жиқиллашиб қолишди.

Рихсивой ҳеч нарсага тушунмади.

— Нега энди мени деб жиқиллашар экан?

— Ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Э, мияни ачитмасдан очик гапирсанг-чи, нима гуноҳ қибман?!

— Биринчидан, ўзингни бос, қўполлик қилма. Иккинчидан, мени жеркма, учинчидан...

Уф...— тоқатсизланди Рихсивой.— Ёмон кўрганим: эшитиш. Кел, қўй, эртага мактабда гаплашайлик, мен дам олгани чиққанман.

Илтимос, бир пас сабр қилсанг. Мен сенга ҳеч қандай насиҳат қилмоқчи эмасман. Уртада бўлган гапни айтиб бераман, ўзинг хулоса чиқаравер.

— Ҳозир айтиб беришинг шартми?

— Ҳарҳолда бугун эшитганинг маъқул. Бугун эшитиб, бугун хулоса чиқарганинг маъқул.

— Қимга маъқул, сенгами?

— Ҳаммага, — Санобар сира қизишмас эди.— Вақтингни кўп олмаман.

— Бўпти, гапир.

— Шарифжон ака сенинг Анқабоев масаласидаги бугунги қилишимингдан норози.— Санобар диктант дарсидагидек дона-дона қилиб гапирарди. — Сиз ёнини олиб, менинг принципиал бўлишимга халақит бердингиз, обрўйимга путур етказдингиз, ўқитувчи битта сўзли бўлиши керак, деди. Ҳабиба опа эса, агар бугун ён босмаганимизда Анқабоевнинг ҳам, Рихсивойнинг ҳам юрагини жароҳатлаб қўйган бўлардик, бутун синфнинг дилини хира қилиб, бугунги саёҳатни яхши ўтказолмасдик, деб айтди.

— Тўғри айтибди.

— Мен ҳали тугаллаганим йўқ. Шарифжон ака эса, мен Анқабоевнинг боришига асло қарши эмасман, лекин у аввал боришга ижозат сўраши, модомики рухсат сўрамаган экан, уни таклиф қилган Рихсивой ўзбошимчалиги учун кечирим сўраши керак эди. Улар эса жазосиз қолишди. Бутун синф олдида мен нима деган одам бўлдим, деди.— Санобар гапирар экан, гарчи бетараф бўлишга уринса-да, Шарифжон акани ёқлаётгани овозидан сезилиб турарди.

— Ҳабиба опа нима деди?

— Нима дерди, ўзини оқлашга уриниб кўрди: «Ахир, Анқабоев бегона эмас-ку, ўзимизнинг мактабимиз ўқувчиси. Ундан ёки Рихсивойдан кечирим сўрашни талаб қилиш ўчакишишга ўхшаб кетяпти», деди.

— Қойил қилибди!— суюниб кетди Рихсивой.— Қап-катта одам ёш бола билан ўчакишиб нима қилади? Анқабоев жиноят қилибдими кечирим сўрайди ёки мен сўрайман? Агар билсанг Анқабоев биз билан чиққани учун миннатдор бўлишимиз керак. Чунки у... у дилкаш, қизиқчи.

— Менга қара, Рихсивой, сендан илтимос, агар Шарифжон акани зиғирча ҳурмат қилсанг, агар Шарифжон ака билан Ҳабиба опа сени деб уришиб қолишларини истамасанг, бориб кечирим сўра.

— Чучварани хом санабсан!— сурбетларча тиржайди Рихсивой.

— Мен сени бунчалик кеккайган бола деб ўйламагандим. Одобли, одамгарчилиги бор деб юрардим.

— Сенинг олдингда ўзимни оқламоқчи эмасман, лекин билиб қўй: одамгарчилигим борлиги учун кечирим сўрамоқчи эмасман.

— Тушунмадим.

— Ҳозир тушунтираман,— деди Рихсивой.— Агар кечирим сўрасам. Ҳабиба опага жабр қилган, уни ноҳақ ҳисоблаб, мағлубиятга учратган бўлардим.

— Сенингча, Шарифжон ака...

— Ҳа, менимча Шарифжон ака ноҳақ!

Санобар Рихсивой ўлақолса кечирим сўрамаслигини тушунди.

— Урталарида низо чиқмасин девдим-да,— охирги марта уриниб кўрди Санобар.— Уларнинг тортишуви педсоветгача етиб бориши мумкин. Ундан кўра бир оғиз кечирим сўраб қўя қолиш мумкин-ку!

— Мумкин эмас,— деди Рихсивой қайсарлик қилиб.

— Ўқитувчиларни бир-бирига гиж-гижлатиб, томоша қилишни яхши кўрадиганлар ҳам бўлар экан-да?

Санобар шартта ўгирилиб Рихсивойдан узоқлашди.

Қайтаётганларида автобуснинг ичи анча тинч бўлди. Ашула айтишлар, қизиқчилик қилиб, ҳаммани кулдиришлар йўқ эди. Шаҳарга етай деб қолганларидагина, бирдан модадан гап очилиб кетди. Қизлар хорижий гарбда ҳозир қандай матолар модага киргани, машҳур актрисалар сочларини қандай турмақлаётганлари устида мунозара очилди. Болалар эса қайси фирманинг жинси шимлари яхшироқлиги тўғрисида баҳс юритишди. Рихсивой бу борада мутлақо саводсиз эканини англади. У эрталабки воқеани эслади. Эрталаб ўртоқларини кўриб даст-

лаб ҳеч кимни танимай қолди. Шу қадар ола-чипор, шу қадар бой кийинган эди ўртоқлари.

«Бақалоқ» Санжарга шимини алмаштиришни таклиф қилди.

— Бэ, сеники ҳам шим бўшми, меникига яқин ҳам йўламайди, — ҳақиқатда Санжарнинг шими жуда яхши эди.— Меникени дунёда энг машхур фирма тиккан.

— Меники ҳам зўр, импортний, матоси тўқимдан ҳам қалин.

— Э, мингта импортний ўтаверсин, Штатларнинг фирмаси олди-дан!— деди Санжар,— сен Рихсивой билан алмаш. Уники ҳам зўр фирма: АҚШ, ажойиб қўлбола шим...

Енгил кулги кўтарилди. Ростдан ҳам Рихсивойнинг шимини бувиси тикиб берган эди. Санжар уни қўлда тикилганини ажратолганига ҳайрон қолди Рихсивой, ҳазилга ҳазил билан жавоб берди.

— Ичларингда энг ватанпарвари ўзим эканман, эгнимдаги ҳамма нарса ўзимизники!

Бу гап ҳам мўлжалга аниқ тегди.

Автобус болаларни мактабга олиб келиб қўйди. Хайрлашиб болалар ҳар қаёққа тарқашди. Уйга ёлғиз қайтаётганида Рихсивойнинг кўнгли ғаш тортди. Энди бувиси пул берса емайди, ичмайди — йиғади. Йиғиб-йиғиб жинси шим олади. Санжарниқига ўхшаганига йиғолмас-ку, лекин сал бундайроғини олишга қурби етар.

Рихсивой уйига етиб, зинадан кўтарилаётганида миясига лоп этиб галати фикр келди. Аммо жуда ақлли одам ўқувчиларга мактаб формасини ўйлаб чиқарган экан. Формадан зўр нарса борми — ҳамма бир хил, ҳамма тенг. Фирма-пирмангни эса экиб қўй!

Юракка яқин хотиралар

Рихсивой уйларининг подъезди олдида «Жигули» турганини узоқдан кўрди. Қўшнисининг машинаси. Аммо аломат қўшниси бор. Қун ора машинасини тўлдириб бозор қилиб келади. Кейин ўн минутча багажнигининг қопқоғини очиб қўйиб, олиб келган нарсаларини бутун уйга кўз-кўз қилади. Бунинг йўли бор: эр келиб тўхташи билан сигнал беради. Машинадан тушиб багажникни очади. «Келинлар!» деб тўртинчи қаватда турадиган болаларини чақиради. Эр қўлида машинанинг калитини ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа юради. «Бўла қолинглар!» деб қис-таб кўяди. Хуллас, бутун уй воқеадан хабардор бўлганидан кейингина уй бекаси иккита боласини етаклаб пастга тушади. Ҳаммалари қўлларига сиққанча нарса кўтаради. Аммо эр озиқ-овқат кўтариб юришни ўзига эп кўрмайдими, пастда қолади, бир оз туриб ёлғиз ўзи виқор билан тепага кўтарилади. Эр қайсидир министрликда завхозми, шунақа. Лавозими кичкина, аммо ишлайдиган жойининг номи улуғ, шунинг учун димоғи баланд.

Биринчи қаватдаги магазинчилар — уларнинг акси. Магазинчининг уйга бирор нарса кўтариб келганини биров кўрмаган. Миш-мишларга қараганда, ярим кечада, ҳамма ухлаганда олиб келишармиш. Бўлмаса уларнинг ҳам машинаси бор — «Волга». Тез-тез зиёфат бериб туради, аммо у ҳам имида-жимида — қўшниларга овоза қилмасдан ўтказиб олишга ҳаракат қилади.

Шу иккитасидан бўлак қолган ҳамма қўшниларни Рихсивой яхши кўради. Булар билан ҳам иши йўқ, аммо ёқтирмаслиги аниқ. Биттаси ман-ман бўлса, иккинчиси писмиқ.

Рихсивой подъездга яқинлашди. Қўшнисининг машинасини багаж-ниги ҳар доимгидек очиқ, ичи лиқ тўла қовун-тарвуз. Пўкалак (Рихсивой билан бувиси амалпараст қўшниларига ўзларича шундай лақаб қўйиб олишган эди) қўлида калитни айлантириб ўйнаб турибди. Иккита кичкина боласи ва хотини биттадан қовун кўтариб инқиллаб-син-

қиллаб подъездга кириб кетишаётган экан. Рихсивой улар билан совуққина саломлашди-да, ёнларидан лип этиб ўтиб кетди.

Мастура хола одатдагидек набирасини очиқ чеҳра билан кутиб олди. Рихсивой апир-тапир кийимни ўзгартирди. Шошиб овқатини еди-да, дарс тайёрлашга ўтирди. Мастура хола набирасининг таъби хира-роқ эканини пайқади.

— Ҳа, домлажон, дарсингиз жуда кўпми дейман келмасдан китобга ёпишяпсиз?— Мастура хола набираси мактабга борган биринчи куниданоқ «домлажон» деб чақирадиган бўлганди. Ўзи чаласавод бўлгани учун набирасининг ўқимишли бўлиб етишишини орзу қилар, шунинг учун «домлажон» дерди.

— Кечқурун телевизорда футбол бор,—қисқагина жавоб берди Рихсивой.

— Э, шунақами? Унда тезроқ қутулиб олганингиз маъқул дарсларингиздан,— Мастура хола набирасининг юрагини очмаганини сезди, лекин гашига теккиси келмади. Майли, мактабида ёмонроқ баҳо олгандир, тайёрланиб, бориб тузатиб олар.

Рихсивой тарихдан уйга берилган мавзуни битта ўқиб чиқди, икки марта ўқиб чиқди, миясига ҳеч вақо кирмади. Чунки кўзи ҳарфда бўлгани билан фикри бошқа ёқда эди. Пўкалакнинг ёнидан индамасдан ўтиб кетиб яхши қилдими? Балки ёрдам бериб юбориш керакмиди? Бари бир ҳам тепага чиқиб кетаётган эди. Битта тарвузни кўтаришиб чиқса бирор ери камайиб қолармиди? Болалари ёш, ҳаммасини ташишиб юборса ҳам бўларди... Зарур келгани йўқ, кеккайган одамларга ёрдам бериб. Балки қовунга суқи кирганидан, менга ҳам берармикин деган ниятда ёрдам бераётгандир, деб ўйлаши мумкин. Ўзи ҳам шинмасдан «ёрдамлашиб юбор», деса бўлади-ку! Демади. Миқ этмай шишиниб тураверди. Ўзидан кўрсин.

Рихсивой яна мавзуни ўқий бошлади. Бўлмади, яна фикри паршон. У китобни ёпиб «шарақ» этказиб столга урди-да, ўрнидан ирғиб туриб кетди. Яна ўзидан жаҳли чиқди. Нега шунақа-а? Нега ҳамма нарсани ўйлайверади? У бувисининг олдига чиқди.

— Ҳай, ҳай, нима қилди, домлажон, авзойингиз бузуқ?— ҳазиллашишга уринди Мастура хола.

— Мактабдан келаётганимда, пастда Пўкалак турган экан,— деди Рихсивой ва тутилиб қолди.

Мастура хола «Хўш, нима қилибди турган бўлса» дегандек набирасига саволчан назар ташлади. Рихсивой айтиб берди ва сўзининг охирида бақриб юборди:

— Ахир ўзи қаққайиб турибди-ку?!

— Вой! Сен ҳам ўшанга ўхшаган гўдайган бўлмоқчимсан?— юшшоқ гапирди Мастура хола.— Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши, дейишад.

— Э, булар қанақа қўшни? Сиз кунора зинани ювасиз, улар ҳафтада бир марта ювишни ҳам ўзларига эп кўришмайди. Шу одамгарчиликданми?!

— Қўявер, мен бекорчи хўжаман, эрмакка юваман. Унинг иккита боласи бор, ишлайди, қўли гегмайди-да.

— Хўп, бўлмаса, ўтган ҳафта Пўкалакнинг қилган ишига нима дейсиз? Иккаламиз қўлимизда юк, бозордан қайтаётганимизда шундоққина олдимиздан ўтиб кетди машинасида. Олиб кетай демади-ку?

Мастура хола кўзойнагини ечиб набирасига қаради.

— Ёмон билан ўчакишсанг, ўзинг ҳам ёмон бўлиб кетганингни билмай қоласан. Ёмонга яхшилик қилиб танбеҳ бериш керак, ҳа, яхшилик қилиб кўзини очиш керак.

— Нега энди?— тутатди Рихсивой.— Бу ёмонга ён босиш-ку? Ёмон билан курашиш керак!

Олдинлари Мастура хола набирасини қичқирганини сира эшитмаган эди. Кейинги пайтда шунақа қилиқ чиқарган. Бу биринчиси эмас — уч-тўрт марта овозини баландлатди. Асаби бузилганмикин ёки

раста бўлаётган пайтимикин? Гап кўтаролмайдиган бўлишади бундай даврда.

— Майли, бўлар иш бўлди, энди шунга ҳам куйиб ўтирасанми,— набирасини овутди Мастура хола,— бир марта ёрдам бермаган билан одам ёмон бўлиб қолмайди. Балки, тўғри қилгандирсан.

Эшик қўнғироғи жиринглаб Рихсивойнинг фикрини бўлди. Бувиси ичкари уйда гумбурлатиб машинасини тикиб ўтирган эди, қўнғироқни эшитмади.

Рихсивой бориб эшикни очди, остонада турган Ҳабибани кўриб анграйиб қолди.

— Майлими кирсам,— сўради Ҳабиба — уйингларда ҳеч ким борми?

— Кириб, бувим борлар.

— Жуда соз,— Ҳабибанинг димоғи чоғ эди, йўқ, у ёлғондакам ўзини хушчақчақ кўрсатишга уринмайди. Табиатан шундай: доим бардам ва тетик.— Нега келди деб ҳайрон бўлаётгандирсан? Бувинг билан гаплашмоқчиман.

— Кириб,— пионервожатийсини жуда илиқ кўтиб олди Рихсивой.— Бувим гаплашишни яхши кўраллар.

Ҳабиба ҳам жилмайди.

— Демак, хил тушган эканмиз.

Рихсивой бувисини чақириб чиқди. Мастура хола билан Ҳабиба бир-бири билан эски қадрдонлардек кучоқ очиб кўришишди. Фақат очиқ кўнғил, хуштабиат одамларгина бир-бири билан шунақа самимий, шунақа қизгин саломлашиши мумкин. Мастура хола Ҳабибани меҳмонхонага таклиф этди, ҳол-аҳвол сўраб, столга дастурхон ёзди.

Рихсивой илдам бориб газга чой қўйди. У уйда кам иш қилар, қандай юмуш бўлса бувисидан ортмас, лекин бугун жуда чаққон бўлиб қолди. Чой қайнаши билан дамлаб меҳмонхонага олиб кирди. Бувиси қувониб кетди.

— Вожатий опангни ҳақиқатдан яхши кўрар экансан-а!— кулди кампир. Кейин Ҳабибага юзланди,— ҳаммагаям бунақа меҳмондўстлик қилавермайди укангиз. Ҳа, сизни ҳурмат қилар экан.

— Жуда қизиқсиз-а, буви!— Рихсивой уялиб меҳмонхонани тарк этди.

Рихсивой ўз хонасига кириб, яна тарихни ўқий бошлади. Аммо тагин хаёл уни ҳар қаёққа тортқилаб қочарди: Ҳабиба нега келди? Тўғри, у ўз пионерларининг ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиши керак, лекин ҳамма болаларнинг уйига бораверса умри меҳмонда ўтади-ку? Мактабда озмунча ўқувчимиз? Ёки фақат «қийин», «қолоқ» ўқувчиларникига борармикин? Бундан чиқди Рихсивой ҳам ўшанақа ўқувчилардан экан-да? Йўғ-е, ўқиши ёмон эмас, гоҳ-гоҳда «уч» олиб қолмаса, бошқа пайтда доим баҳолари «тўрт», «беш». Ҳатто «тўрт»га нисбатан «беш»и кўп. Узининг олдинги мактабида-ку, «тўрт»ни ҳам кам оларди. Янги мактабга келиб гоҳ-гоҳда «уч» ҳам оладиган бўлиб қолди. Ҳа, тушунарли, янги ўқувчи бўлгани учун оиласи билан яқиндан танишишга келган Ҳабиба.

Эҳ, эски маҳалласи, эски мактаби зўр эди-да! Маҳалласи ҳам, уйи ҳам, ўртоқлари ҳам, қўшнилари ҳам ажойиб эди. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, Рихсивой ҳам эски уйда яшаганида на ўртоқларининг, на қўшниларининг қадрига етган экан. Ҳозир эсласа юраги орзиқиб тушади.

Эски шаҳарнинг қоқ ўртасидаги ўша тор кўчалар, ҳовлили бир қаватли уйлар. Ўртоқлари, қўшнилари ҳаммаси ҳар хил эди, баъзилари билан унчалик чиқишолмасди, лекин бари бир ҳозир қайси бирини эсламасин энг қадрдон, энг яқин одамидек юраги жизиллаб кетади. Ҳарҳолда Пўкалакка ўхшаган кеккайгани йўқ эди. Ҳаммаси содда, дилкаш одамлар эди. Мана энди эски маҳаллалари бузилиб, ҳамма ҳар қаёққа кўчиб кетгандан кейингина аввалги қўшнилари қариндошдан ҳам яқин бўлиб кетганини тушунди Рихсивой. Шу боисдан кўча-

қўйда эски қўшнилари ёки оғайнилари билан учрашиб қолса, туғиш-ганини кўргандек қувониб кетади.

Қизиғи шундаки, бирор нуқсони бор қўшниларини ҳозир эсласа ўша камчиликлари фазилатдек туюларди Рихсивойга. Маҳаллада ким қандайлиги ҳаммага аён эди. Бу кўп қаватли бетон уйларда эса ҳамма ўз каталагига бекиниб олган, бир-бири билан кам кўришади; биринчи подъезд билан охириги подъезддагилар бир-бирини танимаслиги ҳам мумкин.

Рихсивой тарих китобини ёпди. Йўқ, бунақада иш юришмайди, ўқи-санг хаёл қочиб кетаверади. Алгебрадан берилган вазифани ечиш ке-рак. Ана унда хаёл қочмайди. Фикрингни бир ерга тўплаб масалани ишлашга тўғри келади.

Рихсивой алгебрани унча ёқтирмасди. Чунки масалаларни ечишга мияси яхши ишламас эди. Минг азоб билан учта масалани ечди, соат-га қараса, футбол бошланишига ўттиз беш минут қолибди. Ҳабиба эса ҳалиям кетмаган. «Намунча буларнинг гаплари чўзилиб кетди, икки соатдан ортди келганига?» — деб ўйлаб қўйди Рихсивой.

Қайчи олиш баҳонасида меҳмонхонага кирди. Қараса бувиси роса гапни олиб қочяпти:

— Ҳа, оповси, ношукр бандалар бўлади, турган турмушидан нолигани нолиган, мен ҳам биттасини биламан, ҳеч нарса ёқмайди. Ҳой, мусулмон, кўп ҳаддингдан ошаверма, ношукрчилик кўр қилади, дейдиган одам йўқ. Тўғри-да, худога минг қатла шукр, замон тўқчи-лик, тўқинчилик. Магазинга кирсанг ундан тортиб гуручгача, шакардан тортиб сариёғгача ҳамма нарса бор. Уруш пайтида бир кило ун анқо-нинг тухумидай топилмас эди. Қачон нонни тўйиб ейдиган кун келар-кин, деб орзу қилардик. Одамлар оғир кунларни унутиб қўйишди, ҳид-лаб еб, танлаб киядиган бўлиб қолишган. Норозилик ҳам шундан — тўқликдан шўхлик дейишади-ку!

Рихсивой гапга халақит бермаслик учун, гарчи керак бўлмаса-да, қайчини олиб секин чиқиб кетди.

Ҳабиба узоқ ўтирди. Футбол бошланди. Ўз хонасида футбол кўриб ўтирган Рихсивой Ҳабиба кетадиган бўлса томошанинг белига тепади, хайрлашишга чалғиб ўйиннинг энг қизиқ жойини ўтказиб юборишим мумкин деб қўрқди. Аммо Рихсивой футболни бошидан охиригача бе-малол ўтириб кўрди, Ҳабиба эса кетишни ўйламасди.

«Нима бало, ётиб қолмоқчимиз бизникида?» — хаёлидан кечган фикрдан илжайди Рихсивой.

Худди шу асно меҳмонхонадан Ҳабиба чиқиб келди. Улар Масту-ра хола билан қуюқ хайрлашишди. Кетганидан кейин Мастура хола: «кўнглида кири йўқ, очик, одам билан жуда гаплашадиган қиз экан», деб роса мақтади.

— Ярим кун нималарни гаплашдиларинг? — қизиқди Рихсивой.

— Вой, ҳеч нарса қолмади биздан, домлажон. Сени чақалоқли-гингдан тортиб, аданг-у, онанг, буванг — ҳаммаларини гапириб бер-дим.

Рихсивой ерга, бувисининг олдига чўкди. Бувиси ерда, кўрпачада ўтиришни яхши кўрарди. Шунинг учун меҳмонхонада стол-стул йўқ, ўзбекчасига хонтахта қўйилган, атрофига қалин кўрпачалар тўшалган эди.

Бувиси Рихсивойга унинг ота-онаси, чақалоқлиги ҳақида жуда кўп марта ҳикоя қилиб берган. Ҳар гал ҳам Рихсивой бу ҳикояларни бери-либ, бутун борлиғи билан тинглар, бўлиб ўтган воқеаларнинг янги-ян-ги қирраларини очгиси, бувиси унутиб қўйган ҳодисаларни батафсил-роқ эшитгиси келади.

— Нималарни гапирдингиз? Опамларни эрталаб туриб маҳалла-да физкультура билан шуғуланганларини ҳам айтиб бердингизми?

— Айтяпман-ку ҳеч нарса қолмади деб. Сен билмайдиган нарсаларни ҳам гапириб бердим.

— Мендан бекитганларингиз ҳам борми ҳали?!

— Бўлмасам-чи! Баъзи нарсалар ёдимдан кўтарилиб кетган экан, энди эсимга тушяпти.

— Жон буви, айтиб беринг,— ёлборди Рихсивой.— Эвазига алгебрардан олган «чўж»ни эртага «беш»га тўғрилаб келаман.

— Ундай бўлса майли, тишимни қавагида асраб юрган битта гапим бор, ўшани айтиб бера қолай.

Доим шундай дерди Мастура хола, шундай дерди-ю, бари бир Рихсивой кўп марта эшитган воқеани қайтарарди. Аммо ҳар гал бошқачароқ қилиб, янги тафсилотлар билан тўлатар эди.

Мастура хола пиёладаги совиб қолган чойдан битта хўплаб, томоғини хўллади. Рихсивой қизиқ воқеани эшитишга шайланиб чордона қуриб ўтирди.

— Шу десанг, сенинг онангдан ўтадиган довдир, сенинг адангдан ўтадиган майназов йўқ эди бу дунёда,— Мастура хола илжайиб наби-расига қаради.

Рихсивой ҳам оғзи қулоғига етгудек бўлиб завқ билан илжайди.

— Ҳа, иккалови ҳам ғирт жинни эди.

Бу гал кампир ҳам, набира ҳам олдингидан ҳам кўпроқ жилмайишди. Чунки Мастура хола «жинни» сўзини камситиб эмас, мақташ ва эркалаш маъносида ишлатаётгани сезилиб турарди.

— Сенинг туғилган кунинг бўлиши керак эди... Бир ёшга тўлгандинг. Бу кунни кутавериб эру хотинни сочи оқариб кетди, десам лоф бўлмайди. Сени катта бўлишингни ойлаб эмас, кунлаб, соатлаб ҳисоблашишарди. Иккалови куну тун сенинг атрофингда гиргиттон. Ҳафтада бир марта бўйингни ўлчашади, тарозуда тортишади, биттаси иккита оёғингдан, биттаси иккита қўлингдан ушлаб пизкультура қилдиришади, кунда икки маҳал чўмилтиришади. Хуллас, сен уларга бола эмас, ўйинчоқ эдинг. Ҳа, онангни топгани китоб эди. Китоб ўқиб овқат қиларди, китобга қараб кир юварди, китобга қараб кийим бичарди, китобга қараб бола боқарди. Ҳаммасига кўнардим, лекин китобдан ўрганиб бола боқишига чидолмасдим. Майли китобда айтганидек кийим тик, овқатингни пишир, аммо болани майиб қилиб қўйишларингга йўл қўймайман, деб ғалва кўтардим. Йўқ, китобда ёзилганига қарши эмасдим, тез-тез ювиб-тараш, вақтида овқатини бериб, вақтида ухлатиш керак деганлари жуда тўғри. Аммо яхши насихатининг ичида битта аҳмоқчилик ҳам бор эди. Давлат қуриб қўйган ҳовуз бўлар экан...

— Бассейн,— деди Рихсивой.

— Ҳа, ўша ҳовузнинг чуқурлиги одам бўйи келаркан. Бир ойлик, икки ойлик, олти ойлик чақалоқларни обориб ўша ҳовузга ташлашаркан. Бола сувнинг тагида бир-икки минут қолиб кетар экан. Бола ёшлигида сувга ўрганса, катта бўлганда ҳаммани доғда қолдирадиган сувувчи чиқармиш. Сени ўша ҳовузга обормоқчи бўлишди. Шунини эшитдим-у, оёқ-қўлларим бўшашиб, адои тамом бўлдим. Жон ҳолатда сенга ёпишдим. «Уламан саттор», чўктирадиган бўлсаларинг набирам билан бирга мени ҳам чўктирларинг» деб дод-вой кўтардим. Ҳа, қулоқ солишмас экан-а! Эр-хотин атрофимда парвона бўлиб «қўрқманг, ойи, майли, ҳовузга обормаймиз, ўзингизни босинг»га тушиб қолишди. Мен ҳам дарров юмшай қолдим, кўнглим бўш-да! «Сал каттароқ бўлсин, сузишни ўрганиш қочмас. Мана, эшигимизнинг тагида ариқ оқади, маҳалланинг болалари кун бўйи итбалиқдек сузишгани-сузишган, саёзгина, тиззадан келади, ўшаларга қўшилиб ўрганиш олар сузишни», дедим. Гапимни эшитиб энди эру хотиннинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Ариқ суви ифлос, лойқа, касалнинг ини-ку, деб кўнишмади. «Ҳой, ҳой, тўхтанглар, бўлмаса ўзим Хадрадаги пантанга обораман. Қачон ўтмай болалар ичида чўмилиб юришади. Сенларнинг ҳовузингдан ўлса ўлиги ортиқ, уни ҳам давлат қурган», дедим. Мот бўлганидан иккалови кулиб юборди. Шунақа қилиб алдамасам, иккита жинни бир бўлиб сени ҳовузга чўктириб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас эди.

Мастура хола чойдан хўплаб нафас ростлади.

— Бир кун қарасам, аданг яна бошқа ҳунар чиқарибди. Товба де-

гиси келади одамнинг. Арқон олиб, сен унда саккиз ойлик боласан, иккала қўлтигиндан ўтказиб боғлабди, сени юришга ўргатяпти. «Ҳой, қўй, болам, вақти-соати келганда ўзи юриб кетади, гўдак барра бўлади, қийнама, ўт-бўти лат еб қолмасин», десам қулоқ солмайди, итнинг боласига ўхшатиб бўйнингга арқон солиб судраяпти. Ҳали шунақами деб ўқлогини олиб бир қувиб қолувдим, тирақайлаганича девордан ташлаб қочди. Кўчага чиқовлиб овозининг борича «ойи, бошқа қилмайман, урманг, жон ойижон, бошқа қилмайман, урманг», деб бақиряпти бутун маҳаллани бошига кўтариб. Майнавозчиликни яхши кўрарди. Оила қурган кап-катта йигит бўлса ҳам қизиқчилигини қўймасди.

Мастура хола қиқир-қиқир кулди.

— Ҳа, майнавозчилик жони эди, катта бўлиб қуйиладим десам баттар қиларди. Бир кун эру хотин янги гап топиб келишди, ҳа-де, соғлиққа энг фойда нарса эрталаб туриб югуриш эмиш, «ҳар кун эрталаб эру хотин югурамиз», дейишди. «Катакдек ҳовлининг қаерида югура-сизлар», десам, «кўчада югурамиз», дейишди. «Ҳой, қўшнилاردан уят, шарманда қилмаларинг одамни», дедим. «Хавотир олманг, ойи, йўли бор» деди аданг. Эртасига эр-хотин саҳар туриб югургани кетишди. Онанг ҳам эркакча шим кийиб олган, шерсть нимча. Кундузи онанг билан отанг ишга кетишгандан кейин ҳали у қўшним чиқади, ҳали бу қўшним чиқади, «Ҳой, Мастурабону, тинчликми ўзи?» деб сўрашади. «Ҳа, нима гап», десам, «Вой, тонг саҳарда кўчада ўғлингизни кўрдик, қўлини мушт қилиб, рангида ранг йўқ, келинингизнинг орқасидан қувиб кетяпти, сенмисан эрнинг гапига кирмайдиган, ҳозир тутволиб гўштингни қийма-қийма қиламан», деб?! Қелин шўрлик «бошқа қилмайман бу галча кечиринг» деганча жон ҳолатда оёғини тўрт қилиб қочяпти. Вой, ўғлингизга айтинг, замон нозик, ул-бул қилиб қўймасин тагин бировнинг боласини». Аданг югуришининг йўли бор деб шуни айтган экан.

Мастура хола яна қиқир-қиқир кулди, завқланиб, мириқиб кулди.

— Ҳа, ёмон майнавоз эди аданг, ош-нон бермасанг ҳам жиннилик қилиш бўлса бўлди эди унга,— кампир намланган кўзини артди.— Ҳай, қарилик қурсин, бошқа нарсаларга чалғиб гапимдан адашиб кетибман-ку! Ахир туғилган кунингдаги воқеани айтиб бермоқчийдим-ку! Ҳа, эшит. Тикилиб турсанг кўкат ўсмас, пойлаганда вақт ўтмас деганларидек, пойлай, пойлай охири бир ёшга тўлган кунингга ҳам етишишди. Аданг ишхонасидаги ўртоқларини чақириб зиёфат берадиган бўлди. Тайёргарчиликни бир ҳафта бурун бошладик. Бузилмайдиган нарсаларни, қази, ичкилик, писта-бодом кабиларни аданг шошиб қолмай, деб олдинроқ олиб келиб қўйди. Ишқилиб ҳар кунни хизматидан қайтаётганида бозорга кириб ул-бул кўтариб келади. Катта меҳмон кутганда қуюқ-суюқ бўлиши шарт. Суюғига шўрва-пўрва қилиб ўтирмасдан чучвара қиладиган бўлдик. Қуюғига кабоб. Аданг гўшти бир кун илгари опкелди, зиралаб, сиркалаб, тахт қилиб қўйди.

Эртасига саҳар турибмен тандирга ўт ёқиб нонга уннаб кетдим. Чучварани онанг қиладиган бўлди. Аданг кабобни бўйнига олди.

Пешинада охирги патиримни тандирдан энди узиб бўлишимни биланман, эшикдан меҳмонлар кириб келди. Янгичасига қилиб қўярда-қўймай мени ҳам меҳмонхонага бошлаб киришди, тўрга ўтқазиб қўйишди, тиззамда сен. Олдин қоидаси бўйича бир пиёладан чой ичишди, кейин шишаларни очишди. Ичкилик қоринни таталаб юборади, дейишди. Дастурхонда юз хил нозу неъмат бўлса ҳам, аданг онангга чучварани олиб келишни буюрди. Онанг чучварани сузиб келгани чиқиб кетганда «биззи хозайка зўр пазанда» деб роса мақтади. Онанг кетма-кет учта сопол лаганда чучвара тортди. Олинг, олинг қилиб чучварага қўл узатилди. Чучварани ким еб кўрмасин миқ этмайди, ўртага ноқулай жимлик чўкди. Нима бало, шўр бўлиб қолибдимикин, деб еб кўрсам таъми жуда фалати. Яна битта еб кўрдим, нима гаплигига тушунмадим. Бирдан кўзим лагандаги битта очилиб ётган чучварага тушди: қиймасида гуруч. Келиним тушмагур, карам дўлмага ўхшатиб,

чучваранинг қиймасига ҳам гуруч қўшворибди. Буни мендан олдин аданг сезибди экан, сир бой бермай жиддий гаширди:

— Биззи хоним янги рецепт бўйича чучвара қилганлар. Италияда чиққан пазандалик китобида чучваранинг қиймасини янгича гуруч қўшиб тайёрлаш ҳақида ёзилган экан. Шунга қараб пиширганлар.

Меҳмонлар «э, шунақами, дуруст-дуруст» дегандек бош силкишди.

— Вой, бу биринчиси эмас, қўли дард кўрмасин, уч-тўрт марта пишириб берди бизга, мазза қиялпимиз,— келинимни ёнини олдим.

Меҳмонлар яна бош чайқаб мени гапимни маъқуллашди.

— Аммо соғлиққа жудаям фойда эмиш,— қошларини чимириб донолик қилди онанг.

— Ҳа, зўр бўлибди,— дейишди меҳмонлар ва шундан кейин чучварани паққос тушира кетишди.

...Зиёфат тугаб, меҳмонлар тарқалди. Бундай қарасам, эру хотин ошхонада қотиб-қотиб кулишяпти. Сени кўтариб мен ҳам кирдим. Мени кўриб баттар кулгилари қистаб кетди.

— Италиядан ўрганган янги рецепт эмиш!— масхара қилди онанг адангни.

— Уч-тўрт мартадан бери маза қиялпимиз эмиш,— икки букчайиб кулди аданг.

— Соғлиққа фойда деганингизга ўлайми!— қийқириб кулдим мен ҳам.

— Мана кўрасизлар, бундан буён ҳаммаси чучваранинг қиймасига гуруч қўшиб қилади!— деди онанг.

Роса мириқиб кулишдик. Умримизда бунақа яйраб кулмагандик.

Рихсивой бувисининг ҳикоясини тўлқинланиб, лаззат билан эшитарди. Ва ҳар гал бувисини тинглар экан, гўё бир думалаб мурғак гўдакка айланиб қолгандек, довдир онасининг, қизиқчи адасининг меҳрибончилигини ва эркалатишларини тўйиб-тўйиб сипқоргандек бўларди. Шу йўсин у ота-она меҳрига бўлган ташналигини оз-моз қондирар эди.

Бирров алданар эди, зеро ҳикоя тугаганидан кейин ташналиги янада кучаярди. Нега деганда, саҳрода сувсираб юрган одам булоқни эсласа баттар чўллайди-да. У эса ташна эди.

Можаро

Учинчи дарс тарих эди. Болалар Шарифжон аканинг дарсини яхши кўришларининг яна битта сабаби бор эди. У сира икки қўймас эди, ҳеч кимга, ҳеч қачон. Чунки тайёрлаб келмаган боладан сўрамас эди. Фақат қўл кўтарганларни чақирар ёки бўлмаса анчадан бери баҳо олмаган бўлса: «Янаги галга албатта ўқиб кел, сендан сўрайман», дерди. Шунинг учун тарихни ўқимай бемалол юравериш мумкин эди, бир ойда битта тайёрланиб келиб жавоб бериб қўйсанг бўлди, қолган пайт ялло, сўраб қолса нима бўлади, деб хавотирланиш йўқ...

Бугун у жуда шошиларди. «Йўқ, битта бугун эмас, ҳар доим Шарифжон ака шунақа,— дилидан ўтказди Рихсивой,— шошигани шошилган. Кўнгли нотинчмикан? Нега шу Шарифжон акага ёпишиб олдинг, нега ҳамма болаларга ёқадиган одам сенга ёқмайди, нима, арпангни хом ўрдими? Ахир биринчи кунлари сенга ҳам анча маъқул бўлганди-ку! Қувноқ, файратли, ҳазилкаш, ўта сахий... айниқса футболчилигини айтмайсизми!» Тўғри, қувноқлиги сал сохтароқдек туюлганди. Аммо вақт ўтган сари Шарифжон ака қандайдир зерикарли, одми одамга айлана борарди. Файратчанлик ўрнини бесаранжомлик, хушчақчақлик ўрнини лабида қотиб қолган сохта табассум эгаллаган эди.

Чекка-чеккада шивир-шивир бошланди — нима учундир дарс жу-

да чўзилиб кетгандек туюлди болаларга. Буни Шарифжон аканинг ўзи ҳам пайқади, на илож — мавзу зерикарли эди. Тезроқ тугатиш учун у баттар шошилди, лаби-лабига тегмай гапир кетди. Ниҳоят ўзининг ҳам, болаларнинг ҳам жонига теккан мавзу тугади. Шарифжон ака кўтаринки руҳда эълон қилди:

— Эрта ўтиб индинга бутун синф театрга борамиз! — Шарифжон ака гапи болаларга қандай таъсир қилганини билиш учун синфни кўздан кечирди. Аммо у кутган натижа бўлмади, на севинч, на қизиқиш кўрди болаларнинг юзида. Шунинг учун анча тушкун овозда илова қилди.

— Эртага ҳамма саксон тийиндан олиб келсин.

Бу гап Рихсивойга ёқмади. Йўқ, гап саксон тийинда эмас. Гарчи бувисидан саксон тийин сўраш унинг учун қийин бўлса ҳам, гап бунда эмас. Гап бошқа нарсада. Шарифжон аканинг «бутун синф» дегани Рихсивойга ёқмади «Бутун синф» дегани мажбурий дегани-да! Рихсивой эса ўз хоҳиши билан эркин иш тутишни яхши кўради. Мажбурийлик пайдо бўлиши билан ўзи сезмагани ҳолда ичида унга қарши бир ҳис — ўчакишиши, ўжарликми туғиларди. Балки кўпчиликда шундай-дир, аммо Рихсивойда айниқса кучли эди бу ҳис. Ўз хоҳишига қараб иш тутишни ёқтирарди.

— Мен бормайман, — деди Рихсивой.

— Нега?

Рихсивой жавоб бермади.

— Нега бормайсан? — сўради Шарифжон ака.

— Театрни ёмон кўраман, — ўжарлиги тута бошлаганини сезди Рихсивой.

— Балки яхши спектакл-дир, кўрмасдан туриб, нега унақа дейсан? — юмшоқ гапирди Шарифжон ака.

Кўнғироқ жиринглади. Лекин синф жойидан кўзгалмади. ўртадаги тортишув нима билан тугаганини кутди.

— Бўйнимдан боғлаб оборишса мен учун энг яхши спектаклнинг ҳам бир тийинлик қиммати қолмайди.

— Ҳеч ким сени зўрлаб судраётгани йўқ, — илжайишга ҳаракат қилди Шарифжон ака. — Бормасанг, ўзингга қийин. Гўзалликни зўрлаб севдириб бўлмайди. Гўзалликка одамнинг ўзида ташналик, эҳтиёж, интилиш бўлиши керак. Бўйнидан бойланган ит овга ярамайди, дейишади.

Синф «гурр» этиб кулди.

Рихсивойнинг зиғиртак ҳам жаҳли чиқмади, қайтанга ҳаммага қўшилишиб кулди.

Ўртадаги можаронинг енгилгина тугаганидан Шарифжон аканинг ҳам димоғи чоғланди. Синфдан чиқа туриб:

— Бўпти, театр — ихтиёринг! Аммо газета билан журналга обуна қилиб қўйдик, — деди.

— Пул тўламадим-ку? — деди Рихсивой.

— Урнингга мен тўлаб юбордим.

Рихсивой қалтираб кетди.

Нега?!

— Нима нега?

— Нега менинг ўрнимга пул тўлайсиз?!

— Синфимиз юз фоиз обуна бўлсин деб шундай қилдим. Ҳамма синфлар юз фоиз ёзилганда, битта бизнинг...

— Менга сизнинг садақангиз керак эмас!

— Нега ўзингдан каттага бақирасан?! — Шарифжон ака ҳам газабдан кўкариб кетди.

— Бақираман! Агар обунадан ўчириб ташламасангиз... — Рихсивой сўз тополмай қолди...

— Ҳа, агар ўчириб ташламасам нима қиласан? — ўқувчисининг пўписаси Шарифжон аканинг иззат нафсига тегди. — Гапир, нима қилардинг?

Билмайман... Бойваччалигингизни бориб уйда... қилинг!— деди Рихсивой.

— Нима дединг?! Сен ким билан гаплашаяпсан, тирранча! Мен сени, мен сени масалангни педсоветга қўяман, мактабдан ҳайдаттираман, сендақа безориларга ўрин йўқ совет мактабида!

— Оғзингизга қараб гапиринг!— ўзининг гапи ўзига ёқмади Рихсивойнинг. Нима қилади гапни чўзиб. Аламини олди, Шарифжон аканинг таъзирини бериб хумордан чиқди. Бўлди-да!

Одатда катта жанжаллар арзимаган нарсадан чиқади, дейишади. Шу гап тўғри экан, Шарифжон ака билан Рихсивойнинг ўртасидаги низо ҳам кичкина тортишувдан аланга олди. Чўлда, жазирама офтобда қовжираб ётган ўт-хашакка қилдек учқун кифоя — лоп этиб ёнади. Рихсивой ҳам худди шундай бир гувиллаб ўчди.

Шарифжон ака яна нима балолар деб қичқирди. Аммо энди Рихсивой хотиржам эди. Миқ этмасдан тураверди.

Меҳмонда

Рихсивой меҳмонга боришни ёмон кўрар эди. Тўғрироғи, умри бино бўлиб атиги уч-тўрт мартагина меҳмондорчиликда бўлган. Қаёққа ҳам борсин? Бувисининг ҳеч кими йўқ, етим ўсган. Бир ҳисобда қариндош-уруғнинг кўп бўлгани дуруст — яхши-ёмон кўнингда яраб турар экан. Қариндошнинг кўп одамларнинг ҳаёти қувноқроқ ўтадиганга ўхшайди. Ҳақиқатда шундайми, йўқми — Рихсивой буни билмайди. Аммо ёлғизлик ёмон — бу аниқ.

Кўп одам йиғилган ҳар хил маросимлардан Рихсивой нима учундир чўчийди. Шунинг учун бувиси, меҳмонга борайлик, деб қанча қистамасин кўнмади.

— Катта йигит бўлиб қолдинг, энди маҳалла-кўйга, таниш-билишларга аралаш. Ҳеч кимга қўшилмай, одамови бўлиб ўтираверсанг, тўйингга ким келади? Ҳа, катта йигит бўлиб қолдинг. Ҳадемай уйлантириб қўяман.

Рихсивой кулиб юборди.

— Қанақа тўй, буви?

— Вой, кўз очиб юмгунча йиллар ўтиб кетяпти. Мени айтди дурсан, ҳаш-паш дегунча уйланиб, болалик бўлиб қолганингни ўзинг сезмай қоласан.

— Пўғ-э?!

— Ҳа-да! Ўзинг экансан-ку, ҳатто болангни ҳам катта бўлганини билмай қоласан, ада, уйлантириб қўйинг демагунича.

— Жуда гапни оласиз-да, буви!

— Айтяпман-ку, вақт ўтганини одам пайқамай қолади деб. Ёшинг улғайган сари вақт ҳам тез ўтаверади. Уйланасан, сал ўтмай фарзанд кўрасан, сал ўтмай ўғлингни ҳам уйлантирасан, қарабсанки яна сал ўтмай набира ҳам кўрасан.

— Дарров набиралик ҳам қилиб қўйдингиз-ку, одамни.

— Яхши-да, ўтирасанми гафлат босиб.

Рихсивой илжайди.

— Унда мени қийнамай меҳмонга келиннгиз билан бориб кела қолинг.

Рихсивой катта тўда, катта йиғинларда гапиролмас эди, аммо ўзига яқин одам билан бинойидек ҳазиллашарди.

— Оҳ, оҳ, оҳ, қани энди келиним бўлса-ю, қўғирчоқдек ясантириб. олдимга солиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб меҳмонма-меҳмон олиб юрсам,— бу гапларни Мастура хола, гарчи жилмайишга ҳаракат қилиб гапирган бўлса ҳам, овозидаги армон Рихсивойнинг юрагини ачиштириб юборди. Ахир бувиси шўрлик нимани кўради, туну кун уйда ўтириб? Рихсивойнинг кир-чирини ювади, овқатини қилади, устига устак, машинада кийим тикиб рўзғор тебратаяди.

— Бўпти, отланинг, борсак бора қолайлик ўша Зумрад опаникига,— деди Рихсивой.

— Вой, ростданми, нечук инсоф кириб қолди сенга? суюниб кетди Мастура хола. Боши кўкка етади Зумрадхоннинг. Ахир қачондан бери ялинади шўрлик. Ҳозир, тўрам, ҳозир ясаниб чиқаман.

Мастура хола дик этиб туриб ўз хонасига йўл олди.

— Ҳа, айтмоқчи, тўрам, сиз ҳам кийим-бошингизни ўзгартириб чиқсангиз бўлармиди?

Рихсивой янги кийим кийса уялар, ясанишни ёмон кўрар эди. Бувисининг гапидан энсаси қотди.

— Бэ, бошни қотирмасангиз-чи, буви...

— Хўб, хўб, тўрам, хўб,— набирасининг айниб қолишидан чўчиб, гапни қисқа қилди Мастура хола.— Майли, эшакнинг тўқимига ўхшаган шу кийимингизда кетаверинг.

— Бу эшакнинг тўқими эмас, жинси шим!

— Ҳа, ҳа, мен ҳам жинни шим деяпман-ку.

Бувисига тенг келиш қийин. Ҳар қалай, меҳмонга борянти. Ваннага кириб юз қўлини совунлаб ювди, «Помарин» билан тишини тозаллади, аммо жинси шимини ўзгартирмади. Тўғри, жинси шими жудаям зўр эмас, ўзимизда тикилган, аммо матоси пишиқликда американикидан қолишмас эди. «Ҳақиқий чит! Ўзбек пахтасидан! Майли, бошқа соҳаларга тегмайлик-ку, аммо пахта масаласига келганда — пахтани етиштириш, ҳосилдорлик масаласига келганда Америка тугул жаҳоннинг истаган мамлакати билан ташлаша оладиган Ўзбекистон,— гурур билан дилидан ўтказди Рихсивой.— Фақат тикишга келганда сал нуноқлик қилиб қоламиз-да.»

Хўш, уй вазифалари қалай? Адабиётни ўқиди. Инглиз тилидан машқни кўчирди. Тарих билан алгебра қолди. Эртага, дам олиш куни қилар. Шанбада эса меҳмонга ҳам бориб келиш мумкин.

Рихсивой сочини ҳўллаб таради, ойнага ҳам қараб қўйди. Ваннадан чиқиб кўтаринки руҳда сўради.

— Кетдикми, буви?

— Кетдик, тўрам, кетдик,— ичкари уйдан бувисининг овози эшитилди.

Рихсивой бувиси бўлгунича, вақт бекор кетмасин учун, туфлисини мойлаб ярақлатди. Аммо оёқ кийимни яхши кияр эди, ҳали битта пой-афзални ҳам йиртиб тамомламаган, фақат кичкина келиб қолгани учун яроқсизга чиқарди.

Ичкаридан чиқиб келган бувисини Рихсивой танимай қолди. Чунки унинг ясанганини жуда кам кўрган. Эғнида мўл-кўл тикилган шойи кўйлак, устидан қора духоба камзул, оёғида амиркон ковуш, айниқса иккита учини иккала елкасига ташлаб олган гармдори гулли жигаранг шойи рўмоли жудаям ярашган эди.

— Вой, буви!— ҳайратини яширолмади Рихсивой.

— Тағин ҳам буванг раҳматликдан қолган зебу зийнатларимни тақмадим, агар ҳаммасини илиб чиқсам юраги бўшроқлар ҳасаддан ўзини таппа ташлаворади-я!

Ростдан ҳам бувасидан зебу зийнатлар қолганми ёки бувиси яна мақтаняптими, бу томони Рихсивойга муаммо эди.

— Бозорга қараб юраверасиз, тўрам,— деди Мастура хола.

— Бозорда нима қиламиз?

— Вой, қуруқ бориб бўлар эканми меҳмонга? Ун-ўн бешта нон олайлик.

Рихсивой бувисининг қўлидаги дастурхонни энди кўрди.

— Зумрад опа унақа эскича одатларингизни тушунармиди? Оборган нонингиз бекорга қотиб қолади.

— Ноннинг ўз файзи бор, ҳа! Ноннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Хотинларнинг ишига аралашмасдан хўб деяверинг, тўрам!

Рихсивойнинг хўб дейишдан бўлак иложи йўқ эди, чунки у бувисининг одатини биларди: олди-бердиларга келганда жуда қўли очиқ.

Қўшниларникида бирорта маросим бўлиб қолса, миянча қилиб чиқарарди. Шунақа унинг бувиси — бева бўлса ҳам қўли очиқ... Бўлмаса ким булардан гина қиларди!

Бозор қилишни яхши кўрарди Мастура хола. Ҳай-ҳай у кишини савлат тўкиб нон бозорига кириб боришларини кўрсангиз эди! Хоҳласа бутун бозорни сотиб олишга қурби етадиган одамдек шошилмасдан, виқор билан қадам босардилар. Нон демаган саватларда тизилиб ётибди, бири-биридан чиройли, ҳидини айтмайсизми, ўн қадам наридан гуп этиб димоққа уради.

Мастура хола бир чеккадан қунт билан нонларни кўздан кечира бошлади.

— Келинг, опоқ ойи, ҳозиргина тандирдан уздим.

Нонвойлар мулойим, улардан ҳам кўра Мастура хола мулойимроқ эди.

— Қўлингиз дард кўрмасин, отинча, бошлабсиз,— деди Мастура хола. — Аммо менга жайдари ундан ёпилган нон керак, ўшанга ўрганганман, таъми бошқача бўлади.

— Вой, шу нон ёқмадимми, опоқ ойи?

— Нега ёқмас экан? Нонингиз жуда яхши, отинча, ноннинг ёмони бўларканми?! Айтяпман-ку, менга жайдари унники керак. Опоқ ундан ёпилган нон пуфакдек шишиб чиқади. Ҳа, ғози бўлмайди.

Мастура хола кейинги нонфурушга юзланди.

— Келинг, холажон, келинг. Шошиб турибман, уйда эмизуклик болам қолган, келинг, ўн беш тийиндан бериб юбораман.

— Вой, йўқ, оповси, менга ўн беш тийинлик нон керак эмас, уятли жойга олиб бораман-а!

Кампир яна сурилди. Рихсивой унинг кетидан эргашди. Бувисининг «инжиқ»лиги унинг жонига тега бошлаган эди.

— Ие, келинг, онажон, сизга керак нон мана шўтта — бу қоп-қора жувон жуда шаддод ва айни пайтда хушмуомала эди,— минг айланинг, меникининг олдига тушадиган нон тополмайсиз бозордан. Ҳа, бекорга вақтингизни кеткизманг, онажон. Сизга худди шу нон керак. Чунки нозик жойга олиб борасиз, нечта берай?



— Вой, қоқиндиқ, ўзи неча пулдан?

— Йигирма тийингина, онажон, атиги йигирма тийин. Нима, бу жувоннинг эси пастроқми, баркашдек-баркашдек нонни йигирма тийиндан бериб юборяпти, деб ҳайрон бўлманг. Бизнинг авлод-аждодимиз нонвой ўтган. Бувамни бувалари харидорни рози қилиб пулини ол, ўшанда топганинг юқади, бўлмаса суриб кетади деган эканлар. Ҳа, биз фақат меҳнат ҳақимизни оламиз. Тандирда нон ёпишни ўзи бўладими, онажон. Ҳеч ким билмаса ҳам, сиз биласиз буни. Ҳа, фақат меҳнат ҳақимизни оламиз, йигирма тийин — бир танга.

— Вой, бир танга, икки танга қилиб ўтирасизми қоқиндиқ, бир сўмга олтита деяверинг.

— Сизники ҳам эмас, меники ҳам, икки сўмга ўн битта қилиб бераман, шунда онажон, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам.

— Вой, қизим, меҳмонга тоқ нон кўтариб бораманми, ўн иккита қилинг.

— Онажон, сиз меҳмонга ўнта нон кўтариб борадиган таги пастлардан эмассиз. Кўринишингизни ўзи айтиб турибди, йигирмата оласиз. Майли мен йигирма иккита қилиб берай, онажон. Сизга беряпман, бўлмаса миждозларим кўп, ноним доим талаш.

— Майли, беринг, нонингиз ҳақиқатда бирор жойга кўтариб борса арзийдиган экан, қоқиндиқ. Ҳай, Рихсивой, қани оч дастурхонни.

— Э, оғзингизга бол, онажон! Энди ўзингизга келдингиз, пулингиз ўзингиз билан кетади. Олинг, ўзингиз танлаб олаверинг.

Мастура хола нонни олиб, Рихсивой қўлида кўтариб турган дастурхонга тахлади.

— Йигитчани қийнамай ўзим боғлаб берақолай дастурхонни,— нонфуруш жувон Рихсивойга ёрдам бермоқчи бўлди.

— Вой, айланай сиздан, қоқиндиқ,— жилмайди Мастура хола,— тугмай туринг, йигирмата кулчани нима деб кўтариб бораман. Ширмой билан патир ҳам оламан ҳали, қизим.

— Шунақа денг, айтяпман-ку, кўринишингиздан мардлигингиз билиниб турибди. Ҳой, Анзиратхон, патирингиздан бу ёққа олиб келинг. Хайриниса, сиз ширмойингизни кўрсатинг,— нонвой ҳам жилмайиб Мастура холага қаради.— Сизга асл мол керак экан, онажон. Бунақа ёғли патир қиладиган Тошкентда битта. Анзиратхонни ширмойини яланг чет эллик меҳмонлар сотиб олишади. Юртига олиб кетишади, кўз-кўз қилгани. Особий заказ, импорт-экспорт... — жувон қийқириб кулди.

Унга қўшилиб Мастура хола, ҳатто Рихсивой ҳам кулиб юборди.

Ширмой ҳам, патир ҳам нонвой жувон айтганча экспортга чиқарса арзигудек экан. Лекин Мастура хола нархига бари бир тортишди. Олтита патир, олтита ширмой олиб дастурхоннинг учини аранг боғлади. Кейин киссасидан дастурмолчасини олиб тугунини ечди, пул чиқариб нонвойлар билан ҳисоб-китоб қилди.

— Айнанай, қизим, бизнинг авлод ҳам таги кўрган. Менинг ҳам бувам раҳматли бировнинг ҳақига хиёнат қилманглар, ҳалол бўлинглар, чунки ҳаром бари бир юқмайди, деб насиҳат қилардилар.

Мастура хола қайтимига ортиқча бериб юборган қора жувонга пул узатди.

— Бир сўм ўрнига икки сўм бериб юборибсиз, айланай қизим.

— Вой, онажонимдан ўргилай, жуда довдирман-да, кўпинча ортиқча қайтим бериб юбораман. Бозор қилишингиздан, нон танлашингиздан дарров сезувдим, онажон, сизни танти, инсофли эканлигингизни. Илоҳим бола-чақа, неварачевараларингизни роҳатини кўринг.

— Айтганингиз келсин, қизим, айтганингиз келсин.

Улар худди туришган она-боладек хайрлашишди Мастура хола яна виқор билан йўлга тушди, қирқтача нон тугилган зил-замбил дастурхонни аранг кўтариб Рихсивой унинг ортидан эргашди.

Шаҳарнинг энг уччига чиққан бойвуччаларига ўхшаб шойи рўмолини ҳилпиратиб, амиркон кавушини фирчиллатиб кетаётган Мастура

холани кўриб Рихсивой: «Аммо бувимлар ҳам бинойидек олифталар», деб дилидан ўтказиб қўйди.

Лекин Мастура хола нима қилмасин ўзига ярашар эди.

— Буви,— деди Рихсивой нон бозоридан сал узоқлашгач, — битта нон оламан деб ярим соатча вақтимиз кетди, доим шунақа тортишиб оласизми?

— Бўлмасам-чи! Бозорнинг шуниси қизиқ-да! Обдан савдолашмансанг на олган, на сотган хумордан чиқади.

Мастура хола зийрак кампир эди, набирасининг таънасини дарров тушунди.

— Ердамлашиб юборайми, менга берақол.

— Нима деяпсиз, буви, шуни ҳам кўтаролмайманми,— деди Рихсивой. Кейин сўради:— Ўзи борадиган жойимиз узоқми, қаерда туришади?

— Узоқ. Шаҳарнинг четида.

— Уйларини кўрганмисиз, топиб бора оласизми, ишқилиб?

— Бўлмаса-чи, мен битта кўрган жойимни кўзимни боғлаб бўлса ҳам топиб бораман.

Бу тўғри эди ва Рихсивой бунини биларди. Мастура хола ҳақиқатан ҳам битта кўрган жойини неча йилдан кейин ҳам қийналмай топиб бора олар эди.

— Шаҳарнинг четида бўлса бирон нарсага ўтирайлик. Ё яёв бормоқчимисиз?

— Энди троллейбус-проллейбус қилиб ўтирмайлик дедим-да,— узр оҳангида гапирди кампир,— метрога ўтирсак бир этказиб обориб қўяди. Узиюрар зинапоясини айтмайсанми, катайса қилдириб олиб тушиб қўяди. Нима дединг?

— Нима ҳам дердим, метро турганда троллейбусни назарга илармидингиз?!

Улар метронинг «Пахтакор» бекатига боришди. Эскалаторга яқинлашишса худди Мастура холага ўхшаган битта кампир турибди. Мастура хола нима гаплигини дарров тушунди.

— Ҳа, эгачи, юрмайсизми,— сўради у.

— Қандоқ бўларкин, юрагимни ҳовучлаб турибман тушгани кўриб,— деди кампир.

— Вой, айланай сиздан, мен ҳам биринчи марта кўрққандим. Энди атайдан келадиган бўлиб қолганман катайса қилгани. Юра қолинг.— Мастура хола кампирнинг қўлтиғидан ушлаб эскалаторга бошлади.— Қани, бисмиллоҳу раҳмону раҳим, қадам қўйинг!

Кампир инқиллаб-синқиллаб эскалаторга оёқ қўйди. Метродаги ҳамма одамлар иккала кампирни томоша қилишарди.

— Астаффурулло, ўз паноҳингда асра, астаффурулло!

Пастга тушиб олишлари билан иккаловининг ҳам чеҳралари очилиб кетди. Кампир ёқасига тупириб деди:

— Ё қудратингдан ўргулай, ўзи учар гиламни эшитгандим, ўзи юрар зина ҳам бўларкан-да?!

Рихсивой четда қолиб кетди. Иккала кампир охири — «Максим Горький» бекатигача суҳбатлашиб боришди. Фақат метродан чиққанларидан кейингина, йўллари бошқа-бошқа экан, ажралишди.

Мастура хола билан Рихсивой Тошкент-Чирчиқ автобусига ўтиришди. Омадларига автобус экспресс экан, визиллаганча учиб кетди. Ҳадемай Қибрайга етди. Кейинги бекатда эса Мастура хола Рихсивойни етаклаб автобусдан тушди.

— Ҳа, худди шу ер,— деди у набирасидан кўра кўпроқ ўзига ўзи.— Ҳозир чапга қайриламиз. Шу йўл тўппа-тўғри олиб боради.

Улар турп экилган майдон оралаб кетган тор асфальт йўлга бурилдилар. Тўрт юз метрларча юрганларидан кейин майдон тугаб, олмасор бошланди. Боғ жуда катта эмас экан. Ундан чиқишлари билан қаршиларида ажойиб манзара намоён бўлди. Кўз яйраб томоша қиладиган кенг дала, даланинг этаги қирга уланиб кетган. Уни илонизи

бўлиб мовий сувли анҳор кесиб ўтган. Шовиллаб оқаётган анҳордан эсаётган салқин шабада димоқларни қитиқлайди. Худди биров атайдан боғ қилиб бу гўзал манзара бетига парда тортиб қўйгандек эди. Анҳор ёқалаб ҳар уч юз-тўрт юз метр ораликда беш-олтитадан икки қаватли коттеджлар жойлашган.

— Мана шу уй,— энг яқин коттеджи кўрсатди Мастура хола.

Ҳовли жуда катта ва у одам белидан келадиган қандайдир кўм-кўк ўсимлик билан ўралган. Девор йўғу, лекин эшик ва дарвоза бор. Дарвоза ёпиқ, эшик ланг очиқ эди. Шунга қарамай Мастура хола эшикни тақиллатди. Зум ўтмай кўзойнак таққан Рихсивойлар тенги бир қиз пайдо бўлди.

— Ассалому алайкўм, келинглар,— деди у очиқ кўнгилик билан.

— Вой, бўйинга қоқай, Сорахонмисан? Қап-катта қиз бўлиб қолибсан-ку,— Мастура хола қизни бағрига босиб икки бетидан ўпди.

Қиз ҳам худди туғишган бувиси билан кўришаётгандек кампирни маҳкам қучоқлади.

— Қийналмасдан топиб келдингларми, ишқилиб, холажон? Ойим сизларни эрталабдан бери кутадилар,— қиз кампирнинг қўлтиғидан ушлаганича ичкарига йўл бошлади, бирдан ўгирилиб эшик тагида ётсираб турган Рихсивойга қаради.— Киравер!

Сорахон бу сўзларни шундай самимий ва оддий қилиб айтдики, Рихсивойдаги ёввойисираш бир зумда йўқ бўлиб кетди.

— Кирыпман,— деди Рихсивой уларнинг ортидан эргашиб.

Шу пайт уларнинг қаршисига Зумрад опа пешвоз чиқди. У қучоқ очиб, олдин Мастура хола, кейин Рихсивой билан сўрашди.

— Вой-бў! Таван жуда катта-ку, нима қилиб овора бўлиб юриб-сизлар?— деди Зумрад опа. У меҳмонларни койимади, аксинча мақтаб, севиниб гапирди.

— Овораси бор эканми,— сиполик қилди Мастура хола.

Рихсивойларни катта айвонга таклиф қилишди, айвон ҳақиқатда жуда кўркам ва шинам эди. Ҳовлининг этагида экинларни шлангадан суғориб юрган эрак киши келиб меҳмонлар билан сўрашгач, чеккадаги стулга омонатгина ўтирди. Мастура хола кафтини очиб қисқагина дуо ўқиди-да, юзига фотиҳа тортди.

— Сизлар бемалол ўтираверинглар, бизнинг озгина деҳқончилигимиз бор,— узр оҳангида гапирди уй эгаси қўлини кўксига қўйиб.

— Вой, бемалол, иним, биз ўзимиз...

— Ҳа, бораверинг, бизларга халал берманг,— деди Зумрад опа ҳазил оҳангида, кейин Мастура холага қараб қўшиб қўйди.— Суҳбатга министрларнинг аралашганини ёмон кўраман, ҳеч гап гапга қовушмайди.

Зумрад опа хахолаб кулди. Мастура хола уй эгасига оғир ботмасин учун номига илжайиб қўйди.

Рихсивойнинг оғзи очилиб қолди: у Зумрад опанинг эри министр эканлигини эшитган, аммо сираям мана шу шимини шалвиратиб юрган одамни министр деб ўйламаганди. Рост-да, қанақасига бу министр бўлсин. Қўллари ингичка, ўртача тарвуздек қорин солган, бадани, юзи офтоб кўрмаган — оппоқ. Тагин қўлида шланга ўйнаб юрганига ўласизми!

Министр деганда Рихсивойнинг кўз ўнгига салобатли, овози жанрангдор, вужудидан куч-қудрат ёғилиб турадиган одам келар эди. Мана Зумрад опа бошқа гап. Уни министрнинг хотини деса арзийди: ҳам чиройли, ҳам келишган, ҳам маданиятли. Қеккаймаса ҳам вужудидан савлат ёғилиб тургандек. Қизи лекин жуда онасига ўхшабди.

Бошида министрнинг уйига келдим, деб Рихсивой сал чўчиб, ийманиб турганди. Қарасаки министр ҳамма қатори одам экан — жуда камсуқум, юмшоқ кўнгилик... Шундан кейин анча ўзига келиб, бемалол ўтирди, атрофга назар ташлади. Энг аввал олдидаги дастурхонга эътибор берди. Бундай тўкин дастурхонни у сира кўрмаган, йўқ, унда нозу неъмат кўп эмас, аммо ҳаммаси асл эди.

Энди Рихсивой ҳовлини кўздан кечирди. Дарахтлар аломат — ҳам-маси пастак, барглари ғалати. Афтидан уй эгаларини мевасидан кўра ҳам дарахтнинг чиройлилиги кўпроқ қизиқтиради.

Ҳовлининг этагида устига тенд ёпилган энгил автомобиль («Волга» бўлса керак) турарди. Уйнинг ўзи икки қаватли, пештоқлари миллий нақшкорликнинг энг зўр намунаси сифатида безатилган, девор ва шиллар нозик дид билан бўялган. Хуллас, киноларда кўрсатишадиган энг яхши санаторийлардан қолишмас эди. Бирдан бу уй, бу бойлик Рихсивойнинг елкасидан босаётгандек туюлди, у яна ўзини ноқулай ҳис эта бошлади.

Мастура хола эса гапга тушиб кетган, Зумрад опа билан чақчақлашиб ўтиришарди.

— Ҳой, қизим, меҳмонни ҳам шундай кутиб оладими одам, зериктириб қўясан-ку,— деди Зумрад опа.— Балки, аквариумингни кўрсатарсан?

— Аквариумингизни қанча томоша қилиш мумкин, бир минутда жонга тегади,— кулди Сорахон.

— Зерикмаяпман,— ўнғайсиз аҳволга тушганини яширолмади Рихсивой.

— Кинони яхши кўрасанми,— сўради Сорахон оддийгина қилиб.

— Нима?— дарров тушуна қолмади Рихсивой. Тушунишга тушундику-я, лекин меҳмонни зериктирмасликка буни қандай даҳли бор, деб ўйлади у. Ё телевизор кўрсатмоқчимикин?

— Кинони яхши кўрасанми, дейман?

Рихсивой елкасини қисди.

— Қайдам... фильмнинг қандайлигига боғлиқ. Қизиқ бўлса...

— Юр, истасанг кўрсатаман. Ўзим олганман.

Улар Сорахоннинг иккинчи қаватдаги хонасига киришди.

— Ўтир,— юмшоқ креслони кўрсатди Сорахон.

Рихсивой креслога ўтирган эди, чўкиб кетди. У ирғиб ўрнидан турди.

— Ўтиравер, мен ўзим,— ёрдам бермоқчи шекилли деб ўйлади Сорахон.— Бу жуда осон.

Сорахон деворга оқ сурп илди. Деразанинг пардасини ёпди. Хона ним қоронғу бўлди. Кейин у киноустановкага яқинлашди.

— Диққат, томоша бошланади. «Саёҳат». «Сорафильм» студияси маҳсулоти.

Оқ сурпга шуъла тушди. Сора магнитофонни қўйди. Арабчами, итальянчами — буни Рихсивой ажратолмади,— лекин жуда оҳангдор бир куй бошланди. Куй фонида Сора экрандаги тасвирга қисқа-қисқа изоҳ бериб турди.

— Бундан ўн йил муқаддам, яъни минг тўққиз юз етмиш иккинчи йил, ўттизинчи апрелда министрликда бўлим бошлиғи, фан кандидати Мансур Асадуллаев ўз рафиқаси Зумрадхон билан Одессадан саёҳатга чиқди.

Экранда «Шевченко» теплоходи, унинг трапи ёнида Соранинг отаси Мансур ака ва онаси Зумрад опа пайдо бўлишди. Ёш пайти экан, Рихсивой Мансур акани зўрға таниди. Одам ҳам шунчалик ўзгариб кетадими?!

— Саёҳат актив дам олишдан бошланди. Бунинг учун ҳамма шароит мавжуд эди,— давом этди Сорахон.— Олий класс ресторан, шинам кутубхона, катта кинозал, денгиз суви билан тўлдирилган бассейн ва ниҳоят шифобахш, соф денгиз ҳавоси! Қора денгиз, Босфор бўғози, Мармар денгизи ортда қолди. Салом, мовий сувли Ўрта ер денгизи! Салом, биринчи манзил Латакия, салом, Сурия!

Ие, нотаниш шаҳарнинг нотаниш кўчасида дарвишлардек бўзлаб турган бу кимса ким? Бадавийларданми? Йўқ, бу соҳиб Мансур Асадуллоҳ! Бу олий зотнинг танҳо қолганларининг боиси нима? Боиси

шулки, рафиқалари Зумрадбону магазинма-магазин уриб кетганлар. Сурияда нима кўп ҳар хил ялтироқ, зарли матолар кўп.

Экрандаги тасвир кетма-кет ўзгариб турарди.

— Яна мовий денгиз, яна роҳат-фароғат! Офтобга баданини товллаб, қораймоқчи бўлганларга теплоход палубасида жой етишмай қолди.

Пинг-понг бўйича теплоход биринчилиги учун финал учрашув.

Бугун теплоходда Ўзбекистон куни. Ўзбек туристлари ўз республикалари ҳаётидан ҳикоя қиладиган панно ва кўргазмалар, лекциялар уюштиришди, ресторанда ўзбек миллий таомлари тайёрланди, кечқурун томоша залида ўзбек туристлари — ҳаваскорлар ижросида катта концерт.

Пирей. Дунёдаги энг гўзал мамлакатлардан биттаси Греция бўлса ажаб эмас.

Энди бемалол саёҳатга берилиб диққатга сазовор жойларни, тарихий обидаларни томоша қилиш мумкин. Чунки, энди Зумрад опа ташвишдан қутулган — етти давлатга мўлжаллаб алмаштирилган қирқ доллар Суриянинг ўзидаёқ тугаб битди. Ҳа, буёғи ялло!

Гўзал Грециянинг ажойиб пойтахти Афина. Бу эса дунёга донғи кетган юнон мутафаккирларининг ва файласуфларининг муборак пойларини теккан Акрополь харобалари. Йўқ, йўқ, гавдасига тўртта келадиган мрамар устунни бир қўлида даст кўтариб турган Геракл эмас, бу ўзимизнинг Асадуллаев. Агар сал диққат билан қарасангиз у киши устунни кўтариб эмас, аксинча устунга суяниб турганини пайқайсиз. Ёнларида илжайиб турган аёл Афродита эмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Тўғри, харсангда юриш қийин, лекин бари бир Афродита ҳеч қачон қимматбаҳо туфлисини аяб қўлига олмас, ўзи эса шип-пакда юрмас эди. Демак, бу ўзимизнинг Зумрад Ҳошимовна.

Яна мовий денгиз, яна теплоходнинг гавжум палубаси, яна янги шаҳарлар. Яна янги мамлакатлар...

Алвидо, элатлар! Салом, қадрдон Қора денгиз, салом, Одесса, салом, Она юрт!..

Экрандаги шуъла ўчди. Креслода ўтирган Рихсивой ҳатто қимирлашга журъат этолмади. Бу билагон ва доно қизнинг олдида у ўзини бесаводдек ҳис этарди.

— Қалай, ёқдимиз?— сўради Сорахон.

— Ҳм,— гўлдиллади Рихсивой.— Географиядан фақат аълога ўқисанг керак-а!

Сорахон шарақлаб кулди.

— Ҳамма фандан бешу, фақат шу географиядан тўрт.

Рихсивой ҳам илжайди.

— Яна кўрасанми?

— Майли.

— Энди бўлмаса оилавий альбомдан лавҳалар. Мана бу, оёғида аранг турган қизалоқ — мен. Белимдан билинтирмасдан ойим ушлаб турибдилар. Ҳеч ким сезмайди деб ўйлайдилар, аммо ким кўрса дарров, орқандан ушлаб турган кимнинг қўли деб сўрайди. Мана бу қотма, шими осилиб турган ўспирин бўлажақ министр Мансурхон ака. Спорт формасидаги бу қиз эса студентка Зумрад. Мана бу эса Зумрадонунинг ўнинчи синфдаги пайти.

— Тўхта!— ўтирган жойида ирғиб тушди Рихсивой.

Сорахон қўрқиб кетди.

Рихсивой жойига қайтиб ўтирди.

— Бирпас тўхта,— қайтарди у аллақандай қалтироқ овозда.

Сорахон хўб дегандек бош силкиди. Экрандаги расм қотиб қолди. Улар бир неча лаҳза сукут сақладилар. Ниҳоят, Рихсивой бир ютиниб сўради.

— Ойингнинг ёнларидаги қиз ким?.. Танийсанми?

— Танийман. Ойимларнинг қиз ўртоқлари. Икковлари дўст тутинишган, опа-сингилдек қадрдон бўлишган экан. Нимаиди?

— Узим,— деди Рихсивой бамайлихотир бўлишга ҳаракат қилиб. Аммо ичи алғов-далғов эди:— Дўст тутинишган экан, дегин...

— Ҳа, ёшликда. Ойим Москвадан ўқишдан қайтсалар, дугоналари бошқа шаҳарга кўчиб кетган экан. Шундан кейин улар ўртасидаги алоқа узилибди. Аммо ҳали-ҳали расмини кўриб қолганда — эслаб, мақтаб юрадилар, жуда ҳам ажойиб одам бўлган экан, ойим билан ораларидан қил ҳам ўтмас экан.

Рихсивой ўзгариб, ғалати бўлиб қолганди. Сорахон таажжуб билан, ҳатто бир оз хавотирланиб унга қаради.

— Сенга нима бўлди,— деб сўради.

Рихсивой ҳаяжонини яшириш учун Сорахондан кўзини олиб қочди, ерга қараганича:

— Охирги расми яна бир марта кўрса бўладими?

— Нега бўлмас экан?— Сорахон экранга шуъла туширди.

Рихсивой онасига мўлтираб боқди. Сочини жамалак қилиб ўрган, кулиб юбормаслик учун лабини қаттиқ қисиб олган, ҳали жуда ёш онажониси худди ҳозир бирор гап айтмоқчи бўлгандек ўғлининг кўзига тикилиб турарди. Қани, энди бирор нарса деса, қани энди бир эғизгина сўз айтса, қани энди Рихсивой онасининг овози қандайлигини эшитса! Онасининг бир эғиз сўзини эшитиш учун Рихсивой бутун умрини бериб юборишга тайёр эди. Бироқ минг афсус ва надоматлар бўлсинки, расмлар гапирмайди!

Сорахон яна нималарнидир гапирарди, аммо Рихсивой уни эшитмас, фикри-хаёли бошқа ёқда эди. Уйда онасининг худди шунақа расми бор — шу атлас кўйлак, сочини ҳам шунақа жамалак қилиб олган, фақат у расмда бир ўзи тушган. Демак, ёшлигида Зумрад опа билан дўст бўлишган. Энди ҳаммаси аён эди Рихсивойга. Зумрад опанинг бувисига бола боқтириши, нарсалар тиктириши — ҳаммаси бежиз эмас экан-да.

Рихсивойнинг хўрлиги келиб томоғига бир нарса тикилди. Бир кўнгли ўрнидан шартта туриб кетиб қолмоқчи бўлди, аммо ўзини босди, андиша зўрлик қилди. Ҳовлиқиш ярамайди, ҳовлиқмасдан ўйлаб кўрсин-чи, балки Зумрад опа айбдор эмасдир, бировни ҳақорат қилиш, камситиш хаёлига ҳам келмаган бўлиши мумкин. Фақат одамгарчилик юзасидан яхшилик қилмоқчи бўлгандир.

Бироқ... битта нарса жуда алам қилар эди Рихсивойга. Нега Зумрад опа онасининг дугонаси бўлганини бувисидан беркитган? Балки тўғри қилгандир. Ҳақиқатан ҳам, бувиси билса, унинг ёрдамини қайтариши мумкин эди, чунки бувиси ҳам ўзига етгунча ориятли. Ҳеч қачон бировдан садақа олиб кун кўришга рози бўлмайди. Уйлаб қараганда, Зумрад опанинг ўз дугонасининг оиласига ёрдам беришга нега ҳаққи йўқ? Бунинг нимаси айб? Ахир у текинга ёрдам бермаган, у бувисига бола боқтирган, иш берган, ишига ҳақ тўлаган. Менга нима, қандоқ хоҳласа шундай кун кўраверишсин, деб кетса тўғри бўлармиди? Дугонаси ўлиб кетганини ҳатто қизидан ҳам яширибди — шу иши нима учундир Рихсивойга ёқди лекин.

— Нима, эшитмаяпсанми?!

— Лаббай?— чўчиб тушди Рихсивой.

— Вой, эшитмаяпсанми, учинчи марта қайтаришим, овқатга чақиршяпти,— ҳайрон бўлди Сорахон.

— Кетдик,— деди Рихсивой.

Улар пастга тушдилар. Бувиси билан Зумрад опанинг суҳбати роса қизиган пайт экан.

— Буви, кетмаймизми?— деди ердан бошини кўтармай Рихсивой.

— Вой, иссиқ овқатни ташлаб кетасизларми? Сузмасдан, сизларнинг тушишингизни кутиб ўтирибмиз, ўтиринглар,— ўрнидан турди Зумрад опа.

— Тайёр овқатни ташлаб кетсак Зумрад опангиз хафа бўладилар, тўрам,— деди Мастура хола.

— Еки далага чиқиб кетдик, қандай қайтамиз деб чўчияпсанми? Қўявер, ўзим машинада метрогача обориб қўяман.

— Мен ҳам сизлар билан бораман,— онасига жўр бўлди Сорахон. Рихсивой ҳамманинг диққат марказида бўлишни ёмон кўрар эди, ялинишларга чек қўйиш учун дарров ўтирақолди.

Зумрад опа бир лаган карам дўлма олиб келди.

Қорин тўйса, гам кетади, дейишади. Овқатдан кейин Рихсивойнинг ҳам кайфияти анча жойига тушди. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди, биринчидан, министр билан бир столда ўтириб овқатланиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Иккинчидан, Рихсивой ёш бўлишига қарамай, министр билан баб-баравар — бешта дўлма еди. Бу ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Овқатдан кейин мураббо билан чой ичишди. Шундан кейин Мастура хола кетишга ижозат сўради. Зумрад опа, ваъдасига биноан, Мастура холанинг эътирозига қарамай, меҳмонларни машинада обориб қўядиган бўлди.

Ҳаммалари яп-янги, ялтироқ «Волга»га ўтирдилар. Шу пайт министр ҳам машинага яқинлашди.

— Вой, овора бўлманг, Мансур ака. Мана Сорахон бор, ўзимиз обориб қўямиз,— деди Зумрад опа.

— Майли, шабадалаб келай. Қайтаётганда ҳамроҳ бўларман,— Мансур ака кийиниб чиққани учун бирдан серсавлат, пурвиқор бўлиб кетган эди. Ҳа, у энди министрга ўхшарди.

Машина ўрнидан қалқиб силжиди. Зумрад опа беўхшов илжайиб ўтирганларга қараб, ўзини оқлади;

— Мотор ҳали совуқ-да, силкиятти.

Йўлга тушдилар. Машинадагилар худди туянинг устида кетаётгандек қалқиб боришарди.

— Мана кўрасизлар, мотор қизиволса ёғдек юради,— яна беўхшов илжайди Зумрад опа.

Ўнинг ўнғайсизланиши, беўхшов жилмайиши, ўтирганларни безовта қилаётганидан хижолат чекиши Рихсивойга ёқди. Юрагида аста-секин бу аёлга меҳр пайдо бўлаётганини сезд.

Улар катта йўлга яқинлашганларида машина кескин тўхтаб, яна юриб кетди. Олдинги ўриндиқдаги Мансур ака пешонасини ойнага қаттиқ уриб олди.

Зумрад опа яна беўхшов жилмайиб ўтирганлардан узр сўради.

— Катта йўлга чиқиш олдидан тормозни синаб кўрай девдим...

— Тормоз жуда яхши экан,— деди Мансур ака.— Шунга яраша машинанинг ойнаси ҳам мустаҳкам экан, мен учиб чиқиб кетаман деб ўйлагандим.

— Вой, пешонангизни уриб олдингизми? Ғурра бўлиб чиқмадими ишқилиб?!— сўради Зумрад опа.

— Э, ғурра нима экан?! Агар сиз бизни нақд ўлимдан қутқариб, уйимизга эсон-омон элтиб қўйсангиз, қолган умримизни сизни дуо қилиб ўтказардик,— пичинг қилди Мансур ака.

— Ҳозир, ҳозир,— деди иккала қўли билан рулга ёпишиб олган Зумрад опа.— Анави олдимдан келаётган машина ўтиб кетсин... кейин...

— Нима кейин,— сўради Мансур ака.

— Кейин гаплашамиз,— яна ишшайди Зумрад опа.

— Худди кўчани сотиб олгандек ўртадан юрмай, ўнгроққа олинг, ўтади, кетади,— асабийлашиб гапирди Мансур ака.

Зумрад опа жавоб бериб улгурмади. Қаршидан келаётган машина буларга йўл бераман деб тротуарга чиқиб кетаёзди, ҳа, шофёри эпчил экан, аранг буриб қолди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Машинанинг шофёри орқадан мушт ўқталиб нималардир деб бақириб қолди.

— Вой, савил, ҳали шу юрак билан машина ҳайдаб юрибсанми?— деди хотиржамлик билан Зумрад опа.

Ҳамма «гурр» этиб кулиб юборди. Рост-да, қилғиликни қилиб қўйиб, тағин бу аёлнинг гуноҳни бировга ағдаришига нима дейсиз?!

Энди Рихсивой Зумрад опани чин юракдан яхши кўриб қолганди. Бирдан у ўзини жуда енгил ҳис қила бошлади. Дунёда Мансур ака, Сорахон, айниқса, Зумрад опага ўхшаган одамлар борлигидан ўзини енгил ҳис қиларди.

Кун тартибда

Рихсивойнинг шахсий масаласи

Педсовет бўлармиш, унда Рихсивойнинг масаласи кўрилармиш, Шарифжон ака билан Ҳабиба жиққамушт бўлармиш, деган миш-миш тарқалганига ярим ойдан ошди. Бутун мактаб гўё шу педсоветни кутиб яшаётгандек эди.

Мана охири ўша орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Педсоветда олдин биринчи чорак якунлари кўриб чиқилди, кейин мактаб бўйича ўзлаштириш муҳокама этилди ва ниҳоят, Рихсивойнинг шахсий масаласи кўрила бошланди.

Биринчи бўлиб «жабрланувчи» Шарифжон ака сўз олди. У гапни жуда узоқдан бошлади. Макаренко, Песталоцци, Крупскаялардан кам учрайдиган, аммо қизиқ цитаталар келтирди. Таҳсинга сазовор ери шундаки, нутқини аччиқ ичакдек чўзмади, лўнда-лўнда гапирди (Гапирини қойил қиларди у). Назариядан кейин шахсий мулоҳазаларга ўтди. Болаларни севиш, бусиз педагог бўлиш мумкин эмаслиги, бироқ болани талтайтириб юбормаслик кераклиги, катталарга ҳурмат, темир интизомнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди. Нутқининг охирида интизомни бузган, ўқитувчиларнинг обрўсини тўккан, ўзбошимча Рихсивойни жазолаш кераклигини уқтирди.

— Ҳа, бошқаларга ўрнатилган бўлсин учуноқ уни жазолаш керак,— деди у.— Чунки ўртадаги можародан бутун мактаб хабардор. Борди-ю, Рихсивой жазоланмай қолса, ёлғиз унга эмас, бутун муаллимларнинг обрўсига путур етиши мумкин.

Раислик қилувчи мактаб директори Қумри опа жуда хотиржам эди. Кўринишидан Шарифжон аканинг гаплари унга қандай таъсир қилаётганини мутлақо билиб бўлмас эди. Ҳа, жудаям хотиржам эди Қумри опа. Қирқ йил мактабда ишлаб бунақа педсоветларни, нутқларни, бунақа нотикларнинг жуда кўпини кўрган эди у. «Йўқ, бу йигит ўқитувчилик қилмайди, мактабда ишласа яна икки йил ишлайди,— пинагини бузмасдан хаёл сурарди директор.— Кейин районо... гороно... министрлик. Бунақа гапдон йигитларни зинадан поғонама-поғона оқорига гап бошлаб чиқади. Иш билмасанг ҳам гап бил, деб шунақалар ҳақида айтадилар-да».

Шарифжон акадан кейин Ҳабиба сўз олди. Бу — унинг педсоветда биринчи нутқи бўлишига қарамай, Ҳабибанинг қандай гапириши, таҳминан нималар дейиши Қумри опага аён эди. Ҳа, албатта, ҳовлиқади, пойинтар-сойинтар гапиради. Чунки ҳақ одам ҳаяжонланади, чунки энг қийини — ҳақлигини исбот этиш.

— Рихсивойга биз алоҳида муносабатда бўлишимиз керак,— деди Ҳабиба.— Нега деганда Рихсивойнинг кўнгли яримта. У жуда таъсирчан, ғурурли. Гап кўтаролмайдиган бўлиб тарбия топган. Унинг бундай инжиқроқ, гинахонроқ бўлиб ўсишига оилавий аҳволи сабаб. Биласизлар, у етим. Бувис Рихсивой етимликни билмасин, ҳамма болалар қатори қийинчилик кўрмай ўссин учун қўлидан келганча ҳаракат қилади. Натижада Рихсивой сал эрқароқ, ҳатто ўзбошимчароқ бўлиб қолган. Айниқса унинг иззат-нафсига тегадиган гап қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Шарифжон ака эса, Рихсивойни айнан иззат-нафсига тегиб хўрлаганлар... Бола энг раҳмдил ва шафқатли зот, айни

пайтда, адолатсизликка учраса ундан ўтадиган бераҳм, жоҳил топилмайди. Чунки бола ҳали шаклланмаган шахс, у ўз ҳис-ҳаяжонини жиловлай билмайди. Муроса, муғомбирлик каби тушунчалар ҳали унга ёт. У ҳамма нарсани тўппа-тўғри қабул қилади ва тўппа-тўғри жавоб беради. Шунинг учун сағал нарсага шодон кулиб юборади, зигирдай адолатсизликка дуч келса, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетади. Тўғри, Рихсивой ўқитувчисига нисбатан ҳурматсизлик, қўрслик қилган. Лекин бу — адолатсизликка қарши исён натижасида содир бўлган. Шарифжон ака бутун синф олдида, ўзларини яхши кўрсатиш учун бўлса керак, ҳамма болаларнинг олдида Рихсивой учун обунага пул тўлаб юборганларини эълон қилганлар. Бу ҳар қандай одамга ҳам оғир ботади, ҳўрлайди. Айниқса, Рихсивойга ўхшаган нозиктабиат болага ёмон таъсир қилади...

Ҳабиба яна анча гапирди, педагогик такт, болаларга ғамхўрлик, сабр-тоқат ҳақида тўхтади. Аммо Қумри опа энди уни эшитмас эди. У ўз ёшлигини эсларди.

Яна уч-тўрт одам сўзга чиқди ва ниҳоят навбат Қумри опага келди. Керак пайтида жуда жиддий бўла оларди Қумри опа. У қошларини чимириб, қуруқ ва расмий бир оҳангда гап бошлади.

— Уртоқлар, авваламбор, бу ер мактаб. Мактаб мен учун муқаддас даргоҳ ва бу даргоҳда «жазо»нинг қўлланиши у ёқда турсин, ҳатто бу сўзнинг ишлатилишига қаршиман мен. Жазолаш энг жўн нарса, у ҳамманинг қўлидан келаверади, аммо тарбия эса инсондан уқув, услалик, идрок, тажриба талаб қилади. Сиз билан биз болаларни жазолашга эмас, тарбиялашга даъват этилганмиз.

Қумри опа бамайлихотир, ҳақлигига ишонч билан гапирарди. Бошлиқларга гапириш осон, чунки сени қунт ва диққат билан тинглайдилар, заифроқ ёки шайтонроқ ходимлар эса бошларини ликиллатиб гапингни маъқуллаб ўтирадилар. Бундай шароитда гапириш кишига ҳатто роҳат бағишлайди.

Қумри опа ҳарқалай катта тажрибага эга ўқитувчи эди, у бекорчи нарсаларни эмас, ҳақ гап айтарди.

— Бироқ биз қанча ғамхўр, шафқатли бўлмайлик, бари бир, болага қаттиқ туришимиз керак. Ўзи билиб виждонан иш тутсин, деб ташлаб қўйиш тўғри эмас. Чунки бола ўзини ўзи терголмайди, чунки унда ҳали ирода тобланмаган, чунки у инсон сифатида ҳали шаклланмаган. Шунинг учун қаттиққўллик билан биз уни интизомга бўйсундиришимиз, мажбурлаб, ҳа, мажбурлаб дарс тайёрлатишимиз керак. Керак пайтида қилинган қаттиққўллик жуда яхши самаралар бериши мумкин.

Қумри опа гапга яқун ясади. Шарифжон билан Ҳабибанинг ҳақ ва ноҳақ тарафларини кўрсатди, уларни келишиб ишлашга чақирди, Рихсивойга нисбатан эса қаттиқ чора кўрмаслик кераклигини, у билан ўзи яхшилаб суҳбат ўтказажаклигини, лекин «қийин» ўқувчи бўлгани учун уни Ҳабиба оталиққа олиши лозимлигини айтди.

Шу билан педсовет тугади. Бир зумда ҳамма тарқаб кетди.

Ҳабиба пионерлар хонасига кириб сумкасини олди ва ҳаммадан кейин мактабдан чиқди. У кўчанинг нариги бетида, катта дарахт тагида турган Рихсивойни кўрмади, метро бекати томон шошмасдан юриб кетди.

Рихсивой югурганча олдинга ташланди, тахминан уч юз метрча масофадан кейин чорраҳадан кўчанинг нариги бетига ўтиб, орқасига юрди ва ҳадемай Ҳабибанинг қаршисидан чиқди.

— Ҳа, Рихсивой, нима қилиб юрибсан? — Ҳабиба унинг қўлидаги папкасини кўриб ҳайрон бўлди. — Ҳалиям кетмадингми уйингга?

— Китоб магазинга борувдим... — Рихсивой ўзининг гапига ҳатто ўзи ҳам ишонмади. Ёлгонни эпломлаганидан ижирғаниб кетди ва шартта сўради: — Мактабдан ҳайдашдимми?

Ҳабиба жилмайди.

— Шунчалик гуноҳинг оғирми?

— Шарифжон ака ҳайдаттираман, деб ваъда берганларига айт-
япман-да.

— Вақтинг қандай?

— Нимади?— саволни савол билан қарши олди Рихсивой.

— Вақтинг бўлса озгина гаплашиб кетардик.

Рихсивой розилик билдириб бош силкиди. Улар ўртаси дарахт-
зор, кенг хиёбонга бурилишти. Гарчи бу ерни ҳам жуда тинч ва сокин
деб бўлмаса-да, ҳарқалай суҳбатлашишга ярар эди.

— Мактабдан ҳайдалмадинг-ку, лекин шаънингга яхши гаплар
бўлмади. Жуда жиддий ва ҳақ гапларни айтишти. Янглишмасам, қил-
ган қўполлигингни, айбининг қанчалик оғирлигини ўзинг ҳам тушун-
санг керак?

Рихсивой «тушунаман» дегандек яна бош силкиди.

— Ҳақитувчи билан бундай муомалада бўлишга сенга ҳеч ким йўл
қўймайди.

— Ўзлари нега мақтончоқлик қиладилар пул тўлавордим деб,
мен уларнинг садақаларига зор эмасман,— деди Рихсивой, кейин бур-
нини тортиб қўшиб қўйди,— бари бир мenden ҳам ўтди... Айбим бор,
жиззакиликни ўлгудек ёмон кўраман, лекин ўзимни ушлолмайман. Шу
алам қилади одамга.

— Ўз қилмишингни таҳлил қилишинг, бировдан эмас, ўзингдан
айб қидиришинг жуда яхши. Шундай қилганда киши нуқсонларидан
тез қутулади. Кун сайин, вақт ўтган сайин яхшироқ, олижаноброқ бў-
лаверади.

Ҳабибанинг сўзларидан Рихсивой мийиғида кулди:

— Э, менга олижаноблик керак эмас, оддий одам бўлсам... Арзи-
маган нарсалардан ҳам тутақиб кетаверадиган жиртаки бўлмасам
бўлди.

Улар Ҳабибанинг таклифи билан скамейкага ўтирдилар.

— Бир ҳисобдан тутақиб кетиш ёмон эмас. Энг даҳшатлиси —
одамнинг бефарқ, беғам, бетараф бўлиши. Кўз ўнгингда адолатсизлик
рўй бераётганда сен пинагингни бузмай тураверсанг, унда сен қандай
одам бўлдинг?

Суҳбатнинг маънавий-ахлоқий мавзуга кўчгани Рихсивойни сал
зериктира бошлаган эди. Бунини Ҳабиба сезди ва гапни бошқа ёққа
бурди.

— Ҳўш, борди-ю, мактабдан ҳайдаб юборишганда, нима қилар-
динг?

Рихсивой худди бу саволни азалдан кутгандек ўйланиб ўтирмас-
дан шартта жавоб берди:

— Ҳунар-техника билим юртига кирардим.

— Қайси касбни ўрганардинг,— сўради Ҳабиба.

Рихсивой жавоб бермади.

— Ким бўлмоқчийдинг?

Рихсивой яна индамади.

— Наҳотки бу сир бўлса, шунақа аломат касб танлаганмисан?—
қистади Ҳабиба.

— Кулмайсизми?

— Вой, нега кулар эканман. Ҳамма касблар ҳам яхши, кулгили
касб бўларканми?

Рихсивой гапиргани ботинолмай яна жим бўлиб қолди.

— Нима, циркда клоун бўлмоқчимисан?

— Йўғе... менга йўл бўлсин.

— Айт бўлмаса?

— Айтайми?.. Қассоб бўлмоқчиман!

— Нима?!— таажжубини яширолмади Ҳабиба.

— Айтдим-ку... куласиз деб.

— Кулаётганим йўқ, нега энди кулар эканман... лекин тўғри, тан-
лаган касбинг мени ҳайрон қолдирди.

— Тағин ҳамма касблар ҳам яхши дейсиз.

— Ҳа, яхши, қассоблик ҳам яхши, керакли касб,— сал ортиқча дабада билан гапирди Ҳабиба.— Лекин нега бошқа касбни эмас, айнан шу қассобликни танладинг?

Рихсивой яна жимиб қолди.

— Узинглар доим айтасизлар-ку, биз ота-боболаримиз изидан бо-ришимиз керак деб. Менинг бувам қассоб бўлган эканлар,— деди Рихсивой.

— Ҳа, унда... тўғри қилибсан,— деди Ҳабиба энди ортиқча даба-басиз.

Гап бўлиниб қолди. Улар бир неча дақиқа «чурқ» этмай ўтириш-ди. Охири бу жимликни Рихсивой бузди:

— Бувам ҳар куни уйга гўшт кўтариб келар эканлар, лекин ўз-лари бир тишлам ҳам эмас эканлар, бувимларга берарканлар. Бувим эса фақат тил ёки жигар ерканлар, сон гўштига берч бўлади, деб қа-рамас ҳам эканлар,— Рихсивой, ўйланиб қолди, кейин хаёлчан овозда қўшиб қўйди.— Қассоб бўлсам мен ҳам ҳар куни бувимларга гўшт кўтариб келаман.

— Майли, ниятингга ет. Ахир ҳаммаям олим, инженер ёки врач бўлавермайди. Кимдир қассоблик ҳам қилиши керак.

— Бувим эса нуқул, ошпаз бўлгин, дейдилар. Нега десангиз, бу дунёнинг ҳамма ташвиши бориб қорин тўйғазишга тақалармиш, ош-пазнинг эса қорни доим тўқ дейдилар,— кулди Рихсивой.— Жуда сод-далар бувим.

Ҳабиба ҳам жилмайди. Улар яна бирпас жим қолдилар. Энди ке-тиш керак эди.

— Рихсивой, биласанми, боя менга, педсовет тўтаганда Қумри опа нима дедилар?

— Нима дедилар?

Ҳабиба Рихсивойнинг кўзига боқди.

— Синглим, сенга яшаш қийин бўлади, дедилар,— афсусланиш ёки ўксиш ўрнига бирдан Ҳабибанинг чеҳраси ёришиб кетди.— Мен уларнинг гапларидан сира хафа бўлмадим, аксинча суюндим. Ишона-санми, жуда суюндим. Чунки ўша тобда ўзимнинг кўзимга ўзим ҳақи-қатпарвар, адолатпарвар курашчи бўлиб кўриниб кетдим. Рост-да! Ҳа-қиқат учун курашганларнинг қайси бирининг қисмати енгил бўлган?

Ҳабиба бу сўзларни шошмасдан, Рихсивой мағзини чақсин деб до-на-дона қилиб айтди. Рихсивой ўйланиб қолди.

Бир қултум булоқ суви

Рихсивой узоқдан подъездлари олдида турган «тез ёрдам» маши-насини кўриб юраги увишиб кетди.

Гарчи бувиси ўзини дадил ва бардам кўрсатишга уринса-да, Рих-сивой Мастура холанинг оғир касали борлигини сезиб юрарди. Кам-пир дори ичмасди, ўзича қандайдир ўт-ўланларни, гиёҳларни қайна-тиб яширинча ичиб юрарди. У қанчалик пинҳон иш тутишга уринма-син, бари бир, Рихсивой икки-уч марта бу гиёҳларни кўриб қолган эди. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди?

Бир куни мактабдан келса, бувиси қорнини чангаллаб ўтирган экан. Оғриқ зўрлигидан ранги қув ўчиб кетган, пешонаси жиққа тер. Шунда ҳам Мастура хола сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Боя бир паррак қази еган эдим, ботмади шекилли, деди. Аммо эрталабга-ча қийналиб чиқди.

Бувисининг касали борлигини билгани учун, «тез ёрдам» машина-сини кўриб, Рихсивойнинг юрагини ваҳима босди. У қадамни тезлаш-тирди. Энди эшикка етган эди ҳамки, ички ҳисси алдамаган экан, қар-шисидан бувисини замбилда кўтариб олиб чиқишди. Рихсивой дастлаб турган жойида таққа қотиб қолди.

Мастура хола кўзини юмиб олган, оғриқ қаттиқлигидан юзлари тиришиб кетганди. Кейинги дақиқада Рихсивой унга отилди:

— Бувижон!

Кампир кўзини очди.

— Нима қилди, буви?

— Ҳеч нарса,— шивирлаб жавоб берди Мастура хола, кейин илжайишга ҳаракат қилди.— Докторлар ҳам жинни... Соппа-соғ одамни касалхонага олиб кетишяпти.

— Қаерингиз оғрияпти, буви?!

— Ҳа, йўқ, қорним сал қулдираяпти. Биласан-ку, азалдан шу — қулдираб-қулдираб тўхтаб қолади. Зумрад опанг қўймади, юраверасизми шунақа қилиб, касалхонага ётсангиз бир ой-ярим ойда кўрмагандек бўлиб кетасиз, деди.

Кампирни замбил билан машинанинг ичига ётқизишди. У сўнги кучини йиғиб овоз берди.

— Ҳой, Рихсивой, газнинг устида овқатинг бор, иситиб е.

— Мен ҳам бораман, бувижон,— Рихсивой энди машинага ташланди.

— Ҳеч ҳожати йўқ,— қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Зумрад опа Рихсивойнинг елкасига қўлини қўйиб майин гапирди.— Мен ўзим бориб энг яхши касалхонага жойлаштириб келаман.

Қаерда экан Зумрад опа, нега Рихсивой уни кўрмади?

Оқ халат кийган киши машина эшигини ёпди.

— Тўхтанглар!— қичқириб юборди Рихсивой.— Қаерга олиб кетяпсизлар бувимни? Қайси касалхонага, қаердан қидираман?

— Қидирмайсан,— Зумрад опа ҳамон майин овозда гапирарди, у бир парча қоғоз олиб адрес ёзди, кейин қоғозни Рихсивойнинг қўлига тутқазди.— Мана адрес, хоҳласанг кечқурун, жойлашиб бўлганларидан кейин кўргани борарсан.

Рихсивой қўлидаги адресга қарамади ҳам.

— Балки уйда даволашса бўлар, ўзим қараб тураман.

— Менга ишонмайсанми?— юпатиб гапирди Зумрад опа, кейин сирли овозда қўшиб қўйди.— Ўзим даволайман, узоғи билан ўн-ўн беш кунда тузалиб чиқадилар.

Зумрад опа машинага ўтирди. Зум ўтмай, машина жойидан силжиди ва Рихсивой эшик тагида танҳо ўзи қаққайиб қолди.

Унинг боши ғувиллар, ҳеч нарсага тушунмас, нима бўлганини ҳали тўла-тўқис англамаган эди. У анчагача анқайиб тураверди, кейин қўлидаги қоғозга, адресга қаради.

Нима қилиб турибди, бориш керак, бувисининг кетидан югуриш керак. У машина кетган томонга қараб жадал юриб кетди.

У гангиб, карахт бир аҳволда анча жойгача борди, бирдан тўхтади, кўзи билан ўтирадиган жой ахтарди. Топди. Ҳув ана, дарахт тагида скамейка. Бориб ўтирди. «Ҳа, эсингни йиғ, нима бўляпти ўзи, қаёққа кетяпсан? Нега ҳовлиқасан?»...

Хунук воқеа рўй берди, бувинг касалхонага тушди. Энди ўзингни қўлга олиб, бувингга ёрдам бер. Дори-дармон топ, бувингга малҳам бўл.

Эҳ, бувижон, бувижон, мендан дардингизни бекитиб нима қилардингиз? Кошки мен сезмай юрган бўлсам. Ахир касалини қанча тез олдини олса тузатиш шунча осон бўлади-ку! Ёки касалимни эшитса набирам қўрқади, деб ўйлардингизми? Ёки мени ўзимни ёлғиз ташлаб касалхонага ётишга юрагингиз дов бермасдими? Дардингизни келиб-келиб мендан бекитасизми? Кошки мен пайқамаган бўлсам. Тоққа чиққанингизни, бир қултум булоқ сувини ичиб тузалганингизни биринчи бор ҳикоя қилиб берганингиздаёқ касалга чалинганингизни билган эдим...

Эҳ, бувижон, бувижон, ўша булоқ сувини сиз менга неча марта-лаб мақтагансиз. Ва ҳар гал таъриф қилардингиз. Ҳар қандай дардга даво, ичган саринг энгил тортасан, дердингиз. Сал мазангиз қочса: «Оҳ,

қани энди ўша булоқ сувидан бир қултумгина бўлсайди, тузалардим-кетардим», деб қўярдингиз.

Эҳ, бувижон, бувижон!..» Бирдан Рихсивой ичида ўзини сўка кетди: нега кўнгли шу қадар бўш, нега ўзини ушлолмайди?! Кўз ёшини ҳеч кимга билинтирмай артди. Иккинчи бунақа кўнгилчанлик қилмасликка ичида қасам ичди-да, ўрнидан турди. У қарор қабул қилган эди: Чимёнга бориб ўша булоқни топади, сувидан олиб келади. Лекин йўлга озгина пул керак. У дадиллик ва қатъият билан Санжарларнинг уйи томон йўл олди.

Санжар тагида магазин жойлашган тўққиз қаватли уйда турарди, лекин қайси подъездда, қайси қаватда — буни Рихсивой билмасди.

Ҳовлида уч-тўртта ёш болалар тўп тепиб юришган экан, ўшалардан сўради. Улар тушунтира кетишди:

— Э, Санжар аками? Қим танимас экан уни! Зўр футболчи-ку!

— Биринчи подъездда туради.

— Саккизинчи қаватда.

— Йўқ, тўққизинчи қаватда. Ун олтинчи квартира.

— Қим айтди сенга тўққизда деб? Саккизинчи қаватда турадилар.

— Сен биласанми, мен биламанми? Шундоқ бизнинг уйнинг тўғрисида туради. Бизники ўн беш, уларники ўн олтинчи хона.

Рихсивой бош силкиб болаларга миннатдорчилик билдирди. Лифтга ўтириб тўққизинчи қаватга кўтарилди. Ун олтинчи хонанинг қўнғироғини босди. Рихсивойнинг толеи бор экан, эшикни Санжарнинг ўзи очди.

— Ие, кел, Рихсивой?— Санжар сал ҳайрон бўлди.

— Беш сўм... қарз қилиб тур,— деди Рихсивой гапни айлантириб ўтирмасдан.

У Санжарнинг «бойвачча» болалардан эканлигини, ёнида доим пул бўлишлигини биларди. Томдан тараша тушгандек бу гапдан Санжар сал гангиб қолди.

— Беш сўм дейсанми?

— Ҳа, бир ҳафтадан кейин қайтараман.

— Беш сўмни нима қиласан,— илжайиб сўради Санжар, гўё ҳазил қилаётгандек. У бир қизарар, бир бўзарар, бир илжайар, хуллас, ўзини қўярга жой тополмаётгандек эди.

— Берасанми?

— Майлийди-ю... ёнимда йўқ-да,— Санжар чўнтагини ковлди,— икки сўмча тангам бор, лекин ўзимга керак «Пепси кола» олмоқчийдим. Кичкина укам йиғлаб хархаша қияпти. Бўлса жоним билан берар эдим,— гапга яқун ясади қийналиб кетган Санжар.

— Уйингда ҳеч ким йўқми, сўрасанг? Бир ҳафтага...

— Бор-ку, бувимдан сўрайманми? Ўзлари пулга зор бўлиб ўтирадилар. Катта опам эса студент. Студентларда пул нима қилсин? Адам бўлсалар, берардилар, лекин рестораннынг директори, ўзинг биласан, ярим кечада ишдан қайтади,— ишшайди Санжар.

Рихсивой бир лаҳза жим қолди.

— Бўпти, кечир,— у орқасига ўгирилиб, лифт томон кетди.

— Менга қара, адабиётдан уйга нима вазифа беришган эди,— сўради Санжар гўё ҳеч нарса рўй бермагандек бепарво оҳангда.

— Эсимда йўқ,— совуққина жавоб берди Рихсивой.

У кўчага чиқди, қаёққа боришини билмас, қадамини бир-бир босиб, боши оққан томонга кета бошлади. Қанча юрганини билмайди. «Ҳа, муллавачча» дегаң таниш, жарангдор товуш уни ўзига келтирди. Бошини кўтариб қаршисида мазаҳли илжайиб турган Анқабоевни кўрди.

— Ҳа, ж-жа хаёлинг паришон?

Дарҳақиқат, Рихсивой пароканда хаёлини йиғиб улгурмай кўзларини пир-пиратиб Анқабоевга бир пас тикилиб турди-да, кейин даб-дурустдан сўради:

— Беш сўм бериб туrolмайсанми?

Анқабоев ўйлаб ўтирмасдан шу заҳотиёқ жавоб қайтарди:

— Албатта, бериб туrolаман, беш сўм нима деган гап экан бизга!

У яна майнавозчилик қиялпими, чиндан айтялпими Рихсивой аж-ратолмади.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ,— деди Рихсивой.

— Мен ҳам,— деди Анқабоев.— Юр.

Олдинда Анқабоев, орқада Рихсивой қаршиларидаги тўрт қаватли уйнинг подъездига кириб кетдилар. Анқабоев учинчи қаватга кўтарилиб калит билан чапдаги хонанинг эшигини очди.

— Қани, кир ичкарига.

— Мен шу ерда туриб тураман.

— Э, ким остонада туради. Киравер, ҳеч ким йўқ,— Анқабоев Рихсивойни туртиб уйга киргизди.— Агар хоҳласанг муздек компот бор холодильникда.

— Раҳмат, керак эмас,— деди Рихсивой.

Анқабоев «юр мен билан» деб Рихсивойни балконга бошлаб чиқди. Балконнинг ярмисига тахтадан каравот қилинган экан.

— Ҳозир, бир минут,— деди-да, Анқабоев чўққайди, кейин эмак-лаб каравотнинг тагига кириб кетди. Анчагача тақир-туқур қилган овозлар эшитилди. Ниҳоят, инқиллаб-синқиллаб, эгни-боши чанг, бит-та чамадон судраб чиқди.

— Ҳозир, акаси, ҳозир,— далда бериш оҳангида гапирди Анқабоев, миҳ тиқиб чамадоннинг қулфини очди.

Чамадоннинг ичи тўла ҳар хил ашқол-дашқол: электр шнурлари, бузиқ дазмол, йиртиқ камера... Анқабоев чамадоннинг энг тагига қўл тиқиб латтага ўралган бир нарса олди. Авайлаб очди. Рихсивойнинг кўзлари чақнаб кетди. Бу пўлати ялтиллаб турган пичоқ эди.

— Нима қиласан буни,— сўради Рихсивой.

— Ҳеч нарса. Чиройли бўлгани учун бекитиб қўйганман. Гоҳ-гоҳ-да олиб, қараб қўяман. Зўр-а!

Анқабоев яна пичоқни латтага ўради.

— Кетдик.

Улар пастга, ҳовлига тушишди. Анқабоев икки панжасини оғзига тиқиб ҳуштак чалди. Тўртинчи қаватнинг балконида кўзойнак таққан бола пайдо бўлди.

— Туш пастга,— деди унга Анқабоев.

Бола «нимага» деб ҳам сўрамади, «хўб» деди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

— Битта таниш овчидан ялиниб сотиб олган эдим. Буни ҳаммага ҳам беравермайди, овчилар дафтарчаси бор одамгагина сотишади.

Зум ўтмай кўзойнак таққан бола пастда пайдо бўлди. У жуда олифта экан: чий духобадан шим, пошнаси қалин туфли, кўйлаги ҳам фирманики. Аммо юзи лўппигина, кўз қарашлари майин — худди қиз болаларга ўхшайди.

— Ушла,— Анқабоев пичоқни унга узатди.

Бола латтани очиб ҳам кўрмади.

— Ростданми,— ишонқирамай сўради у.

— Пулни олиб туш,— гапни қисқа қилди Анқабоев.

Бола пичоқни олиб югурганича тепага чиқиб кетди.

— Бунда йўқолмайди, сақлаб қўяди. Аммо зўр пичоқлари бор, кўрсанг ағдарилиб тушасан,— Анқабоев яна илжайди.— Узлари пичоқ йиғадилар-у, лақаблари «Беозор» бўлганига ўлайми?..

— «Беозор» дейсанми? Шунақа ҳам лақаб бўларканми?..

— Бўларкан-да... Лекин бунда йўқолмайди,— Анқабоевнинг овозида ачиниш оҳанглари бор эди. Рихсивой буни сезди.

— Биласанми, нимага қарз сўраяпман?..

— Зарурдирки сўраяпсан, зарур бўлмаса сўрарминдиги?!— яна ўзи-га келиб бурро гапирди Анқабоев.

— Майли, раҳмат, бир ҳафтадан кейин қайтариб бераман.



— Ие, мабодо еб кетсанг нима қиламан?— яна илжайди Анқабоев.— Мен сендан қачон қайтарасан деб сўраялманми, бола пақир? Топганингда берарсан, бир ойдан кейинми, икки ойдан кейинми...

Пастда «Беозор» пайдо бўлди, у роса югурибди шекилли, ўпкасини босолмай ҳарсилларди.

— Мана, олти сўм. Ўзинг айтганингдек давлат нархи. Агар хоҳласанг ўн сўм беришим мумкин.

— Нима, мен сенга савдогарманми?! Кетимдан менга сотақол деб ўн ойдан бери гингшиб юганинг учун берялман,— дўқ урди Анқабоев ва ортиқ бир сўз демай орқасига бурилиб кетди.

Улар муюлишга етганда Анқабоев пулни Рихсивойга узатди.

— Бўпти, акаси, мен боқчага боришим керак, синглимни олгани.

— Раҳмат,— деди пулни чўнтагига солаётиб Рихсивой.

— Уф, маданиятли одамларни кўрсам кўнглим озади-да.

Анқабоев беш-олти қадам юриб тўхтади, орқасига ўгирилиб жиддий бир кайфиятда гапирди.

— Ҳой, Рихсивой, агар мендан бирор ёрдам керак бўлса айт.

Рихсивой ҳам тўхтаб Анқабоевга тик боқди.

— Хўб, оғайни, агар бирор ёрдаминг керак бўлиб қолса, айтаман.

— Келишдик,— деди Анқабоев.

Улар қарама-қарши томонга қараб йўл олишди.

...Бу ер касалхонадан кўра истироҳат боғига кўпроқ ўхшарди. Фарқи шуки, бу ерда деярли одам йўқ, тинч ва осуда. Оч ҳаворанг дарвоза, ёнида кенг деразали кичкина уйча. Дераза ёнида оппоқ халат кийган, иккала юзи қип-қизил, ёши ўтиброк қолган аёл писта чақиб ўтирибди. Унинг ёнидаги столда икки уюм — бири ҳали чақилмаган писта, иккинчиси писта пўчоғи.

Шу пайт унинг қаршисида юзи қора терга ботган, эгни-боши кирчир Рихсивой пайдо бўлди. Аёл уни кўрмагандек, пинагини бузмасдан пистасини чақиб ўтираверди.

— Хола, мени ичкарига қўйиб ўборинг,— деди Рихсивой.

— Бошқа ҳеч нарса истамайсанми?— Рихсивойга ўгирилиб ҳам қарамай жавоб қилди аёл ўта лоқайд овозда.

— Кеча бувимни шу ерга олиб...

— Нар и тур,— дўриллаган дағал ва йўгон овоз эшитилди. Бу кўча қоровулининг овози эди. У ҳабашга ўшшаган қоп-қора, баланд бўйли, қовоқ-тумшуги осилган баджаҳл одам эди.

Рихсивой беш-олти қадам чекинди. Қоровул у турган ерни супуриб яна Рихсивойга яқинлашди. Рихсивой яна аввалги жойига — эшик тагига келди.

— Кеча бувимни шу ерга олиб келишган эди.

— Нима қилай олиб келишган бўлса, суюнчи берайми?— деди аёл олдига тик боқиб.

— Хўб десангиз, кириб кўрмоқчи эдим, чунки бувимларнинг мендан бошқа ҳеч кимлари йўқ.

— Шанбада келасан, бешдан кейин,— аёл ҳалиям Рихсивойга қиёбоқишни лозим топмаган эди.

— Қўйвора қолинг.

Аёл эшитмаганга олиб ўтираверди.

Рихсивой илтимосини яна уч-тўрт марта қайтарди.

— Қўйвора қолинг, жон холажон.

— Овора бўлма, худоси келса ҳам қўймайман,— аллақандай лаззат билан гапирди аёл.

— Қўйвора қолинг, мен бувимларга дори олиб келдим, шуни ичмасалар тузалмайдилар.

— Дори шу ерда ҳам кўп,— деди аёл, кейин ниҳоят Рихсивойга қаради.— Қандай дори?

Рихсивой бағрига маҳкам босиб турган уч литрлик баллонни кўрсатди.

— Мана.

— Нима бу.

— Сув. Булоқ суви, тоғдан олиб келдим.

— Вой товба, одамларга ҳам ҳайронсан. Шунчалик ҳам тентак бўлишадими?.. Булоқ суви эмиш. Бекорга вақтингни ўтказма, бола, барибир қўймайман,— жаҳл ва дўқ билан гапирди аёл.

Рихсивойнинг хўрлиги келиб кетди. Шунча овора бўлиб, не-не азоблар билан Чимён тоғида бир кеча қолиб кетиб, булоқ суви топиб келса-ю, эшикдан қўйишмаса-я! Шу тобда у Зумрад опадан ҳам хафа бўлиб кетди, нима қиларкан бувисини шу ерга жойлаштириб? Оддий касалхонага ётқизавермайдими, кириб-чиқиш осонроқ бўларди.

— Қиритмагунингизча кетмайман,— деди Рихсивой.

— Ҳо, мана бун и дўқини! Муштдек бўлиб ким қўйибди сенга...

— Маша, болани қўйиб юбор,— бу бояги қоровулнинг овози эди.

— Сенга гапириш осон, Мамарасул. Бош врач шу ерда. Биласан одатини, сағалга дағдаға қилади.

— Болани қўйиб юбор,— қайтарди қоровул хотиржам овозда.— Бош врачнинг ғиди-биди қиладиган бўлса, менга рўпара қил, ўзим жавоб бераман. Бола атайдан булоқ суви олиб келибди тоғдан. Қўйиб юбор.

Аёл Рихсивойдан бувисининг фамилиясини сўраб билди-да, рўйхатга қараб нечанчи палатада ётганини аниқлади.

— Бувинг биринчи қаватда, тўртинчи палатада экан. Тўғридан юрмай, ҳов анави чеккадан айланиб бор. Олтинчи бўлса керак, ҳа олтинчи деразани тақиллатасан...— аёл илжайиб қўшиб қўйди,— кейин сувингни берасан.

— Раҳмат, амаки, раҳмат, холажон,— деди Рихсивой.

У ҳолдан тойган, кўзлари киртайиб ич-ичига ботиб кетган, оёғида аранг турарди. Шунга қарамай, усти полиэтиленли қопқоқча билан ёпилган уч литрлик баллонни бағрига маҳкам босганича боғ ичкари-сига югуриб кетди.

Банка ичидаги булоқ сувининг ғалаён кўтариб, сапчиб, қопқоқни отиб юборгудек бўлиб чайқалишини, тўлқинланишини Рихсивойнинг юрак уришига таққослаш мумкин эди.



Роман

Чиндан ҳам ўнгдаги мезана айвонида қора кўринди.

— Олдинга ўтсанг-чи! — Гўппонбой Муртозни туртди.

Шунда мезанадаги киши қўлидаги милтиғини бу ёққа қаратди ва орқасига қайрилиб, кимгадир нимадир деди, шекилли, ёнида ҳожидўппи кийган, қотма йигит пайдо бўлди. У бу ёққа бир он тикилди-да, яна кўринмай қолди.

Бу орада иккинчи мезана айвонида ҳам икки йигит кўриниш берди.

Қурбон уларнинг кўксидаги йўл-йўл қизил тасмали кийимларидан қизил аскар эканликларини билди.

«Демак, Еттинчи Туркистон полки келиб жойлашипти... Бу — ҳожидўппи кийган — Пўлатхўжаевнинг отрядидан, албатта!»

Муртоз кўприкдан ўтганда, қизғиш деворнинг ёнма-ён, узун-узун, энсиз шинаклари ортида ҳам шарпалар юз кўрсатди. Шу пайт дарвоза ланг очилиб, қуролли йигитлар чиқибди. Милтиқларини ўқталганча икки ёнга ўтиб туришди. Иккитаси қизил аскар кийимида, бошқа иккитасининг эғнида қора чопон, бошида салла. Уларнинг кетидан чиққан ҳожидўппили қўлини кўтарди.

Муртоз тўхтади. Анвар пошшонинг мулозими эса отини илдамлашиб, дарвозага етди-да, ҳожидўппили билан гаплашди. Кейин кетига қайрилиб:

— Яёв бўлиб келинглар! — дея чақирди.

Эшони Судур дарҳол отдан тушди. Қурбон ҳам тушасолиб, бўзнинг юганини ҳазратдан олди. Ғозибек эса қорабайирни кўприкдан бемалол ўтказиб, тушди. Сонларини уқалаб:

— Қалайсиз, Али Ризо? Мана, биз ҳам келдик! — деди.

1 Охири. Боши ўтган сонларда.

Қурбон ҳожидўппилига тикилди. Уша қотма, ҳамон қоққан қозикдек. Чеҳраси совуқ, ифодасиз — Али Ризо.

Ҳазрат олдинга ўтди. Гўппонбой, Қурбон у кишига эргашишди. Муртоз оқ яловни баландроқ кўтарди.

— Ассалом алайкўм!

— Сағ ўлунг,— деди Али Ризо.

— Биз лашкари ислом ва унинг бош сардори Анвар пошшо ҳазрат олийлари тарафидан келган элчилармиз!

— Ярағлариниз вар?

— Йўқ, афандим!

Али Ризо қизил аскарлардан биттасига им қоқди. У милтиғини елкасига илиб, бошлаб Эшони Судурнинг қўлтиғи остидан тўпиғига пайпаслаб тушди, сўнг бошқаларни текширишга киришди.

Қурбоннинг димоғига таниш шинел ҳиди урилди.

Аскар йигит унга қараб қўйди.

Ниҳоят, Али Ризо олдинга ўтди. Булар орқада. Муртоз ҳамон яловни баланд кўтарганича бораётибди.

Пишиқ гишт ётқизилган йўлка. Чап томон — қатор айвон. Битта устун ёнида иккита қоқ суяк йигит бир-биринга суяниб туришибди. «Давлатманбий қамал қилган йигитлардан бўлса керак». Унг томонда — очиқ хоналар; тўп-тўп қизил аскарлар.

Рўпарада — чўққили, қорамтир иморат. Унинг устида қийшайиб қолган бут ва яқинда қоқилган қизил байроқ. Иморат такхонаси деразалари меҳроб шаклида ва ичкарида панжалари бор, деразаларнинг ярмидан пасти — ер остида.

Унгроқдаги эшикка етишди. Эшикнинг бир ёнида тагин иккита чопонли, бир ёнида иккита қизил аскар турарди. Али Ризо орқага қарамай, «тўхтанглар» дегандай қўлини кўтариб қўйди-да, ичкарига кирди. Пастга тушган зинадан эниб кетди: Бир муддатдан кейин яна кўринди.

— Гелиниз!

Супага тушишгач, Али Ризо ўнг томонга йўл тортди. Нимқоронғи йўлак билан кетишди. Бора-бора йўл бошловчи тагин ўнг қўлдаги бир эшикни очди.

— Кириниз!

Эшони Судур, Гўппонбой ва Қурбон кириши ҳамон Али Ризо эшикни ёпди. Хона чоғгина. Шифти баланд, деворларида — ёнлама токчалар. Қиблага қараган девори юқорисида энсиз чўзиқ дераза, темир панжара. Шундан ёруғ тушарди.

— Узининг турки билан Ғозибекни олиб қолди-я,— деди Гўппонбой.

— Ўз одамлари-да,— деб қўйди Эшони Судур.

Бир пайт йўлак адоғида кимдир ёмон чинқирди. Яна жимлик чўқди. Кейин шошилишча қадам товушлари яқинлашиб кела бошлади.

Чарм камзул кийган, қора-мағиз, бурнининг учи лабига қараган, ўрта бўй, ялангбош киши хонага кирди. Бир оз ўстирилган тим қора сочи фарқидан ажратиб таралган эди.

«Усмонхўжа Пўлатхўжаев!.. Шу одам-а?» — Қурбон унга зимдан тикилди.

Пўлатхўжаев ҳазратга тикилди ва кўзларида тошқин бир шодлик барқ урди. Қурбон ҳазратга қаради. Чолнинг ҳам ичида тўфон кўзгалгандай!

— Ассалом алайкўм, тақсир! — дея Пўлатхўжаев қучоғини очди. Ҳазрат уни бағрига олди. Бир нафас бир-бирининг кифтини силаб, жим қолишди. Кейин ажралиб, жилмайишди. — Худога шукр!

— Ҳазор марта шукр! — деди Эшони Судур.

— Иброҳимбек ҳам келганида яхши бўларди. Урислар орасида унинг номи машҳур эди.

— Келолмадилар.

— Хоҳламади денг. Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлаган эдим.

— Уринларига, мана, Гўппонбойни юбордилар. Бекнинг ўнг қўли.

— Номани беринг.

Эшони Судур дастори тепасига икки бармоғини суқиб, найча қилинган қоғоз чиқарди. Пўлатхўжаев уни олиб ёзди. Диққат билан ўқиб чиқди.

— Бундаги гапларга қўшимча қилишга тўғри келади.

— Биладан.

Пўлатхўжаев бир Қурбонга, бир Гўппонбойга қаради. Сўнг қўлини мушт қилиб силкитди.

— Дадил бўлинглар!

У чиқиб кетгач, юқори қоғоғи босиб тушган, пастгиси осилган бир йигит кирди. Унинг ҳам бошида ҳожи дўппи.

— Хўш, афандилар,— деди.— Уст-бошни тузатинглар! Мундай элчига ўхшанглар!.. Тақсир, кавушингиз лой бўпти. Сен кўкрагингни ёп, сенга айтяпман, мўйлов! Сен тузуксан... Менинг исми шарифим — Дониёр афанди. Бойсун милицияси нозириман. Тақсир, сиз олдин юрасиз. Сен кейин...

— Бизнинг тағин иккита шеригимиз бор эди,— деди ҳазрат.

Дониёр афанди кулди.

— Улар шу ерда.

32

Супачага етгач, Дониёр афанди энди бу ёқдан ўнг томонга пастлаган йўлакка бошлади. Қурбон ўртада борарди. Йўгон устунлар ёнида, муюлишларда милтиқлари қўндоғини ерга қўйиб турган нуқул чопонли ва саллали йигитларга кўзи туша бошлади.

«Қарим Раҳмон нима қилдийкин?»

Узун бир хона. Бунинг шифти баланд. Ерга чоркунж ғишт ётқирилган. Хонанинг ҳавосидан заҳ уфуради.

Адоқда, ердан ярим газ кўтарилган супада тўртта қизил аскар ва иккита чопонли бу ёққа қараб турибди.

Чап томонда — узун ёғоч кат — стол ортида талай рус-ҳарбийлар ўтиришарди. Кат устида ноз-неъматлар, товоқда яхна гўшт, патир нон, узум, олма. Сопол кўза ва сопол пиёлалар.

Ўнг томонда яна давра: супачада ўн чоғли чопонли чордона қурган.

Кат — столнинг у бошида, Пўлатхўжаев миз-курсиди. Бу бошида Али Ризо тик турибди.

Пўлатхўжаев:

— Собитжон, мен ўзбекча гапирман, русчага ағдарасан,— деди Али Ризонинг орқасида, девордаги шам қўйиладиган ўйма токча тагида қаққайган оппоққина йигитга. Сўнг у меҳмонларга ҳам ўзининг ўзбекча сўзлаши ва Собитжон таржима қилиб туриши мақсадга мувофиқ бўлишини такаллуф билан айтди-да, элчиларга юзланди:— Қани, ўзларингни таништиринглар!

— Камина Эшони Судур ибн Абдулло ўғли бўладан!— деди ҳазрат виқор билан.— Кўктошда марказ тутмиш лашкари исломнинг Бош қўмондони Анвар пошшо ҳазрат олийлари ҳамда у зотнинг ўринбосари Иброҳимбек тўқсоба жаноб олийларининг бош маслаҳатчисиман! Шароит тақозосида бу ерга келишга мажбур бўлдик, инчунун бу ерда ҳал этилажак масала — ислом лашкарининг истиқболи, алҳол, унинг сизлар ила қилажак муносабатларини белгилайди.

Собитжон Эшони Судурнинг сўзларини русчага ағдарди. Қўмондонлар бир-бирига зимдан қарашиб, ўзаро гаплашишди. Сўнг, улар ўртасида ўтирган кўзойнакли, бўйнида капалакнусха бўйинбоғи бор киши Пўлатхўжаевга нимадир деди.

— Маъқул,— деди Пўлатхўжаев ва Эшони Судурга супани кўрсатди.— Ўтиринг, марҳамат... Жой беринглар!

Эшони Судур қимирламади:

— Қуллуқ, жаноб раис!

— Эса эшитамиз!

Эшони Судур салласи тепасидаги найча қоғозни олди.

— Бизнинг барча гапимиз мана шу мактубда битилган!

Собитжон ҳазратнинг олдига пилдираб келиб, номани олди. Жойига қайтди ва уни очиб, қироат қилаётгандек ўқишга бошлади: «Бутун Бухоро Шўролар жумҳурияти Ижроия қўмитасининг раиси жаноб Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлига етиб маълум бўлсинким, лашкари исломнинг яқинда бўлиб ўтган Олий кенгаши узоқ давом этган мулоҳазалар сўнгида Бухоро Шўролар жумҳуриятини ягона ва ҳукмрон давлат шакли сифатида тан олишга қарор қилган ва эндиликда лашкари исломнинг Бухорога бориб, ўзида мавжуд қуроолларни топшириши ва лашкар раҳнамоларининг Бухоро жумҳурияти раҳбарлари билан келишуви қолган эди. Афсуски, бугун тонгда, Сиз раис жаноблари бошчилигинида, хорижий — Қизил армия қисмлари ва бир даста кўнгилдилар Душанбе йўлида қўриниш бердилар. Олий кенгаш қарори Бухоро билан урушмак ва қон тўкмакни бефойда деб топгани учун биз тарафимиздан сизларга қаршилик кўрсатилмадики, оқибатда қўрғонга кириб жойлашдинглар. Энди, Сизга — жаноб раис, мурожаатимиз ушбундир: мазкур нома қўлингизга теккандан кейин ўтадиган йигирма тўрт соат ичида Қизил армия қисмларининг Душанбедан чиқиб кетишларини сўраймиз. Чунки сизлар тарафингиздан қилинган бу ҳаракат бизнинг қароримиз ижросини хавф остида қолдиради. Биз шу нарсани яхши биламизким, бу армия қисмлари Бухоро инқилоби даврида ўз бурчлари — ёрдамларини ўташди. Инчунун уларнинг энди бу тупроқда туришларига эҳтиёж қолмади. Модомики, эҳтиёж бор деб бу ерга келинган экан, бу ҳол бизга душманликдан бошқа нарсани кўрсатмайди. Бизнинг мақсадимиз эса, Сиз, раис жанобларига айтилган муддат орасида ушбу армия қисмлари Душанбени тарк этишмаса, мен Бош қўмондон сифатида Олий кенгаш қароридан мустасно — эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқимни қайтиб оламан. Оқибат, бу ишлардан келиб чиқадиган барча масъулият шахсан Сизнинг ва Русия Федератив Социал жумҳуриятининг зиммаларингизга тушади. Бизнинг ниятимизни тушунишингизга ишонч ва дуои салом билан ислом лашкарининг Бош қўмондони Анвар пошшо. Муҳр. Сана».

Собитжон нома мазмунини, ҳар тўхтамада бир нафас олиб, Қурбоннинг наздида, сўзма-сўз таржима қилди.

Рус қўмондонлари ҳайрон бўлиб қолишди. Сўнг бир-бирига ва Пўлатхўжаевга қараб қулимсирашди. Собитжон эса номани очиқ ҳолда келтириб, Пўлатхўжаевнинг олдига қўйди. Раис унга кўз қирини ташлаб:

— Биродарлар, ўз фикрларингизни айтинглар, — деди қўмондонларга ва ҳазратга яна мурожаат қилди. — Ҳордиқ олинг, тақсир!

— Жуда қизиқ! — деб таржима қилди Собитжон кўзойнақнинг сўзини.

Пўлатхўжаев Эшони Судурга ўгирилди.

— Тақсир, буларнинг кимлигини биласизми?

— Алҳол билмайман, жаноб раис!

— Мана бу кўзойнақ таққан киши — Русия Федератив жумҳуриятининг Термизда турғувчи элчиси Нагорний! У кишининг ёнидаги йигит — ҳозир қўрғонда турган Еттинчи Туркистон ўқчи полкининг қўмондони Морозенко! Булар — командирлар.

Эшони Судур тавозе билан қўл қовуштирди.

— Биз буларнинг исм-шарифлари ҳамда мартабаларини билганимизда, албатта, булар ҳам мактубга тиркалган бўлур эди. Бироқ бизга етган маълумотларга қараганда, бу жаноблар ҳам Сизнинг итоатингизда экан.

Нагорний Пўлатхўжаевдан сўради:

— Азизим, элчига савол берсам.

— Марҳамат.

— Жаноб элчи, лашкари ислом таслим бўлар экан... бўлишни истар экан, шу ерга — Душанбега келиб, қуроолларини ташласа, олам

гулистон эмасми? У ҳолда чиндан ҳам бизнинг бу ердан зудлик билан чиқиб кетишимиз асосли бўлур эди. Кўриб турибсиз, ўртоқ Пўлатхўжаев — бизга умумий раҳбар. Бунинг устига, камина ҳам Русия ҳукумати ва унинг Халқ Комиссарлар Кенгаши билан бемалол гаплаша олишга ваколатлидур.

Эшони Судур Пўлатхўжаевга кўз отиб олиб, қоматини ростлади.

— Сиз лашкари исломни тоғлар орасида дайдиб юрган тўда деб ўйламасангиз керак, жаноб элчи... Сўнгра номада аниқ қилиб битилган: лашкари ислом раҳнамолари Бухорога бориб, Шўро ҳукумати раҳбарлари билан сўзлашувлари керак.

— Энг катта раҳбар шу ерда-ку?

— Биз бу киши билан гаплашяпмиз, жаноб элчи... Сўнгра бу киши Ижроия қўмита раҳнамоси бўлсалар, Бухорода, саҳв этмасам, Инқилобий қўмита раҳнамолари ҳам бор. Мавжуд тузумнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи учун улар ҳам жавоб берсалар керак. Қолаверса, бизнинг сардорларимизга Бухородаги мавжуд тузум ёқади... Мабо-до истиқболда у бирон томонга ўзгарадиган ё шу йўлда камол топадиган бўлса, унга ўз ҳиссаларини қўшишдан ҳам умидворлар, албатта! Алқисса, бу иш бамаслаҳат, келишув йўли билан битади.

— Узр, узр!..— Нагорний Пўлатхўжаевга қаради.— Савол-жавобни давом эттирсак бўладими?

— Бемалол!

— Жаноб элчи, мавжуд тузумнинг ўзгариши ёхуд камолоти ҳақида сўз айтдингиз. Унга лашкари ислом раҳнамолари ўз ҳиссаларини қўшишдан ҳам умидвор эмиш... У ҳиссалар, масалан, нималарда кўри-ниши мумкин?

— Мен лашкари ислом сардорларига Бухородаги мавжуд тузум ёқади, дедим,— улуғворлик билан жавоб қилди Эшони Судур.— Хўш, ёқимли нарсани яна-да, ёқимлироқ қилиш истаги яхши ниятли инсонларда бўлиши аниқ. Саҳв этмасам, Бухоро жумҳурияти Халқ жумҳурияти деб аталади. Тўғрими?.. Энди, жаноб элчи, ислом раҳнамолари қўшажак ҳиссага келсак, уларнинг нимадан иборатлигини истиқбол кўрсатади. Камина эса, дин одами, руҳонийман. Сизлар тилга олғувчи сиёсат йўриқларидан узоқман. Камина учун халқ тинч, мамлакат обод бўлса, мурод ҳосил!

«Уста... шунча гапи бор экан! Бари бир мендан кўп сирларни яширади бу чол! Аммо бу гапларни... Анвар ўргатган. Назир афанди олиб борган мактубдаям анча-мунча маслаҳатлар ёзилган бўлиши керак».

Пўлатхўжаев миз-курсини орқага суриб ўтирди.

— Биродарлар,— деди Собитжонга қараб қўйиб,— мени ҳам шу тобда ушбу нуқта ўйлатиб қўйди. Яъни, Анвар пошшо ила ҳамфикрларининг Бухоро арбоблари билан келишув ҳақидаги фикри. Иккинчидан, мавжуд тузумимизнинг уларга маъқуллиги ҳам биз учун ёқимли қаноат. Сўнгра бизнинг «афви умумий» эълон қилганимизни эътиборга олсак, улар бизнинг кечиршимиздангина эмас, умум ишимизга чиндан ҳам ўз улушларини қўшишдан умидворлар, дейишга ҳақлимиз... Хўш, бизнинг шу тобда тинчликка муҳтожлигимиз ҳам ҳисобга олинса, ушбу дамда бўй эгиб турган душманнинг кўкрагидан итариш — уни қутуртириб юборишдан ўзга нарса эмас, шекилли.

— Бу билан нима демоқчисиз?— кўзларини катта-катта очиб сўради Морозенко.

— Уйлаб кўриш керак.

— Нимани? Ахир, бу мактуб Анварнинг макридан бўлак нарса эмас-ку? Унинг кимлигини наҳот билмасангиз?

— Билишга биламан... Аммо у кенгашнинг қарорини айтаяпти!

— Қанақа кенгаш тўғрисида гап бўлиши мумкин?

— Секин, секин... Нега ҳовлиқасиз?

— Гапингиз қизиқ бўлди-да, ўзи!

Нагорний гапга аралашди:

— Азизим, мен сизнинг фикрингизни қисман тушуниб турибман.

Бироқ, табиб табиб эмас, дард тортган табиб дегандай, синфий душман нималигини биз яхши биламиз. Ҳайлайманки, ўзингиз ҳам яхши биласиз...

Пўлатхўжаев ўрнидан турди.

— Мен бошқа нарсани ҳам яхши биламан: бизнинг инқилобимиз чиндан ҳам халқ инқилоби бўлди. Зеро шунинг учун ҳам жумҳуриятимизни Халқ жумҳурияти деймиз!.. Бундан чиқадиган хулоса шулки, бизда синфий душман дегани — сиз тушунган синфий душмандан фарқ қилади.

— Сиз мени ҳайрон қолдирыпсиз,— деди Нагорний қўзғалиб қўйиб.— У ҳолда сизга бошқа бир нарсани эслатишни ўринли деб биламан: Бухоро фирқаларининг Биринчи қурултойида Бухородаги халқ инқилоби истиқболда социал инқилобга айланади, деб эълон қилинганда, ўзингиз ҳам қўл кўтарган эдингиз.

— Албатта!— бинак бузмади Пўлатхўжаев.— Бироқ тагин шу ҳол шак-шубҳасизки, биздаги инқилоб социал инқилобга айланган чоғдаям — у ўзинга хос бўлади! Яъни, Русиядаги инқилоб шаклидан фарқ қилади! Хўш, гап инқилобимизнинг ҳозирги босқичи ҳақида кетар экан, биз ўз сафларимизга ҳар хил табақа одамларидан, жумладан, афв сўраган душманлардан ҳам олишга ҳақлимиз. Фикримни давом эттираман: яна, биз ўзига хос синфий душманларимиз билан ҳам келишувга мажбурмиз.

— Бухоро инқилоби ғалабаларини барбод этув учун тўпланган ғазовотчиларни... «ўзига хос синфий» душман деб, уларнинг ёлгон, арзимаган ваъдаларига инонмоқни... тушунмайман!

Пўлатхўжаев элчига оғир қаради.

— Бу оҳангда сўзлаш сиздан эп эмас, биродар!

Элчи ғамгин жилмайди.

— Биз ҳам инсонмиз, коммунистмиз-да, азизим... Бир маслакда бўлганимиздан кейин, на чора.

— Ҳар қалай, ҳар ким ўз мавқеида тургани маъқул.

— Хўп, узр,— деди Нагорний.

— Йўқ, нималар бўляпти ўзи?— қизариб кетди Морозенко.— Ўртоқ Пўлатхўжаев! Фикрингизни очиқроқ айтинг!

— Фикрим... Уйлаб кўриш!

— Йў-ўқ, бошқа оҳанглариям бор!

— Бор бўлса, бор!.. Мен бундай қулай имкониятдан воз кечолмайман!

— Демак, бизга ҳали... чиқиб кетинглар ҳам дерсиз?

— Шунга тўғри келяпти.

— Ўртоқ Пўлатхўжаев!

— Секинроқ. Сизни ҳам огоҳлантириш шартми?

— Ана холос!.. Ахир биз бу ердан чиқиб кетишимиз билан сизниё кўнгилли отрядингизни улар тек қўядими? Бу нарса ўз-ўзидан маълум-ку?

— Дарвоқе!— Пўлатхўжаев ҳазратдан сўради.— Мактубда бизнинг кўнгиллилар ҳақида сўз йўқ. Бундан қандоқ тушунса бўлади?

— Алҳол йўқ,— деди ҳазрат.— Нечук энди сўз бўлиши лозим?

— Тушунарли!

Нагорний ўрнидан турди.

— Мен чуқур таассуф билдираман! На фақат бу ҳолга, балки сизни яхши тушунмаганим учун ҳам ачинаман. Мен ҳамон бу ерда макр бор, ҳатто қандайдир англашилмовчилик ёки келишув бор, деган фикрдаман. Шунга қарамай, сиз бизга «чиқиб кетинглар!» деган гапни ўз тарзингизда баён қилипсиз, биз бундан инобатга олишга мажбурмиз. Бироқ ундан аввал бизга рухсат этсангиз, Туркфройт Бош штаби билан, ҳеч қурса Бухоро Инқилобий қўмитаси билан гаплашиб оласак.

Пўлатхўжаев бир қадам тисланди.

— Ҳали менинг гапим ўтмайдиган бўлиб қолдимиз?

— Аксинча, — деди Нагорний. — Мени бу мулоҳазага олиб келган ҳол ўзингизга маълум: сизнинг раҳбарлигингизда Русияга қайтарилган анча-мунча қисмларни тагин бу ёққа олиб келиш тўғрисида гап бўлаётир.

— Гап тамом! — деди Пўлатхўжаев. — Уларда куч кўплиги сир эмас! Иккинчидан, бизнинг Душанбега бемалол кириб олишимизга имкон яратганлари сири ҳам аён бўлди: улар яхшилик истар эканлар. Учинчидан, пироварди, мен... қон тўкилишини истамайман! Бу ишдаги барча масъулият менинг гарданимда. Мен биринчи галда сизларнинг — бизнинг кечаги халоскорларимизнинг манфаатларингизни ўйлаётганимни унутманг!

— Қойилман сизга, — деди Морозенко.

Шунда хонани «йигитлар» овози тўлдирди: Супада ўтирганлар дик туриб кетишди. Қурбон ўгирилиб қаради.

Шунда Пўлатхўжаев билан Али Ризога қарши милтиқ ўқталиб туришганини кўрди.

— Пўлатхўжаев, қимирлама! Али Ризо, қўлингди кўтар!

Сўзларнинг бухороча талаффузи Қурбонга таниш бир кишини эслатди.

— Нима гап? Нима шовқин?! — Пўлатхўжаев гангиб, ён-верига кўз солди.

Пешонасига қийиқ боғланган Қарим Раҳмон Қурбоннинг олдидан ўтди. Бора солиб Али Ризонинг ёнини кавлади. Али Ризо тисланди ва Қарим Раҳмоннинг юзига мушт солди. Шу он йўлак устуни ёнидан чиқиб келган икки чопонли Али Ризони деворга тақаб, тўппончасини олишди.

Пўлатхўжаевнинг ёнида пайдо бўлиб, қўлини белига тираб олган, кўзлари чақноқ-думалоқ, қорача йигит...

«Қилич, Қилич-ку, бу!»

Қурбоннинг Бухорода кечган дарбадарлик кунларининг содиқ ҳамроҳи. Қурбонлар Бухородан чиққанда, у Али Ризо бошлиқ маҳкамда қолган эди.

Қурбон шунда тагин ҳайрон қолди.

— Берман! ўтинлар, элчилар! — деди орқадан биров.

«Эрниёз экан...»

— Астаъфирулло, астаъфирулло, — дея Эшони Судур Қурбоннинг билагидан ушлаб четлана бошлади.

— Биз элчи! Биз холис! — деб Гўппонбой ҳам Қурбоннинг қаба-тига ўтди.

Аллақачон бурчакка тиқилиб олган Муртоз ҳамон қўлидан қўймаган оқ яловни баланд кўтарди.

— Дам² туринглар! — деди Қилич. — Собир бола, энди бизди сўзларни ўрисчага ағдарасан! — У Қарим Раҳмонга қаради. — Гапиринг, ако!

— Ўртоқ Нагорний, ўртоқ Морозенко! — бошлади Қарим Раҳмон. — Сизларни Пўлатхўжаевнинг қилиғи ҳайрон қолдирди. Жуда тўғри. Нимагаки бу одам сизларни эмас, ҳаммани алдаб келган, ўзини яхши кўрсатиб келган. Бу одам — катта душман! Анвар пошшо билан аллақачон апоқ-чапоқ бўлиб олган. Бу элчилар — қўғирчоқ. Бу хат — ёлгон хат!.. Сизларнинг бошларингни айлантириб, жавоб бермоқчи!.. У ёқда бўлса, йўлларингда — Қофирниҳон бўйида лашкари исломнинг сара навқарлари милтиқларини ўқлаб, сизларни пойлаб турипти! Бунга ишонманглар! Буларни биз йўқотишимиз керак, ўртоқлар!.. Ҳозир Тошкент билан ҳам Бухоро билан гаплашамиз деяпсизлар. Бу хўп дейди. Лекин телефон-телеграф симлари узиб ташланган, соқчиларни алдаб, озиқ-овқат, кийим-кечак обозларингни гум қилишаётгани аниқ.

Йўлак адоғида кимдир: «Дод!» дея (Собитжоннинг таржимасини

¹ Бу ёққа.

² Жим.

бўлиб), ўзини эшикка урди. Яна биров уйқусираган товушда: «Душман бу ёқда-ку!» деб супага қарата ўқ узди. Тўрдаги супага очиладиган эшик гурсиллаб урила бошлади. Хонада тўс-тўполон бўлиб қолди. Катта стол ағанади. Олишув бошланди.

Муртознинг орқасида эшик бор экан. Ўзи очганми, очилиб кетганми, у гурсиллаб йиқилиб, ичкарига ўрмалади.

— Ё парвардигор! Ё тавба!— Эшони Судур ҳам Қурбоннинг биланини чангадек қисганча хонага сурилди. Гўппонбой у кишидан олдин кириб олди.

Бу хона ҳам бояги ҳужранинг нухаси эди. Фақат девордаги панжара хийла баландда.

Эшик орқасида отишма бошланди. Дод-вой. Қисқа буйруқлар. Тала-тўп.

— Бу ёғи қандай бўлди, бўтам! Э, худо!.. Шармандалик-ку, бу! Вой-вое!.. Энди нима бўлади?

— Гўр бўлади!— деди Гўппонбой.— Ўзларинг пиширган ош!

— Мундай бўлишини ким ўйлапти!

— Булар ҳам нонни қулоғига емаган. Сиз амирга содиқ бўлсангиз, бу шўросига содиқ!

— Гўппонбой-е!

Ташқари бирдан тинчиб қолди. Гўппонбой эшикни нари-бери итариб-тортиб очди-да, мўралади. Сўнг лип этиб ташқарига чиқди. Эшик ёпилмай туриб, Муртоз ҳам чиқиб кетди.

— Қаёққа?— деганча қолди Эшони Судур.

Эшик ёпилиб, хонага зим-зиёлик чўкди. Сўнг аста ёришди.

— Уғлим, қизиқ бўлди-ку?

— Қутилмаган ҳол, тақсир.

— Ҳалиги боши боғланган йигитни бировга ўхшатдим. Тайин — шу бойсунлик.

— Мен пайқай олмадим.

— Тоза кулгили иш бўлди-да.

— Менинг эса йиғлагим келяпти.

— Қўнглимни бузманг! Расво бўлдик, гап шу... Жимиб қолишди-ку?

— Лекин ҳовлида...

— Отлар кишнаяпти! Булар нима қилишар экан энди? Усмонхўжанинг йигитларини ҳайдаб, ўзлари қўрғонга жойлашиб олишса керак-да!

— Балки... Лекин, жойлашиб олишса, шу ҳолда оч қолишади.

— Э-ҳа.

— Аппаратлариям бузуқ бўлса, Бухоро билан гаплашолмайди. Кейин қамал...

— Рост, рост... Аммо лекин тоза калласи ишлар экан бу хунасаларнинг! Одамнинг бўғзидан оладиган саволлар беришди. Уҳ! Бу ерга кириб олган йигитларни кўринг, энди! Болам, умас-бумас, бу ерда қандайдир келишув бўлган. Бу — фитна!.. Ўзлари озчилик, шекилли?

— Ҳа, тақсир.

— А, Усмонхўжа-я!

— Тақсир, бир қарайми?

— Ҳе, сиз ҳам жўнаб юбормайсизми?

— Пирим.

— Ҳазил-ҳазил.

Қурбон ранжиган қиёфада деворга суянди. Аммо... бу хотира қаёқдан келди? Обхона ҳужраси кўз олдида жонланди. Худди шу алфозда турган эди ўша кун...

Оғир эшик аранг очилиб, ичкарига оппоқ нур бостириб кирди. Сўнг нурни тўсган қизил чолворли кўринди. Ясовул. Ичкарига тикилди. Бурнини жийириб: «Эшони Судурнинг шогирди бўламан деган ким?— деди.— Мен,— деди Қурбон.— Нега ётибсан?— Сабабини билсам, бир умр ётишга тайёр эдим, жаноб олийлари!— Бу ёққа чиқ.—



Қурбон каловланиб чиқди.— Нарн тур!— деди ясовул.— Энди кет!..— Қаёққа?— Бошинг оққан ёққа! Тўрт тарафинг қибла!— Тақсир, айбим уст-бошимнинг калтариб қолганими, холос?— Яна бир гап сўрасанг, шу ерда чирийсан! Туя кўрдингми — йўқ!»

— Бўтам, ҳазил қилдим-а,— деди Эшони Судур.

— Йў, пирим. Хаёл билан... Чиқайми?

— Узингизга эҳтиёт бўлинг. Дайди ўқ одам танламайди.

Қурбон эшикни итарди, очилмади. Ҳайрон бўлиб, яна итарди. Эшик баттар зич бўлиб қолгандек эди. Ҳазрат ҳам уннаб кўрди.

— Нега мундай, а, бўтам? Биров орқасидан қулфлаб кетдими?

Қурбон яна ҳаракат қилиб кўрди. Фойдасиз. Сўнг жаҳл билан гур-силлатиб урди-ю, бирдан тек қолди. Ҳазрат тисланди.

— Шуниси кам эди... Тагин ҳамма кетиб қолса-я?..

— Бари бир қўрғонда кимдир бўлади, тақсир.

— Ҳа-ҳа. Майли. Яна бир оз сабр қилайлик...

— Бу қалъани руслар қуришган бўлса керак?

— Ҳа-я. Кўриниб турипти... Галати дунё экан-да! Оқпошшонинг ҳарбий амалдори орасидаям порахўрлик бор эди, ўғлим. Ҳа. Баъзи жойларда тубжой аҳоли исён кўтарса-ю, исённи бостиришга бекликнинг кучи етмаса, бек яқинидаги оқпошшо муҳофаза қалъаларига чопар йўллаб, исённи бостиришга ёрдам сўрарди. Қалъа беклариям ёрдамни аяшмасди: сара навкарлари, айниқса, казак деганларидан юборишарди. Улар келиб, албатта, исённи бостириб кетишарди. Кейин бекнинг амалдорлари халқ олдига чиқиб нима дейишарди? «Ана, кўрдингизми, мардум, сизга оғир тушган солиқлар беклик тарафидан эмас, оқпошшо тарафидан солинган эди! Сизга-да кучини кўрсатиб кетишди!» Шундай қилиб, беклик кўра-била туриб, халқни ўрнларга қарши қўяр, кейин бўлса, ўша қалъа ҳокимларига туҳфа, совға ниқоби остида кўп-кўп поралар юборишарди...

Қурбоннинг тили қичиди-ку, индамай дилидан ўтказди: «Русия Бухорога шу оғир кунларда ҳам ёрдам бeryпти. Аскар бeryпти. Лекин энди бутунлай бошқа мақсадда».

— Бўтам, бу ер зах экан-а. Ҳой, Гўппонбой қаёққа кетди? Мулла Қурбон, булар менга-ку ишонишмайди. Сизгаям ишонишмайди, албатта.

— Биламан, тақсир.

— Шундай.

...Бир маҳал эшик ўз-ўзидан очилиб кетди: ташқарига эмас, ичкарига. Эшони Судур хўрсинди. Рўпарадаги узун деразанинг ойналари чил-чил синган, у ёқдан совуқ елвизак эсар, эшикни шу шамол очган эди.

— Нодоннинг жони азобда деганлари шу, бўтам.

— Тақсир, ҳовлидаям ҳеч ким кўринмайди.

Куёш уфқдан терак бўйи баландда. Қат-қат булутлар ҳам унга исинаётгандек. Ўтроқ қушлар золими — қирғий қийқиллайди.

Эшони Судур билан Қурбон ёнабетда чўзилган сўқмоқда пиёда кетиб боришади. Кўзлари олдинда. Ўзлари ҳолдан тойган. Унг томонда, пастликда, Душанбе дарёси бўтана сувини ялтиратиб оқиб кetyпти. Чап томонда — қиялик устида оқчил туман сузади.

— Пирим, дам оласизми?

— Анави харсангга етайлик... Устига чиқсангиз, атроф ҳам яхшироқ кўринади.

— Гўппонбой номард экан!

— Бўтам, шу маҳлуқ сиздан ҳазратнинг ул-були, дунёси борми, деб сўрадими ҳеч?

— Пирим, айтишга тил бормади.

— Сиз нима деб жавоб қилдингиз?

— Йўқ, дедим, албатта.

— Ҳим... Ахир, муридлардан бизга кўп нарса тушар эди-ку. Ушаларни нима бўлган, деб ўйлайсиз?

— Пирим, мени синамоқчи шекилли... Уларни муҳтожларга тарқатиб берардингиз-ку.

— Уф, раҳмат, ўғлим. Омон бўлинг... Сизнинг мана шу ҳалоллигингиз ҳам менга манзур-да. Бироқ, ўғлим,— ҳазрат тўхтади,— бир қора кунга, ё бир улуғ айёмга асқотар деб йиғнаб қўйганим бор, ҳа. У ёғини сўрасангиз, шу кунларда ўша хусусда ўйлаб ҳам юрибман. Анвар пошшо кимлигини биласиз. Баайни ўзим! Фарқимиз — мен ўйлайдиган, у киши — бамисоли менинг ўйларимни амалга оширадиган!.. Десангиз, ўша бойликни Анвар афандига бериш ниятим ҳам йўқ эмас. Яширмайман, у озгина нарса эмас. Суюн Пинхос орқали Ҳабиб заргарга бериб... тиллоларни бериб, ёмби қилдириб олганман. Бироқ туриб-туриб, турли гумонларга бораман. Афғонга ўтмоқчи бўлганимда, кемачиларнинг ҳақ сўраганини айтгандим-а?

— Айтгандингиз. Дарвоқе, ўшанда ул-булим бор дегандингиз.

— Баракалло.

— Ўзи тайинли жойдами?

— Албатта!

— Ундай бўлса, пирим, ҳар қалай ўзингизга қаранг... Сиз ҳамма вақт олдинни ўйлаб иш кўрасиз-ку!

— Маъқул!

Қоя ғадир-будир, ҳўл, устида кичкина кўлмакча бор экан. Қурбон унга тирмашиб чиқиб, этакка қаради.

— Пирим, арава! Кўч ортиб келаётганга ўхшайди. Ортида қорамол ҳам бор. Навкарлар ҳам!

— Ёнида навқариям бўлса, улуғроқ оила кўчган. Кўктошданми?

— Ҳа-да.

— Ундай бўлса, нима қилиб турибсиз! Чақиринг!

— Ҳе-ей!!!— Қурбон бақириб, тойиб кетди.— Хў-ў, карво-он!!

Отлиқлардан бири тўхтади. Шериклари билан гаплашди. Бу ёққа қайрилди. Қурбон унинг йўлига тушиб, тўхтаб турди. Орадаги масофа эллик қадамлар қолганда, у ҳолсизланиб кетди: отлиқ — Тонготар эди.

— Э, мулла!— деди у.— Бахай?

— Сўраманг, оға. Йўл бўлсин?

— Жанг майдонига!— кулди у.— Тиниқ момо қўймасдан олиб чиқди! Бир ўзингиз?

— Ҳазрат ҳам бор.

— Қанилар?.. Нима бўлди?

— Гап кўп, ака... Кўктошда нима аҳвол?

— Тип-тинч.

— Мол ҳайдаб жўнабсизлар?

— Еймиз-да... Э, бутун бошли карвонмиз! Табиб ҳам бор, ошпаз ҳам.

— Анвар пошшоям йўлга чиққанларми?

— Ҳа. Сизлардан кейин Кўктошда бор навқарни бошлаб, Кофирнихон томон кетдилар. Биз ҳам ўша ёққа боряпмиз!

— Ана ҳазрат! Миндириб келинг... Э, ҳалиги қиз нима бўлди?

— Аравада. Момо уни қолдирармиди. Ҳам қизим, ҳам чўрим деб юрипти.

«Аравада... Кампирнинг ёнида! Жанг майдонига кетяпти!»

Ғилдираклари одам бўйи от арава кўтарилиб-кўтарилиб тушади. Устига бамисоли ёпқичи олиб қўйилган чайла. Аравага қўшилган отнинг эгарчасида Қўлмат ўтирибди. Олдинда ҳам, орқада ҳам отлиқ, навкарлар.

Чап томонда Эшони Судур, Қурбон, хачир миниб олган табиб ва Тонготар. Аравага маталган қўйлар ва сўқимлар типирчилаб келишади.

Аравада Тиниқ момо билан Ойпарча тиззаларига кўрпача ёпиб олишган. Улардан пастроқда — отларини Эшони Судур билан Қурбонга берган икки ёш навқар оёқларини аравадан осилтириб ўтиришибди.

Ойпарча гоҳо Қурбонга пинҳона назар ташлайди, сўнг сергакла-

ниб, атрофларига боқади. Қандайдир тетик. Шу кетишда, ажиб, исталган манзилга етадиган кишига ўхшайди.

Қулмат бошлаган ҳикоясини давом эттиради:

— ...Отларнинг туёғига латта ўраб олганмиз. Тор кўчада кетяпмиз. Товушимиз чиқмайди. Шунда Улашбой: «Шу ҳовлида бир тулпор бор-да!» деб қолди. Тўхтадик. Дарвоза берк. Шартга ёларрани олдик. Биримиз девордан ошдик. Пахсани арралашга тушдик. Отнинг ёли деворни ёғдек кесади. Энди пахсани кўчирган эдик, ҳовлида от кишнаб қолди-ку! Эгасиям ҳушёр ётган экан, чиқа солиб, милтиқ бўшатди. Қишлоқ уйғониб қолди...

— Жағингиз чарчамайди-да!— деди Эшони Судур гижиниб.— Қўйинг, қароқчиликни мақтаманг! Ахир, кимни талашга боргансизлар?

— Тақсир, ёшлик-бебошлик-да,— минғиллади табиб.— Қулайини топса, қорлиқлар ҳам келиб, лақайнинг уйини тешиб кетади.

Қурбоннинг суҳбатдан четда қолгиси келмади:

— Отанон, ҳар нарсани ўз номи билан атаган тузук!— Ҳазратим том ҳақиқатни айтдилар. Бу ишлар бебошлик эмас... қароқчилик!

— Ҳе-е, дунё!— хўрсинди Эшони Судур.— Шу йўл ҳам Деновга олиб боради-я?

— Оборади борсак,— жавоб берди Тонготар.

— Деновда ўлим минораси бор,— ҳазрат бояги суҳбатни гўё давом эттирди.— Билмадим, ҳозир тикка туриптими, йўқми. Олимхоннинг бобокалонлари Раҳимхон даврида қурилган. Кўҳистонда бир исён кўтарилади. Раҳимхон уни бостиргали қўшин тортиб келади. Албатта, исёнчилар мағлуб бўлади. Лекин голиб хон бу билан қаноат қилмай, халққа намуна бўлсин, деб кесилган каллалардан бир минора ясашга фармон беради. Минора кўтарилиб қолганда, калла етишмайди. Хон янги фармон чиқаради: «Қайси бекликда одам сўйилса, бошлари Деновга юборилсин!» Мамлакатда ўттиздан ошиқ беклик бор...

— У-ў,— деди Қулмат қувонгандай,— Амир Темир бўлмоқчи эканлар-да!

Тиниқ момо гапга аралашди:

— Бу иш ҳамма бекларимизга теккан касал ўзи!

Қурбон бу ҳикояни ҳазратдан илгари ҳам эшитган эди. Ҳозир кампирнинг «касал» дегани унга наша қилиб, иқрор бўлдики, у касаллик Эшони Судурда йўқ эмас.

— Нима бўлиб ўлган экан ўша Раҳимхон?— сўради кампир ҳазратдан.

— Ёдимда йўқ,— мунгланиб рўпарадан кўз узмай кетаётиб жавоб қилди ҳазрат.— Лекин ноҳақ тўкилган қон тутади кишини, бека. Ушанда хонга ёқиш учун неча-неча бекликларда нечалаб айбсиз бошлар ҳам кесилган бўлуви керак.

— Энди кўҳистонликлардан ҳам айб ўтгани аниқ,— кампир ўз фикрини давом эттирди.— Тақдирга тан бериш керак... Бироқ менга ўша хонимизнинг неваралари — ўз амиримиз қилиб кетган иш ёқмайди. Юртни ташлаб кетди! Мана, аёл бошим билан мен юрибман!

Эшони Судур ҳорғин бош ирғади.

— Мозийда мундай ҳоллар кўп бўлган, бека.

Шунда Қулмат ҳам амирни оқламоқчидек орага тушди:

— Лекин, энабой, дўппи тор келса, Шўронинг одами ҳам қочар экан!

Момо Эшони Судурга юзланди.

— Айтмоқчи, шу раис деганлари рости билан қизилларнинг каттасими, тақсир?

Қурбон Ойпарчага қаради-ю, унинг назарини бутун вужуди билан ҳис қилди: У истеҳзо билан боқарди.

— Энг каттаси!— деди Эшони Судур.

— Эса,— кулимсиради кампир,— кичикларидан қўрқмасаям бўлар экан.

— Ҳе, бека,— тўлғанди ҳазрат,— Шўронинг каттаси бизга ўтипти, деб хотиржам бўлиш, маъзур тутасиз, ғафлат. Турган гап, унинг биз тарафга ўтуви ғалабани таъмин этмайди.

— Лекин бу ёғи бор,— рози бўлгандек деди Қулмат.

Қурбон фикр билдириш учун қулай фурсат туғилганини туйди.

— Лекин Қулмат ака, ўша одамнинг биз томонга қочиб ўтиши билан амиримизнинг Афғонга ўтишлари орасида фарқ катта. Агар яна нарсаларни ўз номи билан атасак, у одам ўзиникиларга хиёнат қилиб ўтди.

Эшони Судурга бу гап ёқмади.

— Бўтам, хатога кетдингиз,— деди оғирлик билан.— Хиёнатчи у эмас, хиёнатчи — сиз «ўзиникилар» деб атаганлар. Ҳа!

Қурбон ҳушёр тортди.

— Мен Қулмат акамга тушунарли бўлсин учун шундай дедим, пирим!

— Бари бир.

— Яна: кампир қаерда ҳозир?

Қулмат саволни аниқлаштирди:

— Ўшалар билан учрашишга боргансиз-ку, ҳазрат? Биз ҳам эшит-сак бўларди.

— Лозим бўлса, эшитасиз,— деди ҳазрат.— Насиб этса, ўзини ҳам кўрасиз.

Тиниқ момо мийиғида ўйчан жилмайди.

— Тақсир, сизнинг ҳалиги гапингиз ҳақликка ҳақ, лекин, шогирдингизнинг фикрида ҳам жон бор, дейман. Ишқилиб, ўша раис ўзимизга хиёнат қилмасин. Қадимда ўзиникига хиёнат қилганларнинг бошини узганлар.

Шимол ёқдаги адирлар оша бир отлиқ қуйилди. Қарвоннинг олди-дан тўсиб чиқа бошлади. Йигитоғалари Қиём экан. У ҳазратни кўрди-ю:

— Худога шукр-э!— деди ҳансираб.— Бизни Анвар пошшо ҳазрат олийлари юбориб эдилар, ҳазрат! Душанбе қўрғонини тит-пит қилиб чиқдик. Бир дарвишдан бўлак жонни учратмадик.

— Анвар пошшонинг борларига шукр!— деди ҳазрат.— Ўзлари қа-ерда?

— Ҳозир Қофирнихон бўйига етдилар.

— Қизиллар-чи?

— Қизиллар йўлда... Улар ҳам ўша ерга боришади.

— Ҳим, раис-чи?

— У кишини топиш қийин бўляпти, ҳазрат. Отрядлари сал... Биларсиз.

— Гўппонбой билан Муртозга кўзингиз тушмадимиз?

— Муртози қурғур шогирдингизнинг тўриғини бир отга матаб юрипти. Гўппонбой кўринмадилар. Тўғайсарининг тўпига қўшилган бўлсалар керак.

— Ҳа-а. Бошқа гап йўқми?

— Йўқ. Биз қайтишимиз керак. Нима буюрасиз, ҳазрат?

— Улуғлар қошига тезроқ етказсангиз, бас.

— Қулмат, аробани чапга бур! Тонготар, сен бу ёқларнинг тошини санагансан-ку!

— Дарё катта! Тусмоллаб бораётирмиз-да.

— Ўша камарга ҳайдайвер.

Ниҳоят, Қиём Тиниқ момо билан сўраша кетди.

Уфқда қолаётган Керагатоғдан совуқ шамол эсди. Булутлар қалинлашиб пасая бошлади. Тонготар карвонни тўхтатиб, арава устидаги чайлага шолча ёпди..

Қор учқунлайди. Дарё бўйидаги ялангликда гулхан ёнади. Унга дамба-дам кадидан сепиб турилган чарви мой ҳиди анқийди. Чўғлар чарсиллайди. Теварақда навкарлар. Ут шуъласи уларнинг ҳўл юзларини ёритади. Яроқларини ялтиратади.

Берироқда — ердан чиқиб турган това тошда — Иброҳимбек, у ўрамасини сопиға қўшиб ушлаган қамчиси билан этиги қўнжига аста-аста уриб ўтирибди. Вужудида сирли бир мамнуният бор. Унинг ёнида бўрипўстинни эғниға ташлаб олган Анвар пошшо, ундан бир қадам нарида Али Ризо.

Уларнинг орқасида — буриб қўйилган аравада — Тиниқ момо билан Ойпарча...

Ҳамманинг кўзи ўртада — тошда бош эгиб ўтирган кишида.

— Бир нарсани тушунмадим,— деди Иброҳимбек. Аммо сўзини тугатолмади. Уртадаги киши:

— Сўранг, бек!— деб унга илтижо қилди.— Бир-биримизни тушуниб олайлик!

— Анвар пошшо жаноблари ҳам уқтириб кўрдилар, ҳеч ақлим етмади,— давом этди Иброҳимбек.— Гап шундаки, режангизнинг мақсади менга қоронғи! Ахир, оқибат уларни шу дарё бўйида кутиб олишимиз керак экан, улар Душанбега келишаётганда бира тўла қарши олсак, нима бўларди? Масалан, сиз дарё бўйиға чиқинглар, деб хабар қилсангиз бўлмасмиди? Мунча элчибозлик! Хат, нома ёзишлар!

— Бек, мен бундай ҳолға тушишимни билганимда...

— Саволға жавоб беринг.

— Бўлмасам гапни бошидан бошлай... Хўш, биринчидан, мен уларни Термизданоқ Русияға қайтармоқчи эдим. Ҳалиям айтдим, Бухорода турган минг-минг қизил аскарни Русияға қайтарганман. Лекин бу ёқда сизларда тайёргарлик борлиги у ёққа маълум бўлғач, Самарқандда турган Хисор корпусиға тегишли айрим полкларни ҳам қайтариб юбориш қўлимдан келмай қолди... Ана, Али Ризо биледи!

— Инсоф ила сўзлаганда, дўғри,— деди Али Ризо.— Реисдан шубҳалар-да пайдо ўлдўғи эди.

— Қуллуқ,— деди Пўлатхўжаев,— демак, шу ҳолда нима қилишим керак эди? Вақт эса кетмоқда. Русиядан яна беш-ўн мингта аскар чақирилса, унда нима қила олар эдим? Мен аминман: ҳозир инқилобий қўмита бу ишға киришган. Хуллас, шошим керак эди. Ана ўша вазиятда Анвар афанди билан учрашдик... Мен ўз ҳуқуқимдан фойдаланиб, тезликда Бухоро кўнгилилар отрядини кенгайттирдим. Ҳарбий диктаторлик амалимдан фойдаланиб, Инқилобий қўмита ва Ижроия қўмитанинг қўшма мажлисида: «Лашкари исломни дарҳол йўқотиш керак! Бу ишни ўз гарданимға оламан!» деб ваъда бердим. Улар менга, ҳалиги полкларни бемаслаҳат жўнатганим учун хижолатини ювмоқчи деган ўйда ишонишди. Шундай қилиб, зудлик билан Бухородан чиқдим. Лекин Термизда Еттинчи полк турарди. Уни бир амаллаб йўқотиш керак эди. Уни ҳам ўзимға қўшиб олдим. Бойсундан ҳалигиларни... Оқибат сизларға ўша мазмунда хат ёзиб, зудлик билан юбордим.

— Мақтуб мазмунини Анвар пошшо жаноблари билан келишган-мидингиз?

— Э, йўқ! Бу гоё йўлда туғилди-ку!.. Лекин хатдаги гапларни ўқигандан кейин бу киши ҳам, сиз ҳам, ана ҳазрат ҳам мақсадимни тушунасизлар, деб ишонгандим...

-- Кейин?

— Биз Душанбе қўрғонига қаршиликсиз кириб келдик. Бу ҳол уларни ҳайрон қолдирди. Менинг илк мўлжалим ҳам шу эди. Қўрғондаги бир рота аскар ҳам: «Босмачилар ўз-ўзидан кетиб қолишди», деди. Сўнгра сизлардан мен кутган мазмунда нома билан элчилар келишди... Ниҳоят...

— Қисқароқ!

— Мен бир ўқ билан икки қуённи уришни мўлжаллаган эдим: мустақил яшашимиз лозимлигини ҳам назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб, бунга уларни қойим қилиш ҳамда Русияни хафа қилмаслик, яъни, қўшинига яхшиликча жавоб бериш... Тушуняпсизми?

— Русияни хафа қилмаслик керак бўлса, бари бир Еттинчи полкка ҳужум қилишимиз керак экан-ку?

— Бек, бу кейинги гап эди...— табассум қилди Пўлатхўжаев.— Ахир полкка жавоб бергач, йўлда уларга қандайдир тўдалар ҳужум қилипти, деган хабарни тарқатиш ва масъул одамларни бунга ишонтириш шунчалик қийинмиди?.. Улар ичида Русиянинг Термиздаги Бош консули Нагорний ҳам бор эди. Уни атай шу мақсадда олиб келган эдим. Оқибати...

— Хўп,— деди Иброҳимбек табассум билан.— Энди айтинг-чи, мустақил яшайми деганингиз нима у?

— Бек, бу мавзуда шу қор остида ўтириб гаплашимиз ноқулай эмасми?

— Бунга ўзингиз сабабчисиз!

— Ҳа-ҳа, албатта.

— Қулоқ солинг. Биз сиз айтган мазмунда — ҳозирги Бухоро тузумини мақтаб, унга тан берган бўлиб хат ёздик, сиз ҳам уларга шу мазмунда гапиргансиз?

— Бу гапни жуда усталик билан асослаб ҳам бердим!

— Ҳойнаҳой, мустақил давлат деганингиз шу эмасми?

— Фақат шу бўлса... сизлар тарафга ўтмас эдим.

— Унда, нима экан у?

— Ахир, ўз-ўзидан маълумки, сиз... сизлар истиқболда қандай тузум бўлишини истасаларинг, ўша-да.

— Шундай денг!— Иброҳимбек этиги қўнжигга қамчи билан бир урди.— Биз амирликни тиклаймиз деб юрибмиз.

— Ундай бўлса, Анвар афанди... шундайми?!

Жим ўтирган Анвар пошшонинг кўзлари чақнаб кетди.

— Бу на сувал! Мани аъло ҳазрат нечук бўна жўнатмиш?

— Ундай бўлса, демак, шу,— мўлтиради Пўлатхўжаев.— Бек, гап тамом!

— Пасткаш!— Иброҳимбек ўрнидан турди.— Амирликнинг тагига сув қуйганлар каттасининг гапини эшитяпсизларми, йигитлар? Муттаҳам!..

— Бек, бек,— титради Пўлатхўжаев.— Жаҳлингиз чиқмасин, мени...

— Хўш? Мақсадинг нима эди?

— Мақсадим... Иккимиз бафуржа гаплашсак, бек. Илтимос!

Иброҳимбек Анварга ўгирилди.

— Бунинг мақсади нима эди, Анвар пошшо? Ҳазрат, балки сиз айтарсиз?

Иброҳимбекнинг ёнида ўтирган Эшони Судур:

— Мен бу кишининг талай яхши фазилатларини биламан,— деди овозида титроқ билан.— Бироқ асл ниятлари менга қоронғи эди, албатта...

— Анвар пошшо, сиз гапиринг!— Иброҳимбек ҳазратнинг сўзини бўлди.

Анвар пошшо Али Ризога қараб қўйиб:

— Ман бу инсанни начоғлик билишим сизлара аён,— деди.— Белким Али Ризо билиур?

Али Ризо ҳам Анварга зимдан маъноли қараб олиб, бир қадам олдинга босди.

— Ҳа, ман билиюрум,— деди.— Мани бу инсан ўзгина милиция назари этиб гўтармиш эди. Шу боис унинг мақсадларидан хабарим вар... Иброҳимбек, дўғри айтдиниз. Мустақиллик деганда бу инсон Шўронин мавжуд жумҳуриетини душунмиш эди. Ҳамда сизларнинг-да, душунмақлариниздан умидвар эди. Лекин, Иброҳимбек, мен ачиқ сўзла-

юрум: эмирликни тиклаш санжағи астинда гурашгандан кўра халқ демократик жумҳуриети номидан гурашмак самарали ўлғусидир. Сир эмас: эмирликнин абруси паст. Халқ жумҳуриети деган сўз эса жазибали ҳамда абру қазанмағи мумкун ўлдуғи сўздур...

— Фақат рост сўзла!

— Рост сўзим шу: шу асно Энвер афенди ярдамила хариж ила дўст тутунмак, унин ярдами ила, бирламчи, Бухарани ўзуники этмакчи эди...

— Кейин?

— Сабир этин. Бу ишнин ижрасида, лазим бўлса, «Эмирликни тикляжакмиз» деган ваъда ила сиздан, сизни қурбашилардан-да, файдаланмакчи эди.

— А-а!

— Мамлакатни ўзуники этдиги заман сизни йўқ этиюр эди.

— У! Анвар афандини аярмиди?

— Сўнро ул кишини-да йўқ этиюр эди.

— Иблис экансан!— Пўлатхўжаев Али Ризога қараб тупурди.— Бек, ёлғон айтяпти бу! Анвар афандим, буни тийиб олинг!.. Ахир, ахир, ўйлангизлар!— У ўртаниб тўлғанди.— Сизларга ёмон ниятим бўлса, ахир... Бек, Иброҳимбек! Ишонма!.. Иккимиз гаплашиб олишимиз керак!

— Бунин режаси шу эди,— сўзини тугатди Али Ризо.

Иброҳимбек маҳзун тортиб кулди.

— Бу гапларга ишонса бўлади.

— Анвар афанди,— Пўлатхўжаев унга юзланди.— Мени ҳарҳолда сиз яхши биласиз-ку! Айтинг буларга... Мен, ахир, ишнинг силлиқ томонларини ҳам ўйладим.

— Тўғайсари!— бақриб юборди Иброҳимбек.

Атрофида ғала-ғовур бўлиб қолди.

— У киши йўқ... Ўғридарода.

Иброҳимбек ёнидан мили узун, «смит-вессон» тўппончасини олди.

— Анвар афанди, сиз бош саркардасиз. Охирги сўзингиз бўлса, айтинг!

— Сабир,— деди Анвар пошшо.— Бу инсанни ўлдирмакдан фойда аз, бек!

— Мен сиздан бу сўзни кутмагандим.

— Бир дақиқа сабир этин.— Анвар Пўлатхўжаевга таъна назари билан тикилди.— Дўстим Усманхожа, биласиз, биз дахи жанг қилмакка ҳазир эмасмиз. Ман сизни сўзиниша хўп деб ва амалимдан фойдаланиб, муҳтарам қурбашиларни қўзғадим. Афсусларки, биза дахи ва Самарқанддан, на Фарғона, на-да Хоразмдан куч келмадиги эдики, бу ҳол маним журъатимни начоғлик қалтис эканини кўрсатиюр. Бунин учун Ибраҳимбекдан-да узр сўраюрум... Хўш, бизим йигитлар ҳазир Ўғридарода русларни қамал этиб турмиш. Уларга-да душманлигимиз чўх аён бўлди! Ман-да буни Русиядан бир миқдор яширмакни ўйлаюр эдим. Дўстим Усманхожа, сиз биза шу дақиқада на маслаҳат верасиз?

Пўлатхўжаев тамшаниб қолди.

— Ахир, мен...

— Уйланиб жуваб верин.

— Орқага қайтиш лозим топилса, тузук бўларми дейман.

— Маслаҳатиниз шу?

— Яна ким билади... Бўлган иш бўлди.

— Йўқ!— деди Анвар.— Бўлган иш бўлдилиги биза маълум, дўстим! Бироқ вазиятдан чиқмак-да мумкун-ку?

— Қандай қилиб?

— Эса, манда бир таклиф вар. Агар сиз шуна унасаниз, ман аминман: отиниз Бухара тарихида қолғусидур! Иккинчидан, бизим алдимиздаги барча айблариниз-да ювилажак!

— Нйма, нима у?

— Биз сизи азанда Уғридарая, руслара жўнатсак. Уйланин!.. Сизи, табиий, банди этиб варишади бизим ўғланлар. Душундиниз? Дағи ўз маслаҳатиниз ила алара бир мактуб битсак. Мазмуни: демак, хат бизим номимиздан ўлуб, анда Русия ила урушмак ниятимиз йўқлуғи баён этилса. Хўп, дағи Бухара жумҳуриятини тан алиюрмиз десак...

Пўлатхўжаев паришонҳол жилмайди.

— Яна? Бизнинг бошимизни мана шу банди айлантирди десаларинг?

— Дўстим?— деди Анвар.— Ман сизни ҳурмат этиюрум. Белким улар сизи Бухарая элтгунча изиниздан бизлар-да етиб вариб, сизи азад этиюрмиз!

— Таклифингиз шу?

— Шу.

— Кулгили. Бутун ишларимиз кулгили!— Пўлатхўжаев энгашиди. Худди куладигандек чиранди.— Умуман, тўғри,— деди ниҳоят.

— Ўнда сиза ташаккур!

— У, йў-ўқ. Ошиқманг!— Пўлатхўжаев тошга ўрнашиб ўтириб, боши аралаш юзини силаб артди.— Бек!— деди бирдан.— Иброҳимбек! Қулоқ сол!.. Инимсан. Тупроқдошим!

— Менинг номимни...— Иброҳимбек тўппончани билагига силаб туширди: ўқлар шиқирлаб кетди.

— Қулоқ сол!— бақириб юборди Пўлатхўжаев.— Душманингни билиб қўй-да, асл душманингни!.. У — мана шу одам бўлади! Унга қара! У маккор! Эй, унинг нима учун бу ерга, сенинг ўрнингга келганини биласанми? Амирни мажбур қилишди бунинг орқасидаги тоғлар! Билдингми? Акс ҳолда қурол-яроғ ҳам бермаймиз, дейишди! Чунки улар бунинг — Анварнинг амир бўлишини истайди! Билдингми? Эсингда тут! Бу суянган тоғлари ёрдамида Буюк Турк Султонлигини яратмоқчи!..

Гупиллаган ўқ овози Пўлатхўжаевни чайқалтириб юборди. Қурбон Иброҳимбекка қаради. Йўқ, у отгани йўқ. Али Ризо экан.

— Маъзур тутиниз, бек,— деди.— Ҳаяжон ила... Бу тухматчи инсан.

Иброҳимбек кулимсираб:

— Аттанг,— деди.— Лекин, майли. Анвар афанди, бу ит эди... Итдай ўлим топади!— Типирчилаб, чимни чангаллаётган Пўлатхўжаевга совуқ тикилди.— Мен бунинг сиз ҳақингиздаги сўзларига ишонмайман!

— Соғ ўлунг!— деди Анвар ўрнидан туриб.— Бу иккимизи алақамизи бузмакчи эди. Маним таклифим-да уна оғир душди...— У Иброҳимбекка тикилди.— Энди дипломатия йўқ ўлду!

Иброҳимбек бир зумдан кейин:

— Ҳа,— деди.

36

Қурбон чекиниб, соҳилдаги тол тагига келганда, Дониёр афанди мурданинг устига энгашиб, кўксидан босиб турар, бир йигит Пўлатхўжаевнинг этигини суғурмоқда эди.

У тескари қаради. Ҳамон қор учқунляпти. Сув оппоқ кўпиради.

— Эҳ-е, мулла!

Тонготар экан. Қўлида ханжар.

— Тинчликми?— деди Қурбон.

— Суякка уришди, кўр бўлгурлар! Ҳозир ювиб чиқаман... Сизга ёқмади-я, бу иш? Менгаям. Ҳозир келаман!

У оёғи остига тикилганча сув бўйига туша бошлади.

— Бир, икки!..

Қурбон товуш келган ёққа қаради. Уч-тўртта йигит Пўлатхўжаевнинг жасадини қўли ва оёғидан кўтариб силкитишмоқда эди. Бирдан қўйворишди. Мурда сувга шалоплаб тушди.

Тонготар қайтиб чиқди.

— Сизни хурсанд қилайми, мулла? Юринг!

У соҳилдан этакка қараб йўрғалай кетди. От туёқларидан топталган сўқмоқ. Орқадан қор тўзони уради. Қумлоққа чиқишди. Адоқда отлиқлар ва пиёдалар кўринарди. Чапроқда — баланд қирғоқ. Пастдан тутун бурқсийди — горда ўт ёқишаётганга ўхшайди.

Горга кираётганларида ичкаридан чакмонга йўргаклангандек қилиб ўралган бир кишини икки йигит кўтариб чиқиб келарди.

— Пў-ўшт, пўшт!.. Табиб қаерда экан, Тонготар ака?

— Тепадаги ўтовда.

Улар ўтиб кетишди.

Гор баланд, кенг. Қадимда бу ердан тупроқ қазиб олинган-у, кейин шифти ўпирилиб гор ҳосил бўлгани аниқ эди: тупроғи юмшоқ, ён деворларда ёнғоқдек тош йилтирамайди.

Тонготар одамларни ёриб, Қурбонни эргаштириб кетар экан, муюлишда мук тушиб, гулханда исиниб ўтирган гумбаздек кишига назари тушди-ю, унинг елкасидан босди.

— Бўри ака?

— Э, дардингни олай, Тонготармисан?— деди у ён сурилгандек йилтироқ юзини ўгириб.

— Ҳа, ғариб бўлиб ўтирибсиз мундай?

— Шундай бўп қолдик,— деди қассоб.— Гўштни еган ола мушук, балога қолган Шомирза пучуқ бўлди!.. Териларни Иброҳимбекнинг гапи билан кобуллик меҳмонга бериб эдик. Уша ёқда ошлатиб оламиз, деб барини туяга ортиб кетди. Кейин Гўппонбой воқеани билиб, бизни тахтага олди.¹ «Нимага сўроқсиз берасан?» деди. «Қимдан сўрай яна?» дедим. «Анвар пошшодан!» дейди... Тавба! Кейин эшитсам, Анвар пошшонинг ўзи руҳсат этган экан-у, Гўппонбой теридан умидвор экан. Ўттизтача сур бор эди-да. Бўлган гап шу! «Э сиз бўлмас экансиз!» деди. «Бўлмасак бўлмапмиз-да», деб биз ҳам лашкарга эргашдик, иним. Мана, энди ғариб бўлиб ўтирибмиз, айтганингиздек.

— Э, Бўри ака-е! Соддасиз!

— Шу гапни Иброҳимбекка...

— Албатта, айтаман.

Муюлишдан кейин ўнгга қайрилишди. Бу ёқ ҳам шифти гумбаз бўлиб қолган ҳайҳотдек камар, адоғи очиқ бўлса керак, рўпарадан ғувиллаб шамол кирар эди.

Қурбон бирдан от ҳиди, тер ҳидини туйди ва уч-тўрт қадам босмай, ён томонда қатор бўлиб турган, айримларининг кўзлари ялт-ялт этаётган отларни кўрди.

— Мустафо ака-а!— бақирди Тонготар.

Палахса кесак тагида, қалаб ташланган эгарлар қошида чордана қуриб ўтирган киши бурилди ва секин ўрнидан турди.

— Муртоз қани? Тўриқни минги қилишни ўргатадиган синчи олиб келдим!

— Ҳа-а, деди у истамай.— Олдин тўриқни топиб, ўзлари минги қилсинлар-чи! Одамхўр экан-ку, у ҳайвон!

— Ундай деманг! Отнинг асили у! Қани, мулла, товуш беринг-чи!

Қурбон отлар ёнига ўтди. Тўкиб қўйилган арпани кутурлатиб еяётган отлар бошини кўтарди.

— Жонивор! Тўриқ!— деди Қурбон.

— Нариги четдан таниш, қадрдон кишнаш эшитилди.

Қурбон яқинлашганида от пишқириб тумшугини чўзди. Қурбон унинг қулоқлари орасини — отнинг меҳр ийдирадиган жойини силади.

Қаққайиб турган новча отбоқар:

— Сал кечиксангиз, отдан айрилар эдингиз,— деди.

— Энди Муртоз ўзидан кўрсин!— дея пўписа қилди Тонготар.— От мана бу кишиники! Муртоз олиб қочган эди.

Отбоқар Қурбонга қандайдир ҳурмат билан тикилиб қаради.

— Гор каттариб кетипти-я, Мустафо ака!.. — Тонготар у ёқ-бу

¹ Мурданинг тахтага олинишига ишора, яъни «бизни ўлдирди» демоғчи.

ёққа кўз ташлаб Қурбонга юзланди:— Мулла, бу жойлар — Иброҳим-бекнинг қадим хилватгоҳларидан! Бежиз келишмаган... Хурсанд бўлдингизми энди? Қайтамизми?

Қурбоннинг бу ердан кетгиси йўқ эди.

— Қоламан,— деди Қурбон Тўриқнинг яғринига шапатилаб.

— Бўлмасам, кабобдан олиб келаман.

Тонготар қайтиб кетди.

— Утиринг, мулла. Отни деб қолдингиз, кўп яхши,— деди отбоқар.

— Ҳазратнинг отлари... Бўз кўринмайдими?

— Бўздан айрилдилар дейверинг. Йигитлар йўлда кўришипти. Бир йигит қорабайирга матаб дарёдан ўтказиб кетипти. Нодон бачалар орқасидан қувишмапти. Бу ерда илгаритдан расм бор-да: у бетдан қиз опқочишадими, от опқочишадими, бу бетданми — сувдан ўтказса — ҳалол!

— Қорабайир минган қизил эканми?

— Йўғ-е, ўзимизнинг мусулмон... Меҳмон, мен бир обжўш опкелай.

Отбоқар заранг косада қайноқ сув олиб келди. Чўғ устига қўйиб, хуржундан битта қотир олди. Ушатиб, ёш томчилари килкиллаб турган косага солди.

— Олинг, меҳмон!.. Бу ерларнинг одамига ўхшамайсиз? Биз эса отхонанинг одами.

— Фалакнинг гардиши билан юрибмиз, амаки.

У толиққан, очиққанини энди сизди. Сувда бўккан нондан бир бурда олиб еди. Эгарлардан бирини тортиб, бошини қўйди.

Шу дамда... туш кўрдими — билмайди. Аммо Осмонўпарнинг ялтироқ сиртини аниқ кўрди. Тоғ, қавакларига чумчуқлар кириб чиқаётган Бойсун қўрғонига айланди. Сўнг Олимжон ака билан бекнинг хос ҳужрасида ўтиргани намоён бўлди-ю, бирдан у кишининг ўрнидан Эшони Судур юз кўрсатди... Душанбе қўрғонидаги ҳужра! Ниҳоят, бугун қўрғондан чиққанда кўрганларини қайта кўрди: саҳнда тахлаб қўйилган шох-шаббалар устида учта ўлик юзгубан ётипти, увада чопонли бир кимса уларнинг қўйни-қўнжини кавляпти.

...Эрталаб. Ғала-ғовур.

— Урислар кечаси Уғридарадан чиқиб, Бойсун томонга кетишипти! Тўғайсари навкарлари билан Термиз йўлини тўсиб турган экан!

— Биз карвон билан тўғри Кофирун қишлоғига борар эканмиз. Уша ерга қўш ташлаб, жангнинг тугашини кутар эканмиз,— деди Тонготар.

Кеча тушган қор соҳилларни оқартириб қўйган эди. Наридега бетдаги ёввойи толлар булдуруқ боғлагандай. Тепада безовта қарғалар айланади.

Карвон оҳиста жилади.

Кечаси адирларда шамол эсанга ўхшайди: пастқам ерларда қор кўп, ўрқач тепалар яланғоч.

— Кофирун! Нега Кофирун?— сўради Қулмат.— Мулла, сиз шу томоннинг одами, сабабини биларсиз?

Қурбон «айлангари»нинг келиб чиқишига қизиқмагандек, бу номнинг ҳам тарихига қизиқмаганди. Бироқ Бойсундан атиги олти чақирим этакда жойлашган у қишлоқда мавжуд бир одат унга маълум эди.

— Халқнинг бир бўлаги ўликларини куйдиришади. Шунга назаран кофир-ун дейишганми... билмайман, ака.

— Ё қудратингдан! Ҳинду бўл-а!

— Йўқ, ўзимизнинг ўзбеклар улар ҳам.

...Адирлар.

Кеч тушди. Ҳувиллаган бир қўрага киришди. Тиниқ момо билан Ойпарча дарчаси ўрнига увада тўнни буклаб тиқиб қўйилган кулбага жойлашишди.

Тонготар эшик ташқарисида отининг кигизини тўшаб ётди. Бошқалар бостирмага жойлашишди.

Кофирун.

Узун кетган тошқалама деворлар. Қинғир-қийшиқ кўчалар. Икки ёнда — йўнғичқапоя. Ўтлаб юрган йилқилар. Сайхонлик адоқларида ровлаб ўсган яланг бутазорлар. Ҳар қадамда қорашақшақ учади. Олисида — уйлар, ўтовлар.

Сойдан чиққан карвон қишлоққа рўпара бўлганда, тўғридаги кўчадан келаётган тўрт отлиқ кўринди. Олдингиси Қиём экан.

— Салом алайкўм, энабой!— деди.— Қийналмай етиб келдингларми?

— Худого шукр,— деди кампир.— Сафарга чиққан одам қийинчиликни ҳам бўйинга олади! Қани, сен нима билан хурсанд қиласан бизни? Суюнчи берайми?

— Ҳамма иш кўнгилдагидек,— деди Қиём бошқаларга аланглаб.— Суюнчини ҳам оламиз, насиб бўлса!

— Улим қаерда?

— Уғлингиз Иброҳимбек, энабой, шу ерда десам ҳам бўлади. Бу ер билан Бойсуннинг фарқи йўқ... Бизнинг волидани кутиб олиб, энг катта бойнинг уйига опкиринглар, деб буюрганлар. Шунга, сизларни дурбинда кўриб чиқдик!

— А, бу қишлоқ тинч-ку?

— Тинч бўлади-да!— Сўнг ортиқча савол берилишини истамагандек отини четлатди.— Қулматбой, ҳайданг!.. Тўғрига! Мачитга етганда, шошилмайси.

Карвон жилди. Қиём четланиб, орқадан эргашиди. Қурбон унда бир сир, ташвиш борлигини сезиб, тўриқни унга ёндаштирди. Қиёмнинг кўзига тикилиб қараганди, у кўзини олиб қочди.

Қурбон уни таъқиб эта бошлади. Ниҳоят, Қиём хўрсиниб, ўзича: «Э, худойим!» деди-да, жиловни Қурбонга бурди.

— Мулла, сал секинланг.

— Хўш-хўш?

— Уф! Юрагим ёнаяпти.

— Нима бўлди, улар шаҳарга киришдимиз?

— Э! Бойсун ўзи яралишдан қўрган экан-ку!

— Бу гапингиз рост.

— Қоровултепа деган жойнинг пастигача қувлаб бордик... Қурғурлар шаҳарга кириб олишди. Тепада қизиллар ўтсочарларини ўрна-тиб қўйишган экан, тариллатиб қолишди-ку!.. Тумтарақай бўлиб қолдик. Жухўднинг гўржойиси деган ерга етганда Анвар пошшо билан Иброҳимбек гаплашишди. Нималар дейишди — бизга қоронғи, мулла. Ўзи Иброҳимбек тайсаллаб бораётган эди. У киши нима бўлса, лақайлар ҳам шу... Қисқаси, Иброҳимбек менга: «Арпалидан ўт, карвон Кофирун бораётган бўлса, Кўктошга қайтар!» деди-да, кетди.

— Кетди?

— Ҳа. Навкарлариям эргашиб кетди. Анвар пошшо хафа бўп қолди. Чоғимда, раиснинг айтган гаплари қор қилган экан... Яхши иш бўлмади, мулла! Пошшо ёлғиз қолди... Қўшини кўп-у, тўрт-бешта қўрбошилар ҳам бор, етти юз-саккиз юз одам. Бари бир-да! Иброҳимбек бўлганда бошқача эди!.. Энди, десангиз, менга: «Кампирни тўғри Кофирунга олиб келасан!» деб буюришди. Анвар пошшонинг ўзи айтди. Ҳазрат ҳам таъкидладилар. Ҳайрон бўп қолдим. Ҳозирги ишим учун Иброҳимбек менинг калламни олади... Йўлда уларга дуч келмапсизлар-да.

— Бехавотир деб этакдан эридик.

«Ана холос! Энди нима бўлади?»

— Ҳазрат қаердалар?

1 Сурхон-Шеробод чўлининг эски номи.

— Ҳозир кўрасиз...— Қиёмни Тиниқ момо чақирди.— Лаббай, энабой!

— Мулла йигитга айт. Бойсунда нима яхши нарсалар бўлади?— сўради кампир.

— Кўнглингиз тусаган нарса бўлади,— жавоб берди Қурбон отини олга ҳайдаб.— Бойсун косиблар, ҳунармандлар шаҳри... Ана, қизингиз ҳам яхши биладилар.

— Бе, қизим мендан айниб ўтирипти-ку. Ҳеч гапиргиси келмайди! Е Бойсунига яқинлашгани учун мени унутдими.

Қурбон Ойпарчага қаради. Унинг лабига билинар-билинемас синиқ табассум балқди.

Тор кўчага тушишди. Сал юрмасдан ҳамманинг диққатини девор ортидаги манзара ўзига жалб этди: ўттиз чоғли чопонли йигитлар бир чизиқда саф тортиб туришар, елкаларида милтиқ. Четда Али Ризо билан Дониёр афанди, Али Ризо алланарса деб бақирди, йигитлар дам ўнгга, дам сўлга бурилишди; шу асно бир-бирини туртишади ва бири ўнгга қараса, бири чапга қарайди.

— Сўла дўн¹— Али Ризонинг овози баралла эшитилди.— Уна дўн². Елинда со!³

Йигитлар турган ерларида депсиниб қолишди.

Девор тагида Турсун мерган ўтирган экан, араванинг шовқинини эшитибми, қаддини кўтарди. Бу ёққа қаради ва деворга бир қўлини тираб сакраб ўтди.

— Ассалом алайкўм, момо!

Қурбон мерганни бундай ҳушҳол кўрмаган эди.

— Алейкўм,— деди кампир.— Улар лой тепишдими?

— Ўзим ҳам тушунмайман!.. Сен яхши келяпсанми, синглим?

Ойпарча унга бир нима демоқчидек алланечук интилди. Қурбон девор ёқдан юрганда, юзини кўрган бўларди. Бироқ мерганнинг чеҳрасидаги сергак ифодадан билдики, қизда изтироб бор.

Арава ўтди. Мерган хўмрайганча Қурбонга боқди. Қурбон отини буриб, мерганнинг олдига келди. Мерган қандайдир беҳол тортиб, отининг жиловидан ушлади. Тўриқ пишқирди. Мерган Қурбонга кулимсиради.

— Эшитдингизми, Муртоз қазо қипти?

— Йўғ-э?

— Ҳа. Қилма — топарсан, дегани шу-да. Лекин тўриқни қўлга киритолмаганидан аламзада эди.

Мерган кулди.

— Балки бордир! Қўйинг, мулла!.. Бу ёққа қаранг. Томоша қилинг!

Қурбон йўнғичқапояга қаради. Қалпоқ кийган, патила соқолли киши сафдан чиқиб, Али Ризонинг қошига ҳаллослаб келмоқда эди. Етиб тўхтади. Оёқларини беўхшов қилиб, қоматини ростлади.

— Нечук ўқунг тегмади?— сўради Али Ризо.

— Билмасам. Ўзи тегмаяпти,— жавоб қилди қалпоқли.

— Сан Бухарада сарбаз эдин?

— Ҳа, жаноб олийлари! Аъло ҳазратга етолмай қолиб кетдим.

— Бухарада милтиқ отар эдин?

— Ҳа. Ҳар куни... Тушдан кейин растага бориб, тирикчиликни қилар эдик.

— Ўқунг нишона тегар эди?

— Йўқ.

— Нечук?

— Ўқсиз... дорининг ўзини отардик.

— Сабаб?!

¹ Ўнгга бурил.

² Чапга бурил.

³ Депсин (туркча).

— Уқни аянглар, дер эди қоровулбеги.
 — Вай-вай!
 — Ёлғон эмас.
 — Шўрлик Бухара!..
 — Мазами?— деди мерган.— Шулар Бойсунни олмоқчи, мулла!
 — Ҳим. Сиз ҳам ачинасизми Бухорога, амирга?
 — Мундай писмиқ гаплар сизга ярашмайди. Уларнинг бировиям мени қизиқтирмайди. Бу ердагилар эса... Турумиям — тутумиям йўқ. Ҳазрат ҳам ғалати эканлар. Ана, мачитда ваъз айтаптилар. Бир эшитинг!

Ёқа ушлайсиз!

«Нима деяпти экан? Анварнинг Кўктошда айтганларини такрор-лаяптими?.. «Урусия бостириб кирди», дейишни буюрганди. Пўлатхўжаев билан ёзишмадан кейин бошқача йўл тутиб кўрди, бўлмади...»

— Биз ҳам эшитайлик бўлмасам.

Мерган девор ортидагиларни кўрсатиб ишшайди. Сўнг бирдан:

— Бойсунга яқин қолдик. Кетмаймизми?— деди.

Қурбон унга совуқ қаради.

— Сиз ҳам ғалати одамсиз!— деди мерган ва деворга қўл қўйиб.— у ёққа сакраб ўтди. Кейин шарт бурилиб, шивирлади:— Кўп ишларни сиз бузиб юрибсиз... Мени билмайди деманг. Туркман билан гаплашиб қолдингиз, ҳе, чакалакзорда. Кейин у йўқ бўлди. Кеча уни ҳазратнинг бўзи устида кўрдим... Бойсунлик бўла туриб Ойпарчани излаб келишингиз ҳам бежиз эмас! Хўп дейверинг. Ўзи менга айтди...

— Хато қиласиз,— деди Қурбон.— Исботсиз гапиряпсиз!

— Э, исботни... кимга исботлайман, ука!— У бурилиб кетди.

Қурбон бадани музлаб отни ҳайдади. Масжидга етгунча ўзини бошиб олди. «Ҳар қалай ўтган ишларни Ойпарчага айтмаса тузук. Йўғасам ким билади... Шошма. У мени холис киши деб ўйлаяптими? Наҳот унинг махфийлар кимлигига ақли етмаса? Балки етсаям мени яхши кўрганидан... Умуман, менинг кимлигимни у исботлаб беролмайди!»

Арава ва навкарлар масжид муюлишида у ёққа қараб тўхтаб турар, у ёқда — майдонда оломон: ўтирган ким, турган ким. Чап томонда... масжид айвонида Эшони Судур, Анвар пошшо, Гўппонбой, турк мулозимлар, яна, катта кўк салла ўраган пакана киши (Қурбон уни илгаридан биларди: масжиднинг сўписи), тагин бўйи Турсун мергандан ҳам узун тўлдирма дўппи кийган йигит. Четда — кофирунлик бешолти чорвадор бойлар.

— Тушунмадингми, бўтам?— деди Эшони Судур пастга қараб кимгадир.— Содда болам-е! Бундай сўзларини олдин эшитмагансан-да? На чора!.. Эса такрор айтаман. Сўнгра бу гапларни қавм-қариндошларингизга етказинг. Токи муқаддас лашкари ислому унинг сардорлари ҳамда аъло ҳазратнинг ушбу чоғдаги фикр ва мақсадлари барчага аён бўлгай!.. Фарзандларим, бундай кунда орада сир қолмаслиги керак. Ўтмиш тўғрисида, иқбол-истиқбол тўғрисида ҳам очиқчасига сўзламоғимиз лозим!— Ҳазрат илҳом ва Қурбонга таниш (баъзи адолатсизликдан нолиган пайтларидагига ўхшаш) ҳаяжон билан давом этди.— Қуни кеча... яқин ўтмишда орангизда беклардан, айрим мулозимлардан, закотчилардан ёхуд ясовуллардан азоб чекмаган киши борми? Топилиши гумон!.. Оғир солиқлар жўнидан кўз ёшларингиз оққан дамларни мен билмайманми? Икки марта солиқларингни енгиллатганим ёдларингдами?

— Ҳа, ҳа!— овозлар чиқди.

— Балли!.. Ушбу қишлоқда Суюн Пинхосбойнинг ерида неча деҳқон тер тўкар эди? Икки юз! Балли... Ҳосилни ким олиб кетар эди? Ўша судхўр бой! Сойнинг суви кимнинг ерига оқарди дастлаб? Ўша бойнинг!..

— Тўғри, рост!

— Ҳақиқат деб чинқирсанг, эшитадиган одам топилмас, топилсаям

унинг қўлидан бир иш келиши қийин эди! Шундай... Энди, ниҳоят, бу ишлар оқибати аъло ҳазратга ҳам аён бўлди! Чунончи Бухорода эзилган халқ исён кўтарди!.. Ҳа! Эшитган бўлсаларинг керак! Мана, оқибатда аъло ҳазрат ватанни тарк этишга мажбур бўлдилар!.. У киши бундан хурсандми? Чуқур қайғуда! Эсларингга бордир Бойсун беги Ғозибекнинг иши?.. Эшитганмисизлар?

— Ҳа. Қувилган эди.

— Балли! Зиндон қилинган эди... Ким уни зиндон қилдирган эди? А?

— Сиз! Сиз, ҳазрат!

— Раҳмат... Шундоқ ишлар ҳам бўлган эди. Хўш, нима учун у зиндон қилинган эди? Аъло ҳазрат билганлари учун! Гап ана шунда! Демокчиманки, аъло ҳазрат кўп бадкирдорликлардан ғафлатда эдилар! Бунинг натижасини кўргач, ҳозир... чуқур қайғуда ўлтирибдилар! Хўш, бу гаплардан нима хулоса чиқади? Кўр хассасини бир марта йўқотади: эндиликда бу ишлар сира такрорланмайди, демокчиман!.. Аъло ҳазратнинг ваъдалари шу! Иккиламчи, мана, менинг ёнимда турган бу зот — Туркия Султонининг димоди, Бағдоддан халифа унвонини олиб, бошимизга тушган кулфатдан бизни халос этгани ҳиммат камарини боғлаб келган киши — Анвар пошшо ҳазрат олийлари бўладиларким, бу кишининг чуқур, ваъдалари ҳам ушбудир! Борингки, ҳозир Бойсунни қамал этиб турган лашкари исломнинг фидойилари ҳам шу мақсад ўти билан ёнмоқдалар! Шунинг учун, фарзандларим, тезликда навкарлар сафига қўшилингиз! Уларни озиқ-овқат билан таъминлашда бисотингизни аямангиз!..— Ҳазрат нафасини ростлаб олди.— Энди Шўроларнинг фирқаларнинг Бойсун ичидаги ва тошидаги айрим қишлоқ одамларига бераётган ваъдаларига келсак, улар — пуч, ёлгон ваъдалардур! Улар амирлик даврида қўйилган хато-нуқсонларни пеш қилиб, «биз унинг аксини яратамиз!» демоқдаки, нодонлар уларга ишонмоқда ҳам!.. Уларнинг мақсади — юртга эгалик қилиш.

Тўда жим, карахт.

«Ё, раббий!— деди Қурбон.— Мунча макр! Даҳшат!.. Олимжон ака рост айтган экан. Бу қария Иброҳимбекдан ҳам, Анвардан ҳам хавфли ёв! Бу тагин дин ҳомийси!»

Қурбон ўртаниб кетди: иложи бўлса ҳозир ҳазратни суриб қўйиб, ўрнига ўзи ваъз айтса. Ҳа, ҳар ким ўз қуроли билан курашади; ҳазратнинг қуролига қарши қурол керак ҳозир...

— У ёғини сўрасангиз,— деди ҳазрат кўпириб,— Шўро ваъда қилаётган тенгликни, адолатни ҳам шу йўлда топасиз: шу курашда! Мамлакат ўзимизники бўлгач, қамти фикрга келамиз. Ҳа, фарзандларим, ўтмишдаги хатолар кўзимизни очди!— Ҳазрат ўйланиб бирдан қўлини фотиҳага очди.— Панода пи зулмоти ло илло ҳа иллобло инна кунтум миная золимин! О-мин!

— Омин!— такрорлади йиғилганлар.

Ҳазрат ҳам фотиҳа ўқиди-да, ёнига қўл узатди. Қўк саллали сўпи унга қизил духобали китобни узатди. Майдон адоғида тик турганлар ҳам тез-тез чўка қолишди.

— Ғазавот йўлинда имон келтирдик!— Эшони Судур қуръонни олдинга чўзди.

— Такрорла! Қайтар!— чинқирди сўфи.

— Имон келтирдик!— такрорлади улар.

— ...расуллиҳи ва малойикату!— наъра тортди Эшони Судур.— Яъни, расулингга ва малойикаларингга!

— Расулиҳи ва малойика тихи — қайтарди оломон.

— Ва кутубихи!..

— Китобингга!

— Ва давраул қиёматина...

— Даври қиёматингга!

— Ба нияти ғазо!

— Ба нияти ғазо!

- Улган — шаҳид, ўлдирган — ғозий!
- Улган — шаҳид, ўлдирган — ғозий!
- Ол!
- Ол!

Оломон худди бировни дўппослайдигандек, ўтга-сувга шай ҳолда туриб кетди. Ғала-ғовур, шовқин, гап-сўз. Ваҳимали ҷидолар.

Эшони Судур бир қадам тисланди-да, юзлари қизарган, кўпчиган ҳолда арава турган ёққа қараб, қолди. Сўнг:

— Ана, ана!— деб хитоб қилди.— Сафимизга пошикасталаримиз ҳам қўшилмоқ учун келди, фуқаро! Кўринг буларни!— Қуръонни чап қўлига олиб, бағрига босганча, ўнг қўлини чўзди.— Кўринг! Кўктошдай жойдан етиб келишди!.. Бу киши — бу табаррук она — Иброҳимбек жаноб олийларининг волидаи муҳтарамаларидур! Сизларга, сизларнинг она-опаларинг, эгачи-сингилларингга ибрат бўлсин!.. Хуш келибсиз, муҳтарама эгачи!

— Хушвақт бўлинг!— деди Тиниқ момо. У ўзи тўғрисида бирдан бундай сўзлар айтилишини кутмаганми, шошиб қолиб, негадир фотиҳа ўқиди.

Вазият яна кўтаринки руҳ олди. Ғала-ғул!

Қурбон қотиб қолган эди: «Ана, Эшони Судурнинг кучи-қудрати! Маккор қария!.. Нотиқликда куч кўп! Динда ундан ҳам! Ё, раб, дин — қилич кучи билан бу ўтпараст кишиларга, ҳамон ўлигини куйдириш ёдидан чиқмаган, ҳамон аёллар шаклини лойдан ясаб унга топиниш одатини тарк этмаганларга сингдирилган дини ислом унга қанчалик ўрнашиб қолган-а?»

Бу дуолар, бу сирли сўзлар аслида ундан қанчалар йироқ экани ҳозир ҳеч кимнинг ақлига келмайди!

Ҳозир бу одамларга нима деб бўлади? Қандай қилиб кўнглини ҳазратдан қайтариш мумкин?

Бу гапларнинг аксиними?

Қийин...»

Ҳазрат супада тушиб, Тиниқ момога енгил таъзим қилди-да, четланаётган оломон орасидан майдон адоғида пешайвони девор оша кўриниб турган ҳовлига йўл тортди.

Арава ҳаракатга келди. Шунда Қурбон Ойпарчанинг ўзига алам ва ҳайрат тўла кўзларини тикиб турганини кўрди ва ранги оқариб кетганини тусмоллади. У от биқинига ниқтагани, супа четидаги Гўппонбойнинг овози эшитилди:

— Мулла!

38.

Қурбон отни тўхтатди. Гўппонбой тушиб келди. Қурбон ҳам энди оёғини узангидан чиқармаса бўлмасди.

— Ўзим чақирмасам қарамайсиз-а?— гина қилгандек деди Гўппонбой.— Қўрғонда одам одамни танимай қолди.

— Э-ҳа. Уними... Менинг эсимдан чиқиб кетди, оға.

— Оға,— деб такрорлади Гўппонбой.— Бу яхши... Хўш, сизга нималарни айтиб берай?

— Билганингизни,— кулимсиради Қурбон.

— Сиз ҳам пухтагинасиз! Мундай ваъзлар айтиш гали сизгаям келади... Аммо лекин ҳазрат уста! Оғзим очилиб қолди!

— Ҳазрат доно одам.

«Нимани кўзда тутиб, сизгаям гал келади, деди».

— Ҳа, айтмоқчи, сил касал бек шарманда бўп ўлди.

— Қайси?

— Ғозибек!.. Йўлда келаётсак, четда муштдек бўлиб ўтирипти. Ёнига кепмиз ҳам турмайди. Кейин билсак, қизчани бузган-у, ўшанинг қариндошлари раиснинг отрядида бор экан. Аллақачон Дониёр афандидан Ғозибекни сўраб олиб ҳам қўйишган экан, қозиққа ўтқазиб кетиштипти, қисталоқлар!

— Тавба! Муртоз акаям нобуд бўпти.

— Ҳар ким ўз қилиғидан топар экан.

«Мен нимадан топаман?— Шу савол Қурбоннинг миясига урди.— Пироварди, мен ҳам ўтаман-ку, бир кун... Наҳот шу йўлдан топсам? Йўқ. Мен ҳали истиқболни...— Хаёли чалғиди.— Ойпарча нега кампирдан совупти? Бойсунга келаётгани учунми? У келишни истамас эди-ку? Бояги қарашими ғалати... Лекин Қофирниҳон бўйида кўп ажойиботларни кўрди! Қурғур кампир, билиб айтган экан: Пўлатхўжаев, демак, буларгаям хиёнат қилар экан... Унинг асл мақсади бари бир қоронғи қолди-я? Ҳар қалай Анвар билади. Улар келишган, албатта. Шунинг учун Анварга «мени биласиз-ку», деди... Али Ризо вақтида отди!»

— Нимани ўйлаясиз?

— Шундай. Йўл азоби — гўр азоби, оға.

— Менга қаранг! Бир ёққа бормаймизми? Томошага!..— Гўппонбой Қурбонга синчков тикилди-да.— Йўқ,— деди.— Сизнинг ишингиз кўп. Бироқ менга ини бўлсангиз, бир ишончли одам топиб берасиз!

— Тушунолмадим. Саёҳат учунми?

— Саёҳат учун десангиз ҳам бўлади. Гап шундаки... четроққа чиқайлик.

Шунда майдон адоғидаги дарвоза оғзидагилар тўзиб қолишди. Кимдир ичкаридан чиқиб, уларни ҳайдади. Гўппонбой қараб ўзича илжайди.

— Оға, Иброҳимбек нега кетиб қолдилар?

— Эшитдингизми?

— Ҳа. Ҳайрон бўп қолдим.

— Ҳайрон бўлманг. Шундай бўлишини ундан кутиш мумкин эди. Лекин бунча тез, бу аҳволда кетишидан ўзим ҳам гарангман.

— Тўғайсари баҳодир қаерда?

— Бойсун этагида. Уям Иброҳимбекдан ҳайрон, ростини айтсам... Менинг гапим бошқа, иним!

— Қулоғим сизда.

— Қорнингиз очган бўлса, ҳали-замон овқатланамиз. Мени шошираётган гап бор... Хўш, лўндасини айтсам, Мулло Урганжий билан Эшони Судур ҳазратлари амирнинг хазина карвони билан Саримаст деган тоғдан ўтганларини биласиз?

— Ҳа.

— Ўша тоғда қизиллар билан отишма бўлган. Бир от йиқилган. Буниям эшитгансиз?

— Фира-шира.

— Мулло Урганжий ўлаётганда мен ҳам бошида эдим. Қисқаси, мана, Саримаст тоғига яқинлашиб қолдик... Сизнингча, ўша тиллоларни қизиллар териб олганми ё ерлик одамлар? Отнинг хуржунда бир са-ноч тилло бўлган.

— Шундайми?

— Шундай... Гап шулки, мен ўша тоққа бир чиқиб келсам. Лекин йўлини билмайман. Енимда биров бўлиши керак. Ишончли одам керак. Шу ишга ёрдам берсангиз...

— Ҳим,— Қурбон ўйланиб жавоб берди.— Бундай ишда сизга фалон одам ҳамроҳ бўлади деёлмайман, оға. Қалтис иш!

Гўппонбой ҳам ўйланди.

— Бу ҳадигингиз яхши. Лекин мен муҳтожман. Сўнгра бу гапни бировга айтиб бўлмайди. Тўғримми?

«Ажабо!— деди Қурбон ичида.— Наҳотки бу одам ҳам ўз йўлида — мол-пул йўлида кетса!»

— Хўш, қаердан топай ундай одамни? Қофирун Бойсунга яқин бўлгани билан одамлари менга унчалик таниш эмас!

— Сизга асл бойсунликларни ўзим топиб бераман. Бир оз сабр қиласиз.

— Хўп.

Гўппонбой шимолда чўққиларию бағри оқариб ётган Бойсунтоққа қараб олиб:

— Ҳали-замон Жабборбек келади!— деди.

Шу пайт пешайвонли иморат дарвозасидан шошиб чиққан Эшони Судур хўмрайганича масжид томон йўналди-ю, Қурбонга кўзи тушиб, таққа тўхтади. Худди уни излаб чиққандек хиёл бурилди. Қурбон ҳазратнинг ҳаракатини англаб, отни етаклаганича унга томон юрди. Йўлакай Гўппонбойга:

— Ҳозир, ҳозир,— деди.

— Кутаман!— Гўппонбой масжид соясига ўтиб, таъзим вазиятида қўл қовуштирди.

Ҳазрат билан Қурбон юзма-юз бўлди. Эшони Судур синиқ, титроқли кулимсиради. Сўнг чехрасига шошқин бир меҳр ёйилди. Ичида нимадир деб уни ўзича маъқуллаб бош ирғади. Қурбон қўлини кўксига қўйди.

— Келдим, пирим... Сўзларингизни эшитдим,— деди бошқа гап тополмай.— Ажиб гаплар айтдингиз!

Ҳазрат бирдан чимирилди.

— Бе! Юринг бу ёққа!

Қурбон ҳазратни олдинга ўтказиб эргашар экан, от жировини торти.

— Пирим, бир дақиқага,— дея у девор томон бурилди. Отни етаклаб келиб, ариқ бўйидаги тут танасига боғлади. Чопони ўнгирларини қоқиб, Гўппонбойга маъноли бош ирғаб ўтди.

Ҳазрат очиқ қолдирган эшикдан ичкарига — нимқоронғи масжидга кирди. (У бу ерда кўп бўлган.) Таниш устунлар. У ҳазратнинг изидан бораркан, тўрдаги баланд супа пастида гурунглашиб турган казозоларни кўрди.

Ҳазрат уларга яқинлашиб:

— Азизлар, бизни пошшо жаноблари билан холи қолдиринглар!— деди.

Қурбон сўнги устун қошида тўхтади. Улуғлар Анварга ва ҳазратга таъзим қилиб, нари эшикдан бирин-кетин чиқишди. (У ёқда ҳам айвон бор.)

Эшони Судур Қурбонга ўгирилди.

— Келинг, бўтам,— деди-да, Анвар пошшога чақчайиб боқди. Сўнг чуқур хўрсиниб, чакмони этагини кўтарганча супа лабига ўтирди.

Анвар Қурбонга қараб қўйиб, ҳазратнинг қаршисига ўтди.

— На сўз, тақсир?

— Бўлмади!— Ҳазрат бетоқат тўлғанди.— Қари байтал ёмон экан. Уғлимни топиб беринглар, деб аюҳаннос солди... Эрхўр! У дейман — бу дейман, ҳеч йўқки, жағи тинса! Охири,— У Анварга ҳолсизланиб термилди,— ростини айтдим. Кўктошга кетдилар, дедим... Сиз орқали қайтаришни ўйловдик, дедим. На чора, жаноб олийлари? У тушуниши керак! Ахир, бари бир Кўктошга боришдан ўзга иложим йўқ! Ҳозир унинг ёнида йўлга тушаман.

Анвар пошшо бир зум сукут қилди. Кейин ҳазратнинг ёнига аста ўтириб, унинг тиззасига қўл қўйди.

— Ташаккур, ташаккур!— деди.

Эшони Судур тўлиқиб, унга юзланди.

— Нима бўлди ўзи, жаноб олийлари? Менга аниқ айтинг! Наҳот унга лаънати Усмонхўжанинг ўша гапи шунча таъсир этган бўлса? Ахир бу умумий ишимиз эди-ку!.. Тўғри, биламан, ақли калта! Ўзим бўлай дейди. Лекин, бари бир... Хўш?

Анвар пошшо зах ерга тикилиб қолди. Кейин Қурбонга кўз отди.

— Бу ўғлон...

— Шогирдим!

— Даҳи шу ўғлан қилажак-да сизин ишларинизи?

— Шу, шу!— деди Эшони Судур ҳаяжон билан.— Мулла Қурбон ўғлим, бери келинг.— Бўш томонидан жой кўрсатди.— Утиринг! Сизга

буюк бир топширик бор! Савоб иш!.. Масъул иш! Ҳозир эшитасиз. Хўш, афандим?

— Маним назаримда,— деди Анвар,— ул бизга нисбатан Пўлатхўжанин руслара дутдиги йўлуни дутди!

— Нима?

— У бизи ағир везиятда ташлаб кетди, тақсир... Дўғри, у ёнимизда эса-да, Бойсунни олмагимиз мушкул эди. Бироқ унинг қилмишини шундай таъбир этиюрум: у ўзуни Шўроларга чўх яхши кўрсатмак ниятида қилди бу ишни. Уқдиниз?

— Унчаликмас.

— У маним ҳараб ўлушимни истаюр. Бу сизга маълум?

— Маълум!

— Энди у бу вазиятни шу мақсадни амала оширмакка энг ўнг вазият деб билди!

— Яна уқолмаяпман, афандим.

— Ман-да изоҳ этмакка қийналиюрум.

— Э-ҳа!— деб юборди бирдан Эшони Судур.— Демак, у бу босқинларда менинг ҳиссам йўқ, барига... Анвар афанди сабабчи, де-моқчи?

— Ташаккур! Ул нодон уқмадики, шўролар бу йўла инонмаюр! Сира! Пўлатхўжаевин Душанбедаги қилдиги иши вақтинчалик бир тадбир эди. Бирақ эътироф этиюрум, чўх натижа бермаги-да, мумкин эди... Энди шўролар бу тур сўзларга инонмас! Йўқ!.. У ҳатоя гетди... Бирақ, у дағи ўйлаши мумкин: Анвардан қасд олдим деб! Бу борада у ҳақ, тақсир! Энди, чўх муҳим бир ташвишим вар!— У тиззасига суяниб, яна Қурбонга қараб қўйди.— Ул жоҳил Гўктоша бордиги замон у яғи — Хоразима, бу яғи — Фарғоная мактуб битмасми? Сабабким, биз ҳазир ағир аҳвалдамиз: қизиллар биза ҳужум этса, биз дарҳол яксон этилиюрмиз. Дўғри, алар буна ҳазир тайяр эмас. Белким журъат эталмас... Дағи шубҳам вар: Ибраҳим Пўлатхўжаеве ўхшаб Бойсуна мактуб битмасми?

— Йўғ-э, наҳотки? Ахир, у сизсиз... оқибат бир иш қилолмаслигини биледи-ку? Бу унга кундай аён. Нуриллахон ҳам уқтириб кетдилар! Йўқ! У бундай қилишдан қўрқади: амирдан қўрқади! У амирни ҳурмат қилади, унинг сўзидан чиқмайди.

— Эса ҳайрон эриюрум!

— Уша гап: Пўлатхўжаевнинг гапи унга ёмон таъсир этган. Балки у бу гапни амиргаям етказар?

— Ҳа-а!— Анвар ўрнидан ирғиб турди. Икки қадам юриб тўхтади.— Пўлатхўжаев ила алақа бағлашимиз-да, эмирни ҳайрон этиюр... Устина бу гап қўзғалса, сўзиниз рост...

— Охирги сўзи нима эди?

— Бу гурашдан натижа чиқмаяжак. Ман навкарларими омон сақлашим керак, деди.

— Унда ҳаракатининг маъноси тушунарли эмасми?

— Бизи ташлаб гетди-ку!

— Э-ҳа... Лекин афандим, бу ерда ётишдан фойда камлигиям рост.

— Энди чекиниб ҳам бўлмаяжак... Биз ҳарҳалда ҳазир қулай везиятдами? Бойсун қамалда!.. Агар ваъда эдилмиш қўшинлар етиб гелишса, марра бизики! Хўш, Бойсуннинг гунчиқар тамани очиқ. Ман уни-да, беркитиюрум.

— Бу яхши гап.

— Қисқаси, ҳазрат, бу сўзлардан фойда аз!

— Оз-оз! Мен йўлга отланай!

— Денг уна: Энвер паша юлбашчиликни сана тапширажак, денг.

— Уф! Ахир, сиз ёрлиқ билан...

— Ҳазрат!

— На чора.

— Сўнра эмирнинг мактубини-да уна верин.

— Йўқ-йўқ! Нималар деяпсиз? Йўқ!

— Ҳазратим! Маним қолдиги ҳаятим гарава қуюлмиш! Улсам бунда ўлуярум. Қалсам, бахтим... Сиз ўйланманг! Биз эхтият чараларини-да кўруб қўюрмиз.

— Бари бир...

— Ҳазрат, дағи у эмир ила сўзлашса, мактуб ҳақинда-да сўз бормасми? У ҳолда сиза-да эмирни ишанчи камаюр. Дўғримми?

— Уф! Тўғри!— Эшони Судур чуқур хўрсиниб, Қурбонга сўниқ жилмайди.— Шунақа гаплар, бўтам... Ҳа, афандим! Мен ўрнимга худди мана шу шогирдимни қўйиб кетаман!— У яна Қурбонга юзланди.— Одамлар келяпти... Аксари жоҳил! Чет қишлоқлардан. Уларни йўлга солиш керак, бўтам. Ҳозир энг муҳим иш шу!.. Боя сўзларимни эшитдингизми? Балли! Уша сўзлар — сўз!— Эшони Судур ўйланиб, аста қўзғалди. Гангиб, супага чиқди. Тўрдаги сандиқ устидан духоба жилди китобни келтириб, супа лабида тўхтаганча Қурбонга тутди.— Қасамёд этинг, ўғлим... Бу сизга ишончсизликдан эмас. Лекин керак. Замон тақозо қилади!.. Умуман, биз ҳаммамиз онт ичишимиз керак!

Қурбон ерга тиз чўкди.

— Нима дей, пирим?— Вужудига ҳаяжон кирди: «Наҳот бу сирли китобдан шунчалар қўрқаман?»— Айтинг, пирим!

— Онт ичинг. Олло таоло олдида. Менинг олдимда. Мана, сардоримиз — бахтимиз Анвар афанди олдида онт ичинг: то абад бизга содиқ бўлиб қоласиз!

— Қоламан! Содиқ бўлиб қоламан,— пичирлади ва ҳазратнинг ҳамма гапларини такрорламаганини ичида қайд этди.— Содиқ қоламан, деди яна.

— Қўлингизни қўйинг.

Қурбон китоб четига қўл учини қўйди. Сўнг бўйнини чўзар экан, қалтираб кетди: «Худо, ўзинг кечир! Булар ёлғончи! Кўриб турибсан,— деди ичида.— Бари муртад одамлар! Шу ерда — сенинг уйингдаям ёлғончилик қилишди... Халқни ўйлайди-ку Шўро?»

Булар ёлғончи — халққа бўҳтон ўқишяпти. Мадрасаларда от боғланди, деган гапларни ҳам тилга олишган... Олло, ўзинг кечир!»

Қурбон қуръонни ўпишга мажбур бўлди. Кейин кўнгли негадир бузилиб кетди. Ерга қаради ва бирдан хотиржам бўлди.

Эшони Судур китобни сандиқ устига қўйиб қайтди. Пастга тушди. Анвар иккаласи бир-бирига рўпара бўлиб қолишди.

— Э, тангрим!— деди ҳазрат.— Худо сизга ёр бўлсин!

— Эсон-омон бориб келинг,— деди Анвар ва иккиси ҳам бир вақтда бир-бирига қучоқ очди.

Қурбонга бу ҳолат таъсир этди: «Инсон йиғлайди! Ёмон иш учун ҳам, яхши иш учун ҳам. Бировнинг ёмонлиги бировга яхшилик, бировнинг яхшилиги бировга ёмонлик. Ажаб дунё экан-да!»

Ниҳоят, ҳазрат Қурбонга:

— Юринг! Мани кузатиб қайтасиз! Сизга тағин бир-икки насиҳатим бор,— деди.

Анвар турган ерида чапак чалди. Эшикдан турк мулозим мўралади.

— Атлар шайми?

— Шай, афандим! Назир афанди галсин?

Анвар пошшо ҳазрат билан Қурбоннинг изидан:

— Назир афанди қалади!— деди.— Ўғлан санин қашинда бўлаюр. Қурбон таъзим қилди.

«Назир афанди. Термиз милициясининг нозири. Қиём «туядек» деган киши. Ҳали айвонда туриб эди.— У жилди.— Ажаб! Қурбон, энди сени ҳимоя қилишади. Қимлардан?»

— Бўтам,— деди Эшони Судур кетар экан.— Бойсунликларга инонманг. Эҳтиёт бўлинг! Пўлатхўжаевнинг отрядини бузган — ўшалар!— У бурилиб тикилиб қўйди.— Улар шаҳарда Шўронинг нималигини билган. Эҳтиёт бўлинг. Гаплашганда ҳам!

Қурбон:

— Хўп,— деди ва фавқулодда ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Шу асно Гўппонбойнинг ҳали «асл бойсуликларни топиб бераман!» деганини эслади. Сўнг унинг охирги гапи ёдига тушди: «Жабборбек келди!» Хаёлот қизиқ. Ҳислар занжири қизиқ: бирини бири қўзғайди: Қурбон Ойпарчани эслади. Юраги увишиб, бирдан ҳазратдан сўради:— Пирим, кампир кетар бўлса, Рамазонбойнинг қизлари ҳам кетадими? Айвонга чиққан Эшони Судур мийиғида кулди.

— Шаддод экан қурмағур. Кампир билан айтишиб қолди. Кўктошга бормайман. Унда нима бор менга деди! Ҳа!— Сўнг Қурбонга майин, сирли тикилди.— У қолади. Мен Абрайқулбойга айтаман. Яхши қарайди... Сиз ҳам хабар олиб туринг.

— Хўп, пирим!

— Насиб бўлса...— Ҳазрат у ёғини айтмади. Ичидан чуқур хўрсиниқ чиқди. Шошиб:— Отни мининг!— деди.— Бизнинг улов қаерда экан?

— Анавилар...— Қурбон чап томонга икки салт отни ушлаб турган Қиём билан навкарларни кўрсатди,— эмасми?

— Худди ўша!

Қурбон айвоннинг бу томонига юриб, супадан тушди. Тўриқ пиш-қириб, туёқларини ерга урди.

Бу пайт майдон адоғидаги дарвозадан «чайлали» отарава чиқиб келар, унда ёлғиз ўтирган Тиниқ момо кимгадир нимадир деб вайсар эди.

Қурбон тўриқни ечиб минди.

Гўппонбой у ёқдаги айвон четида турган экан.

— Ҳазратни кузатайлик,— деди Қурбон.

Анвар пошшо ҳам шу ерда, у Назир афанди ва кўк саллали сўфига ниманидир уқтирмақда эди. Қурбонни уларга кўрсатиб, табассум қилди. Қурбон ўзи ҳақида гап бораётганини англади. Масжиднинг нари томонидан бодомгулли саманга минган Эшони Судур навкарлар қуршовида чиқди.

Қофирун ёқасига етганларида ҳазрат саманни тўхтатди. Қурбон сакраб тўриқдан тушди. Жиловни Гўппонбойга бериб, ҳазратнинг ёнига келди. Пир энгашиб, унинг манглайдан ўпди-да, шошиб шивирлади.

— Гўппонбойга ишонманг. У бир нарса ундираман, деб юрипти. Йўғасам, аллақачон кетиб қоларди!— Чол ширин бир гап айтгандек қаноатланиб, бошини кўтарди-ю, юзи бирдан тундланди: ичида ёнган ўт уни қорайтириб юборгандек эди. Ғамли хўрсиниб, олға жилаётган арава изидан қаради. Сўнг жиловни кескин бурди, саман айланиб кетди. Ҳазрат эгар қошига тиралиб, Қурбонга ўйчан тикилди. Кейин овози қалтираб:— Қадамжолар тўғрисидаям сўзланг,— деди кутилмаганда.— Ёилдингизми? Авлиё-анбиёлар қабрини оёқ ости қилишмасин!

— Ким?

— Ким... Ҳар ким! Айнаганлар озми ҳозир!— У қаддини кўтариб чуқур нафас олди: чамаси у муҳим гап айтмоқчи, бироқ айтолмай, иккиланаётгандай эди.

Қурбон унга «йўл очди»:

— Агар кофирлар оёқ ости қилмаса...

— А-а!— Эшони Судур яна пасайди.— Масалан, Хўжайипок отани. А?

— Ҳа, пирим.

Хўжайипок ота¹ ҳазратнинг суюкли авлиёларидан. Ҳазрат ғорда жойлашган авлиё қабрини зиёрат қилишдан ҳам кўра, қабр пастидан отилиб чиқаётган гугуртли сувда ювиниш, соҳилда ўйчан кезишни

¹ Нақл қилишларича, бу ўлка одамларини мусулмон қилиш учун еттига араб саркардаси келган ва шу ерда дафн этилган: Хўжабулғон, Хўжасурхўш, Хўжаулкан, Хўжайикон, Хўжасултон, Хўжагургур ва Хўжайипок.

хуш кўрар, агар ғорга кирса, соатлаб чиқмас эди: у кишининг зиёратини бузмаслик учун ҳеч ким бу ерга йўламасди.

— Халққа уқтиринг, кўз қорачигидек асрасин!.. Хўжайипок ота мозори Бойсунга яқин! Мен у жойни...— Ҳазратнинг кўзида ёш ҳалқаланди:— Бўпти, эсон-омон дийдор кўришайлик!

У яна энгашди. Қурбоннинг манглайдан ўпди. Қурбон ҳам интилди-ю, бўйи етмади. Сўнг пешанасини сийпаб ҳазрат билан бир умрга хўшлашаётгандек туйди ўзини.

Эшони Судур саманни шитоб билан қайтариб, қамчи босди. От елиб кетди..

— Биз билан хайр-хўш қилмадилар ҳам,— Гўппонбой жиловни Қурбонга тутди.— Олинг бунингизни.

Қурбон тўриқни минди.

39.

...Дарвоза оғзи. Ойпарча.

Қурбон уни кўриши билан қизнинг ёлғиз эканини... бу ерда, балки ҳаётда, умуман, ёлғиз эканини ҳис қилди. Қалбидаги унга интилишга чуқур бир ачиниш ҳисси ҳам қўшилди. Кейин унга нисбатан ҳурмат туйди, кейин ғайритабий ҳадик. Отдан тушиб, рўпара бўлди.

— Кузатдингизми?— деди у паришонхотирлик билан.

— Ҳа,— Қурбон унинг нима ўйлаётганини билмоқ учун юзига тикилди: бунча сўлғин? Оқ... Аммо сўлғинлик унга нечоғлиқ ярашар экан. Илгари у инсон, тирик вужуд эди, энди фариштанамо тусга киратгандек.— Мени кутдингизми?— кулимсираб сўради.

— Билмасам кимни!— деди у бирдан.

Қурбон иқрор бўлди: қиз уни севади... ёки унга суяниб қолган.

— Раҳмат,— деди Қурбон.— Хурсандман... ниҳоят, иккимиз қолганимиздан хурсандман, Ойпарча...

Қиз майин жилмайди. Лекин шу заҳоти хўмрайди.

— Сиз ҳозир нимани ўйлаяпсиз?— деди хўмрайиб.— Бепарво кўринасиз. Нима қилиб юрибсиз ўзи?

Қурбон ҳам жилмайди.

— Мен элнинг бириман, Ойпарча. Бу оламда, менимча, буюк ишлар қилиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Бироқ, ҳар ким нимадир қилади. Мана, сиз ҳам юрибсиз... Демак, сиз ҳам нимадир қияляпсиз. Тўғрими?

— Гапирманг!— Унинг лаблари титради. Кўкатларга боқди.— Мен уйини, йўлини йўқотиб қўйган бир... капалакман.

— Ҳай-ҳай!

— Бу ёкқа киринг.

— Бизга ҳеч ким...

— Биров билан нима ишингиз бор!— Шундай деб, кўзларини аланг-жаланг қилаётган тўриққа қаради-ю, тисланди.— Одамхўрга ўхшайди бунингиз.

— Рост. Битта отхўрнинг бошига етдиям.

Қиз, фавқулодда қизиқ нарса топгандек отга тикилди. Кўзларига меҳр инди.

— Жонивор. Шунинг тилсиз бўлганиям яхши.

— Ким билади.

— Яхши!— деди Ойпарча жаҳл билан.

— Хўп-хўп.

Ойпарча йўналди-ю, Қурбонга қарамай тўхтади. Йигит унинг чуқур хўрсинганини сезди: «Нима қилишини билмаяпти, чоғи Мен нима қилай?»

Қиз бурилди.

— Мен сизга ўрганиб қолган эканман.

— Лекин оз сўзлашдик...

— Сиз қаердан биласиз?— у яна пастлади.— Мен... хаёлимда сиз

билан кўп гаплашдим, Қурбон ака. Ҳа... Айниқса... У пешонасини ушлади.— Нимага мундай, а, булар? Ҳаммаси? Ҳазрат ҳам? Ҳали гапларини эшитдингиз-ку? Шу гаплар рост гапларми? Ёлғон! Уларнинг мақсади аён-ку? Халқни ўйлашми?.. Тавба! Амални ўйлайдику булар?!— Тағин Қурбонга боқди.— Қуляпсиз-а ичингизда, махфий одам? Қипқизил одам! Айғоқчи!.. Гапирманг! Биламан!

— Хўп-хўп.

— Хўп дейсиз шунақа... Йўқ, Қурбон ака. Нимага мундай?

— Нима?

— Гўр, ер! Очиқ лаҳат! Ҳамма нарсани кўриб туриб!.. Ё сиз ҳам шулар сафига ўтиб олдингизми? Айта беринг. Балки хурсанд бўларман... Йў-ўқ, сиз ўтмайсиз! Ичингизда гап кўп!.. Менга қаранг, хў ёнғоқ остида менга очиқ-очиқ гапирган эдингиз! Ҳаяжон билан гапирган эдингиз! Сизга ҳавасим келган эди. Қани, бу ишлар тўғрисидаям гапиринг-чи!.. Майли, шу ерда тура берамиз. Кўрганлар кўрсин!— У эшик табақасига суянди.— Хўш?

Қурбон хўрсинди: нима десин? Қандай тушунтирсин қалбидан ўтаётган нарсаларни? Дарвоқе, ҳали улар тўғрисида ўзи ҳам ўйлаб, мулоҳаза қилиб олганича йўқ...

— Гапирмайсизми?

— Ойпарча, нима дей? Ҳаммаси аён. Мен сизнинг айтган гапларингизга қўшиланман!— Йигит қизга ўткир тикилди.— Бор гап шу! Қолганини кейин гаплашамиз.

— Қачон «кейин?»

— Қачон... Ҳим, ишлар бир ёқли бўлсин... Лекин унгача сиз бу ерда тураверасизми?

— Нима қилай йўғасам? От сўрайми ё мен ҳам?

— Йўғ-э. Менимча, Бойсунга боришни ўйлаш керак.

Ойпарча чимирилиб ерга қаради. Бу ўй қизнинг кўнглида йўқ эмас.

— Ҳа-да!— деди Қурбон уқтириб.— Майда-чуйда гап-сўзлар нима деган нарса!

— Бас.— деди Ойпарча. Кейин жилмайди.— Ўзлари-чи? Бойсунга қайтиш ниятлари йўқми?

— Мен...

— Хўш? Сизни деб келдим, дегандингиз, а? Мен Бойсунга кетаман десам, кетадиларми?

— Нега кетмас эканман?.. Лекин ҳазрат Кўктошга кетдилар. Сабабини биласиз... Уринларида мен қолдим!

— Сиз?! Нима қиласиз?

Қурбон кулди.

— Ҳали ҳазрат айтгандақа гапларни такрорлашим керак! Маъқулми?

— Сиз-а?

— Мен.

Қизнинг кўзлари пирпиради.

— Уят.

Қурбоннинг юраги зирқираб кетди.

— Сиз... нимани истасангиз, шу бўлади!

Ойпарча хўрсинди.

— Менга Шўронгиз ҳам ёқмайди, булар ҳам!— деди.— Лекин Шўро халқни ўйлар эди. Булар ўзларини ўйлайди... Шунини эътиборга олса, албатта, Шўро тузукроқ... Аммо у ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборди-ку!

— Сиз ўша ҳаёт абадий қолишини истайсизми?

— Нега истамас эканман.

— А-а. Сиз, албатта...

— Бой қизи. Бойбича. Хўш-хўш?

— Йўқ, Ойпарча! Ундай демайман... Сиз ҳозир ўртадасиз: ўзингиз ҳам айтдингиз... Уртадасиз!— Шунда шодумон бўлиб кетди.— Ба-

мисоли қил кўприқдасиз! Дарвоқел!— у ҳушёр тортди.— Мен ҳам...
Ҳаёт ҳам. Кўприқнинг у ёғи... жаннат, демак! Биз ўртадамиз, тўғ-
рими?

Қиз унга анқайиб қолди. Кўзларидан маъно йўқолган эди. Қурбон
алланечук қўрқиб сўради:

— Нима бўлди сизга?

У бошини қимирлатди.

— Ҳеч нарса.

— Айтинг.

— Кейин, кейин...

Ойпарча рўмоли учларини елкасидан олиб, қайта ташлади ва Қур-
бон унинг масжид томонга тикилиб қолганини кўрди.

Масжиднинг у томонига тўғри кетган кўчадан тўп-тўп пиёда одам-
лар келишар, атрофида соқчи навкарлар, муюлишда турган Назир
афанди бу ёққа қараб-қараб қўярди.

— Ойпарча, мен боришим керак.

— Майли-майли.

— Шу ердаман. Қеламан. Турсун мерган қаердайкин?— У жилов-
ни тортиб, узангига оёқ қўйди. Эгарга ўтирмасидан тўриқ юриб кетди.
Қурбон қизга жилмайиб қўйди.

40.

Назир афанди Қурбонни қўлтиқлаб супага бошлади. Унда Гўппон-
бой билан қизгин гаплашаётган баланд бўйли, ияги тўртбурчак, калта
соқоли ўзига ярашган, тулки телпакли йигитнинг қошига етишгач:

— Мана шў киши гаплашади халқ билан,— деди.

— Бўри тўра бўламан!— деди телпакли.

Қурбон унга ер остидан қаради: «Бўри тўра!.. Сойбўйининг оқсо-
қоли. Шунча кундан бери кўрмагандим-а, бу ялтоқни! Телпаги Жаб-
борбекникидан экан».

— Булар қаернинг одамлари?— Қурбон шундай деб, пастдан ўта-
ётганларга қараган эди, бир нечасини таниди. Беихтиёр қизариб кет-
ди: уларнинг ҳам кўзи Қурбонга... тушди. «Кимлигимни билишдими-
кан? Йўқ, албатта.

Анави... Хуррам оқсоқол... Ўша киши. Еб қўйгудек бўлиб қараяпти.
Униси... Норхўроз! Қаердан қўшилишди буларга? Бу иблис Бўри тўра
Сойбўйига бориб келишга улгурдимиз дарров? Йўғ-э!

— Анави Азим сўпи! Белида дўмбираси!.. (Эшниёз билан қўрғонга
бориб, Шўрога ўтган йигит.) Униси... Усмон косиб-ку? (Шоди арава-
каш билан Чинорга чиққан киши). Униси...»

— Нима-нима?— деди Қурбон Бўри тўранинг сўзини эшитмай.

— Атрофдан қўлга туширдик!— деди Бўри тўра.— Бир нечаси тоғ-
дан. Уларни яхши биламан... Фитначилар. Бу ёққа келишдаям кўп
тайсаллашди.

— Қайсилари?

— Ҳе, пакана билан сўррайган йигит. Тоға-жиян. Уларни яхши
биламан!

— Ҳим.

— Анави судралиб келаётган тузук одамга ўхшайди. Қорача. Кўзи
жонсарак.

— А-а...—«Усмон косиб. Қўрғонда кўп бўлган. Қим билади...»—
Жабборбек — Қурбон Гўппонбойга ҳам қараб олди,— ўша ёқда қолди-
ларми?

Бўри тўра беўхшов ҳаракат билан бошини ушлади.

— Ҳе, домилла.— деди паст овозда ва фотиҳа ўқиди.— Жойлари
жаннатда бўлсин!

— Нима бўлди?

— Айтгилиги йўқ...

Қурбон яна пастга қаради: Ҳорғин одамлар. Ҳа, аксари Бойсун-
дан. Мени танишди... Норхўроз ҳам. Нима деб ўйлашди экан? Емон

хаёлга борма, Норхўроз ака, мен ўзгарганим йўқ. Лекин сенга қандай тушунтирай?— Шунда Қурбон ҳали-замон улар ўртасида ваъз айтишини эслади-ю, аъзойи-бадани титради: «Нима дейман? Рост, ҳазратнинг гапларини қисман такрор этаман. Кейин?.. Хуррам акалар қараб туради-я! Ушанда нима деган эдинг, дейишса! Бироқ тўғри гап... Улим.— Қурбон Назир афандига зеҳн солди.— Бир мушт урса, ўлдиради. Турсун мерган қаерда экан?— У аланглаб, айвоннинг у бошида Дониёр афанди билан турган мерганни кўрди.— Ўзи, навкар кам...»

— Майдонга ўтишаяптими?— сўради Қурбон Назир афандидан.

— Ҳа. Гаплашиб оласиз. Кейин овқат берамиз!

— Барининг силласи қуриган,— деди Бўри тўра.— Лекин ишонмаслик керак буларга, домилла.

— Ҳа-ҳа.— «Гапирганимда Ойпарчаям эшитиб туради-да? Гапни қандай бошласам?.. Савол-жавоб қилсам-чи? «Очиқ сўзлашайлик. Орада сир қолмасин», деганди. Мен ҳам шундай қиламан. Ишқилиб, тушунарли қиламан. Аммо...— Қурбон яна бир тўхтамага келолмай, жаҳли чиқиб кетди, одатдагича.— Ушанда маълум бўлади-да!»

Одамларнинг охири ўтарди. Усмон косиб қора тик чопони этагини босиб йиқилоб кетаёзди. Ўзини ўнглаб:

— Ассалому алайкўм!— деди тепадагиларга.

Ўтгувчилардан салом бергани шу эди. Қурбон унга тик қаради ва қорачиқларида сирли бир ифодани уқди.

— Шу-шу,— Қурбонга ёндан шивирлади Гўппонбой.— Бўладими? Танийсизми?

— Ҳа!— деди Қурбон бирдан.— Чақиринг уни!— Сўнг бурила солиб, масжидга кирди. Бурчакка ўтиб, титраётганини сизди. Юраги устига қўл қўйди.— Худо, ўзинг қувват бер! Ҳамма ишни кўриб турибсан... Ҳали сенинг олдингда тўғри гапирман, деб онт ичмадимми? Юрагимням сезиб турибсан-ку?...— У анча хотиржам тортди.— Айтмоқчи, Жабборбекка нима бўпти?... Қандай? Жангдами? Сувдан қуруқ чиқадиган йиғит эди. Ушани... Гўппонбой билан Саримастга юбориш лозим эди. Гўппонбой тиллани топса, бари бир Жабборни гумдон қиларди... Бу шерикчиликни ёмон кўради. Айтмоқчи, тиллаларни ким олган ўзи? Йўқ, Гўппонбойга ишончли кишини қўшиши керак».

Эшикда энкайгаң Усмон косиб, изидан Гўппонбой кирди.

— Ассалом алайкўм,— деди Усмон косиб яна ва оёғидаги лойга беланган кавушини ечиб, заҳ ерга оёқ босди-да, Қурбонга таъзим қилди.

Гўппонбой эшикни ёпишга улгурмай, Қурбон:

— Ога, сиз анавиларга қараб турунг. Мен бу одам билан икки оғиз гаплашиб олай,— деди.

Гўппонбой маъноли ишшайиб тисланди. Эшик ёпилиши билан косиб:

— Огажон, сизга улардан салом,— деб шивирлади.— Мени Олимжон ака юбордилар... Атай булар тўпига қўшилдим. Жугутнинг гўржойисида йиғилиб туришган экан. Бузоғимни излаб чиққанда шаҳар сиртида қолдим, дедим. Ишонтирдим. Мени биласиз-ку.— Қурбон уни биларди: отаси раҳматли Чори косибнинг дўсти эди. Чори косиб қазо қилганда йигирмаси чиққунча уйдан оёғи узилмаганди.— Буларнинг режаси қандай? Иброҳимбек нега қайтиб кетди? Улар ишонмай туришипти. Нимагаки Иброҳимбекнинг ўзи «Шўрба ёмонлигим йўқ» деб бир йиғитни жўнатган экан... Шунини билиб кел дейишди... Эгри ариқ очик!

— Мен тўғримда ҳеч нарса дейишмадимми?— Қурбон шундай дегач, буни ҳар қалай синаши лозимлигини эслади.— Агар гапларингиз ёлгон бўлса!..

— Олти боламга оталиқ қилмай, огажон... Улар ҳам шу нарсани менга тайинлашган эди... Ишонинг! Улар сиздан хурсанд: раис тўғрисида Қарим ака айтдилар. У киши Бойсунда. Эшони Судурнинг бўз отини опқочган эканлар. Эски от ўғриси-да, ўрганган кўнгил...

— Бўлди!— деди Қурбон.— Менга... хусусан менга тегишли гап борми?

— Узига эҳтиёт бўлсин, дедилар.

— Бошқа гап?

— Йўқ... Мен кетаман.

— Кетишни ўйламанг. Иброҳимбекнинг Кўктошга кетгани рост. Лекин у душман... Яна бир гап...— Қурбон боя ҳазрат билан гаплашаётганда ушбу нарса тўғрисида ўйлабмиди? Бироқ ҳозир унинг тилига «Хўжайипок» сўзи келди-ю, ҳазрат авлиё қабрини икки марта тепасида туриб суватгани, ҳатто қўлини лой қилганини хотирлади. Усмон косибга уқтирди:— Олимжон акага айтинг, Хўжайипок отағорига... Шошманг. Балки қасам ичарсиз?

— Ҳой, олти болам... Вақт зиқ. Наҳот менга инонмасангиз? Сизга яқинлашай деб анавиларга қанча хушомад қилдим. Агар...

— Ёлгон айтаётган бўлсангиз, у дунё-бу дунёнгиз куйсин.

— Куйсин.

— Уша ғордаги авлиё қабрига эҳтиёт бўлсинлар. Ҳазрат у ерга муҳим бир нарсани кўмган...

— Вой, қабрни кавлаб-а?!

— Ҳа. У кишига мумкин: шариат йўл беради.— Қурбон табассумини яшириб, эшикка қаради.— Сиз ҳозир Гўппонбой билан бир ёққа кетасиз. Саримастга!

— Нимага? Мен ахир...

— Қайтишда Бойсунга ўтасиз.

— Ким у Гўппонбой?

— Ҳозирги одам. Йўқ, шундай қилингики, йўлда бу сафарларинг қўрғонга маълум бўлсин. Иложи бўлса, орқаларингдан одам борсин. Гўппонбойнинг ишончини қозонинг.

— Хўп. Қандай мақсадда?

— Узи тушунтиради.— Қурбон яна эшикка қараб олди.— Усмон ака, анави одамлар қалай? Қайфияти қалай?

— Емон! Зўрға келишяпти. Бари қочиш пайида. Зўрлаб опкелишди-да, буларни. Тоғдан ҳам уч-тўрт киши Бойсунга кирмоқчи бўлиб келаётган экан, қўлга тушиб қолишди бечоралар! Аммо Шўро тарафидаги одамлар. Билдим!

— Ҳим... А, Жабборбек деган учрамадими?

— Э, у ўлди! Рамазонбой пичоқлаб ўлдирди. Худо ҳаққи! Бой қизини тоққа қочирган экан... Уни шу одам опқочган экан. Биз билмас эдик. Бой тоғдан келаётган экан. Тўғайсари деганга йўлиқди. Кейин бизнинг олдимизга келди. «Жабборбек ким?» деди. «Мен!» деб чиқди у. «Сени излаб юриб эдим», деб бой қучоғини очди. Жабборбек ҳам уни бағрига олди... олди-ю, дод деб юборди. Шу. Кейин Бўри тўра билан навкарлар бойниям уриб ўлдиришди.

— Э, бой ҳам ўлдими?

— Ўлди...— Косиб фотиҳа ўқимоқчи бўлди-ю, қўлини сийпаб қолди.

— Сиз ҳозир...

Эшик очилди. Гўппонбой.

— Келинг,— деди Қурбон.— Билиб танлагансиз, оға.

Гўппонбой ўлжаси устига келиб қўнган бургутдек Усмон косибнинг қошига келиб, елкасига қўл қўйди.

— Яхши,— деди яланиб.— Ўзим хурсанд қиламан кейин сени...

— Хизматингизга ҳозирман!— деди косиб.

— Сизларга оқ йўл.. Ҳозир кетасизми?

— Албатта!

— Яхши.

— Гапни тушунтирдингизми?

— Ўзингиз аста-секин тушунтирасиз.

Гўппонбой талтайиб жилмайди.

— Қуллуқ, иним.

Эшикда сўфи кўринди.

— Тақсир, халқ тайёр.

Қурбон бош ирғади-ю, яна титрай бошлаганини сезди: «Нима деб бошлайман? Худо ўзинг қўлла... Э-э! Бир бошга бир ўлим! Йўқ. Мен эҳтиёт бўлишим керак. Бироқ, бундай бўлишини Олимжон ака бил-масди-ку? Тушидаям кўрмаган. Ҳозир менга нима маслаҳат берган бўлардилар? Битта одамнинг ҳам Шўрога ўтгани ҳарна, деб тургани-мизда... тагин мен уни қораласам! Қизил аскар бўлатуриб... танишади улар...»

Қурбон қўлини фотиҳага очди. Гўппонбой эмас, ўзига омад тилаб, ичида дуо ўқиди.

— Омин! — деди.

— Омин!

— Бу ёқдан чиқаман! — Қурбон ҳамон эшикда турган сўфига имо қилди.

— Улар ҳам ўша ёқда.

Қурбон довдирамасликка ҳаракат қилиб, устунларни оралаб кетди.

41.

У ташқарига чиқиши билан ёруғликка дуч келди. Кўзларини қисинқираб қаради: Назир афанди, Дониёр афанди. Турсун мерган ўймакор устунга суяниб турибди. Елкасида мили пастга қаратиб осилган милтиқ. Юзида лоқайдлик. Четда навкарлар.

Улар орасидан сўфи чиқиб келди. Қурбон четланиб йиғилганларга қаради-ю, барчанинг кўзи ўзида эканини кўрди. Шунда яна қай кўз билан кўрсинки, дарвозадан чиққан Ойпарча тез-тез юриб, бу ёққа келарди.

«Ана. Энди зўр гап бўлди!.. Бу синов! Энг оғир синов бу, мулла Қурбон! Йиғлагим келяптими? Уламанми? Э, бир бошда бир ўлим... Аммо лекин ўлсам, Ойпарча йиғлайди. Бойсунда Олимжон ака... Дарвоқе, бу йўлда кимлар қурбон бўлмапти? Халоскор дўстларимиз — руслар ҳам қурбон беряпти. Улар ҳам тирик жон! Биз учун улар ўлимга тайёр турганда... Мен бир кичик жонимни аясам! Пироварди, мен ўлимга тайёр эдим-ку? Ойпарчагаям айтганман: тайёрман!.. У мени ҳурмат қилади. Балки Шўрога садоқатим учун. Бўлди, Қурбон, кўп ўйлама! Фақат эҳтиёт бўл...»

— Кейин кертасан! — деб бақирди сўфи.

Қурбон ўтирган одамлардан четда, отларининг жиловидан ушлаб турган навкарлардан берида енгини шимариб дўмбира чертаётганга қаради: «Азим сўфи!.. Хурсанд? Йўқ. Кулаяпти шекилли мендан... Балодан қайтмайди бу одам!.. У ўзича кулимсираб, бир воқеани эслади: Қатар гузар масжидида Фиёс деган кишининг намоз ўқимаслигини гап қилишади. Бу миршабга етиб, миршаб тонгда «шаккок»нинг уйига киради. Қараса, у жўхори туюётган экан. «Нимага мачитга чиқмайсан, кофир!» деб миршаб уни кўчага судрайди. У кўп ялиниб ёлворади — бўлмайди. Ниҳоят, миршабнинг қўлига тўрт танга тутқзади. Миршаб ғулдираб чиқиб кетади. Масжидга бориб: «Намоз ўқиётган экан. Ушшак¹ қилманглар!» дейди. Кейин Фиёсбой бир даврада бу ишни оғзидан гуллаб қўяди. Гап ўрмалаб Азим сўфининг қулоғига етади. Сўфи бир маъракада миршабни ҳажв қилган экан:

**Бойсунжонда бир зўр бордир — оти пора,
Пора берсанг, бек бўласан, эй бечора.
Кофир деса, Қулмаматга пора бергин,
Ўқимаган намозингга топар чора.**

Миршаб хўп кулги бўлган. Шундан кейин Эшони Судур уни фаррош қилдириб қўйган эди. Балки. Ҳозир мени ҳажв қилишни ўйлаётгандир?»

¹ Гийбат.

— Тақсир, — дунёга ўт кетгани йўқ, тўртта хурсандчилик қилайлик-е! — деди Азим сўфи. — Тўғрими, домилла? — Қурбон зир титради: савол ўзига берилган эди.

— Тўғри айтасиз, сўфи! — деди Қурбон. — Хурсандчилик қилиш керак! Шунга кўнглингиз бор экан, бу ҳол яхшиликдан нишона! Нима дедингиз, Назир афанди?

— Бўлади, — деди у. — Нимага энди хурсанд бўлмаслик керак!

— Айтмадимми!

— Эса бир қўшиқ айтсам-чи! — бақирди Азим сўфи.

Қурбон яна титради: «Шундай пайтда! Ана, юракли одамлар қандай бўлади! Тингла!.. Вақт-соатинг етган бўлса, мард туриб бев энди».

— Айтинг! — деди Қурбон. — Айтинг, халқ эшитсин! Чарчаб келгансизлар! Ҳордиқ бўлади қўшигингиз!

— Энди, — дея Азим сўфи ўтирганлар устидан бемалол ҳатлаб бериоққа чиқди. — Оч қоринга саримсоқ, дегандай айбга буюрмайсизлар, юртдошлар! Унг қўлини тепага кўтариб, олача желаги енгини тирсакка туширди. Бошладик! — Бошини ҳам қилиб, дўмбирани аста черта бошлади. Куй гаралиб, атрофни маҳв эта бошлади. Ниҳоят, сўфининг (у киши яхши ашула айтгани, овози ширадорлиги учун сўфи лақабини олганди) тиниқ, мунгли ва новча, бақувват гавдасига ярашаган титроқли овози ёйила бошлади.

**Бериб эдим бу осмоннинг тиниғини
Тошлар одинг, териб олдим синиғини.
Қаҳратоннинг қатронини мен тордим, ёр,
Ағёр билди сўзларингнинг илиғини.**

**Куйди жоним, куйди менинг жоним куйди,
Бевафо ёр бизни қўйиб, кимни суйди!**

**Устимдаги желагимни тўн деб эдинг,
Алдамайман гапларима кўн деб эдинг,
Алдамчи ёр, тўманларга кўнибсан-а,
Нега менга газаларга кўн деб эдинг!**

**Куйди жоним, куйди менинг жоним куйди,
Бевафо ёр, бизни қўйиб, кимни суйди!**

**Бевафо ёр, чарақлаган кундан гапир,
Кун тугади, келаётган тундан гапир,
Иккимиз бир қизил гулга кўнгиб бердик,
Гулимизни кимга бердинг, шундан гапир.**

**Куйди жоним, куйди менинг жоним куйди,
Бевафо ёр, бизни қўйиб, кимни суйди!**

Қурбон карахт бўлиб қолди: мунча дардли, таъсирли! Сўфининг овози шунчалар таъсирли эдики! Йўқ. Бу қўшиқда бир сеҳр бор! Йиғламасдан айтди-ю, йиғлатади кишини... Нега буни ҳозир айтди?

— Дў-ўст! — деди кимдир.

Кимдир кулди. Қўшиқ тугаши билан таклифлар тушди. Гўё пастда... ғалати бир базм олдидан тайёргарлик бўлаётганга ўхшарди.

«Е раб! Шуларни сотиш? Шеърни ҳаққонийлиги учун ҳам ёқди. Мен ҳозир... Йўқ-йўқ, шошма, Қурбон. Сенинг гарданингда масъулият бор. Шўро, Олимжон ака... Лекин ҳозир нима қилиш мумкин?»

— Сўфи, бўлдимми? — деди Қурбон. — Кам бўлманг!

— Ўзлариям кам бўлмасинлар! — деди сўфи. — Биз дуои жонларини қилиб юрайлик!

«Қанча ғамли пичинг! Демак, менинг кимлигимни билмайди».

— Азиз фуқаро! — бақирди масжид сўфиси устунга ёндошиб. — Ҳозир сизлар билан Эшони Судур ҳазратларининг шогирди, лашкари исломнинг сардори Анвар пошшо ҳазрати олийларининг ишончли киши-

1 Пастлик
2 Тепалик.

си мулла Қурбон сўзлашадилар!.. Қулоқ берингиз! Ҳей, дўмбира! Утир энди! Анави аёл ким?

Турсун мерган тўнғиллади:

— Қўйинг, эшитсин уям!

— Тўғри!— деди Қурбон.— Ҳали пиримиз ишимизга аёлларимиз ҳам бош қўшганларидан хурсанд бўлдилар!

— Қулоқ беринг!— яна чинқирди сўфи.— Мулла Қурбон жаноблари вақтида Шўрода хизмат қилганлар, инчунин унинг кирдикори, барча макрини яхши биладилар!

Қурбон яна ўзича кулимсиради. «Раҳмат сизга,— деди хаёлан.— Менга ёрдам бердингиз. Энди сўзим — сўз. Қурбон, бошла...»

— Юртдошлар!— деди Қурбон.— Биз очиқчасига гаплашиб олишимиз керак. Шўро тўғрисида ҳам, амирлик давримиз ҳақида ҳам, эртанги кунимиз тўғрисида ҳам!.. Бир-биримизнинг сўзларимизни яхши эшитайлик! Сўнгра мулоҳаза этайлик!

— Тингла!

— Хўш, гапнинг қисқасини айтсам, сизларнинг кўпингиз Бойсундан. Зеро, Шўро нималигини кўриб келаётирсиз. Тўғрими?— Жимлик.— У халққа нималар ваъда қилмоқда ва уни қандай ижро этмоқда? Бу ниям биласизлар! Тўғрими?.. Энг муҳими: Шўро инсон инсонга тенг дейди, шуни рўёбга чиқарамиз, дейди... Шундайми?

— Худди шундай-да!— бақирди Азим сўфи.

— Балли!— деди Қурбон Эшони Судурга тақлид қилиб.— Хўш, ваъдасининг устидан чиқаяптими? Сўраяпман сизлардан? Ё ваъдасига вафо қилмаяптими?

Гаффор сартарош деган асабий хириллади:

— А, ўзингиз биласиз-ку, тақсир!

— Лекин мен анчадан бери қизиллар орасида бўлмадим.

— Сўзининг устидан чиқмаяпти-е. Бор гап шу,— деди кимдир.

— Маъқул!— деди Қурбон.— Шундай очиқ гаплашганимиз тузук! Акс ҳолда бир-биримизни яхши тушунмаймиз...— «Энди нима дей?»— Хўш, Шўро сизларга ёқадими?— Сукут. «Чакки савол бердим. Айтмайди бари бир! Ахир қаерда ўтиришипти булар?— А?— Энди сўздан қайтиб бўлмас эди, сўзини тузатди:— Демак, ёқмаяпти. Шундайми?— «Бопладим!»— Хўш,— давом этди.— Бу ерда, азиз юртдошлар, лашкари исломнинг сардори Анвар пошшо жаноблари ҳам, у кишининг бош маслаҳатчилари Эшони Судур пиримиз ҳам, хўш, «Шўро халқни алдайди!» деб ҳисоблайдилар. Нимагаки, у аълоҳазратнинг тахтлари тагига сув қуйди. Хўш, тинчликни бузди...— «Нималар дедим? Ойпарчага тегишли қилиб гапирдим чоғи?»— Энди гап шундаки, азизлар,— ўзини ўнглаб олди,— лашкари ислом раҳнамолари вақти замонда амирликдан... Аълоҳазратнинг яқинларидан... беклардан, ясовул, закотчи, юзбоши, мингбоши, ҳатто миршаблардан ҳам халққа... кўп жабр-жайфолар ўтди, деб ҳисоблайдилар!— У ён-верида турганларга қаради.

— Ҳақиқат, тўғри,— деди сўфи бошини лиқиллатиб.

— Инчунин, оқибатда халқнинг ғазоби келдики, у аъло ҳазратга қарши борди. Тўғрими?

— Тўғри-тўғри!— тасдиқлади сўфи яна.

— Гапни мухтасар қилсам,— давом этди Қурбон.— Биз Шўрони ва унга ёрдамга келган қизилларни юртдан бартараф этсак, тағин Аълоҳазратни тахти муборакларига опкелиб ўтқазсак; ўша хатоликлар мутлақо такорланмайди, деб ҳисоблайдилар. Ва шунга ваъда беряптиларким, бу ваъдани мен сизларга изҳор этмоқдаман!— «Яхши гапирдим... Холис бўлдим! Халқ ҳам тушуниб турипти. Булар ҳам қаршилик қилолмапти! Эсинг бор, Қурбон!» Қурбон халққа қаради-ю, гапи адо бўлгани, халқ эса, гангиб қолганини кўрди.— Хўш, деди у,— Сўроқлар борми?

— Сўроқ кўп!— деди Азим сўфи. Сўнг ён-верига қаради.— Сўранглар!

Жимлик. Одамлар бир-бирига қарайди. Кўзлар жавдирайди.

— Тақсир, бизнинг ишларимиз, ниятларимиз, Шўронинг халқни диндан огдириб, кофир қилишлари хусусидаям бир мисқол сўзланг,— деди масжид сўфиси.

— Дарвоқе,— деди Қурбон.— Бойсунда Шўролар масжидларни ёпиб қўйдими? Мадрасага от боғлашдими? А?

— Алҳазар!— деди кимдир.

— Йўғ-э!

— Бироқ оқибатда шундай бўлади, деб ҳисоблашади бизнинг лашкари исломнинг раҳнамолари!

— Узингиз-чи? Узингиз нима дейсиз?

Қурбон Азим сўфига қаради: «Тутдинг, қўшиқчи. Чап бериб кўрай-чи!»

— Мен сизларга бизнинг умум фикримизни айтмоқдаман,— деди Қурбон.— Яна сўроқ борми?

Яна жимлик. Ниҳоят, шивир-шивир.

— Айтинг-чи, ўзингиз ким тарафда?

Ҳамма Ойпарчага бурилди.

— Менинг ким тарафда эканимни ҳалиям билмадингизми?— кулимсиради Қурбон ва масжид сўфисига қараб қўйди.

Сўфи жилмайиб:

— Аёл-да, аёл!— деди.— Тавба; бетини очиб туришини!..

Мерган яна нимадир деб пўнғиллади.

— Ёлғон айтаяпсиз!— деди Ойпарча ва одамлар оралаб ўртага чиқди.— Мусулмонлар! Бу киши ёлғон гапиряпти... Бу киши Шўронинг одами!

— Жинни бўпти бу!— деди сўфи.— Ҳей, нималар деяпсан, она қизим? Мулла Қурбоннинг Шўрода хизмат қилганларини айтдик-ку! Буни ҳамма билади!

— Ҳамма билсаям...

Қурбон Ойпарчага кулимсиради. Ойпарча хаёлланиб, ўнгу сўлига боқди-да:

— Ёлғон!— деди алам билан.— Бу ердаги ҳамма гап ёлғон! Мен ўзим Кўктошдан келдим... Ҳамшаҳарлар! Кулоқ солманглар буларга!

— Тавба-тавба! Эси жойидами бунинг!.. Ҳей, она қизим!

— Сиз ҳам ёлғончи!— деди Ойпарча сўфига.

— Опчиқинг!— бақириб юборди Назир афанди.

Қурбон чўчиб тушди: «Нега бақиради?» Турсун мерган... елкасидан милтиғини олди.

— Қочинглар!— адоқдан келаётган навкарларга ҳайқирди.— Отаман! Менинг синглим... Уям бир нарсани билиб гапиряётгандир? Мулла!— У Қурбонга қаради.— Сиз ҳам бўларини айтинг-да!

— Қизик.— Қурбон табассум қилди ва мерганнинг кўзлари совуқ чақнаб кетганини кўрди: қўрқди... Юраги гуп-гуп урди. Айтсинми? Дарвоқе, кўп нарсани айтди-ку? Яна нимани айтиши керак? Наҳот сўзларини халқ тушунмаган бўлса?— Халойиқ, тинчланинг!— деди.

— Тинчлан!— чинқирди масжид сўфиси.

— Эй, очикча гаплашамиз дедингиз!— ҳайқирди Азим сўфи.— Мард бўлинг-да, энди, домилла!

— Ахир...

— Сиз ким тарафда?— Қурбон Хуррам оқсоқолни овозидан таниди.

— Очигини айтсам...— Қурбон Назир афандига табассум ҳадя этди.— Нима қиласизлар?

— Нима-нима!.. Билишни истаймиз!— деди Хуррам оқсоқол.

Бўри тўра супа лабига борди.

— Сен ярамас жим ўтир!

Шунда Ойпарча яна нимадир деди, чоғи, пастдагилар тағин унга қарашди.

— Бўлмасам,— деди Қурбон,— ростини айтаман.— Бадани торти-

шиб, қандайдир таранглашди.— Мен... халқ, яхшилик қай тарафда бўлса — шу тарафдаман! Бўлдимиз?

— Хўш, улар... қай тарафда?

Қурбон Ойпарчага тикилди: «О, шаддод қиз! Нима дей? Ахир, кейин мен...».

— Уни эртанги кун кўрсатармиш!

— Эртанги кун қачон келади?

Ғала-ғовур.

Қурбон сезди: вақт етди.

«Ҳақиқатни айтишим керак. Ҳозир, ҳозир... Кимларда қурол бор? Отиб қўйса, кейин».

— Турсун мерган!— деди у.— Милтигингизни бериб туринг.— «Бекор қилдим. Э, мана Бўри тўра — бор-ку».— Йўқ, Бўрибой ака, сиз бериб туринг!

Бўри тўра милтигини чаққонлик билан олиб узатди. Қурбон ола солиб, очиб кўрди. Уқлоғлиқ. Енгил тортиб, халойиққа қаради.

— Хўш, нимани истайсиз?— деди ва Ойпарчага боқди.— Гапиринг!

— Сиз...— деди Ойпарча истеҳзо билан.— Битта сўроғимизга жавоб беринг! Узингиз ўз сўзларингизга... аниқроғи, лашкари ислом раҳнамолари бераётган ваъдаларга ишонасизми?

Қурбон ён-верига қарамоқчи бўлди, журъат этмади: «Нима қилиш керак энди?»

— Мен ростини айтсам, сизлар... менга эргашасизларми?— У яна ясама кулги билан Назир афандига қараб қўйди. «Шошилманг! Мен буларни болайман!» дегандай бўлди.— А? Айтинглар!

— Ҳа! Сизга эргашамиз!— деди Норхўроз.

«У, укагинам! Раҳмат!»

— Шундайми?— деди Қурбон.

— Ҳа-ҳа,— овозлар кўпайиб кетди.

— Ундай эса, ҳаммангиз ўрнингиздан туринг!— деди Қурбон.— Туринглар!

Аксари турган кишилар тек қотди.

— Бўлмасам, азиз юртдошлар!— деди Қурбон.— Мен сизларга асл ҳақиқатни айтаман. Елғон гапирган — оллонинг бандаси эмас!

— Эмас, эмас!

— Сизларнинг душманларинг... ким?

— Хўш? Гапиринг!

Қурбон Назир афандини милтиқ мили билан кўрсатди.

— Мана шулар!— деди-да, тепкини босганини сезмай қолди. Назир афанди кўзлари олайиб, биқинини ушлади. Дониёр афанди тўппонча ғилофини очаётганини кўриб, яна тепкини босди. «Улади!.. Отдим. Энди тамом!» Қурбон қутуриб кетди. Мияси ишлашдан тўхтади гўё. Тили сўзларди:— Шулар!.. Уринглар! Қутқаринглар ўзларингиз! Навкарларни ушланглар!..— Қулоғи ёнидан шувиллаб ўтган ўқ деворга урилди. Қурбон энгаша солиб устун панасига ўтди. Шунда елкасига нимадир тушди: кифти совиб кетди. «Қилич урдими?»

— Пасайинг! Мачитга!— бақирди Турсун мерган. Ажабо! Унинг қўлида иккита милтиқ бор эди.

Қурбон эшикка қараб интилди-ю, Ойпарчани эслади. Яна бурилди. У навкарлар билан талашаётган, баъзисини одан йиқитаётган оломон ўртасида анграйиб турар эди.

— Ой!— бақирди Қурбон.— Утиринг!.. «Биров отмаяптими?» У ён-атрофга аланглади.

Ариқ бўйидаги отлар томон чопаётган икки навкар изидан ўқ узди. Бири ўтириб қолди.

— Отни ушла!— Азим сўфининг овози келди.

«Қочиш керак!— Қурбоннинг миясига шу ўй санчилди.— Вақт ўтмасин!»

У энгашган қўйи айвон четига борди. Бир навкар тўриқни ечмоқчи

буларди. Тўриқ унинг кўксига тепиб юборди. Қурбон пастга туша солиб, яна айвонга қаради. Мерган устун ортида иккита милтиқ билан қоचाётган навкарни ҳам, туриб қолганини отарди.

— Ойпарча-а!— Қиз қаради. Қурбон қўли билан имлаб, отга чопди. Ойпарча ҳам энкайиб, бу ёққа югурди. Қурбон, у отишни биладигандек, милтиқни унга узатди-ю, қаршиларида пайдо бўлган Норхўрозни кўрди. У қўлида милтиқ қўндоғини қорнига тираб пақ-пуқ отиб келарди. Қурбон отни еча солиб.— Йигитлар! Эгри ариққа!— дея бақирди ва отга сакраб миниб, Ойпарчага узангини тутди. Елкаси... зирқираб кетди. Қиз узангига оёқ қўйиб, Қурбоннинг орқасига минарминмас, Қурбон тўриқни қимтиди.— Ҳайданглар!

Азим сўфи аллақачон бир отда ўтириб, уни орқа оёқларида тик турғазганча кимларгадир нимадир дер эди. Турсун мерган ҳам отда!.. Қурбон пешайвонли иморат биқинидан елиб ўтди. «Эгри ариқ ўша ёқда-ку!»

У сал юрмай Азим сўфи унинг ёнидан кимнидир мингаштирганча ўтиб кетди.

— Эгри ариққа!

Қишлоқнинг у ер-бу еридан ҳам милтиқ товушлари эшитилар, отлар кишнар, итлар ҳураар эди.

Ариқ. Тошлоқ кўча. Чимзор.

Қурбон елиб бораркан, орқасидан келаётган отлиқлар кўпайиб бораётганини сезар, ён-веридан ўқ учиб ўтмаётгани учун уларни «ўзиники» эканига ишонарди.

Ойпарча эса белидан қучганча отга мингашган. Ойпарчанинг қўли ҳароратини ҳис этиб жўшиб ҳайқирди:

— Ҳайданглар!!

Нишоб бет. Чуқур ариқ. Чап тарафдаги қирғоғини сув ювган. Ариқ ичида қор, лойқа сув сизади. Отлар тиззадан қорга ботиб чопди. Ҳансирайди. Бўйинларидан буғ таралади. Елкалари терлаган.

Олдинда Алим сўфи, ундан олдинда Турсун мерган лақай отида боради: уларнинг ҳам ортида биттадан киши мингашган. Орқада — бошқалар турнақатор.

«Пиёдалар-чи?— ўйлади Қурбон.— Қолишди! Улар нима қиларкан. Улар ҳам қочишади... Қочолмаса, қўрбошиларга ёлғон гапиришади, албатта. Бизни ёмонлашар. Майли... Лекин, бўлари бўлди. Кутилмаганда, а? Наҳот ўлмай қолдим? Ақлли бўп кетдим-а? Сира ўйламаган эдим».

Қурбон шундай деб, айвонда турганини кўз олдига келтирди. Энди кўрқди.

Қуёш уфққа силжияпти. Осмон тиниқ. Рўпарадан — тоғдан совуқ қина шамол эсяяпти. Ариқ буралиб кетган. Йўлнинг бежавотирлигига шубҳа йўқ: ўнг томон — қабарик қоя, унинг лабига келган киши ҳам буларни кўролмайди.

Кетяптилар.

— Ой...

— Ҳа.

— Белимдан қаттиқроқ ушланг, йиқилмайсизми?

У бирдан қўлини тортди, эгар карсонидан ушлаб олди.

— Ойпарча, эгарга ўтасизми?

— Тезроқ ҳайданглар. Қўнглим хавотир оляпти.

— Бу ёқ тинч энди.

— Сиз ҳамма нарсани биласиз?

— Шунақа...

— Уф!

— Хўрсинманг!

Ариқ билинар-билинемас пастлади. Бундан сувни қандай қилиб олиб чиқишган? Пастлаб яна сезилмас даражада кўтарилиди. Пасайган жойида қор қалин экан.

Сойга тушишди. Тўхташди. Бойсун этагидаги Биби Ширин қишло-

гининг дарахтлари, ана! Сойда сув жимирлайди. Мёрган билан Азим сўфи қаёққа йўл олиш ҳақида келишишди: сойнинг ўртасига чиқмаслик керак. Чап томондаги қир устидан кўриб қолишади. Бироқ қир устидан ҳеч қандай товуш эшитилмас эди. Кофирундаги кичкина ғулу ўша ерда сўниб қолгандек.

Олдинда қияликдан тўртта эчки чопиб туша бошлади. Қочоқлар сергак тортишди.

Шунда Қурбон:

— Тағин ўзимизникилар танимай қолишмасин!— деди Азим сўфига.— Ялов-палов кўтарсак?

Сўфи орқадагиларга қаради.

— Рост айтасиз,— дея белидан қийғини ечиб, ўлжа милтиқ учига илди.

Жилдилар. Муюлишда мерган кимларда милтиқ борлиги, ўқ қолган-қолмаганини суриштирди. Олтита ўқ қолган экан. Иккитасини олиб, ўзининг милтиғига жойлади.

Ерда қор йўқ. Бойчечаклар.

Киши ишонмайдиган даражада сокинлик. Қочоқлар ёв орасидан эмас, қандайдир маъракадан чиқиб келаётгандек. Қурбон бу ҳолатни бутун вужуди билан туйиб:

— Кўнглингиз хотиржамми энди?— деди Ойпарчага.

— Ўзим ҳам билмайман.

— Нимани ўйлаясиз ҳозир?

— Тушимни... Биласизми, мана шундай отда эканман.— У секин бошлади.— Яланғоч оқ отда...— Қурбон жағларини бир-бирга қисди. «Ёмон туш».— Сиз нўхтадан етаклаб келаётган эмишсиз. Бу тушни Сойбўйида кўрдимми, уйимиздами, эсимда йўқ. Кўп ўйладим. Чалкашиб кетди... У хўрсинди.— Ҳалиям қўрқаман.

— Аёл кишининг туши чап бўлади дейишади.

— Чапми, ўнгми — бир жиҳати рост: ўзингиз ҳам айтдингиз бугун... Туманга кирибмиз. Оппоқ. Кўприк дуч кептимиш. «Қил кўприк» дер эмишсиз. У ёғи жаннат эмиш... Тавба қилдим, бугун сиз шу тўғрида гапирганда, алла-товур бўлиб кетдим, худо урсин...

— Эсимда. Хўш?

— Шу... Уйғониб кетдим. Тонг. Жабборбеклар дарвозани қоқаётган экан...

— Жабборбек ўлипти.

— Рости биланми?

— Ҳа.

Ариқ яна бурилиб, пасайди. Ўнг томондаги бетни сув ювиб кетган экан. Мерган тўхтади.

— Мен қирдан юрсамми, мулла. Туёқ товушини эшитгандай бўлдим.

— Бойсунга келиб қолдик-ку! Э, сиз орқага ўтинг. Биз олдинда юрамиз... Бизникилар дурбинда қарашса, мени танишади.

— Майли.

Қурбон отни олдинга ўтказди. Яна Ойпарчадан илтимос қилди:

— Сиз эгарга ўтинг!

— Йўқ, дедим-ку.

— Ойпарча, энди... ҳамма оғирликлар орқада қолди. Қаранг, бир неча кун орасида шунча жойни кезиб чиқибмиз-а!.. Гапиринг сиз ҳам.

— Гапим йўқ.

— Лекин бу курашда ҳар ким истайдими, йўқми — ўз улушини қўшади... Каттаям, кичик ҳам қўшади.— У кулимсираб орқасига қарганида, кўксидан оғир бир нарса урилгандай бўлди. Ойпарчанинг ҳам чайқалиб кетганини туйди. Шунда даранглаган ўқ овози янгради. Бироқ шу сониянинг ўзида кўз олди чайқалди. Ойпарчанинг ҳам орқага оғиб кетаётганини сизди. Уни ушламоқчи бўлиб қўл чўзди-ю, беихтиёр ўз қорнини ушлади.

Ерга қулаганини сезмади. Кўзларини туман босди.

«Йўқ! Йўқ... Мен туришим керак. Нега мундай? Ойпарча қани?»
— Ой... — Оғзини шўртак нарса тўлдирди.— Ой!
«Қим чинқираяпти? Ой-ку!.. Қаердаман ўзим? Нега қоронғи? Ахир,
мен...»

Эпилог

Ойпарча билан Қурбоннинг жасадини тунда Бойсунга олиб кетишди. Саҳарда қўрғон биқинидаги янги мозорга кўмишди. Олимжон Арслонов билан Қилич сўз айтди.

...Энг улуғ жанглр кейин бошланди. Иброҳимбек келиб Анвар пошшога қўшилди. Хоразм, Самарқанд, Фарғонадан ҳам минг-минглаб навкар келди. Қофирунда ўн минг сонли қўшин тўпланди.

Бу орада Шарқий Бухородаги аҳвол РСФСР Халқ Комиссарлар Кенгаши, Туркфронт Бош штаби, Бутун Бухоро Инқилобий ва Фирқалар қўмитасида муҳокама этилиб, унга шошилинич ёрдам чоралари кўрилди. Фрунзе бошлиқ қизил армия қисмлари ва кўнгиллилар Бойсунда тўпланди.

Арпа пишган кунлар эди. Шаҳардан отилиб чиққан Шўро қўшини Анвар пошшо раҳнамолигидаги ислом лашкарига ташланди. Бандихон чўлида қирғин жанг бўлди.

Анвар яқин мулозимлари ва хос навкарлари билан Ҳисорга қочди. Лекин Абдара деган жойда қуршовда қолди. Сўнгги эллик йигити билан қуршовни ёриб чиқмоқчи бўлганда, ўқ еди: бешинчи ўқ уни отдан қулатди.

Иброҳимбек ўз навкарларининг қолган-қутгани билан Помир томонга қочди. Сўнгра у бамисоли Анварга айланди: Хориж билан ўзи алоқа боғлаб, лашкари исломни тикламоққа киришди. Яна Шўрога қарши курашди. Ниҳоят, йигити билан ўша Панж дарёси бўйида қўлга тушди.

Эшони Судурни Анвар ҳалокатидан кейин Хўжапок дараларида кўринганини айтишарди. Ёзда бир карвонни бошлаб келган эшакли ҳазратни ўз кўзи билан кўргани, Чоржў яқинидаги бир работда жони узилганини сўзлади.

Тўғайсари талай навкарлари билан узоқ вақтлар ўз бошига тоғтошда изғиб юрди. Кейин «ўзини ўзи отди» деб овоза бўлди.

...Бойсунда янги замон ўз ички ва ташқи ташвишлари, зиддиятлари ҳамда ютуқлари билан олға босар, одамларда янгича нуқтаи назар камол топар эди.

Талай йиллар ўтгач Қурбоннинг қабри устига гиштин, тўртбурчак девор ўрнатилди. Унга беш қиррали юлдуз шакли ўйилиб, тагига: «Чори Қурбон ўғли. 1897—1922», деб ёзиб қўйилди.

Бу орада Қурбон билан Ойпарчанинг қабри бир-бирига қўшилиб кетган эди.

1976—1978—1982-йиллар.



Тублитзиёфика

Раҳима Аминова,

ЎзССР Фанлар Академиясининг
мухбир аъзоси

Валентин Шаповаленко,

тарих фанлари доктори

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Совет халқи ва тараққийпарвар инсоният шонли юбилей — СССРнинг ташкил этилганига 60 йил тўлишини тантанали суръатда нишонламоқда. Бу оламшумул-тарихий байрамни мамлакатимизнинг ишчилари, колхозчи деҳқонлари ва зиёлилари КПССнинг XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь (1981 й.), май (1982 й.) Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллиги тўғрисида» қарори муносабати билан юзага келган янги сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олдилар.

СССРнинг ташкил этилиши Владимир Ильич Ленин ғоялари, КПСС миллий сиёсати ленинча принциплари мужассамлантирилишининг жонли тимсолидир. СССРнинг 1981—1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш программаси бу сиёсатни амалга оширишда муҳим босқичдир. Ун биринчи беш йилликнинг бош вазифаси, дейилади КПСС XXVI съездининг қарорларида, халқ хўжалигининг қатъий, ҳужумкор ривожлантирилиши асосида совет кишилари фаровонлигининг янада равнақ топишини таъминлаш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ҳамда экономикани жадал ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат ишлаб чиқариш имкониятидан янада омилкорлик билан фойдаланиш, ресурсларнинг барча турларини ҳамда иш сифатини яхшилашдан иборатдир. Совет халқи бу улғувор программани Коммунистик партия раҳбарлигида ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг мустаҳкамланиб бораётган иттифоқи туйғайли амалга ошириши мумкин.

Маркс ва Энгельс пролетариатнинг чиқишини деҳқонлар қўллаб-қувватласаларгина бўлажак революциялар муваффақият қозониши мумкин, деган хулосага келган эдилар.

— Ана шу тақдирдагина пролетар революцияси, — деб таъкидлаган эди Маркс, — ягона хорга эга бўлади, акс ҳолда, унинг яқка хониши барча деҳқонлар мамлакатларида оқушнинг ўлим олдидаги қўшиғига айланиб қолади.

В. И. Ленин революциядан олдинги йиллардаёқ ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг моҳиятини чоризми, помешчикларни, буржуазияни ағдариб ташлашга эришишда партия суянадиган бош восита сифатида таърифлаган эди. Коммунистик партияга деҳқонлар билан ҳар қандай иттифоқ эмас, ишчилар синфининг раҳбарлик роли таъминланган иттифоқ кераклигини В. И. Ленин алоҳида таъкидлаган эди. У Совет Иттифоқининг асоси — ишчилар синфи ва деҳқонларнинг иттифоқини ҳар томонлама эҳтиёт қилишга ҳамда мустаҳкамлашга партияни даъват этарди.

Социалистик жамиятнинг етакчи кучи — совет ишчилар синфи ҳозир колхозчи деҳқонлар тимсолида ишончли иттифоқчига эгадир. Икки дўстона синфнинг аҳил якдиллиги, СССР Конституциясининг 19-моддасида айтилганидек, ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир.

Совет жамияти тараққиётининг турли босқичларида ишчилар синфи ва деҳқонлар иттифоқининг шакллари ўзгариб келди. Аммо унинг мазмуни ўзгармай келяпти ва шундай бўлиб қолади: бу, социалистик давлатни мустаҳкамлаш, коммунизм куриш учун кураш, ана шу мақсадларга эришиш учун санат ва қишлоқ хўжалигининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Совет жамияти совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан ривожланган социалистик жамият қурилган ва коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш амалий ҳал этилаётган даврга қадам қўйиши муносабати билан ишчилар синфи ва деҳқонларнинг иттифоқи ҳақидаги марксча-ленинча таълимот алоҳида назарий ҳамда амалий аҳамият касб этди. Коммунистик партия мамлакатимиз саноти ва қиш-

лоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш учун муҳим тадбирларни амалга оширди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллиги муносабати билан, партиямиз раҳбарлигида амалга оширилган катта ижодий ишларни сарҳисоб қилмоқдалар.

Коммунистик партиямизнинг ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан оғишмай рўёбга чиқараётганлиги халқларнинг тақдирларига нақадар ҳаётбахш таъсир кўрсатаётганлигига Совет Иттифоқи республикаларининг ҳар бири мисол бўла олади. Леонид Ильич Брежнев таъкидлаганидек, худди шунинг учун ҳам Совет Ўзбекистони СССРдаги барча халқлар билан бир сафда келди ва у ўтмишдаги қолоқликдан ҳар томонлама раванқ топган, гуллаб-яшнаган республикага айланди.

— Совет Ўзбекистони Ленин орзулари амалга ошган ўлка деб атайдилар, — деган эди КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов.

Бутун халқ хўжалигини юксалтиришнинг пойдевори индустриядир, деган ленинча қоидага ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамизнинг ривожлантирилишига муттасил жиддий диққат-эътибор бериб келмоқда. Бу борада ишчилар синфининг ютуқлари чинакамига улқандир.

КПСС XXV съездининг қарорлари барча асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича адо этилди. Учинчи беш йиллик давомида саноатнинг қиёфаси ўзгарди, унинг структураси яхшиланди, илмий-техника савияси ҳамда самарадорлиги юксалди, бу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича янада юксакроқ суръатларга эришилди.

Ўзбекистон ССРда 1500 дан ортиқ йирик саноат корхоналари, 100 дан ортиқ саноат соҳаси, жумладан, машинасозлик, кончилик, металлургия, олтин, кўмир қазиб чиқариш, нефть, газ олиш, химия, радиотехника, электроника, ип ва ипак газламалар ишлаб чиқариш каби соҳалар мавжуд. Ҳа, Ўзбекистон ССРнинг индустриал қиёфаси ана шундай! 1981 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам яхшиланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилдагига нисбатан 6,1 процент, меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ўсди, асосий фондлар 4,5 миллиард сўмга кўпайди.

Республикада катта саноат қурилиши амалга оширилмоқда, ишчилар синфининг сафлари ўсмоқда. Ҳозир у 2 миллион кишига яқинлашиб қолди. Ун биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 100 дан ортиқ корхона ва саноат қувватлари, шу жумладан Муборак шаҳридаги газни қайта ишлаш ва олтингугурт олиш қурилмаси, Навоий электроника заводидидаги акрекс ишлаб чиқариш қурилмаси, Ангрен керамика заводи, Косон ёғ-экстракт заводи ишга туширилди. Чирчиқ дарёсидаги Урта Чирчиқ ГЭСлари тизмаси қурилиши тугалланди.

Ерларга мелиорация ва химияни кенг қўллама қўллаш, прогрессив технология ҳамда комплекс механизацияни жадал жорий этиш асосида республика қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Учинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан ялпи дон ҳосили 2,3 марта, пахта ҳосили 16,5 процент, ёки 4 миллион тоннага, картошка 17 процент, сабзавот ва полиз экинлари 1,5 марта, гўшт 30, сут 42, тухум 62 процент ошди.

Ун биринчи беш йилликда ҳам суръатимиз жадал: 6 миллион тоннадан зиёд пахта, 2,8 миллион тонна дон, 5,2 миллион тонна мева-чева ва сабзавот етказилди, чорвачилик маҳсулотлари, қаноф, тамаки, пилла етиштириш ва давлатга сотиш планлари ошириб бажарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстиришга асосан ҳосилни юксалтириш ҳисобига эришилмоқда.

Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин ордени топирилиши муносабати билан Тошкентда ўтган тантаналардаги нутқда Л. И. Брежнев таъкидлаган эди: «Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачилик соҳасидаги муваффақиятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни истардим. Айтишга арзийдиган гаплар эса бор: Ўзбекистон ССРнинг колхозлари ва совхозлари сўнгги икки йилда олти миллион тонна ва ундан кўпроқ қимматбаҳо пахта йиғиб олмоқдалар. Давлатга фоят қимматли ингичка толали пахта сотиш беш йил давомида бир ярим марта ошди. Сизлар мамлакат учун, ҳар бир одам учун муҳим бўлган катта ишларни амалга оширмоқдасизлар».

Пахтадан юқори ҳосил олишда, уни йиғиб-теришни тезлаштиришда шонли механизаторларимиз ҳал қилувчи ўрин эгалладилар. Халқимиз уларни меҳр билан, дала гвардиячилари, деб атайди. Айниқса улар ғўза парваришининг барча босқичларида катта куч сарфлаб, барча аротехника ишларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминладилар. Ўтган йил ҳосилини йиғиб-териб олиш фоятда мушкул бўлди. Бунда ҳам механизаторларимиз сабот-матонатларини, ғалабага иштиёқларини тўла-тўқис намоён этдилар, ишчиларга хос чинакам меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Ипатовчилар методи асосида йиғим-терим — транспорт отрядларига бирлаштирилган 34 мингдан ортиқ терим машинаси 95 минг трактор прицепи, кўпдан-кўп бошқа йиғим-терим техникаси ишга жалб этилди. Механизаторлар техника ёрдамида 4 миллион тонна ёки ялпи ҳосилнинг 68 проценти микдоридидаги пахтани йиғиб-териб олдилар. Тошкент областининг хўжаликларида 86 процентдан ошди, Жиззах областида 79, Сирдарё областида эса 76 процент пахта машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Кўпгина механизаторлар 240—300 тоннадан ҳосил териб олдилар, илғор ҳайдовчи-механиклар эса мавсум давомида машиналари бункерларидан хирмонга

350—400 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тўқдилар. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Аҳмад Ҳамроев, Тўлан Дадажонов, Сирожидин Киромиддинов ва бошқалар шулар жумласидандир.

1981 йилдаги мураккаб шароит шаҳарлар ва район марказларидан қўшимча кучларни мададга чақиришни талаб этди. Шунга кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ЎзССР Олий Совети Президиуми ва ЎзССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан юз минглаб шаҳарлик кўмакчилар далаларга ҳашарга чиқдилар, уларнинг асосий кўпчилигини фабрика ва заводларнинг захматкашлари ташкил этдилар. Машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун улар деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, ҳар қандай об-ҳавода тинмай меҳнат қилдилар.

Ишчилар синфининг колхозчи деҳқонлар билан ҳамжиҳатлиги, уюшқоқлиги туфайли шундай бир ғалабага эришилдики, у КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг табригига сазовор бўлди.

Ўзбекистонда 1700 дан ортиқ кўп тармоқли, юксак даражадаги механизациялар билан таъминланган йирик хўжаликлар — колхозлар ва совхозлар мавжуд. Доҳиймиз Лениннинг қишлоқ хўжалигини индустрлаштириш ҳақидаги васияти тобора амалда рўёбга чиқарилмоқда. Владимир Ильич Ленин қишлоқ хўжалигини индустрлаштириш ишини кучайтиришни ишчилар ва деҳқонлар иттифоқининг мустақамланаётганлигини билдирадиган моддий ифода деб ҳисобларди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ССРда ишчилар синфининг ёрдами билан 100 минглаб ирригация-мелиорация иншоотлари барпо этилди. Янги ерларни ўзлаштириш кенг миқёсда давом этмоқда. Л. И. Брежневнинг, ер халқнинг улкан бойлиги, биз уни авайлашимиз, самарадорлигини оширишимиз, ҳар бир гектарнинг тобора унумлироқ бўлишига эришишимиз кераклиги ҳақидаги сўзлари мазмунини меҳнат аҳли чин қалбдан ҳис этмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Колхозчининг ишчи билан муштарак жиҳатлари тобора кўпаймоқда, етук социализм шароитида шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасининг яқинлашув жараёни қонуният тақозоси бўлиб қолди. Колхозчи деҳқонларнинг содиқ иттифоқдоши — ишчилар синфининг бу борада ҳам хизмати жуда каттадир.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигини саноат тармоқлари билан ишлаб чиқариш иқтисодий ҳамкорлигини яхшилаш, жиддий яхшилаш, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришга ягона умумдавлат нуқтан назаридан ёндашиш пайтлари етиб келмоқда. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигини юксалтириш фақат қишлоқ меҳнаткашларигагина эмас, кўп жиҳатдан саноат ходимларининг, фан ва техника ходимларининг хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ бўлиб қолди.

Шаҳар ва ишчи посёлкаларининг қишлоқларни оталиққа олаётганликлари ишчилар синфининг жамоат ва хўжалик ҳаётида фаол иштирок этаётганлигидан ёрқин далолатдир.

В. И. Ленин ишчиларнинг қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдамини социализм ва коммунизм қурилишининг муҳим шартларидан бири, деб қараган эди. Бизнинг кунларда шаҳарнинг қишлоққа оталиғи совет ишчилар синфининг шонли анъанасига айланди. Ана шу дўстликнинг манбаи социалистик тузумнинг хусусиятидир, бу тузумнинг асосини эса ишчи-деҳқонларнинг қардошларча дўстлиги ташкил этади.

Ҳозир ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили вазифалари ҳал этилмоқда. Социал-иқтисодий ривожланишнинг янги муаммолари, социалистик мусобақанинг янги мақсадлари ўртага қўйилган. КПССнинг ноябрь (1981 й.) Пленумида янраган: «Янхи ишлашимиз керак. Планларни яхшилаб тузишимиз ва уларни яхшилаб бажаришимиз керак. Ишлаб чиқаришни яхши ташкил этишимиз ва маҳсулотни яхшилаб ишлаб чиқаришимиз керак. Хуллас самаралироқ ишлашимиз керак», деган маънодор фикр СССРнинг 60 йиллиги шарафига бағишланган мусобақада қатнашаётган барча меҳнаткашларнинг шиори бўлиб қолди.

Партия интизомини ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган моддий ҳамда маънавий омилларни ривожлантиришга, такомиллаштиришга, меҳнатга ҳалол, ижодий муносабатларда бўлиш фазилатини вояга етказиш учун мунтазам ғоявий-сиёсий иш олиб боришга давват этади. Мамлакатимизда коммунизм бутун совет халқининг — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлиларининг уюшқоқ, ҳамжиҳат хатти-ҳаракатлари, ғайратлари туфайли рўёбга чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишчилар синфи деҳқонлар ва зиёлилар билан аҳил иттифоқ бўлган ҳолда тобора юксак ўрин тутмоқда. СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини маъқуллаган КПСС Марказий Комитетининг май (1982 й.) Пленуми буни яна бир бор очиқ-ойдин таъкидлади.

Л. И. Брежневнинг, Озиқ-овқат программаси ўзининг илк самараларини шу йилдаёқ бериши керак, деган сўзлари саноатимиз олдига, қишлоқ хўжалигида, агрономия комплексига ўтказиладиган барча ишлар олдига юксак талаблар қўяди. Партияимиз олдимизга қўяётган, мамлакат учун ҳаётий бўлган бу муҳим вазифаларни ишчилар синфи қалбдан идрок этади.

Ўзбекистон агросаноат комплексининг жадал ривожлантирилиши республика халқ хўжалиги барча тармоқларининг равнақ топшига йўл очиб беради. Асосий қишлоқ маҳсулоти — пахта етиштириш беш йиллик давомида 30 миллион тоннага, ип ва шоҳи газлама чиқариш 570 миллион метрга етади, озиқ-овқат саноатида 11 миллиард банка консерва ишлаб чиқарилади. Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, мева ва узум шарбати ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Жумладан, ўн йиллик

давонида давлат ресурсларига мансуб хом ашёдан қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8 марта, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 1,3 марта, мевасабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1,7 марта ошди.

Озиқ-овқат программасига кўра Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш билан биргаликда чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш ҳам жадал суръатлар билан кенгайтириб борилади. Ун йиллик мобайнида барча турдаги ем-хушакларни етиштиришни 1,8—2 баробар ортиришга эришиш мўлжалланади. Суғориладиган ерларда ем етказиш кенг ривожлантирилади, шунингдек, тоғлар, дашт ва саҳролардаги яйловлардан омилкорлик билан фойдаланилади. Йил сайин ғалла етиштириш ўн биринчи беш йилликда 2,3—3 миллион тонна, ўн иккинчи беш йилликда эса 3,3—3,5 миллион тонна миқдорда белгиланади.

Қарши ва Жиззах даштларини комплекс ўзлаштириш амалга оширилади. Ун йиллик мобайнида 900 минг гектарга яқин суғориладиган ер фойдаланишга топширилиши, 2,6 миллион гектар яйловга сув чиқарилиши керак.

Озиқ-овқат программасига кўра қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ва халқ хўжалигининг у билан боғлиқ бўлган тармоқларини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилди. Ун йиллик давонида қишлоқ хўжалигига 3740—3780 минг трактор, 200 минг экскаватор, 215 минг бульдозер, 93 минг скрепер, 1170 минг ғалла ўриш комбайни ва 67—70 миллиард сўмлик бошқа техника етказиб бериш мўлжалланади. Қишлоқ хўжалигига электр қуввати етказиб бериш 1990 йилда 210—235 миллиард киловатт-соати ташкил этади. Программага биоан қишлоқни минерал ўғит билан таъминлаш ўша йили 30—32 миллион тоннадан ошди.

Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш имкониятларидан юсак самарадорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини, агросаноат комплексининг барча тармоқларини мустаҳкамлаш СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарт-шароити бўлади.

Ана шу улкан вазифаларни ҳал қилишда авангард ролни шонли ишчилар синфи адо этади, чунки ривожланган социализм даврида у ўзини қудратли ижтимоий куч сифатида намоён этади. Партия бошчилигида ишчилар синфигина барча совет халқининг ижодий хатти-ҳаракатларини уюштириб, жипслаштира олади. Қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган агросаноат комплекслари, қишлоқ қурилиши, мураккаб ем ҳамда микробиология саноати каби тармоқларни ҳам у ўзи барпо этади. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳам анчагина ривожлантирилади. Шу билан ишчилар синфи коммунистик қурилишнинг энг асосий соҳаларидан бирида ўзининг раҳбарлик мададини кўрсатади.

Бу ишчилар синфидан, қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларидан, партия ва хўжалик органларидан катта ташкилотчилик иш олиб бориш, барча мавжуд ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишни талаб этади. Қолаверса, Ўзбекистон ССРнинг меҳнаткашлари мамлакатни тобора ўсиб боровчи миқдорда пахта билан таъминлашдек асосий интернационал вазифаларни адо этиш билан бирга, ипакчилик, чорвачилик, экинчилик, шунингдек, боғдорчилик ва узумчилик каби соҳаларни ҳам янада ривожлантиришга зўр диққат-эътибор берадилар. Айтиб ўтиш керакки, бизнинг республикамиз ҳозир Совет Ўзбекистонда етказилаётган пилланинг ярмидан ортигини бермоқда. 1981 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда 3 миллион тонна дон ҳосили олинди.

Буларнинг барчаси — КПССнинг илмий асосланган аграр сиёсатини изчиллик билан амалга оширишнинг, республика меҳнаткашлари, аввало, олтин қўллари билан «оқ олтин» яратаётган пахтакорларимиз фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланиш умумиттифоқ меҳнат таксимотида Ўзбекистоннинг роли янада кўтарилиши, СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига қўшадиган ҳиссаси мумкин қадар ортишини республикамиз ўз мисолида таъкидлади ва таъминлади.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ютуқлари партиямиз ва бутун совет халқи томонидан юсак баҳоланмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 й.) Пленумида пахтакорларимиз ҳақида Л. И. Брежневнинг меҳрибонлик билан айтган самимий сўзлари, меҳнатда эришган ғалабамиз муносабати билан деҳқонларимизга, Ўзбекистондаги барча кишиларга йўллаган табриги республикамиз бўйлаб тарқалди, ҳар бир хонадонга қувонч бўлиб кирди. Бунга жавобан Ўзбекистон меҳнаткашлари муваффақиятни мустаҳкамлаш, ўн биринчи беш йиллик ҳамда ундан кейинги йилларнинг планларини тўла-тўқис адо этиш иштиёқида ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорида айтилганидек, 1981 йилнинг муваффақиятлари бундан буён олға ҳаракат қилишимизда трамплин бўлиб хизмат қилиши керак.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдига мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Сўнгги йиллар мобайнида республикамизда қудратли агросаноат комплекси юзага келди. Унинг фаолият доирасида 2 мингтача колхоз ва совхоз, хўжаликлараро ташкилотлар, маҳсулотни қайта ишлаш саноат корхоналари, қишлоқ учун техника ва минерал ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналар, 100 га яқин илмий-тадқиқот институтлари, бошқа илмий муассасалар, тажриба станциялари уюшган.

Республика агросаноат комплексларининг ривожланиши натижасида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 33 центнер ошди, гўшт, сут, тухум ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик миқдори ўтган беш йилликда ундан олдинги беш йилликка нисбатан 31, 42

ва 65 процент кўпайди. Йил сайин халқ хўжалиги оборотига 100 минг гектарлаб кўриқ ер киритилмоқда, агросаноат бирлашмалари боғ ва полизлардан олинаётган маҳсулотларнинг 60 процентга яқин қисмини ишлаб чиқармоқдалар.

Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантириш учун 1982 йилда ва беш йилликнинг бундан кейинги йилларида эришиладиган улкан марралар партиямиз ленинча миллий сиёсатининг ёрқин ифодаси сифатида қабул қилинмоқда. Биринчи навбатда қайд этиш зарурки, беш йиллик планида халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, уни жадаллаштириш учун партиянинг белгиллаган йўли аниқ кўзга ташланмоқда. Ун биринчи беш йилликда республикамизнинг индустриал имкониятини янада ўстириш мўлжалланган: sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 30 процент ортади. Бу ўтган йилдагига қараганда бир неча баробар кўпдир.

Совет Иттифоқи ўз тимсолида эркин халқлар яқдиллиги ва дўстлиги каби илгари тарихда кўрилмаган инсоний муносабатларни мужассамлантирмоқда. СССР 60 йиллиги юзасидан чиқарилган қарорда айтилишича, бу ленинча дўстлик социализмнинг улуғвор ютуқларидан бири, жамиятимизни олға ҳаракатлантирувчи қудратли куч, коммунизм тантанаси учун СССРдаги барча миллат меҳнаткашлари яратувчилигининг битмас-туганмас булоғидир. Шунинг учун ҳам, Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларининг XV съездида таъкидлаганидек, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ишчилар синфининг колхозчи деҳқонлар ва мамлакатимиз меҳнаткаш зиёлилари билан иттифоқи янада чуқур маъно касб этади.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида бизнинг мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг юксак унумдор, ижодий, коллектив фаолият кўрсатишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилгандир. Коммунизм қурувчиларининг меҳнати бугун илғор фан ва техникага, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга, ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг юксак маданий-техника савиясига асосланади, совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган ижтимоий-сиёсий активлиги билан характерланади.

Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут тобора йўқолиб бормоқда, меҳнатнинг ўзи эса одамларнинг синашта одатига, энг биринчи ҳаётий заруратига айланиб бормоқда. Бу — ижтимоий тараққиётнинг совет жамиятидаги барча меҳнаткашларни бир йўла қамраб оладиган ягона жараёндир. «Уроқ ва Болғарнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги совет халқи қудратининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ҳозирги босқичда вазифа шундан иборатки, миллий аспектда муштаракликка эришиш зарур чунки бу умумий манфаатларни мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг янада яқинлашишлари учун қудратли воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Партия бу вазифани Совет давлати фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб қарайди. СССР Конституциясида қайд этилганидек, бу — жамият ижтимоий муштараклигини кучайтишига — синфий, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг йўқолишига, СССРдаги барча халқлар ва элатларнинг ҳар томонлама тараққий этишлари ҳамда яқинлашишларига ёрдам беради.

КПССнинг XXVI съезди бунга яна бир марта бутун диққат-этиборни қаратди. Совет жамиятидаги барча синфлар ва социал группаларнинг яқинлашуви стихияли жараён бўлмай, партия ва давлатимизнинг социал сиёсати муҳим ўрин тутадиган объектив жараён эканлигини қайд этиш керак. Зеро, съезде: «Бизнинг мақсадимиз — одамлар синфларга бўлинмайдиган жамият барпо этишдир», дейилиши бежиз эмас. Совет халқи ана шу улуғвор мақсад сари ишонч билан бормоқда.

Бундай хулоса чиқариш учун аввало шу нарса асос бўлиб хизмат қиладики, жамиятнинг ижтимоий структурасидаги силжишлар ишчилар синфининг салмоғи ва роли ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Ҳозир мамлакатимизда 80 миллионга яқин ишчи бўлиб, у иш билан банд аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этади. Бинобарин, бизда ишчилар синфи сонли синфига бўлиб қолмасдан, кўпчиликни ташкил этиши билан ўзининг жамиятдаги етакчилик ролини кучайтирди. Шунинг ҳам айтиш керакки, ишчиларнинг тўртдан уч қисми тўла, тўлиқсиз ўрта ва олий маълумотга эгадир. Замонавий ишчи меҳнатининг характери ҳам ўзгармоқда — у тобора интеллектуал мазмун билан бойиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустрлаштириш колхозчи деҳқонлар ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлишида ҳам ёрдам бермоқда. Деҳқон меҳнати аста-секин ишчи меҳнатига яқинлашмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида тўлиқ, тўлиқсиз ўрта ва олий маълумотли колхозчилар сони 39 процентдан 60 дан зиёд процентга етди.

Қишлоқнинг ижтимоий структурасига социалистик мулкнинг икки шакли бири бири билан яқинлашуви, колхозлар ҳам, давлат корхоналари ҳам иштирок этаётган хўжаликлараро ташкилотлар ривожланиши катта таъсир кўрсатмоқда. Колхозчиларга ҳақ тўлашнинг шакли ўзгарганлиги, ишчилар ва хизматчилар учун тайин қилинган ижтимоий таъминот системасининг уларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши озмунча аҳамиятга эга эмас. Буларнинг ҳаммаси ишчилар билан деҳқонларнинг ижтимоий аҳволдаги фарқнинг йўқолишига олиб боради. Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий структурасидаги сўнги ўн йил мобайнида юз берган ўзгаришларни баҳоларкан, синфсиз жамият структурасининг қарор топиши аввало ва асосан етуқ социализмнинг тарихий доирасида содир бўлиши мумкинлигини айтган эди.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврида ишчилар синфи ўзини қудратли ижтимоий куч сифатида намоён этади. Социализмнинг ғалабаси бу синфнинг совет

жамияти раҳбари сифатидаги ролини янада оширди. Ишчилар синфи бу билан ўз тарихий оламшумул вазифасининг биринчи қисмини адо этди. Аммо унинг улуғвор роли шу билангина чекланиб қолмайди. Давлатнинг пролетариат диктатурасидан умумхалқ давлатига ўсиб чиқиш жараёнида ишчилар синфининг роли, унинг жамият тақдири учун масъулияти ошиб боради.

— Башарти, ишчилар синфи, — дейилади Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида, — совет жамиятининг энг илғор, уюшган кучи экан, коммунистик қурилиш кенг қулоч ёйган даврда ҳам у ўзининг раҳбарлик ролини адо этади. Ишчилар синфининг совет жамияти ҳаётидаги раҳбарлик мавқеи унинг мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги ҳал қилувчи ролидангина эмас, жамиятнинг илғор синфи сифатида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги актив фаолиятдан ҳам келиб чиқади.

Бутун Совет Иттифоқидаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги ишчилар синфи ҳаётида юз берган революцион ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, унинг қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда ўзгартиришга зўр таъсир кўрсатаётганини эътироф этмасдан ўтолмаймиз. Ишчилар синфи совет деҳқонлари учун ўрнақдир. Унинг деҳқонларга таъсири бир неча йўналишда амалга ошириб келди ва келмоқда. Шаҳарлик ишчилар колхоз қишлоғига юксак янгиллик, меҳнат интизоми, жамоат мулкига коммунистик муносабат руҳини олиб борадилар.

Ишчилар синфининг колхозчи деҳқонлар билан иттифоқи унинг деҳқонларга ишлаб чиқариш юзасидан кўрсатаётган ёрдами билангина асосланмайди. Ишчилар ва деҳқонлар иттифоқининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши икки томонлама тараққий этадиган жараёндир. Ўзаро мадад, ўзаро иқтисодий ёрдам, аввало, ишлаб чиқариш юзасидан ўзаро кўмаклашиш бу иттифоқни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ишчилар синфи ва деҳқонлар иттифоқининг мамлакатимизда тарихий синовлардан ўтган ва мунтазам тараққий этиб бораётган принциплари социализм мамлакатлари учун ҳам янги жамият қурилишининг асоси бўлиб қолди. Бу иттифоқ ишчилар синфининг жамиятдаги пролетар бўлмаган барча меҳнаткаш қатламлар билан янада кенгроқ иттифоқи учун моя бўлиб хизмат қилади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи унинг ўз тарихий вазифасини амалга оширишда зорурий шарт-шароитдир, деган марксча-ленинча қонуннинг ҳаққонийлигини тасдиқлади: «Ишчилар ва деҳқонларнинг иттифоқи қийинчилик билан амалга оширилади, аммо ҳар қалай, капиталистларга қарши ягона, енгилмас иттифоқдир» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 300-бет).

Шунинг учун ҳам ҳар бир социалистик мамлакатнинг ҳаётий манфаатлари бу иттифоқни ҳар томонлама мустаҳкамлашни, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ишчилар синфи, унинг жанговар авангарди Коммунистик партия атрофига тобора мустаҳкамроқ жипслашишларини талаб этади.

Коммунистик партия мақсади синфсиз жамият қуриш бўлган ишчилар ва деҳқонларнинг сиёсий ҳамкорлигига раҳбарлик қилувчи ва уни йўналтирувчи куч сифатида майдонга чиқади.

СССРдаги ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, барча жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг юзага келган мустаҳкам иттифоқи коммунистик қурилишда бундан буёнги муваффақиятларимизнинг муҳим манбаи ва гаровидир, деб уқтирган эди Леонид Ильич Брежнев.



ЖАҲОНОТИН УВАЙСИЙ ЛИРИКАСИ

Шоира таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан

Зулм ва тенгсизликка асосланган ўтмишдаги ижтимоий тузумларнинг энг разил хусусиятларидан бири узлуксиз равишда хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқларини камситгани, улардаги қобилият ва истеъдодни юзага чиқишига қаршилик кўрсатганидир. Шарқда ўрта асрларда ҳам аҳвол шундай эди. Шунга қарамай, хотин-қизлар орасидан қалам соҳибалари етишган экан, бу ўша аёл — шоира ва адабларнинг жасорати, ақл ва талантининг рад этиб бўлмайдиган даражада кучлилиги туфайли юз берган.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган, ўз шеърлари билан замондошларининг таҳсинига сазовор бўлган Жаҳонотин Увайсий ана шундай шоиралардан бири эди.

Увайсий ижодиёти, унинг лирикаси хусусида гап борар экан, бундаги биринчи муҳим масала шоиранинг ўз даврига муносабати масаласидир. Маълумки, Увайсий ҳаётининг кўп қисми Умархон даргоҳида, унинг вафотидан кейин хоннинг ўғли Муҳаммадалихон саройида, шоира Нодирабегим ҳузурда ўтган. Увайсий хон саройига Марғилондан ўз ихтиёри билан эмас, балки Нодира илтимоси билан олиб келинганди. Увайсий бевосита хон саройида яшамаса ҳам Нодира унингсиз тура олмас, у Нодиранинг доимий маслаҳатчиси, шеърда устози, ҳаётда дардкаш дўсти эди.

Подшоҳ саройида Увайсий учун ягона тасалли Нодирадек оқила аёлнинг, буюк инсоннинг борлиги, мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда бу аёлнинг прогрессга йўл топиб, ижод ва адолатни ёқлаши, Увайсий каби аҳволи забун талантларнинг бошини силаши эди. Увайсийнинг ўз давридаги ижтимоий-сиёсий тузумга, ҳаётга шоирона муносабати унинг «Доғ ўлди, доғ ўлди» радифли ғазалида ғоят ёрқин ўз ифодасини топган. Шоира мазкур ғазалида: «Рақибларнинг раҳмсиз тигларидан бағрим жароҳатланди; атрофимдаги бефаҳм ва калтабин мардумлар дастидан эса кўнглим доғ бўлди» дер экан, бунда биз Увайсий шеърятининг фош этувчилиқ қувватини, унинг ўз давридаги энг прогрессив, халқчил қаламкашлар билан бир ғоявий позицияда турганини кўраемиз. Бу шеърда ғунчадек бағри қон, куйиб ёниб турган аёл — шоира образи ҳам яққол кўзга ташланади:

**Тўлубдир бағрим ичра қон мисоли ғунча, найлармен;
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.**

Увайсий бу ғазали мисолида ажойиб бир шеър яратганини, уни ўқиб Умархондек «зүфунун» ҳам ҳасад билан ўртанганини айтади:

**Ажаб ашъори мавзун боғлади Вайсий, ҳасаддин ким —
Умархон зүфунунеким, — кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.**

Лекин бу «ажойиб» шеърнинг сеҳри нимада? Фақат мазмунидами? Йўқ. Унинг жозибаси оригинал шаклида ҳам. Шоира ўз ғазалида биринчи навбатда ижтимоий мазмунни чуқур ифодалашга эътибор бериб, «мавзун», аммо қофиятсиз шеър яратган. Бу шоиранинг жасорати, «ўзгартириб бўлмас» деб ҳисобланган поэтика қонун-қоидаларига киритган ўзича бир янгиллиги эди.

Бу жасоратли аёл ўз шеъряти, шахсияти билан ўрта асрчилик ҳукм сурган ўз замонасидан юқори кўтарила билди. Увайсий ким? У ўз шеъряти билан қандай ижтимоий гуруҳларга хизмат қилган? Бу саволларга унинг «Увайсиймен» радифли ғазали тўла жавоб беради:

**Меҳнату аламларга мубтало Увайсиймен.
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсиймен.
Истадим бу оламни, топмадим вафо аҳли;
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсиймен.**

**Кечалар фиғонимдан тинмади кавокиблар;
Арз то само'узра можаро Увайсиймен...**

Кўриниб турибдики, Увайсий меҳнаткаш халқ қонини зулук бўлиб сўрган бойлар, амалдор хон, беқлар билан эмас, ўзи каби «меҳнату аламларга мубтало» бўлган «дард эли» билан ошно бўлган, ўз яшаган муҳитидан ҳалол, пок, вафо аҳллари-

ми излаган, бундай кишиларни топа олмадан кечалари фиғон тортиб йиғлаб, осмондаги юлдузларни безовта қилган.

Шеърга «Увайсиймен» деб радиф танланиши ҳам характерлидир. Узбек адабиёти тарихида Турди, Машраб, Роқим каби бир неча шоиргина ўз адабий таҳаллуслини ёки исмини радиф қилиб ғазал ёзган. Шоирлик номини радиф қилиб олиш билан Увайсий хотин-қизлар, шоирлар, илм ва санъат аҳллари ҳуқуқи топталган феодал шароитда ўз шахсини, ўз инсонийлигини таъкидлаб кўрсатмоқчи бўлган. Бу ҳам шоиранинг замонасига қарши исёни эди.

Увайсийнинг ўзбек шеърлятидаги камолоти XIX асрнинг биринчи ярмидаги мураккаб ижодий жараённинг маҳсулидир. Шоира шеърини ижоднинг қийинлигини конкрет тасаввур қилар, яхши асар яратиш учун таъб эгаси — талант ғаввос бўлиши, сўз баҳрига шўнғиб, ундан юз қийинчиликлар билан бу дурни қўлга киритиши лозим деб ҳисоблаб ва ҳақиқий шоирларни «гавҳари ноёблар» деб атаган эди:

**Бўлиб ғаввос, баҳри таъбдин дур олмак осон йўқ;
Ани дур билгучилар гавҳари ноёблардиндур.**

Увайсий адабий меросининг асосий қисмини лирика ташкил этади. У шеърлятни ўз ҳаётининг асосий маъноси деб қаради, ўз давридаги ҳар бир муҳим воқеа ва ҳодисага лирик шеърлари орқали муносабатини билдириди. Бунинг учун у адабиётда мавжуд лирик жанрларнинг хилма-хил кўринишларидан маҳорат билан истифода этди: ғазал, мухаммас, мустазод, мурабба, мувашшаҳ, чистон, туюқ, рубоий, қитъа, фард, маснавий...

Шоиранинг системали ва интенсив ижодий меҳнати натижасида унинг бир эмас, бир неча шеърини девонлари юзага келди. Утмишда девон тузишга журъат этишининг ўзи етуклик аломати ҳисобланар эди. Бу қўша-қўша девонлар шоирани ўз даврининггина эмас, умуман шарқ шеърлятининг Махсатихоним, Зебуннисо, Меҳри, Нодири каби энг ёрқин намояндалари даражасига қўтарди. У ўз назми билан яхшиларнинг дилларини ёритар, ёмонларга эса хавф-хатар солар, ўз ишидан завқланиб, асалари («занбур»)дек сўзни шакарга айлантитар эди:

**Назм шамъи била хавфу хатар этмай нетайин!
Сўзни занбур каби мен шакар этмай нетайин!..**

Увайсий шеърлятининг асосий мазмуни нимада? Шоира лирикасининг аксарият қисмини ишқий мавзу ташкил этади. Ижоди Навоий, Фузулий каби сўз санъаткорлари таъсирида шаклланиб ривожлана борган Увайсий лирика соҳасида уларнинг анъаналарига садоқат билдириб, ишқ ва муҳаббатни, маъшуқа гўзаллигини, ошиқ севгисини, ҳижрон изтиробларини висол иштиёқини бор шоирлик эҳтироси, шавқ-завқ ила қуйларкан, бу билан у ўз улуғ салафлари каби аввало ҳаётни, инсонга хос гўзал фазилатларни, севги билан боғлиқ ўз идеалларини ифодалади. Ишқни, садоқатни улуғлаб ғазаллар яратиш, шоир сифатида шу мавзу атрофида бўлиш шоҳ ва амалдорларни мақтаб, улардан бирор нарса тама қилиб қасидалар битишдан афзал эди. Биз Увайсий девонида мақтов характеридаги бирон қасидани кўрмаймиз. Шоира оддий инсоний талабларга бўйсуниб, барчага мангу мақбул ва манзур темада кўп қалам тебратиши унинг дунёқарашининг гуманистик характеридан, халқчиллигидан дарак беради. Замон оғир, зулм ва ситам авжида бўлишга қарамай, Увайсий кишиларни ҳаётга нафрат руҳида эмас, муҳаббат руҳида тарбиялашга интилар, унга бадбинлик, таркидунёчилик тамомила ёт эди. У бир ғазалида ёзади:

**Дунёни бугун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди халойиқиники, меҳмони ғанимат:
То булбули мастона суханрезни бул дам
Айвони жаҳон боғи гулистони ғанимат...**

Увайсийча, одамларга ҳаёт маълум ўлчов билан берилган. Шунинг учун кишилар ўз умрини ғам-ҳасрат билан эмас, шод-хуррамлик билан ўтказишга, ҳаётни қўлларидан келганича яхшилашга интилишлари зарур. Бунинг учун ҳаёт ҳақидаги тўғри дунёқарашга эга бўлиш, меҳнат қилиш, курашиш зарур. Дунёнинг табиий тузилиши, ой, қуёш, ер, ундаги боғу бўстонлар, улардаги гуллар, ҳатто очилмаган ғунчалар ҳам нақадар гўзал. Унда ўйнаб кулиш билан бир қаторда вақти келганда кўз қорачиқларидан кўз ёши ёмғирларини тўкишининг ҳам ўз маъноси бор («Кўз мардумини гиряи борони ғанимат»).

Классикларимиз ишқ ва муҳаббатни қуйлаб қанчадан-қанча асарлар ёздилар. Уларнинг бу ҳақдаги қуйларини катта бир хорга қиёсласак, бу хорда Увайсийнинг ўз латиф овози бор. Унинг шеърлари ғоявий тематикаси, асосий образлари, жанрий хусусиятлари жиҳатидан салафлари, устозлари ижодига маълум ўхшашликларга эга бўлса ҳам, уларда оригинал томонлари устунлик қилиб, бошқалардан яққол ажралиб туради. Масалан, Увайсийга қадар бирон ўзбек шоири ўз севгилисини эркалаб, унинг юзини гулзорга ва унда очилиб турган раънога қиёслаб қуйидаги каби гўзал ғазал битмаган:

**Ёр, рухсоринг кўруб гулзор раъноланмасун,
Ушбу ағерим қошинда хор раъноланмасун.
Қўзларим анжум сифат очилди хуснунгдин, нигор,
Кавкаби сайёрайи бедор раъноланмасун...**

Навойнинг «Кошки» радифли ғазали ўзига ҳам хуш келиб, шу радиф билан бир неча шеър ёзгани каби, Увайсий ҳам «Раъноланмасун» радифи билан бири бирдан ёқимли учта ғазал ёзган.

Бошқа бир ғазалида ўз ширинсухан ёрини тўтига ўхшатиб, унинг ёқимли гап-сўзларини қўмсаб, Увайсий унга ўзининг тўла садоқатини, «ошиқи зор»лигини изҳор этиб, шундай мурожаат қилади:

**Забонингни кетурдил, эй шакарлаб тўти, гуфтора;
Нечукким марҳамат бўлсин неча мендек дилафгора.
Нигоҳинг ташлағил лутф айлабон, эй шўх бепарво,
Йўлунгда интизор ўлғон мени бул ошиқи зора...**

Ўз севгилиси ҳақида, унинг ички ва ташқи гўзаллиги тўғрисида дил сўзларини айтишдан, инсон зотини, аёл хуснини мадҳ этишдан шоира ҳеч хориб-толмаган. Унинг таъриф ва тавсифлари беҳад самимий ва дилбар. У ўз севгилисининг ҳар бир хатти-ҳаракатида, ҳатто унинг жабр-зулмлари, шўришу ғавғоларида ҳам яхшилик аломатини кузатади:

**Тўбидин аҳсан эрур, дилбар, қади зеболиғинг,
Тўтидин афсаҳ эрур ширин-шакар гўёлиғинг.
Таън қилма ношикиболиғни изҳор айласам;
Тўшти бошимга ажойиб шўришу ғавғолиғинг...**

Шоира мадҳ этаётган бу гўзал айни вақтда шундай оқила («соҳиби маъно») ҳамки, у билан бир дамги суҳбат юракдаги барча дард-ҳасратларни ювиб кетади:

**Ғайридин қон эрди бағрим ҳам мушавваш хотирим;
Ҳасратимни барҳам урди соҳиби маънолиғинг.**

Шунинг учун ошиқ-шоира унинг суҳбатини қўмсагани-қўмсаган, ўзини йўқлагани-йўқлаган:

**Мисли бир парвонадек Вайсий тилар васлинг мудом, —
То ёрутқай кўнглини, эй шам, базм оролиғинг.**

Шу ўринда Увайсийнинг лирик қаҳрамони — ошиқ ва у тасвирлаган маъшуқа тимсолида кимларни тушуниш керак?— деган савол туғилади. Увайсий лирикасидаги ошиқ ва маъшуқа образлари аксарият ҳолларда анъанавий образлар бўлиб, уларнинг тасвирида шоира жуда катта шартлилика йўл қўйган. Маъшуқа образи орқали эса у ўз севган кишиларини тасвирлаган.

Увайсийнинг бир ғазали:

**Жаҳон гулзорига ҳоки қудумингдин етар зийнат;
Хиромингдин топар жон гулшани оройишу назҳат —**

деган байт билан бошланар экан, унда қуйидагича сатрлар бор:

**Навосанжи, адофаҳми, сухангў, нукта пардози;
Суман бўйи, чаман рўйи, пари тарзи, сиҳи қомат.
Бериб дониш баҳорига сўзунг оройишу тазйин,
Фаросат дафтари мисраъларингдин топти жамъият.
Юзунг рангин, лабинг қандин, вужудинг махзани тамкин;
Даҳонинг чашмаи замзам, саропо маъдани роҳат.
Берур шеъри малиҳинг мурғи жона лаззати маъни;
Найи қилкинг берур жон тўтисига шақкару шарбат.**

Бу ғазалда Увайсий фахрия усули билан ўзини таъриф қилган кўринади. Чунки шеър охирида: «Ясатти сўз арусин зевари номинг билан Вайсий», дейилишига кўра ундан муавшаҳ қондаси бўйича «Жаҳонбиби» исми келиб чиқади. Бизнингча, бу ўринда шоира ўз номини ғазалга қўшиб, тўғриси, ўз яқин ҳамфиқри, суҳбатдоши, замон оқиласи ва гўзали, шоира ва фозила Нодирани таъриф қилмоқда. Шеърда афсонавий-тарихий ҳукмдорларнинг номлари эслаб ўтилиши эса Нодиранинг давлат арбоби эканига ишора:

**Этиб Жамшиднинг жоми майи лаълинг ҳавосида,
Толиб миръоти Искандар юзунгдин юз туман ҳайрат.**

Увайсий, юқорида айтиб ўтганимиздек, қасида ёзмаган. Нодирани мақташ учун эса ғазал жанридан фойдаланган. У Нодирани ҳукмдор бўлгани учун эмас, асосан шоира, ҳақиқий инсон, муסיқанинг, шеърнинг қадрига етгани ва ардоқлагани учун мадҳ этган. Нодиранинг камёб ақл ва заковати, хусусан, эри — Умархон вафотидан кейин, мамлакатни ақл-идрок билан бошқаришида, тинчлик, осойишталикни сақлашида кўзга кўринган эди. Хуллас, Увайсий ва Нодира муносабатлари, унинг адабиётда акс этиши махсус ўрганилиши керак бўлган муҳим масалалардандир.

Одамлар орасида муҳаббат уруғини сочиш («Муҳаббат тухмин эқтим, хирмани ғамни кўтармиш дил»), уларни бир-бирини севиш, ҳурмат қилиш ва қадрлаш руҳида тарбиялаш Увайсий лирикасининг бош вазифаларидан бири эди. Шунинг учун ҳамманинг дилига яқин, тушунарли ва ёқимли ишқ мавзуда шоира бир умр илҳом билан қалам тебратиб, лириканинг энг нодир, халқчил намуналарини яратди. Унинг бу тур шеърлари шоиранинг қалбидан қўйилиб келар, китобхон ҳам бу илҳом ва эркин ҳис-туйғу билан ёзилган ғазалларни роҳат қилиб ўқиб, қўшиқ қилиб куйлар эди:

**Ўз сазо жон бермадим олдида восил чоғлар,
Фурқатида ҳамнишинимдур хабарсиз соғлар...**

Шоиранинг фикрича, инсон кўп вақт висол чоғларининг қадрига етмай, кейинчалик бунинг азобини, жазосини тартади. «Севгилим билан бирга бўлганимда нега унга жонимни фидо қилмадим»— деб пушаймон бўлади унинг лирик қаҳрамони — ошиқ. Меҳнат-машаққатсиз, кўз ёшларисиз, ҳижрон изтиробларисиз ишқни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун шоира: «Чашми боронинг била тун-кун суғар дил мазраин»— дейди. Унинг уқтиришича, ҳаётни, бутун борлиқни муҳаббатсиз тасаввур қилиш қийин. «Муҳаббатсиз ҳатто ерда шўра билан янтоқ битиши ҳам мушкул»— дейди шоира.

Шу фикрларидан келиб чиқиб, Увайсий инсоннинг ишқни кечинмаларини, ҳижрон ғам-андуҳларини, дил ўртанишларини, ёлғизлик туйғуларининг даҳшатларини чуқур ва таъсирли тасвир этишга ҳаракат қилади ва бунда поэтик мўъжизаларни қўлга киритади.

Увайсий ўз шеърларида кўпроқ аёл қалбини, аёл дард-аламларини, унинг ижтимоий норозилигини ёритганлигини биз унинг «Доғмен» радиодфи ғазалида очикроқ кузатишимиз мумкин. Шоира:

**Ҳажр аро булбулдайн қилгон наводин доғмен;
Гул саридур хор бу кўкси яродин доғмен —**

деб, ўз шеърини бошлар экан, юрагидаги барча дардларини шеърда баён қилишга ибоси йўл қўймаётганини билдиради:

**Ҳажр аро дерменки дардимдин неча изҳор этай,
Васл аро ҳолим сўран чоғда ибодин доғмен.**

Лекин шунга қарамай, Увайсий қалбида армон ва ҳасратлар шунча кўпки, уларни яширишнинг уддасидан шоира ҳаммавақт ҳам чиқа олмайди. У дардини яшираман деса, кўз ёшлари ошқор қилиб кўяди. Шунда у фарёд чекиб, бор овози билан йиғлашга, халқнинг гап-сўзи, ғийбатидан ибос қилмасликка қарор қилади. Чунки у чин сеvgи эгаси, аслида ҳақиқат, одоб қоидалари унинг томониди:

**Эй дило, манъ айлағил кўздин бағир ҳунобини;
Сирни фош этти бугун кўздин тўкулган облар.
Вайсий, сен андиша қилма халқ йиғу-онидин;
Кўз ёшинг ғарқ этса, тонг йўқ маъдани одоблар.**

Увайсий ўз лирикасида инсон қалбини янгидан кашф этган. Унинг шеърлари янги очилган кўрик, ҳали бу соҳада талай илмий текширишлар олиб бориш зарур. Унинг шеърлари сеҳрини бир-икки сўз билан осонгина изоҳлаш қийин. Масалан, «Ёвуқлашди» («Яқинлашди») радиодфи ғазалини кўздан кечирадиган бўлсак, бунда шоира ўз мақсад ва туйғуларини ғоят дардли, мураккаб, сеҳрли, экспрессив ифодалаганини кўрамыз;

**Жунуи дашти ажаб муҳлик, чиқарга жон ёвуқлашди.
Умиди васл андоғ чоғдаким, имкон ёвуқлашди.
Жигар ҳуноби, чеҳрам руди, ашким жорий андоғким,
Сариқ чеҳрамга сарчашмим соридин қон ёвуқлашди...**

Бу хил ғазаллар Увайсийнинг юксак поэтик маҳоратидан дарак беради.

Увайсий шеърлари орасида машқий, китобий шеърлар ҳам йўқ эмас. Шоиранинг:

**Хатингдек хуш назокат кўрмадим котиб кутубинда,
Лабингдек хуш такаллум йўқтурур қолиб қулубинда...**

**Мусаббир йўқду мандек ишқ аро собир субуринда,
Санингдек кимки золим, раҳмсиз жобир. жубуринда...**

каби ғазалларини китобий шеърлар деб баҳолаш мумкин. Чунки уларда анъанавий ғоя ва образлар, тил хусусиятларида китобийлик устунлик қилади. Шунингдек, унинг:

**Бахтим кўзига уйқу мавзунми экин оё!
Иқболима қасд этган гардунму экин оё!**

**Келди васлингдин, нетайким, бул кеча ҳижрон иси.
Ул сабаб эрди табассумдин келур гирён иси.**

**Ёвлиғин андоғ тикармен, ёр, мижгоним билан,
На эмиш мижгонки, тиксам арзигай жоним билан —**

каби матлалари билан бошланган бир қанча асарлари Навоий ғазалларига ўхшатма, ижодий машқ тарзида юзага келган.

Шоир лирикасида муҳаббат мотивларининг етакчилиги қилиши уни тематик қашшоқликда айблашга йўл қўймайди. Увайсийнинг асарлари орасида бир қанча ҳажвий ғазал ва байтларни ҳам учратамиз. Улар кўпинча ўша даврдаги шайх ва зоҳидларни, рақиб ва бошқа фосидларни фош этишга қаратилган. Масалан, куйидаги ғазалида Увайсий сийрати суратига тўғри келмайдиган, икки юзламачи, бошқаларни бу дунё ишларидан совутиб, ўзи эса айш-ишратни қўлдан бермайдиган, ҳаммани лақиллатиб кун кўрадиган зоҳиднинг образини навоийвор усталик билан чизиб берган:

Кўйди масжидга қадам, саждага комил зоҳид,
 На учун қиблагоҳим қошига мойил зоҳид!
 Ишқ ганжини топиб, зухдини сархуш этти,
 Ёшуруб сийратини, суврати табдил зоҳид.
 Сурди дунё ҳузурин, мунда қилиб тоатни,
 Борса маҳшарга ҳам ул жанната дохил зоҳид...
 Аҳли одам ани домидин омон топқон эмас;
 Нафси шайтон бошини кесгучи қотил зоҳид.

Шунингдек, Увайсий шеърлари ҳар қадамда чуқур юмор туйғулари билан ҳам сўғорилган. Чунки ҳақиқий шоир ижодини бусиз тасаввур этиб бўлмайдди. У ўзини ҳадеб ишқий шеърлар ёзишда айбламоқчи бўлган, поэзиянинг қадрини тушуниб етмайдиган кишиларга қараб:

**Солма назаре суду зиёнимга, халойик:
 Ишқ аҳлини кори кеча-кундуз зарар ўлган —**

дер экан, бу шоиранинг мазкур тоифа одамлардан нақадар юқори турганини намоиш қилади.

Увайсий лирикасининг мавзу доирасини беқиёс бойитган, унинг ҳаётийлигини таъмин этган энг муҳим омиллардан бири шоиранинг ўз ижодини шахсий ҳаёти, таржиман ҳоли, мақсад ва интилишлари билан узвий боғлаб борганидир. Бунга, хусусан, унинг ўз фарзандини соғиниб ёзган ғазали энг ёрқин мисолдир. Увайсий Нодиранинг энг яқин кишини бўлишига қарамасдан, Муҳаммадалихон унинг ёлғиз ўғли Муҳаммадхонни сарбозликка олиб Қашқарга жўнатиб юборади. Бу жудоликка чидай олмаган шоира онасидан ажралган қулундай бўзлаб, адолатсизликдан, ўзининг ғариблигидан фарёд чекиб куйидаги оташин шеърини ёзган эди:

**Буқун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим.
 Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.
 Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман;
 Вужудим дарда тўлди, эмди дармонимни соғиндим.**

Бу шеъри билан Увайсий ўзбек адабиётига «Она ва бола» мавзуини олиб кирди, уни юрагининг кўри билан ёлқинлатиб юборди. Увайсийнинг хон номига махсус мусаддас ёзиб, Ҳасан баққол деган ярамас одамнинг зулмидан қутқаришини илтимос қилиши ҳам характерлидир. Бу шеър шоиранинг ўз замонасидан шикоятигина эмас, айна чокда ҳукми ҳамдир. Мусаддаснинг ҳар бир банди охирида куйидаги байт нақорат тарзида такрорланади:

**Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мани;
 Қилгон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мани.**

Бу шеър яна бир марта Увайсийнинг ўз даври воқеа ва ҳодисаларига ҳозиржавоб шоира сифатида ижод қилганини кўрсатади. Увайсийнинг муҳаммас ва бошқа лирик жанрларга оид шеърлари, сўфиёна поэзия таъсирида ёзилган баъзи ғазаллари унинг ижодининг ўзига хос томонларини, шоиранинг салафлари ва замондошлари билан муносабатларини, талантининг бой қирраларини чуқур очиб бериши мумкин.

Увайсий «Қарбаломома», «Воқеоти Муҳаммадалихон» каби дostonлар ҳам ёзган. Уларни ҳам махсус ўрганиш бу шоира ижодий лабораторияси билан янада жиддийроқ танишиш имконини беради.

Ҳаёти ғам-андуҳ билан тўла бўлган шоира умрининг охирида ёзган шеърларидан бирида:

**Вайсий жаҳондин ўтти муродга етмайин;
 Тўймоқ русум йўқту қорин суйган ошқа —**

деган эди. Чиндан ҳам шундай. У ўз орзу-умидларининг биронтасига Шарқ ўрта асрчилик муҳитида ета олмади. Лекин у ўз даврининг паҳлавонларча, қаҳрамонларча ижод қилган энг йирик қаламқашлари билан беллашиб, вақти келса уларни енгган эди. Аммо у замонни енга олмаган, ҳаётдан армон билан кетган, шунинг учун ҳам бир шеърда, гарчи афсонавий Сулаймон бўлиб тақдир билан олишган бўлса ҳам, ҳаётдаги барча ёмонликлар билан курашда чарх унга ёрдам бермаганини, шунинг учун охири енгилганини эпик салобат билан шундай ифода қилади:

**Бу чарх аду сифат айлаб ўзини билгурди, —
 Фалакни рашкида мен гарчиким Сулаймонмен.**

Шубҳа йўқки, Жаҳонотин Увайсий ўзбек адабиётининг энг ёрқин сиймоларидан биридир. Бу улкан жасоратли шоиранинг ижоди туфайли ўзбек шеърини олға қараб янги бир катта қадам кўйди. Унинг шеърини муттасил жиддий ўрганиш ўзбек адабиёти ва маданиятининг бугунги манфаатларига хизмат қилади. Шоиранинг озодлик, тенглик, маърифат ҳақидаги барча яхши орзу-армонлари ҳам бизнинг давримизга юзага чиқмоқда. Буюк шоиранинг номи эса бутун жаҳон бўйлаб янграшга, шеърлари дунё тилларида ўқишига лойиқ.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
 филология фанлари доктори

УНУТИЛМАС КУНЛАР ТАРИХИ

[Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғайратий таваллудининг 80 йиллигига]

Ўзбек совет шеърятининг йирик вакили Ғайратий бутун ҳаётини, талантини, адабиётни замонамизнинг илғор ғоялари билан қарор топтиришга, социалистик ҳаётимизни зўр эътиқод билан куйлашга бағишлади. Ижодкорнинг чуқур мазмунли шеър ва поэмалари, ҳикоя ва повестлари ёшларни тарбиялашда, катта роль ўйнаб келмоқда. Уттизинчи йилларда ишчи шоир, комсомол шоир сифатида танилган Ғайратий то умрининг охиригача бахтли замонни, Ватанни, партияни, қувноқ болаликни мадҳ этди.

Ғайратий 1902 йили Тошкентнинг Дегрез маҳалласида дунёга келган. У туғилган даврда Туркистон ўлкаси катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар олдиде турар эди. Бўлғуси шоир Абдураҳим — Ғайратий ёшлик чоғларидаёқ отаси ва унинг илғор фикрли дўстлари даврасида ҳаёт ҳақидаги тасаввурини бойита борди. Унинг дунёқарошида ҳамда даврнинг янги типдаги ижодкори бўлиб етишувида Октябрь инқилоби муҳим роль ўйнади. У озод совет давлатининг ёш авлодни билимли, онгли, интизомли, меҳнатсевар, тиришқоқ, зийрак, жасур кишилар қилиб тарбиялашдек шарафли ишини қарор топтиришга астойдил хизмат қилди.

Ғайратийнинг биринчи шеъри «Болалар

ҳафтаси» 1921 йилда «Қизил байроқ» газетасида босилиб чиқади. 1927 йилда эса араб алифбосида «Эрк товуши» шеърлар тўплами чоп этилади.

Бадий адабиётнинг болалар тарбиясига кучли таъсир қилишини яхши англаган Ғайратий бу соҳада катта ижодий мерос қолдирди. Унинг «Сиз менинг ёшлигимсиз», «Бизнинг Ҳамза», «Олтин ёшлик», «Йўқолган бола», «Ҳикоялар», «Рустамжоннинг саргузашти», «Унутилмас кунлар», «Бобомнинг совғаси», «Қулоқчин» каби китоблари ёшларнинг сеvimли асарларига айланган.

Ғайратий энг аввало ўз шеърлари орқали ёшлик куйчиси, комсомол шоири сифатида шухрат топди. Унинг «Ёшлик» шеърда ёшлик гаштини, ширин ҳаёт нашъасини суриб яшаётган бахтиёр ёшларнинг қувноқ ҳаёти лирик оҳангда тараннум этилади:

**Бизнинг ёшлик топамак камол,
Ардоқловчи бахт унга доя,
Йўллар ойдин, гўзал истиқбол,
Таърифи зўр, бўлмас ниҳоя...**

Ғайратий бир қанча поэмалар ҳам ижод этди. Унинг «Онамга хат», «Жинаста» поэмалари шу жанрда ёзилган асарларнинг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Хусусан, «Онамга хат» ўзининг ғоявий-бадий қиммати билан 30-йиллар адабий ҳаётида сезиларли из қолдирди. Ғайратийнинг ёшлар ҳаётига доир бир қатор асарлари, аynиқса, «Йўқолган бола», «Урмонжоннинг мушуги» сингари поэмалари қимматлидир.

Шоир «Йўқолган бола» поэмасида эскилик билан янгилик ўртасидаги муросасиз курашни поэтик деталлар воситасида тасвирлайди. Достон саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида ўтмиш ҳаётининг умумий манзараси чизилади. Иккинчи бобда асарнинг бош қаҳрамони ёш Пўлатжон ота-онасининг Исломбой қўлида кечирган ташвиш-аламлари ифодаланади. Кейинги бобларда достон драматизми чуқурлашиб, характерлараро конфликт янада кескинлашади, яъни Пўлатжоннинг отаси Йўлдош аканинг бой зулми натижасида хонавайрон бўлиб, ёлғиз аёли ва ўғлини боқишга ҳам имкони қолмаганлиги кўрсатилади. Ана шу оғир ҳаёт Пўлатжоннинг меҳрибон онасининг дунёдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлади. Отаси бойларга, қулоқларга қарши курашга отланади. Ёлғиз қолган Пўлатжон Ҳамдамбой қўлида қарол бўлиб ишлайди.

Ота-онасининг ҳаётда дуч келган азоб-қувбатлари унга ҳам «мерос» қолади. Лекин тез кунда Октябрь инқилобининг ҳаётбахш шабадаси унинг юртига ҳам етиб келади. Аста-секин қулоқлар тугатилиб, колхозлаштириш ишлари авж олиб кетади. Пўлатжон каби етим-есирлар мактаб-интернатларга жойлаштирилади: аммо Пўлатжон ўйинқароқ бекорчи болаларга қўшилиб,



интернатдан бир неча бор қоцади. Савдогарчилик ва ўғрилиқ билан шуғулланиб, қамалиб ҳам чиқади. Безорилик қилади, адашади, қийналади. Шунда яна янги тузум шарофати уни бу ёмон йўлдан қайтади. У қилғиликларининг ноўрин эканлигини англаб, мактаб-интернатга кўнгил қўйиб, қувноқ ҳаёт гаштини сура бошлайди ва бу ҳаётдан фахрланади.

Қишлоқларда ҳам янги ҳаёт завқи жўш уради. Шундай кунларнинг бирида у йўқолган отасини толади. Ота ўз фарзандини қувониб бағрига босар экан, бунгача чеккан қанчадан-қанча изтиробларини хотирга келтиради. Бу воқеадан янада таъсирланган Пўлатжонда эса янги даврга, жонажон Коммунистик партиямизга нисбатан миннатдорчилик ҳис-туйғулари тобора кучаяди.

1

Умуман, поэма мазмуни ва ғоявий эстетик савиясига кўра, анча салмоқли бўлиб, фақат 30-йиллар адабий ҳаётидагина эмас, балки кейинги вақтларда ҳам муҳим тарбиявий роль ўйнаб келмоқда.

Ғайратий «Ўрмонжоннинг мушуги» поэмасида Ўрмонжон характери орқали болаларнинг ибратли фазилат ва ишларини тарғиб қилади. Ўрмонжон мактабда аъло баҳолар билан ўқийди, уй юмушларига ёрдам беради. Ичкиликка муқкасидан кетган отасининг қайта тарбияланишида, ёш бўлишига қарамай, кўп иш қилади. Шоир Ўрмонжоннинг ўқимишли, зийрак, билимдон бола сифатидаги хусусиятларини ишонарли қилиб тасвирлаган.

Умуман, шоирнинг «Йўқолган бола», «Ўрмонжоннинг мушуги» поэмалари 30-йиллар ўзбек болалар адабиёти поэмачилигининг туғилиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Чунки уларда шоир асосан ёшлар тарбияси, келажаги ҳақида фикр юритади. Шунингдек, катталар билан муносабат ва дўстлик, ҳайвонот олами ва табиатга ҳурмат туйғуларини тарбиялашга интилади. Шоирнинг бу даврда яратилган айрим шеърларида ва ҳатто «Жинаста» достонида ҳам декларация, тасвирдан кўра тавсиф, кўрсатишдан кўра айтиб бериш, баъзан қуруқ дидактикага таяниш ҳоллари учрайди. Лекин унинг асосий, кўпчилик поэтик асарлари ўзининг ғоявий-бадий тирадлиги билан янги замонни мустақамлашга, янги инсонни камол топтириш ишига хизмат қилди. Бу ўз навбатида шоирнинг ўзбек совет шеъряти тараққиётидаги ўрни ва ролини тушунишга имкон беради.

Ғайратий ўзбек совет адабиёти тараққиётига қатор ҳикоя, қиссалари билан ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг болалар учун ёзган насрий асарлари мазмунига кўра тарихий, тарихий-инқилобий, ҳарбий ва замонавий мавзуларни ўз ичига олади. Бинобарин, у яратган қаҳрамонлар гоҳ тарихий ўтмишдан нур қидирган, гоҳ яқин кечмишдан бахт излаган, гоҳ ҳарбий давр синовига сабот билан бардош берган, гоҳ ҳозирги бахтиёр кунимиздан қувонган кичик яратувчи сифатида намоён бўлади.

Ғайратийнинг «Отанинг хотира дафтари», «Унутилмас кунлар» каби ҳикояларида гражданлар уруши, ер ислоҳоти ва маданий революция даври воқеалари тасвирга олинади. Мактаб ёшидаги болалар учун ёзилган бундай тарихий-инқилобий мавзудаги ҳикояларда янги дунё билан бирга

туғилиб, вояга ета бошлаган ёш бўғиннинг оғир, аммо келажаги порлоқ тақдири умумлаштириб берилади. Айниқса, «Отанинг хотира дафтари» ҳикоясида асар қаҳрамони Кўчқорнинг отаси — Ёдгорнинг болалик хотиралари бирин-кетин китобхон кўз ўнгига жонлана боради. Ҳикояда асосан катталар, аникроғи, инқилоб учун курашган, қон тўкиб, жон берган оталар образи яратилади.

«Унутилмас кунлар»да эса, асар воқеалари марказида ўн гўрт ёшли Пўлатжон образи туради. Пўлатжон ота-онасидан эрта етим қолиб, кишилар қўлида хизмат қилади. Унинг бахтига Инқилоб бўлиб, ёруғ кунлар келади. Лекин бойлар, босмачи газандалар чет эл босқинчиларидан ёрдам олиб, ўз ҳукмдорликларини сақлаб қолиш учун тиш-тирноқлари билан курашадилар. Ёзувчи ёш Пўлатжон образини яратар экан, уни фақат воқеалар иштирокчиси сифатидагина талқин қилмай, балки ўзига яраша ички олами, психологияси, характери чизишга ҳам алоҳида эътибор беради.

Адиб замонавий мавзуларда ҳам ҳикоялар яратган. Айниқса, «Янги нусха», «Қарқуноқ» каби қатор ҳикояларида мавзу ва материалнинг ангиллиги, ўзига хослиги кўзга ташланади. Агар «Янги нусха» ҳикоясида ёзувчи ёш қиз Севархон чизган расм Текстилькомбинатда газмолларга босишда фойдаланишининг аҳамиятини кўрсатиш орқали ёшларни ҳунар эгаллашга, унга меҳр қўйишга чорласа, «Қарқуноқ» ҳикоясида Қудратга ўхшаган болаларнинг ярамас одатлари қораланади.

Ғайратий асарларини қайси жанр ва қайси мавзуда ёзган бўлмасин, ёшлар келажагини қуйлашга ҳамиси интилади. Уларнинг коммунистик жамятнинг муносиб авлоди бўлиб вояга етишувини йўлларини излайди, кўпинча, буни муваффақиятли ҳал этади. Шу сабабли ижодкорнинг болаларга бағишлаган асарлари ҳамон катта тарбиявий ва эстетик қиммат касб этиб келмоқда.

Ғайратий болалар драматурги сифатида кўпроқ мактабгача ва мактаб ёшидаги кичик болаларга атаб асар ёзганлиги билан бу борада қалам тебратган бошқа ижодкорлардан ажралиб туради. Шунга кўра драматург мазкур ёшдаги кичикинтойларнинг ўзига хос табиати, хусусияти ва руҳиятидан келиб чиқиб, кўпроқ ҳайвонлар, қушлар, ўсимликларнинг рамзий образини яратади. Уларни сўзлатиш воситасида асарнинг асосий ғоясини очиб беради. Бу жиҳатдан Ғайратийнинг ҳамон Республика кўғирчоқ театри саҳнасида мустақам ўрин эгаллаб келаётган «Ўрмонда», «Қанотли дўстлар», «Тугмача гул» каби саҳна асарлари айниқса ибратлидир.

Ғайратий ўзининг ижодий фаолиятида китобхонларга, хусусан ёш мухлисларига аjoyиб бадий бойликлар хазинасини қолдирди. Бу хазина меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилганлиги жиҳатидан ҳамда узок йиллик меҳнат, кунт ва матонат, талант маҳсули эканлигидан ҳам қадрли ва ардоқлидир.

Соҳиба ИРИСХУЖАЕВА,
филология фанлари кандидати



СИЗГА МУДОМ АЙТАР ШИРИН СЎЗ

[Шоир Пўлат Мўмин 60 ёшда]

Чинакам болалар ёзувчиси кичиклар рухий оламини ўзиникидай сезади, болалар орасида ўзини худди сувдаги балиқдай эркин ҳис этади. Кичикинтойлар билан уларни ўйин-кулгилари, ўқишлари, орзу-ҳаваслари ҳақида сўзлашадими ёки катта ҳаёт масалалари устида суҳбатлашадими, ўз яқин одамларидай тил топишади, «ичларига кириб» кетади. Пўлат Мўмин ана шундай фазилатларга эга туғма болалар ёзувчиси. Гўдак қалби, табиати, психологияси ва тилини билишда мохир педагогдай, меҳрибонликда отадай, муомалада одамоҳунлиги бор. Умр бўйи болалар орасида яшаганидан болаларнинг ранг-баранг қувноқ ҳаёти, ўй-фикрларини яхши билиб, чуқур ҳис қилади, дилларигагина тилларига чиқара олади. Мана, қирқ йилдирки, болалар билан ажойиб бир самимий иноқликни давом эттириб келяпти. Ўз кўшиқларидан бирида «Мўмин сизга мудом айтар ширин сўз» деганидай, ҳамиша яхши сўз, сажий қалби, илиқ меҳри тўла асарлари билан ёш китобхонларни ўзига ром этипти.

Дўстим Пўлат Мўминнинг ижодий йўлига назар солсам, беихтиёр ёдимга урушдан сўнги йиллар тушади. Мен республика Радиокомитетининг болалар учун эшиттириш бўлимида ишлардим. Бизда болаларбоп замонавий, мазмундор кўшиқлар етишмасди. Шундай кўшиқлар яратиб беришни сўраб болалар шоирларига мурожаат этдик. Улардан олинган янги кўшиқлар ичида айниқса биттаси кутганимиздек чиқди. Уша кезде радиода уюштирилган ҳаваскор ёш кўшиқчилар тўдаси янги кўшиқни машқ қилди. Уни эфирга эшиттирганимизда тингловчиларни қизиқтириб қўйди. Кейин янги кўшиқни радио орқали кўпчиликка ўргатдик. Тезда у республика мактаблари, болалар уйлари ва пионер саройларига тарқалди. Бундан ўттиз беш йилча бурун яратилган ўша кўшиқ пионерларнинг неча авлодидан ўтиб ҳозиргача янграб келмоқда. Бу «Яшна, улуғ ўлкамиз» пионерлар хоридир. Уни болалар шоири Пўлат Мўмин яратган эди. Мана, кўшиқ бандига қулоқ солинг:

**Бахтимиз қулган бағрингда, Ватан,
Усиб улғайдик, биз соғлом бадан.
Кундан-кун бўлиб давримиз порлоқ
Яшнамоқдасан сен худди чаман.**

Нақадар содда, самимий ва чиройли!
Бу ўн йилликлар ичида Пўлат Мўмин ёш авлод онги, қалбига чуқур сингиб кетган ўшандай қуркам, серзавқ, сермазмун кўшиқлар ва шеърларни кўплаб яратди. Мус-

тақил овозига эга сеvimли болалар ёзувчиси бўлиб танилди. Бу даражага етгунча тинмай ўқиш, ўрганиш ва изланиш даврини бошдан кечирди. Ёшлиқдан мактабда, сўнг-ра пединститутда ўқиб юрган чоғидан унда адабий ижодга ҳавас-орзу туғилганди. Китоб ўқиш, эртак эшитишга муккасидан кетганди. «Эртакни эшитиб, китобни ўқибгина кетавермасдим-да, улар ҳақида ўйлардим. Мағзини чақишга ҳаракат қилардим. Эртак айтганга, китоб ёзганга жуда-жуда ҳавас билан қарардим. Қани, мен ҳам эртаклар тўқисам, китоблар ёзсам, деган орзу-хаёлга борардим», деб ёзади шоир.

Болаларга асар ёзишнинг масъулиятини яхши англаган шоирга ўз орзусининг ушалишида ўзбек классик адабиёти, совет адабиёти намуналари, халқ ижоди дурдоналарини синчиклаб ўрганиши катта йўл очди. Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Миртемир каби поэзиямизнинг улкан устозларидан кунт билан таълим олиб, Зафар Диёр, Султон Жўра, Қуддус Муҳаммадийлар изидан бориб, болалар учун ижод этиш йўлларини эгаллади. «Ижод даргоҳига дадил қадам қўйишимга йўлланма берган устозлардан бири» домла Шайхзода булди», дейди Пўлатжон ва Пединститутда ўқиб юрган чоғида, сеvimли му-



аллимидан кўп нарса ўрганганини хурсанд бўлиб эслайди. Айниқса, рус ёзувчилари В. Маяковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Барто шеърларини, Н. Носов қиссаларини ўқиши ва таржима этиши маҳорат сирларини чуқур эгаллашида катта мактаб бўлганини миннатдор бўлиб гапиреди.

Пўлат Мўмин кўп йиллик баракали ижодий меҳнати билан кичкинтойлар адабиёти-миз чаманини янги, сара гулларга бойитди. Ёш китобхонларга неча ўнлаб шеър, дoston, эртак китоблари ҳада этди. Энг яхши асарларида совет болаларига тинч, эркин, ширин ҳаёт ато қилган жонажон партияни, улуғ Ленинни, она-Ватанни, дўстликни куйлади, серкуёш, серфайз юртимизнинг гўзал табиятини, бахтиёр авлоднинг севинч-кувончларини эҳтирос билан тараннум этди, болаларни билимнинг қони — мактабни севиш ўз юртининг ҳалол, меҳнатсевар, фидокор ўғлонлари, муносиб граждaнлари бўлиб етишиш каби катта мақсадларга учдади. «Сайранг, қушлар!», «Бўл тайёр!», «Офтоб чиқди оламга», «Хунардан унар», «Газ полвон эртак айтар», «Ақл қаерда бўлади?», «Раҳматга раҳмат», «Эсон, ва Омон», «Бу жуда соз», «Яхшиларга ўхшасам», «Устозлар миздан» каби китоблари болалар ва ўсирлар адабиётимизни бойитишга хизмат этди. Шоир яратган энг яхши шеърый намуналар қардош республикалар халқлари тилларига таржима этилди, «Детская литература» ва «Малыш» нашриётларида кўп нусхада тўплам бўлиб чиқди.

Мазкур китобларнинг номларидан ҳам кўриниб турибдики, улар бутунича болалар ҳаётига бағишланиб, ёш насл тарбиясининг энг муҳим масалаларидан баҳс этади. Илм-хунарга ташналик, меҳнатга муҳаббат, эл-юрт хизматига тайёрлик, устозлар, ва отa-оналарга ҳурмат, эзгуликка интилиш, ёмонликка қарши курашиш — шоирнинг севган мавзулари. Бир сўз билан айтганда, шоир ўз ўқувчиларининг юксак одоб-ахлоқ эгалари бўлиб етишишларини истайди. Китобларидан бирини «Одоб ва офтоб» деб аталгани ҳам бежиз эмас. Шу мавзудаги шеърда, бошқа кўп шеърларида бўлганидек, савол-жавоб усулидан фойдаланиб: «Офтоб яхшими, одоб яхшими?» деб сўрайди ва офтоб оламини нур билан мунаввар этса, одоб одамнинг юзини ёруғ этади, деб жавоб беради. Шоир шу мавзунинг қирраларини «Ун икки шарт, уни бажар!» шеърда очиб, маъносини чуқурлаштиради. Коммунизм қурувчисининг янгича ахлоқ-одоби кодексининг моддаларига бадий таъриф бериб:

**«Хар биттаси олтин китобдир,
Зарурликда гўё офтобдир»**

дейди. Бу кодекснинг ҳар бир шартини муқаддас билиб, даставвал она юртни жондан севиш, унинг бойликларини кўз қорачиғида асраш ва янада кўпайтириши йўлида хизмат этмоқ лозимлигини уқтиради. Кишининг одоб-ахлоқи кундалик эзгу ишларида, атрофдагиларга чин дўстлик, меҳроқибат кўрсатишида, юрт манфаати, кишилар бахти йўлида қилган яхшиликларида кўринади.

Публицистик пафос билан суғорилган сиёсий лирика шоирнинг «Сайранг, қушлар» деган дастлабки тўпламидан тортиб кейинги тўпламларида ҳам кўп учрайди. Болалар

поэзиясида лирик йўналиш билан публицистик руҳ ниҳоятда зарур. Пўлат Мўмин бунини яхши тушунади, шу билан бирга жиддий мавзудаги шеърларда равонлик ва аниқлик, болаларбоп соддалик ва табиийликка эришишга интилади.

«66 олтин кўл» китоби шоирнинг сўнгги йиллар ижодида, умуман болалар шеър-этимизда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Рўй-рост айтсак, меҳнат ва касб-хунар мавзуи болалар адабиётимизда ҳамон етарли ишленмаяпти. Ваҳоланки, болалар тарбиясида, ёшларнинг етук шахс бўлиб ўсишида меҳнат кўникмаси асосий ролни ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. «Қаловини топсанг, қор ёнади» деганларидай, бу катта, жиддий мавзуни болаларбоп енгил, мароқли шаклларда аниқ эттириш тажрибаси бизда бор, албатта. Пўлат Мўмин «66 олтин кўл» китоби билан маълум даражада ана шу тажрибани бойитди.

Йигитга етмиш хунар оз, дейди халқимиз. Шу ҳикмат маъносини чақишга бағишланган китоб олтимиш олти касб эгасининг бир ерда тўпланиб, ўз иши-хунарини таърифлаши тарзида бошланади. Улар орасида космонавтлардан тортиб сартарошгача, кимёгар олимдан тортиб футболчигача бор. «Қани энди, — дейди автор ўқувчига мурожаат этиб, — биронтасининг ўзи ҳақидаги мулоҳазасию заъки кўнглингга тушиб, орзуларингга йўл очса — қизқирса; баъзиларда учрайдиган нуқсонларни тугатишга кўмак берса борми, роса қойил бўларди!» Турли хил вазнда, мароқли шакллар, ширадор тилда битилган шеърый ҳикояларнинг аксариси муваффақиятли чиққан. Уларда ҳар қандай касбнинг ўзига хос жиҳатларини, мамлакатга етказадиган фойдасини, одамга қанчалик завқ-роҳат бағишлашини ишонтирарили қилиб кўрсатади. Касбкорнинг ёмони йўқ, ўз ишига ихлос қўйган одам ҳар қандай соҳада ҳам ўзини кўрсатиб, эл-юрт олдида обрў-иззат топа олади. Хуллас, ижодий меҳнатнинг ҳаётбахш романтикасини кўрсатиш — шоирнинг асосий нияти. Шоир бошқа асарларида бўлгани каби устозларни улуғлайди, илмини ҳам хунарни ҳам эгаллашда устозлардан ўрнашиш, уларни қадрлашга чақиради:

**Хунару билимда асосдир устоз,
Кам бўлмас устозни ким этса эъзоз.
Майли, фурсат ўтсин, ўйлаб кўрингиз,
Биз юрган йўллардан сиз ҳам юрингиз...**

Ҳаётда болалар ҳамиша катталар кўз олдиди, улар билан ёнма-ён, мустаҳкам алоқада яшайдилар. Катталарнинг ҳар бир иши, ҳаракати, юриш-туриши, гап-сўзи болалар учун яшаш намунасидир. Шунини эътиборда тутган шоир кўп асарларида катталарнинг меҳнатдаги, ҳаётдаги ибратомуз ишларини қаламга олади. Қаҳрамон ишчилар, миллион-миллион тонналаб оқ олтин яратаётган пахтакорлар, ер қаъридан зангори олов тортиб чиқараётган оловкорлар, қуш урса қаноти, одам юрса оёғи куядиган тақир саҳроларни чаман водийларга айлантираётган азамат чўлқуварларнинг образларини гавдалантиради. Буларни ўқиган болалар эса: «Биз ҳам ана шулардай чин инсонлар, ватанининг ардоқли фарзандлари бўлиб етишсак», деб орзу қилсалар, ажаб эмас.

Пўлат Мўмин кўшиқчи шоир сифатида

машхур бўлди. Турли мавзудаги ўнларча ашулалари катталар ва болалар ўртасида кенг тарқалди. Кун сайин биз радио ва телевидение орқали бу ашулаларни мароқ билан тинглаймиз, роҳатланамиз.

Ёқимли табассум ҳаётда ва ижодда шоирнинг ҳамроҳи. Енгил юмор унинг асарларига олтин зарраларидай сочилган. Доим ўйин-кулгига мойил бўлган болалар бундай асарларни севиб ўқийдилар. Айниқса кичкинтойларга аталган шеърлари, ашулалари қувноқ кулгиси, ўйноқи ритми, жанрлар оҳанги билан ажралиб туради. Шоир шеърдан-шеърга, ашуладан-ашулага ўтганда шаклларни турлаб боради, халқ ижодидан унумли фойдаланади. Шунингдек, лапар, ҳикоя қилиб бериш, савол-жавоб усуллари билан фойдаланади. Ана шу усуллар шеър ҳамда ашулаларнинг кичиклар онги ва тилига тез синиб кетишига ёрдам беради. Бу хусусият болалардаги турли қусурларни танқид қилувчи «Салимжон — нимжон», «Йикки қўйманг, ўқитувчим», «Уч баҳо — пуч баҳо» каби ҳажвий шеърларига ҳам ҳосидр.

Пўлат Мўмин дostonчилик, эртақчилик ва бадий таржима соҳаларида ҳам кўп меҳнат қилди. Айниқса унинг жуда суст ривожланаётган болалар драматургияси бобидаги хизматини алоҳида кўрсатиб ўтгим келади. У болалар учун бир қатор пьесалар ёзиб, шу соҳанинг жонланишига ҳисса қўшиб келяпти. «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Суқатой конфетвой» деган пьесалари ёш томошабинларга яхши таниш. Халқ ижоди таъсирида ёзилган бу эртақ-пьесалари ёш томошабинлар театри саҳнасида узоқ вақт тушмади. Улар болалардаги дангасалик, лапашанглик каби иллатларни ўткир ҳажв остига олди, билимдонлик, ҳалоллик ва меҳнатсеварликни улғулаб, тарбия ишининг муҳим масалаларига қаратилди. Пўлат Мўмин сўнги йилларда қатор реалистик пьесалар яратди. Жумладан, республика конкурсида мукофотланган «Баҳодирнинг ботирилиги» пьесасини долзарб мавзуга бағишлади — мактаб ўқувчиларининг меҳнат бригадаси тузиб, колхоз ишига қўшган ҳиссаларини қизиқарли эпизодларда гавдалантирди.

Пўлат Мўмин ижодда нимаики муваффақиятга эришган бўлса, ҳаётга яқин бўлиб, ёш томошабиннинг, ёш китобхоннинг талаб-эҳтиёжига ҳамшиша кўз-қўлоқ бўлиш орқасида эришди. Учрашувлар, суҳбатлар ўзаро хат ёзишувлар болалар билан алоқасини мустаҳкамлади. Пўлат Мўмин икковимиз республика шаҳар ва қишлоқлари, Москва ҳамда қардош республикаларга бирга бориб, ёш китобхонлар даврасида кўп бўлганмиз. Шунда болаларнинг ўз шоирини қандай севинч-қувонч билан кутиб олганларини кўрганман. У шеър ўқиғанда болалар жон қулоғи билан тинглашар, юзларига илиқ табассум ёйилар, сўнг болаларнинг

ўзлари унинг шеърларини ёддан ифодали қилиб ўқиб беришар, қўшиқ қилиб куйлашарди. Болалар уни ўз давраларидан кўйиб юборгилари келмасди. Ҳар бир учрашув китоб байрамига айланиб кетарди. Зотан ёзувчига китобхоннинг бундай ҳурмат-эътиборидан кўра ҳам катта мукофот борми!

Болаларча шод-хуррам чехрасига ҳали хексалик аломати қўнмаган, ҳамшиша навқирон шоиримиз Пўлат Мўминнинг олтиш йиллиги ажойиб файзли, шарофатли кунларга тўғри келди. Бутун Совет халқи, таррақийпарвар инсоният Совет Социалистик республикалар Иттифоқининг 60 йиллигини баланд руҳ билан тантана қилмоқда. Бу шонли санани барча меҳнаткашлар қатори санъат ва адабиёт аҳли ҳам салмоқли тухфалар билан кутиб олдилар.

Бу сафда Совет адабиёти дарёсининг жўшқин бир тармоғи — болалар ва ўсмирлар адабиёти ҳам борлиги қувончлидир. Мен шу ўринда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг «Детская литература» журналининг бу йил август сонидан эълон этилган «Болалар — бизнинг истиқболимиз» сарлавҳали мақоласини ёдга туширмоқчиман. Муҳтарам Шароф Рашидович ушбу мақоласида ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётининг шаклланиш тарзи, ривожланиш босқичларини, Совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларини атрофлича ёритди ва бу адабиётнинг ёш насли коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдаги ролига юксак баҳо берди. Бу бениҳоя қувонарли факт бўлиб, жонажон партия ва ҳукуматимизнинг келажак эгалари бўлган фарзандларнинг бадий-эстетик камолотига кўрсатиб келаётган отларча ғамхўрликка янги ёрқин далилдир. Ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб вояга етган ва адабиётимиз ривожига муносиб улшув қўшган ижодчилар сафида ҳурматли юбиларимиз Пўлат Мўмин ҳам бор. У устозлар изидан оғишмай бориб, эндиликда ўзи ҳам устозлар қаторидан ўрин олди. Етуқ шоир ва драматург ҳамда фаол жамоатчи сифатида танилиб, эл-юртнинг ҳурматида эришди. Ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Ёзувчилар ичидан биринчи бўлиб Ғафур Ғулом мукофоти лауреати бўлди.

Бугун мен ўз номимдан, кенг адабий жамоатчилик ва кўп сонли китобхонлар номидан бахтиёр авлоднинг мўмин-қобил, ёқимтой отахон бўлиб қолган азиз биродарим Пўлат Мўминни муборак олтмиш йиллиги билан қизгин табриклайман, унга узоқ умр, пўлатдан мустаҳкам соғлиқ, янги ижодий омадлар тилайман!

Ҳаким НАЗИР,

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати

КАМОЛОТ

[Адабиётшунос Бердиали Имомов 60 ёшда]

Халқимизнинг тағ бургути тўғрисида ажойиб афсонаси бор: бургут болаларини парвозга ўргатаётганида баланд қоялар теласидан ташлаб юборар экан. Сўнгра ўзи атрофида парвона бўлиб, гоҳ ўнг кифтини, гоҳ чап кифтини тутиб, авайлаб-ардоқлаб учишга ўргатар экан. Мен устоз Бердиали Имомовнинг шоғирдлари билан қандай муомалада бўлганини кўрганман, ҳатто баъзиларига қандай ёрдам берганининг ҳам гувоҳи бўлганман. Бундан ташқари, илм сўқмоқларидан қоқилиб, йиқилиб кетмаслиги учун қайғурганини, ана шу тоғ чўққиси — илм чўққиси сари парвоз қилиши учун ҳомийлик қилганини чуқур ҳис этганман. Шунинг учун юқоридаги афсона хаёлимни банд қилиб, қиёслашга ундади.

Бердиали Имомов 1922 йилнинг 20 декабрида Тошкент область Қатортол қишлоқ Советидаги Бешқўрғон (ҳозирги Чилонзор район Муборак Турсунхўжаева номи маҳалла)да деҳқон оиласида дунёга келди. Меҳрибон ота-она тарбиясида улғайди. Мактабни муваффақиятли битиргач, юз минглаб совет ёшлари қатори она-Ватан ҳимоясига отланди. У 1942 йилнинг июнидан то 1945 йилгача душманга қарши Совет Армияси сафида мардонавор жанг қилди. Жангу жадал йилларида икки маротаба ғардор бўлди. Ленин партияси аъзолигига қабул қилинди. Жангларда кўрсатган жасорати, улкан ғалабага қўшган ҳиссаси учун Совет ҳукуматининг қатор орден ва медаллари билан мукофотланди.

Улуғ Ватан урушидан кейин Совет Армияси сафидан қайтган Бердиали Имомов Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Бу ўринда унинг фаол ижодий интилишини муайян даражада тасаввур этишга имкон беради-

ган қатор фактлардан фақат учтасини маҳсус таъкидлаб ўтиш зарур. Урушдан олдин республика газеталарига турли-туман хабарлари билан қатнашиб келган Бердиали Имомов жангу жадал йилларида ҳам ўзбек тилида чиқадиغان «Қизил Армия» газетаси саҳифаларида ўз материаллари билан фаол иштирок этди. Студентлик чоғида унинг У. Бозоров билан ҳамкорликда ёзган «Бизнинг боғчамиз» номи тақриси «Ёш ленинчи» (1948 йил, 13 июнь) газетасида босилиб чиқди. Бу тақриз шоир Адҳам Раҳмат тўплами ҳақида эди. Бўлажак адабий танқидчининг биринчи фаолияти худди шу тарзда бошланди. Студентлик чоғида эълон қилинган яна бир мақоласини эслаш ўринли. Бу Машҳура Султонова билан биргалликда ёзган «В. Маяковский асарларининг ўзбек тилидаги айрим таржималари ҳақида» («Ўқитувчилар газетаси», 10 май 1950 йил) деган адабий танқидий мақоласи эди. Бердиали Имомов 1950 йили университетни имтиёзли диплом билан битириб чиқди. Шундан кейин у 1950—1952 йиллар мобайнида «Ёш ленинчи» газетасида бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида фаол хизмат қилди. Бу йилларда унинг болалар адабиёти ҳақида, ўзбек ва рус совет адабиёти алоқаларига доир ўнлаб тақриз ва мақолалари босилиб чиқди.

Бердиали Имомов 1955 йилда «Шарқ юлдузи» журналида адабий танқид бўлимини бошқарди. 1956 йил январида «Ўзбекистон маданияти» газетаси ташкил бўлгач, унинг адабиёт бўлими мудири қилиб тайинланди. Кейинчалик масъул котиб бўлиб ишлади. Айтиш жоизки Тошкент Олий партия мактабида (журналистика кафедрасида совет партия матбуоти назарияси ва амалиётдан) катта ўқитувчи бўлиб дарс беради.

Бердиали Имомов 1951 йил УзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирди. Чинакам илмий-ижодий изланиш йиллари бошланди. У аспирантурага зарур тайёргарлик билан кириб келди. Тадқиқот объектини ҳам у аввалдан белгилаб олган, илмий аҳамият касб этишини тушуниб етган эди. Юқорида унинг атоқли шоир В. Маяковский асарларининг ўзбек тилига таржимаси ҳақида мақоласи газетада босилиб чиққанлигини эслатган эдик. Бу мақола «В. Маяковский ва Ғафур Ғулум» номи диплом ишининг бир боби эди, холос. У аспирантурага «Ғафур Ғулум ижодига В. Маяковский традициялари» деган қизиқарли ва оригинал темаси билан кириб келди. 1955 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар илмий совети бу иши учун ёш тадқиқотчига филология фанлари кандидати деган илмий даражани берди.

Ўзбек совет адабиётшунослигида эллигинчи йилларга келиб адабий алоқаларни ўрганиш, биринчи навбатда рус совет адабиёти, унинг асосчилари М. Горький ва В. Маяковскийнинг ўзбек совет ёзувчиларига таъсирини кенг планда илмий тадқиқ этиш жараёни кучайди. Бу борада қатор маҳсус



илмий ишлар вужудга келди. Сарвар Азимов, Бердиали Имомов, Солих Қосимов ва бошқалар бу йилларда биринчилардан бўлиб Горький ва Маяковскийнинг ўзбек совет адабиётидаги аъёнларига, уларнинг ўзбек санъаткорлари ижодида социалистик реализмнинг шаклланиш ва ривожланишига баракали таъсир этганига жиддий эътибор бердилар. Ҳозирги замон ўзбек адабиёт-шунослигида бу хусусида гап борадиган бўлса, биринчилар қаторида Б. Имомовнинг ўзбек ва рус тилларида босилган «Маяковский традицияларини давом эттирувчи шоир» («Шарқ юлдузи», 1953, № 5) номли мақолаларини ва юқорида номи тилга олинган илмий ишини эслайдилар.

Эллигинчи йиллар унинг учун қизғин илмий изланиш даври бўлди. Бу даврда яратган ишларининг бир қисми кейинчалик қайта ишланиб «Ҳаёт ва ижод» (1971) деган мақолалар тўпламига киритилди.

1959—1970 йиллар мобайнида у ЎзССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Болалар адабиёти, публицистика, адабий танқидчилик, кинодраматургия, проза, поэзия, драматургияга доир муҳим масалалар ёритилган қатор мақолалар ёзди.

«Ҳаёт ва драматик конфликт» номли монографиясида, «Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари» (1966 йил) деган ишларида Бердиали Имомовнинг илмий фаолиятидаги нодир хусусиятлар жамул-жам бўлиб рўй-рост кўринди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан 1963 йили нашр этилган «Ўзбекистон кинодраматургияси тарихи очерки» бутун республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бердиали Имомов бу йирик китобнинг редколлегия аъзоси ва муаллифларидан бири ҳисобланади. Тўғри, бу асар ўзбек кинодраматургияси тарихини яратишдаги биринчи қадам бўлди. Тўпламдаги материалларнинг қарийб ярми, яъни «Сценарий-адабий жанр», «Тарихий-революцион темадаги сценарийлар», «Замонавий темадаги сценарийлар» каби йирик боблар Бердиали Имомов қаламига мансуб. Китобда қатор назарий фикрлар баён қилиниши билан бирга жуда кўп кинодраматургия асарлари кенг таҳлил қилинди. Ҳозирги ёш мутахассис тадқиқотчилар олимнинг бу ишларига тез-тез мурожаат қилиб туриши бежиз эмас.

1965 йили «Тошкент» бадий адабиёт нашриётида Бердиали Имомовнинг «Замон

хизматида» асари босилиб чиқди. Бу асар атоқли ёзувчи Назир Сафаров ҳаёти ва ижодига бағишланган йирик иш сифатида қадрлидир.

Худди шу йилларда Бердиали Имомов ўзбек драматургиясининг тадқиқотчиси сифатида фақат республикамиздагина эмас, бошқа жойларда ҳам танилди ва эътироф этилди. Унинг мақолалари ва илмий ишлари марказий журнал ва нашрларда чоп этила бошлади. Бу ўринда қатор фактлардан фақат учтасини эслаб ўтиш kifоя, 1966 йили олимнинг Баҳодир Ғулумов билан ҳамкорликда ёзилган «Ўзбек комедияси ҳақида» мақоласи «Театр» журналинда эълон қилинди. 1967 йили «Наука» нашриётида босилиб чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи» номли йирик китобнинг «Драматургия», «Болалар драматургияси» боблари унинг қаламига мансуб. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти томонидан тайёрланган ва чоп этилган «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи» номли кўп жилдли асарнинг бешинчи тоmidан унинг «Партия XX съезидан кейинги даврда ўзбек драматургияси» сарлавҳали мақоласи жой олган. Булардан ташқари, Бердиали Имомовнинг ўзбек ва рус тилларида ўнлаб мақолалари босилиб чиқди. 1968 йили Бердиали Имомов ўзбек совет драматургиясида маҳорат масаласи ҳақида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва йирик мутахассислар бу ишга юқори баҳо бердилар. У 1970 йилдан то ҳозирга қадар Тошкент Давлат университетининг ўзбек совет адабиёти кафедраси профессори бўлиб ишлаб келмоқда. Йирик олим юздан ортқ илмий ишларнинг, «Замон хизматида», «Ҳаёт ва драматик конфликт», «Ҳаёт ва ижод», «Драматургик лавҳалар», «Ўзбек совет болалар адабиёти юксалишда», «Пўлат Мўмин», «Трагедия ва характер» каби ўнга яқин монография ва мақолалар тўпламларининг муаллифи ҳисобланади. У кўп томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1969—1972)нинг вужудга келишида фаол хизмат қилди. Унга яқин фан кандидатлари етиштирди. Устоз янги-янги ижодий режалар билан банд. Заҳматкаш ижодкор Бердиали Имомовнинг бундан кейин ҳам ўзбек совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ривожига катта ҳисса қўшиб боришига ишончимиз комил.

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
филология фанлари доктори

СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

(Адабиётшунос Раҳим Муқимов 60 ёшда)

Самарқандлик профессор Раҳим Муқимов адабий жамоатчиликка адабиётшунос, драматург, таржимон ва моҳир педагог сифатида танилган.

Раҳим Муқимов 1922 йил 2 декабрда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1942 йилда Урта Осие Давлат университетининг тарих-филология факультетини тугатди. Унинг адабиётшунослик фаолияти талабалик йилларидаёқ бошланган эди. 1940 йилда «Тожикистони сурх» газетасида «Алишер Навоий девонидаги шеърлар ҳақида» номи билан дастлабки мақоласи босилган. Шундан буён унинг ўзбек ва тожик адабий алоқалари, адабий ҳаётнинг муҳим масалалари таҳлил этил-



ган юз элликдан ортиқ илмий мақоласи турли нашрларда чоп этилди.

Раҳим Муқимов 1948 йилда Садриддин Айний раҳбарлигида «Муҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзuida кандидатлик диссертацияси ёқлади. Тадқиқотчининг мазкур ишидан сўнг Гулханий ижоди олий ўқув юртлири программасига киритилди.

Раҳим Муқимов яратган «Собир Абдулла», «Жалол Икромий драматургияси» каби китоблар адабиётшунослик илмида ўзига хос ўрин тутди.

Тадқиқотчи «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира», «Ўзбек ва тожик сатираси тараққиётининг асосий босқичлари» монографияларида сатира тараққиётининг назарий масалаларини кенг йўсинда ёритади. Ана шу изланишларининг натижаси сифатида адабиётшунос 1975 йилда «Ўзбек ва тожик классик адабиётида сатира ва сатирик образ проблемаси» мавзuida докторлик диссертацияси ҳимоя қилди. Тадқиқотда X—XX асрларда сатира жанри ривожининг асосий босқичлари, бу соҳа намояндаларининг ижоди ҳамда социалистик реализм адабиётининг юзага келишида сатиранинг роли ҳақида фикр юритилади. Тадқиқотчи ўрни билан Урта Осиё регионидаги миллий адабиётларнинг алоқаси ҳақида ҳам бой материаллар берганки, бу, шубҳасиз, мазкур ишнинг қиммати ни белгилайдиган томонларидан биридир.

Раҳим Муқимов ўз тадқиқотларида имкони борича янги материаллар хусусида сўзлашга интилди. Унинг самарқандлик шоир Ориф Гулханий шеърларини излаб топши ва китоб ҳолида нашр эттириши, Садриддин Айнийнинг унутилган «Лизочка—Лизахон» комедиясини кенг адабий жамоатчиликка маълум қилиши бунинг далилидир.

Раҳим Муқимов мураббий сифатида ҳам танилган. У университетни тугатгач, аввал Самарқанд педагогика институтида ўқитувчилик қилди. 1950—1969 йилларда СамДУ филология факультетининг декани, 1956 йилдан 1974 йилгача шу ерда тожик тили ва адабиёти кафедрасининг мудирини вазифаларида ишлади. Айни пайтда у СССР халқлари адабиёти ва адабиёт назарияси кафедрасини бошқармоқда. Раҳим Муқимов 30 йилдан кўпроқ даврдан бери университет филология факультетларида рус, ўзбек ва тожик тилларида СССР халқлари адабиёти курсидан лекция ўқиб келмоқда. Олимнинг бу курс бўйича лекциялар ўқиши унда совет халқлари адабиёти бўйича мутахассислик даражасини янада оширди. У 1963 йилда университетларнинг филология факультетлари студентлари учун «СССР халқлари адабиёти» курси бўйича программа яратди. Кейинчалик эса шу программа асосида М. Шарипов билан ҳамкорликда дарслик-хрестоматия ёзди. Катта ҳажмдаги бу китоб «Ўқитувчи» нашриётида икки марта (1967, 1980) нашр этилди. Урни келганда айтиш керакки, СССР халқлари адабиёти бўйича дарслик-хрестоматиялар ўзбек совет адабиётшунослигида бу даражада кенг яратилмаган эди. Шу сабабли ҳам бу китобнинг ўқув-методик қиммати жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

Раҳим Муқимов илмий кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида олти киши кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

У бадий ижод соҳасида ҳам фаолият кўрсатиб, бир қатор драмалар ёзган. Унинг «Садоқат», «Уч отага бир ўғил», «Хуросон алломаси» каби драмалари республикамиз театрлари саҳнасида муваффақиятли равишда қўйилмоқда. Драматург «Хуросон алломаси» асарига буюк шоир Умар Ҳайём образини яратишга ҳаракат қилган. Ижодкор таржима иши билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Бу жиҳатдан «СССР халқлари адабиёти» дарслик-хрестоматиясига киритилган кўпгина шеърлар унинг таржимасида берилганлигини эслаш керак. Чунки мазкур китоб яратилгунга қадар унга киритилган кўпчилик шоирларнинг шеърларидан намуналар ўзбек тилига таржима қилинмаган эди. Шунингдек, ижодкор таржима қилган асарлар орасида Садриддин Айнийнинг «Лизочка—Лизахон» (ўзбек тилидан тожик тилига) комедияси, Мирзо Турсунзоданинг «Жонгинам» поэмаси, Сотим Улуғзоданинг «Аллома Адҳам ва бошқалар» драмалари, Ж. Икромий ва Х. Назаровнинг «Сафармаҳсумнинг саргузашти» романи, А. Болдиоровнинг «Алишер Навоий» драмаси бор.

Буларнинг барчаси Раҳим Муқимов ижодий фаолиятининг турли қирраларини намойён этади. Биз ижодкорнинг олтмиш ёши муносабати билан илмий ва ижодий ишларида янада барака тилаймиз.

**Нуриддин ШУКУРОВ,
Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ.**

СЕВИМЛИ АДИБ

[Худойберди Тўхтабоев 50 ёшда]

Одатда болалар ёзувчисини бахтли ёзувчи дейишади. Балки бу болалар адабиёти китобхонларнинг бағоят кўплиги, уларнинг самимийлиги ва китобни ўта қадрловчилар бўлганлигидандир. Ана шу таърифга жуда мос тушадиган ёзувчилардан бири Худойберди Тўхтабоевдир. У чиндан ҳам болалар адабиёти тараққиётига арзирли ҳисса қўшиб келаётган, бу соҳада янгилик ярата билган ёзувчи.

Худойберди Тўхтабоев ўз ижодини ҳажвий ҳикоялар ёзишдан бошлади. Унинг «Шошқалоқ» (1962), «Фельетондан кейин» (1963), «Муҳаббат кўшиғи» (1966), «Сўқмоқлар» (1966), «Жонгинам, шартингни айт» (1971) тўпламларидаги асарларнинг аксариси ҳажвий ҳикоялардан иборат бўлиб, катталар учун ёзилган. Ёзувчининг илк ижодий маҳсули — «Фельетондан сўнг» ҳикояси ўша йиллари яхши ҳикоялар учун эълон қилинган Республика конкурсида мукофот олган, ёш ёзувчи қаламининг умидли эканидан дарак берган эди. Шундан сўнг, 1962 йилда, кичик ёшдаги болалар учун «Шошқалоқ» тўпламини нашр эттирди.

Ижодини ҳикоячиликдан бошлаган ёзувчи секин-аста катта жанрларга қўл ура бошлади ва 1964 йилда кичик дўстларига «Сир очилди» повестини совға қилди. Орадан бир оз вақт ўтгач, кичик китобхонлар «Сехрли қалпоқча» (1965) саргузашт повестини қувонч билан кутиб олдилар.

Қувноқ кулги ва нозик юмор ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг асарларига хос фазилатдир. Муаллиф ёш китобхонни фақат қулдириб, уларга яхши-ёмоннигина кўрсатиб қолмайди. У ўқувчини кулги, юморнинг замирига яширинган катта ҳаётий воқеалар устида бош қотириш, мулоҳаза юритишга ўргатади ва бу нарсаларни китобхонга ўзига хос йўллар билан етказишга муваффақ бўлади.

Ёш китобхонни гоёвий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш ҳамиша ёзувчининг диққат марказида бўлди.

Унинг янги «Сариқ девни миниб» (1969) қиссаси саргузашт жанрига мансуб. Ижодининг илк даврида яратилган ҳажвий ҳикоялар ва фельетонлар ёзиш давомида тўплаган тажрибалари «Сариқ девни миниб» саргузашт-қиссасига асос бўлди. Ёзувчи бу борада шундай дейди: «Узоқ йиллар фельетончи бўлиб ишлаб, кишиларнинг юрак дардини, ҳасратини, шикоятларини кунт билан ўргандим. Шу шикоятларга сабаб бўлаётган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини муфассал билиб олишга интилдим. Даврдан орқада қолган, сарқит деб аталган иллатлар ботқоғига бор бўйи билан ботиб кетган, молу дунёга хирс қўйган шахслар ҳақида талай фельетонлар ёздим. «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» асарларим шу фактларни умумлаштириш асосида юзага келган десам жуда тўғри бўлади». («Гулхан» журнали, 1976, 9-сон.)

Қисса асар қаҳрамони Ҳошимжон тилдан ҳикоя қилинади. Ҳошимжон — та-



биатан қизиқчи, лофчи, ҳаёлпараст, ўйинқароқ ва жиндак қув бола. У ажойиб саргузаштларни бошидан кечирган. Бошига тушган ҳар қандай мушкулотдан осонликча қутулади ва дадил ҳаракат қилади. Буни эса мен ёзувчининг ўз қаҳрамонига бўлган хайрихоҳлигидан, ишончидан ва уни астойдил севишидан деб биламан.

Ушбу асарда ёзувчи фантастика ёрдамида, биринчидан, ҳаётимиздаги мавжуд қолоқлик, эскилик қолдиқлари ва ярамас иллатлардан қулса, иккинчидан, инсон ўз бахтини ҳалол меҳнат ва тинимсиз ўқиш орқалигина тола олади деган гоёни илгар сурлади. Кўриб турибмизки, фантастика, юмор мана шу ҳаётий ҳақиқатни ифодалашга ёрдам берган. Мазкур асарнинг рус ва бошқа қардош халқлар тилларида нашр этилиши ҳамда Узбекистон Ленин комсомоли мукофотиغا сазовор бўлиши ҳам қиссанинг қанчалик муваффақият қозонганлигини кўрсатиб турибди.

Мана, қўлимизда «Сариқ девни миниб» асарининг давоми бўлган «Сариқ девнинг ўлими» саргузашт романи. Роман қаҳрамони яна «эски ва азиз дўстимиз Ҳошимжон. Лекин у энди мактаб ўқувчиси эмас, милиция ходими, аммо ҳали ҳам бошида қадрдон сехрли қалпоқча».

Романда милиция ходимларининг машаққатли ва оғир, лекин эзгу ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асарни ўқир эканмиз, ОБХСС бўлимининг бошлиғи Салимжон Отажоновнинг оғир оилавий ҳаёти ва унинг Ҳошимжон исмли ёрдамчиси билан Одил Аббосовдай баттол, халқ мулки ҳисобига яшовчи, шиллиққуртга ўхшаш жирканча шахсларга қарши олиб борган курашлари билан танишамиз, ҳали ҳам «қуйилмаган», қизиқчи Ҳошимжоннинг бошидан кечирган ажойиб саргузаштлари-

дан қотиб-қотиб куламыз. Асар бошидан охиригача ўзига хос қувноқ рух, юмористик оҳанг билан суғорилганки, ушбу романи ўқиб чиққан ҳар бир китобхон Ҳошимжон билан қайта учрашганидан мамнун бўлади. Буларнинг ҳаммаси, албатта, ёзувчилик маҳоратидир.

Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча» (1975) романида эса рўй берадиган барча воқеалар бевосита Орифжоннинг ҳаёти билан боғланади ва унинг тилидан ҳикоя қилинади. Адиб бу романида саргузашт жанг хусусиятларидан, баъзи ўринларда эса детектив сюжет элементларидан фойдаланган. Бу муаллиф ижодида янги хусусият эмас, албатта. Зотан «Сариқ девни миниб» ва «Сариқ девнинг ўлими» каби асарлари детектив-саргузашт жанрига мансуб, уларда фантастик элементлар ҳам кучли. Лекин «Беш болали йигитча» романини мазкур асарлардан ажратиб турадиган нарса шуки, бунда саргузашт ва юмор элементлари фожий ҳолатлар билан боғланиб кетган. Биз бунда жиддий реалистик тасвир анча кучайганлигини кўрамыз. Бу асар мавзуи ва мундарижасининг ўзгарганлиги билан ҳам боғлиқдир. Чунки асарда акс эттирилган Улуғ Ватан уруши даври ҳодисалари янги реалистик бўёқлар топишни тақозо қиларди.

Ёзувчи ана шундай турли бўёқлардан асар ғояси ва мазмунини, қаҳрамонлар характери ва психологиясини очишда унумли фойдаланган. Бунинг яққол мисолини Орифжон образида кўрамыз. Орифжон табиатан кунгилчан, меҳрибон, қизиқчи, самимий бола. Оғир дамларда ҳам латифа айтиб, ўзини ўзи овутиб ўтиради ва ишни қандай бажариб қўйганини сезмай қолади. Афсуски, табиатан қувноқ бўлган бу боланинг бошига уруш оқбадида уст-ма-уст қайғули кунлар тушади.

Шуниси қувонарлики, бу романда ёзувчининг услуби анча бойигани, реалистик тасвирга интилишининг кучайгани яққол кўринади. Ёзувчи турли услублар воситаси билан қаҳрамонлар образларини индивидуаллаштиришга, характерларни давр, муҳит, ижтимоий воқеалар жараёнида очишга муваффақ бўлган, воқеа ва характерларнинг яхлитлигини сақлашга алоҳида аҳамият берган.


«Беш болали йигитча» Худойберди Тўхтабоев ижодидагина эмас, сўнги йиллар

болалар ва ўсмирлар адабиётида ҳам қўлга киритилган ютуқлардан биридир.

Саргузашт жанрида қалами қайралиб келаётган сеvimли ёзувчимиз тарихий мавзуларга ҳам қўл ура бошлади. Унинг «Қасоскорнинг олтин боши» (1980) романида тарихда бой-амалдорларни қон қақшатган, камбағал ва етим-есирларнинг бошини силаган тарихий шахс Намоз ҳақида ҳикоя қилинади. Танқидчи О. Шарафиддинов айтганидек, «Адиб бадий тўқима ёрдамида ижодий фантазиясининг қуввати билан ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиради». У деҳқон оиласидан чиққан паҳлавон йигит. Етим ўсган. Бойларнинг қўлида ишлаб юриб, билимини оширган, рус тилини ўрганган. У ўз иззат-нафиси, ҳақ-ҳуқуқи учун курашади. Намоз ёлғиз эмас, унинг атрофида ўзи каби шер-юраклар бор. Асар давомида муаллиф Намоз ҳаракатининг туб илдизларини очиб бера бошлайди. У — қасоскор. Ширин: «Кўча-кўйда очу сарсон юрган етимлар ҳаққи, бойлар эшигида Қорадарёнинг кемасидек ишлаб, ҳақини ололмай юрган чўрию қароллар ҳаққи, ҳокиму тўралар қамчисидан боши ёрилган аламзадалар ҳаққи, иззат-нафиси топталган йўқсиллар ҳаққи, ҳақоратлар, хўрликлар, камситишлар белини буккан мазлум мазлумалар ҳаққи бойлар дунёсига ўт қўямиз». Шуниси характерлики, Намоз ҳам унинг дўстлари тортиб олган молу мулкларини ўз нафиси ва манфаатларига сарфламайдилар, балки меҳнаткаш халққа бўлиб берадилар. Намознинг синфлар ва синфий кураш ҳақида тушунчаси йўқ. Аммо у ўзининг душмани ким эканлигини ажратиб олганди. Бу эса Намоз яшаган давр, жамият учун катта воқеа эди. Булардан ташқари, Намоз асарда инсонпарвар сифатида гавдаланади. Бунинг биз унинг етим-есирларнинг бошини силаб, чойхонада туновчи бечораларни меҳмон қилиши, уларга мурувват кўрсатишида кўрамыз. Насиббага бўлган меҳри, садоқатига кўра Намозни соф муҳаббат эгаси, десак янглишмаймиз...

Ўзининг ажойиб асарлари билан ўзбек совет болалар ва ўсмирлар адабиётига муносиб ҳисса қўшган сеvimли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоев эллик ёшга тўлди. Уни шу баркамол ёши билан қутлаб, янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Ойдин НАЗИРОВА





Георгий Владимиров

ҲАРАКАТДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

Ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиёти ютуқларидан ижодий баҳраманд бўла бориб, етуқ социализм бадий маданияти хазинасига муҳим ва самарали ҳисса қўшаётир. Буни Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилиши муносабати билан Тошкентда сўзлаган нутқида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Совет ҳокимияти йилларида ўсиб камол топган ўзбек зиёлилари ажойиб илмий кашфиётлар ва инженерлик — техникавий ютуқлари билан, кўркам бадий ижодиётлари билан республикангизнинг ва халқингизнинг шухратини оширдилар».

Ҳозирги давр ўзбек адабиётининг, аввало, бадий прозанинг характерли хусусиятларидан бири — унда ишчи образини яратишга, ишчи синфининг шаклланиши учун типик бўлган шaroитни тасвирлашга эътиборнинг кучайганлигидир. Бунда бадий адабиётнинг халқ ҳаёти билан узвий боғлиқлиги, ёзувчиларимиз ўз асарларида давр талабларини зийрак пайқаб, чуқур ҳис этаётганлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1982 йил 24 мартда бўлган тантанали йиғилишида Л. И. Брежнев ишчилар синфининг сон жиҳатдан анча ўсганлигини Ўзбекистондаги энг муҳим социал ютуқлардан бири сифатида баҳолади. «Ҳозир ишчилар синфи — деди у ўз нутқида, — республика аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади. 70-йилларда республикангиз ишчилар синфининг ўсиш суръатлари умуман мамлакатимиздаги даражадан қарийб уч ҳисса юқори бўлди».

Совет адабиёти ишчи синфи ҳаётига мурожаат этар экан, ижодкорларимиз уларнинг қиёфасида жамиятимизнинг илгор вакиллари образларини яратадилар ва бу билан муҳим ижтимоий проблемаларни ҳал қиладилар. В. Кожевниковнинг яқинда эълон қилинган янги романи, В. Попов, О. Куваев ва бошқа қатор ёзувчиларнинг кейинги йилларда яратган асарлари бизда ана шундай ишонч уйғотади.

Мирмуҳсининг «Дегрез ўғли», Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романлари ва бошқа асарлар ўзбек ёзувчилари ҳам бу соҳада актив фаолият кўрсатаётганлигидан далолат беради. Бу асарларнинг қаҳрамонлари Арслон Улмасбоев ва Эркин Акбаров, аввало, социалистик жамият вояга етказган оддий меҳнат кишилари бўлганлиги билан диққатга сазовордир. Уларнинг интилиши ва манфаатларидаги муштараклик, маънавий оламнинг бойлиги ва гўзаллиги улар шаклланаётган муҳитнинг эркинлиги ва фаровонлигидан дарак беради. Бундай қаҳрамонлар ҳаёти шахснинг эркин ва ҳар томонлама тўлақонли тараққиёти учун ҳам моддий, ҳам маънавий озуқа берадиган социалистик воқелик ҳақида жонли ва конкрет тасаввур уйғотади. Ҳар иккала қаҳрамон ҳаётидаги умумий белгилар, тақдирларидаги ўхшаш томонлар ёзувчилар танлаган типларнинг маълум даражада муштарак хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам биз янги типдаги шахснинг шаклланишига хос қийинчиликларни, уларнинг ўсиш муҳити «тазийқи»ни қандай ҳис этаётганликларини сезиб тураемиз. Эркин Акбаров («Одам қандай тобланди») онгли ҳаётининг дастлабки палласи мол-дунё, бойлик орттириш ҳақидаги хомхаёллар билан тўлиб тошган. У бойликка ҳирс қўяди, яшашнинг энгил, осон йўлларини излайди. Эркин Акбаров гул сотганида ҳам, «гектарчи»лик қилганида ҳам битта принципга «кам куч сарф этиб, кўп фойда орттиришга қаттиқ амал қилади. Отадан етим қолган Арслон Улмасбоев («Дегрез ўғли») ҳам маълум вақтгача Қизил Маҳсумнинг таъсирида бўлади ва теп-пақфурушлик билан шуғулланади. Шу жиҳатлари билан у маълум даражада Эркин Акбаров образига бирмунча яқин туради. «Одам қандай тобланди»даги Исломо Эркинга қарама-қарши кутбдаги образдир. У укаси Эркин Акбаровни таъбиқ этади, ҳар доним ўзининг ғаразли манфаатлари учун курашади. Маҳалла комитети раиси Бердиев ҳам Исломга маслақдош, у ёш ишчиларни кўра олмайди, уларни бадном этиш ва обрўсизлантиришга уринади. Арслон Улмасбоев турмушимиздаги айрим салбий иллатларни ўзида мужассам этган «хўжаоновчилик»га қарши курашади. Ҳар иккала қаҳрамон курашларда тобланади. Уларнинг ҳар бири кураш жараёнида ишчи коллективларига таянади, юксак мақсадларга, бурчга, ҳамда партия ва халқ ишига садоқат намуналарини кўрсатади. Гул сотиб, монтерлик қилиб, шахсий фойда орттириш йў-

лига тушиб қолган Эркин Акбаровнинг Сирдарё ГРЭСи қурилишида ишлаб пайвандчилар бригадери даражасига ўсиб етиши учун уч йил вақт кетади. Теллақфурӯшлик қилиб юрган, Қизил Махсумнинг таъсирига тушиб қолган Арслон Улмасбоев эса тўғри йўлни топиб жамоат ишида элнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиб, райжироком раиси даражасига ўсиб етгунча бирмунча узоқроқ муддат ўтади. Ҳар иккала қаҳрамон ҳаётининг «огир синовларидан» ўтиб, ўзлари босиб ўтган йўл ҳақида ўйлайдилар. Эркин Акбаров ўзининг ҳақиқий ҳаёти эндигина бошланганлигини, ҳаётнинг кенг ва тўғри йўлига эндигина чиқиб олганлигини тушунади. Арслон Улмасбоевга Марказком қарорига биноан йирик цинк заводи қурилишида парткомлик вазифаси топширилади. Ҳар иккала романда янги типдаги шахснинг шаклланиш жараёнларига хос принципал асослар умумий, муштарак хусусиятлар касб этади. Қаҳрамонларнинг ҳаётига доир фактларни танлаш ва тасвирлашда, бу соҳадаги аъёналарга, янгиликларга муносабат масаласида ёзувчилардан ҳар бирининг ўзига хос қиёфаси, индивидуал услуби кўзга ташланади. Иброҳим Раҳимда Эркин Акбаров характерининг шаклланишини бугунги кун воқеаларининг таъсири билан боғлашга интилиш очиқ кўринади. Қаҳрамон катта қурилишлардаги ва бутун мамлакат миқёсидаги жўшқин ҳаёт жабҳасида гавдаланади. Шу туйғайли ҳам Эркин Акбаров биографиясининг ҳар бир босқичи унинг характери шаклланишида муҳим ва ўзига хос аҳамият касб этади. Чўлда янги барпо қилинаётган қурилишнинг илк чизиқлари, палаткалар, лионлар хуружи, қочиб ҳаракатлари ва бошқалар. Шунингдек, ҳамкорлик, дўстлик туйғуларининг туйғила бориши, турли миллат вакилларида ташкил топган бригаданинг ҳамжиҳатлиги, иноқлиги, бригадирнинг ғамхўрлиги,— буларнинг ҳаммаси коллективга тобора сингиб бораётган Эркин Акбаров онги янги ривожининг муайян босқичлари саналади. Гигант қурилишнинг энг масъул участкаси бўлган монтажчилар бригадасига ўтиши билан Эркин Акбаров ҳаётида жиддий бурилиш рўй беради. Янги касбни эгаллаш йўлидаги уринишлар, сифат учун кураш ҳаётнинг шиддатли оқими фониде кўрсатилади ва бу жараёнда Эркин Акбаров онгда содир бўлган чуқур ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Меҳнатга онгли муносабатда ёндашгани сари Эркин Акбаровнинг фаолият доираси ҳам тобора кенгай боради. Унинг маънавий қиёфасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлади. Энди у ўз ишининг моҳир устаси бўлиш билан бирга ёшларга намуна, ғамхўр устоз даражасига кўтарилади. Эркин Акбаров партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинади ва у меҳнат ғалабаларини КПСС XXV съездида бағишлаган Сирдарё ГРЭСининг қурувчилари, коммунистлари қаторида рапортга имзо чекишга муяссар бўлади. Бу Эркин Акбаров учун етуқликка синов эди ва у, романда тасвирланишича, бу синовдан муваффақиятли ўтади.

Эркин Акбаров кайфиятининг айрим жиҳатларини белгилайдиган майде-чўйда деталларни ҳисобга олмай туриб, қаҳрамон босиб ўтган бош йўлга назар ташланса, яқувчида роман маълум даражада олдиндан белгилаб қўйилган схемалар асосида ўратилгандек тасаввур уйғотиши ҳам мумкин. Бироқ ҳамма гап ана шу майде-чўйда деталлардаки, улар биргаликда ёш йигит маънавий камолотининг ўзига хос босқичларини мантиқий асослайди. Ҳурилиқога бўлган муҳаббат ва Жўраҳоннинг ҳалокати муносабати билан юзага келган психологик ҳолатлар, ўз-ўзини танқид, акиси билан бўлган муносабатлардаги босиқлик, одоб, бемор онага нисбатан меҳр, ғамхўрлик, атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга онгли муносабат, кузатувчанлик, Ҳакимов билан бўлган учрашувлар вақтидаги виждон азоби, Забир бригадирга, қурилиш раҳбарлари Фунтиковга, Нусратовга бўлган сажимий ҳурмат, ёшларга эътибор, ғамхўрлик — булар ҳаммаси бошқа ижобий хусусиятлар билан қўшилиб, Эркин Акбаров характерининг серқирралигидан, унинг бой имкониятларидан, маънавий гўзал инсон эканлигидан далолат беради. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, Эркин Акбаровдаги бундай кайфиятлар, туйғулар баъзи ҳолларда унинг хатти-ҳаракатларидан фақат пайқаб олинади, холос. Романда материални публицистик йўсинда акс эттиришга интилиш, «очеркка хос реализм»нинг таъсири яққол сезилади. Бироқ бу ҳол ўз олдига социалистик воқелик таъсирида вояга етган янги типдаги инсоннинг камолот жараёнларини тасвирлашни мақсад қилган ёзувчининг бадий ниятларига қаршилик туғдирмайди.

Асар давомида Эркин Акбаров бир жон-бир тан бўлиб ишлаётган аҳил коллективнинг меҳр-оқибатини ҳис этишдан кўра каттароқ бахт йўқлигини тушунади.

Ўз ҳаётининг муайян бир босқичида Арслон Улмасбоев ҳам ана шунга ўхшаган хулосага келади. Заводга ишга кириб, унинг дўстлар орттиради. Мураббий ишчилар унинг келажаги ҳақида қайғуришади. Қолипловчи усталардан бири Шавкат Нурғалиевнинг сўзларидан кейин Арслон Улмасбоев ўз тақдирини билан боғлиқ нарсаларга янгича кўз билан қарай бошлайди. У завод коллективидек катта кучнинг бир бўлаги бўлганлиги билан, ўзининг меҳнати мамлакат учун зарур эканлиги билан фахрланади; атиги бир ой олдин эса у, битта киши бутун бир мамлакат ҳаётида сезиларли роль ўйнаши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмасди.

Замондошимиз характерининг шаклланишини таъмин этадиган муайян аъёналарни бадий тадқиқ этишда совет турмуш тарзига хос демократизм ва ижтимоий оптимизм ёзувчи учун ҳал қилувчи йўналиш вазифасини ўтайди. Бунда сабот ва матонат, социалистик ахлоққа ёт иллатларга нисбатан муросасизлик, синфий онглилик, ишчилар синфининг бирдамлиги каби хусусиятлар қонуний равишда биринчи планга чиқади. Шу билан бирга ёзувчи бу ўринда ҳаёт ҳақиқатида содиқ қолган ҳолда Урта Осиё шароитида, хусусан Ўзбекистонда ишчилар синфининг шаклланиш жараёнига хос хусусиятларни ҳам кўрсатади.

Миросуфнинг етти аждоди дегрез ўтганлиги ҳақидаги ёзувчи фикри Арслон Улмасбоев характери ривожини тушунтиришда ҳам муҳим омил вазифасини ўтайди.

Ишчига хос типик белгилар Мирюсуф, Матвеев, Нишон отада ҳам мавжуд эди. Худди шу белгилар уларнинг ишини давом эттирган Арслон Улмасбоев хатти-ҳаракатларида ҳам яққол кўринади. Ёзувчи Арслон Улмасбоевнинг заводда ота касби — дегрезликни давом эттирганлигидан ташқари, унинг маънавий фазилатларида ҳам ишчи ажодларига хос белгилар борлигига эътибор беради. Меҳнатсеварлик, самимийлик, инсонпарварлик, дустлик ва ўртоқлик туйғусининг кучлилиги, пок виждон, қийинчиликларга мардонавор муносабат, камчиликларга мурасасизлик, жамоат манфаатлари ҳимоясига доим таъёрлик ва бошқа кўплаб инсоний фазилатлар, адибнинг таъкидлашича Арслон Улмасбоевга ота-боболаридан ўтган мерос хусусиятлардир. Ишчига хос бундай типик белгиларнинг шаклланишини «Дегрез ўғли» муаллифи Ўзбекистонда ишчи синфи пайдо бўлиш жараёнининг жуда ҳам ўзига хос бир тарзда ўтганлиги билан, яъни тарихнинг муайян босқичлари асосида ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятлари ётган жараён билан боғлайди. «Ташсельмаш» заводи Мирмуҳсинга конкрет шароитда ишчи синфи ўсишининг илк босқичлари ҳақида тўла тасаввур берадиган «модель» вазифасини ўтади. Бироқ ёш дегрезларнинг заводга ўз хоҳиши билан келиши, ишлаши миллий республикаларда ўша пайтларда содир бўлаётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳодиса эди. Мирмуҳсин романида худди ана шу марраларда қардош халқларнинг, биринчи навбатда ўзбек халқининг, энг яхши анъаналари билан замонавийликнинг бир-бирига қўшилиб, уйғунлашиб кетиши кўзга ташланади. «Дегрез ўғли» романида ишчи шахсида граждон, ватанпарвар интернационалист ва социализм иши учун толмас курашчи инсоннинг муҳим белгилари қарор топаётганлиги аниқ тасвирланади. Бу жараёни Мирмуҳсин асарда кенг планда олади ва бутун зиддиятлари, мураккабликлари билан кўрсатади. Онгида илғор, социалистик қарашлар қарор топган Нишон ота, Арслон Улмасбоев ва бошқалар реакциян гоъяларни ташувчи Мусовот қори, Зиё афанди, Қизил Маҳсум кабиларга қарши кураш олиб борадилар. Бундан курашларда кескин туқнашувлар, чекинишлар, маълум бир муваффақиятсизликлар ва ниҳоят янгиликнинг муттасил олға қараб интилишини, ривожини, коллективизм руҳини, янгича ахлоқни чуқур ҳис этиш — буларнинг ҳаммасида қаҳрамоннинг кенг ижтимоий фонда шаклланиш жараёни яққол кўринади.

70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларидаги ўзбек романларида замондошлар образларини кўздан кечириб, шуни айтиш мумкинки, уларнинг энг яхшилари такрорланмас индивидуал, ўзларида муайян даврнинг типик мазмунини ташувчи ҳаққоний баддий образлардир. Улардан ҳар бири турлича маҳорат билан яратилган бўлса-да, ҳаммасида муайян бир умумийлик, муҳим бир типик хусусият мавжудки, шуларга қараб уларнинг қиёфасида бугунги куннинг муҳим белгиларини ўзида мужассам этган янги типдаги шахснинг — меҳнатқаш, ватанпарвар, интернационалист, ўз юртининг «хўжайини» бўлган инсон сиймосини тўғри тасаввур этиш мумкин.

Совет кишининг ички оламини, характериини тасвирлаш «шахс ривожининг бош принципларига қатъий амал қилишни тақозо этади. Ёзувчиларимиз янги дунё бунёдкорлари бўлган совет кишилари фаолиятининг турли босқичларини баддий тадқиқ этганларида уларнинг маънавий дунёси ва характери учун муҳим хусусиятлардан бири бўлган коммунистик ахлоқнинг шаклланиш жараёнларига алоҳида диққат билан қарайдилар. Адабиёт ва санъат асарларида, ёзувчиларнинг публицистик мақолаларида виждон категориясининг муҳим ўрин эгаллаши ҳам тасодиқ эмас. Г. Марковнинг «Ота ва ўғил» романида Алексей ва Роман Бастриковлар «виждон амри билан» иш кўрадилар. А. Гельманнинг «Мукофот» пьесасида Потапов ўз виждонига мувофиқ ҳаракат қилади. А. Кривоносонинг «Чарақлаб ён» повестида виждон интизомнинг «энг муҳим белгиси» сифатида қаралади. Чингиз Айтматов машҳур лагикор Анна Ильинична Харченко билан бўлган бир суҳбати муносабати билан бу аёлнинг виждон тушунчасини жуда жиддий ва нозик ҳис этишини таъкидлайди. Қаҳрамоннинг эътирофича, виждон «нима қилиш мумкин, нима қилиш мумкин эмас, нима гўзалу, нима хунук эканлигини амр этиб турадиган маънавий куч, ички рағбат», деб ёзади адиб.

У ёки бу типдаги шахсни, ёхуд у ёки бу типдаги хатти-ҳаракатларни тасдиқлашни ёки рад этишни, шунингдек гўзаллик ва хунукликни тасвирлашни мақсад этган ёзувчи учун виждон категориясига мурожаат этиш жуда муҳим аҳамиятга эга. «Мен учун гармоник шахснинг муҳим маънавий бойлиги — коммунистик ахлоқ»,— дейди Мустай Карим.

Аниқ ижтимоий мазмун билан суғорилган ана шундай маънавий куч Ойқизнинг бутун хатти-ҳаракатларида катта ўрин эгаллайди. Коммунистик ахлоқ уруш даври қурилишида ўз нормасини ошириб бажарган, юксак ватанпарварлик ва асл интернационализм намуналарини кўрсатган ёш комсомол Пулат фаолиятининг асосини ташкил этади (Шароф Рашидов, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин»). Азиз Қосимов (Уктам Усмонов, «Гирдоб») халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий кашфиётнинг оғир йўлини виждон амри билан, ижтимоий ва партиявий бурчни ҳис этган ҳолда босиб ўтади. Одил Ёқубовнинг кенг жамоатчиликка манзур бўлган «Диёнат» романида ҳар бир қадами коммунистик виждон талабларидан келиб чиққан, доимо халқ манфаатлари йўлида хизмат қилган профессор Нормурод Шомуродов янги типдаги инсон учун ўзига хос намуна сифатида намён бўлади. Унинг ҳаёти актив ижодий изланишларга бой. Ёшига қараганда у аллақачон пенсияга чиқиб, турмуш ташвишларидан холи баҳузур яшашни, меҳнатларига муносаби дам олиши мумкин эди. Бироқ Нормурод Шомуродов табиатан — курашчи инсон. У ҳаётнинг долзарб масалаларидан ўзини четга олиб яшай олмайди. Ўз даврида у республикада биринчи сувчи — инженер бўлган, сўнг йирик ирригатор — олим, Мирзачўлни ўзлаштириш гоъясини илгари сурган ва пўртбилетидан ажралишига сал қолган. Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги ленинча декрет унинг ҳақлигини исботлаган. Эндиликда у Сибирь

дарёлари сувининг бир қисмини Урта Осиёга олиб келиш масаласи билан шуғулланади. Асримиз проблемаси даражасидаги бу ишнинг бутун қийинчиликларини Нормурод Шомуродов чуқур ҳис этади, яхши тушунади. Бу масалада ҳам у узоқни кўролмайдиган, ҳалол ва астойдил меҳнат қилиб, иншоотнинг мукаммал планини яраттидан қочадиган баъзи бир ҳамкасблари билан тўқнашади. У ўзи бир умр ардоқлаб келган принципларга қарши бормайди; ҳар бир ишга, проблемага унинг давлат, жамият манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашуви сезилиб туради.

Ёзувчи ўз қаҳрамонини турмушнинг турли жабҳаларида «синов»дан ўтказди, унинг олим сифатидаги тафаккур кўлами, инсон сифатидаги Фазилатлари, меҳнатга муносабати ва бошқалар ҳақида китобхонда кенг тасаввур уйғотади. Ёзувчи олимнинг хатти-ҳаракатларини гражданилик бурчининг олий мезонлари асосида, социализм ғоялари учун бўлган курашларда синалган коммунистик ахлоқ нормаларига асосан баҳолайди. Романнинг бошланғич сәҳифалариданоқ Нормурод Шомуродов бурчининг энг юқори чўққисида кўринади. Умри давомида тақдир уни кимлар билан тўқнаштирган бўлса, уларнинг ҳар бирига бўлган муносабатларда бу қаҳрамоннинг бурч масаласини қай даражада жиддий ва чуқур ҳис этиши конкрет ифодасини топган. Нормурод Шомуродов ўз гражданилик бурчини адо этишда ҳеч қандай компромиссга, ҳелишувчиликка йўл қўймайди. Бу масалада у муайян иш юзасидан ўзига жуда яқиндан боғланган кишиларга ҳам ва ҳатто яқин қариндошларига ҳам ҳеч қандай имтиёз бермайди. Шу маънода Нормурод Шомуродовнинг жияни Отақўзи ва унинг ўғли Ҳайдар билан, профессор Воҳид Миробидов ҳамда Фазилат, Жамол Бўрибоев ва бошқалар билан муносабатларини кўрсатадиган сюжет чизиқлари, айниқса қизиқарли ва бу ўринлар маълум даражада романнинг конфликт характерини ҳам белгилайди. Асардаги ҳар бир конфликт ўзининг чуқур илдизига эга. Уларда иштирок этувчилар ижтимоий ахлоқ асосларига бориб тақалувчи жуда мураккаб муносабатларда намоян бўладилар. Буларда домла ўз ҳаётини эл-юрт манфаати йўлига бахш этган ёрқин ва устивор шахс сифатида кўзга яққол ташланиб туради. Шомуродов шахсининг кўламини аниқроқ белгилаш мақсадида ёзувчи қаҳрамон ўз виждон амри билан жуда берилиб иштирок этаётган ишнинг актуаллигини алоҳида таъкидлайди. Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизига оқизиш билан боғлиқ масала бугунги куннинг долзарб муаммоларидан. Романда Нормурод Шомуродовнинг бу масалага муружаат этишининг ўзи олим шахсининг кенг кўламиндан, илмий тафаккурининг юксак даражасидан, гражданилик бурчини чуқур тушунганлигидан ва умумдавлат миқёсидаги улкан ишларни бажаришга қодир эканлигидан далолат беради. Сирасини айтганда, мамлакат ва халқ манфаатлари Нормурод Шомуродов учун кишиларнинг ижтимоий позицияларини баҳолашда ва шунга қараб улар билан алоқа қилишда муҳим мезон бўлиб хизмат этади. Буни «Диёнат» романининг асосий конфликти — Нормурод Шомуродов билан унинг жияни «Ленин йўли» колхозининг раиси Отақўзи Умаров орасидаги тўқнашувларда, айниқса, яққол кўриш мумкин. Отақўзи Умаров тоғасидан ҳафа. Ҳамкасблари орасида катта ҳурмат қозонган, бу таниқли олим, бир томони тоға бўлатуриб, унинг ўғли ҳимоя қилаётган диссертацияни қўллаб-қувватламайди, бунинг устига илмий советда унга қарши гапирди Бирок Нормурод Шомуродов нимага қарши гапирган эди? У диссертациядаги ғайри илмий ўринларга, диссертантнинг раҳбари, ўттизинчи йилларда Мирзачўлдаги кўриқ ерларни ўзлаштириш лойиҳасини ноҳақ қоралаган ва кейинчалик ўша ерларнинг ўзлаштирилишига доир материаллар асосида докторлик диссертациясини ёқлаган Воҳид Миробидов томонидан мажбуран қабул қилдирилган фактларга, умумий иш учун зарарли бўлган томонларга қарши чиққан эди. Шомуродов ўз нутқида сохта олим Воҳид Миробидов позициясининг принципсизлиги ҳақида ва бундан халқ ҳўжалигига етадиган зарар тўғрисида гапирган, ўз виждон амрига қулоқ солиб, давлат манфаатларини «қариндошлик» туйғуларидан устун қўйган эди. Нормурод Шомуродов ёш олимнинг келажагига, тақдирига бефарқ қарай олмайди, унинг Воҳид Миробидов сингари нопок, илмни шахсий манфаатлар йўлига қурбон этадиган кишилар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслиги ҳақида ўйлайди. У чуқур инсонпарварлик позициясида туради; бировни «жазолаш» ёки ундан «ўч олиш» деган фикрлар унга ёт. У ёш олимнинг келажаги учун қайғуради. Ёш олим эса ўз диссертациясида «домла»сининг сўзига кириб, ерларнинг шўрини ювиш жараёнида коллекторларда йиғилган шўр сувларни қишлоқ ҳўжалигида қайтадан фойдаланишга, ерларни шўр сув билан сўғоришга қақиради. Профессор Нормурод Шомуродов концепцияси эса, коллекторлар ва дренажлар тармоқлари ёрдамида йиғилган шўр сувларни Орол денгизига қўйдириш, шу билан то Сибирь дарёлари сувининг маълум қисмини Урта Осиёга оқизиш лойиҳаси амалга ошунга қадар денгиз саёзланиб қолишининг олдини олишни назарда тутди.

Мингбулоқда чорвачилик комплекси қуриш ҳақидаги лойиҳага муносабатда ҳам Нормурод Шомуродов образида олимнинг гражданилик бурчи, масалага кенг ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашиши яққол кўринади. Бу ерда кекса олим Урта Осиё региони халқ ҳўжалигида катта аҳамият касб этадиган арчазорларни сақлаб қолиш масаласини ўртага ташлайди. Чунки табиатнинг бу мўъжаз бир парчаси ва унинг атрофидаги муҳит, жумладан арчазорлар тақдирини ҳам кўп жиҳатдан Мингбулоққа боғлиқ.

Ёзувчи социализмнинг юксак идеаллари йўлида фидокорона меҳнат қилган инсоннинг бой ва ўзига хос маънавиятини кўплаб оригинал деталлар воситасида чиройли тасвирлайди. Нормурод Шомуродов урушда ҳалок бўлган ўғли — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жабборнинг хотирасини қалбида авайлаб асрайди. Тақдир тақозоси билан Жамол Бўрибоевга турмушга чиққан Фазилатга нисбатан ранжини унута олмай қийналади. Умрининг сўнги соатларида жияни Отақўзи Умаровнинг қўполлиги

ва ўзбошимчалигини кечириб, олижаноблик намунасини кўрсатади. Нормурод Шомуродов романда социализм қурувчи ёш авлодга юксак намуна бўладиган ҳақиқий инсон сифатида гавдаланади.

Одил Ёқубов романининг асл мазмуни фақат Нормурод Шомуродов хатти-ҳаракатларини эстетик қайд этишдагина эмас, шу билан бирга Отақўзи Умаров характерини жуда пухта ва синчковлик билан таҳлил қилишда ҳам очилади. Отақўзи Умаров оғир синовлардан сўнг, кеч бўлса-да, ўз камчиликларини англаб, ўзгариш йўлига киради. Бу ўринда егук социализм жамиятида муҳитнинг инсонни шакллантирувчи таъсири, айниқса яққол кўринади.

Ўзбек бадиий прозасида замондошларимизнинг ички оламини чуқур тадқиқ этиш борасида кенг миқёсда ижодий изланишлар олиб борилаетир. Мақсуд Қориевнинг янги типдаги инсоннинг маънавий бойлигини кўрсатишга қаратилган қатор қиссалари бу маънода катта қизиқиш уйғотади.

Рашид Абдурахмонов («Афросиёб гўзали») бугунги кун кишиси. Инженер-конструктор. Пахта териш машиналари шпинделларининг янги конструкциясини яшlab чиққан. Унга ўз лойиҳасини ҳаётга тадбиқ этиш йўлидаги курашда дадиллик, жасорат ва вазминлик кўрсатишга тўғри келади. У оғир синовларни бошидан кечиради ва асарда маънавий гўзал, аниқ мақсад сари интилган тўлақонли шахс сифатида гавдаланади. Мақсуд Қориев замондошларимизнинг ички олами тасвирига дадил киришиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини энг мураккаб ижтимоий ва шахсий муносабатлар доирасида тадқиқ этаётир. Шу маънода адибнинг «Ойдин кечалар» повести ва бошқа асарлари ҳам айрим камчиликларига қарамай, диққатни жалб этади. Буларда, айниқса ёшлик романтикаси, илк туйғуларнинг гўзаллиги маҳорат билан тасвирланган.

Асқад Мухтор «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссасида қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини батафсил кўрсатишга интилмайдиган, балки уни ўз ҳаётининг энг юксак палласидан, бурилиш нуқтасидан бошлаб тасвирлайди. Мардонқул Заргаровнинг қандай одам эканлигини, биз унинг хатти-ҳаракатлари ва мулоҳазаларидан, бурчга, оилага, жамият ва коллективга муносабатидан билиб оламиз. Қумтсвдаги ишлар жараёнида у катта ташкилотчи, маънавий юксак инсон, ўзини жамият ҳаётининг энг қийин жабҳаларига уриб, оғир шароитларда партия ва давлат топшириқларини чин дилдан бажаришга тайёр турган коммунист сифатида намоён бўлади. Заргаров кенг кўламда фикрлайди, дадил ҳаракат қилади. Унинг интилишлари бировларни ҳайратга солса, бошқаларда тушунмовчилик, гумон уйғотади. Қаҳрамоннинг барча хатти-ҳаракатларида унинг замон билан ҳамқадамлиги ва оддийлиги кўзга ташланади. Заргаров зиммасига юкланган вазифа барча имкониятларни тезлик билан марказлаштириб, ўсиш ва ўзгаришда кўрсатишга, амалга оширишни тақозо этади. Шу боисдан адиб асарда вақт мазмунини максимум даражада қуюқлаштириб, зичлаштириб тасвирлайди. Тўғри, асарнинг охирига келиб, Заргаров фаолияти асосий воқеалардан сунъий равишда узилади. Шунга қарамай, бу образ янги типдаги раҳбар ходимнинг барча муҳим фазилатларини ўзида тўла намоён этади. Замондошимиз образини бутун борлиги билан, тўлалигича англаш ва идрок этиш учун у шаклланаётган муҳитни, шарт-шароитларни, ҳаётни чуқур ўрганиш лозим. Заргаровда ўзи шаклланган муҳитнинг типик белгилари бадиий умумлашган. Ёзувчи қиссадаги сюжет ривожини таъминлайдиган воқеаларни тасвирлаш жараёнида ана шундай муҳим хулосага келади. Бироқ асарда вақт проблемаси муҳим масалалардан. Буни амалда ишонарли ва тўғри ҳал этган ёзувчи, шубҳасиз бадиий тафаккурнинг янги, юксак босқичига кўтарилади. Чуқур замонавийлик пафоси билан суғорилган КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги ҳақида»ги қарори ва КПСС XXVI съезди материаллари бадиий ижодкорларни давримиз воқеаларини жуда кенг миқёсда, синтезлаб, умумлаштириб, ўсиш ва ўзгаришда кўрсатишга, воқеалар мазмунининг фалсафий асосларини мулоҳаза қилишга илҳомлантиради. Замондошимиз образини, «жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги» (Л. И. Брежнев) бўлган совет меҳнаткаши образини бадиий таҳлил этиш жараёнида бадиий тафаккур тарихийлигининг истиқболдаги чуқурлашувини таъмин этиш ҳам ва унинг аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Ёзувчилар ўз асарларида совет кишилари — замондошларимиз фаолиятини характерлайдиган проблемаларни кенг миқёсда қамраб олаётирлар, воқеликда, кишиларнинг ўзаро муносабатларида содир бўлаётган янгилликларни зийраклик билан пайқаб тасвирлаётирлар. Улар халқ ҳаётининг бадиий йилномасини катта истеъдод билан давом эттираётирлар. Давримизнинг битмас-туганмас бойлиги бўлган ва унинг чуқур мазмунини, пафосини ташкил этган интернационализмни ҳаракатда, ранг-баранг шаклларда, реал ва конкрет ҳолда кўрсатаётирлар.

«ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНИ» ТИЛГА КИРГАНДА

«Бошқа йўл йўқ»

«Қорақалпоқ достони»нинг биринчи китоби — «Маманбий афсонаси» Маманбийнинг қуйидаги ажойиб сўзлари билан тамом бўлади: «Эй, одамлар, қадрдон ҳамюртларим, мени ташлаб кетманглар, қўрқманглар, менга ишонинглар, бирга курашинглар, бизга бошқа йўл берилмаган!»

Бу хитоб ўқувчини инсоннинг тарихдаги ўрни, халқнинг ўзини англаши ҳақида ўйлашга ундайди.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида, ундан кейин ҳам, адабиётшунослик ва танқидчиликда совет прозасида баркамол насрий асарларга хос тафаккурнинг каммайгани, тарихни замон билан билан боғловчи ижтимоий-фалсафий кўламли романлар йўқлиги ҳақида кўп гапирилди.

«Шундай вақтлар бўлдики,— деб ёзади танқидчи Е. Сидоров,— адабиётимиз ўзгариб бораётган дунё ва одамларни чуқур таҳлил қилишдан бирмунча узоқлашиб қолди. Ҳаётнинг ўзига хос шиддатли оқими ўсишда, ўзгаришда, ривожланишда давом эта берди. Шу тариқа адабиёт билан ҳаётнинг алоқаси анча сусайгани сезилди. Ижодий тажрибалар шуни кўрсатдики, адабиёт билан ҳаётнинг ўзаро алоқаси ҳамisha даврнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда энг яхши совет ёзувчилари яна умуминсоний масалаларга эътибор бера бошладиларки, уларнинг энг асосийларидан бири тарихнинг ва инсон умрининг маъноси масаласидир. Инсон яшар экан, у ўзига ана шундай саволларни беришга мажбур, зеро у ижтимоий ва маънавий мавжудот сифатида ана шулар билан тирикдир. Ҳар бир авлод уларга ўз тақдир, ўз такрорланмас тажрибаси билан жавоб беради»¹.

Тўлепберген Қаипбергеновнинг китобида худди ана шу умуминсоний моҳиятга эга бўлган масалалар тилга олинади. Қайд этганимиздек, бунинг учун халқнинг ўзи ҳам, унинг санъаткори ҳам вояга етган бўлиши керак. Демокчимизки, баркамол асарнинг фақат ривожланган социализм даврида, совет халқларининг ҳар бир социалистик миллат, социалистик халқ бўлиб етилган даврда пайдо бўлиши тасодифий эмас. Маълумки, ўз халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини чизиш ҳар қандай санъаткор зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Бу ўринда тарихий ҳодисалар ёки фактларни шунчаки қайд этиш эмас, аксинча, халқнинг маънавий, ахлоқий тарихини тадқиқ қилиш, бадиий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда тарих ҳақиқатини гавдалантириш энг муҳим нарса эканини доимо назарда тутиш керак. Ҳар доим бу ҳақда ўйлаганлар, бу ҳақда баҳслаганлар, бу ҳақда ёзганлар. Зеро, бу фақат соф назарий масалагина эмас, балки ижодий масала ҳамдир.

«Советская Каракалпакия» газетаси мухбирининг: «Маманбий афсонаси» романининг воқеалари XVIII асрдан бошланади. Давр манзарасини тасаввур этиш учун сиз қайси манбалардан фойдаландингиз? Тарих ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат бора-сида сиз нима дер эдингиз?» деган саволларига адиб шундай жавоб беради: «XVIII асрда қорақалпоқларнинг Россияга қўшилишга интилишлари айниқса яққол намоён бўлди. Бу даврда юз берган воқеалардан иккитаси: 1723 йиллар атрофида Сирдарё ҳавзасининг жунғорлар томонидан босиб олиниши ва қозоқ хони Абулхайрхоннинг 1743 йилда бошлаган ҳужуми қорақалпоқ халқининг тақдирига катта таъсир кўрсатди. Абулхайрхон томонидан берилган зарба қорақалпоқларнинг сиёсий мустақиллигини батамом йўқ қилди ва уларни Хива ҳукмиронлигига қарам қилиб қўйди.

Тарих ҳақиқати ана шундай. Мен бу воқеалар конкрет, жонли одамлар тақдирини қандай кечганлиги моҳиятини очишим керак эди. Тарих бу ҳодисалар ҳақида рақамлар, ҳужжатлар, ёдгорликлар тили билан ҳикоя қилса, ёзувчи бу даврни шундай акс эттириши керакки, китобхон жонли, тирик одамларни кўрсин, гапларини эшитсин, уларни танийдиган, эслаб қоладиган бўлсин.

¹ Е. Сидоров. Идеалнинг барқарор бўлиши. «Вопросы литературы», 1981. № 9. 32-бет.

Иккинчи томондан, даврнинг асосий воқеаларини китобимнинг бош ғояси — қорақалпоқларни Россияга қўшилиш учун кураш ғояси орқали кўришим зарур эди. Шу тўғрисида қорақалпоқ халқининг рус ҳукумати олдида онт ичиши факти китобнинг кульминацион нуқтасига айланди, халқимиз тарихида кўлами жиҳатидан ўз аҳамиятига кўра бундан катта ҳодиса йўқ, чунки худди шу 1743 йилда Абулхайрхон босқини юз берган эди.

Маманбий романининг бош қаҳрамонига айланди. Унинг номи қорақалпоқлар ҳақида профессорлар Н. А. Пальмаров ва А. И. Пономарев тўплаган қўлёзма ва босма манбаларда ҳам бир неча бор тилга олинган.

Мен халқ масъулиятини ўз зиммасига олган ўсмир Маманнинг вояга етиши ва чиниқишини кўрсатишни мақсад қилиб олдим. Оғир синовларга тўла йиллар ўтади, лекин улар халқининг муносиб фарзанди бўлган бу одамнинг иродасини бука олмайди.

Қаҳрамон ҳаётига доир бир қанча фактларни билиб олганимдан кейин, бадиий тўқимага мурожаат қилдим. Ҳар бир образнинг ички тараққиёт мантиқи, асарнинг асосий ғояси воқеаларнинг салгина нотўғри бурилиши билан бўзилиб кетади. Доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлган яшаш қонунлари мавжуд. Бу ҳаётда эзгу, кучли, ёрқин нарсалар билан ёнма-ён худди тундаги шақал каби ёвузлик ҳам яшайди.

Бу икки тушунча — эзгулик ва ёвузлик — мутлоқ ўзгармайдиган, қайси томонидан қарасан ҳам, эзгулик фақат эзгу, ёвузлик фақат ёвуз бўлиб кўринаверадиган нарсалар эмас. Бу тушунчалар ниҳоятда ижтимоий, синфий моҳиятга эга¹.

Ёзувчи она халқ тарихидаги энг оғир даврларга мурожаат қилди. Қорақалпоқ адабиётида тарихий роман яратиш тажрибасининг йўқлиги ҳам унинг ишини янада қийинлаштирди. Улуғ Октябрь инқилобининг ғалабаси барча қардош халқлар учун рус реалистик адабиётининг бой намуналарини очиб берди, рус тили орқали эса жаҳон адабиётини ўрганиш имкониятини яратди. Бу ҳол, табиийки, совет миллий адабиётлари тараққиётини тезлаштирди. Аммо ижод жараёни ҳеч қачон фақат тақлид билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Бу жараён ҳақида гапирар экан, ёзувчи ҳақли равишда: «бадиий намуналардан модалар ательесига тийёр моделларга кийим учун заказ берганга ўхшаб фойдаланиб бўлмайти, бу ўринда кийимликни ўзинг бичиб, ўзинг тикишинг керак», деб қайд этади.

Ёзувчи ўз олдидаги яна бир мушкулотни ҳам тўғри англади. «Ҳаммамиз биламизки, — деб ёзади у, — Пётр Биринчи, Богдан Хмельницкий, Навоий, Абай ҳақида ҳамда шухрат тириклигидаёқ бутун дунёга танилган одамлар тўғрисида романлар ёзилган. Мен ёзмоқчи бўлган Маманбий, Ойдўс, Эрناзар Олакўз ҳақидагина эмас, ҳатто улар мансуб қорақалпоқ халқи борлиги ҳам дунёда ҳаммага маълум эмасди. Китобхонларимга улар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш учун узоқ ўйладим.

Агар ҳаёт хурсандчилик билан бошланса-ю, кўз ёши билан тугаса, жуда ёмон, агар у кўз ёши билан бошланса-ю, табассум билан тамом бўлса, қувонч ҳисобланади. Башарти, ҳаёт баъзилар учун қувонч билан бошланиб, қувонч билан аяқланса-ю, баъзилар учун кўз ёши билан бошланиб, кўз ёши билан тамом бўлса-чи?.. Ҳаётдаги шундай жумбоқларга жавоблар топиш учун кўп ўйлашга тўғри келди. Бу саволларнинг ҳаммасига менда биргина жавоб бор эди. Фақат ҳақиқатни ёзиш керак. Бунинг учун мен қорақалпоқ халқининг айрим вакилларигина эмас, балки ўзи нима учун номаълум бўлиб келаётганлиги сабабларини очиб беришим зарурлигини ҳис қилдим. Фақат ана шу ҳақиқатгина ажодларимизнинг жонсиз ўтмишини тирилтириш имконини беради» («Кечмиш йиллар қўшиғи». «Советская Каракалпакия», 24 январь, 1974 йил).

Аччиқ, аммо ҳаққоний ва доно сўзлар, худди фанда ҳақли равишда айтилганидек: масаланинг тўғри қўйилиши ҳақиқатга эришишнинг асосий гаровидир... Маълумки, адабиётда, юқорида айтганимиздек, автор концепциясини жонлантирадиган, ўз халқи онгидаги ўсиш-ўзгаришлар, маънавий бойликларни ўзида мужассамлаштирадиган қаҳрамон масаласи ҳам мавжуд.

Маманбий романининг асосий таянч нуқтаси ва ўзаги ҳисобланади. Асарнинг биринчи бетлари ҳамда қаҳрамоннинг онгли ҳаёти акс эттирилган илк саҳифаларидан бошлаб биз унинг тақдири халқ тақдири билан чамбарчас боғланиб кетганини кўрамай.

Романининг бошида Маманбийни очиқ кўнгилли, тажрибасиз ўсмир ҳолда учратамиз. Аммо илк саҳифалардаёқ ёзувчи унинг бургутга ўхшаб кетишига бежиз урғу бермайди. Йўқ, бу, албатта, фольклорга хос шартли ўхшатиш ёки портрет чизгилари учун ишлатилган шунчаки деталь эмас. Ўхшатишнинг чуқур рамзий маъноси бор: Маманбий ўз халқи учун ниҳоятда зарур бўлган пайтда дунёга келган эди. Халқ ўз ҳаққи-ҳуқуқини англададиган ва курашга бошлайдиган даҳога муҳтож эди.

Маркс, қаҳрамонлар тарих саҳнасига тарихий зарурат бўлган пайтда чиқадилар, деб айтган эди. Албатта, Маманбий ўзидан-ўзи шундай масъулиятли вазифани бажаришга киришиб кетавермайди. Унинг отаси Ҳурадан ботир ҳам ҳақиқат учун курашган, узоқ йиллар давомида қорақалпоқларни бирлаштиришга уринган жангчи эди. Ҳурадан ботир ўғлини чин ватанпарварлик руҳида тарбиялади, мураббийси Мурод шайх ҳам Маманбийда ўз халқига, она юртга муҳаббат уйғотишга интилди.

Ҳар бир инсон халқини ўзича севади. Баъзилар унинг ўтмишини хотирлаш билан чекланадилар, бршқалар эса халққа муҳаббати ҳақида гапирини яхши кўрадилар. Аммо, табиийки, ўз ўтмишини унутмаган ҳолда, халқининг порлоқ келажаги учун чинакамига курашган одамларгина чинакам ватанпарвар ҳисобланади. Маманбий

¹ Кечмиш йиллар қўшиғи. «Советская Каракалпакия», 24 январь, 1974

ана шундай ватанпарварлардан, ammo бунинг учун унга катта ҳаёт мактабидан ўтишга тўғри келади. У, энг аввало, бир халқнинг бахти бошқа халқнинг қайғуси ҳисобига яратилмаслиги, тарихий адолатнинг ягона йўли — халқлар дўстлигида эканини англаб етади.

Маманбий фақат ўз халқининг эмас, балки ўз даврининг ҳам фарзандидир. Шунинг учун ҳам муаллиф уни сира идеаллаштирмасдан, тарихий тараққиётнинг эгри-бурги ва олис йўллари енгиллаштирмасдан тасвирлайди.

Уша йиллар ва ундан кейинги даврлардаги халқнинг хонавайронлиги, бир-бирини англаб етмаслиги кўп жиҳатдан чекланганлик, саводсизлик, диний бидъатлар билан ҳам изоҳланади. Ҳатто ўз замонаси ва муҳитининг ўқимишли кишиларидан бўлган Уразан Ботир ва Мурод шайхлар ҳам рус асирларига «ғайридин» сифатида қараб, ёвузларча муносабатда бўладилар. Улар шогирдини, ўз халқини севишга ундаганлари ҳолда бошқа халқларга нафрат руҳида тарбиялашга интиладилар. Маманбийнинг дастлаб асирларга кўпол муносабатда бўлиши ажабланарли эмас. Ammo ҳаётнинг ўзи устозларига нисбатан бир қадам олдинга бошига мажбур қилади. Асир Кузьма Бородин Маманбийнинг ёвузларча муомаласига насиҳатомуз, мулойим сўзлар билан жавоб қайтаради: «Ўз халқи ҳақида ўйламаган одам ўзини ҳам ўйламайди, ўз халқини севган киши бошқа халқларни камситмайди». Бу содда, инсоний сўзлардаги чуқур маъно, табиий равишда, ўсмирнинг онгига бирданига етиб бормайди. Ammo секин-аста унинг кўзи очила бошлайди.

Бўлажак халқ етакчисининг шаклланишига, албатта, фақат Бородин билан учрашув эмас, балки биринчи навбатда миллий воқелик, ундаги жиддий қарама-қаршилиқлар ва зиддиятлар кучли таъсир кўрсатади.

Роман бошларида бир муҳим эпизод бор. Мурод шайх барча уруғлар қабила оқсоқоллари ва бийлари тўплайди. Моҳиятига кўра ҳамма гап энг зарур, энг асосий нарса — халқ тақдири устида боради. Ammo «бийлар, оқсоқоллар, ҳар қачонгидек, ҳеч нарса ни ўйламай, мудрай бошлайдилар». Романда халқ ҳаётининг барча қатламлари шафқатсиз ҳаққонийлик билан кўрсатилади. Ёзувчи қорақалпоқларнинг кулфатига фақат чет эл босқинчиларига эмас, балки уларнинг ўзаро тарқоқлиги, уруғ ва қабила оқсоқоллари, умуман бийларнинг мунофиқона иккиюзламачилик сиёсати ҳам айбдор эканини тўғри очиб беради.

Шу ўринда князлар ўртасидаги ўзаро нифоқ, келишмовчилик Русь давлатини заифлаштиргани ва оқибатда татар-муғуллар зулмига кенг йўл очилгани беихтиёр ёдга тушади. Шахсий манфаатларини кўзлаб, халқ тақдири билан қизиқмай қўйган бийлар бир томонда; жаҳолат, ҳуқуқсизлик, очлик, хасталиклар остида эзилган оддий халқ бошқа томонда эканини Маманбийнинг кўрмаслиги мумкин эмас эди. Уни нафақат миллий балки ижтимоий шарт-шароитлар ҳам кўп нарсаларни ўйлаб кўришга ундайди. У ҳам даставвал ўз халқи ҳақида қайғурувчи Мурод шайхнинг асирларга шафқатсизлик қилиши, қорақалпоқларни ёзувчи Ғойибхон билан умумий тил топишга интилиши сабабларини англаб етмаган эди. Бу ерда яна бир жуда муҳим бўлган психологик детални: Маманга бий унвони берилгандан кейин онгида ва хатти-ҳаракатларида рўй берган қарама-қаршилиқларни эслаш мумкин. У бий фақат шахсий имтиёзларга эга бўлган амалдоргина эмас, биринчи навбатда халқ вакили эканини ҳали англаб етмайди. Бунинг тўғри тасаввур этиш ва халқ манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш учун Маманбий шафқатсиз ҳаёт синовлари ва шубҳаларни енгиб ўтиши керак эди. Отасининг ўлими, уруғлар ўртасидаги адоқсиз ва маъносиз низолар, рус асирларига муносабат аста-секин унинг кўзини очиб, характерини шакллантириб боради.

Маманбийнинг шахс ва арбоб сифатида қарор топишида катта роль ўйнаган муҳим ҳаётий лавҳа ҳам худди шу рус асирларини озод этиш билан боғлиқ. Жаҳолат-парастлар асирларни ўлдиришга, тошбўрон қилишга уринадилар, ammo Маманбий хавф-хатар қаршисида сабот билан мардона туради.

Шубҳасиз, Маманбий шахсининг камолга етишида Кузьма Бородин сезиларли роль ўйнайди. Роман саҳифаларида кам ўрин ажратилганига қарамай, бу содда рус йигити китобхон кўз ўнгида, самимий инсон қиёфасида гавдаланади. Кузьма қорақалпоқларга илиқ муносабатда бўлади, унинг меҳрибонлиги, зийраклиги, саховати эса муносиб қадрланади. Шу туфайли Бородин билан танишув Маманбий учун рус халқига яқинлашиш йўлидаги дастлабки қадамга айланади.

Ипатьев солномасининг шаҳодат беришича, қорақалпоқларнинг аждодлари XII асрдаёқ улуг князь Юрий Долгорукийга: «Биз... рус ери учун сенинг фарзандларинг билан бирга ўламиз ва сенинг шон-шавкатинг олдида бош эгамиз», деб қасам ичганлар. Етти аср ўтгач, XIX асрда, қорақалпоқ адабиётининг классиги Бердах ўзининг халқлар дўстлиги, ўзаро ҳамкорликни куйловчи шеъри «Доим изладим»да муқаддас китобларни тинимсиз ўқигани, Навоийдан билим олгани, Фузулийдан шеър ёзишни ўргангани ва ҳар доим бир донишманд устоз излашдан эринмагани ҳақида ёзади.

«Донишманд устоз» деганда Бердах балки Россияни, рус кишини, унинг қалб саховатини ҳам назарда тутгандир. Бу дўстликнинг илдиэлари ана шундай теран!..

Шундай қилиб, ҳамфирларнинг дўстлигига айланиб кетган Маманбий билан Бородин муносабатларини романинг энг ёрқин ажойиб саҳифаларидан бири дейиш мумкин.

Кучли таянч, қудратли иттифоқчига эга бўлиш иштиёқи билан бирга Маманбий қалбида миллатнинг қадр-қимматини англаш туйғуси ҳам юксалиб боради. Қаҳрамон хўрлаш ва камситишларга дуч келган сари бу туйғу ўсверади. Романдаги яна муҳим эпизодлардан бири бунинг яққол кўрсатади. Орск қалъаси курилиб битгандан

кейин ўтказилган тантанага Абулхайрхон қорақалпоқ бийларини чақиришни хоҳламайди. Маманбий ўз халқини камситувчи, қадрини ерга урувчи бу ҳаракатнинг сабабини билишга интилганда, ёвуз ва мустабид ҳукмдор очиқдан-очиқ мазах қилади: «Халқ! Ҳа-ҳа. Биласанми, минг бош мол орасига ўнта адашган эчки кўшилиб қолса, чўпон кўй боқяпман, деб айта оладими?» Йўқ, айта олмайди. Мен ҳам...»

Бундай камситувчи хитобга қарши Маманбий мағрур жавоб қайтаради: «Адашманг, хон. Қорақалпоқ халқи бор». Қаҳрамон характери ана шундай кураш, машаққатлар остида шакллана боради.

Ёзувчи ўз қаҳрамонининг заифликларини, муваффақиятсизликларини кўрсатишдан чўчимади. Уруғлар ўртасидаги ижтимоий низоларда Маманбийнинг уруғпарастларга қарши кураши осон бўлмайди. У бир уруғ билан умумий тил топдим деганда, бошқа бириси шартномани бузиб туради. Узаро қирғинлар тасвирланган ўринлар асардаги энг изтиробли, энг таъсирли, ҳаққоний саҳифалар ҳисобланади. Назаримизда, шундай жойларда ёзувчининг тарихни ҳис қилиш туйғуси ва реалистик маҳорати катта кўламда намоён бўлади...

Халқ озодлиги курашчиси Маманбийнинг шахс ва ижтимоий арбоб сифатида шаклланишида унинг Россияга қилган сафарининг таъсири каттадир.

Хронология ва аҳамияти жиҳатидан чинакам тарихий моҳиятга эга бўлган бу факт, қайд этганимиздек, академик С. Камоловнинг йирик асарида батафсил баён этилган. «Қасамёдга қўл қўйган оқсоқоллар ўн икки минг кўйи қорақалпоққа мансуб эди. 1743 йил 3 мартда қорақалпоқ оқсоқолларидан Гойиб хоннинг укаси Убайдулла Султон, Мурод шайх ва барча оқсоқоллар Петербургда элчи орқали хат юбориш ҳақида Гладишевга хабар бердилар. машҳур қорақалпоқ бийи русларга мойил бўлган Уразан, Маман ботир (элчихона бошлиғи), Мурод шайхнинг ўғли Абдулла шайх, Пўлат Ясовул, Соғиндиқ бий, Бобоназар ботир, Маман шайх, Шайх Асаул ва Айдарларни элчи қилиб тайинлашга қарор қилинди. Қорақалпоқлар элчиларга учта — биттаси императрицага, иккитаси махфий маслаҳатчига — хат топширадилар.

Саккиз қорақалпоқ элчиси ҳамда озод этилган икки асир ҳамроҳлигида Гладишев 1743 йилнинг 24 апрелида Оренбургда эсон-омон етиб келади. Гладишев махфий маслаҳатчи Неплюевга қорақалпоқ сафари натижалари ҳақида ахборот бераркан, улар «ўзининг хурсандчилиги билан қарши олингани ва ўзларидаги барча энг яхши нарзаларни унга тортиқ қилганларини» гапиради.

Қорақалпоқ элчилари Неплюевга мактуб топширар эканлар, унга «қорақалпоқ халқи 260 йил муқаддам Россия империясидан ажралиб қолган бўлса ҳам, ўзларини азалдан унга тобе деб биладилар», деб айтадилар. Қорақалпоқлар Россия билан тарихий алоқаларини таъкидлаш билан бирга элнинг парокандалик сабабларини, уларнинг мустаҳкамланишига халақит бераётган иллатларни ҳам очиқ кўрсатадилар ва бу тўсиқларни енгиш учун ёрдам сўрайдилар»¹.

Императрица Елизавета Маманбий бошлиқ элчиларни илтифот билан қабул қилади ва уларга Россия фуқаролигига ўтганлиги ҳақидаги ёрлиқни тақдим этади.

Қорақалпоқ элчиларининг кейинги тақдири бизга маъжум эмас, фақат XIX асрга мансуб Хива тарихий манбаларида Маманбий номи йўл-йўлакай тилга олинади. Ҳаёти хавф остида қолганига қарамай, Гладишев Сирдарёга боришдан воз кечади ва «қорақалпоқларнинг фуқаролиқни арз қилган ёрлиқни Абулхайрдан олиб... Оренбургда қайтиб кетади. Шундай қилиб, тобелик ҳақидаги ёрлиқ қорақалпоқ халқига бориб етмайди...»².

Тарихий ҳақиқат ана шундай. Албатта, ёзувчи фактларга асосан амал қилади. Аммо у қуруқ баён, нусха кўчириш эмас, бадий идрок қилиш йўлидан боради. Бу ўринда буюк Толстойнинг ижодий тажрибалари, хусусан, «Уруш ва тинчлик» эпопеясидаги Кутузов образини эслаб кўрайлик. Маълумки, Толстой жуда кўп тарихий асарлар, архивлар, эсдаликлар ва бошқа манбаларга мурожаат қилган. Худди шунинг учун ҳам унинг Кутузови тарихан аниқ ва ишончлидир. Аммо биз Кутузов характери деб атайдиган ва ёдимизда ўрнашиб қоладиган нарсаларнинг ҳаммаси Толстой қайд этган тарихий материаллар билангина чекланмайди. Ижодкор сифатида у даставвал факт ва деталларни идрок этади ва ўз билганларини бадий жиҳатдан эркин баён қилади, натижада Кутузов шахсига боғлиқ тарихий материалларнинг ўзига хос ижодий талқини юзага келади. Китобхон кўз ўнгида Толстой нигоҳи билан кўрилган ва яратилган жонли инсон, саркарда, доно давлат арбоби намоён бўлади.

Тарихчи фактлар билан ишлаш асосида ўз илмий концепциясини яратади. Санъаткор эса янги, забт этилмаган йўллардан юради. Фантазия, тўқима ва уйдирма, ижодий изланиш ва қатъий интилиш — унинг қуроли. Албатта, бу ерда факт ёки тарихий ҳодиса, вазият ёки характернинг ҳаққонийлиги, тўқимада меъёр ва юксак масъулиятни ҳис қилиш туйғуси зарур. Аммо, шунга қарамай, таъбир жоиз бўлса, ёзувчи-тарихчи фактлар соясида туриб ишлай олмайди. У фактларга руҳ бағишлаш, истеъдоднинг илоҳий қудрати билан воқеаларга ҳамда тарихий шахслар образларига жон ато этиш ҳуқуқига эга, ҳатто унга мажбур. Л. Толстой ўзининг 1872 йил 17 декабрда Страховга ёзган машҳур хатида: «Шу пайтгача ишлай олмаяпман. Петр I ва унинг даври ҳақидаги китобларни тўплаб ўқияпман, қайд этаёпман, ёзишга уринаяману аммо қийин бўляпти. Санъаткор учун қандай давр ўзи бу! Қалашиб ётган

П. ШЕРМУХАМЕДОВ «ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНИ» ТИЛГА КИРГАНДА

1 С. Камолов. XVIII–XIX асрларда қорақалпоқлар. Нукус, 1967. 47–50-бет.

2 Шу асар, 51–52-бетлар.

жумбоқ, масала, вазифаларнинг барчасини фақат поэзия еча олади...» деб бежиз қайд этмаган.

Улуғ ёзувчининг мулоҳазалари ҳайратланарли даражада аниқ ва нозик: тарихда, ҳақиқатан ҳам, «фақат поэзия» орқали идрок қилиш мумкин бўлган жумбоқлар, воқеа ва ҳодисалар кўп. Бундай ҳолларда яланғоч фактлар тарихнинг йўналиши, умумий манзараси моҳиятини кўрсатишдан ожизлик қилиб қолади. Бу ўринда санъаткор фақат тарих билан эмас, балки ўз даври руҳи билан ҳам қўшилиб кетади. Агар улуғ ёзувчилар тарихий мавзуда ишлаш жараёнида фактларга ёпишиб олиб, уларнинг моҳиятини «шеърят» билан «қақиб» кўрмаганда, жаҳон адабиётининг жуда кўп гўзал намуналари ҳозирги даражада турмас ва аллақачон архив чангларига кўмилиб кетган бўларди, зеро фактография ҳар қачон замон, давр, тарих билан боғлиқ нарсадир.

Мазкур ўринда яна шу нарса муҳимки, ўтмишдан ҳозирги замон сари тортилган иплар ўқувчини илдизлар ва манбаларни излашга ундайди, авлодлараро вори-сийлик хусусида ўйлашга ўргатади: бошқача айтганда, бундай туташтирувчи иплар бўлмаса, бу ердаги энг муҳим нарса — тарих тажрибасини бадий умумлаштириш орқали бугунги инсоннинг граждонлик ва маънавий тарбиясини акс эттириш борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолда ёзувчининг ҳар қандай «қидирув»лари ҳам фойда бермайди. Жуда қизиқ тарихий фактлар тўпланганлигига қарамай, бу фактлар шунчаки қалашиб ётгани, бадий мушоҳада орқали таҳлил этилмагани, қаҳрамонларнинг руҳий дунёси чуқур очилмагани ва бугунги кун китобхонининг маънавий олами билан чамбарчас боғланиб кетмагани учун мазкур асар тўлақонли чиқмайди. Тарихий фактларни даврнинг энг долзарб масалаларига «хизмат қилдириш» маҳорати тарихчи-ёзувчининг энг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга тарихий материал, деб аталувчи бундай фактларнинг моҳиятига етиш, уларга тўғри баҳо бериш ва, энг муҳими, бадий тадқиқ қилиш қобилияти ҳам катта аҳамиятга эга. Худди мана шу нуқтада ёзувчи — тарихчининг оригиналлиги, ғоявий-эстетик мустақиллиги, асарларининг ўзига хослиги ва шу мавзудаги бошқа ижод намуналаридан фарқ қилувчи жиҳатлари намоян бўлади.

Фактик материал танқис ўринларда маълум мақсадга қаратилган, асарнинг умумий ғояси, концепцияси орқали ҳаракатга келтирилладиган бадий тўқиманинг роли кучли бўлади. Бир томондан, бу ҳол ёзувчини маълум даражада тушовлаб қўяди, иккинчи томондан эса, унга ижодий эркинлик учун кенг имконият яратади. Воқеликни англашнинг қудратли қуроли бўлган санъат диалектикаси ана шундай.

Мана, Маманбий Санкт-Петербург сафаридан кейин яхши ўзгаришлар бўлишига тўла ишонч билан қайтиб келяпти. Аммо ҳаёт суронлари унинг режаларини остин-устун қилиб ташлайди: элчилар Россия лойтахтида бўлган чоқда, Абулхайр галалари қорақалпоқларнинг ерларини талаб, қонга ботириб кетади. Бундан хабардор бўлган Маманбий умидсизликка тушади. Бир зумгина бўлса-да, олижаноб ниятларидан воз кечишни ўйлайди. Босқинчилар талаб кетган моллар ўрнини қоплаш учун, нотўғри йўл тутаётганини била туриб, ўз йигитларига талон-торож учун рухсат бериши — унинг ана шу эсанқираши билан изоҳланади. Шунингдек, унинг қорақалпоқ уруғлари сонини кўпайтириш мақсадида барча аёллар ва қизларни зудлик билан турмушга чиқаришга ҳаракат қилиши ҳам ана шу ҳолати туфайли содир бўлади... Демоқчимизки, Маманбий фожиали қунларда фаол киши-сифатида йўл қидиради, она халқини сақлаб қолиш чорасини излайди. Ёзувчи баъзан тарихий романларда учраб турадиган қаҳрамонларни сунъий ҳаракатлар қилдириш, масалаларни ўта «эмоционал»лаштириб ечишга уриниш каби иллатлардан узоқ туради. Шу билан бирга, Т. Қайпбергановнинг Маманбий ўз даври ва синфининг мутлоқ фарзанд сифатида бирдан-бир тўғри йўлни — оддий халқ билан яқинлашиш йўлини топа олади. Бу ерда тарих ҳақиқати бадий ҳақиқатга айланиб кетган. Александр Невский, Дмитрий Донской, Минин ва Пожарскийлар Ватан бошига оғир қунлар тушганда, халқ мададига суянган ҳолда, ўларининг тарихий мақсадларини амалга оширганлиги эслаб кўрайлик. Маманбий ҳам оғир вазиятда оддий халқ вакилларига суянади. Шу ўринда бир эпизодни тилга олиб ўтиш ўринли. Орадан кўп йиллар ўтиб, Маманбий Бородинни учратиб қолади. Бородин ўз одамлари билан бирга кулфатга дуч келган қорақалпоқларга ёрдам беради. Бир куни Маманбий унга: «Императрица Елизаветага нисбатан фикрингизни билгим келади», дейди. Бородин: «Биласизми, Елизавета ҳақида гапириб осон эмас. Бераётган буйруқлари ва қилаётган ишларига қараганда, ақлли аёлга ўхшайди. Лекин негадир Русиянинг шавкатли ўғлонларини қўллаб-қувватламаётир», дейди.

Албатта, кўпни кўрган, кўп нарсаларни идрок этган Маманбий асар бошидагидек соддадил, ҳамма нарсага ишонаверадиган бўш-баёв йигитча эмас. Йиллар ва воқеалардан катта сабоқ олиб, нарсалар моҳиятини чуқур англайдиган бўлиб қолган. Энг муҳими, у халқнинг бахти, яшаб қолиши учун мавжуд шароитда қўлда қурол билан курашиш кераклигини, бошқа йўл йўқлигини идрок этади.

Бош қаҳрамон воқеалар марказида туришидан ташқари, автор концепциясини ўзида мужассамлаштиргани учун ҳам унга онгли равишда урғу беряпмиз. Албатта, у ёлғиз эмас, романда бош қаҳрамон характери ва ёзувчи ғоясини ҳар томонлама тўлдирувчи бошқа тўлақонли, реалистик чизилган образлар талайгина. Булар орасида, шубҳасиз, биринчлар қаторида Мурод шайх образи туради.

Умуман, Урта. Осёе ва Қозогистон адабиётларида руҳонийлар образини тасвирлаш жиҳатидан катта тажриба тўпланган. Аммо, афсуски, бу тажрибалар моҳиятига кўра кўп ҳолларда бир томонлама: дин арбоблари ҳар доим ўз халқини севмайдиган, маънавий жиҳатдан ёмон, этиқодига кўра жоҳил салбий тип сифатида чизила-

ди. Албатта, объектив қараганда, дин ҳомийлари ўз фаолиятларига кўра тарихий гарақийётга ғов бўлганлар. Аммо бунга зид ҳолатлар ҳам бўлганки, тарих ва ҳаёт ҳақиқатини бузмаган ҳолда уларни ҳам инкор этмаслик керак.

Т. Қаипбергеновнинг Мурод шайхи романдаги бошқа персонажлар каби ўз даври шароитига кўра мураккаб ва зиддиятли сиймо, жонли инсон. Унинг кўпгина хатти-ҳаракатлари (уларни биз қабул қилмаймиз) ўз халқига яхшилик қилиш истагидан келиб чиқади. Дастлаб у рус аскарларини қўтқаргани учун Маманбийни ёмон кўради. Аммо вақтлар ўтиб, Бородин қорақалпоқларга ёрдам кўлини чўзганда, унинг русларга муносабати бутунлай ўзгаради. Есенгелди Ғойибхонни ўлдирганда, шайх дарғазаб бўлади, у ҳар қандай халқ яғона ҳукмдорга бўйсунishi керак, деган ақидага қаттиқ ишонади. Зеро, бундай хато қараш Мурод шайхдан кўра илғор фикрда бўлган одамлар учун ҳам характерли эди.

Романда бошқа ёрқин образлар ҳам мавжуд. Есенгелди, Омонлиқ, Олмагуллар ҳақида гапириш ҳам мароқли, аммо мазкур мақоланинг имкониятлари бунга йўл бермайди.

«Маманбий афсонаси» адабиётшунос ва танқидчилар томонидан қизгин кутиб олинди, баъзан бир-бирига қарама-қарши фикрлар айtilди. Аммо роман ҳеч кимда лоқайд таассурот қолдирмади. Тақризи ва тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ёзувчи бир хил қолimgа тушиб қолган, жўн, ижобий ёки салбий персонажлар эмас, балки мураккаб образлар яратганини таъкидлайдилар. «Бу асар сўнги йиллар қорақалпоқ наصريда янги ҳодиса бўлди». Бу фикр ёзувчининг етуқлигини, у чизган характерларнинг реалистиклигини, ҳар қандай қолиплар, андозалар ва бир хилликлардан холи эканлигини, сюжет, конфликт, персонажлар хатти-ҳаракатларида схематизм йўқлигини кўрсатади. Ҳолбуки, бундай нуқсонлар қорақалпоқ прозасида ҳамон ҳукм сурмоқда.

Албатта, романда нуқсонлар ҳам мавжуд. Баъзан ёзувчи шароит ва характерларни теранроқ тадқиқ қилиш ўрнига баёнчиликка, ахборот беришга ўтиб кетади. Аммо булар иккинчи даражали воқеаларга тааллуқли, асосий саҳналар эса психологизм, драматизм, эпик қудрат билан йўғрилган. Тақризчилардан бирининг «қозоқ бийи Айғирбий образида сунъийлик ва далилланмаган ўринлар мавжуд», «Айғирбийнинг ҳаёти нуқул роҳат-фароғатдан иборат тарзда тасвирланганига ишониш қийин», деган фикрларига қўшилиш керак. Айни замонда, «бош қаҳрамон Маманбийнинг шахсий ҳаёти тасвирида ҳам бир оз юзакилик бор. Унинг образи арбоб сифатида ишонарли, аммо фақат унинг ўзигагина хос бўлган руҳий дунёси деярли кўринмайди. Оқибатда бу образ анча ғариб чиққан», деган фикрларга жиддий тарзда эътироз билдириш керак. Менга бу мулоҳаза бир томонлама бўлиб туюлди. Ҳақиқатда ҳам кўпгина асарларда учрайдиган камчилик шуки, характерга хос интим ва ижтимоий муносабатлар ҳаётнинг ўзидагидек яхлит, бир-бирига чамбарчас ҳолда эмас, аксинча, алоҳида-алоҳида чизилади. Т. Қаипбергеновнинг маҳорати, дунёқарашининг яхлитлиги шундаки, қаҳрамонларнинг шахсий ва граждандлик туйғулари бири-бири билан узвий алоқада акс этади, шунинг учун ҳам, айрим мунаққидлар ўйлаганидек, интим муносабатлар биринчи ўринга чиқарилмайди.

Романиннг умумий қиймати ҳақида гапирганда, ёзувчи ҳозирги тарихийлик нуқтаи назаридан жафокаш қорақалпоқ халқи тарихидаги бурилиш нуқтасини ҳаққоний, теран, яхлит тасвирлаб берганини қайд этиш керак. Бунга бир жиҳатдан баённинг эпик кўлами, қаҳрамонлар ҳаётини батафсил тадқиқ қилиш кўмак берган.

Тўғри, эпиклик, изчил ҳикоя қилиш усули, баъзан, қайд қилинганидек, баёнчиликка, деталларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб борган. Шунга қарамай, ёзувчи ўз олдига қўйган вазифани бажара олган. «Қорақалпоқ достони» трилогиясининг биринчи қисми ҳисобланган «Маманбий афсонаси» романи билан ёзувчи эпик ҳаёт кўламини акс эттиришга, қодир эканлигини, романга хос тафаккур қонуниятларини эгаллаганлигини яққол кўрсатади.

Тарихнинг оғир сўқмоқларида

Куз кунларидан бирида Тўлепберген Қаипбергенов билан бирга Орол томонга йўл олдик. Одатда индамас, босиқ дўстим шу кун ийникса жонланиб, сўзамол бўлиб қолган эди.

— Бу ёққа қара,— деди у.— Бу ерларда қорақалпоқларнинг аждодлари яшаган. Илгари бу жойлар Кўк Узак деб аталган. Машҳур Ойдустқалъа қўрғони шу ерда бўлган эди. Халқ орасида Ойдўс ҳақида қанчалик афсона ва ривоятлар борлигини биласанми? Унинг ўзи ва ишлари ҳақида, тарихимизнинг ана шу даври ҳақида ҳикоя қилишдан олдин узоқ вақт архивларни ўргандим ва унга бағишланган, баъзан қарама-қаршиликлардан холи бўлмаган маълумотларни тўпладим. Буларнинг ҳаммаси ёзувчини боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин эди. Аммо аксинча бўлиб чиқди... Ҳар хил манбаларнинг барчаси бир нуқтада туташар ва Ойдўс умр бўйи «қорақалпоқ ҳақиқати»ни излаганидан далолат берар эди. У ана шу «қорақалпоқ ҳақиқати» тангана қилиши учун қорақалпоқлардан бири хон бўлиши кераклигига астойдил ишонарди: «Хон бор жойда ҳақиқат бўлади», деб ҳисобларди у.— Унинг кучи ҳам, фожиаси ҳам мана шунда эди... «Қорақалпоқ достони»нинг иккинчи китоби

К. Султонов. Прозанинг ўсиш йўллари. «Қорақалпоқистон» нашриёти. 1977.

30-бет.

охирида декабристлар ҳаракатининг қатнашчиси, рус Яков-Ёқуб билан Ойдўс орасида бўлиб ўтган ғалати суҳбат эсингдами?

Ойдўснинг: «Ростини айт, Россия подшоҳини алмаштиришга қодир куч борми?» деган саволига янги кўчиб келган рус дурадгори Никифоровнинг ўғли Ёқуб шундай жавоб беради: «Фақат декабристларгина подшога қарши курашиши мумкин. Улар «рус ҳақиқати» учун курашмоқдалар. «Рус ҳақиқати» ҳаммага тенг ҳуқуқли эркинлик берадиган қонунларни ёқлайди».

Ойдўс эса: «Бизнинг орзумизни «қорақалпоқ ҳақиқати» деб аташ мумкин» деб таъкидлайди...

Хуллас, Ойдўс ўзича ана шу «қорақалпоқ ҳақиқати» учун кураш олиб боради. Унинг, шубҳасиз, илғор ва қоқоқ томонлари мавжуд эди. Ана шулар ҳақида ўз сўзимни айтгим келди. Тарихий манбалар ва фольклор маълумотларидаги мавжуд зиддиятларда мен диалектик яхлитликни кўраман. Бу характерга хос мураккаб ҳақиқат ҳам, даврнинг объектив ҳақиқати ҳам ана шундан иборат эди. Ҳар бир тарихий факт фақат шакл ҳисобланадики, унда кўплаб инсонларнинг тақдирлари, ниятлари, интилишлари мужассам бўлади...

Ҳа, Ойдўс Хива хонларининг амрига мувофиқ қорақалпоқ халқининг ҳукмдорига айланади. Бу, шубҳасиз, тарихий факт. Аммо унинг замирида нималар яшириниб ётибди? Хоннинг таклифини қабул қилганда Ойдўс нималарни ўйлади экан? Ёки «Ойдўс ўз қабиладошларига нисбатан хиёнаткорлик ролини ўйнай бошлади» деган мулоҳазани олиб кўрайлик. Бу ўринда ҳам тарихий ва психологик жиҳатдан кўплаб қизиқарли саволлар юзага келади.

Биринчидан, барча қабила ва уруғларни бирлаштириш учун интилишни шубҳасиз хиёнат деб баҳолайвериш керакми? Манбаларда Ойдўс шундай таърифланган эмас. У ўз ниятларини қандай амалга оширганга келсак, бу бошқа масала. Бошқа халқларнинг тарихий шаклланиш жараёнида ҳам шунга ўхшаш фожиалар юз берган. Иван Грозний яхлит, марказлашган давлатни бунёд этиш учун рус феодаллари билан озмунча кураш олиб борганми? Петр Биринчи ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида ўз ҳамюртларининг қони тукилишидан четлаб ўта олармиди? Кичкина халқнинг йўлбошчиси бўлган Ойдўснинг аҳволи кўп жиҳатдан анча мушкул эди. У бошқа зиддиятлардан ташқари вассаллик шартларини бажаришга ҳам мажбур эди. Мен тўғридан-тўғри бошқа ўхшашликларни тилга олаётганим йўқ. Аммо бу ўриндаги жараёнларда ҳам, характерларда ҳам ўхшашликлар кўп.

Мана, қанчадан-қанча масалаларни бирварақайига ҳал қилиш керак эди. Ёзувчининг вазифаси — фактларни тилга киргизиш. Мен тарихий ҳақиқатни бузмасдан, ана шу олис даврдаги одамлар ва воқеалар ҳақида ҳикоя қилган ҳолда ўша давр билан бугунги кун ўртасидаги ҳамоҳанг мотивларни топишга интилдим. Бизнинг олис тарихимизни эслатадиган мураккаб жараёнлар бугунги ривожланаётган мамлакатларда, жумладан Шарқ мамлакатларида давом этмоқда. Бизнинг совет ёзувчиларимиз томонидан ўз тарихига берилган ҳаққоний баҳо маълум даражада халқаро аҳамиятга эга...

Ана шу ажойиб учрашувдан бери кўп вақт ўтди. Аммо «Қорақалпоқ достони»нинг иккинчи китоби — «Гумроҳлар»ни қайта-қайта ўқиганда, доим ёзувчининг ўша гаплари ёдимга тушади.

Трилогиянинг биринчи китоби — «Маманбий афсона»сидаги баъзан рационал мулоҳазалар ҳиссиётларни босиб кетган ўринларни учратганимда, хавотирга тушганимни тан олишим керак. Санъат асарида бу икки асос ўзаро чамбарчас ҳолда бўлиши лозим.

Рационал асос, фикр ва жонли туйғулар, драматизм, пафос характерлар ҳамда асарнинг яхлит тўқимаси билан мустаҳкам боғланиб, бир-бирини кучайтириб, тўлдириб келади. Аммо бундай синтезга ҳар доим эришиб бўлмайди. «Роман фалсафийлашиб бормоқда», — дейди Ю. Суровцев, — бизнинг бугунги романимиз аниқса кескин ва шиддатлидир»¹.

Ҳа, машҳур танқидчи ҳозирги романчиликдаги етакчи хусусиятни тўғри белгилапти. Дарҳақиқат, эпиклик, интеллектуаллик, маънавийликнинг чуқурлашгани ҳозирги романдаги ангилликлардир. Шу ўринда бир кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш керак: бугунги насримиздаги йирик жанрга мансуб кўплаб асарларда рационаллик рационализм даражасига ўтиб кетмоқда, қуруқ мулоҳазалар баъзан ҳаётнинг илиқ, ранг-баранг, жонли қатламларини иккинчи ўринга суриб қўймоқда. А. Овчаренко: «Ҳатто П. Загребельний романларида ҳам ақл, рационаллик баъзан ҳиссий ибтидонини сиқиб қўяди»², деб ёзганида батамом ҳақ эди. Бу хавфнинг бошқа томонлари ҳам бор. Масалан, Ю. Бондаревнинг сўнги йилларда ёзилган жуда қизиқарли романларида ҳам «диалогизация», инсон турмуши ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар реалистик тасвирдан кўра астулик қилади, кўрсатиш ўрнига баёнчилик ҳукм суради.

Т. Қаипбергеновнинг романи таҳлилига ўтишдан олдин юқоридега қайд этилган романга хос тафаккур йўсини ҳақидаги фикрга яна қайтишни истардим. «Романга хос тафаккур» нима дегани? Бизнингча, романга хос тафаккур кўпинча «эпик сокинлик» деб аталадиган эпик ибтидонинг ўзигина эмас, балки санъаткорнинг серташвиш дунё ва инсоният ҳақидаги ёниқ сўзларидир. Яъни асарларнинг биринчи саҳифалариданоқ санъаткорнинг қалби ва донишманднинг тафаккури яққол намоён бўлиб туриши лозим.

¹ «Вопросы литературы» журналы, 1981, № 9, 30—31-бет.

² А. Овчаренко. «Вопросы литературы», 1981, № 9, 21—22-бет.

Ҳозирги романлар, хусусан тарихий асарларга хос асосий тенденциялар ҳақида нега гапирмоқдамиз? Сабаби, Т. Қанпбергенов романларининг ўрнини фақат кўп миллатли совет адабиёти контекстидагина тўғри белгилаш мумкин.

Тарихий романчилигимизга доир юқорида қайд қилинган масалалар, ютуқлар ва нуқсонлар «Гумроҳлар» романида қай тарзда акс этган?

Яна тарихий шароитдаги барча зиддиятларни ўзида мужассамлаштирган бош қаҳрамоннинг мураккаб, фожиавий қарама-қаршиликларга тўла образига мурожаат қилишга тўғри келади. Айтилганидек, қорақалпоқ хони бўлиб олган Ойдўс, айна замонда, Хивага қарамлик ўқубатларига йўлиққанди. Уттиз йил давомида у ўз ҳамюртларини асорат солиқлари тўлашга мажбур қилади. Қарамлик фақат машаққатли солиқлар билан чеклиб қолмайди. Ойдўс, бу иш жиноят эканини ошқора билатутуриб, виждонига қарши боради ва Хива хонининг иттифоқчиси сифатида қўшни халқлар, жумладан ўз туғишганлари — қорақалпоқлар устига қилинган қонли босқинчилик юришларида қатнашади. Буларнинг барчасини нима учун қилади у?

Мана, Ойдўснинг кўмагида хон галаба қозонади, қорақалпоқ бийи, табиий равишда, хондан илтифот кутади. Аммо хон унга миннатдорчилик билдириш ўрнига, уни зиндонга олиб боради ва: «Уч ой ичида ҳамма солиқларни тўплаб келмасанг, мендан шафқат кутма», дейди. Ойдўс ғазабини ичига ютиб, бу ҳақорат ва зўрлик қаршида жим туради. Бу аччиқ дақиқаларда у равшан бир фикрга келади: «Барча уруғ ва қабилаларни бир байроқ остига бирлаштириш даркор, Хивага ўхшаган! шаҳар қуриш керак, савдогарлар бу шаҳардан ўтадиган бўлади...» Ойдўсбий ана шу ниятда ҳокимият учун интилади, шунинг учун кўплаб ҳақоратларга чидайди, босқинларда қатнашади. Юсак ниятларига эришиш учун у вақтинча ён бериши зарур эди. Аммо ўз йўлида сон-саноксиз тўсиқлар пайдо бўлиб турган бир вақтда буларни қандай амалга ошириш мумкин?.. Бу жумбоқ Ойдўсга ҳар доим азоб беради.

У икки укаси — Бегис ва Миржиқ билан ўз мўлжалларини амалга ошириш учун ўзаро тил топишиши лозим эди. Шу вақтда Қўнғиротда қорақалпоқларнинг бирлашишига ҳам, Хива тутқунлигига ҳам нохайрихоҳ бўлган Тўрамурод сўфи ҳукмронлик қиларди. Бу персонаж ҳақида батафсил маълумот бермасдан туриб, Ойдўс тушиб қолган мураккаб шароитни равшан англаб бўлмайди.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Тўрамурод сўфи қорақалпоқ қизларини туркманлар орқали Эронга сотиш ҳисобига маблағ орттиради. Шу биргина фактнинг ўзи ҳам айрим ривоятларда «ватанпарвар» деб таърифланган Тўрамуроднинг «хоин» Ойдўсдан кўра бадбин кимса эканлигини яққол кўрсатади. Роман орқали қорақалпоқларнинг бирлашишига қарши турган, Хива ҳукмронлигига бўйсунмаган Тўрамурод пинҳона Бухоро амирлиги томонида турганини кўрамыз.

Ёзувчи ишончи тарихий далтиллар ва халқ ривоятларига суянган ҳолда Сўфи образини яратади, у билан Ойдўс ўртасидаги зиддият орқали бу характерларнинг моҳияти, икки қарама-қарши куч — илғор ва ҳолоқ тенденцияларни ўзида мужассамлаштирган тарихий ҳодисаларнинг маъноси ҳам очила боради.

Хивадан қайтиб келган Ойдўс мустақил миллий давлат яратиш учун Хиванинг кўмагида ягона қорақалпоқ хонини сайлаш керак, деб муттасил ўйлай бошлайди. Ана шу масъулиятли даврда Тўрамурод сўфи Бегис ва Миржиққа, аканг Ойдўс қорақалпоқ халқининг хоини, «Хиванинг сояси», ўз укаларини кўришга кўзи йўқ ва ҳоказо мазмунда ёзилган хат жўнатади. Шунинг учун Ойдўснинг укалари сўфи тарафига ўтиши керак деб тақриф қилинади. Роман қаҳрамонлари ўртасидаги мураккаб интрига, драматик кураш ана шу тарзда бошланади. Бу курашлар марказида Ойдўс туради. Унинг аҳволи ниҳоятда мураккаб, оғир ва зиддиятли. Тасаввур қилайлик: Ойдўс ўз халқига яхшилиқ қилишга астойдил интилади, Хива хонларининг ҳимоясига суянади, улар эса, табиий равишда, бундай ҳаракатни рағбатлантиришга ошикмайдилар. Бунинг устига укаларининг Ойдўсни ёқтирмаслиги, унга шубҳа билан муносабатда бўлишини ҳам қўшсак, Ойдўснинг фожиали даражада яққаланиб қолганлиги, шундай шароитда унга эзгу ниятларини англаб етмаслик ва ишончсизлик билан қарашнинг сабаблари ойдинлашади.

Ёзувчи икки монологлар орқали Ойдўсбийнинг руҳий аҳволи, инсоний фазилатларини жуда таъсирли ифодалайди.

Хива хони томонидан камситилган Ойдўс қорақалпоқ уруғ ва қабила бошлиқларининг мададига суянишга уринади. У қорақалпоқ хонлигини тузиш ҳақида очиқ, юракдан гаплашиш учун барча эътиборли кишиларни тўплайди. Кўз ўнгимизда яна дунёқарашларнинг фожиали парокандалигини кўрсатувчи манзара гавдаланади: бир бий қозоқ хонларига тарафдор, бошқаси Бухорога (Бухоро ва қозоқ ҳукмдорлари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб, Хива хонлигини заифлаштириш ниятида қорақалпоқларни бўлиб юбориш сиёсатини маъқуллар эдилар), учинчиси Россияга (у ҳали қорақалпоқларга сезиларли ёрдам кўрсатишга қодир эмас, бундан ташқари, у ёки бу халқнинг озодлигини таъминлаш мустабид ҳукмдорнинг қизиқиш доирасига кирмас ҳам эди) мойил. Ўз имтиёзларини бой беришдан қўрққан бийлар халқ манфаатлари йўлида бир ҳукмдорликка бўйсунини хоҳламайдилар. Умумий тил топилмайди, халқнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётига катта зарар етказётган қорақалпоқларнинг тарқоқлиги чуқурлашади, икки ижтимоий зиддиятлар, маҳаллий боилар ва амалдорлар томонидан эзилаётган оддий халқнинг қашшоқлиги кучаяди.

Шундай қилиб, бош қаҳрамон характеридаги қарама-қаршиликларнинг сабаблари икки майлар эмас, балки ана шу даврнинг таъшиқ, объектив тарихий зиддиятлари асосида ҳаққоний далилланади. Шунинг учун ёзувчи Ойдўснинг яхши ниятларига баҳо беришга шошилмайди, айна замонда у ўз ниятларини амалга ошириш учун нотўғри йўл танлаганини, боши берк кўчага кириб қолганини яшириб ўтирмайди. Шунга кўра

Ойдўс кўз ўнгимизда гоҳ адолатсиз ва маккор, гоҳ виждонли ва очикўнгил киши сифатида намоён бўлади. Масалан, у кекса туркманнинг ўғлини катлдан қутқариб қолиш ҳақидаги илтимосини қабул қилади ва Хивага боргач, хонни бунга кўндиришга эришади. Ниҳоят, Ойдўсбий олдида умид нурлари чарақлаб жилва қила бошлайди: Муҳаммад Раҳимхон унинг қорақалпоқлар ҳукмдори бўлишига ёрдам бермоқчи бўлади ва шу мақсадда ҳатто шаҳар — мустаҳкам қалъа қуришига ҳам розилик билдиради. Ойдўс бунга узоқ вақтдан бери яширинча орзу қилиб келарди. Тасвирга янги саҳналар — Ойдўснинг Хива хони саройида бўлиши, хон ва унинг аъёнлари билан мулоқотлар, қалъа истеҳкомининг қурилиш манзаралари кўшилади... Бу ўринда биз ёзувчининг маҳорати яққол кўриниб турган тасвирларни учратамиз. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон образи тўлақонли чизилади. У ақлли, мутойим, самимий кўринадиган, ўз салобати билан суҳбатдошини мафтун қилиб қўядиган киши. Унинг ҳақиқий қиёфаси ва режалари бирданига маълум бўлмайди. Хоннинг саҳий ваъдаларига учган Ойдўсбий Тўрамурад кўшинларига қарши курашади, ўз биродарларини ўлдиради. Қорақалпоқлар билан бирга Хива хони кўшинлари ҳам иштирок қилаётган қалъа қурилишига жиддий киришади. Кескин душманлик вазияти юзага келади. Ёзувчи бу ўринда барча тасвирий имкониятлардан етарли фойдалана олмаган. У воқеаларнинг қуруқ баёнига ўтиб кетади, жумладан, Хива хони саройининг тасвири батафсил ва гўзал эканлигига қарамай, воқеалар ривожига таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, қалъа қурилишига доир лавҳаларда ҳам омманинг интилишлари, кайфиятини, оддий одамларнинг маънавий дунёсини, халқаро муносабатларни, умуман ҳодисаларнинг моҳиятини ичидан тўла тасвирлаш мумкин эди. Бийлар билан музокара саҳнасидаги сингари бу ерда ҳам далилларни қуруқ санаб ўтиш усули ўринли чиққан эмас. Қуруқ мулоҳазалар ва рационализм руҳий таҳлил, драматизм, реалистик тасвир ва қаҳрамоннинг ўзини-ўзи ифодалаш усулини босиб кетмаслиги керак...

Қайд этилган камчиликлар романнинг бадиий тўқимаси бир хил эмаслигидан далолат беради. Шунга қарамай, романдаги кульминацион саҳналар маҳорат билан чизилган. Айниқса, Ойдўснинг Қорақалпоқ хонлигини тузиш ялинжида Муҳаммад Раҳимхон билан биргаликда қорақалпоқларга қарши ўзаро қирғин урушларда қатнашиши, уларни ўз шаҳар-қалъаси атрофига — Хива территориясига зўрлик билан кўчириб келиши вақтларидаги кечинмалари ва хатти-ҳаракатлари ҳаққоний тасвирланган. Ана шу ерда қорақалпоқларнинг бирлашиши ва кучайишини мутлақо хоҳламаган Хива ҳукмдорларининг асп қиёфаси намоён бўлади. Ойдўсбийнинг: «Мен Сизнинг ҳузурингизга Қорақалпоқ хонлиги ҳақида гап-ташиш учун келдим», деган сўзларига хивалик вазир Қутлимурод иноқ беорлик билан: «Хоразм воҳасида икки хон бўлиши мумкин эмаслигига ақлингиз етмадимми!» деб эътироз билдиради.

Ойдўсбий ҳар томонлама яқланиб қолади, она халқи ундан зўравон ва Хивага ёлланган киши сифатида юз ўгиради, хон эса, албатта, ўз ваъдаларини бажармайди. Ёзувчи ўз қаҳрамонини кучли шахс сифатида кўрсатади. Виждон азоблари, иложсиз аҳволни англаш, барча режаларининг барбод бўлиши ундаги асосий ниятни — қорақалпоқларнинг бирлаштириш умидини енга олмайди. Ана шу пайтда Ойдўс ҳаётида «қора кунлар» ва аста-секин кўзи очилиш жараёни бошланади. Шунинг учун ҳам мағлубият онлари, қаҳрамоннинг ожизлик давларидаги асл инсоний кечинмалари ёзувчи томонидан ҳаққоний акс эттирилади. Ойдўс, ниҳоят, хонлар ва амалдорлар эмас, балки халқ қўллаб-қувватлаган одамгина ўз элининг чинакам раҳнамоси бўлишини англаб етади.

Ана шу оғир дақиқаларда Ойдўснинг Маманбий айтган: «Олдинда кетаётган эмас, халқ билан бирга бораётган одам етакчидир», деган доно сўзларни эслаши тасодифий эмас. Бу даврда Ойдўс ёшларни ана шу руҳда тарбиялайди, декабрист Яков Никифоровнинг ҳикоялари орқали Россия ҳаёти билан танишади, рус халқининг Наполеон босқинига қарши кураши, декабристлар ҳаракати билан қизиқади. Буларнинг барчаси романда жонли, мароқли акс этган. Фақат асарнинг тўқимасига сингиб кетмаган ва етарлича далилланмаган Отабек ва Никифоровнинг Москвага саёҳати лавҳаси бундан мустасно, албатта.

Асар финалида Ойдўсбий ўз халқини Хива хонлигига қарши курашга олтинқаради ва ҳақ иш учун курашда ҳалок бўлади. Романнинг сўнгига Ойдўснинг хос кўриқчиси Дўсрон алам билан: «Мен ҳам гумроҳман!» деб хитоб қилади. Кўпчиликка қарата айтилган бу сўзларни ёзувчи романда бежиз сарлавҳа қилиб олмаган. Ана шу тарихий шароитда қорақалпоқларнинг ягона халқ сифатидаги тақдир муаммолигича қолган эди. Бунга ички ўзаро низолар, қудратли қўшни феодал давлатларнинг найранглари ва энг асосийси, меҳнаткаш халқнинг тарқоқлиги, синфий онгининг паст савияда эканлиги ҳалақат беради.

Лекин эркин ва бахтли қорақалпоқ халқининг фарзанди, совет ёзувчиси томонидан ёзилган асар якуни, бутун романнинг ўзи сингари, тасвирланган воқеаларнинг фожиавийлигига қарамасдан, тарихий неқбинликка тўладир. Ахир қорақалпоқлар тарихининг машаққатли сўқмоқларида узоқ адашиб юриб, бугунги бахтли давларга етиб келганлар.

Чинакам севиш учун

Тўлепберген Қаипбергенов яратган эпопеянинг учинчи қисмида қорақалпоқлар босиб ўтган тарихий йўлнинг янги даври ҳикоя қилинади. Асар воқеалари XIX асрнинг ўрталарида содир бўлади. Бу ерда ҳам «тарихнинг қатор чигал психологик жум-

боқлари»га дуч келамиз. Роман босилиб чиққандан кейин дарров танқидчиларнинг, жумладан ўзбек мунаққидларининг ҳам жиддий эътирозлариغا сабаб бўлди. Муаллифга нисбатан билдирилган танқидий мулоҳазалар асосан кўплаб тарихий далилларнинг моҳияти чуқур идрок этилмаганига қаратилган эди. Бу, айниқса, Эрناзар Кенегас образига тааллуқли бўлиб, асарда унинг хиёнати етарли даражада асослаб берилмаган. Ҳақиқатда ҳам, Ойдўсбийнинг тутган йўли маълум тарихий-сиёсий шароит билан далилланса, Эрназар Кенегаснинг ҳаётида рўй берган кескин бурилишлар асарда бир-мунча жумбоқлигича қолиб кетаверган.

Шу муносабат билан тарихий романчиликдаги қизиқтириш санъати муаммолари хусусида тўхталиш ўринли бўлса керак, деб ўйлайман. Тарихий романлар учун интригалар керак. Ҳар қайси халқнинг тарихига назар ташласак, бундай интригалар хоҳлаганча топилади. Аммо, улар ҳатто саргузашт жанрида ёзилган асарларда ҳам асосий мақсадга айланиб қолмаслиги керак. Эпопея жанрида эса воқеликни ижтимоий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш, характерларни психологик таҳлил қилиш табиий равишда биринчи ўринга чиқади. Шу жиҳатдан қиёс учун Фенимор Купернинг «Жосус» романи эслаш мақсадга мувофиқдир. Ундаги сохта хиёнат ва Британия метрополиясида Америка штатларининг мустақиллиги учун курашиш тарихининг ҳам ижтимоий, ҳам психологик жиҳатдан асосланишини бир ўйлаб кўрайлик. «Жосус» романи сюжет қурилишига кўра саргузашт асар. Лекин, шунга қарамай, романда ижтимоий масала бўртиб кўринган.

Ўз сўзимиз билан айтганда, Купер қаҳрамонининг «хиёнати» қай даражада табиий асосланган бўлса, Ойдўснинг хатти-ҳаракатлари ҳам тарихий ва психологик нуқтаи-назардан етарлича асосланган.

Т. Қаипбергеневнинг «Гумроҳлар» романи бу жиҳатдан қандай?

Ёзувчидан романи хусусида айтилган танқидий фикрларга нисбатан муносабатини сўраганимда, у қуйидагиларни айтиб берди:

«Танқидчилар билан баҳслашишга унчалик ҳушим йўғу, лекин ўз ўйларим, ниятларим билан ўртоқлашим мумкин. Шу тилга олинган фикрга алоқадор тарихимиздаги икки муҳим нуқтага диққатингизни тортишни истайман. Биринчиси, Эрназар Кенегас номи билан боғлиқ. Тарихий маълумотларга кўра, у қорақалпоқ юқори табақалари орасида энг обрўли билардан саналган. Эрназар Олакўз барча нуфузли бийларни тўплаб, мустақил Қорақалпоқ хонлиги тузиш фикрини ўртага ташлаганди. Эрназар Кенегас ҳам бу таклифни гўё қўллаб-қувватлайди. Аммо кейинчалик, орадан кўп ўтмай, хиёнат қилиб, Хива хони тарафига ўтиб кетади ва хоннинг қорақалпоқлар орасидаги жосусига айланади. Қорақалпоқ халқи хусусида тўқилган ривоятлардан бирида шундай дейилади: «Эрназар Олакўз йигитларига қараб: «Қачонгача кўшин учун ўз халқимиздан мол йўғамиз? Келинлар, энди уни Хива хонидан ҳам бир олиб кўрайлик. Шу вақтгача хон бизнинг халқимиздан мол олиб келди! Хоннинг мингта йилқиси боқилади. Уларни бу томонга ҳайдаб келиш керак. У бизга анча вақтга етади», дейди ва йилқини ҳайдаб келишга кимни юборамиз деб сўрайди. Халқ: «Майли, Бола Эрназар борсин!» деб жавоб қайтаради. Бола Эрназар — кенегас уруғининг бийи. У Эрназар Олакўздан ёш жиҳатдан анча кичик. Икки Эрназарни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик учун халқ кичигини Бола Эрназар деб атади. Ана шу Бола Эрназар қўзғолон бошлангандаёқ хон тарафида туриб, қўзғолончиларнинг барча режаларини яширин равишда хонга етказиб туради. Бир сўз билан айтганда, у «жонсиз» жосус эди, аммо бунга ҳали ҳеч ким билмасди. Эрназар Олакўз уни йигитларга сардор қилиб, хоннинг йилқисини ҳайдаб келишга буюрганда, у ўзини касалликка солади. «Тобим, келишмай турибди, тузалганимдан кейин бораман», дейди. Уч кундан кейин у соғаяди. Бу вақт ичиде у хонга қуйидаги мазмунда яширинча мактуб юборади: «Эрназар Олакўз отларингизни ўзи томонга ҳайдаб олиб келишга қарор қилди. Шу ниятда мени Қоратовга юбормоқда. Қўшинингиз ана шу жойга бориб турсин. Мен оқ от миниб, оқ қалпоқ кийиб оламан. Биз йилқиларга яқинлашганимизда, мен олдинга чиқиб, ўзимни маълум қиламан. Ана шунда уларга қарши ўқ узиш мумкин. Шундай қилиб, уч кунлик «касаллик»дан турган Эрназар Бола йигитларни хон йилқилари олдига бошлаб боради. Улар Қоратовга етиб боришганда хон қўшинлари пойлаб турган эди. Ана шу тенгсиз жангда кўплаб қорақалпоқ йигитлари ҳалок бўлишади. Воқеадан хабардор бўлган Эрназар Олакўз Бола Эрназарни ўлдирмоқчи бўлади, аммо у аллақачон Хивага қочиб улгурган эди.

Тарихчи учун бу маълумотлар эҳтимол етарлидир, аммо бу фактлар нақадар қизиқ бўлмасин, инсоний жумбоқларни ечиш учун кифоя қилмайди. Мени соф инсоний муносабатлар қизиқтиради, масалан, Эрназар Кенегас хонга хат ёзаётган ёки Хивага қочиб кетаётган пайтларида нималарни ўйлади, нималарни умид қилди экан? У ўзининг жирканч кирдикорларини амалга оширар экан, ўз халқи ҳақида қандай хаёлларга борди экан?

Шунинг учун тарихий маълумотлар ва тарихий шароитни бузмаган ҳолда баъдий тўқимадан фойдаланиш зарур эди. Менинг ниятим ана шундай эди, уни қай даражада амалга ошира олганим — бу бошқа масала...

Ёки иккинчи бир мисол. Эсингизда бўлса, романда Қорақум эшон иштирок этади. У ҳам эслини олганда реал тарихий шахс. У пайтда ислом динининг халқ орасида таъсири ҳозир биз ўйлаганимиздан кўра минг чандон кучлироқ бўлган.

Булар ҳам қуруқ фактлар, аммо уларнинг замирида жонли инсонлар ва турли ғоялар туради. Тарихий жанрга мурожаат қилган ёзувчининг вазифаси ана шуларни акс эттиришдан иборат...

Ёзувчи ўйлабди қолди, мен унинг фикрини бўлиб, баъзи танқидчи ва китобхон-

лар асарда тасвирланган қўшни халқлар, айниқса, ўзбек ва қорақалпоқлар орасидаги мураккаб ўзаро муносабатларга жиддий эътибор бераётганлигини эслатдим.

— Ҳақиқини ёзувчи ҳамisha интернационалист бўлиши керак,— деб жавоб қайтарди адиб.— У ўз халқини севиши ва бошқа халқларни ҳам ҳурмат қилиши даржор. Аммо бу гаплар ўртасидаги бўлиб ўтган чигал муносабатлар ҳақида индамай кетиш, дегани эмас. Қанчалик кескин ва мураккаблигидан қатъий назар, бу ҳақда ҳақ гапни айтиш, албатта, зарур ва аини замонда «ўзингники»ни оққа белаб, «бошқа»ни қора бўёққа чаплаб ташламаслигинг керак. Мен ҳамisha шунга интилганман. Бундан ташқари, ниятимга кўра, асардаги етакчи ғоявий нуқталардан бири қаҳрамонларнинг халқлар ўртасида душманлик эмас, дўстлик зарурлигини аста-секин англаб етишини акс эттиришга асосланган.

Бу сўхбатнинг бўлиб ўтганига ҳам анча бўлди. «Қорақалпоқ достони»нинг, қаҳрамонлари ҳозир қорақалпоқ, рус, ўзбек тилидагина эмас, балки кўпгина хорижий тилларда ҳам гапира бошлади. Ёзувчининг бу ва бошқа бир қатор йирик асарлари ҳақида кўплаб мақола ва тақризлар босилиб чиқди. Булар орасида К. Яшин, Г. Ломидзе, Ю. Суворцев, З. С. Кедрин, В. Оскоцкий, Р. Файзий ва бошқаларнинг мулоҳазалари алоҳида ажралиб туради. Улар қорақалпоқ ёзувчиси яратган эпопеянинг бутуниттифоқ адабиётидаги ўрни ҳақида атрофлича, ҳолис баҳо бердилар.

Т. Қайпбергенов эпопеясининг учинчи китобига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқ керак. «Бола Эрназар»га доир «жумбоқ» асарнинг асосий ўзаги эмас. Асар марказида Маманбий ва бобоси Ойдўо ишларининг содиқ давомчиси Эрназар Олакўз образи туради.

Роман бошларида Эрназар бақувват, абжир, аммо ҳали маънавий камбўлатга эришмаган йигит тарзида кўринади. У паҳлавон сифатида машҳур бўлса ҳам, ҳали кўп нарсаларда гўрлик қилади, жумладан чўлда Қорақум Эшон дуч келганда, бу маккор дин тарбиётчисининг барча сўзларига лаққа ишонади.

Аммо Эрназар шахс сифатида тез вояга етади, бунинг устига замон ҳам ўзгариб кетган эди. Чўл орасида ҳам янги фикрлар тобора кенг тарқалиб, ҳукм сурмоқда эди. Мана, кўз ўнгимизда ёшлар тўпланишиб, кўнгил очадиган гап саҳнаси. Эрназар ва унинг дўстлари фақат эрмагу арақхўрлик билангина машғул бўлмайдилар. Улар анъанавий одатларни тақомиллаштириб боришдан ташқари, Хива, Бухоро, Афғонистон, Россия каби қўшни давлатлардаги аҳвол ҳусусида ҳам, Хива территориясида «фойдали тошлар» излаётган рус геологи Грушиннинг фаолияти ҳақида ҳам дастурхон атрофидаги сўхбатларда фикр алмашадилар. Уша сўхбатларда қорақалпоқ халқининг аҳволи, уни бирлаштиришнинг зарурлиги устида кўпгина жиддий сўхбатлар бўлиб ўтади. Бундай бирлашининг йўли ва мақсадлари ҳусусида қизғин баҳслар боради. Эрназар бошчилигидаги бундай йиғинлар илғор қорақалпоқ ёшларининг ўзинга хос ғоявий марказига айланади. Бу ҳақдаги хабарлар Хива хони қўлоғига етиб борганда, унинг ташвишга тушиб қолиши тасодифий эмас. Айниқса, гап ҳақидаги саволга Асқарбий томонидан: «Гўп ейдиган йигитлар халқимизнинг ханжаридир» деб мағрур жавоб қайтарилиши хондаги хавотирни хийла кучайтиради. Хон, албатта, ана шу ханжарнинг ўткир тиги ўз ҳокимиятига қарши қаратилишини хоҳламас, шунинг учун ҳур фикрнинг ҳар қандай кўринишига душман эди.

Ёзувчи Эрназарнинг шахс ва халқ ҳимоячиси сифатида шаклланиб боришини изчиллик билан ҳикоя қилади. Бу ишда қобилиятли, ўз даври имкониятларига кўра ўқимишли бўлган онаси Хумор муҳим роль ўйнайди. У ўғлининг Маманбий ва бобоси Ойдўсбийларнинг ишини матонат билан давом эттириши учун кўп ҳаракат қилади. Эрназар ҳам ўсмирлигидаёқ ўз халқининг ўтмишига астойдил қизиқади, уни фақат ўз уруғи эмас, балки бутун қорақалпоқ халқининг тақдири ҳаяжонга солади. У онаси-га шундай савол беради:

«Айт-чи, она, халқнинг ўзи Ойдўсга эргашдимми ёки Ойдўс ўзини халқ қўллаб-қувватлаши учун ҳаракат қилдимми?»

Хумор узоқ уйга толди ва ниҳоят жавоб берди.

— Халқ сенинг бобонг қилган ишларни ҳозир эмас, кейинчалик чинакамига тушуниб етади... Ойдўсбий нима учун енга олмаганини билсанми? Сабаби — бийлар ўртасида бирлик йўқ эди».

Бу ҳаққоний гаплар ёш қаҳрамоннинг қалбига сингиб кетади, қорақалпоқларни бирлаштириш нияти у билан бирга вояга ета бошлайди.

Эрназар онасининг таъсири остида ўзининг шонли боболари нима сабабдан Россия билан яхшилаб муносабатлар ўрнатишга интилганини ҳам аста-секин англаб ета боради. Шунинг учун ҳам Хива хони Эрназар бошлиқ қорақалпоқ йигитларининг русларга қарши юришда қатнашишини таклиф қилганда, у қатъиян рад этади. Шу туфайли уни зиндонга ташлайдилар.

Эрназарнинг ҳаётий ақидаси ва умуман, романинг асосий йўналишини равшан тушунишда қуйидаги ихчам диалог ниҳоятда муҳимдир. Қорақум эшон зиндонда ётган Эрназар олдига келади.

«Сен қаерда ва кимдан таълим олгансан?— сўради эшон.

— Онамдан. У менинг — биринчи ўқитувчим бўлади.

Эскидан қолган гап-гаштакларни тиклашни сенга ким ургатди?

— Онам.

— Кимнинг бешигида улғайгансан?

— Онам ясаган бешиқда. Аммо мен туғилганда, беланчак кўтариб ўзбек ҳам, туркман ҳам, рус ҳам бизни келган. Онам мени ана шу беланчакларнинг ҳаммасида вояга етказган».

Қаҳрамон тилидан айтилган бу образли сўзлар, ҳеч шубҳасиз, халқ онгида янги

бурилиш рўй берётгани, бошқа халқлар, айниқса, рус халқи билан дўстлашиш оғир аҳволдан қутулиш, тараққиётнинг ягона йўли эканини англаш бошланганидан далолат беради.

Мана, Эрناзар, хоннинг буйруғига мувофиқ Хива хони манфаатлари учун кураш олиб боради. Биз қаҳрамоннинг ўз давридаги ижтимоий-тарихий фан билан чамбар-час боғланиб кетган интим дунёси билан танишамиз. Эрназар камбағал қиз Гулзебони севади, аммо мавжуд урф-одатларга кўра, тақдирини у билан боғлай олмайди.

Эрназар Хива хонининг сарбози бўлган вақтида қутилмаган воқеа рўй беради. Гулзебо ўзбек йигити Рўзимат билан кекса Сержанбиникидан қочиб кетади. Уни тутиб оладилар ва хон қўриқчилари ҳузурига олиб келадилар. Эрназар алам билан: «Агар мен хон бўлганимда, ошиқлар тақдирини бошқача ҳал қилган бўлардим. Агар хон бўлганимда... Аммо... қандай қилиб хон бўлиш мумкин?» Ўз ҳукмронлигини она халқи, оддий одамларнинг бахт-саодати, ҳақиқат тантанаси учун бағишлашни орзу қилган Ойдусбий шундай ўйлаган эди. Унинг невараси ҳам шундай фикр юритади...

Эрназар хон саройида хизмат қилиб юрган чоғида, рус элчилари саройга келган пайтдан фойдаланиб, уларга Россия қорақалпоқларни ўз қарамоғига олиш учун ёрдам беришларини сўраб, мурожаат қилади. У даврда бу масалани ечиб бўлмас эди. Шундай бўлса-да, бу факт қаҳрамоннинг асл мақсадларини равшан кўрсатади. Эрназарнинг руслар билан учрашуви эса хон учун уни Хивадан ҳайдашга бир баҳона бўлади, холос.

Эрназарнинг қўшинда ва хон саройида бўлиши фақат мусибатлар занжиридан иборат эмас. Қаҳрамон бу ерда ҳаётга, шунингдек сиёсат-ва давлатга доир кўп тажриба ортиради, сарой фитналарининг моҳиятини дуруст идрок қиладиган бўлади ва энг муҳими, ўзининг эзгу нияти — мустақил Қорақалпоқ хонлигини барпо этиш учун мустаҳкам интизомли қўшин зарурлигини англаб етади. Эрназар ана шу ниятда, асл мақсадларини сездирмаган ҳолда, қорақалпоқ қўшини Хива хонига мадад беради, деб Қорақум эшонни ишонтиради...

Бу даврда биз Эрназарни етук инсон ва давлат арбоби сифатида кўрамиз. У Россияга қорақалпоқ элчиларини юбориш ҳақида ўйлайди, ўз халқини маърифатли қилиш режаларини тузади, миллий давлат яратиш учун илк амалий қадамларини қўяди. Пароканда бўлиб кетган уруғ ва қабилаларни бирлаштириш учун Эрназар бўлажак Қорақалпоқ хонлигининг ўзига хос «Низоми» — қонун асослари баён этилган «60 бий мактуби» деб номланган муҳим сиёсий ҳужжатни тузиб чиқади.

Ёзувчининг романга хос тафаккури, маҳорати ўлка тарихига доир «соялар»ни дадил акс эттиришда ҳам намоён бўлади. У фақат халқ эрасидан чиққан қаҳрамонларнинггина эмас, сотқинларнинг ҳам бутун кирдикорларини, интилишларини ҳаққоний бўёқларда чизиб беради.

Қайд қилиб ўтиш керакки, трилогиянинг бошқа қисмларига нисбатан бу асарда афсоналар аънавий шарқ саёҳатномаларига хос услубий унсурлар тез-тез учраб туради. Улар реалистик психологизм, ҳажвий-киноявий мотивлар билан омухта қилиб юборилган учун санъаткорга даврни ҳар томонлама тасвирлашда, халқ ҳаётининг тўлақонли манзарасини акс эттиришда катта кўмак беради.

Шу ўринда бир эпизодни эслайлик: «60 бий мактуби» имзолангандан кейин уруғ оқсоқоллари, ниҳоят, қорақалпоқ хонини сайлашга тўпландилар. Бу сахналарни ўқи-ганда ёзувчи маҳорати ҳайратда қолдиради: деярли ҳар Бир бийнинг ўзига хос қиё-фаси чизиб берилган, ҳар бирининг ўзига хос сузлаш тэрзи, ўз ички дунёси бор. Такрорланмас, турли-туман инсоний тақдирларнинг бутун бир галереяси кўз ўнгимиз-да жонланади... Бийлар Зарликни қорақалпоқ хони қилиб сайлайдилар. Зарлик ҳам зудлик билан ишга киришди: қўшин тўплайди, пойтахт қуришни мўлжаллайди.

Хива билан дўстона муносабатлар ўрнатиш учун Зарлик Эрназар Бола бошчи-лигида элчилар юборади. Чўлда тинчлик ўрнатиш ҳақида Зарликнинг таклифини эл-чидан эшитган хон буни кескин рад этади ва ўз навбатида Эрназар Болага хоннинг қорақалпоқлар қароргоҳидаги айғоқчиси бўлишни таклиф қилади. Бир муддат икки-ланишдан кейин у розилик билдиради...

Шу ерда авторнинг позицияси, тасвирга қай тарзда ва қай даражада аралашishi ҳақида бир-икки оғиз тўхталишга тўғри келади. Албатта, ёзувчининг бебошлиги, ўз қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларига суқулиб кириши реалистик санъатда характерларнинг эркин ҳаракати, ўзини-ўзи намоён этиш принципини бузиши ҳаммага маълум. Авторнинг «мен»и, ёзувчининг ғоявий позицияси образлар системаси, персонажлар ўртасидаги конфликтлар ва шу сингари бадийий виситалар орқали акс этади. Бу гап, айниқса, объектив тасвир етакчилиқ қиладиган элик асарларга тааллуқлидир. Умуман, Т. Қаипбергенов ўз трилогиясида реалистик тасвир принципларига содиқ: ғоя, авторнинг аниқ концепцияси ҳеч қандай ҳашамсиз, табиий тарзда ифодаланади. Юқоридаги ҳолатда эса Эрназар Боладаги хатти-ҳаракатларни вужудга келтирган ички мотивларни кўрмаймиз. Оқибатда қаҳрамоннинг фожиаси етарли даражада очилмай қолади, у айтиб ўтилади холос, аммо етарлича тадқиқ этилмайди...

«Гумроҳлар» романининг хотимасини Хива қўшинларининг қорақалпоқлар билан жанги саҳнаси ташкил этади. Гарчи қорақалпоқ халқининг яхши фарзандлари жангда мағлубиятга учраб, ҳалок бўлсада, китобхон адолат учун курашувчиларнинг ғалаба қозонишига ишонади.

Бу ҳолат айниқса фожиона чизилган Эрназар Олакўз билан видолашув саҳнасида ёрқин кўринади. Хива хони унинг боши учун қимматбаҳо мукофот белгилайди ва айрим хон қорақалпоқлар ўз етакчиларига хиёнат қиладилар. Душманлар ўлимининг бошини Хуморга келтириб беришганда, уни ювар экан, у оналарга хос босиқ, аммо ни-

ҳояси йўқ изтироб ва ишонч билан: «Уғлим, сен ўз халқингга муносиб фарзанд бўлдинг», деб хитоб қилади.

Ҳа, ёзувчи ўз трилогиясида халқнинг муносиб фарзандларини куйлай олди. «Қорақалпоқ достони» шу жиҳатдан ниҳоятда қимматлидир. Узоқ йиллик машаққатли ижодий меҳнат натижасида, ҳеч нарсани юмшатмаган ва ҳеч нарсани идеаллаштирмаган ҳолда, у ўз халқининг ўтмишини, бугунги порлоқ ҳаётимизнинг асоси бўлган халқлар дўстлиги илдизларини ҳаққоний кўрсатиб берди. Инсон — жамият — инсоният — ёзувчини ҳамisha тўлқинлантириб келган масалалар ҳисобланади.

«Ҳар бир халқ тарихида шундай моментлар бўладики,— деб ёзади грузин ёзувчиси Чабуа Амирдзжиби,— у ҳалоқат ёқасига бориб қолади, шунда у узил-кесил чоралар топиб, кризисдан қутулиши ёки ҳалок бўлиши даркор. Ғарихий вазиятда кризисларни бартараф эта олмагани учун бутун халқлар ва баъзи қабилалар ер юзидан йўқолиб кетгани бизга маълум.

Ҳалоқат ёқасидан чиқиб кетиш ва бошқа халқлар билан баравар одим ташлаш учун халқ қаердан куч-қудрат олади? Менинг эътиқодимга кўра, бу куч халқ, миллат томонидан фақат ўзи учунгина эмас, балки кенг миқёсда бутун инсоният учун хизмат қилишга қодир бўлган умуминсоний тарихий миссияни излаш ва уни топа олишдандир»¹.

Т. Қаипбергенов ўзининг «Қорақалпоқ достони»да халқ тарихидаги ана шундай инсоний жиҳатларни — тараққиёт йўлидаги ўзига хос ва муштарак томонларни кўрсата олган.

«Қорақалпоқ достони»ни таҳлил қилиш билан боғлиқ қуйидаги муҳим масалаларга тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси — халқ оммаси вакиллари тасвирлаш масаласи. Роман жанрининг бугуни ва эртаси бевосита худди ана шу муаммо билан боғлиқ. Тарихий романининг марказида асосан йирик тарихий шахслар турганига қарамай, ёзувчи тарихий жараённинг ҳақиқий яратувчиси ҳисобланган халқнинг йиғма образини яратиши лозим. Яқин вақтларга қадар, ҳатто ҳозир ҳам бу хусусда хато, жўн қарашлар ҳукм суриб келарди.

Чинакам марксча-ленинча методология шунини кўрсатадики, тарихий тасвирнинг марказида оддий у ёки бу тарихий даврдаги тараққиёт, халқ оммаси онгининг ўсиб бориши, замон руҳини қаҳрамонлар тақдири орқали илғор, халқчил нуқтаи-назардан акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Пушкиннинг «Борис Годунов», кўп миллатли совет тарихий романичилигида яратилган А. Толстойнинг «Пётр Биринчи», Ойбекнинг «Навий», М. Авестовнинг «Абай» сингари асарлари ана шундай ижод намуналаридир.

Т. Қаипбергенов трилогиясининг асосий қаҳрамонлари Маманбий ҳам, Ойдўс ҳам, Эрназар Олакўз ҳам бадавлатлардан чиққан ва ўз табақасининг вакиллари ҳисобланади. Шунга қарамайдан, улар илғор ғояларни ўзларида мужассамлаштирганлари учун халқ йўлбошчиларига айланади. Уларнинг мағлубият ва зафарлари бевосита халққа муносабати билан белгиланади. Улар омманинг тўла мададига суянмаган вақтларида жиддий муваффақиятсизликларга дуч келадилар. Шунинг учун ёзувчи бош қаҳрамонининг халқ оммаси билан ўзаро алоқасига катта аҳамият беради.

Барча романларда Омонлиқ, Дўсман, Тенгел ва бошқа халқ вакилларининг образлари катта ҳурмат, муҳаббат билан тасвирланади.

Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига содиқ. Қолоқ сарой аёнлари ва руҳонийлар томонидан авж олдирилган миллатлараро қирғин, низолар билан бир қаторда даврнинг илғор вакиллари сиймосида халқлар дўстлиги ғояси ҳам ёрқин акс эттирилган. Бунга Маманбийнинг Кузьма Бородин билан, Ойдўснинг рус Яков Никифоров, ўзбек Юсуфжоннинг туркман Олломурад билан, Эрназар Олакўзнинг рус Грушин ва бошқалар билан дўстлиги яққол мисол бўла олади. Шоир Бердах, Бўрибой каби реал шахслар тасвирига романда кўп жой ажратилмаган бўлса ҳам, уларнинг дўстлиги у ёки бу халқнинг энг яхши фарзандларига хос бўлган илғор интилишларнинг муштараклигини кўрсатувчи далил сифатида эсда қолади.

Қайд этилганидек, трилогияда табиий равишда рус-қорақалпоқ муносабатларига кенг ўрин берилган. Аммо бу масалага алоқадор конкрет эпизодларнинг барчаси асар тўқимасига бир хилда сингиб кетмаган. Сўнги китобдаги асосий сюжет чизигига таъсир этмаган Тенгел ва Қаллибекларнинг сафари буни яққол кўрсатиб турибди.

Асардаги аёллар образи ҳақида ҳам кўп гаплар айтиш мумкин. Олмагул, Хумор, Гулзебо, Парчагулларнинг ҳаммаси ёрқин, ўзига хос, такрорланмас, моҳиятига кўра теран халқчил характерлар даражасига кўтарилган. Шу баҳонада баъзи танқидчилар томонидан илгари сурилган Маманбий, Ойдўс, Эрназарларнинг интим ҳаёти етарли даражада чуқур очилмаган, деган фикрга муносабат билдириб ўтиш ўринлидир. Юқорида келтирилган далилларнинг ўзиёқ бундай тавналарга муносиб жавоб эмасми? Шунингдек, муҳим бир шароитни ҳам унутмаслик керакки, ўз ҳаёти ва фаолиятини бутунлай халқ бахт-салоати учун курашга бағишлаган одамлар кўп бўлган, улар, табиий равишда, шахсий бахтинини кўпинча унутганлар... Эрназар Олакўз ҳақида шунини айтиш мумкинки, бизнинг назаримизда, унинг ҳиссиёт дунёси етарлича таъсирли ва тўла акс этган.

Энди трилогиянинг тили ҳақида бир неча ғоиз сўз. Тарихий романининг тили қандай бўлиши керак? Шу вақтга қадар бу хусусда баҳслар давом этиб келяптики, бунинг маълум замини бор. Кўп миллатли адабиётимиз, жумладан, ўзбек адабиётида тарихий романининг ажойиб намуналари мавжуд. Уларда турлича тенденциялар намоён

¹ «Дружба народов», 1981, № 11, 265-бет.

бўлади. Масалан, Ойбек архаик лексика ва фразеологиядан кенг фойдаланган; П. Қодировнинг «Юлдузи тунлар», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» сингари романлари эса ҳозирги замон тилида ёзилган. Олимларимиздан бири қатъий тарзда: «тарихий романларда стилизациянинг ҳолати йўқ, уларни фақат замонавий тилда ёзиш керак, деб қўйд эстади. Дарҳақиқат, бу ерда ҳақиқат реалистик меъёр ҳиссидадир. Бизнингча, Г. Қайиббергенов тўғри йўл танлаган. Масалан, у зарур бўлган жойда персонажлар тилида давр колоритини акс эттирувчи архаик сўзлар ва ибораларни ишлатади, автор тили, тасвир эса ҳозирги замон тили асосида давом этади. Бундай услубий яхлитликда жонли халқ тилидаги гурли қатламларга хос ранг-баранг бўёқларнинг табиий равишда қўшилиб кетиши ёрқин акс этган.

Бир пайглар «Советская Каракалпакия» газетасининг муҳбири ёзувчига ғалати савол берган эди: «Қорақалпоқ тили ҳар доим образлилиги билан ажралиб туради. «Маманбий афсонаси»: романининг тили эса деярли ўхшатишлар ва аллегориялар, мақоллар ва иборалар билан тўлиб кетган, Тўлепберген Қайиббергенов, айтинг-чи, ана шу бойлиқни қаердан олгансиз?» Ёзувчи бу саволга қуйидаги тарзда жавоб берган эди: «Аждодларимиз авлодларга чиرويли мачитлар ва афсонавий қасрлар, зарҳал муқовали ва ажойиб суратли китоблар қолдирган эмас. Биз халқ маънавий ҳаётининг муҳим бир қисми бўлган она тилимиз ва қўшиқларни ёдида авайлаб асрагани учун улардан миннатдормиз...»

«Қорақалпоқ достони» ҳақидаги муолҳазаларни якунлар эканмиз, яна бир марта муаллифнинг ўзига сўз бергимиз келди. Ўз асари ҳақида ёзувчининг ўзидан кўра яхшироқ ким ҳам гапира олади, ахир.

«Биз, совет кишилари, шундай тарбия олганмизки, араб ерларини сувга бостиришса, қаттиқ изтироб чекамиз. Аммо мен бомба парчалари ёки жаллод ўқлари, ёки шафқатсиз табиат офатлари эмас, балки қашшоқлик ва ҳақсизлик туфайли ўлим ёқасига келиб қолганлар ҳақида ўйлаганимда, ундан ҳам кўпроқ ларзага тушаман.

Халқимнинг ўтмиши — ана шундай эди.

Биз ўз она ериимизни чинакамага севишимиз учун унинг тарихини яхши билишимиз зарур. У озод бўлгани учун, инсон унда эркин ҳаёт кечиргани учун, унинг қўли, қалби, фикри кишандан холос бўлгани учун ҳам уни севишимиз керак. Бу ҳаёт абадий давом этиши учун севишимиз ва беором, бедор яшашимиз керак¹. Чинакам санъаткор ва гражданининг ғоявий позицияси ана шундай, ўтмишни замонавийлик нури билан ёритишга кўмак берган дунёқараши, эътиқоди ана шундай.

¹ «Советская Каракалпакия» газетаси, 1974, 24-январь.

ИШЧИЛАР СИНФИ ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

КПСС XXVI съезди коммунистик қурилишда ишчилар синфининг етакчи роль ўйнаши ҳақидаги марксча-ленинча назарияни қатъий равишда яна бир бор таъкидлади. Ишчилар синфининг ўсиши, унинг социалистик жамиятдаги ҳамма жабҳада етакчилик миссиясининг ошиб бориши Коммунистик партиямизнинг ғамхўрлигидандир.

КПСС XXVI съезди ишчилар синфининг шаклланиши, юксак онглилиги, маънавияти, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, янги ҳаёт учун, янги коммунистик ахлоқ учун курашнинг олдинги сафида бораётганини кенг ўрганишни адабиёт ва санъат олдига турган муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берди.

Ривожланган социализмнинг маънавий ҳаётига, умуман ҳозирги адабий жараёнга ишчилар синфининг таъсири кучаяётганлигини текшириш ғоявий кураш кескинлашётган бир пайтда, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Антикommунистлар ҳар хил бўҳтонлар билан ишчилар синфининг жамиятдаги, айниқса, маънавий ҳаётдаги раҳбарлик ролини инкор қилишга уринадилар. Улар: «Ишчилар — фақатгина асосий ишлаб чиқарувчи куч, жамиятнинг маънавий қиёфаси деганда ёзувчилар, rassомлар, ҳайкалтарошлар, артистлар ва бошқалар ҳақидагина гапириш мумкин», дейдилар. Бу тезис ривожланган социализм маънавий ҳаётида оммавийлик ва халқчилликни назарий жиҳатдан инкор қилишга олиб келади.

Бизнинг мамлакатимиз ва бошқа социалистик давлатларнинг ҳаёт тажрибаси ишчилар синфининг тарихий миссияси ҳақидаги марксча хулосанинг мутлақо тўғри эканини исботлади.

Ишчилар синфи мавзусига қўл уриш, уларнинг бунёдкорона фаолиятини маҳорат билан акс эттириш адабиёт ва санъат асарининг аҳамиятини оширади. Шунингдек, ишчилар синфи маънавиятининг камол топишида муҳим омил бўлади, уни юксак ғоялар билан қуроллантиради. Шунинг учун ҳам партия XXVI съезде алоҳида таъкидладикки, ишчилар синфи адабиёт ва санъатда «бош қаҳрамон» бўлган ва бўлади ҳам, унинг эҳтиёжи адабиёт ва санъат арбобларига ижтимоий нақоздир.

Бугунги ишчи — ижод кишиси, ўзини дунё тақдирига ва тараққиётига масъул деб билувчи инсон. Худди шунинг учун ҳам ишчилар ҳақидаги ҳар бир асарда замонамизнинг муайян муҳим ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий масалалари бадиий жиҳатдан кенг тадқиқ қилинади.

Меҳнат кишиси, ишчилар синфи, янги ҳаёт қуришда асосий куч сифатида, совет адабиётининг илк кунлариданоқ унинг диққат марказида бўлди. М. Горькийнинг «Она» романи ишчи образи орқали янги ижтимоий воқеликнинг бошланишини кўрсатиб берди.

«Инсон ва унинг иши» мавзуси Улуғ Октябрнинг биринчи ўн йилликларида етакчи бўлди. Ф. Гладков, Л. Леонов, И. Эренбург, А. Малишкин, К. Паустовский, Н. Ляшконинг кўпгина машҳур асарлари ана шу мавзуда яратилгани билан ажралиб туради.

20—30-йиллар ўзбек совет адабиётида ҳам ишчи образини яратишда Абдулла Қодирий, Ғайратий, Зариф Башир, Султон Жўра, Ҳусайн Шамс каби ижодкорлар самарали меҳнат қилдилар. Ишчилар синфи мавзуси ўзбек совет адабиёти учун Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан сўнг ҳам муҳим мавзу бўлиб қолди. Содиқ Қаландаровнинг «Биз Уралдамиз», Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган ерда», «Мирмуҳсининг «Жамила», Иброҳим Раҳимнинг «Оловкор», Одил Ёқубовнинг «Муқаддас», Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» каби қиссалари урушдан кейинги ишчилар синфи ҳақидаги асарларнинг яхши намуналаридир.

Улуғ Ватан уруши йиллари турли миллатга мансуб ўн тўрт болани асраб олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ишчи синфи улғуворлигининг рамзи, ёзувчи Раҳмат Файзий яратган «Ҳазрати инсон» романидаги бош қаҳрамон — темирчи Маҳкам Аҳмедов образининг прототипига айланди. Адиб қаҳрамоннинг ички олами ни маҳорат билан кўрсатиб, уруш йиллари ёрқин намоён бўлган бундай юксак инсонийликнинг замини қаердалигини акс эттира олган.

Бугунги кунда адабиётда ишчилар мавзусининг нақадар кенг кўламда тадқиқ этилаётганини «Ишчи романи кутубхонаси» туркумида нашр қилинаётган асарлар кўрсатиб турибди. Бу туркумнинг аужудга келиши ва ҳаётийлигида ишчи синфининг хизмати ва улуши каттадир. Ишчи синфининг ривожланган социалистик жамиятдаги, ҳозирда эса коммунизм қуришдаги онгли фаолияти, меҳнати унинг адабиёт ва санъатда бош қаҳрамон сифатида талқин қилинаётганининг асосий негизидир.

Бугунги ишчи — чуқур билимга эга, дунёқарashi кенг инсон. У — ишлаб чиқариш хўжайини, мамлакатнинг ҳамма ишларига жавобгар. Худди мана шу хусусиятлар биринчи навбатда ривожланган социалистик жамият адабиёти ва санъатида ўз аксини топиши керак. Совет адабиётида «Ишчи романи»нинг марказида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни қўшиб олиб бораётган, актив ҳаётий позициядаги кишилар туради. В. Кожевниковнинг «Петр Рябинкин», «Пешин чоғи кунгай томонда», А. Ивановнинг «Мангуликка давват», П. Проскуриннинг «Оқибат», «Сенинг номинг», В. Липатовнинг «Директор Прончатсов ҳақида эртақ», «Бунинг ҳаммаси у ҳақда» ва бошқа кўпгина асарлари шулар жумласидандир. Бу каби асарларнинг муаллифлари меҳнат кишининг мукамал образини яратишга, ранг-баранг руҳий дунёсини акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Ишлаб чиқариш темасини бадиий умумлаштиришда совет адабиёти қўлга киритган, кўпчиликнинг назарига тушган асарлар пайдо бўлиши тасодифий эмас. Л. И. Брежнев партия XXV съездида шундай таъкидлаганди: «Ҳатто қурувчилар бригадаси учун мукофот тўғрисидаги масала жузъий бўлиб кўринган бир ҳол кенг ижтимоий аҳамият касб қилмоқда, қизгин мунозаралар мавзусига айланмоқда». Гап бу ерда А. Гельманнинг машҳур «Мукофот» пьесаси устида кетаяпти.

Ишчи авторларнинг китоблари бугунги бадиий публицистикага сезиларли ҳисса қўшмоқда. С. Антоновнинг «Авлодлар эстафетаси», И. Гудовнинг «Ишчи тақдири», В. Ермиловнинг «Оғир йўллар бахти», О. Власенконинг «Уфқлар» китоблари улкан тарбиявий аҳамият касб этиб, кенг шухрат қозонди.

Ишчиларнинг юксак маданий савияси адабиёт ва санъат ходимларининг ҳам ижодий бурч ва масъулиятини оширади.

Бу ўринда Л. И. Брежневнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотини қабул қилиб олиш вақтида айтган қўйидаги сўзларини эслаш жоиздир: «Ҳаётга кириб боришдан, халққа ўз турмушининг моҳиятини ва турмуш оқимининг йўналишини равшанроқ англаб олишда кўмаклашишдан, шу турмушни моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам янада яхшироқ, тўғрироқ, ёрқинроқ, бадавлатроқ қилишдан ҳам муҳимроқ ва олижаноброқ иш бўлиши мумкинми!» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар, табриклар, мақолалар. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 326—327-бетлар).

Мамлакатимиз ёзувчилари учун КПСС XXVI съезди қарорларидан келиб чиқадиган муҳим ҳулосалардан бири ривожланган социалистик жамият ҳаётий тажрибаларини ифодалаш, унинг гуманистик асосларини илҳом билан акс эттиришдир.

Халқ ҳаётини, хусусан ишчилар синфи турмушини акс эттиришда худди ана шу нуқтаи назардан қараш совет кишининг ажойиб портретларини яратишга, унинг ахлоқий хусусиятларининг шаклланиши ва актив ҳаётий позициясини ёрқин, ишонарли кўрсатишга ҳар доим имкон беради.

Арслон РУСТАМОВ.
фалсафа фанлари кандидати



Очил Тоғаев

АЁЛ БАХТИ КУЙЧИСИ

(Ойдин ижодига бир назар)

СССР ёзувчиларининг биринчи съездида қатнашган делегатларнинг ялпи суратига кўзим тушди. 1934 йилда олинган бу суратда Фахур Ғулом, Садриддин Айний, Абдулқосим Лоҳутий, Назир Сафаров, Файратий каби ўша даврнинг таниқли адиблари билан бирга Ойдин ҳам тийрак кўзлари билан боқиб турарди. Шу тарихий съездда буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький билан учрашганлиги ҳақида «Ҳамон ёдимда у улۇф зот» деб аталган эс-далигида ёш адибанинг жўшқин қалби, ёниқ ҳаяжон ва эҳтирослари, адабиётга бўлган чексиз муҳаббат туйғулари ифодаланган.

Ўзбек совет адабаси Манзура Собирова — Ойдин адабиётга 20-йилларнинг ўрталарида кириб келди. «Янгиликка қадам» деган кичик пьесаси 1926 йилда алоҳида китоб қилиб чиқарилди. 30-йилларнинг бошларида унинг «Тонг кўшиғи», «Чечак қўллар», «Ойдин шеърлари» деб аталган учта шеърый китоби нашр этилди. Бирок, Ойдиннинг ижоди ҳикоя ва очерк жанрида равнақ топди. У биринчи новеллист адиба, теран мулоҳазали журналист-редактор сифатида танилди.

Ижодкорнинг вафотидан сўнг нашр этилган учта танланган асарлар тўплами — «Ҳикоялар» (1954, 1967), «Ширинга мактуб» (1975) адибанинг ижодий қиёфаси ҳақида тугал тушунча ва тасаввур беради.

Ойдин ҳикояларининг асосий ғоявий мазмунини меҳнаткаш инсон бахти мавзуи ташкил этади. Бу янги, социалистик воқеликнинг акс-садоси эди, албатта. Умумдан ажралган бахт нотугалдир, ҳақиқий бахт эса умум билан бирликда — совет воқелиги амалий равишда кашф этган бу янги принцип ҳаётимиздан барқарор ўрин олди.

Ойдин адабиётга кириб келиши билан оқ ўзбек хотин-қизлари бахтининг куйчиси бўлиб танилди ва шундай бўлиб қолди.

Маълумки, **БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК** тушунчаси 30-йиллардаги адабиётимизда эски ҳаёт билан янги турмушни бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали ифодаланган эди. Уйғуннинг «Украина еллари», «Жонтемир», Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон», «Бахтлар водийси» сингари асарлари ўтмиш ва бугунги ҳаёт ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг контраст тасвиридан

иборатдир. Ойдин ижодига ҳам шу ҳолни кўрамиз. Унинг ўтмиш мавзудаги ҳикояларида меҳнаткаш халқнинг аянчли қисмати кўрсатилган бўлса, совет воқелиги ҳақидаги асарларида инсоннинг бахтга эришиш йўли, фаровон турмуши акс эттирилди.

Ойдиннинг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари ғоявий-бадий мукамаллиги, ҳаётий ҳаққонийлиги жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эгадир. Адибанинг ёзувчилик маҳорати шу сирадаги ҳикояларида, айниқса, ёрқин намоян бўлди.

«Оригинал ёзувчилар, — дейди буюк немис шоири Гёте, — бизга қандайдир янгилик тақдим этганликлари билан эмас, балки нарсалар ҳақида аввал ҳеч ким ёзмагандай қилиб ёза олганликлари билан оригинал ҳисобланадилар». Шу нуқтаи назардан қараганимизда, Ойдиннинг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари янги ҳаётий факт ва материалларни адабиётга олиб кирганлиги билангина қимматли бўлиб қолмай, ушбу материалларни ўзига хос бадий талқин этганлиги, ифодалаш услуби жиҳатидан ҳам оригиналлик касб этади. Ойдин Абдулла Қаҳҳор аъночаларини давом эттирди ва ўзбек ҳикоячилик мактабини янги бўёқлар билан бойитди.

Маълумки, адабиётда характер яратишни бош вазифа қилиб қўйган **характернавис** адиблар бор, шунингдек, воқеа-ҳодисани акс эттиришга асосий эътиборни қаратган **ҳодисанавис** ёзувчилар мавжуд. Ойдин кўпроқ иккинчи тоифага мансуб ижодкордир. У ҳаётда муайян ҳодисани кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб оладиган даражада аниқ ҳамда тиниқ ва ихчам тасвирлайди. Боғда ёнғоқ тараётган болаларнинг хатти-ҳаракатларидан тортиб, кичик бойваччанинг ўйинда йиқилиб шикастланишигача, қаҳратон қишда чордевор ичида қотиб қолган етим бола ҳодисасидан тортиб, дегрезликда чўян қуйишни томоша қилаётган хотин-халаж, бола-чақаларнинг хатти-ҳаракати, ишчи Турғунбойнинг чўян солинган чумични ҳолсизланиб тўкиб юбориши ва баданига темир чуғ сачраши оқибатида аста-секин кўкариб, мурдага айланишигача китобхон аниқ тасаввур этади. Ҳаётнинг тиниқ тасвирини гавдалантириш ҳам нозик маҳоратдир. Лекин бунинг ўзи ҳали санъат асари, деган

сўз эмас. Бундай хусусият муайян ижтимоий фикрни холисона ифодалашга хизмат қилган тақдирда санъат асарига айланади. Ойдин ҳикоялари ҳодисаларнинг бадий умумлашган типик нухсаси ҳамдир.

Адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов Ойдиннинг ўзига хос услуби ҳақида бундай ёзади: «Ойдин турмушдаги бу фожиали нуқталарни қандайдир тарихий воқеалар ва ўткир синфий курашларни бевосита тасвирлаш орқали кўрсатиш йўлидан бормайди». «Тарихий воқеалар» ва «ўткир синфий курашлар» деганда биз Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорларнинг роман ва қиссаларидаги кенг қўламли тасвири кўзда тутамиз. Ойдиннинг ҳикоя ва новеллаларида бундай қўламли тасвирнинг бўлмаслиги ўз-ўзидан аён.

Адиба ҳамжан кичик ҳикояларида ҳам ҳаётнинг «майда икир-чикирлари» билан ўралашиб қолган эмас, балки ҳаёт фактларини катта ижтимоий умумлашма даражасига кўтара олган, кескин ижтимоий-синфий қарама-қаршиликни бадий конкретлик билан ифодалай билган ёзувчидир. «Ямоқчи кўчди» ҳикоясида болаларнинг оддий жанжалдан бошланган воқеа аста-секин ривожланиб, чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Уйинда йиқилиб оёғи шикастланган Улмас бойваччининг отаси Исмаҳтожи шу баҳонада Эргаш ямоқчидан қаттиқ ўч олишга киришади. Бой Эргаш ямоқчини «ҳар куни мачитга чақириб, жонини олади». Бойнинг уйига «домла, имом, сўфи, «мошфуруш табиб»лар кириб чиқа бошлайдилар. Булар кичик бойваччининг соғлигидан огоҳ бўлиш учунгина кириб-чиқаётган кишилар бўлмай, балки бой шу кишилар ҳамкорлигида ямоқчи оиласига нисбатан қандайдир фитна тайёрлай бошлагани кейинроқ маълум бўлади. Демак, болалар жанжали воқеасига ўша замоннинг таъсирли эксплуататор табақаларидан бири руҳонийлар жалб этилади. Ниҳоят ямоқчи Эргаш ака қози ҳузурига чақиртирилади.

Қози бойнинг даввосини эшитгач, камбағални ташқарига чиқариб ўйориб, бой билан бамаслаҳат ҳукм тайёрлайди. Қозихона мирзаси ўқиб эшиттирган ҳукмга биноан ямоқчининг ҳовли-жойи бой ихтиёрига ўтказилиб, ўзи қишлоқдан бадарға қилинади.

Эргаш ямоқчи қисмати балки якка-ярым учрайдиган воқеадир? Адиба воқеага яна бир қашшоқ чол образини киритади. Қозихона эшиги олдида пайдо бўлган камбағал чол Эргаш ямоқчига ўз дардини ҳасрат қилади. Уғли бой эшигида ишлаб, қарзини тўлай олмаганидан бош олиб кетиб қолганини, бой шу қарз эвазига чолнинг боғини тортиб олмоқ учун уни қозининг олдига судраб келганини алам билан сўзлаб беради. Чолнинг тақдири ҳикоянинг ижтимоий умумлаштириш қувватини оширган. Утмишда ижтимоий адолатсизлик — бойлар томонидан камбағалларнинг хонавайрон қилиниши даврнинг типик иллатидир. Ҳикоя бу муҳим фикрни холисона уқтиради. Юқоридагилардан маълумки, оддий турмуш воқеасини — болалар ўйинида юз берган низоми ғоявий-бадий умумлаштириш орқали адиба даврнинг

синфий қарама-қаршиликни акс эттирувчи ижтимоий ҳодисага айлантирди.

Ойдиннинг бундай бадий умумлаштириш маҳорати «Ҳазил эмиш», «Бечора», «Гулсанам», шунингдек, совет воқелигини ифода этган қатор ҳикояларида ҳам муҳимдир.

Адибанинг юқорида биз таҳлил этган ҳикоясида умумлаштириш маҳорати характер яратиш жараёнида ҳам кўринади. Исмаҳтожи — ҳикоянинг тиргак образидир. Асарнинг асосий драматизми унинг кирдикорларидан ҳосил бўлади. Ижтимоий очкўзлик, меҳнаткаш инсонга нисбатан ёвузлик — Исмаҳтожи характерининг моҳиятини шундай ифодалаш мумкин. Бу образ замирида Ойдиннинг характер яратишдаги ўзига хос услуби ҳам намоён бўлади. У дастлаб ҳикоя дебوحасида бир-икки эпизодда кўринади. «Ёнғоқ теришга маҳалладаги болалардан олиб чиқа қол,— деб тайинлайди бой хизматкори Эрматга,— қўлига тўртта ёнғоқ берганда кўнадиган болалардан топ». Исмаҳтожи текинга ишлаётган болаларнинг чўнтақларини текшириб кўришни буюради. Унинг камбағалларга нисбатан нафрати чексиз. Қашшоқ болаларга муносабатида важоҳатида таҳқир ва нафрат заҳари ёғилиб туради. Уғли Улмасвойининг оёғи шикастланганини эшитган замон бойнинг важоҳатида ёвузлик пайдо бўлади. «Падарига лаънат, гадойвачча жўрттага йиқитган. Мен унинг кунини кўрсатаман... Мен унинг икки оёғини синдириб қўлига бераман». Ҳикоянинг муқаддимаси бўлган бу ҳолат бой характерининг мантиқи ҳақида тасаввур беради. Шундан кейин бошланган асосий конфликтда Исмаҳтожининг қози ҳузурида пайдо бўлганлиги эслатиб ўтилади, холос. Конфликт жараёнида бой бевосита эмас, балки бавосита — воқеа ва ҳодисалар орқали чизилади. Унинг ёвузлик кирдикорларини бошқалар тақдиридаги акс-содиси орқали ҳис этамиз. «Уч кундан бери ямоқчининг уйида тинчлик йўқ. Болалари кўрқиб кучага чиқмайди. Катта ўғли ҳар кимларга сув ташиб бериб, овқатини ўтказиб юрарди. Энди ҳеч ким сув ҳам ташиттирмайди. Ямоқчини бўлса, Исмаҳтожи ҳар куни мачитга чақиртириб, одамлар орасида ҳақорат қилавериб жонини олади». Турди баққолнинг дўкони олдида ямоқчилик қилиб ўтиради, ундан ҳам ҳайдадилар. Хотини бўлса Исмаҳтожининг хотинидан кўрқиб, эшигини занжирлаб ўтирадиган бўлди... Ҳовлида ҳар бир нарсадан кўрққандек оёғининг учи билан зўрға-зўрға қадам босарди. Сал нарсадан чўчийди. «Кўрққанга сичқон фил кўринар» деганларидек, қарғанин тарнов теласида ўтириб, ташлаган кичкина суяги ўқ тушгандек бўлиб туюлади унга. Жон ҳолатда:

— Вой, жувонмарг-эй, юрагимни ёрдинг! — деб икки қўли билан юрагини ушлади. Ёқасини ечиб ичига туфлади».

Оиладаги бу кўнгилхираликни қўшининг хотини келтирган совуқ хабар баттар оширади. «Исмаҳтожининг хотини ҳовлини бошига кўтариб, сизларни қарғар эмиш». Шу пайт эшикдан бошини солиштириб, Эргаш ямоқчи кириб келди. Уғлини топиб, жаҳл билан юзига икки шалапоқ урди. «Бола дод деб ойисига қочди. Ямоқчи бориб яна бир-икки тепди, онаси болани

бағрига босиб, эрини қарғай бошлади. Бирпасда жиғ-пиғ бўлиб, эр-хотин уришиб қолишди. Хотини ҳам қалтақдан қуруқ қолмади. Бола охиона туйнугидан қўшнисиникига қочди...

— Сен ҳам ўл, мен ҳам».

Бу ғам-ғусса кечинмалари Исмаатхожи ёвузлигининг акс-садоси экани маълум. Исмаатхожи боланинг икки оёғини синдириб қўлига бераман, деган эди. У ямоқчининг ўғлига тан жазоси бериш, уни ушлаб уриш, бирор жойини синдириш билан ҳам кифояланиши мумкин эди. Лекин бундан бой нима фойда кўради? Шунинг учун бу қув эксплуататор ўзига манфаатдор тадбир ўйлаб топади (Шу ўринда Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Солиҳбойнинг Гофирни талаш воқеасини эсланг). У Қози орқали иш кўриб, ямоқчини бадарға қилади. Ёзувчи синфий душманининг ижтимоий қиёфасини ишонarli очади. Болаларнинг оддий жанжали меҳнатқаш қонини зулукдай сўриб келаётган боининг ёвуз мақсадини ошқора амалга ошириши учун бир баҳона бўлди, холос.

Ойдин ижоди адабиётимизда социалистик реализм методининг қарор топиши, бу йўлдаги дастлабки муваффақиятлар ва қийинчиликларни кўрсатувчи ўзига хос кўзгу ҳамдир. Ўзбек совет адабиётининг бошланғич давларида айрим ёзувчилар ижодида, айниқса, совет воқелиги ҳақидаги асарларда инсон образини яратишга нисбатан муҳим маъно англатувчи воқеани акс эттиришга мойиллик устун эди. «Шарқнинг қадимий насрида ва назмида,— деб ёзади Иззат Султон «Айний сабоқлари» мақоласида,— одам тасвирида ҳукмрон принцип — инсоннинг ички дунёсини тасвир этишдан ортиқроқ унинг саргузаштини, атрофида бўлаётган ҳодисаларни тасвирлашга аҳамият беришдир» («Гулистон» журналы, 1978 йил, 4-сон, 6-бет). Социалистик реализм методини эгаллашда муайян из қолдирган бу хусусият Айнийнинг замондоши бўлган Ойдин ижодида ҳам сезилади. Адибанинг ўтмиш ҳақидаги ҳамда совет воқелигини акс эттирган бир қатор ҳикояларида баъзи образ, қаҳрамон характериға нисбатан воқеа тасвири марказий ўрин тутади. «Бечора», «Ҳазил эмиш» шундай ҳикоялардандир. «Бечора» ҳикоясининг бош қаҳрамони дегрезчи ишчи Турғунни ишга чиқа олмайдиган даражада ҳолсизланиб ётган ҳолатда учратамиз. Шериклари уни қистов билан пўлат қуйишга олиб кетадилар. Шундан кейин дегрезчи ҳовлиси, пўлат қуйиш манзараси, ниҳоят Турғунбойнинг тойиб йиқилиб, чўмичдаги эритилган пўлатни тўкиб юборганлигини кўрамиз, ҳўжайинининг «Бачағар, эҳтиёт бўлмайдими, шунча чўянни нобуд қилди» деган сўзларини эшитамиз. Сўнг Турғунбойнинг чўянга кўйиб ҳалок бўлганлиги, қамбағал оиласининг яғона таянчдан жудо бўлиб доғ-ҳасратда қолганлиги тасвирланади. «Ҳазил эмиш» ҳикоясида қордеворда қамалиб, қаҳратон совуқда қотиб қолган норасида фанижоннинг ҳис-кечинмалари таҳлил этилмайди. Шунингдек, «Бечора» Турғунбой характерининг бевосита талқини берилмайди. Ҳатто, ҳолсизлиги ва ҳалокати пайтидаги кечинмалари ҳам чизилмайди. Воқеанинг худди ўзи гавдалантирилган мазкур ҳикояларда адиба асло

натурализмга йўл қўйган эмас. У характерни воқеа замирига шундай моҳирлик билан сингдирганки, натижада воқеанинг холисона тасвиридан образ моҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлади.

Ҳаёт ва одамлар ҳақида китобхонни ўйлашга даъват этиш, унинг мустақил ижодий тасаввурини уйғотиш усули адиба ҳикояларининг ички мазмуни янада чуқурлаштиради. Ойдин бунга, қокорида кўрган-нимиздек, воқеа ва инсон тақдирини бири-бирига пайвандлаш орқали эришади.

Маълумки, социалистик реализм методи ҳаётни ҳаракатда, истиқбол нуқтаи назаридан ўсиш-ўзгаришда ифодалашни тақозо қилади. Бу принципни эгаллаб бошлаган адиба давр ҳақиқатини ёрқин очиш мақсадида ҳаётдаги соғлом кучлар характерини бирмунча бўрттириб романтик руҳда акс эттиришга интилади. Зулм ва жаҳолатнинг инсон тақдирдаги. фожиасини кўрсатувчи «Гулсанам» ҳикоясида воқеа тафсилотига нисбатан қаҳрамонни психологик жиҳатдан характерлашга мойиллик ортиқроқ. Гулсанам ва унинг севгилиси Отажон образларида зулмга қарши исёнкорлик руҳи ифодаланган. Хива хони чангалига тушиб қолган Гулсанам баъзи асарларда тасвирланган ноилож, нотавон қизлардан эмас. Ундаги ғазаб ва шижоат хон билан учрашувда, айниқса, ёрқин рўёбга чиқади. Гулсанам хонга тирик таслим бўлмасликка қарор қилади ва бу йўлда ҳақиқатан маънавий галаба қозонади. Ўзига таслим бўлмаган Гулсанамни хон қайнаб турган қозонга ташлаб ўлдирди.

Ойдин ўтмиш воқеалари хусусида фикр юритган асарларида бахт излаб зулматда умр ўтказганлар, бахтсизликка қарши курашиб, мардонавор ҳалок бўлганлар ҳаёти ва тақдирини чизиб берди.

Совет воқелиги ҳақидаги ҳикояларида эса адибанинг янги материални ўзлаштиришдаги эволюциясини кўрамиз. Адабиётшуносликда тўғри қайд этилганидек, Ойдин ҳозирги замон мавзундаги ҳикояларида биринчи навбатда тарғибот ва ташвиқот мақсадини кўзда тутади. Бундай ҳикояларида адиба тўлақонли характерни гавдалантиришга нисбатан кўпроқ бирор фикр ва ғояни ташвиқ этишни мақсад қилиб қўяди. Ижодкор янги воқеликнинг афзаллигини, социалистик ҳаёт тарзини ўрнак қилиб кўрсатади, янги инсоний фазилатларни алоҳида қайд этади. Масалан, «Ов милтиғи эмиш» ҳикоясида Асалоий йигитлар билан бир сафда трактор ҳайдайди, бўш вақтларда хордиқ чиқаради, бильярд ўйнайди. У муҳаббатда ҳам мустақил, тўйига одамларни ўзи тақлиф қилади. «Кўнгли тўлдим, яхши йигит» ҳикоясида эса, оилада ширин турмуш, тотув ҳаёт кечирмоқ учун аёл киши ҳам эркаклар қаторида ижтимоий фаолият билан шугулланиши зарурлиги таъкидланади.

Бу ҳикояларда талқин этилган фикр-мулоҳазалар, сифат ва фазилатлар кўп ҳолларда образнинг ички руҳий оламиға у қадар сингдирилмаган бўлса-да, ўша давр шаронтида муҳим тарбиявий роль ўйнади. Унинг «Уялди шекилли, ерга қаради», «Сўхбаги жонон», «Асл ёр» ҳикояларида ҳам ўзбек аёлларининг қамолоти, севгига садоқати тугал ҳаётий сюжет йўналишида қизиқарли баён этилади. Адиба воқеа баё-

ни устун бўлган бу ҳикояларида ҳам об-разнинг руҳий оламини очишга ҳаракат қилади, албатта. «Асл ёр» ҳикоясида урушда бир оёғидан ажралган Пўлат-жоннинг кечинмалари чизилади. Совет ки-шиларига хос инсонпарварлик туйғуси Пў-латжонни тушунлик гирдобидан қутқаза-ди. Севгилиси Малоҳат унга суянчиқ, асл ёр бўлиб ҳаётига киради.

Ойдин ҳикояларида психологик жиҳат-дан теран чизилган аёллар образлари яра-тилганлигини ҳам мамнуният билан қайд этиш лозим. «Эр юрак» ҳикоясидаги Сал-танат Уринбоева, «Садағанг кетай коман-дир» ҳикоясидаги Қандолат ана шундай ҳаётий чизилган образлардир. «Садағанг кетай командир» ҳикоясида қаҳрамоннинг ички дунёси муайян сюжет йўналишида очиб берилган. Босмачиларга қарши ку-раш олиб бораётган қизил аскарлар ко-мандири Холтой Пўлатов билан камбағал қиз Қандолат орасидаги севги янги маз-мунга эга муҳаббатдир. Уларнинг муҳаб-бати узоқ муддатли ҳижрон синовидан ўтади. Ниҳоят улар висол кўришадилар. Клуб мажлисида Олий Совет депутатлиги-га номзоди кўрсатилган киши Пўлатов эканини сезган Қандолатнинг ички кечин-малари таъсирли чизилган.

Ойдин ўзбек совет адабиётида очерк жанрини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшган адибадир.

У очеркда материалнинг ҳужжатлилик хусусиятини сақлаш билан бирликда ҳи-коянинг шакл усуллари ҳам усталик бил-лан сингдириб юборган.

Адибанинг бундай асарларида ҳикоя услуби очеркнинг ҳужжатлилик негизига путур етказмайди, балки унга хиёл эмо-ционал-ҳиссий бўёқ беради. Материал ру-ҳига айна мувофиқ қўлланилган бу хил бўёқ мавзу моҳиятини янада тўла ва му-камалроқ очишга ёрдам беради. Ойдин Улуғ Ватан уруши йилларида республика-миздаги йирик Фарҳод ГЭС қурилишида бўлиб, уни матбуотда кенг ёритган публи-цист ёзувчилардандир. У Фарҳод ГЭС қу-рилишидан қатор очерклар ёзиб, уларда ҳужжатли материални ўзига хос янги усул-да ифодалашга интилган. «Ширин келди» очеркида адиба мазкур иншоот қурили-

шининг бошланишидаги умумхалқ ҳарака-ти, одамларнинг ғайрат ва шижоати, қу-рилиш манзараси ҳақидаги ҳужжатли ма-териалларни яхлит ва қизиқарли ифода-лаш учун халқчил юмор билан суғорилган тўқима сюжет яратади.

Тожикистоннинг Нов районида яшовчи 82 яшар чол-кампир карнай-сурнайлар-нинг овозидан уйғониб кетадилар. «Қара-сангиз-чи, тоғ қулатилаётганга ўхшайди», дейди кампир. Чол бу воқеанинг тафси-лотини кампирга тушунтириб бера бош-лайди: «Ширин бутун кўч-кўлони билан анов дарёнинг нариги ёғига кўчиб келип-ти. Узи билан бирга етмиш мингга яқин одам, қанчадан-қанча от-улов, озиқ-овқат, асбоб-ускуналар келтирибди».

Шундан кейин чол бу ерда бажарила-диган иш кўламини кампирга изоҳлайди:

«— Ҳа, Фарҳод бўлсанг, қани, тур ўр-нингдан, кучингни кўрсат, депти Ширин қиз. Мана шу тоғнинг тагига пўлат дарво-зали катта тўғон қурасан, кейин шундан тортиб, Ширин сойни йўлда қолдириб, Ширин водийсигача катта дарё қазийсан. Сирдарёнинг сувини бир терак буйи кўта-риб, темир дарвоза билан эски дарё су-вини бўғиб, янги дарёга оқизасан, депти».


Чол сувдан нур пайдо қилишини, унинг ёрдамида қуроллар ишланиб, душманга зарба берилишини, бу қурилишни ўзбек халқи бошлаб берганини, унга турли мил-лат вакиллари иштирок этганини содда, образли қилиб тушунтиради.

Фарҳод қурилишига оид ҳужжатли ма-териалларнинг чолу кампир саргузаштла-ридан иборат тўқима сюжет чизигига ус-талик билан пайванд қилиниши очеркка бадий қувват бағишлаган. Унинг ўқишли бўлишини таъминлаган. Шу билан бирга, бу усул асарнинг ғоявий руҳини ҳам ошир-ган.

Ойдиннинг «Мардлик — мангулик», «Ке-лин ўғил туғибди», «Ширинга мактуб» син-гари очерклари ҳам ҳаётнинг қайноқ на-фасидан пайдо бўлган, ҳикояга хос ба-дий бўёқлар ёрдамида қизиқарли ёзил-ган.

Ойдиннинг асарлари қайси жанрда ёзилган бўлишидан қатъи назар, улар ўз-бек аёллари бахтининг мазмунидир.

Туркани



Абдусаттор Ҳатамов

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЁЗУВЧИ БЎЛДИМ?

Хотин кишининг ишқи машинага тушмасин экан. Кимнинг хотини шу дардга мубтало бўлибди — эрининг шўри қурибди деяверинг. На тилла узук билан овутасиз ва на бельгия пальтоси билан. Менинг маликам худди шу «касалга мубтало бўлиб қолди. Утирса ҳам, турса ҳам тилидан машина тушмайди.

Бир куни хаёлимга аллақайси машҳур ёзувчининг: «Ёзувчи бўлишингизга сабаб нима?» деган саволига: «Хотинимнинг бойликка ўчлиги», деган жавоби тушиб қолди. Шунинг учун маликамга ич-ичимдан раҳматлар айтдим-да, ёнимга чақириб дедим:

— Сен мени молхонадаги сигирларнинг тагини тозалаб, хашак солиш, соғаетганинда қашлаб туриш, ҳовлимиздаги қулупнайни бозорга олиб бориш, катаклардаги товук, куркаларнинг тухумини териб чиқиш сингари ишлардан озод қилсанг, машина олиб бераман.

Хотиним ҳайрон бўлиб қолди. Мен гапни лўнда қилиб қўя қолдим:

— Ёзувчилик қиламан; ҳикоялар, романлар, пьесалар ёзаман. Қарабсанки, ҳаммаёқ пул бўлиб кетади. Кейин машина сотиб оламиз-да, сени ўтқазиб жаҳон бўйлаб саёхатга олиб чиқаман. Хўш, қалай?

Хотиним суюниб кетди. Бунга асос ҳам бор эди-да. Унча-бунча хабар, мақолаларим газетада босилиб турарди. Жуда бўл-

маган тақдирда хотиним фамилиямни, ҳалиги нимаёқ, хатларга обзорда кўрарди.

Шундай қилиб ишга шўнғиб кетдим. Хотиним мард чиқиб қолди: уй-рўзғор ишларининг ҳаммасини ўз бўйига олди.

Жоним кириб қолди. Жимжитгина уйда маза қилиб олпоқ қоғозни қоралаш гашти билан маст эдим. Илгарилари ишлаб ўтирсам ҳам шанғиллайвериб, қулоғимни қоматга келтирадиган маликам оғзига талқон солгандек. Худди сеҳрлаб қўйилгандек сигир-бузоқларнинг маърашию, курка, товукларнинг қақиллаши, ҳатто мушугимизнинг миёвлаши ҳам эшитилмайди. Бу маликамнинг иши. Илҳоми қочиб кетмасин деб уларнинг овозини ўчирган.

Хотиним-ку, нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйди. Лекин менинг ишим ҳеч юришмасди. Қўлимга ручка тутиб қоғозга тикилдим дегунча мудроқ босиб, шундоқ ёнимдаги диванга шартта ўзимни ташлайман. Шундай қилиб пича жир битиб қолди. «Ахир, бу, ёзувчилик дегани курортда юргандек гап экан-ку», дейман ичимда. Бир куни ана шунақа мизғиб қолган эканман, эшик ғийқ этиб очилди. Кўзимни очсам, маликам кириб келяпти.

— Ие, ҳа, — деди у шанғиллаб, — нима, курортга келдиларми? Мен у ерда ўлиб-тирилиб ишласам-у, сиз бу ёқда оёқни узат-и-и-иб ётсангиз.

— Оёқ узат-и-иб ётганим йўқ, — дедим у ухлаганимни сезмагани учун жиддий қиёфада.— Жуда миямни говлатиб юборяпти-да.

— Ҳеч нарса қилмайди, ўйланг. — Маликам эшикни энди секин ёпиб чиқиб кетди.

Хотиним чиққач, нима ҳақида ёзсам экан, деб яна иягимни икки қўлим орасига олиб ўйлай бошладим. Уйлай-ўйлай хотиним тўғрисида ёзмоқчи бўлдим. Нима, ёзсам арзимайдими? Жудаям арзийди-да. Бир ҳафтадан бери сигир-бузоқ экин-тикин, товуқ-куркадан озод қилиб қўйган бўлса, ёзувчи бўлинг, деса. У ҳақида ёзмай бўладими, ахир?

Ҳикоямни шундай бошладим: «Каминангизнинг хотинидек хотин йўқ оламда. Ўзи чивиндеккина бўлса ҳам, филдек кучи бор. Сигирдан тортиб жўзагача, экиндан тортиб болагача ўзи қарайди. Эркакни кўчага, хотинни уйга чиқарган, деди доно маликам. Улфатчиликдан кейин «мажлисдайдим» десам ишонади. Диванга суяниб оёқ чалиштириб, телевизор кўрсам белингиз оғримасин, деб орқамга парестик қўяди».

Шу тариха отпускам тугай деб қолганда не машаққат билан ёзилган ҳикоямни редакцияга олиб боргандим, ходим қўлимга қайтариб берди. Чайналган мавзу эмиш. Топган баҳонасини қаранг. Хотининг меникидай бошинга ёнгоқ қақиб турганда, машина деб қулоқ-миянгни еганда билардинг, қанақа мавзулигини:

Ижодий ишимнинг юришмаганини хотиним сезиб қолган шекилли, қовоғини солиб қарши олди. Индамай хонамга кириб кетдим. Бир оздан кейин ола сигирнинг чўзиб «мў-ў-ў» дегани эшитилиб қолди. Орқасидан хотиним шанғиллади:

— Ҳа, чакаккинанг ўчсин-а, чакаккинанг!

Худди ўчакишгандек бўйнинг арқондан чиқмагур қора қўй ҳам маърай бошлади. Нима бало бўлди, деб қўлимга ручка олиб ҳовлига чиқсам хотиним афтидан сигир билан қўйнинг таъзирини бериб қўймоқчи шекилли, ўқлоғи кўтариб кетяпти.

— Ҳа, — деди у мени кўриб, — машинанинг пулига яраша ёздингизми?

— Битта ғилдирагига яраша... — деб ичкарига кириб кетдим.

Назаримда хотиним товуқларга бир пой калишини отди-ёв, товуқлар жимиб қолди. Тавба, нақ бир ой миқ этмаган сигиру бузоқ, товуғу жўжа бугун намуначча бесабр бўлмаса.

Шундай қилиб, битта ҳикоя деб бутун бошли отпускам ўтиб кетди. Сўзимнинг устидан чиқолмаганим учун хотиним билан уришиб қолдик. Уй ишларининг ҳаммасини унинг зиммасига юклаб қўйиб ёзувчи бўлиб, машина олиб бераман, деб лақиллатган эмишман.

— Хотинжон, — дедим фироқ қилиб қўймагач,— кел-қўй, ҳадеб хафа бўла-

верма. Озроқ ишлай, кейин яна ёнимдан отпускаи олиб, ёзув-чизувга ўтираман.

Хотинимнинг пешонаси баттар тиришди:

— Вой, савил. Бир ой чўри бўлганим етмай, энди яна ҳамма ишни бўйнимга илмоқчимисиз?

— Йўқ, — дедим мен кўнглимдаги гапдан қувониб. — Сенга ҳам қарашиб тураман. Фақат ишга бормайман, холос. — Ундан кўра отпускаи олманг. Уй ишини ўзим қиламан. Қани, бу сафар ҳам кўрай-чи.

Аҳволимга хотинимнинг раҳми келдими ё гапимга ишондими, ҳар қалай рози бўлди.

Шундай қилиб ҳар куни хизматдан кейин уйга келаман овқатланиб, ўзимга ажратилган хонага кириб кетаман, қоғоз қоралайман. Отпускамда машқ қилганим фойда бўлган экан, илҳом ҳам дарров кела бошлайди. Завқим ошиб, анча-мунча варақни тўлдириб қўйдим. Илгари ёзаётганимда кўз олдимга нуқул гижинлаган «Жигули» келса, энди негадир ҳикоямнинг қаҳрамони — хотиним келар эди.

Роса бир ҳафтадан сўнг ҳикоям битди.

— Да-а-а, — деди мудир ҳикоямнинг сарлавҳасига кўз ташлагач. Яна ўша темами? Оббо сиз-эй, хотинингизни яна тинч қўймабсиз-да.

— Уни яхши билганим учун ёздим. Кейин, хотиним деганим, тўқима образ, холос. — Мен доскага чиққан ўқувчидек ҳамон тик турганча жавоб бердим.

— Утиринг, — деди мудир узун бармоғи билан рўпарасидаги стулни кўрсатиб. — Қани кўрайлик-чи...

Мудирнинг учи текис очилган қора қалами ҳикоям мисралари узра югуриб кетди. Унинг бароқ қошлари бир чимириллар, бир резинкадек таранг тортилар, гоҳ чеҳрасида олисдаги нурдек жилмайишнинг учқуни кўринар, гоҳ ачиниш аломатлари сезиларди.

— Да-а-а, — деди у ўқиб бўлгач, қаламни ғаладонга солиб.— Нима ҳам дердик, анча қўлингиз келиб қолибди. Мавзунинг бошқа қиррасини очишга ҳаракат қилибсиз. Берамиз.

Мудирнинг кейинги бир сўзи чеккан бутун азобларимни тарқатиб юборгандай бўлди.

— Ур-ре! — дедим уйга келиб хотинимни кучоқлаб.— Ур-ре, ур-ре, ҳикоям чиқадинг бўлди!

Шу тариха биринчи асарим газета юзини кўрди. Мен гавдамни ғоз тутиб мағрурандим:

— Кўрдингми, ахири сўзимнинг устидан чиқдим-а.

Хотиним қавариб кетган қўлларини пахса қилиб бўш келмади.

— Вой мактанчоқ-эй, агарда мен «Жигули» деб тиқилинч қилмаганимда... Аввал машина олиб беринг, кейин керилинг.

Мен навбатдаги ҳикояни ёзиш учун ўз хонамга кириб кетдим.



9 сентябрда СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг навбатдаги секретариат мажлисида секретариат аъзоларининг ўзбек адаблари билан учрашуви бўлди. Учрашув СССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари Георгий Марковнинг кириш сўзи билан очилди. Ўзбекистон КП МК секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари С. Азимов, СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари Ю. Суровцев, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия республиканинг бугунги ҳаёти, айна кунлардаги ўзбек адабиёти хусусида сўзладилар.

Шу куни Союзлар уйининг Колонна залида ўзбек совет шеърияти кечаси ўтказилди. «Дўстларнинг ягона оиласида» шиори остида кечган, адиб С. Баруздин бошқарган бу мушоирада С. Азимов, Зулфия, Ҳ. Фулом, Шукрулло, А. Мухтор, Ж. Жабборов, П. Мўмин, Э. Воҳидов, Г. Нуруллаева, Э. Охунова, О. Матжон, Р. Фарҳодий, бу ижодкорларнинг москвалик дўстлари ва таржимонлари Н. Гребнев, А. Дементьев, Е. Евтушенко, Р. Казакова, Я. Козловский, В. Костров, Ю. Неиман, С. Северцев, В. Солоухин сўзга чиқдилар, ўз шеърларидан, таржималаридан ўқидилар. Бу шеър анжуманида Ўзбекистон КП МК секретари О. У. Салимов, КПСС МК Маданият бўлими мудири В. Ф. Шауро иштирок этди.

3 сентябрь куни республика «Билимлар уйи»да Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Эркин Воҳидов, Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, шунингдек, Абдулла Шер, Усмон Азимов иштирокида мушоира бўлиб ўтди. Мушоирадан тушган маблағ Тинчлик фондига ўтказилди.

25—28 августда Тожикистон ССРнинг Исфара шаҳрида Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари ёшларининг анъанавий иккинчи фестивали ўтказилди. Унда

турли касб эгалари бўлган санъаткорлар, ижодкорлар қатнашди. Фестивалда иштирок этган ёш ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари тожик, ўзбек, рус, қozoқ, туркман, қирғиз тилларида чиқадиган барча комсомол газеталарида эълон қилинди.

СССР ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган бу ёшлар фестивали қардошлик байрамига айланиб кетди.

15—20 сентябрь кунлари Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда СССР ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган кўп миллатли совет адабиёти кунлари ўтказилди. Иттифоқимизнинг барча республикалари, Москва, Ленинград шаҳридан келган атоқли ижодкорлар — шоирлар, адиблар, адабиётшунослар Тошкент, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Чирчиқ шаҳарларида, пахтакор районларда, қорақалпоқ шоликорлари, балиқчилари ҳузурида адабий учрашувлар, шеърят кечалари, мушоиралар ўтказдилар. Анжуман қатнашчилари ўзбек ва қорақалпоқ диёрининг диққатга сазовор жойларини томиша қилдилар, тарихий-маданий обидалар, меҳнаткашларнинг бугунги бунёдкорона ишлари билан танишдилар. Нукусдаги Санъат саройида ўтган совет адабиёти кунларининг тантанали очилиши маросими, Самарқанддаги «Доира стол атрофида суҳбат», Фарғона область М. Горький номи театрдаги адабий кеча, Тошкентда, Навоий номидаги театрда ўтган адабиёт байрами кечалари фестиваль қатнашчилари, республикаimiz жамоат аҳлида катта таассурот қолдирди.

3 сентябрда республикаimiz адабий жамоатчилиги таниқли татар ёзувчиси Шомил Алядин таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлади.

Адибнинг сафдош дўстлари, китобхоналари «Баҳор» концерт залига тўпландилар. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин бошқарди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов, ёзувчи Черкез Али, машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Александр Удалов ва бошқалар Шомил Алядиннинг серқирра ижоди, ижтимоий фаолияти ҳақида сўзладилар. Ифтихор сўзида Шомил Алядин ўз ижодига кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор учун партиа ва ҳукуратимизга миннатдорчилик билдирди.

Кеча «Ҳайтарма» ансамблининг катта концерти билан якунланди.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР ДЕКАБРЬ ОЙИДА

**Звезда
Востока**

Журнал Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидовнинг «Республикаларнинг бузилмас иттифоқи» номли публицистик мақоласи билан эчлади. «Давр менинг тақдиримда» рубрикаси остида СССР ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишланган бир туркум мақолалар босилган.

Наср бўлимида Владимир Тюрниковнинг «Еш коммуналар», Қалий Жуманиёзовнинг «Чингул ҳиди», Зоя Туманованинг «Баланд зиналар» повестлари, шеърят бўлимида Уйғун, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев, Андрей Иванов, Виталий Качаевларнинг янги шеърлари эълон қилинган.

Журналнинг санъат, танқид ва адабиётшунослик бўлимида ҳам қизиқарли материаллар берилган.

ЙИЛДЫЗ

Журналнинг бу сони СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. Унда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси И. Усмонхўжаевнинг бу улۇф санага бағишланган мақоласи, республика фани, маданияти, санъати арбоблари ва атоқли меҳнат қаҳрамонларининг дил сўзлари берилган.

Наср ихлосмандлари бу сонда улкан давлат ва партия арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидовнинг «Дил амри» повестини, таниқли татар ёзувчиси Ажи-Абло Эмировнинг «Генерал Булатов» повестининг охириги қисмини, Айдар Осмоновнинг «Учрашув» ҳикоясини ўқийдилар. Шеърят бўлимида ўзбек, туркман, озар шоирларининг татарчага таржима қилинган янги шеърлари берилган.

ЕШЛИК

Журнал СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. Шу муносабат билан Иттифоқимиздаги барча қардош республика вакиллари — ёш ёзувчи ва шоирларнинг қисса, ҳикоя, шеърлари берилган. Шунингдек Сарвар Азимов, Туроб тўла каби устозларнинг ҳозирги адабий жараён ҳақидаги мақолалари, «Литературная учёба» билан «Ешлик» журналларининг қўшма «Мунозара клуби» ҳам шу сондан ўрин олган.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ 1982 ЙИЛ СОНЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони. Л. И. Брежневни Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида. 1—3.

Ш. Рашидов. Табрикнома. 6—2.

СССР Ёзувчилар союзининг правлениеси. «Шарқ юлдузи» журналы редакциясига. 6—3.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг правлениеси. «Шарқ юлдузи» журналы редакциясига. 6—4.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони. «Шарқ юлдузи» журналыни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида. 7—2.

Ш. Рашидов. Шарқнинг ёрқин юлдузи. 9—3.

«Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида». 10—3.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига мурожаати. 12—3.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида информацион билдириш. 12—6.

Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи. 12—8.

Ўртоқ К. У. Черненко нутқи. 12—10.

Юрий Владимирович Андропов. 12—14.

- Шеърлар, қўшиқлар, дostonлар
- Э. Абдуллаев. Бойчечак. Шеърлар. 8—138.
- А. Абдураззоқ. Тўрт оғайни ботирлар. Шеърлар. 9—65.
- Р. Абдурашид. Буюклик. Шеърлар. 3—48.
- У. Азимов. Че Гевара сўзи. Шеърлар. 9—148.
- А. Акбаров. Соат кўнғироғи. Шеърлар. 8—137.
- Т. Али. Ёмғир ёғяпти... Шеърлар. 1—155.
- Э. Арендт. Кариб тунн. Шеърлар. 9—186.
- Ё. Аҳмаджонов. Болаликнинг олти дақиқаси. Лирик поэма. 2—104.
- Р. Бекниёз. Дўстлик шарофати. Шеърлар. 9—146.
- М. Бобоева. Мен — аёлман. Шеърлар. 10—114.
- Х. Бобомуродова. Кечиккан турналар. Шеърлар. 10—114.
- Б. Бойқобиллов. Умр қадри. Сонетлар. 4—103.
- Болалар шоирларининг шеърлари:**
- Т. Адашбоев. Расм дарсида; Р. Толиб. Шўхрат чизган суратлар; Ҳ. Раҳмат. Доно қиз; И. Санаев. Чақимчи Омон; С. Ҳожибоев. Болаликдан; А. Ҳожи. Балиқ. 6—170.
- Ф. Браун. Томоша. Шеърлар. 9—183.
- Н. Буканов. Ўзбекистон шоирларига. Шеърлар. 5—14.
- Э. Воҳидов. Ўзбекистон коммунистлари. Шеърлар. 1—31.
- Н. Ганжавий. Ҳазаллар. 7—164.
- Н. Гильен. Сабас. Шеърлар. 7—164.
- С. Донабоева. Туш. Шеърлар. 10—115.
- Э. Ёндош. Мажнунтол қаршисида. Шеърлар. 10—115.
- Ҳ. Ёқубов. Оқ уйча. Шеърлар. 5—113.
- Ж. Жабборов. Қуёш юрти. Поэма. 6—80.
- А. Иванов. Тўлин ой нурига фарқ бўлган тунда... Шеърлар. 7—182.
- Е. Исаев. Хотира ҳукми. Поэма. 5—121.
- Т. Йўлдош. Шафақлар. Тўртликлар. 7—102.
- Ж. Камол. Дунё. Туркум шеърлар. 2—129.
- Я. Колас. Солор. Шеърлар. 10—96.
- Я. Купала. Кимлар келади. Шеърлар. 7—187.
- С. Мадалиев. Синган пиёла товуши. 9—150.
- А. Мўхтор. Янги китобдан. Шеърлар. 12—42.
- Т. Нормат. Истак. Шеърлар. 2—133.
- З. Обидов. Ишқ афсуни. Шеърлар. 5—13.
- Ш. Орифий. Тўртликлар. 5—15.
- И. Отамуродов. Қалбимнинг поёнсиз кенгликлари. Шеърлар. 1—139.
- А. С. Пушкин. Оздирмагил ақлдан асло. Шеърлар. 7—87.
- А. Пўлканов. Йиллар. Шеърлар. 8—103.
- Ш. Раҳматуллаев. Рубоийлар. 4—108.
- С. Раҳмон. Уч дарё қўшиғи. Шеърлар. 5—81.
- Ш. Раҳмон. Борганимда ҳар сафар Ушга... Шеърлар. 10—81.
- Б. Ризо. Фаластин қўшиғи. Шеърлар. 10—113.
- Э. Самандар. Оддий ҳақиқат. Шеърлар. 4—52.
- В. Саъдулла. Ҳазаллар. 1—108.
- Сайёр. Украина ва Ўзбекистон. Шеърлар туркумидан. 8—63.
- С. Сирожиддинов. Инсон монолоғи. Қўшиқлар. 5—42.
- Ш. Содиқов. Илтижо. Шеърлар. 9—154.
- Т. Солиев. Бир-бирига суюниб... Шеърлар. 10—116.
- М. Солиҳ. Рухимдаги кўтаринкилик. Шеърлар. 1—153.
- Г. Табидзе. Тегирмон тошлари. Шеърлар. 11—182.
- М. Танк. Ҳамма ишнинг боиси игна. Шеърлар. 9—192.
- А. С. Термизий. Тўртликлар. 11—178.
- Д. Тожиева. Муҳаббат. Тўртликлар. 7—104.
- А. Тошхўжаев. Ёз кунлари. Шеърлар. 8—105.
- И. Тўлаков. Шабнам. Шеърлар. 9—153.
- Т. Тўла. 1949-йил, июнь. Шеърлар. 7—86.
- Т. Тўла. Таъмир ҳайрати. Шеърлар. 8—5.
- Уйғун. Зебуннисо. Шеърлий драма. 2—3,3—56.
- Уйғун. «Қизилқум»да. Шеърлар. 6—128.
- С. Умарова. Чорла, истиқбол. Шеърлар. 10—116.
- Б. Умиров. Қарши чўлига. Шеърлар. 5—44.
- Учқун. Интилиш. Шеърлар. 8—140.
- Д. Файзий. Синфдошларим. Шеърлар. 8—65.
- Н. Ҳикмат. Ҳоямнинг йўлчиларига. Шеърлар. 1—194.
- Х. Р. Хименес. Шеърлар. 1—200.
- Б. Холбекова. Олам тиниқ. Шеърлар. 7—104.
- Н. Холмуродов. Эътироф. Шеърлар. 2—131.
- Ҳ. Худойбердиева. Учинчи дўст. Шеърлар. 9—8.
- Ҳ. Шарипов. Жонажоним ҳаёт. Шеърлар. 11—127.
- Ҳ. Шарипов. Тонги туйғулар. Шеърлар. 5—3.
- У. Шўкуров. Тортиш кучи. Шеърлар. 9—153.
- Шўхрат. Олтиликлар. 10—75.
- И. Юсупов. Гул қолмас. Шеърлар. 6—134.
- Ўзбекистонда кўп миллатли совет адабиёти фестивали:** О. Кешоков. Юлдузим; Р. Қазакова. Табассум; М. Карим. Нон, Ватан, Муҳаббат; Ф. Унғарсинова. Саҳро соғинчи; Г. Эмин, Севаман. Шеърлар. 9—100-103.
- Қизлар шеърляти:** Н. Қулбекова, Баҳор, Р. Шокирова. Бул кеча; У. Асқарова. Шивирлайди ёмғир бетиним; З. Эгамбердиева. Юракда уйғотиб...; Г. Раҳимова. Қандай яхши. Қизғалдоқ. Соғиниб яшайман...; Ҳ. Қорабоева. Янги барглар; Ҳ. Абдуҳакимова. Рошидон; Б. Турובה. Ота, ўзингизга ўхшайди дунё...; З. Рўзиева. Мактуб; М. Мирзаева. Ҳайрат. Шеърлар. 3—137-144.
- Ҳ. Қорабоева. Эътиқод. Шеърлар. 10—113.

Ш. Қурбонов. Беҳзод. Достон. 7—66.
 О. Қўқорбеков. Лағмончи. Шеърлар. 8—170.
 Ҳ. Фулом. Ленин ҳақиқати. Шеърлар. 9—140.
 О. Ҳожиёва. Ғўза гуллаганда. Шеър. 8—62.

РОМАН, ҚИССА, ПЬЕСА, ҲИКОЯЛАР

Ш. Алядин. Мармар зиналар. Ҳикоя. 8—155.
 ✓ С. Анорбоев. Сузиб борар архарлар. Қисса. 4—56.
 В. Архангельский. Юракдек бетиним. 4—13.
 ✓ Э. Аъзамов. Турмуш. Ҳикоя. 7—88.
 Л. Брежнев. Эсдаликлар. 1—4.
 П. Вежинов. Тўсиқ. Қисса. 7—105.
 Ж. Жабборов. Тўйдан олдин томоша. Комедия. 1—111.
 ✓ А. Иброҳимов. Бу замон ўғлони. Пьеса. 9—69.
 М. Исмоилий. Гар пуф деса... Ҳикоя. 8—108.
 Ш. Исахонова. Ютук. Ҳикоя. 7—98.
 С. Исҳоқов. Юлдуз кўкда сўнади. Қисса. 3—3, 4—131.
 ✓ Т. Малик. Чорраҳада қолган одамлар. Фантастик қисса. 8—12.
 9—156, 10—117.
 ✓ А. Мамарасулов. Йўловчи, Ҳикоя. 1—144.
 С. Михалков. Тарсаки. Пьеса. 2—104.
 М. Мирзараҳимов. Қарздор. Ҳикоя. 8—122.
 ✓ Ф. Мусажонов. Бир култум булоқ суви. 12—54.
 Ҳ. Назир. Қўмсаш. Ҳикоя. 5—144.
 Э. Охунова. Олтин бешик. Асардан 2—35.
 Боблар.
 Т. Пўлатов. Бўлак манзилгоҳлар. Қисса. 5—45.
 Ш. Рашидов. Дил амри. Қисса. 11—3.
 Н. Раҳматов. Расм. Ҳикоя. 8—132.
 Э. Содиқова. Тўти хола. Ҳикоя. 5—156.
 У. Содиқов. Бегоналар. Ҳикоя. 2—94.
 Ҳ. Темиров. Ака-укалар. Ҳикоя. 4—165.
 А. Убайдуллаев. Аждаҳо комиди. Қиссадан парча. 4—111, 5—16.
 Ш. Рашидов. Дил амри. Қисса. 3—85.
 Э. Усмонов. Каримберди қайтмади. Ҳикоя. 11—80.
 М. Хайруллаев. Тинмасин соз. Пьеса. 5—98.
 ✓ Ш. Холмирзаев. Қил кўприк. Роман. 9—17, 10—83, 11—133, 12—112.
 Й. Шамшаров. Виждон амри. Қисса. 1—36.
 Й. Шамшаров. Тошқин. Воқеий қисса. 10—6.
 ✓ Шухрат. Она қизим. Пьеса. 6—99.
 ✓ Т. Каипбергенов. Кўз қорачиғи. Роман. 7—3, 8—68, 9—104.
 В. Ғафуров. Шохлардаги мезонлар. Эсдаликлар. 6—136.
 М. Ҳазратқулов. Рапорт. Ҳикоя. 2—89.
 О. Ҳусанов. Тақилмаган узук. Ҳикоя. 2—74.

ПУБЛИЦИСТИКА, ОЧЕРК, САНЪАТ

Ҳ. Акбаров. Дўстлар давраси. 5—166.

Р. Аминова, В. Шаповаленко. «Уроқ ва болға» иттифоқи мустаҳкамланмоқда. 12—154.

С. Аҳмад. Ҳазонсиз боғ. 8—142.
 И. Аҳмедов. Ёш авлоднинг орденли театри. 7—168.
 Э. Бобоев, К. Турдалиев. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». 3—145.
 Ю. Григорьевич. Рақс жозибаси. 2—146.
 В. Зоҳидов. Асрлардан устун аллома. 10—178.
 А. Йўлдошев. Умр дафтарининг зарва-рақлари. 2—140.
 А. Козимов. Қадимий ва навқирон шаҳар. 4—3.
 Ҳ. Олимжонов. Паркент каналидан лавҳалар. 10—189.
 Р. Расулов. Кино устаси. 4—175.
 А. Рашидов, З. Ғафуров. Ғоявий-сиёсий чиниқиш мактаби. 5—4.
 Ғ. Рашидов. Социализмнинг шарқдаги машъали. 11—3.
 А. Саматов. Ҳозирги замон этник жараёнлар ва совет шарқи халқлари ҳаётининг бузиб кўрсатилиши. 2—134.
 Н. Сафаров. Нон—ризқ-рўзимиз, тўй—ҳаёт зийнати. 1—184.
 Н. Сафаров, Отаёр. Элгиинчи баҳор. 6—179.
 Н. Саъдуллаев. Давр билан пойға. 4—171.
 Н. Саъдуллаев. Моҳият. 8—148.
 Т. Тўла. Адабий жараённинг етакчиси. 5—161.
 А. Удалов. «Звезда Востока» 50 ёшда. 9—189.
 Э. Усмонов. «Табиат китоби» туркумидан. 3—149.
 Ҳ. Шайхов. Ота ўғити. 7—173.
 М. Қодиров. Нодирабегим «фоҳиаси». 2—148.
 П. Қодиров. Янги довлонлар. 8—3.
 Р. Ғойибов. Қўриқ воҳа истиқболи. 11—164.
 М. Ҳазратқулов. Давр билан ҳамқадам. 6—190.

СССР ТАШКИЛ ТОПГАН КУННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Дўстлик гулдастаси: Ҳ. Олимжон. Россия; С. Норовчатов. Капитан алёри; А. Дементьев. Тошкент навбаҳори; Б. Олейник. Формула; Н. Гильевич. Она диёр, Белоруссиям; У. Сулаймонов. Исмат оқиннинг сўнги сўзи; Е. Буков, Бугун ва эрта. М. Миршакар. Тўртликлар; С. Эралиев. Қирғиз; Б. Ораздурдиева. Почтальон; И. Юсупов. Тўртликлар; Н. Ҳазрий. Сен ва мен; Ж. Чарквани. Ғам чекма; А. Саакян. Карвондан адашма; Ю. Марцинкявичюс. Мактаб илҳами; О. Вацетис. Харсанг қошидаги мовий чумма; М. Траат. Кимман мен? Шеърлар. 12—21-34.
 И. Раҳим. Ердаги қуёш. 12—16.
 А. Тўраев. Маданиятимизнинг янги уфқлари. 10—165.

СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА:

Ҳ. Фулом. Дўстлик — илҳом чашмаси; П. Қодиров. Осмон каби очиқ ва юксак; Л. Қайюмов. Миннатдорлик туйғуси; Э. Воҳидов. Қардошлик салтанати; Ҳ. Худойбер-

диева. Бир даража юксалиш учун; **М. Али,** Шерият машъали. Қалб сўзлари.

12—35-40.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 50 ЕШДА

Ҳ. Абдусаматов. Шонли йўл. 6—9.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕНИНГ ҲАЁТИМ-ДА: **С. Азимов.** Шода-шода йиллар меҳнати; **Э. Воҳидов.** Нурли юлдуз; Белни маҳкам боғлайлик; **Мирмуҳсин.** Адабиётимиз кўзгуси; **А. Мухтор.** Йўлдошимиз; **М. Мўйдинов.** Шарафли йўл; **А. Орипов.** Ижод устaxonаси; **Т. Охунова.** Менинг севимли журналим; **Н. Сафаров.** Мураббий ва тарбиячи; **Уйғун.** Эзгу истаклар; **Д. Худойберганова.** Қадрдон суҳбатдош; **Ш. Шомухамедов.** Устоз ва мактаб; **К. Яшин.** Камолот ёши; **И. Ҳамробоев.** Навқиронлик. Қалб сўзлари. 6—63-78.

Ярим аср хазинасидан: **Ҳ. Ҳ. Ниёзий.** Яша, Шўро; **С. Айний.** Ҳуррият марши; **А. Қодирий.** Обид кетмон. Романдан парча; **Ҳ. Олимжон.** Бахтлар водийси. Шеръ; **Ғ. Ғулом.** Шараф қўлёзмаси. Шеръ; **С. Бородин.** Йилдирим Боязид. Романдан парча; **Ғайратий.** Улуғ Москва. Шеръ; **А. Қаҳҳор.** Анор. Ҳикоя; **М. Шайхзода.** Товушлар. Шеръ; **Миртемир.** Сени улуглайман. Шеръ; **С. Абдуллаев.** Кел. Ғазал; **Ойдин.** Дўндикдан ҳам ёш экан. Ҳикоя; **С. Жўра.** Канотли ўлка. Шеръ; **Фозил Йўлдош ўғли.** Октябрь — қуёш. Достондан парча. 6—18-62. **П. Турсун.** «Яша, пахтакор». Очерк. 6—173.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Г. Владимиров. Ҳаракатдаги интернационализм. 12—175.

Е. Исҳоқов. Ранглар рамзи. 2—160.

Н. Йўлдошев. Инсон моҳиятини очувчи калит. 4—180.

Ғ. Каримов. Шарқшунослик илмининг алломаси. 5—180.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида»ги қарорининг ўн йиллигига КПСС XXVI съезди ва қаҳрамон масаласи: **Ҳ. Абдусаматов.** Кириш сўзи; **Ҳ. Ёқубов.** Изчил гуманизм; **П. Шермухамедов.** Қаҳрамоннинг маънавий олами; **Ғ. Каримов.** Мерос — замон хизмати; **С. Мирвалиев.** Ҳаётийлик — асосий мезон; **С. Мамажонов.** Ижобий қаҳрамонда давр руҳи, ёзувчи идеали бўлсин; **У. Норматов.** Оддий одамнинг улкан қалби; **Н. Худойберганов.** Умри узоқ бўлсин; **Ҳ. Абдусаматов.** Сўнги сўз. 1—157-182.

С. Мирвалиев. Ҳаққонийлик ва ҳалоллик кўзгуси. 8—180.

М. Маҳмудов. Шаффоф нилуфарнинг сирли. 3—160.

Ф. Набиев. Табиат мадҳида. 2—165.

Б. Норбоев. Икки шоир қаҳрамони. 3—156.

У. Норматов, У. Ҳошимов. Қалб инқилоби. 11—185.

О. Матжон. Бор бўл, ёруғ безовталик. 11—194.

О. Тоғаев. Аёл бахти куйчиси. 12—195.

Н. Худойберганов. Қаҳрамоннинг маънавий олами. 11—199.

Р. Орзибеков. Чистон жанрида ҳам бе-назир. 2—162.

А. Рустамов. Ишчилар синфи ва ҳозирги адабий жараён. 12—193.

О. Собиров. Шоир ижодининг сарчашмаси. 8—184.

Ҳ. Узоқов. Тилга эътибор — элга эътибор. 2—174.

Уйғун. Ҳозирги ўзбек имлоси ҳақида баъзи мулоҳазалар. 10—202.

О. Усмон. Ижтимоий-сиёсий терминологиямизнинг муҳим масалалари ҳақида. 6—195.

П. Шермухамедов. «Қорақалпоқ достони» тилга кирганда. 12—165.

Н. Шукуров. Шериятнинг сирли олами. 2—167.

Ҳ. Эгамов. Туташ томирлар. 2—178.

М. Қўшжонов. Адабиётда замонавийлик ва партиявийлик. 7—194.

И. Ғафуров. Достон устунли. 8—173.

С. Ғафуржонов. Тарих, инқилоб, замон. 2—181.

А. Ҳайитметов. Матншунослик муаммолари. 3—167.

ТАҚРИЗЛАР

И. Азимов. Болалар шериятининг кўзгуси. 8—193.

С. Жумабоева. Тўлқинли ижод. 5—197.

Н. Жумаев. Орзу, ҳаёт, кураш теран талқин топса... 3—190.

М. Жуманов. Қардошлик рисоласи. 3—195.

А. Ишаев, Р. Дониёров. Сўзлар хазинаси. 3—185.

Б. Йўлдошев. Машаққатли синов. 4—198.

Н. Каримов. Шуълалар қўйнида улғайган ижод. 5—187.

С. Мирвалиев. Замонага ҳамоҳанг ижод. 3—182.

М. Нишонов. Инқилоб тароналари. 3—196.

У. Раҳимов. Юракдан чиққан садолар. 7—191.

М. Сатторов. Сиз эшитмаган кўшиқлар. 7—192.

С. Содик. Ижод қадри. 8—188.

М. Тенглашев. Маърифат куйчиси. 2—186.

Д. Тўраев. Ҳаётбахш момақалди роқ. 3—191.

Н. Холлиев. Юрак ёнмоғи керак. 5—194.

О. Шарафиддинов. Курашларга чорлар шерият. 4—191.

Т. Шермуродов. Тўрғайлар парвози. 5—196.

Э. Шодиев. Машраб девонининг янги нашри. 4—195.

Ш. Шукуров. Қимматли асар. 8—190.

Н. Шукуров, С. Қораев. Қимматли тадқиқот. 2—188.

Б. Қосимов. Истеъдод жозибаси. 3—194.

С. Қосимов. Наҳот истаб, наҳот излаб... 5—191.

Ҳ. Ҳакимова. Ҳаракат — саҳна асарининг қалби. 8—196.

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

У. Долимов. Атоқли маърифатчи. 4—186.

А. Рустамов. Навоийнинг фаолиятдан бир лаўҳа. 2—201.

А. Уринбоев. Абдурахмон Жомийнинг хатлари. 2—195.

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

А. Абдуғафуров. Муқимийнинг насрий мактублари. 3—198

Л. Заславская. Асирликнинг оғир қис-
мати. 8—201.
Р. Иброҳимова. «Энг муҳими иш...». 8—198.
У. Исмоилов. Горький билан учрашув-
ларим. 4—200.
Ф. Сулаймонова. «Муғ дайри...» 5—199.
Т. Қодиров. Суғдиёнада халқ ҳаракат-
лари. 2—190.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

«Адлдир нарочан қайинлари...» 9—191.
Н. Бекмирзаев. Заҳматкаш, камтарин
инсон. 6—193.
А. Зирин. Қардошлик йўлидаги Фао-
лият. 7—183.
В. Зоҳидов, М. Маҳмудов. Талант шун-
дай учкунланади. 8—165.
С. Ирисхўжаева. Унутилмас кунлар та-
рихи. 12—165.
Н. Каримов. Илм йўлида. 7—184.
Н. Каримов. Теранлик. 11—176.
Ҳ. Назир. Сизга мудом айтар ширин
сўз. 12—167.
О. Назирова. Севимли адиб. 12—173.
Э. Охунова. Камолот сари. 8—168.
Таниқли ҳажвчи. 2—159.
О. Тоғаев. Тарихнинг жонли қиёфаси.
2—156.
О. Шарафиддинов. Ғабит Мусрепов.
3—172.
Н. Шукуров, А. Абдурахмонов. Сер-
қирра ижод соҳиби. 12—171.
Н. Шукуров, С. Мирзаев, Б. Валихўжа-
ев. Илмда шоир, шеърда олим. 5—170.
Н. Шукуров, С. Мирзаев, С. Ҳалимов.
Адабиёт тарихининг билимдони. 8—164.
Ш. Юсупов. Умр кўркамлиги 9—193.
К. Яшин. Ижодий навқиронлик. 7—181.
А. Қулжонов. Ижод заҳматини тортиб.
4—178.
А. Қулжонов. Камолот. 12—170.
Ҳаётбахш кулги йўлида. 8—169.
БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ
Р. Абдурашид. Навқирон шеърят.
11—183.
О. Абдуллаев. Нурли ижод. 10—199.
М. Али. Шоир ҳақида бир оғиз сўз.
11—181.
С. Баруздин. «Менинг адашим...»
9—200.
М. Гниломедов. Шоирнинг мардона ово-
зи. 1—197.

Т. Жўра. Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеъ-
рияти. 1—189.
Залилий. 11—180.
Б. Имомов. Жўшқин эди юраги. 7—189.
Р. Иноғомов. Бахт куйчиси. 7—185.
Р. Иноғомов. Халқ ҳаётининг солнома-
си. 5—174.
Р. Мамажонов. Революция сабабчиси.
8—171.
Э. Носиров. Рангларнинг ёрқин жил-
васи. 5—176.
Н. Раҳимов. Замонамизнинг улкан санъ-
аткори. 2—152.
Ғ. Саломов, О. Наҳанов. Эл назарига
тушган адиб. 3—179.

К. Турдиева. Болаларни севаман.
3—177.
К. Яшин. Ёдимда у ҳамиша шундай.
9—198.
М. Қўшмоқов. Эл жарчиси. 9—197.
Ҳ. Ғулом. Маслакдош, қуролдош.
1—192.
А. Ҳайитметов. Жаҳонотин Увайсий.
12—160.

ГУЛҚАЙЧИ

А. Абдувалиев. Ёмон одам йўқ. Ҳаж-
вий ҳикоя. 5—204.
И. Абдурахмонов. Елим. Ҳажвий я.
9—203.
Т. Адашбоев. Пародиялар. 9—204.
Т. Адашбоев. Суна. Шеър. 4—205.
Анор. Қизилтепа қишлоғида тонг. Ҳаж-
вий я. 2—203.
Т. Ашуров. Шоир ва ўғри. Ҳажвий я.
7—203.
Ж. Маҳмудов. Муҳокама. Ҳажвий я.
8—203.
М. Норбоев. Хонанда. Шеърлар.
11—205.
Ш. Отабоев. Навоийнинг «ҳамкасби».
Ҳажвий ҳикоя. 5—202.
М. Саримсоқов. Мен ҳам шуни айтмоқ-
чи эдим. 6—204.
О. Фармон. Ҳиндуча танишув. Ҳаж-
вий ҳикоялар. 1—202.
А. Шер. Мана сенга хушомад. 10—205.
Ўртоқлик ҳазиллари. 1—204; 3—204.
Р. Қодиров. Интеллект. Ҳажвий я.
4—203.
О. Қўчқорбеков. Тақлидчининг тўплами.
Шеър. 2—204.
А. Ҳатамов. Қандай қилиб ёзувчи бўл-
дим? 12—199.

МУНДАРИЖА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, Совет халқиға мурожаати	3
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг плenumsи тўғрисида информацион билдириш	6
Уртоқ Ю. В. Андропов нутқи	8
Уртоқ К. У. Черненко нутқи	10
Юрий Владимирович Андропов	14

СССРнинг 60 йиллигига

Иброҳим Раҳим. Ердаги қуёш	16
----------------------------	----

ДУСТЛИК ГУЛДАСТАСИ

Ҳамид Олимжон. Россия; Сергей Наровчатов. Капитан алёри; Ан- дрей Дементьев. Тошкент навбахори; Борис Олейник. Форму- ла; Нил Гилевич. Она диёр, Белоруссиям; Улжас Сулаймонов. Исмаат оқиннинг сўнги сўзи; Эмилиан Буков. Бугун ва эрта; Мирсаид Миршакар. Тўртликлар; Суюнбой Эралиев. Қирғиз; Биби Ораздурдиева. Почтальон; Ибройим Юсупов. Тўртлик- лар; Наби Ҳазрий. Сен ва мен; Жансуг Чарквани. Ғам че- ма; Арамаис Саакян. Карвонингдан адашма; Юстинас Мар- цинкявичюс. Мактаб илҳоми; Ояр Вацетис. Харсанг қоши- даги мовий чучмўма; Матс Траат. Таржимаи ҳол. Шеър- лар	21—34
--	-------

СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Ҳамид Ғулом. Дўстлик — илҳом чашмаси	35
Пиримқул Қодиров. Осмон каби очиқ ва юксак	36
Лазиз Қаюмов. Миннатдорлик туйғуси	37
Эркин Воҳидов. Қардошлик салтанати	38
Ҳалима Худойбердиева. Бир даража юксалиш учун	39
Муҳаммад Али. Шеърят машъали	40

ШЕЪРИЯТ

Асқад Мухтор. Янги китобдан. Шеърлар	42
Фарҳод Мусажонов. Бир қултум булоқ суви. Қисса	54
Шуқур Холмирзаев. Қил кўприк. Роман. Охири	112

ПУБЛИЦИСТИКА

Раҳима Аминова, Валентин Шаповаленко. «Уроқ ва болға» итти- фоқи мустаҳкамланмоқда	154
---	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Абдуқодир Ҳайитметов. Жаҳонотин Увайсий лирикаси	160
Соҳиба Ирисхўжаева. Унутилмас кунлар тарихи	165

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Ҳаким Назир. Сизга мудом айтар ширин сўз	167
Анқабой Қулжонов. Камолот	170
Нуриддин Шуқуров, Абдураҳим Абдураҳмонов. Ижод соҳиби	174
Ойдин Назирова. Севимли адиб	173

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Георгий Владимиров. Ҳаракатдаги интернационализм	175
Пирмат Шермуҳамедов. «Қорақалпоқ достони» тилга кирганди	180
Арслон Рустамов. Ишчилар синфи ва ҳозирги адабий жараён	193

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ҲУЖАТЛАР

Очил Тоғаев. Аёл бахти куйчиси	195
--------------------------------	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Абдусаттор Ҳатамов. Қандай қилиб ёзувчи бўлдим?	199
Маданий ҳаёт	201
Адабий журналлар декабрь ойида	202
1982 йил мундарижаси	202

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-
БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-
МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор
ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ,
Т. ТУЛА, УЙГУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙ-
ЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУ-
ҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ГУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 12

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1982.

Рассом **О. Арутюнов.** Тех. редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **А. Билолов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 4.10.82 й. Босишга рухсат этилди 22.11.82 й. Р-03330. Қоғоз
формати 70×108¹/₁₆. Қабариқ босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186134. Заказ № 4334.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Вайроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.